

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



**“ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИЖТИМОЙ СЕКТОРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА”**

мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция

ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ

15 май 2020 йил

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

СБОРНИК ТЕЗИСЫ ДОКЛАДОВ

Международной научно-практической конференции по теме
**«АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНОГО СЕКТОРА
ЭКОНОМИКИ: ОТЕЧЕСТВЕННЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ»**

15 мая 2020 года

MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
ANDIJAN STATE UNIVERSITY

COMPENDIUM OF ABSTRACTS OF THE

International scientific-practical conference on the topic
**«ACTUAL ISSUES OF THE DEVELOPMENT OF THE SOCIAL SECTOR
OF THE ECONOMY: DOMESTIC AND FOREIGN EXPERIENCE»**

May 15, 2020

АНДИЖОН – 2020

ББК: 65.01

УДК: 33.1

Иқтисодиётнинг ижтимоий секторини ривожлантиришнинг долзарб масалалари: миллий ва хорижий тажриба. Халқаро илмий-амалий конференция тезислар тўплами. – Андижон.: АДУ, 2020. -453 б.

Маъсул муҳаррир и.ф.д., профессор Қ.Х.Муфтайдинов

Таҳририят ҳайъати: и.ф.н., доц. У.И.Мараимова, и.ф.н., доц. И.Ю.Умаров

Тақризчилар: и.ф.д., доц. Н.И.Асқаров, и.ф.н. доц. С.М.Аъзамов.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953- сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини **“ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ”**даги фармонида шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни ижроси юзасидан хорижий ва республикадаги барча олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Мазкур тўпلامда Санкт-Петербургского государственного университета, President Gene Scan Inc., Houston, Texas, USA, ФГБОУ ВО «Российской академия народного хозяйства и государственной службы при Президенте Российской Федерации» Калужский филиал, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” ИТМ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқаруви Академияси, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райхон Беруний номидаги республика Бизнес ва бошқарув олий мактаби, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Хусусийлаштириш, рақобат ва корпоратив бошқарувни ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этиш маркази, Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази, Куролли кучлари академияси, Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ, “UzAuto Components” МЧЖ, “Prime Manage Trade” МЧЖ, хорижий ва олий ўқув юрт профессор-ўқитувчилари, олимлар ва тадқиқотчиларнинг илғор хорижий тажриба асосида саноат корхоналарида, инновацион иқтисодиётда аёллар тадбиркорлиги ҳамда персонални бошқариш механизмлари, ижтимоий секторни рақамли иқтисодиёт асосида ривожлантириш, инвестицияларни жалб этишда хориж тажрибалари, ижтимоий секторини ривожлантиришда маркетинг инструментларидан фойдаланиш методологиясига қаратилган тадқиқот натижалари тезисларида ўз ифодасини топган.

Конференция тезис материаллари иқтисодиётнинг ижтимоий секторини ривожлантириш билан боғлиқ институтлар ва илмий изланишлар олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходим-изланувчилар ва магистантлар ва талабалар учун мўлжалланган.

Мазкур тўпلامга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари маъсулдилар.

©Андижон давлат университети, 2020 йил.

ЦИФРОВАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ ГРАЖДАН РОССИИ: РЕАЛИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ В УСЛОВИЯ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Харчикова Наталья Валентиновна¹,

Салюк Ольга Игоревна, Александрина Екатерина Алексеевна²

¹Кандидат экономических наук, доцент кафедры общенаучных дисциплин

²Студенты 3-го курса, направление подготовки «Государственное и муниципальное управление»

ФГБОУ ВО «Российской академия народного хозяйства и государственной службы при Президенте Российской Федерации»,

Калужский филиал

E-mail: osalyuk1999@yandex.ru, katyusha_aleksandrina@mail.ru,

harchikova-nv@klg.ranepa.ru

Происходящий в настоящее время процесс модернизации отраслей экономики, относящихся к разряду традиционных на фоне сквозного проникновения информационных технологий и цифровизации экономических процессов формирует основу для применения новых подходов к аналитике, прогнозированию, принятию управленческих решений, и, соответственно, к формированию новой цифровой (или электронной) экономики.

В настоящее время в мир все больше и больше проникает «цифровизация». При этом активный переход к информационному обществу приводит к изменению образовательной парадигмы. Данная парадигма делает акцент на открытости и непрерывности образования, индивидуальном подходе, самообразовании и самообучении, информатизации сферы образования, что учитывается при разработке федеральных и региональных целевых программ, а также разнообразных проектов. Особо актуальными являются задачи, связанные с подготовкой граждан к жизни в условиях информатизации общества, формированием способности успешно социализироваться в данном обществе.

По мнению экспертов, основной проблемой является тот факт, что сейчас нет сертификации для повышения квалификации, и открыть центры обучения, в принципе, могут все, кому не лень. Этот процесс никак государством не контролируется, и, соответственно, качество подготовки «специалистов» вызывает много вопросов. Первым шагом к решению этой проблемы будет создание сертифицированных центров хотя бы для государственных предприятий.

Согласно мнению экспертов Всемирного экономического форума, внедрение новых технологий приведёт к тому, что к 2022 г. могут исчезнуть порядка 75 млн. рабочих мест [5]. К примеру, в процессе цифровизации сферы услуг может сократиться численность кадров, которые заняты деятельностью с клиентами и обработкой данных в бэк-офисах. В реальном же секторе

экономики сокращение рабочих мест коснётся административных должностей. Но, вместе с тем, благодаря технологическим инновациям дополнительно будут созданы 133 млн. рабочих мест в сферах, связанных с интеллектуальным и высокотехнологичным трудом, а также новыми технологиями (мобильный Интернет, искусственный интеллект, большие данные и облачные технологии). Стоит отметить, что в настоящее время лишь 9% работников можно заменить автоматизированными решениями. При этом, по оценкам специалистов, активное проникновение новых технологий может способствовать росту производительности труда, в среднем на 30% за период 2015–2022 гг.

В современных условиях хозяйствования и развития общества наиболее востребованными являются специалисты, которые работают с IT-системами. К таким специалистам следует относить дизайнера клиентского опыта (UX-дизайнеры); мобильного и Front-end-разработчика; scrum-мастера и agile-тренера; владельца продукта (product owner); fullstack-разработчика; инженера в области машинного обучения; DevOps-инженера.

Не маловажным является и тот факт, что с учётом быстрых темпов происходящих изменений, будет усиливаться взаимодействие компаний со сложными цифровыми экосистемами, которые охватывают целый ряд предприятий и технологий. При этом активизируется и усилится использование искусственного интеллекта, Интернета вещей или автоматизированных устройств. Благодаря этому уже в ближайшее время могут появиться новые сферы занятости и новые профессии. Как видно из рисунка 1, широкое распространение новой профессии на рынке занимает всего 15–20 лет.




Рисунок 1 – Процесс выхода профессии «на пенсию»

Как свидетельствуют данные «Атласа новых профессий» к 2030 г. могут исчезнуть 57 «традиционных» профессий, а появиться 186 новых [2]. Прогнозы

показывают, что 65% школьников и студентов, обучающихся в настоящее время, займут те должности, которых сейчас ещё нет. К 2025 г. наибольшим спросом будут пользоваться следующие профессии: дизайнер виртуальной среды обитания, адвокат по технологической этике, интерпретатор цифровой культуры, биохакер на фрилансе, аналитик IoT-данных. Позднее могут появиться ещё более технологичные профессии, к которым можно отнести гидов по космическим турам, персональных контент-менеджеров и дизайнеров человека [4].

Согласно данным PwC, дефицит квалифицированных специалистов, имеющих навыки и знания в ИТ-сфере сегодня выступает довольно серьёзной проблемой в процессе реализации проектов, связанных с цифровой трансформацией компаний [3]. Свыше 60% респондентов во всем мире и 56% в России отмечают, что серьёзный барьер для развития цифровой компетенции и цифровой экономики в целом связан с отсутствием специалистов, имеющих необходимую квалификацию. К числу таких навыков, респонденты относят обеспечение кибербезопасности, защиту данных, развитие бизнеса на базе новых технологий, формирование клиентского опыта, ориентированное на пользователя проектирование [3].

Кроме всего прочего, к 2021 г. будет наблюдаться дефицит тех специалистов, которые умеют правильно и эффективно использовать ИТ-технологии, и, особенно профессионалов, руководящих цифровыми проектами (рис. 2).



Рисунок 2 – Дефицит цифровых специалистов к 2021 г.

Как показывают данные консалтинговой компании AT&Kearney, в ближайшие пять лет вырастет спрос на таланты в области цифровых технологий и аналитики (рис. 3). В большей степени будет наблюдаться прирост в сфере масс-медиа и технологий (43%), финансовых услуг (36%), автомобильной промышленности (35%).

Для решения острой проблемы нехватки кадров для цифровой экономики в рамках реализации государственной программы «Цифровая экономика

Российской Федерации» был запущен федеральный проект «Кадры для цифровой экономики».



Рисунок 3 – Изменение спроса на цифровые таланты в различных отраслях

Цели федерального проекта связаны с:

–формированием системы трудовых отношений, нормативно-правовой базы, которая отражает цифровую реальность деятельности граждан;

–созданием вариативной системы аттестации компетенций трудовой экономики, которая была бы согласована с соответствующими профессионально-образовательными стандартами, национальной системой квалификаций;

–созданием системы основных образовательных программ, направленных на обеспечение цифровой грамотности населения, подготовку кадров для цифровой экономики, которая будет использовать ее инструменты и среды;

–реализацией стратегии образования на протяжении всей жизни, механизмами переподготовки, повышения квалификации и вовлечения в цифровую экономику госслужащих, педагогических работников, специалистов старше 50 лет, пенсионеров и инвалидов;

–формированием системы мотивации к участию в цифровой экономике России.

Таким образом, можно отметить, что происходящие изменения в России и мире, в части развития цифровой экономики, неизбежно влекут за собой и структурные изменения в спросе и предложении на специалистов в сфере IT-технологий, а это, в свою очередь, обуславливает необходимость принимать соответствующие меры на государственном и региональном уровне, которые были бы направлены на развитие, стимулирование и поддержание цифровой грамотности граждан.

Список использованной литературы:

1. Протокол президиума Правительственной комиссии по цифровому развитию, использованию информационных технологий для улучшения качества жизни и условий ведения предпринимательской деятельности от

28.05.2019 № 9 «Паспорт федерального проекта «Кадры для цифровой экономики»» [Электронный ресурс]. URL: <https://digital.gov.ru/uploaded/files/pasport-federalnogo-proekta-kadryi-dlya-tsifrovoj-ekonomiki.pdf>.

2. Атлас новых профессий -«Профессии-пенсионеры» [Электронный ресурс]. URL: <http://atlas100.ru/future/articles/professii-pensionery/>.

3. PWC - «Всемирное исследование Digital IQ за 2017 г.» [Электронный ресурс]. URL: <https://www.pwc.ru/ru/publications/global-digital-iq-survey-rus.pdf>.

4. Microsoft - “Future Proof Yourself. Tomorrow’s jobs” [Электронный ресурс]. URL: https://enterprise.blob.core.windows.net/whitepapers/futureproof_tomorrows_jobs.pdf.

5. WEF -“The Future of Jobs” [Электронный ресурс]. URL: <https://www.weforum.org/reports/the-future-of-jobs-report-2018>.

VISUALIZING SHORT-TERM STRATEGIES FOR ECONOMIC RECOVERY AND STABILIZATION FOLLOWING CATASTROPHIC GLOBAL IMPACT OF THE COVID-19 OUTBREAK

Raviprakash G. Dani

Doctor of Biological Sciences, President Gene Scan Inc.,
Houston, Texas, USA

ABSTRACT

Extending its outreach and perilous impact on every country of this world, the recent outbreak of Covid-19 viral disease has resulted in considerable human suffering and major economic disruption. According to the Organization for Economic Cooperation and Development (OECD), the annual global GDP growth is projected to drop to 2.4% in 2020, from an already weak 2.9% in 2019.

The coronavirus recession, also known as the Great Lockdown, is an ongoing severe global economic recession which began affecting the world economy in early 2020. Five sectors that remain most vulnerable are mining oil and gas, transportation, employment services, travel arrangements, and leisure and hospitality. A reduction in global economic activity has lowered the demand for oil, taking oil prices to multi-year lows. Fear surrounding the impact of COVID-19 on the global economy has hurt investor sentiment and brought down stock prices in major markets.

The International Monetary Fund (IMF) has concluded that many countries are facing a multi-layered crisis that includes a health crisis, a domestic economic crisis, falling external demand, capital outflows, and a collapse in commodity prices, adversely affecting macroeconomic indicators, the size of the economy, market capacity, purchasing power.

Supply shortages are expected to affect a number of sectors due to panic buying, increased usage of goods to fight the pandemic, and disruption to factories and logistics. In addition, it has also led to price gouging. There have been widespread

reports of supply shortages of pharmaceuticals, with many areas seeing panic buying and consequent shortages of food and other essential grocery items.

As of April 2020, the recession has seen staggering unemployment and the collapse of multiple state-funded beneficiaries for unemployed adults. The UN predicts that global unemployment will wipe out 6.7 per cent of working hours globally in the second quarter of 2020 – equivalent to 195 million full-time workers. In western nations, unemployment is expected to be at around 10%, with more severely affected nations from the coronavirus pandemic having higher unemployment rates.

Uzbekistan's Minister of Employment and Labor Relations Mr. Nozim Khusanov has recently elaborated how Uzbekistan is now facing an unprecedented dual threat for public health and economy following the spread of the coronavirus pandemic, that over 1.5 million are unemployed and with the lockdowns currently in place in the country. Over 150,000 citizens have already lost their jobs and more than 140,000 migrant workers have returned home without a source of income. More than 200,000 have now fallen below the poverty line.

Understanding how the global Coronavirus pandemic impacts marketing strategies is important in order to devise short-term measures.

In the shorter term, the question for many businesses in Asia, particularly small and medium enterprise, is survival. Consumer businesses have been reduced severely and many are finding themselves unable to repay or eliminate existing debt, if depressed demand persists.

As a short-term relief measure, just as in USA, governments need to provide a balanced stimulus to mitigate ongoing losses, empowering hard-hit citizens with means of immediate sustenance, and also build long-run investments necessary to build resilience in the economy to public health and environmental shocks.

Three important technological limitations will prevail, which must be enlisted as realistic conditions for all strategies. Firstly, the clearest and most immediate business impact of the coronavirus pandemic has been a major disruption to supply chains. Secondly, the spread of the coronavirus has caused several of the most important tech conferences to be canceled, likely resulting in numerous missed partnership opportunities. Thirdly, the growing need for remote interactions amid the coronavirus pandemic has highlighted, calling for immediate steps to adopt 5G technology, potentially accelerating stifled innovation due to forgone in-person business opportunities. Many employers have increased their reliance on enterprise teleconferencing tool such as Microsoft Teams, Google Hangouts and Zoom, as their employees switch to remote work due to public health concerns. We expect that employers' dependence on such tools during the coronavirus pandemic will strengthen the case for 5G connectivity in the home and in the office as enterprises recognize the value that teleconferencing tools offer.

In a different short-term strategy that could be helpful to many businesses at the current moment, Uzbekistan's Minister of Employment and Labor Relations Mr. Nozim Khusanov has urged an end to the Uzbek Cotton Pledge, a campaign to boycott Uzbek cotton signed by more than 300 companies since its initiation in 2007.

The textile sector is a major employer and Khusanov highlights that Uzbekistan's textile producers "have already mobilized in a short period to achieve a tenfold increase in the production of personal protective equipment (PPE) for the domestic market." Uzbekistan made PPE, he argues, could help fill in global shortages while also putting unemployed citizens back to work.

References

1. Anonymous, 2020. Improving the methodology of using marketing tools for the development of the social sector of the economy. https://en.wikipedia.org/wiki/three-sector_model
2. Anonymous, 2020. Socio-economic impact of the 2019–20 coronavirus pandemic <http://e-ced.ru/en/insights/map-of-the-attractiveness-of-investment-in-central-asia-and-the-south-caucasus/>
3. Anonymous, 2020. The biggest business impacts of the Coronavirus pandemic. <https://www.emarketer.com/content/the-biggest-business-impacts-of-the-coronavirus-pandemic-according-to-business-insider-intelligence>
4. Gamble, Joelle, 2020. Coronavirus Economy - How the government should act when public health concerns are economic ones too. <https://www.thenation.com/article/economy/corona-economy-market/>
5. Lee, Nee Yen, 2020. coronavirus impact on the global economy and markets so far. <https://www.cnbc.com/2020/03/12/coronavirus-impact-on-global-economy-financial-markets-in-6-charts.html>
6. Pritchkin, Stanislav., 2020. How Attractive are Markets in Central Asia and the South Caucasus? <http://e-ced.ru/en/insights/map-of-the-attractiveness-of-investment-in-central-asia-and-the-south-caucasus/>
7. Putz, Catherine, 2020. Beyond the Pledge: Is It Time to Lift the Boycott of Uzbek Cotton? <https://thediplomat.com/2020/04/beyond-the-pledge-is-it-time-to-lift-the-boycott-of-uzbek-cotton/>
8. Talbot, Paul, 2020. How The Coronavirus Pandemic Impacts Marketing Strategy. <https://www.forbes.com/sites/paultalbot/2020/03/19/how-the-coronavirus-pandemic-impacts-marketing-strategy/>

АЁЛЛАР ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

Бобаназарова Жамила Холмуродовна

Жиззах политехника институти профессори в.б., и.ф..д.

E-mail: jbobanazarova@.bk.ru

Мамлакатимизда аёлларга ғамхўрлик кўрсатиш, меҳнатга лаёқатли аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, улар билан яқка тартибда иш олиб бориш ва оилавий, хусусий тадбиркорликка кенг жалб этишда манзилли қўллаб-қувватлаш тизимлари самарадорлигини ошириш бўйича мувофиқлаштирилган ишларни амалга ошириш, иш билан самарали

бандлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 3 трлн. 242 млрд. сўм маблағ ажратилиб, 50000 дан зиёд аёллар касбий йўналишларда ўқитилди. 26000 оғир вазиятдаги аёллар ишга жойлаштирилиб, 10401 нафар ногирон аёл касаначи сифатида иш билан таъминланган бўлса, 2019 йилда эса 120 мингдан ортиқ тадбиркор хотин-қизларга жами 2 трлн. 700 млрд. сўмлик кредитлар берилди, 84 мингдан зиёд хотин-қизлар доимий иш жойлари билан таъминланди [1]. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳудудларда меҳнат бозорининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқиб, иш билан таъминлаш борасида ишларни тизимли йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, аёллар ишчи кучининг оиладаги меҳнат ва фарзандлар тарбиясини биргаликда қўшиб олиб борувчи ўзига хос мураккаб муносабатларнинг йиғиндиси эканлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари бўйича мамлакатда ишсизлик ўрта ҳисобда жами иқтисодий фаол аҳолининг 9,3 % ни ташкил қилади. Аёллар кесимида эса 13 % кўрсаткич қайд этилган, бу Ўзбекистонда ўртача 1 млн. атрофида ишсиз аёл бор дегани.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади” [2] деган фикрларни билдириб, ушбу соҳада ечими топилиши зарур бўлган масалалар талай эканлигини таъкидлаб ўтди.

Бу муаммонинг ечими сифатида аёллар иш билан бандлиги бўйича давлат сиёсатини амалга оширишнинг воситаси бошқарувнинг барча босқичларида иш билан бандликка кўмаклашишнинг миллий, ҳудудий ва маҳаллий дастурларни ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш ҳисобланади. Фикримизча, бугунги кунда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш уларнинг ишга жойлашишга иштиёқларини ошириш, иқтидор, имкониятларини рағбатлантириш лозим.

Бундан ташқари, БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенциянинг 14 - моддасига биноан мазкур конвенцияда иштирокчи давлатлар «Қишлоқ жойларида аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш юзасидан қуйидаги чора-тадбирларни кўришлари, чунончи: уларнинг расмий ва норасмий таълим олиш, тайёргарликдан ўтишнинг барча турларига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашлари, ёлланиб ишлаш орқали ёки мустақил меҳнат фаолияти орқали тенг иқтисодий имкониятларга эга бўлишлари, шунингдек жамоа фаолиятининг барча турларида иштирок этишларини таъминлашлари керак» [3].

Қишлоқ аёлларини иш билан таъминлашнинг самарали ижтимоий соҳадаги муаммоларини ўрганиш учун Қашқадарё вилоятининг Китоб,

Шахрисабз, Самарқанд вилоятининг Пастдарғом, Ургут, Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний, Эллиққалъа, Жиззах вилоятининг Пахтакор ва Зарбдор туманларида меҳнат кўрсаткичларини социологик баҳолаш асосида аниқ социологик тадқиқотлар ўтказилди. Сўровнома натижалари бўйича ҳудудий хусусиятларга хос инвестициялар жозибадорлигини ошириш (21,6 %) ва аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларига имконият яратиш (20,4%), янги иш жойлари яратиш (15,6 %), қисқартирилган иш кунида ишлаш (14,6 %) ва бошқа чора-тадбирлар (27,0 %) иш билан банд бўлишнинг асосий шарти ҳисобланмоқда. Кейинги ўринларда янги иш ўринлари яратган корхоналарга солиқ ва кредитлар бўйича имтиёзлар беришни такомиллаштириш (11,8 %), қишлоқ аёллари учун иш билан бандликни замонавий турларидан унумли фойдаланиш (19,5 %), аёллар ўртача иш ҳақи миқдорини ҳар бир тармоқнинг тариф тизими бўйича такомиллаштириш (18,3 %), иш вақтининг давомийлиги, серфарзанд аёллар учун уларнинг шароитларини ҳисобга олган ҳолда иш вақтини белгилаш (16,0 %) аёллар орасида иш билан бандлик даражасини оширишга эришиш мумкинлиги қайд этилган. Аёлларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш (8,4%), маҳаллаларнинг ихтисослашувини (хунармандчилик, тикувчилик, қайта ишлаш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш) ҳисобга олган ҳолда мини-кластерлар ташкил этиш (5,5 %) чора-тадбирлари энг паст кўрсаткич сифатида белгиланган.

Олиб борилаётган тадқиқотлар давомида Россия, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия сингари давлатларда аёллар иш билан бандлигининг замонавий меҳнат муносабатлари ўрганилди. Жанубий Кореяда “Иш билан бандликнинг масофавий меҳнат тури (telework) виртуал муносабат бўлиб, иш берувчи ва ходим ўртасида қисқа муддатли ишга ёллашнинг самарадорлигини ифодалайди, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи хотин-қизларнинг 32,2 % айнан мазкур хизмат тури билан шуғулланадилар” [4]. Кейинги йилларда мазкур давлатларда замонавий меҳнат муносабатларининг мослашувчан янги шакллари жорий этилмоқда, жумладан, масофавий меҳнат, фриланс, аутсорсинг, аутстаффинг. Бизнингча ривожланган давлатлар тажрибаси ва меҳнат муносабатларини кенг тадқиқ қилиш, амалиётда қўллаш иш билан самарали бандликни таъминлашга хизмат қилади.

Аёллар иш билан бандлигини ошириш механизмларини такомиллаштиришда тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- инновацион устувор соҳа фаолияти учун меҳнатга лаёқатли аёлларни тайёрлашга ва қайта тайёрлашга давлат буюртмаси тизимини ташкил этиш;

- тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантиришга асосланган ўзини ўзи банд қилишнинг замонавий турларини кенгайтириш;

- касбга йўналтириш тизимини ривожлантириш асосида уларни ишга жойлаштириш учун мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни ўз ичига олувчи самарали иш ўринларини сақлаш ва янги иш жойларини яратиш;

- иш билан банд аёлларнинг иш ҳақини ягона мажбурий суғурта тўловларидан озод этиш ва ишсизлик нафақасини энг кам истеъмол саватчаси миқдориغا тенглаштириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш (тармоқларда) ва аёлларнинг замонавий соҳаларни ўзлаштиришларига имкониятлар яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари. [http: // www.lex.uz](http://www.lex.uz).

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Тошкент оқшоми” 2018 йил 29 декабрь.

3. Женщины в сфере труда. Тенденции 2016 г. Резюме.-45 с.

4. [http: // www. ilo.org](http://www.ilo.org). Халқаро меҳнат ташкилотининг расмий сайти.

ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗДАН ЧИҚИШНИНГ ЯГОНА ЙЎЛИ-ИҚТИСОДИЙ ИММУНИТЕТНИ МУСТАҲКАМЛАШДИР

Абдувоҳидов Акмал

Гулистон давлат университети

Тарк қил бор нарсани, аълодурур жон ҳаммадан,
Жон камоли илмдандир, илмдандир сўлу соғ.
Жон агар бир шиша бўлса, илм — бир ёнгувчи шам,
Ҳикмати инсонни билгил ул чароғда лампаёғ.
Гар чароғ равшан эурса, сен соғ-саломат ҳам тирик,
Гар чароғ сўнса, сенинг ҳам ўлганингдир ушбу чоғ.

Абу Али ибн Сино

“Иммунитет” немисча сўз бўлиб, XVIII асрнинг биринчи ярмида маълум бир шахсларнинг жамиятда умум қабул қилинган қоида ва қонунларга бўйсунмаслик ҳуқуқини англатган. Давлатда алоҳида мақомга эга бўлган дипломатлар, депутатлар ва судьялар мазкур ҳуқуққа эга бўлганлар. Вақт ўтиши билан иммунитет сўзининг қўлланилиш соҳаси ҳам кенгая борди. У тиббиёт ва биология соҳасига ҳам кириб борди. XIX асрнинг иккинчи ярмида иммунитет - инсон организмнинг турли хил инфекция ва захарланишларга қарши кураша олиш қобилияти сифатида талқин қилинган бўлса, XX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб мазкур сўз, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида турлича маънода қўлланила бошланди. Иммунитет – ташқи таъсирларга қарши тура олиш, жамиятда кечаётган воқеа ва ҳодисаларга хотиржамлик ва совуққонлик билан муносабатда бўлишдир.

Иммунитет сўзининг келиб чиқиши асли лотин тилига боғлиқ бўлиб, турли мажбуриятлардан ҳолилик, мутлақо эркинлик маъносини билдиради.

Иқтисодий таълимотлар тарихида иммунитет- мулкдорнинг мол-мулки ва ерига давлат ҳокимиятининг турли мансабдор шахсларининг даҳл қили-шини чекловчи қироллик ёрлиғи сифатида талқин қилинган.

Иқтисодий ривожланишнинг бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий иммунитет тушунчасига қуйидагича таъриф беришни ўринли деб ҳисоблаймиз: “Иқтисодий иммунитет- бу алоҳида олинган мамлакат иқтисодиётининг реал воқеликда фавқулодда юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай молиявий- иқтисодий, ижтимоий- сиёсий,табiiий-экологик каби хавф-хатарларга қарши кураша олиш, уларнинг иқтисодиётга салбий таъсирини тезда бартараф этган ҳолда барқарор ривожланишни таъмин эта олиш қобилиятидир”.

Иқтисодий иммунитет ҳақида сўз борар экан, албатта барқарор ривожланиш ҳақида фикр юритишимиз ўринли бўлади, зеро ҳозирда коронавирус инқирози шароитида дунё мамлакатлари даражасида “барқарор ривожланиш” тўғрисида кўп гапирилмоқда. Бу борада дунё мамлакатлари қатор ҳужжатлар ва дастурлар қабул қилишяпти ва ўзларининг барча саъйи ҳаракатларини мазкур йўналишга сафарбар қилишяпти.

Барқарор ривожланиш тушунчасининг замирида нима ётади? Қуйида мазкур саволга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрамиз:

- барқарор ривожланиш келажак авлодларнинг эҳтиёжларининг қондирилишини шубҳа остига қўймаган ҳолда, бугунги эҳтиёжларнинг самарали тарзда қондирилишини ифода этади.

- барқарор ривожланиш инсонлар ва умуман олганда сайёрамизнинг келажакига таҳдид солувчи хавф-хатарларга қарши ҳатти –ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилишини кўзда тутди.

- барқарор ривожланишни таъминлаш учун уч асосий ташкил этувчи: иқтисодий ўсиш, ижтимоий интеграция ва атроф –муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўзаро уйғунликда ҳал этиш талаб этилади. мазкур компонентлар бир –бирлари билан узвий боғлиқ бўлгани ҳолда,алоҳида инсонлар ва яхлит ҳолда жамият фаровонлигини таъмин этишда фавқулодда муҳим саналади.


- барқарор тараққиётни таъминлашнинг зарурий талабларидан бири қашшоқлик ва унинг барча кўринишларига барҳам бериш ҳисобланади. бунинг учун, барчага бирдек кўшимча имкониятларни тақдим этиш, аҳоли даромадлари даражаси ўртасидаги тенгсизликни камайтириш, ижтимоий тараққиёт ва интеграциялашувга кўмаклашиш, аҳолининг базавий турмуш даражасини ошириш,табiiий ресурслар ва экотизимлардан барқарор фойдаланиш ва уларни оқилона ўзлаштириш имконини берувчи кенг қамровли ва барқарор иқтисодий ўсишни рағбатлантириш талаб этилади.

Бугунги кунга келиб, дунё мамлакатлари коронавирус пандемияси таъсирида дунё иқтисодиётини қамраб олган иқтисодий инқироздан имкон қадар тезроқ чиқиш йўллари ҳақида бош қотиришмоқда. Бу борада иқтисодчилар, сиёсатчилар, тиббиёт соҳасининг етакчи мутахассис ва олимлари ўз қарашларини илгари сурмоқдалар. Бир сўз билан айтганда барчамиз ўзига хос “вирусолог”га айланиб қолдик. Зеро, коронавируснинг қандай ҳолатларда инсонга юқиши, қандай ҳароратда вируснинг ўлиши, вирус юқиш хавфини камайтириш учун 1,5-2 метрлик ижтимоий масофани сақлаш лозимлиги ҳақида билимларимиз етарлича ошди. Бу албатта яхши,

таҳлилчиларнинг башорат қилишларича ҳар 15-20 йилда COVID-19 каби хавфли вируслар таъсирида инсоният янги эпидемияларни бошидан кечириши мумкин экан. Microsoft асосчиларидан бири Билл Гейтс Financial Times нашрига берган интервьюсида янги коронавирус пандемиясини инсоният ҳаётидаги энг жиддий синовлардан бири деб атади. Унинг фикрича, агар дунё мамлакатлари бундай пандемияга аввалдан тайёр бўлганларида, дунё иқтисодиёти бугунги кунда бу қадар катта йўотишларга учрамаган бўлар эди. Шунини қайд этиш лозимки, Билл Гейтс 2015 йилда Африка қитъасида Эбола эпидемияси кенг тарқалган бир пайтда, кейинги беш йилда инсоният бундан хавфлироқ эпидемияга дуч келиши ҳақида тўхталиб ўтган эди. Айтиш пайтда унинг башоратлари амалга ошди, ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда дунё коронавирус пандемияси сабаб мисли кўрилмаган ижтимоий-иқтисодий-сиёсий инқирозни бошидан кечирмоқда. Аввал юз берган иқтисодий инқирозлар талаб, таклиф ёки ликвидлик омилларидан бирининг таъсири остида вужудга келган бўлса, ҳозирда дунёда кечаётган ва кўпчилик мутахассислар томонидан “Буюк карантин”, “Қора оққуш ҳодисаси” деб аталаётган инқироз аввалги инқирозлардан фарқли ўларок, талаб, таклиф ва ликвидликнинг бир пайтда таъсири остида кечмоқда. Шу боис, мазкур инқирозни “учтаси бирда инқироз”-деб ҳам аташимиз ўринли бўлади. Дунё иқтисодиётида таъминот занжиридаги узилишлар сабаб истеъмол талаби ва ишлаб чиқариш таклифининг қисқариши, дунё фонд бозорида етакчи индексларнинг кескин пасайиши натижасида дунё мамлакатлари иқтисодиёти ва жаҳон хўжалиги катта йўқотишларга дуч келмоқда.

Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) 14 апрель куни эълон қилинган жаҳон иқтисодиёти прогнозига кўра, 2020 йилда глобал иқтисодиётнинг пасайиши 3 фоизни ташкил қилади. Бу глобал иқтисодиёт 0,08 фоизга қисқарган 2009 йилдан кейинги биринчи жаҳон рецессияси бўлади. ХВЖ прогнозига кўра, 2020 йилда рецессия 194 мамлакатдан 157 тасида қайд этилади. АҚШ иқтисодиёти 5,9 фоизга, еврохудуд - 7,5 фоизга пасаяди, Хитойда эса ўсиш 1,2 фоизгача секинлашади.

2020 йилнинг 1-чорагида Хитой ЯИМининг ўсиши (мавсумий тебранишларни ҳисобга олган ҳолда, %да)



1-расм. Хитойда ЯИМнинг ўсиши (2020 йилнинг 1-чораги) [1]

Венесуэла (-15 фоиз), Ливан (-12 фоиз), Греция (-10 фоиз), Хорватия ва Черногория (-9 фоиз) 2020 йилда энг кўп пасайиши кутилаётган иқтисодиётлар қаторига киради. “Биз шафқатсиз реалликка дуч келдик. Унда инфекциянинг экспоненциал ўсиши бир неча кун ичида 100 нафар касалланган одам 10000 га айланишини англатади”, - деди ХВЖ бош иқтисодчиси Гита Гопинат. Унинг таъкидлашича, ҳозирги инқироз аввалгиларига ўхшамайди. Иқтисодий ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар, эҳтимол, 2008-2009 йилларда глобал молиявий инқирозни келтириб чиқарган зарардан анча кўпроқдир. Уруш ёки сиёсий инқирозда бўлгани каби, пандемия қачон тугаши номаълум. Ялпи талабни рағбатлантириш бу сафар унчалик аҳамиятли эмас, чунки инқироз ҳукуматларнинг турли соҳалардаги ишларни чеклаш тўғрисидаги мажбурий қароридан келиб чиқади. “Бу йил дунё иқтисодиёти Буюк тушкунлик [1929-1933 йиллар] давридан бери энг чуқур рецессияни бошдан кечириши эҳтимолдан холи эмас”, - деди Гопинат. Унинг аниқлик киритишича, 2020 йилги инқирозни “Буюк ўзини ўзи изоляция қилиш” ёки “Буюк карантин”, деб аташ мумкин. Эпидемиологик инқироз натижасида жаҳон ялпи ички маҳсулотининг умумий йўқотиши 9 трлн. долларгача етиши мумкин, дейилади ХВЖ материалларида. Шунингдек, ХВЖ коронавирус билан боғлиқ вазиятнинг ривожини бўйича муқобил ҳамда пессимистик сценарийларни ишлаб чиқди. Масалан, пандемия 2020 йилнинг иккинчи ярмида ҳам тўхтамаслиги мумкин, бу ҳолда глобал иқтисодиёт янада пастлайди - жорий йил 6 фоизга. Агар пандемия 2021 йилда давом этса, глобал ЯИМ кетма-кет иккинчи йил пасайиши мумкин - яна 2,2 фоизга. 2021 йилда, ХВЖ бошланғич сценарийсига кўра, дунё иқтисодиёти пандемиядан тез тикланиб, 5,8 фоизга ўсади. Бу дунёда 1980 йилдан бери рекорд даражадаги иқтисодий ўсиш бўлади. ХВЖ Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсишлари бўйича янги прогнозларини ҳам эълон қилди. Унга кўра, 2020 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсиш суръати 1,8 фоизни ташкил қилади. Лекин 2021 йилда 7 фоизга чиқади. Инфляция 12,6 фоиз, келгуси йилда 10,6 фоиз бўлиши прогноз қилинган. Жорий тўлов баланси эса -9,4 фоизга тушиб кетади.

Жаҳонга машхур боксчи Майк Тайсондан “Сиз жанг қилиш стратегиянгни қачон ишлаб чиқасиз?”-деб сўрашганида, у “рақибим жағимга биринчи зарбасини бергандан кейин жанг стратегиямни ишлаб чиқаман”-деган экан. Худди шу каби бугунги кунда дунё иқтисодиёти коронавирус инқирозининг биринчи ва айтиш мумкинки, қақшатқич зарбасини қабул қилди. Мана шундай шароитда дунё мамлакатлари коронавирус инқирозига қарши курашиш борасида ўз чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқмоқда ва жуда катта маблағлар йўналтирмоқда.


Хусусан, Америка Кўшма Штатлари Сенати ва Президент Дональд Трамп администрацияси коронавирус пандемияси шароитида иқтисодиётни рағбатлантириш мақсадида 2 трлн. доллар маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди (2008 йилда Обама ҳукумати молиявий-иқтисодий инқирозга қарши курашиш дастури доирасида 787 млрд. доллар маблағ йўналтирган). Мазкур маблағларнинг 350 млрд. доллари кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга, 250

млрд. доллари ишсизликдан суғурталанишга, 46 млрд. доллари бевосита вирусга қарши курашишга йўналтирилади.

G @granadamaps

Source: 

GDP change in 2020 (provisional projections)




2-расм. Коронавирус пандемияси таъсирида 2020-йилда дунё мамлакатларидаги иқтисодий йўқотишлар (ЯИМга нисбатан фоизда) [2].

Бунга қўшимча тарзда коронавирус пандемиясидан катта талофот кўрган штатлар ва шаҳарларни қўллаб-қувватлаш, корхоналарнинг барқарор ишлашига кўмаклашувчи 500 млрд. долларлик фонд ташкил этиш, бундан ташқари, қонунда йиллик даромади 75 минг долларни ташкил этувчи америкалик катта ёшдаги солиқ тўловчиларга 1200 доллар ва ҳар бир фарзанд учун 500 доллар ажратиш ва бу мақсадлар учун 500 млрд. доллар сарфлаш кўзда тутилган.

A Breakdown of Coronavirus' \$2T Economic Stimulus

Distribution of CARES Act Budget by Category



Article & Sources: <https://howmuch.net/articles/breakdown-coronavirus-2t-economic-stimulus>
United States Senate - <https://www.senate.gov>

howmuch.net

3-расм. АҚШда коронавирус пандемиясига қарши курашиш чора-тадбирлари дастури доирасида ажратилаётган маблағларнинг тақсимланиши [3].

Йиллик ялпи ички маҳсулоти қарийб 21 трлн. долларни ташкил этувчи Қўшма Штатлар федерал заҳира тизимини қўллаб-қувватлаш ва унинг ликвидлигини таъминлаш учун қўшимча 4 трлн. доллар йўналтиришни кўзламоқда. Умумий ҳолатда АҚШ ҳозирги инқироз шароитида иқтисо-диётни қўллаб-қувватлаш учун мамлакат тарихида мислик кўрилмаган 6 трлн. долларлик маблағни йўналтирмоқда.

Европа Иттифоқи инқирозга қарши курашиш чора-тадбирларининг биринчи босқичида евро ҳудудга кирувчи мамлакатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 трлн. евро маблағ йўналтирмоқда. Бу маблағлар биринчи навбатда соғлиқни сақлаш, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий эҳтиёжларга сарфланади.

Россия Федерацияси ҳам коронавирус пандемияси таъсирида келиб чиққан иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш, иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларининг меъёрида ишлашини таъминлаш мақсадида мамлакат ЯИМининг 1,2 фоизини йўналтирмоқда (мамлакат ЯИМи 2019 йилда 1,66 трлн. АҚШ долларини ташкил этган).

Умуман олганда дунё мамлакатлари коронавирус инқирозига қарши курашиш чора-тадбирлари дастурлари доирасида ўз ЯИМининг 5 фоиздан 20 фоизгача бўлган қисмини йўналтирмоқдалар. Таҳлилчилар коронавирус пандемияси жиловланмас экан, бу кўрсаткичлар янада ошиши мумкинлиги ҳақида башорат қилмоқдалар.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам коронавирус пандемиясининг тарқалишини олдини олиш, унинг иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларига салбий таъсирини камайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 мартда “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ВА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ХОЛАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди.

Жамғарма маблағларидан қандай фойдаланилади?

10 ТРЛН. СЎМ

Иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш:

- Давлат кафолати остида жалб этилган **кредитларни сўндириш, фоизсиз бюджет сўдалари ажратиш орқали стратегик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;**
- Ташқи савдони амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари транспорт харажатларининг **бир қисмини компенсация қилиш;**
- Салбий таъсирга энг кўп учрайдиган тармоқлари ва соҳаларини, шунингдек, кредит портфели сифати ёмонлашган ҳолларда тижорат банкларини қўллаб-қувватлаш;**
- Уч йилгача фоизсиз бюджет сўдаларини ажратиш орқали **солиқ тўлаш муддатларини кечиктириш** ҳамда тадбиркорлик суस्ताшиши туфайли ҳудудий бюджетларда **олинмай қолмадиган даромадлар ўрнини тўлдириш.**

Тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш:

- Берилган кредитлар бўйича **кафиллик** ҳамда **компенсация** тақдим этишни кенгайтириш;
- Иқтисодий фаолликни ва бандликни кенгайтиришга қаратилган қўшимча инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, кичик саноат зоналарида муҳандислик коммуникацияларини куриш.**

Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштириш:

- Зарурий дори воситалари ва тиббий буюмлар, химоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш;**
- Карантинда сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;**
- Эпидемияга қарши курашда иштирок этаётган **тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш**, Республика санитария-эпидемиология хизматида қўшимча маблағлар ажратиш;
- Даволаш ва бошқа муассасаларни куриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш.**

4-расм. Ўзбекистонда коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича чора-тадбирлар [4].

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унга 10 трлн. сўм маблағ йўналтирилди.

Мазкур маблағлар биринчи навбатда, коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштириш; тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш: аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш; иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлашга йўналтирилиши белгилаб берилди.

Бугунги кунда ҳар бир мамлакат коронавирус пандемияси оқибатида келиб чиққан иқтисодий инқирозга қарши курашиш борасида ўз режа ва дастурларини амалга ошираётган бўлсада, мазкур дастурларда қуйидаги ўхшашликларни кўришимиз мумкин:

-деярли барча мамлакатлар бугунги кунда умумий овқатланиш корхоналари, сартарошлар, такси ҳайдовчилари, якка тартибда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи турли касб эгаларига ёрдам кўрсатмоқда. барча ҳукуматлар кичик бизнес эгалари, якка тартибдаги тадбиркорларга беғараз грантлар ва имтиёзли кредит маблағлари ажратмоқда.

-мамлакат фуқароларига тўғридан-тўғри пул маблағлари ажратиб берилиши йўлга қўйилмоқда. америка қўшма штатлари ҳар катта ёшдаги фуқарога 1200 доллардан, оиладаги ҳар бир болага 500 доллардан пул тарқатаётган бўлса, япония ҳукумати ҳам ҳар бир мамлакат фуқаросига 926 ақш доллари (100 минг иена)дан пул ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди (мамлакатимизда ҳам коронавирусга қарши курашиш доирасида японларнинг кундалик турмуш тарзига айланган 13 та қоидадан фойдаланиш катта самара бериши табиий). бундай йўл тутиш турли хил ўғирлик ва фирибгарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

-инқироздан катта зарар кўрган ва мазкур тоифага тушиб қолиш эҳтимоли катта бўлган корхоналарга молиявий кўмак кўрсатиш. бундай компаниялар қаторига дастлаб авиакомпаниялар туристик хизматлар кўрсатувчи корхонлар киритилган бўлса, бугунги кунга келиб мазкур рўйхатга бошқа тармоқ ва соҳаларнинг вакиллари ҳам қўшилмоқда.

-корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ имтиёзлари ва таътиллари тақдим этиш, уларнинг турли тўлов ва мажбуриятларини кечиктириш.

-ишсизлик нафақаларини кўпайтириш ва уларни олиш борасидаги талабларни енгиллаштириш. масалан, ирландия covid-19 туфайли иш жойини йўқотганларга ҳафтасига 350 евро нафақа тўлашни ваъда қилмоқда.

-корхоналар ва жисмоний шахсларнинг тўловларини кечиктириш, уларга кредит таътилларини тақдим қилиш.

-карантин туфайли тўхтаб қолган фирма ва корхоналарнинг ўз ходимларига иш ҳақини тўлаб беришлари учун уларга бюджетдан дотациялар ажратиш. буюк британия, нидерландия, чехия ҳукуматлари хусусий бизнес вакиллари иш ҳақларининг 80-90 фоизини бир неча ой давомида тўлаб бериш мажбуриятини олишган.

-ишдан бўшатилаётган ходимларга турли компенсация тўловларини тўлаб бериш.

-болалар боғчаси, мактаблар вақтинча ёпилганлиги муносабати билан ота-оналарга болар парвариши билан боғлиқ ҳақ тўланадиган таътиллار бериш. Францияда бюджет ҳисобидан ота-оналарга икки ҳафтагача муддатга меҳнат таътиллари берилмоқда.

-бир қатор мамлакатлар ҳаттоки режалаштирилган тадбирларнинг ортга сурилганлиги муносабати билан ҳам турли тўловларни амалга ошириш амалиётидан фойдаланмоқда.

Бу хил тадбирларнинг амалга оширилиши пандемиянинг кенг тарқалишининг олдини олишга, унинг оқибатида келиб чиқувчи иқтисодий оқибатларни имкон қадар юмшатишга хизмат қилади.

Бугунги кунда йирик халқаро ташкилотларнинг экспертлари, нуфузли мутахассис ва олимлар коронавирус пандемиясининг тез орада жиловланишига умид билдирмоқдалар. Албатта, пандемия эртами-кечми жиловланади, лекин пандемиядан кейинги дунё иқтисодиёти, жаҳоннинг сиёсий манзараси тубдан ўзгариши кундек равшан бўлиб қолди. Шу боис, биз бугунги кунда мамлакатимизнинг иқтисодий иммунитетини мустаҳкамлашга интилишимиз лозим бўлади.

Турли хил ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий силкинишлар даврида жамият ва мамлакат иқтисодиёти иммунитетини кўтаришга хизмат қилувчи барча мамлакатлар учун бирдек қўл келиши мумкин бўлган чора-тадбирлар дастури бўлмасада, Жаҳон банки куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди:

1. Кучли институтлар ва ижтимоий ҳамжиҳатлик- бу мамлакатнинг ҳар қандай хатарларга қарши тура олишини таъмин этувчи ўзига хос қалқон ҳисобланади. Дунёда барча мамлакатлар иқтисодий тушкунлик, жамиятда табақаланишнинг кескинлашиши, уюшган жиноятчиликнинг ўсиши каби салбий ҳолатларга дуч келишлари табиий ҳолдир. Мазкур таҳдидларга қарши кураша бориб, институтлар худди инсон организмнинг иммун тизими каби ўзини тутати. Шу боис, мамлакатлар кучли институтларни шакллантиришга ва жамиятда ижтимоий муҳитни соғломлаштиришга интилишлари талаб этилади.

2. Миллий ва халқаро даржадаги йирик институционал тузилмалар мамлакат ва дунё ҳамжамиятининг барқарор ривожланишига тўсиқ бўлувчи ҳар қандай хавф-хатарларга қарши курашиш борасида ўз имконият ва салоҳиятларини бирлаштиришлари талаб этилади. Европа Иттифоқининг Италия ҳукуматига ёрдамнинг кечиктириши оқибатида Италияда бугунги кунда вазият қанчалик салбий тус олганлигини бунга яққол мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин.

3. Энг аввало, аҳолининг камбағал ва иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларига ёрдам кўрсатиш. Беқарор ва ички зиддиятларга бой мамлакатларда инқирозли вазиятларга қарши курашишдан олинган асосий хулоса шундан иборатки, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш дастурлари энг аввало турли хил салбий шокларга нисбатан энг заиф

инсонларга йўналтирилмас экан, кўрилаётган чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермайди. Самарали ва манзилли ижтимоий ҳимоя тизими беқарорлик ва можаролар таъсирига қарши курашиш борасида ўзига хос биринчи ҳимоя чизиги ҳисобланади.

4. Барқарорлик ва иқтисодий тараққиёт йўлида мамлакатлар ва халқар ўртасида ижтимоий-иқтисодий интеграция алоқаларини янада кучайтириш. Минтақавий ёки халқаро миқёсда ўзаро интеграцион алоқа-ларни кенгайтириш мавжуд хавф-хатарларга қарши курашишда энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

5. Хавф-хатарларнинг таъсирини камайитириш, уларга қарши самарали курашишда маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари ва кенг жамоатчиликнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга мамлакатда қабул қилинган қонун ва меъёрлар доирасида мутсақил ҳаракатланиш ҳуқуқини тақдим этиш.

Дунё мамлакатларининг барқарор ривожланишни таъминлаш, шу жумлдан коронавирус пандемияси оқибатида келиб чиққан глобал инқирозга қарши курашиш борасида амалга ошираётган чора-тадбирларини таҳлил қилиш асносида мамлакатимизда глобал иқтисодий инқирозга қарши курашиш чора-тадбирларини қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

-билимлар иқтисодиётини ривожлантириш асосида иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида фан сиғимли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

-инсон капитали сифатини яхшилашга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни янада жадаллаштириш;

-иқтисодиёт соҳа ва тармоқларини, айниқса қишлоқ хўжалигини ресурс тежамкор технологиялар асосида ривожлантириш ва бунда асосий эътиборни яшил иқтисодиётга қаратиш;

-дунё иқтисодиётининг бундан буён тараққий этиши кўп жиҳатдан рақамли технологияларга боғлиқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва кибержиноятчиликнинг олдини олиш каби масалаларни ҳал этиш асосида рақамли иқтисодиётни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

-иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини модернизациялаш ва диверсификациялаш ишларини изчил давом эттириш, саноат ишлаб чиқаришининг технологик тузилмасини такомиллаштириш, юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматларни маҳаллийлаштириш имконини берувчи саноатлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш;

-халқаро меҳнат тақсимоти ва халқаро ихтисослашувнинг қонун ва қоидаларига амал қилган ҳолда, халқаро иқтисодий ва ижтимоий интеграцион жараёнларда фаол иштирок этиш;

-экологик ва турли пандемик хавф-хатарлар даражасининг тобора ортиб бориши шароитида ҳозир жавоб тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини доимий равишда такомиллаштириб бориш;

-аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, иқтисодий саводхонлик даражасини яхшилашга қаратилган таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва шу асосда таълим дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритиш;

-миллатларо тотувлик ва диний бағрикенглик асосида миллий урф-одатлар ва азалий қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш;

-фуқаролик жамияти ва жамоатчилик назоратини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва шу кабилар.

Юқорида тилга олиб ўтилган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши мамлакатимизнинг турли иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий хавф-хатарларга қарши курашиш борасидаги иммунитетини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хитой миллий статистика бюроси маълумотлари)
2. ХВЖ маълумотлари.
3. <https://howmuch.net/articles/breakdown-coronavirus-2t-economic-stimulus>)
4. <https://strategy.uz/>

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ КРАУДСОРСИНГА ДЛЯ РАЗВИТИЯ БИЗНЕСА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

академик АН РУз Гулямов Саидахрор Саидахмедович

доцент Охунов Дилшод Маматжонович

Центра повышения квалификации и статистических исследований при
Госкомстате РУз

E-mail: mamatdilshod@rambler.ru

Современный тип экономики влияет на все отрасли без исключения, начиная от розничной торговли и заканчивая образованием, энергетикой и многие другие. Ключевым элементом инфраструктуры современной экономики является цифровая экономика которая включает соответствующие цифровые технологии, а именно: Интернет вещей (IoT), большие данные (Big Data), робототехника, искусственный интеллект, мобильные устройства - все они видоизменяют способы экономических отношений и социального взаимодействия.

Несмотря на то, что влияние цифровой экономики на экономические процессы и отношения является очевидным, данный вопрос еще не является достаточно изученным и требует детального рассмотрения.

За последние годы в Узбекистане принят ряд принципиально важных документов. Согласно Постановлению Президента Республики Узбекистан №3832 от 3 июля 2018 года «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан» [6] нашей страной принимаются широкомасштабные меры по развитию цифрового сектора экономики, внедряются системы

электронного документооборота, развиваются электронные платежи и совершенствуется нормативно-правовая база в сфере электронной коммерции.

Существует не так много определений термина «краудсорсинг». Так, по Джеффу Хау «краудсорсинг (crowdsourcing, crowd - «толпа» и sourcing - «использование ресурсов») - передача некоторых производственных функций неопределенному кругу лиц, решение общественно значимых задач силами добровольцев» [1]. По мнению Л.В. Лapidус, краудсорсинг (crowdsourcing) в широком смысле - включение людей («толпы») в процесс создания, финансирования, производства, продвижения проекта (продукции, услуги) на добровольной основе с целью добавления потребительской ценности и получения прибыли за счет формирования дополнительного спроса на проект (продукт, услугу) или решения социально-значимых капитало-, трудо- и знаниеемких задач с использованием краудсорсинговой платформы [2,3].

Краудсорсинг в узком смысле можно рассматривать как новый тип производства, основанный на использовании коллективного разума, приводящий к синергетическому эффекту, благодаря переносу части производственных операций на неограниченную в пространстве и во времени «толпу» (людей - добровольцев), имеющих возможность выполнять возложенные на себя функции в удобное время в режиме 24/7 (24 часа 7 дней в неделю) из разных точек мира в сети Интернет (см. рис. 1).

Целесообразно выделить два типа краудсорсинга - для решения задач коммерческого и общественного секторов экономики [4,5]:

- коммерческий краудсорсинг;
- социальный (некоммерческий) краудсорсинг.
- Частным случаем коммерческого и некоммерческого краудсорсинга является краудсорсинг инноваций.

Краудсорсинг инноваций - вовлечение людей («толпы», краудсорсеров) в процесс поиска инновационной идеи (решения) проекта (продукта, услуги) с использованием краудсорсинговой платформы в среде Интернет на добровольной основе. Практики все чаще стали использовать термин «открытые инновации», что можно рассматривать в качестве конечного продукта краудсорсинга инноваций.




Рис. 1. Сущность краудсорсинга.

Обязательными признаками краудсорсинга инноваций являются

следующие.

1. Люди (краудсорсеры) выполняют работу на добровольной основе.
2. Активность краудсорсеров осуществляется в сети Интернет.
3. Краудсорсеры представляют собой разнородную «толпу».
4. Результатом работы краудсорсеров является инновационная идея (решение, проект, продукт, услуга).
5. Крауд-проект может преследовать как коммерческие, так и некоммерческие цели.

Например, «биржи идей», направленные на поиск инновационных идей по совершенствованию качества продукции (услуги), можно рассматривать как технологию краудсорсинга инноваций, являющегося частным случаем (формой) коммерческого краудсорсинга, т.е. направленного на повышение прибылей компании. Если же орган государственной власти запустил крауд-проект по сбору идей по разработке инновационного вида транспорта, то речь идет о некоммерческом краудсорсинге инноваций.

Эпоха цифровой экономики - эпоха новых возможностей и перспектив для развития бизнеса на основе активного использования информационных технологий и инновационных маркетинговых инструментов продвижения проектов, товаров и услуг в сети Интернет на основе технологий краудсорсинга. Отказ от электронных коммуникаций и инновационных технологий продвижения товаров, услуг на рынок на основе краудсорсинга может привести к потере контроля над охватом целевой аудитории, слабой обратной связи с потребителями и, что самое существенное, к невозможности конкурировать за сокращение транзакционных издержек.

Список использованной литературы:

- [1] Hollensen S. Global Marketing [Text] / Svend Hollensen. - Sixth Edition. - Pearson Education Limited. - 2014.
- [2] Лapidус Л.В. Краудсорсинг и краудфандинг: природа, сущность, особенности реализации крауд-проектов [Текст] / Л.В. Лapidус // Экономика и предпринимательство. - № 1 (78). - 2017. - С. 476-479.
- [3] Лapidус Л.В. Электронные технологии как инструмент управления инновационной мобильностью пассажиров [Текст]/Л.В. Лapidус// Экономика железных дорог. - № 12.-2015.
- [4] Аузан А.А. Экономика всего. Как институты определяют нашу жизнь [Текст] / А.А. Аузан. - М.: Манн, Иванов и Фербер, 2014.
- [5] Рифкин Дж. Третья промышленная революция: Как горизонтальные взаимодействия меняют энергетику, экономику и мир в целом [Текст] / Джереми Рифкин; пер. с англ. - 2-е изд. - М.: Альпина нонфикшн, 2015.
- [6] Постановление ПП-3832 «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан» от 3 июля 2018 года.


ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИЖТИМОЙ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тошпулатов Икболжон Адилжонович
Фарғона политехника институти, и.ф.ф.д.,
E-mail: iqboldoktorant@mail.ru

Ўзбекистон ва жаҳон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда деярли ҳар бир хўжалик юритувчи субъект англаб етганлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган корхоналарга инвестицияларни, хусусан, хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосга айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин эмас. Мамлакатни ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларининг жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир.

2019 йилнинг январ-декабр ойлари яқунларига кўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 95,1 трлн. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу умумий sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 28,7 % ни ташкил этди [1].

Хорижий инвестицияларни республикамизнинг барча тармоқларига жалб қилиш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратиш долзарб масала бўлиб, бу йўналишда кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ўтган йил яқунларига кўра, ҳудудлар бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг энг юқори ишлаб чиқариш ҳажмлари Тошкент шаҳрида (27 232,1 млрд.сўм) ва Тошкент (12 270,8 млрд.сўм) вилоятида кузатилган бўлса, энг қуйи кўсаткичлар Сурхондарё (782,0 млрд.сўм) ва Бухоро (834,9 млрд.сўм) вилоятларида қайд этилди (1-расмга қаранг).



**1-расм. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг sanoat ишлаб
чиқариш ҳажмлари, (2019 йил, млрд.сўм) [1]**

Хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнидаги мураккаб босқич сармоя жалб этиш ва уни сармоядорга қайтариш, яъни ҳамкорликнинг ўзаро олди-берди босқичи ҳисобланади. Олинган маблағни самарали ўзлаштириш ва фойда олиш улар учун муаммо ҳисобланмайди. Уларнинг ўз сармоялари кўйилган корхонани бевосита бошқаришда қатнашишга ёки бундай корхоналарни назорат қилишга интилишлари шу билан изоҳланади.

Айни кунларда бирмунча муҳим муаммолардан бири - янги маҳсулотлар ишлаб чиқара олиш ва ҳозирда тайёрланаётган товарлар сифатини кўтариш, уларни бозорга чиқара олиш ва сотишдир. Бундан келиб чиқадики, сармоя кўйишнинг асосий йўналиши илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишланмалари, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда маҳсулот сотиш тизимини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Бозор иқтисодиёти инвестицион лойиҳа рискларини баҳолашда комплекс ёндашувлар ва лойиҳавий молиялаштиришда қўлланиладиган барча инвестицияларнинг самарадорлик кўрсаткичлари тизимини ўрганишни талаб этади.

Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда, танлаб олиш ва амалга оширишда ички ва ташқи инвестиция имкониятларини таҳлил қилишда:

Биринчидан, албатта ҳар бир жалб этиладиган молиялаштириш манбаи қийматини пулнинг вақтли қиймати назарияси асосида баҳолашни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, лойиҳа бўйича номаълумликларни таҳлил қилиш, рискларни камайтириш усуллари белгилаш ва уларни олдиндан инвестициялаш иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тавсия этилади.

Учинчидан, инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашда соф дисконтланган меъёри, қопланиш муддати каби стандарт услуб кўрсаткичларидан фойдаланши зарур.

Тўртинчидан, ўз маблағлари ва хорижий шериклар, халқаро молия институтлари ресурслари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестицион лойиҳалар бўйича қарорлар қабул қилишда уларни жалб этиш нархларини аниқлаш асосида ресурс базасини баҳолашни ўтказиш зарур.

Шундай қилиб, иқтисодиётга ҳорижий сармояларни жалб этиш жараёнини оддий схема кўринишида қуйидагича баён этиш мумкин: стратегик мақсад, иқтисодий ҳисоб, таваккалчилик даражасини баҳолаш, уни энг кам даражага тушириш йўллари топиш. Агар фаолиятнинг бундай узвийлиги аниқ ва тўлиқ бажарилса, у ҳолда ҳорижий инвестициялар жалб этилишига умид қилиш мумкин.

Олиб борган изланишларимиз натижасида ҳудудларда хорижий инвестицияларни жалб қилишда қуйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди ҳамда таклифлар ишлаб чиқилди:

-инвестиция инфратузилмасини янада ривожлантириш, банклар, инвестиция фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини

рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;

-тадбиркорларнинг бизнес-кўникмаларини, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимларини юксалтириш ҳамда ҳудудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар фаолиятини янада ривожлантириш;

-тадбиркорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқаришда тижорат банклари, ҳудудлардаги савдо-саноат палатаси ва бошқа масъул идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш ва доимий назоратга олиш;

-лойиҳа ташаббускорлари молиявий-иқтисодий ҳолатининг ночорлиги-инвестиция дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш таклиф этилаётган лойиҳалар ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий ҳолатининг маҳаллий ҳокимликлар ва тижорат банклари томонидан чуқур таҳлил қилинишини талаб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти

**1-СЕКЦИЯ. ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА
БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.**

**1-СЕКЦИЯ. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НАПРАВЛЕНИЙ
ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ МЕХАНИЗМОВ
УПРАВЛЕНИЯ В ПРЕДПРИЯТИЯХ ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ.
1-SECTION. IMPROVING THE AREAS OF ORGANIZATIONAL AND
ECONOMIC MANAGEMENT MECHANISMS IN THE FOOD INDUSTRY.**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ
ИМКОНИАТЛАРИ ВА АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ**

Махмудов Носир Махмудович¹

Бўстонов Мансуржон Мардонакулович²

¹Тошкент давлат иқтисодиёт институти профессори, и.ф.д.

²Наманган муҳандислик-технология институт доценти, и.ф.н.

E-mail: bustonov1975@mail.ru

Республикада олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида қишлоқ хўжалигида турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритувчи субъектлар юзага келиб ривожланмоқда. Аграр секторда фермер ва деҳқон хўжаликларининг микдори ва ишлаб чиқаришдаги улушлари ортиб бормоқда. Айниқса, истеъмол бозорини картошка, сабзавот ва турли хил мевалар билан таъминлашда уларнинг хиссаси жуда каттадир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида нодавлат секторининг кучайиши ҳамда ривожланишига чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларининг ишлаб чиқаришини мазкур секторга кучганлиги ҳамда бундай маҳсулотларга давлат буюртмаларини бекор қилинишига асос солди [1].

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи республикада иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулотига қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Бу ҳолат мамлакатимизда саноатнинг индустриал тармоқларини ҳамда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш борасида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар натижалари билан изоҳланади.

Қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқаришида йирик товар хўжаликлари каторида куп микдорли аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликларининг шаклланиши ва фаолият курсатиши соҳада маҳсулот тайёрлаш тизимини ҳам тубдан янгиланишига ундамоқда. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш билан бир каторда уни тайёрлаш, сақлаш, кадоклаш ва истеъмолчиларга талофатсиз етказиб бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, тез бузиладиган

ва транспортда ташиши ноқулай булган маҳсулотларнинг қишлоқ хўжалигида етиштирилиши маҳсулот бозорига хизмат курсатиш тизимида рақобат мухитини кучайишини такозо этади. Чунки, ҳозирги вақтда республикада етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг бир қисми истеъмолчиларга етиб бормаяпти. Масалан, А.Аюповнинг маълумотларига қараганда мева-сабзавотларнинг 30% истеъмолчиларга етиб бормасдан нобуд буларкан [2].

Республика мева-сабзавотчилигида юзага келган бундай ноқулай шароитни бартараф этиш, соҳанинг барча инфратузилма тармоқлари ва маҳсулот бозорини такомиллаштиришни талаб қилади.

Умуман қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тайёрлов тизимининг паст суръатлар билан ривожланаётганлигининг асосий сабабларидан бири тайёрлов корхоналарида пул маблағларининг озлиги тара ва хизматлар ҳамда энергоресурсларнинг нархининг ошаётганлиги ва соҳада инвестиция оқимининг пасайганлигидир.

Дунё мамлакатларининг илғор тажрибаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг реализациясини улгуржи савдо бирларида тузиладиган фьючерс ва бошқа шартномалар орқали амалга оширилиши самаралироқлигини курсатмоқда. Бизнинг мамлакатимизда товар хом ашё биржаларида тузилган шартномалар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сотув хажмлари йил сайин ушиб бормоқда.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишда эркин, рақобатли бозор талаб даражасида шаклланмаган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш тизимини эркин бозор талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқиш лозим. Бунинг учун аввало, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўзида маркетинг масалалари билан мунтазам шуғулланадиган гуруҳлар ёки бўлимларни ташкил этиш, уларни эркин бозор маълумотлари билан мунтазам таъминлаш зарур.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш билан шуғулланувчи барча ташкилотларнинг, корхоналарнинг фаолиятини ривожлантириш, уларнинг бўлимларини ишлаб чиқаришга яқинлаштириш керак. Шундагина ортиқча харажатларга, нобудгарчиликка йўл қўйилмайди: қишлоқ хўжалик корхоналари тез айнийдиган маҳсулотларни 70-100 км. масофадаги заводларга ташиб, вақтдан юткармайди, ортиқча харажатлар қилмайди ва маҳсулот сифати ёмонлашмайди, маҳсулотларнинг кўпроқ, тезроқ, арзонроқ сотилиши таъминланади.

Натижада қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулотларининг ҳақини келишилган муддатларда олиш имкониятларига эга бўладилар, уларни хўжаликлар ишлаб чиқаришга сарфлаши натижасида ялпи ва товар маҳсулотларини кўпайтиришга эришадилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики / колл. авт.: Р.А.Алимов, А.К.Бедринцов, А.Ф.Расулов и др. Т.: Узбекистон, 2001.- (352с), 98-99 б.

2. Единая Холодильная Цеть Республика Узбекистан //Экспорт плодовошной продукции дехканских и фермерских хозяйств в Узбекистане: достигнутые результаты и перспективы развития. б.науч.стат.Ташкетн, 2002, с.128.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ШЎРЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ ҲОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИ

Сауханов Жанибек Казиевич

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети доценти, и.ф.н.

Бугунги кунда ҳосилдорликни ошириш ва унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаган ҳолда бозордаги мавжуд тангликни юмшатиш, аҳолини ўсиб бораётган талабини янада тўлароқ қондириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш долзарб йўналишлардан ҳисобланади. Мазкур тадқиқот иши айнан ҳосилдорликни ошириш бўйича юқори салоҳиятга эга бўлган Қорақалпоғистон Республикасида экологик тангликни маҳсулот етиштиришга таъсирини баҳолашга қаратилган.

Қорақалпоғистон Республикаси энг катта ҳудудларнинг бўлиб, унинг асосий қисми яйловларга тўғри келиши [1] ҳудудда айнан чорвачиликни ривожлантириш истиқболли йўналишлардан бирига сифатида қаралишини таъминлайди. Умумий тенденцияда кейинги йилларда республикада чорвачилик маҳсулотларини етиштириш бўйича статистик кўрсаткичлардан ўзига хосликлар кузатилмоқда, жумладан озуқа экинлари етиштириладиган жами экин майдони 2018 йилга келиб 2000 йилга нисбатан деярли 3.6 баробарга камайиши кузатилишига қарамадан, сатитисик маълумотлар ҳудудда мавжуд қорамоллар сони 2.7 баробарга, етиштирилган гўшт тирик вазнда 2.3 баробарга ошганлигини тасдиқламоқда. Мазкур кўрсаткичлар асосида орасидаги нисбат, хусусан қорамоллар сони ошиши билан етиштирилган гўшт ўсиши нисбати маҳсулотдорликни бироз камайганлигини кўрсатади [2].

Келтирилганларни инобатга олган ҳолда ҳудудда ерларни шўрланиш даражасини ҳосилдорликни ошишига таъсирини баҳолаб ўтиш мақсад қилинган. Мазкур таҳлилни амалга ошириш учун даставвал ерларни шўрланиш даражасини деҳқончилик ҳамда ем-хашак маҳсулотлари етиштиришга таъсири баҳолаб ўтилади. Тадқиқот доирасида амалга оширилган кузатиш ва ўрганиш натижаларини кўрсатишича чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш орасида боғлиқлик мавжуд. Чунки, ҳудудда чорвачиликни ривожини ҳамда маҳсулот етиштириш ҳажминини оширишда деҳқон хўжаликлари (уй-хўжаликлари) асосий субъект сифатида майдонга чиқади ва мавжуд қорамолларнинг 94.0 фоизи, тирик вазнда етиштирилган гўштининг 96.0 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади. Улар ўз навбатида қорамолларни боқишда яйловлар, томарқасида етиштирилган ем-хашак экинлари ҳамда бошқа деҳқончилик маҳсулотларидан фойдаланишади.

Эконометрик тенгламалар системаси таҳлилни амалга ошириш учун 2000-2018 йилларда маҳсулот етиштириш ҳажми олинган бўлиб, уларга ерларни шўрланиш даражаси таъсири баҳоланган. Ерларни шўрланиш даражаси эса уч гуруҳга ажратилган яъни, S_1 - кам шўрланган, S_2 - ўртача шўрланган, S_3 - кучли шўрланган [3].

Регрессион таҳлил натижалари куйида келтирилган 1-эконометрик тенгламалар системасида келтириб ўтилган.

$$\begin{cases} Y_{ar} = 2902.6 - 30.6 \cdot S_1 - 51.1 \cdot S_2 - 18.7 \cdot S_3 \\ Y_{ma} = 22533.4 - 300.6 \cdot S_1 - 321.6 \cdot S_2 - 1651.9 \cdot S_3 \\ Y_{kar} = 88832.1 - 861.9 \cdot S_1 - 1042.0 \cdot S_2 - 7072.9 \cdot S_3 \\ Y_{pol} = 192930.2 - 2050.2 \cdot S_1 - 2290.1 \cdot S_2 - 14253.2 \cdot S_3 \\ Y_{bug} = 1063136.0 - 11519.1 \cdot S_1 - 16408.9 \cdot S_2 - 6765.7 \cdot S_3 \\ Y_{bd} = 1066445.0 - 11550.5 \cdot S_1 - 16465.9 \cdot S_2 - 6769.1 \cdot S_3 \\ Y_{dd} = 1165978.0 - 13291.0 \cdot S_1 - 13997.9 \cdot S_2 - 312.1 \cdot S_3 \end{cases} \quad (1)$$

Бу ерда: Y_{ar} -етиштирилган жами арпа миқдори (тонна), Y_{ma} -етиштирилган жами маккажўхори миқдори (тонна), Y_{kar} -етиштирилган жами картошка миқдори (тонна), Y_{pol} -етиштирилган жами полиз миқдори (тонна), Y_{bug} -етиштирилган жами буғдой миқдори (тонна), Y_{bd} -етиштирилган жами бошоқли дон экинлари миқдори (тонна), Y_{dd} -етиштирилган жами дуккакли дон экинлари миқдори (тонна),

Келтирилган таҳлиллар аниқланган коэффицентларни адекватлигини ва уларни энг паст кўрсаткичи 90 фоиз ишонч оралиғига тўғри келишини кўрсатмоқда. Бундан кўринадики мазкур коэффицентлардан кейинги таҳлилларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Аниқланган регрессион тенгламалар асосида ҳудудда шўрланган ерларни бир фоизга ошишини ўсимликлар етиштириш ҳажмига таъсирини баҳолаб ўтамыз.

$$\begin{cases} Y_{ar} = 2902.6 - 30.6 \cdot S_1 - 51.1 \cdot S_2 - 18.7 \cdot S_3 = 2802.2 \\ Y_{ma} = 22533.4 - 300.6 \cdot S_1 - 321.6 \cdot S_2 - 1651.9 \cdot S_3 = 20902.4 \\ Y_{kar} = 88832.1 - 861.9 \cdot S_1 - 1042.0 \cdot S_2 - 7072.9 \cdot S_3 = 79855.2 \\ Y_{pol} = 192930.2 - 2050.2 \cdot S_1 - 2290.1 \cdot S_2 - 14253.2 \cdot S_3 = 174336.8 \\ Y_{bug} = 1063136.0 - 11519.1 \cdot S_1 - 16408.9 \cdot S_2 - 6765.7 \cdot S_3 = 1028442 \\ Y_{bd} = 1066445.0 - 11550.5 \cdot S_1 - 16465.9 \cdot S_2 - 6769.1 \cdot S_3 = 1031660 \\ Y_{dd} = 1165978.0 - 13291.0 \cdot S_1 - 13997.9 \cdot S_2 - 312.1 \cdot S_3 = 1138377 \end{cases}$$

Ҳисоб китоб натижаларидан кўринадики шўрланган ерларнинг бир фоизга ошиши арпа етиштириш ҳажмини 2902.6 тоннадан 2802.2 тоннага яъни 3.5 фоизга камайтиради. Маккажўхори етиштириш ҳажмини 10.1 фоизга, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштиришни, мос равишда 10.1 ва 9.6 фоизга камайишига сабаб бўлади. Шўрланишдан кучли таъсирланувчи ўсимликлар сифатида дон экинлари қаралади, чунки буғдой, бошоқли дон ва дукакли дон

экинларининг шўрланган ерларнинг бир фоизга ошишидан йўқотиш ҳажми мос равишда 1028442, 1031660 ва 1138377 тоннани ташкил қилади.

Таҳлил натижаларидан кўринадик деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш билан чорвачилик маҳсулотлари етиштириш орасидаги мусбат боғлиқлик мавжуд. Асосан, маккажўхори, картошка ва полиз экинлари етиштиришнинг чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга таъсири анча кучли эканлиги, яъни корреляция коэффициентлари 0.9 катта ва бирга яқинлигини кузатиш мумкин. Бошқа томондан эса юқоридаги таҳлил натижалари асосида амалга оширилган ҳисоб-китоблар ерларни шўрланиш даражаларини бир фоизга ошиши ушбу маҳсулотларни етиштириш ҳажмини тахминан 10 фоизгача камайтириши аниқланди. Бошқа маҳсулотларда мазкур кўрсаткич 3-3.5 фоизни ташкил қилади. Умумий хулоса қиладиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикасида ерларнинг шўрланиши аҳолини асосий қисмини даромад манбаи бўлган деҳқончилик, хусусан чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Ушбу ҳолатда ерларнинг шўрланиши икки томонлама таъсирга эга бўлиб, бир тарафдан аҳоли даромадини кам бўлишига сабаб бўлаётган бўлса, бошқа томондан асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмига таъсир кўрсатиш асосида аҳоли даромадларини тўлақонли қондирилишига сабий таъсир қилиб келмоқда.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИК: бугунги ҳолат, муаммолар ва тараққиёт истиқболлари. аграр секторни ривожлантириш тенденциялари нуқтаи назаридан таҳлил. Тошкент, 2010.

2. Сауханов Ж.К. Атаев Ж.Э. Гўшт етиштиришда яйловлардан фойдаланиш самардорлигини эконометрик баҳолаш. AGRO ILM: – Тошкент, 2020. - № 2[65]. – Б. 108.

3. Сауханов Ж.К. Қишлоқ хўжалигида ташқи самара (экстерналий)лар таъсирини оптимал тарзда тартибга солиш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида). Монография. – Тошкент: Фан, 2013.-144 б.

ЎЗБЕКИСТОНДА КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Маматов Ахметжон Атажанович¹

Умаралиев Алишер Махмутаевич²

¹Ўзбекистон Республикаси МГ ҲТИ, кафедра профессори,

²Ўзбекистон Республикаси МГ ҲТИ, кафедра катта ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 9 октябрда “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199-сонли фармони [1] қабул қилиниши фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш, фермер хўжаликларини 2018-2021 йиллар мобайнида босқичма босқич тўлиқ кўп тармоқли хўжалик юритиш шаклига ўтказиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Мамлакатимизда бугунги кунда 160 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 30 фоиздан ортиғи мазкур хўжаликлар ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, сўнгги йилларда фермер хўжаликлари томонидан ўртача 7 миллион тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион тоннадан ортиқ пахта хомашёси етиштирилмоқда. Шунингдек, мева-сабзавот, узум, полиз ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Ушбу соҳада бозор муносабатлари тамойилларига жавоб берадиган ҳуқуқий асослар яратилган.

Ҳаракатлар стратегиясида фермер хўжаликлари, жумладан, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ва рағбатлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Унга кўра, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларга зарур шароит яратиш, фермер ва деҳқонларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [2].

Кўп тармоқли фермер хўжалиги ташкил этишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдан ташқари қўшимча тармоқ сифатида аҳолига маиший хизмат ёки транспорт хизматлари кўрсатиш ёхуд ишлаб чиқарилган бир турдаги маҳсулотдан қуриштириш, қайта ишлаш натижасида бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш (масалан, чорвачиликда сутни қайта ишлаб, қадоқланган қатиқ, қаймоқ, сарёғ, творог, пишлок ёки гўштдан консерва маҳсулотлари) каби соҳаларда ўз фаолиятини кенгайтириши назарда тутилади.

Стратегик лойиҳаларни бажариш учун 1,6 триллион сўм қийматидаги маблағ талаб этилади. Мазкур маблағларнинг 609 миллиард сўми тижорат банклари кредитлари ҳисобига қопланиши назарда тутилган. Ушбу дастурнинг ижроси натижасида туман ва қишлоқ жойларда 84 мингга яқин янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликлари сони 96 мингга, яъни жами фермер хўжаликларининг 60 фоизига етиши кутилмоқда [3].

Бу тадбирлар фермер хўжаликларида мавжуд ер-сув, меҳнат ресурслари, табиий иқлим омилларидан самарали фойдаланган ҳолда юқори даромадли ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун шарт-шароит яратилади.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришни рағбатлантириш, қишлоқда қўшимча ишчи ўринларини ташкил қилишни кўпайтириш мақсадида асосий фаолият билан боғлиқ қўшимча тармоқларни йўлга қўйган, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш, сақлаш, ташиш, қишлоқ хўжалиги хизматлари кўрсатиш билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари учун қўшимча фаолиятдан олинаётган даромаднинг жами даромаддаги салмоғидан қатъий назар ягона ер солиғи тўлаш тартибини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ.

Фермер хўжаликларида кўп тармоқли фаолият билан шуғулланувчи корхоналар учун солиқ солишининг соддалаштирилган тизими белгиланиши алоҳида масала ҳисобланади. Шунинг учун масаланинг муҳим томони суистеъмолликларни мумкин қадар истисно этувчи чуқур ўйланган ва оқилона ташкил этилган тизимни барпо этишдан иборат.

Фермер хўжаликларида кўптармоқли фаолиятни ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш мақсадида уларни сотиб олган асосий восита (жиҳоз, техника воситаси) қийматига тенг равишда барча солиқ ва тўловлардан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) озод этиш тартибини жорий этиш ҳам уларни маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйишга рағбатлантиради.

Ҳаракатлар стратегияси бўйича бу йўналишда фермер хўжаликлари маблағлари, тижорат банклари кредитлари ҳисобига жами 532 346,0 млн. сўм маблағ сарфлаш эвазига қуйидаги тадбирларни амалга ошириш белгиланган [3]:

- ◆ 13000 гектар янги интенсив боғ ва 7300 минг гектар тоқзорлар ташкил қилиш, 15400 гектар боғ ва 9000 гектар тоқзорларни реконструкция қилиш;
- ◆ мевали боғлар ҳосилдорлигини камида 3-4 мартага ошириш;
- ◆ мавжуд паст рентабелли боғ ва тоқзорларни босқичма-босқич, йилига 10 фоиздан ёки 26400 минг боғ ва 14100 минг тоқзорларни интенсив усулга ўтказиш эвазига 2020 йилга бориб уларнинг салмоғини 30 фоизга ошириш;
- ◆ янги ташкил этилаётган ва мавжуд интенсив боғ ва тоқзорларга йилига 5,7 минг гектардан томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш;
- ◆ республика шароитига мос пакана ва ярим пакана дарахт кўчатлари ва пайвантаклари етиштириш ҳажмини камида 7000 мингтага ошириш;
- ◆ дунё бозорларида талаб юқори бўлган экспортбоп интенсив боғ мевалари кўчатлари навларини синаш ва уларни республикада экишга тавсия этиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритиш ва бошқалар.

Айни пайтда кўп тармоқли фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни ривожлантириш ҳисобига қўшилган қиймат яратиш имкони кенгайди. Бизнингча, бу борада фермер хўжалигига тадбиркор сифатида – ягона мақсад қўйилади. Бу мақсад орқали фермер хўжалигининг ихтиёрида бўлган мавжуд ер-сув, меҳнат ресурслари, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, техника воситалари, иш кучидан унумли фойдаланиб, хўжаликнинг даромадлилик даражасини юксалтиришга ва юртимиз дастурхонларининг тўкин-сочинлигига эришилади.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини оширишда қуйидаги йўналишларда ишларни амалга ошириш талаб этилади:

- мавжуд асосий ва айланма воситалардан фойдаланишда тежамкорлик тамойилига, агротехнология қоидаларига риоя қилиш;
- қишлоқ хўжалиги экин турларининг ҳосилдорлигини, чорва молларининг маҳсулдорлигини муттасил ошириб бориш.
- техника, асбоб – ускуналардан фойдаланишнинг сменалик коэффициентларини кўтариш, асосий фондлар таркибини модернизациялаш ва

такомиллаштириб бориш, асосий ва айланма фондлар мутаносиблигини таъминлаш;

➤ меҳнат фаолиятини мунтазам равишда интенсив ривожлантириш, ишлаб чиқаришга малакали ишчиларни жалб қилиш, ишчи ва ходимларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш;

➤ меҳнатга моддий ва маънавий рағбатлантириш шакллари ривожлантириш, меҳнат шароитини яхшилаш;

➤ ишловчиларнинг меҳнат қилиш фаоллигини ошириш, меҳнат интизомига риоя қилиш ва уни мустаҳкамлаш ҳамда бажарилган иш натижалари бўйича уларнинг масъулиятини ошириш;

➤ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини ташкил этиш орқали кўп тармоқли, ёрдамчи, саноат, хизмат кўрсатиш корхоналари ва касаначиликни ривожлантириш.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги таклифларни шакллантиришга муваффақ бўлинди:

1. Барча субъектлар ўртасидаги шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар масъулиятини ошириш.

2. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизминини такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш.

3. Сув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш.

4. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш. Қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, янги ва истиқболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берадиган навларни жойлаштириш.

5. Кўп тармоқли фермер хўжаликларига сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.

6. Қишлоқ хўжалигида молия-кредит, солиқ ва суғурта тизимини такомиллаштириш:

✓ давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштиришни асосан имтиёзли кредитлаш орқали молиялаштириб бориш тизимини такомиллаштириш;

✓ пахта ва ғалладан бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни кредитлаш механизминини такомиллаштириш;

✓ қишлоқ хўжалиги учун техника, эҳтиёт қисмлар, насли чорва моллари, уруғлик ва кўчатлар, замонавий технология ва ускуналар, дори-дармон, кимёвий препаратлар импорт қилишда солиқ ва божхона имтиёзлари тизимини янада кенгайтириш;

✓ қишлоқ жойларга кичик саноатни жалб қилишда солиқ имтиёзлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш;

✓ унумдорлиги паст бўлган, шунингдек, насослар билан суғориладиган майдонларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжалиklarини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириб бориш.

7. Кўп тармоқли фермер хўжалигида моддий, меҳнат, ер-сув ресурсларидан тежамкорлик асосида фойдаланиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрда “Фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199-сонли фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (www.stat.uz).

ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Рузиева Ирода Батировна

“Пахтасаноат илмий маркази” АЖ мустақил изланувчиси

E-mail: iroda.ruziyeva@gmail.com

Бугунги кунга келиб, юқорида қайд этиб ўтилганидек, корxonанинг стратегик бошқарув тизими мазмунининг мунозарали илмий талқинларини саноат корxonалари самарадорлигини таъминлашда ушбу тизимнинг назарий ва амалий аҳамиятини англаш йўлидаги тўсиқлардан бири сифатида қараш мумкин. ХХ асрнинг 90-йиллари бошидан бошлаб рақобат шароитида ўзига хос тавсифга эга ҳолда корxonанинг устунлигини аниқлаш учун олдингиларига солиштирилганда ҳамда амалий механизмлар ва манбаларни тадқиқ қилиш учун кўпроқ мос келадиган стратегик бошқарув соҳасида корxonанинг ривожланишида ресурс концепцияси устунлик қила бошлайди. Кейинчалик корxона стратегик бошқарув жараёнини ички ресурсларни ҳисобга олиш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу бошқарув концепциясини амалга ошириш давомида корxона ўз маҳсулотларига бўлган талабни юзага чиқариш ва ташқи муҳитда бизнес шароитларига таъсир кўрсатишга анча қодир деб ҳисобланади.

Муайян режалаштириш тартиби тўқимачилик корхонасини ривожлантириш стратегияси учун хос бўлиб, у қуйидаги ҳаракатлар кетма-кетлигини ўз ичига олади:

-ташқи муҳитга оид ривожланиш стратегиясининг сценарийларини ишлаб чиқишга асос бўладиган тўқимачилик саноати ичидаги глобал тавсифдаги ўзгаришларини ҳисобга олиш, истемол тузилмасидаги силжишларни, глобал даражадаги технологиядаги инновацион ўзгаришлар ва бошқаларни ҳисобга олиш асосида тўқимачилик корхонасининг ташқи муҳит ҳолатини батафсил таҳлил қилиш;

-устувор муваффақият омилларини аниқлашни ҳисобга олган ҳолда тўқимачилик корхонасининг мавжуд ички ресурслари ва имкониятларини чуқур таҳлил қилиш;

-тегишли идоралар ва етакчи ходимларга мақсадлар билан танишиш жараёнини ташкил этишни ўз ичига олган тадбирларни белгилаш;

-йирик корхона иерархиясининг барча даражаларида белгиланган мақсадларга эришиш чора-тадбирларнинг тўлиқ ва зарур рўйхатини шакллантириш ва бюджетни тузиш;

-корхонанинг барча даражалари ва бўлинмаларида мақсадларга эришиш жараёни бўйича назорат тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

Стратегик бошқарув илмий йўналиш ва менежментни ташкил этишга инновацион ёндашув сифатида 20-асрнинг 60-йилларида пайдо бўлди. Бирок, шу вақтга қадар стратегик бошқарув энг аввало қуйи даражадаги - корхоналар, фирмалар, ташкилотлар каби бозор субъектларини бошқариш вазифаси сифатида қаралади. 1972 йилда "Стратегик бошқарув" концепциясини қўллаш амалиётда дастлаб қўлланилган дейиш мумкин (АҚШ тадқиқотчилари Д. Шендел ва К. Ж. Хаттен ушбу атамани ўз мақолаларида айтиб ўтдилар). Кейинчалик кўпгина чет эл олимлари стратегик бошқарувнинг моҳиятини ўргана бошладилар ва бу тушунчани ўз нуқтаи назарларидан аниқладилар [1]. Г. Б. Клейнернинг таърифига кўра, "стратегик бошқарув - бу бизнес муваффақиятига эришиш учун компания стратегиясини шакллантириш, амалга ошириш ва ўзгартириш жараёнларига асосланган корхонани бошқариш бўйича қарашлар ва тавсиялар тизимидир"[2]. И.Ансофф ўзининг "Корпоратив стратегия" китобида стратегик бошқарувни "билиш усули, унинг бошланиши стратегик ташхис, давоми-қўшимча чора-тадбирлар йўли ва авж нуқтаси - янги маҳсулотлар, янги бозорлар ва технологиялар, шунингдек, янги имкониятлар».- сифатида талқин қилади [3]. В. Н. Родионова стратегик бошқарувни "стратегик қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш жараёни, унинг марказий бўғини корхонанинг ўз ресурс салоҳиятини ташқи муҳитнинг имкониятлари ва таҳдидлари билан таққослашга асосланган стратегик танловдир", - деб тушунади [4].

Маҳаллий ва хорижий илмий талқинларни умумлаштириш шу хулосага олиб келадик, корхонанинг ривожланиш стратегияси фаолиятининг турли жиҳатларини қамраб олади ва унинг ҳаётини белгилайди, мақсадларга эришиш учун қоидалар ва тартиблар орқали белгиланган чора-тадбирлар тизимини

ифодалайди. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, "стратегия" тушунчасининг талқини бўйича ханузгача аниқ мукамал қарашлар билдирилмаган.

Замонавий иқтисодий шароитда корхонани бошқариш раҳбарлардан стратегик менежмент соҳасида янги усул ва кўникмаларни эгаллашни ҳамда ривожланиш стратегиясини бошқариш соҳасида замонавий восита ҳамда дастаклардан фойдаланишни, бошқарув технологиясини такомиллаштиришни талаб этади.

Шундан келиб чиқиб, тўқимачилик корхоналарини стратегик бошқариш технологиясининг ўзига хос жиҳатлари ресурслар таъминоти ҳамда улардан фойдаланишнинг ҳолати билан изоҳланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, стратегик бошқарув жараёни асосан, қуйидаги уч босқични ўз ичига олган: стратегияни ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш ва натижаларни баҳолаш ҳамда назорат. Аммо, ушбу босқичларда бозор иқтисодиёти шароитида тез ўзгарувчанликни ҳисобга олган ҳолда атрофлича таҳлиллар асосида стратегияни ишлаб чиқишда стратегик таҳлилни ва башоратлашни амалга ошириш босқичи эътибордан четда қолган.

Шунинг учун, биз томондан тўқимачилик корхонасини стратегик бошқаришнинг таклиф этилаётган механизми, амалдагисидан фарқли равишда, ўзига хос ажралиб турадиган хусусиятлари қуйидагилардан иборат: стратегик таҳлил жараёнларига интеграциялашган ёндашув; миссияни танлаш; мақсадлар ва ривожланиш стратегиясини стратегик режалаштириш усулларини қўллаган ҳолда ишлаб чиқиш; стратегияни амалга оширишда замонавий бошқарув дастакларини танлаш ва улардан фойдаланиш; натижаларни назорат қилиш ҳамда стратегик режа асосланганлигини эътиборга олган ҳолда баҳолашни амалга ошириш. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу босқичлар кетма-кетлик тавсифига эга бўлибгина қолмай, балки барқарор тескари алоқага ҳам эга, яъни ҳар бир жараённинг бошқаларга ва уларнинг бутун тўпламига тегишли тескари таъсири мавжуд.

Биз томондан таклиф этилган тўқимачилик корхонасини стратегик бошқариш механизмининг муҳим таркибий қисми стратегик таҳлилдир. Бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва рақобатбардошлигини ошириш учун тўқимачилик корхоналари ташқи муҳитни доимий назорат қилиб, янги имкониятлар ва таҳдидларни, бозор ўзгаришларини, саноат ва охириги фойдаланувчиларнинг сўровларини ва технологик имкониятларни ўз вақтида аниқлашлари керак. Тўқимачилик корхонаси стратегик бошқарув механизмининг навбатдаги муҳим ва мураккаб таркибий қисми корхона миссияси, мақсадлари ва стратегияларини стратегик танлаш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Петров, В.В. Стратегическое управление / В.В. Петров. – Саратов: СГТУ, 2004. – 288 с.
2. Клейнер, Г.Б. Стратегия предприятия [Текст] / Г. Б. Клейнер. – М.: Дело, 2008. – 567 с.

3. Миддлтон Д. Библиотека избранных трудов о стратегии бизнеса: пятьдесят наиболее влиятельных идей всех времен [Текст]: [пер. с англ.] / Д. Миддлтон. – М.: Олимп – Бизнес, 2006. – 258 с.

4. Родионова В. Н. Стратегический менеджмен. – 2-е изд., испр. и перераб. – М.: РИОР: ИНФРА, 2013. – 78 с.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛЛАРИ

**Бўстонов Мансуржон Мардонақулович¹,
Абдурахманова Мухтасар Фазилиддин қизи²**

¹Наманган муҳандислик-технология институти, доцент, и.ф.н.

²Наманган муҳандислик-технология институти, талабаси

E-mail: bustonov1975@mail.ru

Кейинги йилларда бутун жаҳонни ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор ва узлуксиз таъминлаш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ бўлмоқда.

Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут туфайли дунёнинг бир қатор мамлакатларида, энг аввало озиқ-овқат маҳсулотларини жадал ишлаб чиқариш учун тегишли шароитлар мавжуд бўлмаган мамлакат ва ҳудудларда озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганини, бунинг оқибатида жаҳон бозорларида нарх-наво кўтарилиши, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кўплаб давлатларида озиқ-овқат таъминотида узилишлар юзага келиши, ер шари аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслиги, озиқ-овқат истеъмоли таркибида энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги оқибатида 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекиши каби бир қатор муаммолар бутун дунёда барқарорликка нисбатан жиддий хавф-хатарга айланаётганини аниқ ва ишончли далиллар асосида очиқ берган эдилар.

Ерларнинг экологик жиҳатдан бузилиши кимёвий моддалар, минерал ўғит ва пестицидларни тинимсиз ишлатиш оқибатида янада кучаймоқда. Буларнинг қаторига урбанизация, яъни шаҳарлашув жараёнлари, аҳолининг қишлоқлардан шаҳарларга кўчиши билан боғлиқ муаммолар ҳам кўшилмоқда” [1]. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар жараёнида давлат томонидан ишлаб чиқарувчиларга ҳар томонлама кўмак ва имтиёзлар бериб келинмоқда. Жумладан, бугун аграр соҳада етакчи кучга айланган фермер хўжалиқларини молиялаштириш ва кредитлаш, моддий ресурслар етказиб берувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китоб тизимини янада такомиллаштириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди, уларнинг ўзаро ҳукуқий, иқтисодий муносабатлари тизими такомиллаштирилди.

Бугунги кунда фермер хўжаликларини давлат томонидан молиявий кўллаб-қувватлаш бўйича асосий йўналишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. Биринчи йўналиш, бевосита фермер хўжаликларини давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича асосий харажатларини молиялаштириш билан боғлиқ. Бунда фермер хўжаликларининг маҳсулот етиштириш харажатларини, хусусан, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, биологик маҳсулотлар, кимёвий воситалар, техника хизматлари, уруғлик, иш ҳақи ва бошқа хажаратларни молиялаштириш назарда тутилади. Шунингдек, давлат эҳтиёжларидан ташқари бошқа маҳсулот турларини, жумладан, мева, узум, сабзавот, полиз, картошка етиштириш, шунингдек, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш учун ҳам етарли миқдорда кредит ресурслари ажратиш бугунги куннинг долзарб вазибаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, фермер хўжаликларини зарурий айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида кўшимча банк кредитларини жалб қилиш юзасидан Марказий банк ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар томонидан қатор тартиб ва низомлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Бундан ташқари корхоналарнинг ўзлари ҳам етиштирган маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи уюшмалар ташкил этишлари мумкин. Уюшмага кирувчилар учун эркин, қулай шароитлар яратилиши лозим. Натижада қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулотларининг ҳақини келишилган муддатларда олиш имкониятларига эга бўладилар, уларни хўжаликлар ишлаб чиқаришга сарфлаши натижасида ялпи ва товар маҳсулотларини кўпайтиришга эришадилар. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш эвазига экстенсив йўл билан эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш эвазига таъминланмоқда.

Истиқболда “хомашёни жаҳон бозорида талаб катта бўлган маҳсулотга айлантириш учун қайта ишлашнинг 3-4 босқичли тизимига ўтишимиз зарур. Бу тизимнинг маъно-моҳияти шундан иборатки, у биринчи босқичда хомашёни дастлабки қайта ишлаш, яъни ярим фабрикатлар тайёрлаш, кейинги босқичда саноат асосида ишлаб чиқариш учун тайёр материалларга айлантириш, учинчи, якуний босқичда эса истеъмол учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни назарда тутди.

Ҳозирги кунда озиқ-овқат маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган иқтисодий ислоҳот ўзининг мазмуни ва мақсади бўйича ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта зарурий йўналишлардан ҳамда мустақил тизимлардан ташкил топган [2]. Улардан энг асосийси нодавлат мулк шаклларида асосланган кичик ва хусусий корхоналардан маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Каримов И.А. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил 6 июнь.

2. Ғ.Мадияров, М.Бўстонов. Ўзбекистон республикаси озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантриш ва экспорт салоҳиятини ошириш омиллари мавзусида республика илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар ва маърузалар тўплами. Тошкент-2016 йил, 4 июнь

СУШКА СЕЛЬХОЗПРОДУКЦИЙ В УСЛОВИЯХ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

Тажибоев Голиб Гуламжанович

Докторант Наманганского инженерно-технологического института

E-mail: tajiboyev89.@list.ru

В настоящее время учёными Наманганского инженерно-технологического института ведутся научно-исследовательские работы (НИР) по технологии сушки сельскохозяйственных продуктов с использованием современных оборудований. НИР проводятся в ОАО "AFRUZKAMOLNABI" (г.Наманган) где имеются современные зарубежные оборудования.

ОАО "AFRUZKAMOLNABI" начала свою деятельность с 2008 года и на сегодняшний день специализируется на переработке фруктов и овощей. В ассортименте имеются сушёные овощи-морковь, капуста, свекла, баклажаны, картофель, папика, (красная, зеленая); фрукты-курага (абрикос сушеный) сушеный чернослив, сухофруктовые смеси, кишмиш; орехи-арахис и греческие, а также другие сельскохозяйственные продукты выращенные в экологически чистых условиях солнечного Узбекистана, отвечающие высоко конкурентными качественными свойствами, без добавок ГМО.

С 2011 года переработка продуктов ведется на новом оборудовании, что позволило механизировать весь технологический процесс производства. В конце 2015 года в связи с закупкой и установлением нового современного оборудования мощность переработки на заводе увеличилась более чем на 25 тысяч тонн в год. Это также позволит значительно увеличить качество и ассортимент выпускаемой продукции, отвечающей самым высоким требованиям рынка, а так же экспортный потенциал.

Преимущества сушённых фруктов и овощей:

1. Легкость приготовления;
2. Удобство хранения;
3. Простота использования;
4. Экономичность (в отличие от консервированных продуктов, которые после вскрытия банки нельзя долго хранить);

Сушёные фрукты и овощи обладают высокой энергетической ценностью, так как содержат значительное количество сахаров, азотистых веществ, органических кислот, пектиновых и минеральных веществ, а также хорошей сохраняемостью и транспортабельностью. Они требуют меньше площади для хранения, могут быть использованы для обеспечения северных районов, а

также использоваться как сырьё для производства пищевых концентратов в других отраслях пищевой промышленности.

Сушённые овощи и фрукты сохраняют все свои вкусовые качества и почти все витамины. Также сохраняется пищевая ценность пищевых продуктов. Кроме того, за счёт испарения влаги усиливается концентрация сахара, отчего фрукты и овощи, содержащие сахар, становятся сладкими. Именно поэтому калорийность сушёных абрикосов в четыре раза выше.

Сушёные продукты занимают значительно меньше места, чем свежие. Масса продуктов также намного ниже. Ведь из них удалена большая часть влаги. Сушёные продукты очень удобны в хранении, так в банке 0,5 л умещаются 40 сушёных помидоров или 50 сушеных перцев.

Предприятие оснащено новым, современным оборудованием для сушки и очистки корнеплодов компании «SHangunGuangFengFoodMachinerycoLTD» (Китай), «KRONEN@GMBH» (Германия), а также оборудованием для резки овощей и фруктов производства компании FAMILC 2 (Бельгия). Первоочередной операцией технологического процесса переработки корнеплодов для консервного производства является их первичная обработка.

Сырьё подается на линию при помощи контейнера-опрокидывателя и затем на промывку в овощемоечную машину. Корнеплоды обычно обрабатываются в жестком режиме барабанной моечной машины. Продукт загружается в загрузочное отверстие и направляется на предварительную мойку во вращающемся барабане, после чего, проходя через элеватор на выгрузку моется чистой водой. Подготовка включает также очистку корнеплодов от кожицы паром термическим способом острым паром при температуре 1200С в течении 10-25 минут. При этом продукт бланшируется до готовности. Затем корнеплоды доочищают от кожицы в щеточных и корундовых машинах, измельчают на дробилках на кусочки размером 2-5мм.

Комплексная линия для очистки корнеплодов. Производственная линия предназначена для мойки и полировки плодоовощной продукции с последующей фасовкой в сетке. Производительность линии-3000-5000кг/час.

Состав линии:

1. Подающий транспортёр;
2. Машина для мойки и полировки плодоовощной продукции;
3. Инспекционный стол;
4. Машина для подсушки продукции.

Универсальная моечная машина, позволяющая мыть и одновременно полировать широкий спектр плодоовощного сырья (картофель, морковь, свекла и др.) перед очисткой. Притеряется также для предпродажной подготовки овощей с последующей сушкой и фасовкой в сетки.

Передающий транспортёр предназначен для передачи продукта от моечной машины к очистительной, от инспекционного транспортёра к машине для сульфитации. Инспекционный стол предназначен для визуального осмотра продукции, выборки брака и не кондиции, до очистки. Продукция на

инспекторский стол из машины для очистки. Машина для сульфитации предназначена для предотвращения потемнения очищаемого картофеля.

Машина для подсушки предназначена для обдува продукции мощным потоком воздуха. Сушильная линия предназначена для сушки овощей и фруктов. Принцип работы сушильной камеры: сушка осуществляется путём рециркуляции горячего воздуха в системе нагнетания и постепенного уменьшения влажности продукта, что является естественным процессом, нацеленным на сохранение свойств и качества сушёного продукта на должном уровне.

Машина состоит из реверсивного нагнетателя и нескольких секций с системой нагрева воздуха. Данный вид сушки позволяет достичь однородного высыхания, составляя среднее уменьшение влажности на 70-90% на конечном продукте.

Сушильная паровая камера для овощей может быть выполнена в виде 3 секционного туннеля с различными температурными режимами внутри секций от 750С до 1350С для обеспечения однородности сушки продукта.

В процессе сушки овощи и фрукты продвигаются по конвейерной ленте из одной секции паровой камеры в другую, постепенно уменьшая собственную влажность.

Котлы паровые применяются для получения насыщенного водяного пара большого давления в производственных процессах.



Учёными Наманганского инженерно-технологического института ведутся научно-исследовательские работы по совершенствованию технологии сушки сельскохозяйственных продуктов с использованием современных оборудований в ОАО “AFRUZKAMOLNABI” (г.Наманган).

Список использованной литературы

1. А.Азизов, С.Исломов. Сақлаш омборлари ва қайта ишлаш корхоналарини лойихалаштириш асослари ва жиҳозлари. -Т.: ТошДАУ, 2013.
2. Х.Б.Шоумаров, С.Я.Исломов. Қишлоқ хўжалиги махсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси. -Т.: 2011.

3. Х.Ч.Бўриев, Р.Жўраев, О.Алимов. Мева-сабзавотларни сақлаш ва дастлабки ишлов бериш. -Т.: Мехнат, 2002.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ.

Хамрокулов Улугбек Абдурахматович
“Prime Manage Trade” масъулияти чекланган жамияти, раҳбар.
E-mail: hamrokulov89@list.ru.

Бугунги кунга келиб жаҳон иқтисодиёти ривожланиб боргани сайин ер юзи аҳолисининг сони ҳам ортиб бормоқда. Бу эса иқтисодиётнинг қонунларидан бўлган чекланган табиий ресурслардан самарали фойдаланиб аҳолининг чекламаган эҳтиёжларни имкон даражасида қондириш жараёнида озиқ-овқат саноати корхоналарини бошқаришни глобал миқёсда асосий масалалардан бири эканлигини кўрсатади. Жаҳон иқтисодиёти реал сектори ривожланиб ишлаб чиқариш хажми ортиши билан ишлаб чиқарувчи корхоналари сони ортиши атроф муҳитга ва глобал иқлим ўзгаришига салбий таъсирлар келтириб чиқармоқда. Буларнинг барчаси глобал миқёсда бутун жаҳон мамлакатлари учун озиқ-овқат саноати хавфсизлиги ҳамда ишлаб чиқарувчи корхоналар бошқарувини самарали ташкил этишни таъминлаш долзарб масалалардан бирилигидан далолат беради.

Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини давомийлигини таъминлаш, эркин рақобат муҳитига мослашиб фаолият юритишида бошқарув муҳим аҳамият касб этади. Корхона маркетинг қилмасдан аҳолига зарур бўлмаган муқобил варианты арзон тушадиган ёки сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш орқали ўз бозорини касодга учратиши мумкин.

Жаҳонда озиқ-овқат саноати бўйича корпоратив бошқарувнинг самарали ташкил қилинган наъмунаси сифатида Швецариянинг сув, шоколад ва бошқа маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Nestle корпорациясини келтиришимиз мумкин. Жаҳоннинг нуфузли Форбес журнали талқинига кўра 2019 йилда жаҳоннинг энг йирик озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи компанияси сифатида айнан Nestle корпорацияси топилди.

Корпоратив бошқарувнинг жаҳон амалиётида қабул қилинган тамойиллари ва усулларига мувофиқ республика озиқ-овқат саноатини бошқариш самарали тизимини шакллантириш, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни кенг жалб этиш, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмларини ошириш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатдош бўлган сифатли маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 февралда “Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Унга мувофиқ «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

мева-сабзавот ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларини ўрганиш бўйича чуқур маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ва бунинг асосида тармоқни ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, қайта ишлаш корхоналари, тайёрлаш ва сотиш ташкилотлари ўртасида бозор муносабатлари асосида, унинг тайёрланиши, сақланиши, янада чуқурроқ қайта ишланиши ва сотилишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат хом ашёси ҳаракатининг замонавий логистикасини кенг жорий этиш;

илғор хорижий технологиялар ва дизайндан фойдаланган ҳолда замонавий тара-қадоклаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш;

мева-сабзавот, гўшт-сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат хом ашёсини қайта ишлаш бўйича юқори унумли замонавий инновация технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ушбу мақсадлар учун, авваламбор, стратегик хорижий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш;

қайта ишланган мева-сабзавот, шунингдек бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг экспортини ташкиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг замонавий халқаро тизимини ишлаб чиқаришга жорий этиш;

ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификациялаш бўйича ишларни ташкиллаштиришда тармоқ корхоналарига кўмаклашиш, тармоқ корхоналарига ахборот хизматлари кўрсатиш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш. [1]

Айни пайтда, Озиқ-овқат саноатида соҳа корхоналар бошқаруви қатъий тартибга солиниши, ортиқча бўғинлар ва бир-бирини такрорловчи функциялар мавжудлиги, хўжалик юритувчи субъектлар билан тизимли иш олиб борилмаслиги билан боғлиқ муаммоларга мавжуд.

Озиқ-овқат маҳсулотлари одатда мавсум танламаслик жихати билан бошқа тармоқлардан фарқ қилади. Бунда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда тайёр ҳолатга келтирилиб сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари аҳоли томонидан кунлик ва доимий истеъмол қилиниши маҳсулот етиштирилишидан бошлаб, парвариш қилиниши ҳосилни йиғиштирилиши, ярим тайёр ҳолатда корхоналарга келтирилиши, тайёр ҳолатга келтирилиб бозорга чиқариш каби барча жараёнларда бошқарувни такомиллаштириш муҳимдир.

Республикада 2014 йилда 84,1 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган шундан, 14,3 трлн. сўм озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат бўлган. 2018 йилда 235,3 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 25,2 трлн. сўм қисми озиқ-овқат маҳсулотлари улушига тўғри келган. 2019 йиил

январ-ноябр ойлари давомида 297,8 трлн. сўм қийматидаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 30,6 трлн. сўм қисми озиқ-овқат маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистонда саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми [2] (млрд. сўмда)

Кўрсаткичлар	2014	2015	2016	2017	2018	2019 йил Январ- ноябр
Саноат маҳсулоти ҳажми	84011,6	97598,2	111869,4	148816	235340,7	297815,5
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	14387,2	18511,6	22400,5	23217,7	25256,05	30632,7

Бу кўрсаткич 2014 йилдагина нисбатан 2,1 баробарга кўп. Бу даврда республика аҳолиси бу каби кўпаймаган бўлсада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ортган. Маълумотлардан кўриниб турибдики, Республика иқтисодиёти ўсишга эришаётгани албатта саноат қолаверса, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати билан ҳам узвий боғлиқдир.

Хулоса қилиб озиқ-овқат саноати корхоналарини бошқаришда самарадорликка эришишда бошқарувнинг мақсадлари, унга эришиш усулларини аниқ белгилаб олиш, ривожланган хорижий корхоналар тажрибасини ўрганиш зарур. Юқори сифатли ва рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотларни энг кам харажатлар асосида ишлаб чиқариш юқори самарадорликни таъминлайди. Озиқ-овқат саноати таркибига кирувчи бўғинлар: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, етиштирилган маҳсулотларни корхоналарга етказиб бериш, қадоқлаш, ишлов бериш, истеъмолчиларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришни самарали ташкил қилиш, бунда етиштирувчилар ҳамда корхоналар ўртасидаги алоқаларни мустахкамлаш, Республиканинг минтақаларида бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш комплексини ташкил қилиш, етказиб берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини бузилишини олидини олиб, транспорт харажатларини камайтириш ҳисобига маҳсулот нарҳи барқарорлиги таъминланган бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 февралда “Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. <https://uza/uz> .

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилиб муаллиф томонидан тузилган. Республика статистика қўмитаси сайти (<https://stat.uz>).

O'ZBEKISTONDA OZIQ-OVQAT SANOATINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

Karimov Muzaffar Abdumalik o'g'li¹, Akramova Gulnoza Odiljon qizi²

¹Andijon davlat universiteti o'qituvchi,

²Andijon davlat universiteti talabasi.

E-mail: karimov8993@umail.uz

Barchamizga ma'lumki, oziq –ovqat sanoati milliy iqtisodiyotning oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqaradigan keng tarmoqli sohasi hisoblanib, uning tarkibida go'sht, sut, sut-yog', yog'-moy, baliq mahsulotlari, un-yorma, makaron, meva sabzavot konservalari, sharbatlar, turli –tuman ichiliklar, shakar va juda ko'p turdagi mahsulotlar ishlab chiqaruvchi korxonalar mujassalashgan.

Hech kimga sir emas, bugun dunyoda oziq-ovqat mahsulotlarini yetishtirish va uni ta'minlash masalasi global masalalardan biri hisoblanadi. Mazkur masala rivojlangan davlatlar bilan rivojlanayotgan davlatlar uchun ham bir hil ahamiyatga ega. Shu ma'noda, mamlakatimiz aholisini sifatli oziq –ovqat mahsulotlari bilan taminlash dolzarb masala hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti Islom Karimov shunday ta'kidlagan edi: “Yer yuzi aholisining tez ko'payib borayotgani bilan oziq –ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmining o'sish imkoniyatlari cheklangani o'rtasidagi tafovut oziq–ovqat dasturini hal etish masalasi yildan yilga keskinlashib borayotganing asosiy sababi ekani haqida bugun ortiqcha gapirishning xojati yo'q, deb o'ylayman. Sodda qilib aytganda, oziq–ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish hajmining o'sishi aholi soni va ehtiyojlarining o'sishidan ortda qolmoqda”. Bunday tafovutlar avvalo oziq ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish uchun sharoitlar bo'lmagan mamlakatlarda chuqurlashib bormoqda. Birinchi galda gap iqlim sharoitlari va ob-havoning oldindan aytib bo'lmaydigan oqibatlarini, atrof–muhit ifloslanishi, yerlar unumdorligini tiklash uchun invisititsiyalarning yetarli emasligi haqida bormoqda. Bundan tashqari yana bir qancha muammolar ham paydo bo'lmoqda. Bu muammolar natijasida, insonlarni sifatli oziq –ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash dolzarb masalalardan biriga aylanib qoldi.” [1]

Mamlakatimiz mustaqillikning ilk yillaridayoq, oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish sohasiga asosiy e'tiborni qaratdi. Ya'ni, oziq-ovqat xavsizligini ta'minlash, aholiga uzluksiz yetkazib berish masalasini eng muhim vazifalardan biri deb belgilab qo'yildi. Natijada esa, qishloq xo'jalik mahsulotlarini ishlab chiqarish o'sdi va kichik biznes korxonalarida ishlovchilarning soni oshdi, oziq-ovqat korxonalarini tomonidan ko'plab yangi loyihalar amalga oshirildi. Bugungi kunga kelib mamlakatimizda, 11 ming 800 dan ortiq meva –sabzavot, go'sht sutni qayta ishlovchi, qandolat, alkogolsiz ichimliklar va boshqa turdagi oziq-ovqat sanoatiga ixtisoslashgan korxonalar faoliyat olib bormoqda.

Bugun istagan oziq-ovqat mahsulotlari do'koniga kirsak, uning peshtaxtasidan asosan mahalliy ishlab chiqarishga tegishli iste'mol tovarlari o'rin olganiga guvoh bo'lamiz. Bozorlarni ham o'zimizda ishlab chiqarilgan noz ne'matlar egallagan. Mamlakatimizning oziq–ovqat sanoati sohasida erishgan

yutuqlari barchani birdek xursand qilish bilan birga bu boradagi islohatlarni yanada chuqurlashtirishni ham taqazo etadi. Endilikda biz yutuqlarimizdan kuch olishimiz va yana yangi marralarni zabt etishimiz zarurdir. Yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyevning 2020 yil 24-yanvardagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida ham agrar sohaga yanada katta e'tibor qaratish lozimligi haqida ta'kidlab o'tdilar. "Murojaatnoma-2020"da Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev: "Agrar tarmoqda fermerlik harakatini qo'llab –quvvatlash bilan birga, paxta va g'alla yetishtirishni klaster shakliga bosqichma bosqich o'tkazish bo'yicha izlanishlarni davom ettiramiz. Meva-sabzovot, sholichilik, chorvachilik, ipakchilik kabi boshqa tarmoqlarda ham bugungi kun talablariga javob beradigan klasterlarni tashkil etish ishlarini davom ettiramiz. Bu yil 2 milliard dollarlik, keyingi 5-7 yilda esa 3-4 barobar ko'p meva sabzavot mahsulotlarini eksport qilish uchun mahsulot yetishtirishni keskin ko'paytirish choralarni ko'rish zarur. Bu yil meva sabzavotchilik, uzumchilik, urug'chilik, chorvachilik, agro lagistikani rivojlantirish suvni tejaydigan texnologiyalarni joriy etish, ilmiy tadqiqot ishlari, soha uchun malakali kadrlarni tayyorlashga 3 trillion so'm mablag' ajratamiz." [2] - deb ta'kidlab o'tdilar.

Bugun, aholini oziq ovqat mahsulotlari bilan ta'minlashda importning ulishini kamaytirish, eksportni rivojlantirish va bu borada samaradorlikka erishish uchun oziq ovqat korxonalarini sonini ko'paytirish va oziq –ovqat ishlab chiqarishda inovatsion loyihalardan keng foydalanishni talab qiladi. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini, shu jumladan oziq ovqat mahsulotlarini qayta ishlovchi korxonalarini qamrovini kengaytirish zarur. Bu orqali korxonalar o'rtasidagi raqobat muhitini ham shakllantirishga erishamiz. Zero, raqobat bor joyda yuksalish bo'ladi. Buning uchun xomashyo bazasini ham rivojlantirish zarur. Aholini sifatli oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash uchun ishlab chiqaruvchi korxonalariga yangi texnologiyalarni joriy etish bugungi kunning talabi hisoblanadi. Hozirgi kunda butun dunyoda muzlatilgan quritilgan oziq-ovqat mahsulotlariga bo'lgan talab yildan yilga oshib bormoqda[3]. Mamlakatimizda ushbu sohani ham kengaytirishimiz va ushbu soha bilan shug'ullanuvchi korxonalar faoliyatini rivojlantirish uchun imkoniyatlarni ko'paytirish zarurdir. Oziq –ovqat sanoatidagi masalalarni hal etishda mavjud resurslardan samarali foydalanish, oziq –ovqat sanoatlari korxonalarini takomillashtirish uchun xorijiy investitsiyalarni kuchaytirish lozim. Eng asosiysi ushbu sohada zamon talablariga javob beradigan bilim va malakaga ega bo'lgan, raqamli texnologiyalardan xabardor, ulardan foydalana oladigan kadrlarni tayyorlash kelajak uchun ulkan poydevor vazifasini bajaradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Sa'dullayev "Saydullo. Iste'mol tovarlari ishlab chiqarish va ular bilan bozorni to'ldirish yo'llari". O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot Vazirligi bo'limi tadqiqotchisi (Maqola).

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2020 yil 24-yanvar.

3. www.mineconomy.uz

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Рахматуллаев Ғайратбек Давронбекович
Фарғона политехника институти доценти, к.х.ф.н.

Тадбиркорлик – бу мустақил равишда бориладиган, ўзининг таваккалчилик фаолияти орқали амалга ошириладиган, мулкдан фойдаланишдан узлуксиз равишда фойда олишга қаратилган, шунингдек товарларни сотиш, ишларни бажариш ёки шу соҳада қонуний рўйхатдан ўтказилган шахслар томонидан амалга ошириладиган фаолиятдир.

Бу давлат қонунларида қайд этилган бўлиб, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган тадбиркорликнинг ҳам моҳиятини кенг қўламда очиб беради.

Тадбиркорликни ҳаракатга келтирувчи моҳияти, унинг мақсадларидан бўлиб, фойда олиш саналади, шунингдек кенгайтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ижтимоий соҳани кенгайтириш, ишчи ходимларни моддий рағбатлантириш ҳисобланади.

Тадбиркорликнинг асосий вазифаси – харидорларни керакли бўлган маҳсулотлар билан таъминлаб, уларнинг талабларини қондиришдир, (шунингдек ишлар хизматлар бўйича ҳам). Бундан ташқари, турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўли билан фаолиятдаги таваккалчиликни камайтириш, уларни сотишнинг бир неча тармоқларидан фойдаланиш, резерв (кафолат) фондини барпо этиш, шунингдек доимий равишда пул маблағларининг мавжуд бўлишини таъминлаш, маҳсулот етказиб берувчилар, кредиторлар ва корхона ишчи ходимлари билан ўз вақтида ҳисоблашиб бориш учун имкониятлар мавжуд бўлиши лозим.

Тадбиркорлик билан жисмоний, шунингдек юридик шахслар, ҳамда хорижий фуқаролар шуғулланиши мумкин бўлиб Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида ҳаракат қилиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятларида, тадбиркорларнинг ўзлари билан биргаликда, маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) истеъмолчилар, ёлланган ходимлар, давлат ва маҳаллий органлар ҳам иштирок этиши мумкин.

Уларнинг ҳар бири ўз манфаатларига эга бўлиб, маълум ўринни эгаллайдилар.

Тадбиркорлар энг юқори даражада фойда олишга интилишади, шу муносабат билан маҳсулотни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқариши ва уни сотишни ташкил қилиш билан харидорларнинг талабларини қондирадилар, бунда тараққий этган илғор технологиялардан фойдаланадилар, анча янги бўлган техника ва меҳнат усулларини жорий қиладилар.

Тадбиркорлик фаолиятининг шартлари ва асосий тамойиллари.

Тадбиркорлик фаолиятлари маълум муҳитда амалга оширилиб, улар аниқ ва ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган шароитларнинг туркумидан иборат бўлиб, тадбиркорларнинг бозор шароитида нуфузи ва ҳаракатини белгилайди.

Уларга жуғрофий, технологиялик, ижтимоий маданий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар киради.

Тадбиркорликни хўжалик мустақиллиги тамойиллари асосида истиқболни белгилаш янгиликлар, тез орада ўзгариладиган, иқтисодий манфаатдорлик ва моддий жавобгарлик асосида амалга оширилади.

Хўжалик жиҳатдан мустақиллик қарорларни қабул қилишни, тадбиркорларнинг хусусий манфаатларидан келиб чиқилгани ҳолда амалга оширишни назарда тутди.

Фаолият турлари, техникалар, технологиялар ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришни, маҳсулотларни сотиш муддатлари ва тармоқларни (шунингдек ишлар, хизматларни ҳам), битимлар тузадилар, олинган фойдани тақсимлайдилар, бошқа масалаларни ҳал қиладилар.

Башорат қилиш – тадбиркорлар фаолиятидаги истиқболли йўналишлар ва кўрсаткичларни аниқлашдир.

Ушбу мақсадлар учун эришилган даражани ва корxonанинг ривожланиш резервларини ўрганади, вужудга келган ва мумкин қадар юзага келадиган бозор вазиятлари, омиллари ўрганилиб ишдаги таваккалчиликдан йироқ бўлиш ёки камайтиришга ҳаракат қилинади. Буларнинг барчаси қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли режаларда, улардан энг муҳим бўлгани тадбиркорнинг бизнес-режасида ўз ифодасини топади.

Ҳозирги шароитида меҳнат ресурслари таклифининг ортиб боришига қуйидаги омиллар таъсир қилмоқда:

-демографик вазият, аҳоли сони ўсиб бориши натижасида ишчи кучи таклифи суръатидан иш жойлари яратишнинг маълум даражада орқада қолаётганлиги;

-таркибий ўзгаришлар, замонавий технологияга асосланган янги саноат корхоналарининг вужудга келиши кўшма корхоналарнинг ишга тушурилиши, айниқса, автомобилсозлик, тўқимачилик ва енгил саноат ҳамда озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳаларида ишга тушуриладиган корхоналар ишчи кучининг сифатига ва малакасига қатъий талаб қўйиладиганлиги;

-бозор шароитига ўтилиши муносабати билан мулкчилик шакли ўзгариб, хусусий корхона ва акционерлик жамиятларига айлантирилган корхоналар ўз навбатида ортиқча ишчи кучидан холос бўладигани.

Қишлоқда бўш бўлган аҳолини, айниқса, ёшларни ишчи кучи етишмайдиган ҳудудларга кўчириш бўйича махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги каби ҳолатлар вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича яқин келажакда амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги чора-тадбирлар белгиланишини тақозо этади:

-меҳнатга лаёқатли туман, вилоят ва республика миқёсида иш билан таъминлаш бўйича олиб бориладиган ишлар, кичик ҳамда ўрта бизнесни ривожлантириш учун бериладиган имтиёзлар билан таништириб боришни йўлга қўйиш. қишлоқ аҳолиси ушбу имтиёзларни яхши билмаслиги уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишига маълум даражада тўсиқ бўлмоқда.

-қишлоқ жойларида кам маблағ талаб қиладиган ноқишлоқ хўжалик соҳасида тегишли кичик корхоналарни ривожлантириш: тикувчилик цехлари, иссиқхоналар қуриш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуриштириш, консервалаш бўйича цехлар очиш;

-ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхши ривожланган туман марказларида ва кичик шаҳарларда кичик корхоналарни ривожлантириш рағбатлантириш ва моддий қўллаб-қувватлаш. Бу ўз навбатида туман ва кичик шаҳарлар атрофидаги қишлоқ аҳолисини ишга жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади. қишлоқ шароитида шам 10-15 км. масофада велосипедда ёки транспортда ишга қатнаш катта қийинчилик туғдирмайди;

-кичик шаҳарларда ёки туман марказларида камқувват билан ишлайдиган эски корхоналар тўлиқ қувват билан ишлашини таъминлаш учун уларни давлат томонидан моддий қўллаб-қувватлаш;

-тадбиркорларга тадбиркорлик ишини йўлга қўйишга фаол ёрдам берадиган бизнес инкубаторларнинг фаолиятини кучайтириш;

-зарур малакага эга бўлган кадрлар тайёрлашда касб-ҳунар коллежлари билан маҳаллий корхона ва ташкилотлар ўртасидаги алоқани кучайтириш;

-чет эл инвесторларини жалб қилиш бўйича инвестиция лойиҳалари танловини ўтказиш ва танловда қолиб бўлган лойиҳаларни моддий қўллаб-қувватлашни йўлга қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2019 йил Мурожаатномаси.

2. Додобоев.Ю.Т ва бошқалар. Фермер хўжаликлар иқтисодиёти. Тошкент 2006 йил.

3. Додобоев Ю.Т ва бошқалар. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Тошкент 2003 й.

**2-СЕКЦИЯ. ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА АЁЛЛАР
ТАДБИРКОРЛИГИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАДБИҚ
ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРЪ ТАДҚИҚОТЛАРИ.
2-СЕКЦИЯ. АКТУАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ ПО ВНЕДРЕНИЮ
МЕХАНИЗМОВ УПРАВЛЕНИЯ ЖЕНСКИМ
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВОМ В ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКЕ
2-SECTION. ACTUAL STUDIES ON THE INTRODUCTION OF
MECHANISMS FOR MANAGING WOMEN'S ENTREPRENEURSHIP IN
AN INNOVATIVE ECONOMY**

**THEORETICAL FOUNDATIONS OF SOCIO-ECONOMIC
DEVELOPMENT OF REGIONAL ENTREPRENEURSHIP**

Toshaliyeva Saodat Toxirovna¹, Sayfiddinov Isfandiyor²

¹The university of Termez State, Senior teacher of the Department of Economics

²student of The university of Termez State.

E-mail:isfandiyor21@gmail.com

In the conditions of modernization of the economy and further deepening of market reforms, employment and income growth, ensuring the positive balance of payments through increasing the export potential of the country, and, in a word, ensuring sustainable social and economic development of the country is one of the key factors.

We will first analyze the definitions given to each stage, focusing on the stages of evolution to better understand the importance and importance of entrepreneurship. It may be noted that to date, there is no single general definition of this concept. Different economists have given different definitions to it. In particular, according to the well-known economist Y. Schumpeter, "To be an entrepreneur is not to do what others do, and not to do the same thing as others"[4].

Well-known US scientist Robert Hirsch describes entrepreneurship as follows: "Entrepreneurship is the process of creating something new with value. An entrepreneur is a person who spends all his time and energy trying to do that, earning himself a financial, psychological, social responsibility and earning big rewards as a result of his work" [2].

In addition, the scientific and academic literature describes entrepreneurship and entrepreneurship from an economic, political, legal and managerial point of view.

The father of the economy A. Smith describes the entrepreneur in his time following the characteristics of that period: "An entrepreneur owns capital, which assumes the risk of running a business" [5].

A. According to Smith, entrepreneur is an economic team that combines production factors or redirects economic resources from low productivity and profitability to higher profitability and productivity.

From the point of view of commonality that is common to many economist scholars, entrepreneurship is a practical activity aimed at making profits, which is the essence of innovation in all areas of social and economic life.[3]

In the framework of economic research, analysis and analysis of business activity, raters from the CIS countries are also developing their vision of doing research. In particular, Kazakhstani scientists divide entrepreneurship into 4 elements: manufacturing, commercial, financial, management. That is, they are offered to study entrepreneurship in the context of their activities.

He also studied the formation, development and other issues of entrepreneurial activity, Russian Academy of Sciences L.I. Abalkin proposes that "a well-developed market economy is the basis for the development of entrepreneurship" [1]

As for the concept of economic activity, it refers to the way in which individuals or groups receive financial resources to support their own and family members' livelihoods. Any entrepreneur engaged in entrepreneurial activity is involved in a number of economic subjects. They, in turn, are the subjects of entrepreneurship. Nowadays, entrepreneur, consumer, partner, state, hiring are the main subjects of business (Figure 1).




Figure 1. The main subjects of business activity

As can be seen from the data in Figure 1 above, the entrepreneur has a dual relationship with each business entity. At the same time there is a dual relationship between these subjects.

Objects of entrepreneurial activity are goods, products and services. The goal of any entrepreneur to do business is to market to a market that offers a high profit, a lucrative, highly demanding product or service, which requires certain costs.

The development of entrepreneurship in any region or society requires a certain social condition - a business environment. Entrepreneurial environment is a set of conditions for entrepreneurial activity and economic freedom, allowing for the use of the necessary resources, the formation of entrepreneurial capital, the market type of economic relations. the socio-economic situation.

Creating a business environment is a manageable process that includes the following elements:

- changing the economic and socio-economic philosophy of members of society;
- change of the national social mentality according to the corresponding socio-economic philosophy;
- changing the national social mentality in accordance with the accepted socio-economic philosophy;
- adoption of a national program that encourages the development of adequate business infrastructure that will have a direct impact on the development of entrepreneurship.

References:

1. Abalkin L.I. Contemporary Russian predprinimatelstve.-Progress-Academy, 1994. S.12.
2. Dustjanov TD, Salayev SK Basics of Economics and Entrepreneurship T: ECONOMICS, 2006. p.
3. Salaev S. Small and Medium-Sized Businesses in the Deepening of Economic Reforms: Challenges, Analysis and Perspectives. T.: Science, 2002. B.9
4. Schumpeter, J.A. 1950. Capitalism, Socialism, and Democracy, 3d ed. New York: Harper & Row.
5. Shamkhalov F .. Role predprinimatelstva in rynochnoy economic system. M.: Marketing, 1997. No. 3.S.95

ПОВЫШЕНИЕ РОЛИ ЖЕНЩИНЫ В ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Махмудов Носир Махмудович¹

Алимова Гузал Алишеровна²,

¹Ташкентского государственного экономического университета
профессор, д.э.н.

²доктор Военно-технический институт Национальной Гвардии Республики
Узбекистан философии (PhD) по экономическим наукам,
E-mail: guzal.guzal.1982@ mail.ru.

Сегодня Узбекистан находится на новой ступени социально-экономического развития, где независимо от пола, каждый член общества имеет равные возможности в реализации своего потенциала. Так в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 - 2021 годах «повышение социально-политической активности женщин, усиление их роли в управлении государством и обществом, обеспечение занятости женщин, выпускниц профессиональных колледжей, широкое привлечение их к предпринимательской деятельности, дальнейшее усиление основ семьи» занимают особое место[1].

Предпринимательская деятельность долгое время даже в западных странах была в основном мужским занятием, например, 3 из 4 вновь созданных предприятий в Великобритании в 70-80-е годы прошлого века возглавляли мужчины. Традиционно бизнес требовал таких качеств, как воля к победе и стремление к господству.

Однако в последнее время появился спрос и на типичные женские качества - интуицию, открытость к людям, чувство такта и т.д., в силу этих обстоятельств в последние годы на Западе темпы роста численности женщин-предпринимателей в два-три раза выше, чем темпы роста численности предпринимателей-мужчин.

Узбекистан, как полноправный член международных экономических отношений, развивается по законам рыночной экономики, где пол, как биологическая категория не столь важен как личностные качества человека. В этой связи и в нашей стране женское предпринимательство начинает играть все большую роль в рыночной экономике, а также в решении важнейших экономических и социальных задач.

Постановка основных задач по гендерному равенству в предпринимательской деятельности предполагает определение проблемных аспектов в этом направлении: Во первых, термин «гендер» не всегда полностью понимается общественностью, которая неохотно использует принятые в международной практике термины, относящиеся к неравноправию полов [2]. Во многих случаях, слово «гендер» широко рассматривается как синоним слова «женщины», и работа, ориентированная на гендер, зачастую связана с решением социальных вопросов. Таким образом, «проблемы гендерного неравенства, преимущественно, решаются посредством разработки социальных стратегий, предназначенных для уязвимых групп населения» (в особенности для женщин и девушек), тогда как стратегии, касающиеся таких аспектов как экономическое развитие, финансовые рынки, развитие частного сектора и государственные расходы придерживаются абсолютно гендерно - нейтрального подхода [3,34].

Действительно, поставленная выше проблема требует теоретического осмысления понятия «пол и гендер» в современном мире.

Главная проблема заключается в том, чтобы точно разграничивать понятия пол и гендер. При употреблении понятия гендер (и его производных) речь идет о социальных, культурных, психологических особенностях позиций женщин и мужчин. В отличие от других научных подходов сформированная на базе этого понятия концепция «гендера» рассматривает мужчину и женщину не в «природном», «естественном» качестве, не как биологическое существо, судьба которого предопределена его физиологическими особенностями, но как человека, то есть существо социальное, со своим особым статусом, особыми социальными интересами, запросами, потребностями, стратегией социального поведения.

Пол же обозначает, в первую очередь, физические, физиологические, биологические различия между мужчинами и женщинами. В этой связи

Э.Гидденс справедливо отмечает, что «разграничение пола и гендера является фундаментальным, так как многие различия между женщиной и мужчиной обуславливаются причинами, не являющимися биологическими по своей природе» [4,153], т.е. грамотность в восприятии «гендерного вопроса» это и есть некое преодоление устоявшихся стереотипов.

Во вторых, повышение статуса женщины как неотъемлемое условие экономического развития страны.

Конечно, поставленная проблема является неким историческим наследством, когда устоявшийся стереотип превосходства полов крепко вошел в сознание людей.

В Узбекистане с первых дней обретения независимости и по сей день, проделана объёмная работа в этом направлении. Сегодня растущий уровень политической и правовой культуры, общественной активности женщин в нашей стране можно наблюдать во всех звеньях государственного и общественного управления, в судебной-правовой системе, в деятельности негосударственных организаций, социальных структур, во всех сферах и отраслях жизни нашего общества в целом.

«Несмотря на традиции и восточный уклад жизни, женщины в политике Узбекистана играют все большую роль. Так, в республике на сегодняшний день 17 женщин-сенаторов, 15 депутатов законодательной палаты, 15 героев Узбекистана, шесть академиков и 514 докторов наук. Кроме того, представительницы прекрасного пола составляют 23% от численности депутатов местных кенгашей»[6].

В третьих, доминирование мужчин в предпринимательской деятельности.

Доминирование мужчин в предпринимательской деятельности эта та проблематика, которая зачастую связана с региональными традициями и обычаями, которые устанавливают границы обязанностей обоих полов. По данным Ассоциации деловых женщин Узбекистана «Тадбиркор аёл», в нашей стране насчитывается более 120 тысяч женщин-предпринимателей [7].

В четвертых, большинство женщин – предпринимателей занимаются мелкомасштабным производством товаров широкого потребления, розничной торговлей или оказанием профессиональных услуг (часто в здравоохранении и образовании). Предприятия, которые начинают и ведут женщины, обычно имеют вид неформального домашнего производства. В частности, в сельских регионах женский бизнес представляет собой преимущественно малые и микро-предприятия, и женщины занимаются сельскохозяйственным производством (выращиванием хлопка, зерновых, фруктов, овощей, цветов, домашнего скота и птицы), ремеслами и изготовлением сувениров, пошивом одежды, выпечкой и изготовлением сладостей и т.д. Предрасположенность к преимущественно женским видам предпринимательской деятельности, непосредственно связана с психологией поведения сформировавшихся на основе устоявшихся стереотипов.

В пятых, установление жестких стереотипов в воспитании девочек, которые в свою очередь оказывают негативное влияние на их креативное мышление и новаторство.

Уже в 3 года дети с уверенностью относят себя к мужскому или женскому полу (гендерная идентификация). В это время они начинают замечать, что мужчины и женщины стараются по-разному выглядеть, занимаются разной деятельностью и интересуются разными вещами. Часто взрослые непреднамеренно стимулируют гендерную идентификацию, выбирая одежду определённого цвета и стиля для девочек и мальчиков, даже стрижки. Длинные волосы, зачастую, идентифицируют ребёнка как девочку, даже игрушки девочек отличаются от игрушек мальчиков.

Есть все основания полагать, что в процессе дифференциальной социализации очень велика роль детских игрушек. Согласно проведенным исследованиям, игрушки и игры помогают девочкам практиковаться в тех видах деятельности, которые касаются подготовки к материнству и ведению домашнего хозяйства, развивают умение общаться и навыки сотрудничества. Совсем иначе дело обстоит у мальчиков: игрушки и игры побуждают их к изобретательству, преобразованию окружающего мира, помогают развить навыки, которые позже лягут в основу пространственных и математических способностей, поощряют независимое, соревновательное и лидерское поведение. [5,29]

Развитие у девочек предпринимательских качеств, предполагают наличие неординарного мышления и уверенности в свои силы и возможности. Участие женщин в предпринимательской деятельности в научных кругах является малоисследованным направлением оценки статуса женщин в сфере занятости.

Здесь следует отметить мотивы, способствующие вхождению в бизнес: возможность получения дополнительного заработка; потребность реализовать себя в бизнесе; независимость от работодателя; потребность в творчестве; желание совмещать работу и заботу о семье.

Препятствиями на пути открытия своего дела у женщин во многих случаях это: Отсутствие первоначального капитала; страх банкротства и финансовых обязательств, по которым они не смогут ответить; нехватка знаний в области финансовых стратегий, оформления отчетности и управления; отсутствие опыта; недостаток информации об успешных женщинах предпринимательницах; отсутствие соответствующего образования.

В результате проведенного анализа нами разработаны следующие рекомендации по способствованию активного участия женщин в предпринимательской деятельности:

1. Организация через центры занятости обучения женщин на базе вузов где необходимо создать базовую программу «Основы индивидуального предпринимательства для женщин »;
- 2.Повышение пропаганды в СМИ успехов женщин- предпринимательниц;
3. Формирование позитивного образа деловой женщины;

4. Организация через фонды поддержки малого и среднего бизнеса «бизнес-инкубаторов» для начинающих предпринимательниц;

5. По прогрессивному принципу продолжить выделения на конкурсной основе целевых (адресных) грантов для развития женского предпринимательства.

На сегодняшний день перед обществом и государством существует ряд задач, которые должны быть решены, но уже сейчас можно сделать вывод, что становление и развитие рыночных отношений изменило жизненные ориентиры многих женщин. Предпринимательство для женщин - это один из способов адаптации к новым условиям. Несмотря на трудности, многие женщины смогли обрести уверенность в себе и своих силах, освоить новую для себя роль предпринимателя.

Список использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 - 2021 годах» под № УП-4947 от 7 февраля 2017 г.
2. Союз неправительственных организаций Узбекистана по правам женщин. 2009. Независимый отчет.
3. Европейская экономическая комиссия ООН (ЮНЕКЕ). 2008. Стратегия достижения гендерного равенства в экономических стратегиях для достижения целей развития тысячелетия в Центральной Азии. Женева. С.34.
4. Гидденс Э. Социология. М. 1999 С. 153.
5. Берн Ш. Гендерная психология. - СПб.: ПРАЙМ-ЕВРОЗНАК, 2002. -219с.
6. <https://uz.sputniknews.ru/analytics>.
7. <https://gt.uz/news/politika>.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ЯНГИ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ

Умаров Илхомжон Юлдашевич

Анджон давлат университети доценти, и.ф.н.

E-mail: umarov_iyu@rambler.ru

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда аҳоли тадбиркорлигини ривожлантиришга жиддий эътибор берилмоқда. Чунки, аҳолини, айниқса ёшларни хусусий тадбиркорликка жалб қилиш турмуш фаровонлигини кўтаришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиёт фанида хусусий тадбиркорнинг ижтимоий қиёфаси, уни ҳаракатга келтирувчи мотивацияси, тадбиркорлик шакллари ҳақида етакчи иқтисодчи олимлар томонидан билдирилган кўплаб фикрлар мавжуд. Умумий мазмунда, озиқ-овқат саноатида тадбиркор ўз фаолияти жараёнида нафақат ўз манфаатини, балки жамоа, жамият манфаатларини ва истеъмол танловини ҳам қондиришга хизмат қилади. Энг муҳими, бу фаолият туфайли аҳоли

фаровонлигини таъминлаш, унинг кундалик истеъмол маҳсулотлари учун зарур бўлган талабини узлуксиз ишлаб чиқариш имкониятини янада кенгайтиради деб ҳисобланади [1].

Ўзбекистонда озиқ-овқат тадбиркорлик тузилмаларининг яхши фаолият юритишлари учун зарур имкониятлар яратилмоқда ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими йўлга қўйилган, ривожланган инфратузилма тизими шакллантирилган. Ҳозирги пайтда тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш учун уни шакллантириш механизми ва тактик режаларни ишлаб чиқиш ва ички бозордаги оммавий ва доимий талабни ифодаловчи ҳамда оралик тармоқлар маҳсулотига эҳтиёжни рағбатлантирувчи озиқ-овқат саноатидаги тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари бозор талабларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқиш зарур.

Республикада тадбиркорлик соҳасини давлат назорати ва қўллаб-қувватлаш тизими такомиллашиб бормоқда. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартиби минимал даражага етказилиб соддалаштирилди. Халқаро валюта корпорацияси мутахассисларининг таҳлили натижаларига кўра, 2018 йил Ўзбекистонда янги бизнесни рўйхатдан ўтказиш муддати ўртача 4 кунни талаб қилади, процедуралар сони эса 3 та [2]. Гарчи Ўзбекистон Республикасининг рейтинги ривожланган Ғарб давлатлари рейтингига нисбатан пастроқ бўлса-да, ривожланаётган давлатларнинг ичида анча юқори.

Ушбу ҳолатни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватловчи янги ташкилий тузилмаларни яратди. Улардан бири бу 2019 йил 1-март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 183-сонли Қарори асосида Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида тармоқ бозорлари ва экспорта йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқиқотлар маркази ташкил этилди. Ушбу қарорга асосан Марказнинг асосий вазифалари қуйидагилар этиб белгиланган [3]:

республикада ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган товарлар (маҳсулотлар ва хизматлар) номенклатураси ва турлари тўғрисида хўжалик юритувчи субъектларга ахборот бериш учун мунтазам янгиланиб бориладиган электрон-ахборот порталини яратиш;

ички ишлаб чиқариш қувватлари, товарларга бўлган талаб ва таклифнинг ҳажмлари, шунингдек ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган маҳсулотга ички бозорда нархларнинг ўзгариши ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантириш;

товар бозорларидаги нархлар, талаб ва таклифларнинг ўзгариши динамикасини таҳлил ва мониторинг қилиш ҳақида шу асосда тегишли таклифлар тайёрлаш;

тармоқ бозорлари конъюнктурасини республика ва ҳудудлар кесимида комплекс ўрганиш, уларнинг мувозанатли ривожланиши тўғрисида таклифлар тайёрлаш.

Ушбу илмий тадқиқот марказини ташкил этилиши мамлакат миқёсида истеъмол бозорларини мунтазам мониторинг қилиш ва уни истиқболли прогнозларини ишлаб чиқиш орқали режали ривожлантиришга шароит яратади.

Лекин шуни эътиборда тутиш керак, ушбу марказ маълумотлари фақатгина ҳукумат органлари ва вазирликлар учун ёпиқ маълумотлар базасини шакллантирувчи ташкилот бўлмасдан, тадбиркорларга ҳам маълумот берувчи ва уларнинг фаолиятини ривожланишига кўмаклашувчи ташкилот сифатида фаолият кўрсатиши лозим. Акс ҳолда ушбу марказни тузишдан кутилган ижобий самара сезиларли бўлмайди.

Иккинчи бир озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантириш учун ўта муҳим аҳамиятга эга тузилма бўлиб, 2019 йил 22 мартда «Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 241-сон қарори ҳисобланади [4]. Унинг функциялари бўлиб қишлоқ хўжалиги соҳасида тадбиркорликни фаол ривожлантириш ва уни молиялаштириш асосида агросаноат мажмуини ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги йирик лойиҳаларни, шу жумладан, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишга ва уларни амалга оширишни ташкил этишга кўмаклашиш бўлиб ҳисобланади. Ушбу қарор ҳам ўзининг мазмун-моҳиятига кўра жуда катта ижобий таъсир кучига эга бўлади. Лекин, бу агентлик фаолиятини фақатгина қишлоқ ва сув хўжаликлари вазирлари учун хизмат кўрсатадиган ташкилотга айлантирмай, бутун мамлакат миқёсида агросаноат мажмуи маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ва озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик билан шугулланувчи субъектлар учун хизмат кўрсатадиган ташкилотга айлантириш лозим. Зарурат бўлса, ушбу агентликнинг вилоятлардаги филиалларини ҳам тузиш керак.

Тадбиркорлар фаолиятини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллаши мумкин бўлган учинчи ташкилот бўлиб «Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил» [5] ҳисобланади. Ушбу тузилма тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларига нисбатан муқобил бўлиб ҳисобланади. Бу ҳақда Президент Фармонида ҳам таъкидланган, яъни:

1) Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш асосида ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш, уларни фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида прокуратура органларига хос бўлмаган функцияларни чиқариб ташлаш йўли билан уларнинг фаолиятини мақбуллаштириш;

2) 2019 йил 1 апрелдан:

тадбиркорлик билан шугулланувчилар фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш ва қонунийлиги устидан назорат юритиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллик томонидан амалга ошириш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларга оид қарорлари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг назорат қилувчи органлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланиши;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллик Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасини назорат қилувчи органлар билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларнинг қонунийлиги устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда иштирок этиши [5];

3) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тасарруфидан текширувларни электрон рўйхатга олишни ягона тизимини Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллик тасарруфига ўтказиш.

4) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил қуйидагиларни назорат қилади:

назорат қилиш органлари томонидан тадбиркорлар фаолиятида текширувлар ўтказиш жараёнида қонунчилик талабларига риоя этилишини;

назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш тўғрисидаги буюртмаларини кўради ва унинг асослилигини ўрганади;

тадбиркорлар фаолиятини назорат қилишга розилик бериш ёки уларни рад этиш, муддатини узайтириш ҳамда кўчириш тўғрисида қарор қилишни;

назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувларни ўтказишда қонун ҳужжатларини бузганлиги учун айбдор мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш бўйича чоралар кўришни;

тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасида ягона ҳисоботлар юритилишини;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш соҳасидаги меъёрий базани ишлаб чиқади ва такомиллаштиришда иштирок этади [5].

Ушбу ташкилий тузилмалар бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун жуда зарур. Лекин, ушбу ташкилот вакилларининг текширувларда бевосита иштирок этмаслиги унинг фаолият самарадорлигини юқори даражада ижобий самара келтиришига олиб келмаслиги мумкин деган шубҳа келтириб чиқаради. Вакил номидан «Тадбиркорлар палатаси» ходимини иштирок этиши текширувга қанчалик ижобий самара беришини олдиндан тасдиқлаш қийин. Бироқ, ушбу ташкилий тузилмаларни яратилиши ижобий ўзгариш деб қабул қилинади.

Юқорида баён қилинган фикрлар ва келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосани қилиш мумкин:

тадбиркорликни ривожлантириш учун ташкилий механизмни ва бозор инфратузилмаси хизматлари сифатини узлуксиз равишда такомиллаштириб бориш лозим;

асосий эътибор тадбиркорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганишга ва уларга ўз вақтида сифатли ёрдам кўрсатиш учун шарт-шароит яратишга қаратилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Умаров И.Ю. Тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатишнинг янги шакллари ва улардаги ўзгаришлар // *Biznez-Ekspert*, – Т.: 2019. – №1, 8-9-б.

2. Doing Business 2019 Uzbekistan // The World Bank, 2019. – 7 p.
www.doingbusiness.org.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 мартда «Ўзбекистон республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузуридаги тармоқ бозорлари ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқиқотлари маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 183-сонли Қарори. // lex.uz

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартда «Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 241-сон Қарори. // lex.uz

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартда «Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5690-сонли Фармони. // lex.uz

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БОШҚАРУВИДА АЁЛЛАР УЛУШINI ОШИРИШНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ ҚУВВАТЛАНИШИ

Хусанова Зулфия Рахматуллаевна
Андижон давлат университети катта ўқитувчиси

Бугунги кунда мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган албатда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни субъектларини кўпайтириш иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг асосий омили бўлиб, хусусий тадбиркорлик субъектлари бошқарувида аёллар улушини ошириш тармоқ ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Бу жараёнда “Тадбиркор аёл“ Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси алоҳида ўрни тутади. Жумладан, ассоциация бугунги кунда мамлакат миқёсида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш бўйича қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Ассоциациянинг асосий фаолияти аёлларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда ҳимоялаш, уларнинг тадбиркорлик ва жамоат ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, молиявий, ахборот ресурсларидан фойдаланишини таъминлашга кўмаклашишдан иборат булиб, бунда Олий Мажлис хузуридаги Нодавлат ногаҳон ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва бир қатор халқаро ташкилотлар олаҳида ўрин тутади[1].

Хусусан, Жамоат фонди ижтимоий буюртмасига биноан “Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг республика даражасидан паст бўлган 10 та туманида яшаётган ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчиларини, аёллар ва ногиронларни оилавий бизнесга ва хусусий тадбиркорликнинг турли

соҳаларига кенг жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, бунинг баробарида замонавий ахборот технологияларини пухта ўзлаштиришларига ёрдам бериш” номли лойиҳани амалга оширилган бўлиб, лойиҳа доирасида ассоциация бизнес тренерлари ҳар бир туманда 128 нафардан ишсиз аёлни қайта касбга тайёрлади ва бизнес асосларига ўргатди. Умуман, бу жараёнга 1024 ишсиз хотин-қиз қамраб олинди. Бугунги кунда ҳар бир туманда 80 нафардан, жами 1000 га яқин хотин-қиз иш билан таъминланди.

Бундан ташқари мамлакатимизда Жамоат фонди гранти маблағи ҳисобидан “Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини халқаро глобал индекс талаблари асосида юритиш тизимини яратиш” лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда “Аёллар бизнес таълимини такомиллаштириш ва Ўзбекистонда ёш хотин-қизлар тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш” лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди. Лойиҳа доирасида барча ҳудудларда ўз бизнесини бошлаётган ёш хотин-қизларга Вестминстер университетида малакали бизнес экспертлар томонидан бизнес асослари йўналишида махсус таълим дастури ўтилди. Бизнес курсларни муваффақиятли тугатган хотин-қизлар жорий йил май ойида Голландияда бўлиб, бу ердаги касбдошлари тажрибалари билан ўртоқлашди.

Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорликда аёллар бандлигини таъминлаш, ижтимоий йўналтирилган инновацион бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида 15 нафар хотин-қиз ИТБнинг кичик грантларини олишга муваффақ бўлди ва улар ўз маблағи ҳамда ажратилган грант маблағи ҳисобига ишлаб чиқаришига инновацион ёндашган ҳолда янги иш ўринларини яратмоқда.

Жаҳон банки кўмагида амалга оширилаётган “Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик секторини ривожлантириш” лойиҳаси фермер, деҳқон ва боғдорчилик хўжалиklarини юритаётган аёлларга яқиндан кўмак берилиши ушбу соҳада аёллар бошқаруви иштирокини ортаётганлигини кўрсатади.

Ушбу лойиҳада “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ҳам фаол иштирок этиб, лойиҳанинг асосий вазифаси қишлоқлардаги аёл фермер ва деҳқон хўжалиklари раҳбарларининг бизнес ғояларини тўғри шакллантириш, имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланишини таъминлаш, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қўшимча қиймат занжири орқали хомашёдан тайёр маҳсулотга айлантиришга кўмаклашишдан иборат. “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси мамлакатимиз тадбиркор аёллари салоҳиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни экспорт қилишга, хориж мамлакатларидаги ҳамкасblари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишига кўмаклашиш мақсадида “Businesswomenexpo – 2019” халқаро кўرғазма-савдо ярмаркасини ўтқилган. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган тадбиркор аёллар билан бир қаторда Афғонистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Жазоирдан ишбилармон аёллар иштирок этди. Тадбиркор аёлларимиз умумий

қиймати 1 миллиард сўмлик шартномалар имзолади. Ушбу лойиҳалар асосида 200 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилиб, тадбиркор хотин-қизлар мурожаатлари ҳам ижобий ҳал этилганлигини кузатишимиз мумкин. Бу натижалар мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва уларни иқтисодий ривожланишидаги ҳиссасини оширишга хизмат қилади. Ассоциация қошида бизнес-туризм маркази ташкил этилиб, ушбу марказ саъй-ҳаракатлари билан 100 нафар тадбиркор аёлларимиз Қирғизистон, АҚШ, Малайзия, Иордания каби мамлакатларга ташриф буюриб, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. 2019 сентябрь ойида “Тадбиркор аёл“ Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Бухоро вилояти бўлими учун Туркия халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлигининг (ТИКА) Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида янги бино қуриб берилди[2]. Ассоциациянинг қолган вилоятлардаги бўлимлари фаолияти учун ҳам қулай шароитлар яратиш борасида вилоят ҳокимлари билан доимий музокаралар олиб борилиши мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида аёллар тадбиркорлигини кўллаб-қувватланиши ва уларнинг бандлик даражасининг оширилишига қаратилган асосий эътибордан далолат беради. Бу амалга оширилган барча ишлар жамиятимизда аёлларга бўлган юксак ишонч орқали тараққиётга қўшиши мумкин бўлган ҳиссасини имкон қадар оширишга хизмат қилади. Уларни амалга оширишда Президентимиз томонидан хотин-қизларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва алоҳида эътибор, аёлларимизни кўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим асос бўлади.

Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2-февральдаги ПФ-5325-сонли “Хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, улар ўртасида оилавий ва хусусий тадбиркорликни, ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалий чораларни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган[3]. Бу каби Қарор ва Фармонлар юртимизда тадбиркорлик субъектлари бошқарувида аёллар улушини оширишни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Тадбиркор аёл“ Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси. Журнал. 2019 йил №1.
2. “Businesswomenexpo“ Журнали. 2019 йил. №1
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2-февральдаги ПФ-5325-сонли Қарори.
4. www.lex.uz
5. www.businesswomenexpo.uz

ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ ТАЖРИБАСИ

Махмудов Носир Махмудович¹

Бўстонов Мансуржон Мардонақулович²

¹Тошкент давлат иқтисодий университетининг профессори, и.ф.д.

²Наманган муҳандислик-технология институтининг доценти, и.ф.н.

E-mail: bustonov1975@mail.ru

Инновация муҳитида кичик корхоналар фаолиятини бошқаришнинг соф бозор механизмлари самарасизлиги саноати ривожланган давлатлар ҳукумати кичик инновация бизнесини қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга мажбур қилади. АҚШ да бундай дастурлар 1982 йилда "Кичик бизнесда новаторлик тадқиқотларини ривожлантириш тўғрисидаги Қонун" қабул қилингандан сўнг кенг қўлланила бошлади. 1992 йилда Small Business Technology Transfer – STTR дастури бошланиб, у кичик бизнес корхоналари учун давлат тадқиқот ташкилотларининг шартномавий фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади [1].

Дастурнинг асосий мақсади - кичик компанияларнинг янги технологиялар асосида рақобатбардош товарлар яратиш учун зарур молиявий имкониятларни кенгайтириш, шунингдек, давлат тадқиқотчилик ташкилотларини қўшимча маблағ ва воситалар билан таъминлашдан иборатдир.

Европада фаолият юритувчи асосий инвесторларнинг америкаликлардан фарқли жиҳати шундаки, Европада давлат инвестициялари ҳиссаси каттароқдир (1 - жадвал).

1 - жадвал

Европа Иттифоқи давлатларида венчур индустрия учун капитал манбаларининг ҳиссаси

Инвестор	Европа	Австрия	Дания	Буюк Британия
Пенсия жамғармалари	24,2	8,8	5,8	40,1
Банклар	21,7	48,8	29,0	9,6
Суғурта	12,9	12,7	16,4	14,7
Жамғармалар	11,4	0	7,2	13,6
Корпорациялар	10,9	4,4	8,7	8,0
Хусусий инвесторлар	7,4	10,1	10,6	6,3
Ҳукумат	5,6	15,9	16,4	3,7
Бошқалар	5,9	0	5,9	4,1
Жами, %	100	100	100	100

Манба: ЕУСА, 2018 йил

Буюк Британия давлатнинг венчур молиялаштиришда иштироки Олий таълим Инновация жамғармаси – Higher Education Innovation Fund (HEIF) томонидан амалга оширилади. HEIF 2000 йилда ташкил этилган бўлиб, у ҳудудий хусусиятларни инобатга олиб, венчур лойиҳаларни молиялаштириш учун маблағлар ажратади.

Гонконгда ҳукумат инновациялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш Дастурини (The Innovation and Technology Support + Programme – ITSP) амалга

оширади. Унинг асосий мақсади - саноатни инновация ва технологик қайта тўзишга йўналтирилган ИТТКИ ни амалга оширишда рағбатлантириш фаолиятини кўрсатишдир [2].

Илмий сиёсатни амалга оширишда АҚШ ҳукуматининг роли куйидагиларни:

фундаментал илмий ғоялар захирасини яратади ва янги технологияларни ишлаб чиқиш учун зарур мутахассисларни тайёрлашга ёрдам беради;

илмий - техник лойиҳалар молиявий хатарини камайтиради;

академик ва амалий фанлар ўзаро муносабатларини ташкил этишда воситачилик функциясини амалга оширади;

илмий соҳада мувозанатсизликни тўғрилайди, илм-фан моддий- техник базаси қолоқлигини бартараф этади, илмий тадқиқотларнинг ахборот базасини ривожлантиради.

Ривожланган ва ривожлаётган мамлакатларда инновацион жараёнларни ташкил қилиш шундан далолат берадики, реал сектордан ИТТКИларни молиялаштириш ривожланаётган давлатларда ривожланган давлатларга нисбатан 5.5. мартда кам [3]. Асосан ривожланаётган мамлакатларда ИТТКИ давлат тарафидан молиялаштирилади (2 - жадвал).

2 – жадвал

Инновацияларни жорий қилиш

Курсаткичлар	Ривожланган мамлакатлар	Ривожланаётган мамлакатлар
Патентлар: АҚШ	0,35	0
Европа хамжамияти ^x	0,15	0
ИТТКИ билан бандлар ^x	16,6	3,87
ИТТКИ харажатлар ^{xx}	1,58	0,41
Реал сектор билан молиялаштирилаётган ИТТКИ ^{xx}	0,74	0,13
Чет элдан молиялаштирилаётган иттки ^{xx}	0,04	0,01
Реал секторда амалга оширилган ИТТКИ ^{xx}	0,96	0,25
Олий таълим тизими билан амалга оширилган ИТТКИ ^{xx}	0,34	0,12
Давлат сектори билан амалга оширилган ИТТКИ ^{xx}	0,28	0,22

^x) 10 минг аҳолига нисбатан ^{xx}) ЯИМдаги улуши

Манба: Доклад о мировом развитии, 2005 г.

Шундай қилиб, ривожланган иқтисодиётли мамлакатларда давлатнинг инновация фаоллигига таъсири қуйидаги йўналишларда ўз аксини топади:

-биринчидан, давлат илмий-техник ғоялар таклифини ва ишланмаларни амалга ошириш учун зарур инфратузилмасини шакллантиришнинг омили сифатида;

-иккинчидан, давлат инновация корхоналари ўз фаолиятини амалга оширадиган иқтисодий муҳитни шакллантиришнинг муҳим омили;

-учинчидан, давлат маҳкамалари харидлари кейинчалик хўжалик амалиётида кенг тарқаладиган ва қўлланиладиган кўпгина янгиликларни жорий этиш борасида бошлангич талабни шакллантирувчи омил сифатида қатнашадилар.

Шундай қилиб, инновация ва янгиликлар инновациявий фаолият натижасида юзага келади, улар ўзаро боғлиқ ва бири иккинчисиз мумкин эмас. Уларнинг асосий фарқи шундаки биринчи ҳолатда - янги маҳсулот шаклланиши жараёни рўй берса, иккинчисида - уни тижоратлаштириш жараёни амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов /С.Д.Ильенковой.-М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997г., стр.26.
2. Кругликов А.Г. Системный анализ научно-технических нововведений. М.: Наука, 1991г., стр.120.
3. Как сделать инвестиционный климат благоприятным для всех. Доклад о мировом развитии. М.: Весь мир. 2005. стр. 271.

TADBIRKORLIK VA KICHIK BIZNES AYOLLAR BANDLIGINI TA'MINLOVCHI VOSITA SIFATIDA.

Karimov Muzaffar Abdumalikovich

Andijon davlat universiteti, o'qituvchi.

E-mail: karimov8993@umail.uz

Bozor iqtisodiyoti sharoitida ayollarning bandligi kam himoyalangan hudud hisoblanadi. Jamiyat rivojlanishidagi ijobiy iqtisodiy va ijtimoiy-madaniy tendensiyalarga qaramay, ayollarning o'z imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish sohasini kengaytirishga hissa qo'shgan holda, ular bandlik sohasida erkaklarnikiga qaraganda kamroq ijobiy mavqega ega. Bundan tashqari, professionallik, bilim va ko'nikmalarni talab qiladigan ish joylari uchun raqobat bilan bog'liq bo'lgan bandlik muammosi mavjud.

Shu bilan birga, iqtisodiyotidagi ba'zi bir o'zgarishlar ayollarning iqtisodiy imkoniyatlarini to'liq namoyon qilish uchun ma'lum imkoniyatlarni taqdim etdi. Ayollar bandligini ta'minlash muammolarini hal qilish usullaridan biri ijtimoiy yo'naltirilgan tadbirkorlikni rivojlantirish va ayollarni kichik biznesga jalb qilishdir. Uy-ro'zg'or ishlari bilan shug'ullanish jarayonida ayollar muhim tashkiliy va tadbirkorlik tajribasiga ega bo'lishdi va bu tajribani bugungi kunda nafaqat oilada balki boshqa sohalarda ham keng qo'llash imkoniyatiga ega bo'lishdi.

Zamonaviy sharoitda ayollarning yuqori ma'lumotli va kasbiy salohiyatiga talab yo'qligi tendensiyasi kuzatilmoqda. Biz ayollar tadbirkorligining ulkan imkoniyatlari haqida gapirishimiz mumkin, buni faqat davlat tomonidan qo'llab-quvvatlangan taqdirdagina amalga oshirish mumkin.

Biroq, ayollarni ish bilan ta'minlashning o'ziga xos shakli sifatida tadbirkorlikning ijtimoiy-iqtisodiy xususiyatlari va ushbu hodisaning rivojlanish omillari to'liq ko'rib chiqilmagan.

Ayollarni ish bilan ta'minlash konsepsiyasi - bu aholi bandligini ta'minlashning umumiy konsepsiyasining konkretizatsiyasi, ammo ayni paytda u mustaqil tarkibga ega. N.I. Kungurova "ayollarni ish bilan ta'minlash" atamalarini ayollarning mehnatidan foydalanish xususiyatlariga to'la mos keladigan sohalar, tarmoqlar, ishlab chiqarishlar va kasblar bo'yicha taqsimlash deb tushuniladi[1].

Ushbu ta'riflar zamonaviy davrda ayollarning mehnat munosabatlarining o'ziga xos xususiyatlarini ifoda etmaydi. Bugungi kunda kasbiy faoliyat iqtisodiy qadriyatlarni istisno etmasa ham, birinchi navbatda o'zini o'zi anglash sohasi sifatida mustaqil ahamiyatga ega bo'lib, ayollarning qadriyat yo'nalishi bo'yicha etakchi o'rinlardan birini egallaydi. "Ayollarni ish bilan ta'minlash" toifasi jamiyat manfaatlarini aks ettiradi va biz ayollar mehnatidan foydalanish bilan bog'liq bandlik sifatida tushunamiz, bunda ularning mehnat faoliyati nafaqat iqtisodiy zarurat, balki ayol kishining shaxsiyati va uning o'zini namoyon qilish vositasi sifatida qaraladi. Biz "xotin-qizlar bandligi" toifasini ish o'rinlari bilan ta'minlash va iqtisodiy faol aholining ayol qismini ijtimoiy bozorga jalb qilish, ularning yangi bozor sharoitlariga va raqobatbardoshlik darajasini hisobga olgan holda, bandlik turlarini tanlash erkinligi sharti bilan ijtimoiy munosabatlarga jalb etish munosabatlari tizimi sifatida belgilaymiz. Bu ayollarning o'zlarining manfaatlarini aks ettiradi.

Zamonaviy davrning o'ziga xos xususiyatlari quyidagilardir:

-jamiyat rivojining postindustrial bosqichi talablari oilaning maqbul turmush darajasini, ayollarning o'z manfaatlarini hisobga olgan holda, ko'pchilik ayollarning ijtimoiy ishlarga jalb qilinishi;

-ayollarning malakali mehnatiga ustuvorlikni oshirish tendensiyasi, bu ularning bandlik sohasidagi mavqeini mustahkamlashga yordam beradi;

-rivojlangan mamlakatlarda ta'lim va biznes karerasi oila va onalikdan muhim bo'lmagan ayol turiga ega bo'lishiga olib keladigan ayollar bandligining moslashuvchan modelini shakllantirish;

-ijtimoiy mehnat tizimidagi gender tafovutining o'zgarishi an'anaviy erkak va ayol mehnat sohalari o'rtasidagi chiziqlarning xiralashishida namoyon bo'ldi.

Ayollarning ish bilan band bo'lishiga jinslararo mehnat taqsimoti omili katta ta'sir ko'rsatmoqda. Bizning fikrimizcha, kasblarning "erkak" va "ayol"ga bo'linishi aqliy qobiliyatlar va ishbilarmonlik fazilatlarining mavjudligi yoki yo'qligi bilan izohlanmaydi, balki erkaklar va ayollarning ijtimoiy roliga an'anaviy qarashlarning natijasidir. Buni odatda "erkak" va "ayol" kasblari turli mamlakatlarda bir xil emasligi bilan tasdiqlaydi. Daromad va obro' haqida tushunchalar ustunlik qiladi. Har qanday ish soddalashtirilsa, unchalik obro'li va daromadli bo'lmaydi, u "ayol" bo'ladi. Kasblarning feminizatsiyasi bu kasb turlarining past maqomini, shaxsiy daromadlarining pastligini yashiradi. Mavjud bandlik holati ayollar foydasiga emas.

Ayollarning kam haq to'lanadigan kasblar va tarmoqlarga jamlanishiga yordam beradigan mintaqaviy ajratish ijtimoiy kamsitishga, ayollar va erkaklarning ish haqi

darajasidagi nomutanosibliklarga, mansab imkoniyatlariga va boshqaruv qarorlarida ishtirok etishga olib keladi.

Qayd etilishicha, ayollarni ish bilan ta'minlash muammolarini hal qilish usullaridan biri bu ayollarni kichik biznes sohasiga jalb qilishdir. Tadbirkorlik shaklidagi bandlik, shuningdek ish bilan ta'minlash, ijtimoiy jihatdan tan olingan shakl maqomiga ega bo'ladi [2].

Tadbirkorlikni bandlikning ideal shakli deb bo'lmaydi. Ushbu konsepsiya ma'lum darajada qarama-qarshi bo'lib, u bir qator afzalliklar va kamchiliklar mavjudligida namoyon bo'ladi, bu ish shaklining ishlashining ayrim jihatlarida turli xil ko'rinishlarda namoyon bo'ladi. Masalan, mehnat jarayonini tashkil etish nuqta nazaridan tadbirkorlik harakatlarning erkinligi va mustaqilligini, yakuniy natijalarga qiziqishni, ishga joylashish uchun yanada moslashuvchan sharoitlarni anglatadi, ammo shu bilan birga mehnat intensivligi oshadi. Bozor iqtisodiyotiga aholining ijtimoiy moslashuvi bo'yicha tadbirkorlik shaxsga o'zini isbotlash va daromad olish imkoniyatini beradi, ammo bandlikning ushbu shakli ko'proq xavf va kelajakdagi vaziyatning noaniqligi, ishbilarmonlar va xodimlarning ijtimoiy himoyasining sustligi bilan tavsiflanadi.

Foydalangan adabiyotlar ro'yxati:

1. Ю.А. Ражнева. Автореферат. Предпринимательство как форма занятости женщин. Барнаул-2016 год
2. Empowerwomen. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.empowerwomen.org>

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хабибулла Кучкаров¹, Мавлон Султанов Турсинбоевич²

¹Андижон давлат университети доценти, и.ф.н.

²Андижон давлат университети катта ўқитувчи

E-mail: qochqarov 1956@ru

Мамлакатимизда олиб борилётган жиддий институционал ўзгаришлар шароитида, ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг амалга оширилишида корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиниши катта ахамиятга эга бўлмоқда.

Миллий корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш юзасидан ривожланган мамлакатлар тажрибасига этибор берилса, корпоратив бошқарув деганда корхона, компанияни бошқаришнинг бир усули, қайсидир манода корхона хўжалик фаолияти натижаларини, таъсисчилар ва бошқа манфаатдор шахслар ўртасида адолатли тақсимлаш имконияти, компания таъсисчиларига компания фаолиятига доир зарур маълумотларни менежерлар фаолиятини назорат қилиш учун етказиб бериш мажбурияти деб ҳисобласа ҳам бўлади. Бу эса компания капиталини ўсишига замин яратади.

Компанияда корпоратив бошқарувни самарали ташкил этиш учун, қуйидаги айрим асосий принципларга мувофиқ фаолият кўрсатиш зарур бўлади:

компания акциялар эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатлари устувор аҳамиятга эгалиги;

манфаатдор шахслар тенг ҳуқуқлик бўлиши;

корпорацияни бошқаришда таъсисчиларнинг фикри;

шаффофлик;

бошқарув аъзоларига бириктирилган вазифаларни ижро этиши;

ошкоралик;

Корпоратив бошқарув – муҳим тушинча ҳисоблансада, лекин шу кунгача аниқ тавсифга эга бўлмаган ҳолда базада қуйидагича шархланади:

менежерларни акциядорлар олдидаги ҳисобдорлиги;

менежерлар ва акциядорлар ўртасидаги муносабатлар;

корхона хўжалик фаолияти натижаларини таъсисчилар ва бошқа манфаатдор шахслар ўртасида адолатли тақсимлаш имконияти;

бошқарувни назорат қилиш ва менежерларга таъсир кўрсатиш имконияти;[1]

Корпоратив бошқарув корхонани тўғридан тўғри оператив тактик бошқариш тизимида қатнашмасда, кейинги вақтларда корхонани стратегик бошқарувига қўшилиш жараёни кузатилмоқда. Корпоратив бошқарувнинг мазмуни корпоратив ҳаракатларни амалга ошириш жараёнини назорат қилишдан иборат.

Корпоратив бошқарувни жорий қилишни зарурлиги шундан иборатки, бизнес мулк сифатида мулкдор ва сармоядорга тегишли – мулкни бошқариш директорлар кенгаши, бошқарув раиси, менежерларга топширилган, бу эса ўз навбатида томонлар ўртасида муносабатларни тартибга солиш учун зарур бўлган ички номатив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиниши зарурлигини кўрсатади.

Корпоратив бошқарувнинг немис тизимида, акциядорлар компанияни равожланишининг стратегиясини қабул қилинишида ҳал қилувчи овозга эга бўлиб, немис моделида асосан этибор манфаатдор томонларнинг манфаатлар мувозанати ва ўзаро жавобгарликга қаратилган. Ингилиз-америка корпоратив бошқарув тизими, акциядорларни молиявий манфаатларини қондиришга йўналтирилган. Ингилиз-америка тизими бўйича ҳаркат қилиш компанияларни динамик равожланишига олиб келса, немис тизими эса барқарор равожланишга олиб келади [2].

Осиё корпоратив бошқарув тизимини ҳам алоҳида этибор бериб кўрсатиб ўтишмоқда. Бу тизим уч асосий тамоилларга таянади:

давлатнинг чуқур ўйланган индустриал сиёсати;

қишлоқ хўжалигидаги ислохатлар;

тизимни қўлловчи молиявий сектор.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг кенг иқтисодий ислохатлар амалга оширилиб давлат мулки негиздаги корхоналар давлат

тасарруфидан чиқарилиб турли мулкчилик шаклидаги акциядорлик жамияти, маъсулияти чекланган жамият ва хусусий корхона шаклидаги юридик шахсларга айлантирилди. Жумладан акциядорлик жамияти шаклидаги ва маъсулияти чекланган жамият шаклидаги корхоналар фаолиятини амалга ошириш юзасидан “Акциядорлик жамияти ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги, Маъсулияти чекланган жамиятлар ва қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида”ги ва бошқа бир неча қонун ва қонун ости ҳужжатлар қабул қилиниб, фонд бозори ва миллий қимматли қоғозлар қонучилиги шакилланди, фонд биржаси, қимматли қоғозлар марказий депозитарийси инвестиция институтлари, умуман олганда фонд бозорининг инфратузилмалари шакилланди. Фонд бозорида профессионал фаолият билан шуғуланувчи малакали кадрлар таёрланиб уларга профессионал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи малака аттестатлари берилди. Мамлакатимизда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш мақсадида 24.04.2015 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 сонли фармони қабул қилинди [3]. Фармонга асосан халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этишэски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш, акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар ролини ошириш, етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш даражасини ошириш.

Корпоратив бошқарув тизимини малакатимизда фаолият кўрсатаётган компанияларда жорий қилиш юзасидан мамлакатимиздаги қонунчилик ва қонун ости ҳужжатлар мутазам янгиланиб борсада шу кунгача мамлакатимизнинг миллий корпоратив бошқарув тизими шакилланмади. Миллий корпоратив тизимини шакилланишига тўсқинлик қилаётган омиллар қуйидагилардан иборати [4]:

90 фоиз мамлакатимиздаги акцияларини эмиссия қилинган акциядорлик жамиятларида 51 фоиз ва ундан ортиқ акция пакетлари давлатга ва давлат назортидаги акциядорлик компанияларга тегишлилиги;

акциядорларнинг ҳуқуқий саводхонлиги жуда пастлиги, корхона бошқарувида майда акция пакетлари эгалари умуман қатнашмаслиги;

90 фоиз акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгашида 80, 90 фоиз давлатнинг вакилларини сайланиши;

оммавий ахборот воситларида акциядорлик жамиятлари уларнинг фаолиятига доир тахлилий кўрсатувлар ва корпоратив бошқарувга доир кўрсатувлар йўқлиги;

жамият акциядорларнинг йиғилиши йирик акция пактелари давлат ва давлатга қарашли компанияларга тегишлилиги сабабли жамиятни

ривожлантириш юзасидан фикрлар, бизнес режалар жамиятни ривожланишига доир таклифлар жамиятнинг бошқа акциядорлари томонидан таклиф қилинмаслиги.

Акциядлик жамиятининг молиявий ҳолати оғирлиги ҳисоб рақамида пул маблағлари йўқлиги ёки солиқдан қарздорлиги борлиги сабабли ҳисоб рақамига инкасса топшириқномаси қўйилганлиги сабабли акциядорларга дивидендлар белгиланган муддатларда тўланмаслиги.

Жамиятнинг бизнес режаси бажарилиши юзасидан чораклик жамият раҳбарининг Кузатув кенгаши олдидаги ҳисоботи чуқур таҳлиллар асосида ўтказилмасдан фармал тарзда ўтказилиши.

Юқоридаги фикрларга асосан мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Мамлакат иқтисодийдини либераллаштириш сиёсатини давом эттириб, молиявий ҳолати барқарор акциядорлик жамиятларининг давлат улушларини IPO ва SPO орқали босқичма босқич кенг халқ оммасига сотиш ва ваколатли давлат органининг openinfo.uz корпоратив веб-сайтида ва жамият веб сайтида ошқор қилинган маълумотларни таҳлилини телевидения орқали бериб бориш, малакатимизда қайси жамият қанча соф фойда олганлиги, қайси жамият дивидендга қанча ажратгалиги ёритиш, акциядорлик жамиятининг маъсул ходимларидан тушинчаларни жамиятнинг жойига бориб сўраш ва уларнинг жавобларини телевидения орқали ёритиш, корпоратив бошқарувни жорий қилиб муваффақият қозонаётган акциядорлик жамиятларини рейтингини тузиб уни доима аҳолига кўрсатиб бориш [5].

Акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлари бўйича мутахасслари Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан берилган малака аттестати билан ишлаши мумкинлиги тўғрисида ва акциядорлик жамиятларида қимматли қоғозлари бўйича мутахасис бўлиши зарурлиги тўғрисида ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Брейли Р., Маерс С. «Принципы корпоративных финансов», М.: «Олимп бизнес», 2014г.- с. 427
2. Зайнутдинов Ш.Н., Рахимова Д. “Корпоратив бошқарув асослари” Т.: “Академия” 2017 й. с. 124
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 сонли фармони 24.04.2015 йили
4. Статистик маълумотлар ЎзР 2017 й.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПРЕДПОСЫЛКИ ПРОБЛЕМЫ ЗАНЯТОСТИ ЖЕНСКОГО ТРУДА И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ.

Бойкузиева Раъно Каримовна

соискатель Ферганского политехнического института

С появление первых признаков рыночных отношений, экономические идеи и взгляды на труд приобрели новое содержание. Эти процессы связаны с появлением в Европе 16века учения меркантилизма. Т.Манн, Б.Янвакети, У.Стаффорд являлись идеологами этой школы. Они выдвигали идеи накопления богатства, владения золотом, драгоценными камнями и отмечали, что именно этим определяется богатство государства. По их мнению, такого положения можно добиться трудом.

В 17 веке в Англии появилось новое толкование понятия «трудовые отношения». В обращении были введены такие понятия, как наёмный труд, наёмная рабочая сила. В основном эти понятия применялись к ремесленникам и к крестьянам, у которых были отняты земли, и они были привлечены к работам на мануфактуре.

Английский экономист Уильям Петти (1623-1687гг) считал товаром не рабочую силу, а труд, подробно анализировал понятие труда. Он отмечал, что естественной ценой труда является его оплата и её максимальная цена. Учёный считал, что рабочему достаточно получать за свой труд средств, достаточных для проживания и размножения. Его учению было присуще минималистическое отношение к человеческому фактору и его труду.

Французский учёный Франсуа Кенэ (1646-1774гг) заложил основу физиократического учения и внёс в экономику понятие «чистый продукт», что в современной науке называется «национальный доход». С понятием чистого продукта у Ф.Кенэ связано учение о производительном и непроизводительном труде. Труд на земле рассматривается как производительный, остальной труд отнесен к разряду непроизводительного.

Адам Смит (1723-1790гг) и Давид Рикардо (1772-1823гг)- самые выдающиеся представители английской классической политэкономии. Знаменитой книгой А.Смита является «Исследования о природе и причинах богатства народа». По утверждению А.Смита, важнейший фактор экономического развития – это разделение труда. За счёт этого, по заключению Смита, растёт производительность и мастерство рабочих, сокращается время перехода от одних операций к другим, повышается качество продукции.

Численность населения, количество занятых полезным трудом, разделение и рост производительности А.Смит считал основными факторами увеличения национального богатства. Современная наука подтверждает эти взгляды.

Для Д.Рикардо вопросы оплаты труда являются приоритетными. Себестоимость и цена, на его взгляд, должны изменяться соразмерно, работника необходимо стимулировать.

Важную роль в формировании современных учений о труде играют экономические идеи английского учёного Джона Мейнарда Кейнса (1883-1946г.г). Он считал, что максимальную занятость и рост экономики можно обеспечить только активным вмешательством государства в экономику. Свои идеи он выразил в работе «Общая теория занятости процента и денег».

В идеях известных экономистов фактор труда не рассматривался как ресурс или потенциал, а только как рабочая сила. Теоретики-классики не исследовали её значение и участие в территориальной, региональной или национальной экономике как общественный труд, направленный на благотворительность, труд в целях реализации своего таланта.

Решающую роль в жизни человека и общества играет труд. Благодаря ему обеспечивается благосостояние общества, создаётся материальное и культурное богатство.

При слове «работа» наряду с деятельностью человека подразумеваются используемые машины и механизмы, силы природы. Труд же – только социально- полезная деятельность человека

Слово «работа» и «труд» используются только как равнозначные слова. Понятие же «деятельность» означает только присущую человеку деятельность, результат использования физических и умственных способностей для удовлетворения каких-то своих потребностей.

Различия трудовой деятельности и деятельности, не присущей труду, основывается на двух основных критериях.

Первый критерий- деятельность, связанная с созданием материальных и духовных благ. Деятельность, не связанная с ними, не считается трудом (например: игры, путешествия, прогулки и т.д.)

Второй критерий- законность деятельности. Трудовая деятельность может быть только законной. Запрещённая деятельность (преступность, торговля людьми и т.п.) не входит в категорию «труд».

Труд как процесс состоит из трёх составляющих:
труд – социально полезная деятельность человека;
предмет труда;
средства труда.

Основные формы проявления труда состоят из:

- расходования умственной и физической энергии человека;
- взаимосвязи работников со средствами производства;
- взаимосвязи работников в процессе производства друг с другом и по горизонтали (взаимодействие в трудовом коллективе), и по вертикали (начальник- подчинённый).

На понятие «труд» существуют в экономической теории различные взгляды. Так, Адам Смит указывал, что «Труд – единственный источник стоимости», обосновывая это тем, что при примитивном состоянии общества товары обменивались в соответствии с количеством труда, затраченным на их приготовление.

Представитель новой классической теории А.Маршалл дал следующее определение понятию «труд»: «Всякое умственное и физическое усилие, предпринимаемое частично или целиком с целью достижения какого-либо результата, не считая удовлетворения, получаемого непосредственно от самой проделанной работы».

К сущность труда в экономической литературе имеются различные подходы. Подчёркивается, что труд – целенаправленная деятельность человека, направленная на его развитие, использование природных ресурсов, развития общества и т.п.

С учётом усложнения деятельности человека в данный период различают следующие свойства трудовой деятельности:

1.Содержание трудовой деятельности – комплекс характеристик конкретного полезного труда.

Исходя из содержания, трудовая деятельность квалифицируется следующими видами:

-физический труд, характеризующийся нагрузкой на опорно-двигательный аппарат;

-умственный труд, объединяющий работы, связанные с приёмом и переработкой информации, требующей напряжения внимания, памяти;

-простой труд – это труд работника, не имеющего профессиональной подготовки и квалификации;

-сложный труд – это труд квалифицированных работников, обладающих определённой профессией;

-функциональный труд – это труд, характеризующийся определённым набором трудовых функций, характерных для конкретного вида трудовой деятельности;

-профессиональный труд является конкретизацией функционального труда образующего широкую профессиональную структуру.

2.Характер трудовой деятельности отражает способ соединения производителя со средствами производства. Например, в обществе, основанном на честной собственности на средства и производства, работник может соединяться с ним, продавая свою рабочую силу.

3.Содержательность трудовой деятельности - это состав, характер, объём и разнообразие выполняемых работником трудовых функций.

4.Интенсивность трудовой деятельности – степень напряжённости труда в процессе производства. Чем выше интенсивность труда, тем выше его производительность.

5.Качество трудовой деятельности - характеристика конкретного труда, отражающая степень его сложности, интенсивности, условия и значимость для развития экономики.

6.Достойный труд. Это труд, по определению Международной организации труда (МОТ), позволяющий работнику заниматься любимым делом в условиях свободы, справедливости безопасности.

Достойный труд даёт работникам и их семьям финансовые средства. Рост их покупательной способности стимулирует экономический рост, развития малых предприятий, создания новых рабочих мест.

В результате государств получает больше налоговых поступлений, направляемых в социальную сферу.

Список использованной литературы:

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев Олий Мажлису. 22 декабря 2017 г.
2. Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах».
3. Абдурахманов К.Х. Экономика труда: Теория и практика, Москва 2019г.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Каримов Музаффар Абдумалик ўғли¹
Набижонов Абдурахмон Муроджон ўғли²
¹Андижон давлат университети ўқитувчиси.
²Андижон давлат университети талабаси.

Малумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишидаги аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Аҳолини иш билан тامينлаш ва ишлаб чиқариш корхоналарида ракобатни ривожлантириш мамлакатимизда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожатномасида иқтисодиётнинг бу тармоғида, "Кичик бизнес ва ўрта бизнес тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрланади, лицензия ва рухсатномалар беришда жиддий ўзгариш қўйилмоқда, рухсатномалар сони 2-3 баробарга камайтириш белгиланиши лозим"[1] каби вазивалар белгиланган.

Республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсисш суръатини яратилган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланиш эвазига тامينлаш мумкин. Бунинг учун аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини республикаимиздаги барча ҳудудларда кўпайтириш, хусусан аҳоли иш билан банд бўлмаган катламини иш билан тамишлаш, соф ракобатни вужудга келтириш ва бу тармоқда ишлаб чиқаришни узлуксиз амалга ошириш зарур ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг иқтисодий таррақиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқнинг фаровон турмуш даражаси, қолаверса меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожини билан боғлиқ.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яна бир муҳим жихати шундаки, кучли рақобатчилик муҳити шароитида доим ривожланишга мажбур булишида ва бозорнинг жорий шартларига мослашишларига тўғри келишидадир[2].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида хорижий мамлакатлардан юқори сифатли технологияларди олиб киришда Ҳукумат томонидан бир тқанча имтиёзлар белгиланган бўлиб, субъектлар бевосита давлатнинг фаол қўллаб-қувватлаши туфайли юқори технологиялардан фойдаланиш имкониятларига эга болишмоқда[3]. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали бу соҳани ривожлантириш, аҳолини арзон, маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда соф рақобатни вужудга келтириш, аҳоли бандлигини ошириш орқали турмуш фаровонлигини яхшилаш ҳисобланади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чикган ҳолда шу таъкидлашимиз мумкинки, Ўзбекистонда йилдан-йилга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кўпайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида рақобатни вужудга келтиради, натижада тадбиркорлар ўз фаолиятини ташкил этишда замонавий технологиялардан, асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда маҳсулотлар ва хизматлар сифати ошади, идеал рақобат вужудга хизмат қилади ҳамда енг асосийси аҳоли арзон нархларда маҳсулот сотиб олиш имкониятига эга бўладилар.

Хулоса килиб айтганда, Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳамияти жуда катта бўлиб, бу йўналишни минтақалрида янада ривожлантириш учун қуйидаги чора тадбирларга катъий риоя килиш зарур:

-тадбиркорларга берилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиш жараёнида сунъий тўсиқлар пайдо бўлмаслигини катъий назоратга олиш,

-тадбиркорларнинг инвестицион фаолиятини қўллаб қувватлаш мақсадида нафақат ички кредит линияларидан балки, ташқи кредит линияларидан самарали фойдаланиш имкониятларини ошириш,

-инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш,

-тадбиркорлик стратегияларини самарали қўллаш бўйича кўникмалар хосил килиш,

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни моддий ва манавий рағбатлантириш ҳамда шу кубини кўплаб чораларни кўриш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни равнақ топиши жамият учун ҳар томонлама ижобий натижа бериб, шу билан бир қаторда мамлакатимиз иқтисодиёти ҳам тараққий этишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24-январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил. Тошкент.

2. Хамроев Х.Р “Тадбиркорлик асослари” Т..”Шарк” нашриёти 2016 й.

ТАДБИРКОРЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Воҳидов Азамжон Козимович

Андижон давлат университети катта ўқитувчиси

Email: azamjon@mail.ru

Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви шароитида тадбиркорлик тузилмалари самарали фаолияти ва тараққиёти уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш жараёнини самарали бошқаришни талаб этади. Бу эса Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг барқарор суръатлари, самарадорлиги ва макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, тадбиркорлик тараққиётининг барқарорлигини ошириш, стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестицион сиёсатни амалга ошириш, мамлакатда аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини янада ошириш борасидаги масалаларни тўлиқ ва самарали ҳал этиш имконини беради. Бунинг учун, энг аввало, Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тузилмалари рақобатбардошлигини бошқариш тизимининг шаклланиши ва истиқболлари мазмун моҳиятини теран ва чуқур англаб етилиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 январь 2019 йилдаги №5614-сонли Фармони асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепция”сида тадбиркорлик ривожининг иқтисодиётдаги тегишли ўрни ва аҳамиятини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, қулай инвестиция муҳити ва жозибали инвестиция муҳити яратишга, адолатли рақобатни ривожлантиришга, хусусий тадбиркорлик жадал ривожланишини рағбатлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бундай ёндашув, биринчи навбатда, республикамиз иқтисодиётида хусусий секторни жадал ривожлантириш устуворлиги билан изоҳланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни енгиллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида соҳага оид қатор тартиботлар танқидий қайта кўриб чиқилиб, эскирган, замон талабига жавоб бермайдиган бюрократик тўсиқ ва ғовлар бекор қилинди. Кўрилган чоралар натижасида республикада ишбилармонлик муҳити яхшиланди, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди.

Бундай ижобий ўзгаришлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жумладан, Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан эълон қилинган «Бизнес юритиш-2020» ҳисоботида Ўзбекистон 69-ўринни эгаллаб, ислохотлар миқёси ва самарадорлиги бўйича дунёнинг энг яхши 20 та ислохотчи давлати қаторидан жой олди.

Шу билан бирга, тадбиркорлар ва инвесторлар билан учрашувлар жойлардаги ижрочилар соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятидан тўлиқ хабардор эмаслигини, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши сезиларли даражада ортда қолаётганлигини, айрим лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштиришда ортикча бюрократик тўсиқлар мавжудлигини кўрсатмоқда [1].

Жаҳон амалиётида тўпланган илғор ва бой тажрибаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, мамлакатда тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида улар рақобатбардошлигини бошқариш тизимининг шаклланиши ва истиқболлари корпоратив молия тизимида давлат идоралари, фирма ва ташкилотлар (иш берувчи сифатида), хонадон хўжаликлари ва уларнинг аъзолари томонидан тадбиркорликка нисбатан қизиқишнинг ортиши билан бир қаторда иқтисодиётда пул айланиш тезлиги ва самарадорлигининг ортиши учун замин яратади. Аҳолини, жумладан, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш, иқтисодиётимиз учун янги касблар, янги мутахассисликларга ўқитиш ва банд аҳолининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришда ҳам тадбиркорлик ривожига бевосита боғлиқ.

Ҳозирда мамлакатимизда тадбиркорлик тузилмалари ўртасида соғлом ва адолатли рақобат муҳитини яратиш масалаларига оид муҳим тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда етакчи иқтисодчи-олимлар томонидан ўқув қўлланмалари ва рисоалари яратилган. Аммо, Ўзбекистонда ҳозирги шиддатли ислохотларга хос тадбиркорлик тузилмалари рақобатбардошлигини бошқариш тизимининг шаклланиши ва истиқболлари, унинг самарадорлигини оширишнинг назарий асослари, мавжуд муаммолари ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий тадқиқотлар етарли даражада амалга оширилмаган.

Тадбиркорлик тузилмалари рақобатбардошлигини бошқариш тизимига оид ишлар россиялик ва хорижлик иқтисодчилар - С.Ю. Барсукова, И.П.Бойко, Е.М. Бухвальд, А.В. Виленский, В.В. Высоков, Н.Е. Егорова, Е. Журавская, О.А. Замулин, М.Мессенгиссер, В.В.Радаев, В.А.Рубе, Ҳ.Е.Тихонова, А.Ю. Чепуренко, О.М. Шестоперов, Ц.В. Шварцбург, О.А. Щетинин, Е.Г. Ясин, Д.Берковитз, А. Брунетти, Г. Кисунко, Б. Ведер ва бошқаларнинг изланишларида ўрганилган.

Мамлакатимизда тадбиркорлик тараққиётининг умумий жиҳатлари Ўзбекистон иқтисодчи-олимлари Вахабов А.В., Муфтайдинов Қ.Х., Ташматов Ш.А., Хайдаров Н.Х., Вахабов А.В.,Таджибаева Д.А. томонидан тадқиқ этилган. Уларда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб – қувватлашнинг ҳозирги замон ҳолати ва муаммолари, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари, тадбиркорлик рискларини бошқаришнинг улар рақобатбардошлигини таъминлашга таъсирининг муҳим жиҳатлари ёритилган.

Мамлакатимизда бизнес юритиш муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликка кенг эркинлик бериш борасида бошланган ислохотларни давом эттириш ҳамда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг жойларда тўғри татбиқ этилишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг

“Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон қарори ўта муҳим ва ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат ҳисобланади. Унда мамлакат иқтисодиётини ривожланишнинг барқарор траекториясига киритиш учун қулай бизнес муҳитини таъминлайдиган институционал ислохотларни амалга ошириш орқали асосий ресурсларни тақсимлашда бозор принципларини кенг жорий этиш ва бозор иқтисодиётининг амалий воситаларини жорий этиш асосида республиканинг рақобатли бозор иқтисодиётига ўтиши жараёнларини тезлаштириш вазифалари белгиланди.

Умуман, Ўзбекистон Республикасида макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини, инвестицион ва экспорт салоҳиятини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, меҳнат бозорида кескинлик даражасини пасайтириш, аҳоли даромадлари ўсиши ва кам таъминланганликни қисқартириш вазифаларининг аҳамияти кескин ўсган ҳозирги шароитда тадбиркорлик тузилмалари рақобатбардошлигини бошқариш тизимининг шаклланиши ва истиқболлари тадқиқида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

-Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида улар рақобатбардошлигини таъминлаш методологиясини яратиш зарурлигини белгиловчи омилларни ўрганиш ва уларни самарали бошқариш тадбирларини илмий асослаб бериш;

-тадбиркорлик тузилмалари рақобатбардошлиги натижаларини баҳолаш мезонлари ва услубиётини таҳлил қилиш;

-тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида улар рақобатбардошлигини бошқаришни такомиллаштиришга оид ҳозирги замон илмий концепциялари моҳияти очиқ бериш ва илмий тавсифлаш;

-жаҳон амалиёти асосида тадбиркорлик тузилмалари рақобатбардошлигини таъминлашга оид давлатнинг самарали ва таъсирчан чораларини таҳлил қилиш, миллий хусусиятларга мослаштириш ва улардан фойдаланиш имконият ва афзалликларини илмий асослаш;

-ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик тузилмалари рақобатбардошлигини бошқариш тизими борасида тўпланган бой, илғор тажрибасини таҳлил этиш ва ундан Ўзбекистон амалиётида ижодий фойдаланишга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

-ўрта ва узоқ муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тузилмалари рақобатбардошлигини самарали бошқаришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 январь 2019 йилдаги №5614-сонли Фармони “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепция”си.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон қарори

3.Портер М., Мескон М. Управление конкурентоспособностью предпринимательских структур в условиях трансформации конкурентной среды. – СПб.: Изд-во Санкт-Петербургской академии управления и экономики, 2018. – 539с.

4.Воронкова З.Х. Конкурентоспособность предпринимательства на расширяющемся рынке страховых услуг // Российский научный журнал «Экономика и управление», № 4, 2018. – с.23-28.

5.Давыденко П.Л. Инновационный механизм управления конкурентоспособностью предприятия на основе стоимостного подхода // Российский научный журнал «Экономика и управление», № 5, 2017.- 17-21.

6.Гельвановский М.Формирование конкурентоспособности предпринимательских структур. Теория и методология. СПб.: «Инфо-да», 2018. – 289с.

7.Djamalov Kh.N. Role and functions of the estimation of the business in the system of financial management// Public finance// Paris, 2010 year may, 22-28 p.

8. Djamalov Kh.N. Contract mechanism of the economic interaction of the state and business // Corporate finance// Turin, 2010 year june, 14-17 p.

**3-СЕКЦИЯ. ПЕРСОНАЛНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ
ТАЖРИБАЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ.**

**3-СЕКЦИЯ. ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ОТЕЧЕСТВЕННОГО
И МЕЖДУНАРОДНОГО ОПЫТА В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ
МЕХАНИЗМОВ УПРАВЛЕНИЯ ПЕРСОНАЛОМ.**

**3-SECTION. EFFECTIVE USE OF DOMESTIC AND INTERNATIONAL
EXPERIENCE IN IMPROVING PERSONNEL MANAGEMENT
MECHANISMS.**

**ИЗМЕРЕНИЕ СТОИМОСТИ, КАЧЕСТВА И ЭФФЕКТИВНОСТИ
НАЦИОНАЛЬНОГО ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА**

Гаибназарова Зумрат Талатовна

Ташкентский государственный технический университет, доцент, к.э.н.,

E-mail: zumrat59@rambler.ru

В современной экономике креативная часть трудовых ресурсов и составляет ядро накопленного национального человеческого капитала (НС). В его состав входят также квалифицированная часть трудовых ресурсов, обеспечивающая эффективное функционирование НС, среда его функционирования и инструментарий интеллектуального труда.

Накопленный НС в его широком стоимостном определении - это доля инновационной экономики и ее обеспечение в общей экономике страны. Такой подход позволяет количественно оценить национальный человеческий капитал путем использования интегральных страновых международных показателей, что, с одной стороны, упрощает расчеты, а с другой - делает их более достоверными.

Связь добавленной стоимости человеческого капитала (НС) с инвестициями определяется [1]:

$$НС = f(j, q, I, X) = c I \quad (1)$$

где, j - индекс качества труда в широком определении; q - индекс качества накопленного НС; I - инвестиции в НС; X - другие переменные, от которых зависит НС, включая сам накопленный НС; эффективность человеческого капитала c определяет численно эффективность или производительность НС.

Эффективность человеческого капитала c отражает количество единиц НС, получаемое на одну единицу инвестиций в данной стране.

Величина c может быть больше 1 (для самых развитых стран с наиболее высоким качеством НС, с развитой инновационной экономикой, экономикой знаний, информационным обществом, мощной положительной синергией) и меньше 1 (для развивающихся и слаборазвитых стран мира). Для стран с некачественным трудом и низкой его производительностью c в несколько раз меньше, чем у развитых стран, как и производительность труда.

Эффективность человеческого капитала с отражает интегральную эффективность НС, которая, в свою очередь, определяет среднюю производительность труда в отраслях с высокой добавочной стоимостью и в производстве знаний (отрасли с высокими технологиями, научная продукция, инновации, новые технологии, производство высоких технологий).

Эффективность накопленного человеческого капитала с определяется формулой [2]:

$$c = 0,5 (j + q) k \quad (2)$$

$$k = (\text{GDP} - \text{Exports of natural products}) / \text{GDP} \quad (3)$$

где, k - индекс сырьевой экономики, отражающий сырьевой характер слабо диверсифицированной экономики; ВВП и экспорт сырьевой продукции - определяются по текущему валютному курсу; численный коэффициент 0,5 - отражает равенство удельного веса труда; j в его расширенном определении и удельного веса индекса качества накопленного человеческого капитала q .

Индекс труда j , в его расширенном определении, отражает экономическую свободу, включая этику и условия труда, этику и условия предпринимательства, ментальность народа, эффективность на этом направлении институтов государства.

Индекс q накопленного национального человеческого капитала отражает эффективность наиболее квалифицированных трудовых ресурсов, креативную и созидательную мощь уже накопленного НС, индексы j и q входят в расчетные формулы с равными весами.

Широко известный и используемый в международной практике нормированный индекс экономической свободы (Index of Economic Freedom, IEF), как показали анализ и расчеты, отражает по существу и численно индекс качества труда в широком определении j . Поэтому с целью упрощения расчетов, повышения их надежности и репрезентативности в формуле (2) используется международный индекс IEF.

Индекс экономической свободы рассчитывается на основе 10 субиндексов: Свобода бизнеса, Свобода торговли, Фискальная свобода, Расходы правительства, Свобода цен, Свобода инвестиций, Свобода финансового сектора, Защита прав собственности, Уровень коррупции и Свобода рынка труда [4].

Все эти показатели связаны с характеристиками и качеством страновых условий для труда и бизнеса, и, следовательно, они определяют инвестиционную привлекательность страны.

Значение каждого показателя варьирует от 0 до 100 баллов (100 баллов означает максимальный уровень экономической свободы). Фактически, субиндексы отражают этику, качество и производительность труда (включая труд предпринимательский, управленческий, интеллектуальный) и условия для его свободной и эффективной реализации [3].

Индекс труда j в его расширенном определении принимается равным индексу IEF, который используется для расчетов в долях единицы индекса

экономической свободы, что существенно упрощает расчеты (индекс IEF делится на 100) [5]:

$$j = IEF/100 \quad (4)$$

Индекс качества НС объединяет влияние на индекс эффективности НС еще одной группы субиндексов (факторов) [6]:

$$q = l h s i e \quad (5)$$

где, l - индекс качества жизни населения страны; h - индекс притока человеческого капитала извне субъекта (оттока из него); s - индекс науки и синергии; i - индекс развития человеческого потенциала (ИРЧП); e - индекс эффективности национальной элиты.

Коэффициент притока человеческого капитала равен:

$$h = (\text{исходное число ученых} + \text{приток} (- \text{отток}) \text{ ученых}) / \text{исх. число ученых} \quad (6)$$

Индекс науки и синергетики:

$$s = (1 + 10 p + w) \quad (7)$$

где, p - валовые внутренние инвестиции в науку в долях ВВП (в терминологии ЮНЕСКО - ВРНИОКР); w - доля страны в совокупных мировых инвестициях в науку.

Индекс эффективности национальной элиты:

$$e = (\text{ВВП} - \text{Теневой сектор экономики}) / \text{ВВП} \quad (8)$$

Таким образом, для расчетов индексов эффективности НС используются индексы международных организаций: индекс экономической свободы (Index of Economic Freedom, IEF); индекс качества жизни населения (QL); индекс развития человеческого потенциала HDI; а также индекс науки и синергетики; индекс притока НС извне субъекта (оттока из него); индекс качества накопленного НС (расчет его - по группе показателей и индексов); индекс эффективности элиты и теневой экономики; индекс сырьевой экономики, отражающий тип преимущественно сырьевой экономики и зависимость страны с индустриально-сырьевой экономикой от экспорта сырья [7].

Расчеты эффективности человеческого капитала по большому числу показателей отражают качество и эффективность НС, а также среднюю производительность труда страны. ИРЧП же, напротив, сглаживает через небольшое число расчетных показателей (три) и среднее геометрическое от них различия в качестве и эффективности НС стран мира.

С другой стороны, доля инновационной экономики в ВВП - это интегральный и системный показатель инновационности и эффективности экономики. И он наиболее просто и точно отражает вклад в экономику креативной части трудовых ресурсов, индустрии знаний, эффективности венчурного бизнеса и инновационной системы, эффективности образования и науки и определяет добавленную стоимость человеческого капитала.

Список использованной литературы:

1. Кендрик Дж. Экономический рост и формирование капитала // Вопросы экономики. 1976. № 11. С. 37-71.
2. Нестеров Л., Аширова Г. Национальное богатство и человеческий капитал // ВЭ. 2003. № 2

3. Экономическая теория. / Под ред. Николаевой И.П. - М.: Юнити, 2004. - С. 417.

4. Гаибназарова З.Т. Развитие человеческого капитала для расширения возможностей трудоустройства в Узбекистане // Научно-аналитический журнал Наука и практика Российского экономического университета им. Г.В. Плеханова. 2016. № 4 (24). С. 57-63.

5. Гаибназарова З.Т. Совершенствование системы высшего образования - основной фактор формирования человеческого капитала // Научно-аналитический журнал Наука и практика Российского экономического университета им. Г.В. Плеханова. 2017. № 3 (27). С. 72-78.

6. Гаибназарова З.Т. Управление персоналом и инновациями в Узбекистане: проблемы трансфера технологий // Научно-практический журнал Социально-трудовые исследования. 2018. №4 (33). С. 113-119.

7. Гаибназарова З.Т. Повышение качества образования в вузах Узбекистана: опыт Ташкентского государственного технического университета // Научно-аналитический журнал Наука и практика Российского экономического университета им. Г.В. Плеханова. 2018. № 3 (31). С. 90-98.

ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШ ЖАРАЁНИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Рустамова Сайёра Хатамовна

Андижон давлат университети таянч доктаранти

E-mail: Rustamova0302@mail.ru

Япон фирмаларида корхонанинг умумий фойдаси ортгани сари ходимларни рағбатлантириш ҳам ортади, яъни рағбат умумийликни касб этади. АҚШ корхоналарида эса рағбат хусусийликни касб қилиб, корхона гарчи фойда юқори даражада бўлмасада, рақобатчи ишчиларнинг қилган ишларига боғлиқ бўлади. Япон компанияларнинг ишлаши ёмонлашуви ходимларни ишдан бўшатишга олиб келмасдан, уларни иш ҳақини 30% гача тушишига олиб келади. Уларда “умрбод компанияга тегишлилик” деган тушунча мавжуд бўлиб, улар бир умр компанияда ишлаб ўша ердан нафақага чиқади. Америкалик менежерлар ходимларнинг ташаббусини доимо рағбатлантириб туриш мақсадида 100 маслаҳатни беришган бўлиб, уларни орасида қарор қабул қилиш борасидаги куйидаги фикрлари мавжуд: “Ходимларга уларнинг ўзлари қарор қабул қилишга имкон бериб қўйинг. Қарорларни танлаш узоқ муддатли режаларни шакллантириш жараёнига ижодий равишда ишлайдиган фаол ходимларни мумкин қадар кўпроқ жалб этинг” [1].

Авалло қарор тўғрисида тўхталсак. Бошқарув қарорлари жамоа фикрига таянган ҳолда қабул қилинмас экан, бошқарувчи билан бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви, ўзаро бўлган ишончнинг йўқолиши, низоларнинг келиб чиқиши муқаррар. Жамоавий тарзда қабул

қилинадиган қарорлар орасида японларнинг “Ринги” усулининг моҳияти ҳақида гапирадиган бўлсак, “Ринги” япон тадбиркорлиги ва бизнесида кенг қўлланиладиган усулдир. “Японча-русча катта луғат”да ринги атамаси муоммони ҳал қилишга мажлислар чақирмасдан туриб, сўраб чиқиш йўли билан розилик олиш деб таърифланади, унинг бир неча босқичлари бор:

1-босқичда фирма раҳбарияти қандай муоммо юзасидан қарор қабул қилиши лозим бўлса, шу муоммога (масалан, янги маҳсулот турини ишлаб чиқаришни бошлаш керак деган муоммога) доир умумий мулоҳазаларни жалб этилган мутахасислар билан биргаликда олдинга суради.

2-босқичда муоммо пастга, яъни лойиҳа устида иш ташкил этиладиган поғонага узатилади.

3-босқичда тайёрланаётган лойиҳанинг барча жиҳатлари бўйича ижрочилар билан батафсил келишиб олинади. Аслида бу ихтилофларни , қарама қарши нуктаи назарларни бартараф этиш босқичидир.

4-босқичда муоммони ҳал қилиш учун махсус кенгаш ва конференциялар ўтказилади.

5-босқичда ҳужжат ижрочилар томонидан имзоланади, ҳар ким ўз муҳрини босади ва ҳужжат фирма раҳбарияти томонидан тасдиқланади [2].

Энди қуйидаги 1-жадвал орқали америкача ва японча бошқарув технологиясининг фарқи кўрсатиб ўтилган.

1-жадвал

Бошқарув технологияси[3]

Американча	Японча
Ҳар бир ходим учун лавозим йўриқномалари асосида бошқариш технологиясини олдиндан батафсил ишлаб чиқиш	Лавозим йўриқномалари мавжуд эмас. “Вазиятга қараб ҳаракат қилиш” шиори вазиятни таҳлил қилишни ва ностандарт қарорларни қабул қилишни англатади. Бўйсунувчи раҳбарга қараганда вақтинча ма`сулиятли ишни бажаради, юқори бошқарувчи раҳбар бўйсунувчига унга бевосита раҳбар орқали мурожаат қилади.

Японлар шунча иқтисодий ривожланиши учун ресурсларини қаердан олгансизлар деган саволга ҳазиломус тарзда “бош кийими остидан” оламиз деб жавоб беришган. Япон мўъжизасининг муҳим сабабларидан бири биргаликда ҳаракат, бирлашиш, умумий фикрга келишдир. Урушдан кейинги иқтисодиётни ривожланишини “Japan Incorporated” акциядорлик компаниясига бирлашув билан боғлиқ деб кўрсатишади. Бу компания ҳукумат ва бизнеснинг ўзаро алақодорлик тизимида асос бўлган. Япон иқтисодчиси С.Окитанинг айтишича, меҳнат унумдорлигини ўсишига сабаб, узоқ вақтларга мўлжалланган иқтисодий сиёсат ва ҳукумат томонидан хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, саноатни қайта жиҳозлаш, илғор чет эл технологиясидан фойдаланиш ва албатта илмий техника ютуқларидир. Японлар қуйидаги ҳаёт қоидаларига қатъий риоя этишни маъ қул кўрадилар:

- А) қандай бўлишидан қатъий назар вазиятга мослашиш;
- Б) белгиланган қоидага риоя қилиш имкониятини топиш;
- С) айш ишрат чегарасини билиш;
- Д) бахтсизликни сабабини ўзидан қидириш

Япон бошқарувиға хос бўлган “сифат тўғараклари”, “Ўз вақтида” тизимлари аслида АҚШларида пайдо бўлган, лекин у ерда ривожланмаган. Америка фирмаларининг раҳбарлари ўз фабрикаларида муҳандисларнинг улушини ошириш, ишлаб чиқаришда ҳунармандларнинг ролини ошиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ресурсларни тежаш учун мақсадли дастурларини жорий қилиш масалаларини тобора кўпроқ кўриб чиқмоқдалар. Қарорларни қабул қилишнинг япон тизими - бу қуйи босқичлардаги биринчи келишувда тўлиқ келишувга қадар батафсил фикр алмашиш ва тактик режалар. Ғарб меъёрлари бўйича, бу наср узоқ ва номаълум, аммо унинг асосий ғояси шундаки, буларнинг барчаси қарорларни ижро этиш босқичида қопланганидан кўпроқдир. Японлар қарорнинг ўзи қарорнинг ўзидан муҳимроқ деб ўйлашади, бу ҳақида қанча одам хабар беради ва қай даражада қўллаб-қувватлайди. Буни тушунмаслик кўпинча яхши қарорларнинг муваффақиятиз бўлишига олиб келади ва аксинча, кутилмаган яхши таъсир, агар улар ижрочилар томонидан қўллаб-қувватланса, кутилмаган яхши самара беради. Қарор зарур бўлганда, у энг паст даражада шакллантирувчи ҳисобланади. Ва кўпинча кафолат тўғрисидаги қарор лойиҳаси энг ёш ходим томонидан тайёрланади. Шу билан бирга, иккаласи ҳам ўтиришди: улар нишонга олишнинг муҳим стандарти ва ёш ишчини ўргатиш имконияти санасидан қочишди, ҳатто у хатолардан ҳоли эмас. Амалиётда ўрганиш лексикаларга қараганда анча самаралидир, айниқса муҳим бошқарув хатоларини қуйидаги бошқарув даражаларида тузатиш талаб этилади. Кейин қарор лойиҳаси барча плиталар ва камида минимал муносабатларга эга бўлган барча мансабдор шахслардан ўтади. Агар ҳамма тўлиқ келишиб олган бўлса, ечим осилган назорат даражасига тушади. Уларнинг таъкидлашича, қарор лойиҳасида алоҳида "қарши фикрлар майдони" мавжуд. Аммо у деярли ҳар доим тоза бўлиб қолади. Қарорни тасдиқлаш жараёни жуда узоқ давом этиши аниқ, бунинг учун японларга таъна қилинади. Масалан, америкаликлар: "Агар сиз Японияга бориб, масалан, икки кунга битим тузиб ёки тўхтатмоқчи бўлсангиз, икки ҳафта кутинг". Дейишар экан. Япон қарори учун бирликни талаб қилади. Японияликлар "Америкаликлар шартнома тузадилар ёки дарҳол қарор қабул қиладилар" дейишади, япон қарорларини қабул қилиш тизимининг самарадорлиги жуда тез ва уни амалда бажариш тушунарли, чунки у ҳамма томонидан онгли равишда, яъни, қарорни амалга ошириш учун нима қилиш кераклигини ҳамма аниқ билади.

Ҳориж тажрибасидан маълум бўлишича, жамоа тарзда қабул қилинган қарорлар корхоналарни ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев “Менежмент 100 савол ва жавоб”
Тошкент-2000, 347-бет

2. М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев “Менежмент 100 савол ва жавоб”
Тошкент-2000, 228-бет

3. Н. В.Комарова Теоретические основы менежмента: Конспект лекций- М.:
Доброе слово, 2005. ст -59

ХОДИМЛАРНИ БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ СИФАТИДА

Бакиева Ирода Акбаровна¹, Неъматова Мунаввара²

¹Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, и.ф.н.

²Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти

Бугунги кунда ҳар қандай ташкилот равнақи кадрлар малакаси, кўникма ва компетенцияларига боғлиқ бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда ташкилот ходимлари сонини тўғри режалаштириш ва улардан самарали фойдаланиш концепцияси асосини ходим меҳнат салоҳиятидан етарлича фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш вақтидан унумли фойдаланиш ташкил қилади. Шу жиҳатдан, малакали ва ишбилармон ходимларни шакллантириш, улар меҳнатини ўз вақтида баҳолаб бориш ва шу орқали ташкилот раҳбарияти қайси ходимнинг иш ҳақини ошириш, кимни юқорироқ лавозимга кўтариш, кимнидир эса ишдан бўшатиш лозимлигини аниқлайди.

Ходимларни бошқариш жараёнини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ташкилотнинг ходимларни бошқариш соҳасидаги ютуқларини оширишда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда ва улар қуйидагиларда ўз аксини топмоқда:

- ходимлар фаолиятини баҳолаш - бу маълум вақт давомида бир иш жойида ходимнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, белгиланган мезонлар асосида бажарилаётган ишларнинг стандартларга мувофиқлигини текшириш;

- ходимларнинг ишчанлик қобилиятларини баҳолаш - бу меҳнат натижадорлиги ва уни таъминлаш омилларини лавозим ёки иш жойи талабларига мувофиқлигини аниқлашнинг мақсадли жараёнидир. Ходимлар ишчанлигини баҳолаш бўйича эксперт ким бўлишига қараб, у ички (баҳолаш компания томонидан амалга оширилади) ва ташқи (ташқи экспертлар ёки ихтисослашган фирмаларни жалб қилган ҳолда) баҳолашга бўлинади.

Кадрлар билан ишлаш вазифалари ичида баҳолашнинг битта йўналишини ажратиб олиш жуда мураккаб масала ҳисобланади. Ходимларни баҳолаш жараёнлари самарадорлигининг асосий шарти кадрлар бошқарувининг умумий тизимида ҳал этилаётган масалаларнинг турли туманлигини ҳисобга олувчи комплекс характерли эканлигидир.

Бу жараёнга турлича назарий қарашлар мавжуд бўлиб, умуман олганда, персонални баҳолаш инсон капиталидан яхшироқ фойдаланишни мақсад қилади. Баҳолашда ҳал этилаётган вазифалар кадрлар бошқарувининг бошқа йўналишлари билан узвий боғлиқ бўлиб, улар биринчи навбатда бажарилаётган

иш натижаларининг таҳлили, ишларга қўйиладиган талабларни аниқлаш, кадрларни ўқитиш ва ривожлантириш, янги ходимларни излаш ва танлаш, кадрларни режалаштириш, кадрларни ривожлантириш ва карьерани режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизими, кадрлар резервини билан ишлашдан иборат [1].

Замонавий баҳолашнинг тегишли дастурлари мавжудлиги, унинг ошкоралиги персонал ташаббускорлигини ва масъулиятини ошириш, янада яхшироқ меҳнат қилишини рағбатлантиришга хизмат қилади. Об'ектив баҳолаш персонални хизмат лавозимини ўзгартириш, мукофотлаш ёки ишдан бўшатиш учун ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Меҳнат натижаларини баҳолаш персоналнинг касбий маҳорати ва шахсий ҳислатлари билан бирга ишчанлигини баҳолашнинг асосий қисми бўлиб, ходим меҳнати натижаларини олдинга қўйилган мақсадларга, режалаштирилган кўрсаткичларга ва меъёрий талабларга мос келишини аниқлашдан иборатдир [2].

Илмий адабиётларни ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, персонални бошқариш уч турдаги вазифаларни бажаришга ёрдам беради: номзодларни ташкилотга ишга қабул қилиш учун; кейинги касбий кўтарилишга салоҳияти мажуд персонални аниқлаш учун; раҳбарларнинг бошқарув сифатини ривожлантириш ва такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжини аниқлаш учун. Баҳолаш жараёнини ташкиллаштириш қайд этилган бошқарув вазифаларидан келиб чиқади ҳамда ҳар бир йўналиш ишларининг ташкилий жиҳатлари ўзига хос тарзда амалга оширилади.

Бугунги кунда кадрларнинг касб ва малака, амалий ва шахсий сифатларини об'ектив равишда баҳолаш ходимлар билан ишлашнинг энг муҳим тамойилларидан биридир. Ташкилотда кадрларни баҳолашга комплекс ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Унда кадрларни баҳолашда об'ектив ва субъектив кўрсаткичларга асосланилиши ҳамда ишловчининг максимал фойдаланилиши керак бўлган ишчанлик қобилиятлари, унинг салоҳияти каби шахсий ҳислатларини ҳам баҳоланиши мумкин бўлади [3].

Меҳнат натижаларини баҳолашдан олинган маълумотлар ходимларни танлаш тизимининг самарадорлигини ошириш, янги келганларни мослаштириш, ходимларнинг малакаси ва ривожланишини яхшилаш, шунингдек ходимларни рағбатлантириш дастурларини такомиллаштиришда қўлланилади. Хусусан, агар ходимларнинг меҳнатини баҳолаш натижасидан олинган маълумотларда жорий ҳолат ташкилотнинг меъёрларига мос келмаса, ходим ишининг қониқарсиз натижаларига салбий таъсир сабабларидан келиб чиқиб, компания ходимларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш учун куйидаги усуллардан фойдаланиши мумкин:

- меҳнат жараёнини қайта ташкил этиш усули (меҳнатни ташкил қилиш жараёнини тартибга солишни ўз ичига олади, ишнинг барча мураккаб цикли содда ишларга бўлинади ва ҳоказо);

- меҳнат нормаларини ўзгартириш усули. Ходимлар ишини баҳолаш пайтида, меҳнат нормаларини ўрнатишдаги хатоликлар аниқланиши мумкин,

улар баҳолаш натижалари бўйича баргараф этилади ва натижада кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгаради;

- ўқитиш усули, ходимларни ривожлантириш (агар ходимларнинг зарур билимлари ва кўникмаларининг етишмаслиги туфайли қониқарсиз натижа олинганлиги аниқланса);

- ходимларни рағбатлантириш дастурларини такомиллаштириш ва ходимларнинг ўз компанияларига содиқлигини кучайтириш усули;

- ходимларни бошқа лавозимларга ўтказиш усули - ходим бажарадиган иш тури унинг психотипига тўғри келмаса у ўзининг қобилиятларини янги иш жойида намоиш этиш учун лавозимини ўзгартириши мумкин;

- охири чора – ходимларни бўшатиш ва янги жамоани ишга ёллаш.

Аксарият ташкилот раҳбарлари ривожланиш стратегиясини амалга оширишда ходимларни бошқариш хизматига етарлича аҳамият бермасликлари аниқланган. Кўпинча ходимларни бошқариш бўлимига "хизмат кўрсатувчи" бўлим мақомида қаралади, аммо меҳнат бозоридаги малакали мутахассисларга эҳтиёжнинг ортиб боришин ҳисобга олган ҳолда корхона ва ташкилотлар диққат эътиборни ходимларни танлашдан ушлаб туришга, кадрлар захирасини шакллантиришга ва шаффоф мартаба истиқболларини белгилашга ўзгартириш керак. Бундай муаммоларни ҳал қилиш учун ходимларни бошқариш бўйича мутахассис баҳолаш жараёнларига нафақат ўрта бўғин менежерларини, балки ходимларни ўзини ҳам жалб қилиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Борисова Е.А. Оценка и аттестация персонала. - СПб.: Питер, 2012. - 256 с.

2. Управление персоналом организации: Учебник/Под ред. А.Я.Кибанова. - 4-е изд., доп. и перераб. — М.: ИНФРА-М, 2010. - с 604.

3. Беляков Д.А., Долгий В.И., Еремеев М.А. Оценка резервов повышения эффективности управления промышленными предприятиями // Вестник УГАЭС. Наука, образование, экономика. Серия: Экономика. – 2013. – № 1 (3). – С. 37-41

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ

Жабборова Зайнаб Мамасодиқовна

Жиззах политехника институти ассистенти

Инновацион иқтисодиёт шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ва самарали ривожланиши эвазига микроиқтисодиётда рўй бераётган ўзгаришларга асосланиб, индивидуал инсон капиталининг бирламчи асосини ишчи кучи эмас, балки инсон унумли қобилиятлари ташкил этади.

Ҳаракатлар Стратегиясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Жумладан, “...хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган тамойилни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш вазифалари белгиланган [1].

Шу ўринда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши ортиб бормоқда, у иқтисодиётдаги етакчи кучга айланиб, бозорларимизни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи, иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омилига айланаётгани алоҳида аҳамият касб этади.

Академик Қ.Х. Абдурахмоновнинг эътирофи этишича инновацион тадбиркорлик меҳнат муносабатларининг замонавий шакли бўлиб, ҳам акциядорлик жамияти миқёсида, ҳам кичик корхонада шахсий тадбиркор сифатида амалга оширилиши мумкин [2, 480]. Жумладан, инновацион тадбиркорлик фаолиятини кичик тузилма - кичик инновацион корхонаси сифатида амалга оширишнинг ўз афзалликлари ва камчиликлари мавжуд, инновацион фаолиятни шахсий тадбиркор сифатида амалга оширишнинг афзалликлари ва камчиликлари гуруҳланди (1-жадвал).

1-жадвал

Инновацион фаолиятни шахсий тадбиркор сифатида амалга оширишнинг афзалликлари ва камчиликлари

Инновацион фаолиятни шахсий тадбиркор сифатида амалга оширишнинг афзалликлари	Инновацион фаолиятни шахсий тадбиркор сифатида амалга оширишнинг камчиликлари
Бизнесни ташкил этишда давлат томонидан рўйхатга олишнинг енгиллиги	Молия-хўжалик, инновацион ва бошқарув функцияларининг қўшиб олиб борилиши
Банкда ҳисоб варақни очиш тезкорлиги	Шахсий тадбиркорликни амалга оширишда кредит олиш учун гаров масаласи мураккаблиги
Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби ва солиқ ставкаларининг пастлиги	Ташқи молиялаштириш манбаларини топишнинг мураккаблиги
Менежментнинг соддалиги ва бунинг учун чиқимларнинг камлиги	Ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот учун мижоз топишнинг қийинлиги
Ҳисоботларнинг соддалиги	Мажбуриятлар бўйича тўлиқ шахсий маъсулият
Бизнесни юритишда мустақиллик ва юксак самарадорликка эришиш учун мотивациянинг кучлилиги	КБХТда иш билан бандликнинг замонавий шакллари тадбиркор этиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслик

Расмий статистик маълумотларга кўра ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 218,2 минг кичик бизнес субъекти фаолият юритмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг 56,9 фоизи тўғри келади, улар меҳнатга лаёқатли аҳолининг 78,2 фоизини иш билан таъминламоқда [3,3]. Шунингдек, Ўзбекистонда аҳоли иш билан бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида инновацион, ноанъанавий иш жойларини кўпайтириш меҳнат бозорини барқарорлаштириш имкониятларини янада кейгайтиради.

Тадқиқот давомида бу борада ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилди. Жаҳоннинг бир қатор илғор давлатларида аҳолининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандлиги сезиларли равишда ошиб бормоқда. Жумладан, Японияда иқтисодий фаол аҳолининг 70,0 фоизи, Хитойда 80,0 фоизи, АҚШда эса 50,0 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлиб, АҚШда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг қарийб 52,0 фоизи, Японияда 67,0 фоизи, АҚШда фаолият юритаётган корхоналарнинг 97,6 фоизи, Японияда 99,2 фоизи, Германияда 99,3 фоизи айнан мазкур субъектлар улушига тўғри келмоқда [4].

Ҳозирги вақтда АҚШда 20 млн.дан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари рўйхатга олинган бўлиб, улар мамлакатда меҳнатга лаёқатли аҳолининг ярмидан кўпини иш билан таъминлайди [5,178]. Америкалик олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, Америкадаги ҳар уч оиланинг бири бизнес билан шуғулланади ва баъзи америка тадбиркорлик дастурларининг таъкидлашича, кичик АҚШ фирмаларининг 20 % гача ишни 1000-5000 АҚШ долларидан бошлайди ва уларнинг кўпи йиллик даромадларини 2-3 йилгача 1 млн.долларгача кўпайтиради.

Бугунги кунда энг ривожланган хорижий мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жами корхоналарнинг қарийб 70-90 % ташкил қилиб, унда иш билан бандлик куйидагича фаркланади: АҚШда кичик, ўрта тадбиркорликда жами меҳнатга лаёқатли аҳолининг 53,5 %, Японияда - 71,7 %, Европа Иттифоқида эса ишлаётган аҳолининг қарийб ярмини кичик корхоналарда меҳнат қилаётганлар ташкил этади. Бундан ташқари Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда ўрта корхоналар умумий корхоналар сонининг атига 1 % ташкил қилади, лекин шу билан бирга корхоналар умумий айланмасининг 20 % ва аҳоли бандлигининг 17 % ни таъминлайди.

АҚШда ишсизларнинг тахминан 10 фоизи йил давомида нафақат иш жойини балки касбини ҳам ўзгартиради. Мазкур мамлакат дунё бўйича ҳар йили янги яратиладиган иш ўринлари сони бўйича биринчилиكنи эгаллаб келмоқда. АҚШда Европа давлатлари амалиёти сингари “Минтақавий ривожланиш Агентликлари” ташкил этиш борасида катта тажриба тўпланган. Бу Агентликлар иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилувчи давлат инвестиция корпорацияси сингари агенликларнинг ташкилий шаклидир.

Ривожланган хорижий мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда меҳнат муносабатлари тажрибасини ўрганиш натижасида мамлакатимизда ҳам қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:- касбий ўсиш, меҳнат мазмунини бойитиб бориш учун касбий

тайёргарлик ҳамда рақобат борасида муносабатларнинг қўллаб-қувватланиши; кичик бизнес ва тадбиркорликни иқтисодийнинг турли соҳаларида ташкил этилиши меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми учун янги иш жойларини очиш имконияти юқорилиги; бўш иш ўринлари банки ва ахборотлар алмашишнинг интенсив усуллари йўлга қўйилганлиги ҳамда юқори малакали (экслюзив) кадрларга эҳтиёжларни рағбатлантирувчи икки томонлама маълумотлар банкининг очиклигига эришиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар

2. Стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. -Т.: ЎзР ФА “Fan” нашриёти, 2019. - 568 Б.

Банк ахборотномаси №4(1193) 2019 йил 24 январь –Б.3

<http://www.mspbank.ru>; <http://www.giac.ru>; <http://www.m-economy.ru>.

Т.А.Финк. Малый и средний бизнес: зарубежный опыт развития. Молодой учёный. 2012, №4 (39). -178 С.

ПЕРСОНАЛНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРДАН Фойдаланиш масалалари

Дадажонова Мартабахон Маҳмудовна

Андижон машинасозлик институти доценти

Бизга маълумки, Япониядаги бошқарув тизими жаҳон хўжалигида мавжуд бўлган бошқарув тизимларининг энг машҳурларидан бири ҳисобланади, уни ўрганиш ва ҳозирги замонавий корхоналаримизнинг амалий фаолиятига тадбиқ этиш шу куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш жараёни давом этаётган шароитда ходимлар меҳнати самарадорлигини ошириш бошқарувчи ходимларнинг кадрларга янги тарзида ёндашувини тақозо этади. Ходимлар билан ишлашга янги ёндашишининг комплекс характери режалаштириш элементларидан кенгроқ фойдаланиш, индивидуал иш юритиш шакллари қўллаш билан ифодаланади. Бизга маълумки, ҳозирги кунда ходимлар билан ишлашнинг янги шаклининг назарий асоси бўлган “инсон ресурслари” концепцияси ишлаб чиқилган. У ходимларни танлаш, узлуксиз ўқитиб бориш ва ишчи сифатини, салоҳиятини, қобилиятларини аниқлаш ва мунтазам ривожлантириб боришга сарфланадиган капитал қўйилмаларни иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эътироф этишга асосланади. Бу концепциянинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар иборатдир:

-замонавий шароитда инсон омили ролини баҳолашда иқтисодий дастаклардан фойдаланиш;

-корхона доирасида бошқариш;

-ходимлар билан ишлаш тизимини қайта қуриш:

Япон фирмалари ўз товарларини юқори сифатлилиги билан Америка фирмаларини ташқи бозордан сиқиб чиқара бошлагач, Америка олимлари ҳамда менежерлари юзага келган аҳвол сабабларини чуқур ўрганишга киришдилар. Шу ўринда йирик япон-америка кўшма корхоналарининг кўплаб раҳбарлари фикрини келтириб ўтиш ўринли: “Фирмамизга ташриф буюрган кўплаб хорижликлар, бизнинг ҳам АКШ ва Европада бир хил бўлган технология ва хом- ашёдан фойдаланиб, юқори сифат даражасига эршишимизга ажабланишди. Аммо, улар сифатни дастгоҳлар эмас, балки инсонлар беришини идрок этишмади”.

Япония дунёда биринчи бўлиб кам харажатли, юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлашда корхонанинг барча ишчиларини ўзига жалб қиладиган “инсон қиёфасидаги” замонавий менежментини ривожлантиради. Кўплаб япон фирмаларида ҳар бир операция ижрочисига навбатдаги операция бажарувчисига ўзининг истеъмолчиси сифатида қарайди ва юқори маъсулиятни хис қилади.

Ишчиларни малакаси ва яхши ишлашга бўлган истак хохишлари унумдорликни таъминлашга йўналтирилган бир пайтда корхона ходимларини бошқаришдаги стратегияси меҳнатини рағбатлантиришга қаратилмоқда. Жаҳон амалиётида кўплаб фирмалар, кадрлар малакасини оширишга, менежерларни тайёрлаш дастурига катта эътибор бермоқда. Захира тайёрлаш билан боғлиқ махсус дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Замонавий корхоналарда ишчилар салоҳиятидан фойдаланишда ваколатли кадрлар хизматлари муҳим ўрин ўйнамоқда. Кадрларни хужжатларини сақловчи офислар сифатида ўз фаолиятини бошлаган кадрлар хизмати ҳозирги кунга келиб, вазифалари, ишчиларни профессионал билими, техник таъминоти, ишлаш услубига кўра ходимларни бошқариш тизимининг асосий бўғинига айланиб бормоқда. Шу сабабли замонавий корхоналарда кадрлар хизмати раҳбарнинг профессионал вазифаларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

-ходимларни ривожлантириш;

-штат жадвалини режалаштириш ва кадрларни танлаш;

иш ҳаққини белгилаш, кадрларни жой-жойига қўйиш ва ўқитиш;

-кадрлар масаласи бўйича корхона бўлимларининг раҳбарларига маълумотлар ва маслаҳатлар бериш.

Ҳозирда кадрлар хизмати вазифасини бажаришда “инсоний муносабатлар” нинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу масалани хал қилиш учун кадрлар хизматида махсус бўлимлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ишчиларнинг ўз компанияларига садоқатлилиги Японияда юқори даражада такомиллашган. Юқори мансабдор ходимлар ва ишчилар ўзларини корпорация вакиллари деб ҳисоблайдилар. Японияда ҳар бир ишчи ўзини

компания учун керак ва зарур шахслар сифатида ишонадилар. Одатда японияликлар ўз компанияси учун кўп ишлайди. Бу эса, уларни фирмага бўлган садоқатини ифодалайди. Японияда иш вақти бошқа мамлакатларга нисбатан узокроқ давом этади. Эрақак ишчи хафтасига ўртача 58 соат ишлайди, бу америкалик ва Ғарбий Европалик ишчиларга нисбатан 10 соатга кўпдир.

Хизматда кўтарилиш меҳнат стажига, лаёқатлилик, ишнинг бажрилиши ва мажбуриятга боғлиқ бўлиб шунга яраша ишчининг маоши хар йили ошиб боради. Лекин кўтарилиш автоматик тарзда юз бермайди. Юқори, яъни бошқариш мансабига эришиш учун ишга бўлган лаёқатни намоён этиб ва ўз мажбуриятларини аъло даражада бажариб бориши лозим.

Масалан, Япониянинг хусусий университетига хизматда кўтарилиш маълум конунлар асосида амалга оширилади, аспирантурани тугатганидан кейин шахс маълум ишга профессор ассистент сифатида олиниб ва 2 ойдан кейин доцент хизматини ўтагандан кейин профессор бўлиши мумкин лекин у ўз мажбуриятларини аъло даражада бажармаганлиги учун кўтарилиши чекланиши ҳам мумкин.

Бошқа усул ишчи ва компания орасидаги садоқатлиликни кучайтириш, бевосита алоқаларни рағбатлантиришдан иборат. Бунда бир қатор муомула тизимлари амал қилади. Кўпинча япон корпорациялари расмий учрашувларни, эрталабки митинг, цех мажлислари ва кичик гуруҳ мажлислари ўтказиб туради. Митинглар хар доим иш бошланишидан олдин ўтказилади (айрим компанияларда хафтада бир марта). Одатда иш бошқарувчи компаниянинг сиёсати ёки бизнес одоби бўйича савол билан мурожаат этади.

Эрталабки митингдан кейин ишчилар цех учрашувларида қатнашиши мумкин ундан хар бир ишчига берилган иш бугун берилиши шарт деб айтилади ва бунинг учун зарур маълумотлар берилади. Савол ва жавобдан кейин маълум бир ишни бажариш муҳокама қилинади. Ишга алоқадор учрашувларнинг асосий мақсади цех бошлиғи буйруқларини ишчиларга етказишдан иборат бўлади.

Йирик япон корпорациялари ишчиларга қўшимча имтиёзлар яратиб беради. Масалан, компаниялар ишчиларга хар доим йўл харажатларини тўлайди. Ишчилар ва уларнинг оила аъзоларини шифохона харажатларини компания тўлайди. Компания уй-жойларни ҳам паст баҳода сотиб олишни таъминлайди. Агар бундай уйлар етарли бўлмаса, компания бу уйларни ижарага олиб, ўз ишчиларига паст нархда тақдим этади. Тижорат банклари ва бошқа молиявий институтларда фоиз ставкаси юқори бўлгани учун компания банклардан заём олиб ишчиларга паст фоизда (одатда 4-6 фоиз) беради, корпорация эса заёмни ифодалайди.

Шу ўринда Япония компанияларнинг бошқариш тамойилларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

-ишни ақл билан олиб бориш орқали ўйланган мақсадга эришиш ҳамда янада тараққий этиш учун интилиш;

-хар бир шахсга чексиз хурмат кўрсатиш орқали ҳалол ва шарқона бошқаришга алоҳида эътибор бериш;

-корпоратив маданиятни унинг бардошлилиги ва янгиликга интилувчанлигини таъминлаган холда мукаммаллаштириш.

Ишдаги мақсадлар:

-ишбилармонлик руҳи ва бошқариш тамойиллари анъаналарига амал қилган холда ҳалоллик ва инсоф билан иш тутиш;

-оила ахлоқий тамойилларга асосланган холда қонун - қоидаларга риоя қилиш;

-юқори даражада очик ойдинликни таъминлаш;

-атроф муҳитни ҳимоя қилиш муаммоларга катта эътибор бериш;

-яхши ходими бўлиб жамиятга ёрдам бериш;

-фаол муносабатлар орқали компаниянинг интеграциялашган куч-қудратига ўз хиссасини қўшиб бир жамоада ишлашга интилиш;

ўз олдига аниқ мақсадлар қўйиш ва ташаббускорлик билан уларга эришиш.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, ривожланган давлатларимизда инсон ресурслари менежменти (ИРМ) алоҳида ўрин эгаллар экан. Чунончи, инсон ресурслари менежментини ривожлантириш стратегиясини бош масаласи-ходимларни, кадрлар хизмати фаолиятини ташкил қилиш, уларни ривожланиши асосида иқтисодий раванқ ва катта даромадларни кўзлаш турар экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Медведов В.П. Менеджмент. Основные функции менеджеров, Москва-Дело, 2003 год.

2. Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. Москва-2000 год.

3. Бессонов Г.Г. Основы управления персоналом. Москва. РАПС, 2000 год.

4. Пугачев В.П. Руководство персоналом организации. Учебник. Москва, 1999 год.

5. Фатхутдинов Р.А. Система менеджмента. Москва, 1997 год.

ТЕЖАМҚОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Мирзаев Саврарбек Авазбекович

Андижон машинасозлик институти ўқитувчиси

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”[1] деб таъкидлаб ўтди. Демак, ҳар қандай соҳани ривожлантиришда замонавий бошқарув усуллари ўрганиб уни ҳаётга татбиқ қилиш жуда муҳим ўрин ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш корхоналарини бошқаришда замонавий чет эл тизимларини жорий қилган ҳолда ишни ташкил қилишда хавфсизлик муҳим вазифа ҳисобланади. Чунки инсон саломатлиги ва хавфсизлиги биринчи ўринда туради. Агар иш жойини ташкил қилишда ҳатоликлар юзага келса, иш фаолияти давомида бу ҳатоликлар камчилик ва муаммоларни юзага келтириб ва иш унумдорлиги яъни самарадорликни пасайиб кетишига ўз таъсирини ўтказди.

“Тежамкор ишлаб чиқариш” тушунчаси Тойота компанияси томонидан яратилган бўлиб, унинг муваффақиятли томонларидан бири ишлаб чиқаришни ортиқча сарф харажатларсиз йўлга қўйишдир. Ҳозирги кунда бошқа корхоналарда ҳам бу тежамкор ишлаб чиқариш усуллари кенг қўлланилиб келинмоқда. Тежамкор ишлаб чиқариш тизими энг кўп қўлланиладиган концепциядир, ушбу концепция биринчи бўлиб машинасозлик соҳасида қўлланилган. Эътибор берсангиз, бу тизимни қурилишда ва бошқа соҳаларда муваффақиятли қўллаш мумкин, бу тизим жуда катта воситалар тўплами билан ажралиб туради.

Меҳнатни муҳофаза қилиш – бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат[2].

Мисол учун “Уз Карам Ко” қўшма корхонасининг сифат сиёсатини олиб қарайлик. Сифат, экология, соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик соҳасида корхона бошқарув тизимини такомиллаштириш зарурлиги, истеъмолчилар ва манфаатдор томонларнинг ҳозирги талабларини инобатга олган ҳолда, “Уз-Корам Ко” бошқаруви компаниянинг бошқарув усулларини янада такомиллаштириш учун куйидаги ISO 9001:2008, ISO / TU 16949:2009, ISO 14001:2004 ва OHSAS18001:2007 стандартларига мувофиқ тизимни йўлга қўйган. Integrated Management System (IMS) фалсафаси компания фаолиятининг куйидаги уч йўналишларига киради.

Биринчи, Сифат менежменти - сифатни истеъмолчилар талаблари ва талабларига жавоб берадиган "UzAuto motors" томонидан ишлаб чиқарилган автомобиллар учун бамперлар, эшик панели ва дастгоҳ панели ва бошқа пластмасса қисмларини ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигини таъминлаш тартибга солиш талабларидир.

Иккинчи, Атроф-муҳитни бошқариш - корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида келиб чиққан зарарли экологик таъсирларнинг олдини олиш ёки камайтириш орқали табиатдаги экологик мувозанатни таъминлашдир.

Учинчи, Соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни бошқариш - ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаларига нисбатан ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғининг устуворлигини тан олиш, зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларининг инсонга таъсирини камайтириш ёки камайтиришни таъминлашдир[3].

Аммо тежамкор ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси қаерда? Бу тизим меҳнат муҳофазасига қандай боғлиқлик томони бор? Бу тизим меҳнат

муҳофазасига нима беради? дегани савол қалашиб ётади. Бу саволга қуйидаги 5S усулини мисол келтириш мумкин. (1-жадвал) Бу японлар ишлаб чиққан усул айнан 5S усули мисол бўла олади.

1-жадвал[4]

№ босқич	Японча	Инглизча	Ўзбекча
1	Seiri	Sorting	Тартибга солиш
2	Seiton	Set in Order	Тартибни кузатиш
3	Seisō	Shine	Тозаликни сақлаш
4	Seiketsu	Standardizing	Бир меъёрга солиш
5	Shitsuke	Sustaining the discipline	Такомиллаштириш

Ишлаб чиқариш корхоналари хавфсизлик қоидаларига қаттиқ риоя қилади. Ушбу қоидаларга амал қилишда 5S усулини ишлаб чиқариш майдонига жорий қилишади. 5S усули иш жойини ташкил қилишда қандай устунлик беради деган савол туғилиши мумкин. Учта устунлик томони мавжуд. (1-расм)



1-расм[5].

Демак ушбу учта устунлик томони ҳақида яна ҳам аниқроқ тушунтириб ўтадиган бўлсам, хавфсизлик бу иш жойларида кераксиз асбоблар, метал парчалари, деталлар, таралар, ёғлар ва ҳоказолар. Ушбу нарсалар иш жойида бахтсиз ходисаларни келтириб чиқаришга асос бўлиши мумкин. Масалан метал парчаси оёқ кийимни тешиб кириб оёғингиз лат ейишига олиб келади ва ишингизни вақтида бажара олмайсиз. Оёқ остида ётган кераксиз деталлар эса унга қоқилиб тушиб йиқилишингиз натижада эса бирон жойингиз лат ейишига олиб келади. Сифат эса ишлатаётган хар бир асбобларингизни ўз вақтида жойида бўлишини таъминлаб ишларингиз талаб қилади қарабсизки иш белгиланган вақт мобайнида бажарилади ва сифат ўз ўзидан таъминланган бўлади ҳамда келиб чиқиши мумкин бўлган хатоликларни олдини олишингиз кузатилади. Ҳаражатларга келадиган бўлсак, 1-смена ишлаётган ишчи ишлатаётган асбобини ўз вақтида белгиланган жойига қўймаса 2-сменадаги ишчи келиб иш бошлайдиган бўлса у ишчи ишлатган асбобни қидиришга беҳуда вақти кетади, бу эса ортиқча вақт яъни ҳаражатларга олиб келади.

Ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш даромадни кўпайтирмайди деб ўйлашингиз мумкин, аммо унинг пасайишини олдини олиш учун зарурдир. Тежамкор ишлаб чиқаришни асосий асл мақсади жараёнларни оптималлаштириш ва ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам бериш ёки ҳеч бўлмаганда зарар етказишнинг олдини олишдир. Тежамкор ишлаб чиқариш сизга компаниянгизни энг мақбул усулдаги хавфсизлик ва хавфсизликни таъминлаш жараёнларини ташкил қилиш имконини беради.

Тежамкор ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси – инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишига қаратилган тадбирлар. Қонун ҳужжатларида меҳнат жараёнида қўлланиладиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, санитаригиена, даволаш-профилактика чора-тадбирлари белгилаб қўйилади. Меҳнат қилувчи шахс хавфсизлиги, саломатлиги, меҳнат қилиш қобилиятини ҳимоялаш, соғлом меҳнат шароитлари яратиш, касб касалликлари юз бериш хавфини олдини олиш, и. ч. да жароҳатланишларга йўл қўймаслик кабилар меҳнат муҳофазаси олдидаги вазифалар ҳисобланади.

Меҳнат муҳофазасини таъминлашда кузатув асосида бошқарув жуда керак. Чунки бу усул ҳам ходимларни хавфсиз ишлашига ёрдам беради.

Биз ишлаб чиқаришда кузатув назорати қурилмаларига доимо дуч келамиз. Айнан шу қурилмалар араванинг қайси йўлдан юриши кераклигини, қаерда қайрилишининг афзаллигини, ишлаб чиқаришдаги хавфли зоналарнинг қаердалигини, бизга зарур бўлган анжомларни қаердан топиш мумкинлигини кўрсатади. Афсуски кўплаб корхоналарда кузатув назорати қурилмаларидан кам фойдаланилмоқда. Ахир бундай қурилмалардан тўғри фойдаланиш вақтдан ютишга, электр-энергияси, хом-ашё ва маҳсулотларни, пировард натижада пулни иқтисод қилишга ёрдам беради.

Кузатув назорати қурилмаларидан тўғри фойдаланиш вақтдан ютишга, электр-энергияси, хом-ашё ва маҳсулотларни, пировард натижада пулни иқтисод қилишга ёрдам беради.

Кузатув назорат қурилмаси меҳнат жараёнини енгиллаштиради ва тўғридан тўғри ишчи ходимларни ишга кирган вақтиданок ишлаб чиқариш маҳсулдорликларини оширишга йўналтиради (1-расм).



1-расм. Кузатув асосида бошқарувга мисол.

Юқоридаги мисоллар бежизга берилмади, чунки бу кўргазмали огоҳлантирувчи белгилар ишлаб чиқариш майдонида жуда зарур. Бу кўргазмали огоҳлантирувчи белгилар ишчиларни ишлаш жараёнида юзага

келиши мумкин бўлган хавфлардан огохлантириб туради, бу эса иш жараёнида вақтни йўқотишни олдини олади ва иш унумдорлигини оширади.

Фаразларни буюмга айлантира олишлик – қўл билан ушлаб кўриш мумкин бўлган муваффақиятларнинг сиридир, деган Генри Уард Бичер (1813-1887)[6]. Демак тежамкор ишлаб чиқариш меҳнатни муҳофаза қилишда муҳим бошқарув усули ҳисобланади.

Шундай қилиб тежамкор ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси:

- ишлаб чиқариш жараёни тезлаштиришга;
- ишлаб чиқариш жараёнидаги йўқотишларни олдини олишга;
- ишчилар хавфсизлигини таъминлашга;
- ходимларни иш вақтини тежалишига;
- меҳнатни унумдорлигини ҳамда сифатни оширишга ёрдам беради.

Мақолани сўнгида шуни айтмоқчиманки, ҳар бир ташкилот ва корхона ходимлари, биринчи навбатда ўзининг хавфсизлигига ўзи жавобгар бўлиши керак. Чунки, ишлаётган ходимни қандай тартибда ишлашни ҳеч ким билмайди, ўзига эҳтиёткор бўлиб ишласа ишнинг самараси ва сифати ошиши аниқ бўлади, шундан сўнг бахтсиз ходисалар сони 0 га тенг бўлади. Бу шунчаки оддий сўзлар билан ифодаланган мақолага ўхшаши мумкин, лекин бу ердаги сўзларга шунчаки ёзув эмаслигини билиш учун, унинг туб моҳиятида нима яширинганини тушуниш керак, шундагини ҳар бир сўзнинг аниқ мақсад, мантиқ ва ечимини кўришингиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-410-сонли «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни.
3. <https://uzkoram.uz/policy/>
4. Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
5. Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
6. Майкл Вэйдер. Инструменты бережливого производства- Мини-руководство по внедрению методик бережливого производства. Перевод с английского. М, 2012.

К ВОПРОСАМ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИХ МОДЕЛЕЙ УПРАВЛЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЕМ

Авулчаева Феруза Жўрақўзиевна

преподаватель, Ферганский политехнический институт

В современное время особенно актуальными становятся проблемы совершенствования экономических моделей, связанных с управлением предприятий. Динамичные, структурные изменения, происходящие в

хозяйственной деятельности требуют сформированной и качественно индивидуальных критериев в процессе управления.

Наиболее значимым направлением менеджмента современности считается налаживание наиболее качественного контроля эффективности системы управления предприятием.

В высокоразвитых странах промышленные компании составляют основу не только экономической, но и политической мощи государства, в результате чего происходит активная разработка проблематики экономического управления предприятиями.

В свою очередь, управление со стратегической точки зрения в качестве области научных познаний, ставит перед собой задачу по охвату методик формирующих стратегии развития предприятия и процесс в принятии обоснованных и действенных управленческих решений, в том числе методов их практического внедрения в целях достижения намеченных рубежей предприятия.

Процесс отбора модели управления предприятия складывается из составляющих, включающих разработку, доведение и анализ (оценку). С практической точки зрения данные составляющие сложно отделить друг от друга, в силу того, что они являются разными уровнями единого процесса анализа. Ответственным этапом отбора экономической модели управления предприятия и выбора тактики развития является систематизация, проведение анализа и идентификация допустимых вариантов. В задачу оценки по выбору модели управления входит отбор модели, обеспечивающей максимально возможную эффективность проводимой управленческой деятельности предприятий промышленности для достижения главных целей на перспективу.

На данном этапе осуществляется переход к наполнению общих моделей развития предприятий промышленности качественным содержанием. Существует определённое количество используемых с методологической точки зрения подходов по выбору экономической модели управления предприятием, позволяющей определить прогнозное развитие промышленных предприятий [3].

Их использование может быть как локальным, так и в виде выбранной комбинации в контексте установленной задачи управления предприятием. При выработке, доведении и анализу используемых экономических моделей управления учитываются возможности и функциональной стратегии, а так же основные направления стратегий по налаживанию деловой атмосферы и привлечению инвестиций. При управлении предприятием целесообразно обратить внимание на вопросы управления персоналом предприятия с учётом зарубежного опыта. Отдельно хотелось бы отметить о возможностях использования системы KPI.

Термин KPI (англ. Key Performance Indicators) с учётом перевода на русский язык имеет толкование как «ключевые показатели эффективности» достижения конечных целей, хотя понятие «performance» имеет два значения: «эффективность» и «результативность».

Таким образом для достижения главенствующей цели современной организации – это получение намеченной прибыли должны быть задействованы все имеющиеся рычаги. С учётом теорий системного анализа это значит, что для оптимизации деятельности на каждом рабочем месте необходимо подчинение задачи оптимизации деятельности предприятия как единого целого.

Главенствующая задача совершенствования экономических моделей по управлению предприятиями, заключается в использовании возможностей управления активами предприятия и на микроэкономическом уровне, выявлении для предприятий в промышленности необходимых условий для развития производственных процессов [2].

Исследования систем управления предприятием можно представить в следующих взаимосвязанных контекстах: теоретическом и практическом. Теоретический контекст по формированию и совершенствованию модели управления вбирает в себя:

Во первых: процесс по исследованию стратегий, субъектов и объектов управления;

Во вторых: исследование направлений, методик, технологий управления;

В третьих: мониторинг систем, учитывающих показатели, включающих результаты и эффективность управления.

Практическая часть исследований систем управления вбирает в себя отбор модели по управлению с учётом подсистем в рамках деятельности организации.

Стратегия в управленческой модели в свою очередь основана на фундаменте деятельности предприятия с учётом практической составляющей [1].

Следует отметить, что функционирование настоящих моделей по управлению предприятием основывается на следующих постулатах.

Для модели управления производственным предприятием предлагаются такие принципы как: – уровень ритмичности — уровень равномерности производства продукции; – степень специализации.

По модели управления ресурсами финансов, как с универсальными, неукоснительно соблюдение нижеуказанных принципов:

– процесса преемственности и многократности в использовании учетной информации;

– налаживание коммуникационных связей внутри предприятия с учётом системности;

– широты, идентифицированной и своевременной подачи информации;

Список использованной литературы:

1. Бухалков, М.И. Организация производства и управление предприятием: Учебник / М.И. Бухалков . - М.: Инфра-М, 2013. - 506 с.,
2. Гаврилов, Л.П. Управление предприятием: финансовые и инвестиционные решения: Учебное пособие / Л.П. Гаврилов. - М.: Финансы и статистика, 2012. - 184 с.
3. Гукова, А.В. Управление предприятием: финансовые и инвестиционные решения: Курс лекций для бакалавров: Учебное пособие / А.В. Гукова, И.Д. Аникина, Р.С. Беков. - М.: Финансы и статистика, Инфра-М, 2012. - 184 с.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ УПРАВЛЕНИЯ ПЕРСОНАЛОМ ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

Рахманов Мухаммадэлдор Абдувахидович

Преподаватель Андиганского государственного университета

Управление персоналом – область знаний практической деятельности направленная на обеспечение организации качественным персоналом, способным выполнять возложенные на него трудовые функции и оптимальное его использование. Управление персоналом является неотъемлемой частью качественных систем управления организации. Персонал предприятия — это все сотрудники организации, которые и составляют один из факторов производства. С точки зрения экономической теории к материальным ресурсам относятся все то, что создано человеком, исходя, из этого мы можем смело утверждать, несмотря на то, что мы живем, в век информационных технологий и переходим, к цифровой экономике человеческие ресурсы играют важную роль в развитии предприятия независимо от ее сферы деятельности. Правильно разработанные методы и принципы управления человеческими ресурсами помогает компании оптимально и рационально пользоваться возможностями человеческого капитала. В первую очередь при проведении мероприятий по организации труда и управлению персоналом нужно учитывать факторы условий труда рабочего места: общие, технические, безопасность, санитарно-гигиенические и эстетические условия которые влияют на работоспособность сотрудника в процессе работы. Еще в прошлом столетии различные ученые и предприниматели создавали теории вели исследования и предлагали различные подходы решения вопросов в области управления персоналом и роли персонала на предприятии такие как: Американский экономист Г. Эмерсон в произведении «12 принципов эффективности» (1912 г) писал о рационализации деятельности любых намерений человека тогда как его современник Ф.Тейлор американский инженер, основатель предмета «управления производством» автор произведений «Управление предприятием» (1910г) и «Принципы и способы организации управления на научной основе»

рассматривал задачи совершенствования управления с технической и производственной точек зрения. [1].

Управление персоналом подразделяется на следующие сферы деятельности: поиск и адаптация персонала; оперативная работа с персоналом; стратегическая работа с персоналом.

А. К. Семенов предлагает классификацию методов управления персоналом, выделяя три группы: экономические, административные (организационные) и социально-психологические методы.

Главным в экономическом методе управления является стимулирование сотрудников, направленное на повышение качественной и эффективной работы каждого из них.

Административные методы направлены на то, чтобы пробудить в сотрудниках осмысление необходимости трудовой дисциплины, ответственности, стремление трудиться на конкретном предприятии, культуру трудовой деятельности, и часто вынуждены руководствоваться мерами принуждения в целях дисциплинирование персонала.

Социально-психологический метод способствует выработке у членов коллектива навыков, взаимопонимания и взаимодействия, соответствующий стиль руководства [2].

Если говорить о современных тенденциях управления персоналом, то они в основном ориентированы на учет социально-экономических и социально психологических факторов.

На примере Узбекистана мы можем наблюдать примеры по совершенствованию методов управления персоналом не в многих случаях. В настоящее время совершенствование методов управления персоналом применяют в таких компаниях и банках как Murad Building, Dream city development, Artel Engineering, Uz-AutoMotors, АКБ Промстройбанк, Национальный банк Узбекистана, Ориент Финанс банк, Хамкорбанк и в других коммерческих банках страны.

В частности, за последние три года АКБ Промстройбанк уделяет большое внимание на совершенствование методов управления персоналом в первую очередь данный банк начал работать под лозунгом «Великие компании состоят из великих сотрудников». Лично сам председатель правления банка в год несколько раз в различных филиалах по всей стране устраивает «встречи без галстуков» где любой сотрудник независимо от занимаемой должности может напрямую обратиться к председателю задать ему интересующие вопросы. Большое внимание уделяется молодому поколению сотрудников, был создан специальный учебный центр при банке где новые сотрудники проходят этап адаптации, а уже работающие повышают квалификации в центр приглашаются высококвалифицированные специалисты, которые преподают курсы повышения квалификации. Организовываются туры для сотрудников по древним городам Узбекистана в процессе туров сотрудники, совмещая приятное с полезным участвуют в различных тренингах. Также организовываются спортивные состязания по нескольким видам спорта среди

филиалов банка и между другими коммерческими банками, что способствует положительному отношению персонала к работе и руководству.

Для наибольшего достижения результата в совершенствовании методов управления персоналом в условиях Узбекистана в организациях независимо от сферы деятельности нужно создать отдел по разработке, сбору и оценке идей как это делают многие крупные международные компании, где все сотрудники могут вносить свои идеи по развитию компании. Затем где ответственный сотрудник по идеям уже с профессионалами будет оценивать, анализировать, совершенствовать, применять, создавать проекты по созданным идеям и давать рекомендацию администрации организации по финансированию реализации определенной идеи и материально поощрять авторов идеи. Такой метод принесет взаимную выгоду и администрации, и персоналу организации.

Список использованных литератур:

1. М.Абдуллаев. “Меҳнат иқтисодиёти” УМК 2019 йил.
2. А.К. Семенов., В.И Набоков. М. Основы менеджмента. Учебник Изд:Дашков и К, 2010 год.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АМАЛИЙ ЙЎЛЛАРИ

Нурматов Дилшодбек Набижонович

Андижон давлат университети доценти, и.ф.н.

Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодий барқарорликка эришди ва бунда иқтисодий ўсиш кузатилмоқда. Шубҳасиз, бундай ютуқларнинг асоси – мустақилликнинг биринчи йилларида ҳукумат томонидан белгиланган иқтисодий ислохотлар стратегияси ва иқтисодиётнинг эркинлашишидир.

Мамлакатимизда изчил олиб борилаётган ислохотлар туфайли иқтисодиётнинг барча тармоқларида янги иш ўринлари яратиш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва унинг турмуш даражасини ошириш борасида ҳам сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Аҳолининг бандлиги унинг қайта кўпайиши учун зарур шартдир, чунки кишиларнинг турмуш даражаси, жамиятнинг кадрлар танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ишга жойлаштириш, ишсизларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун сарф қиладиган чиқимлари аҳоли бандлигига боғлиқдир. Бандлик инсон ижтимоий камолотининг энг муҳим томонларидан бирини очиб берадики, бу унинг меҳнат соҳасидаги ва меҳнат билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларини қондиришга алоқадордир [1].

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ аҳоли бандлиги бу фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, қонунларга зид келмайдиган ва уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятдир.

Аҳолининг ишчанлик фаоллигини ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиришга, ижтимоий заиф қатламлар бандлигини таъминлашга, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти, сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3859-сонли қарори айнан шу соҳа ривожланишида кўплаб имкониятларни яратиб берди [2]. Жумладан, мазкур ҳужжат асосида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича давлат органлари ишлари самарадорлигини ошириш, аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш белгилаб қўйилган.

Республикада ҳар йили аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тасдиқланадиган дастурларни амалга ошириш, бўш ва квоталанадиган иш ўринларига ишга жойлаштириш механизмларини такомиллаштириш, ўзини ўзи банд қилишнинг самарали шакллари ривожлантириш борасида таъсирчан чора-тадбирлар кўрилмақда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифаларга тўхталиб ўтиб, қуйидаги фикрларни намоён қилди: “...иқтисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш зарур” деб таъкидлади [3].

Бу эса ишсизликни камайтириш учун янги иш жойларини, айниқса, қишлоқ ҳудудларида яратиш республиканинг устувор вазифаларидан биридир. Тадқиқотлар натижасидан маълумки, демографик хусусиятлар сабабли янги аср бошида Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони кескин ўсиб бормоқда ва бу ўсиш доимий аҳоли сони ўсишидан юқорироқ. Шунинг учун, умумий аҳоли сонидан меҳнат ресурслари улушининг ўсиши кузатилмоқда. Меҳнат бозорига ҳар йили янги иш кучларининг чиқиши, иқтисодиётнинг қайта ташкил этилиши ва баъзи соҳалардан иш кучи бўшаши (асосан аграр қисмидан) ва иш берувчиларнинг касбий ва малакавий талабларига иш кучи жавоб бермаслиги сабабли меҳнат бозорида иш кучи таклифи унга бўлган талабдан каттароқ. Бундан ташқари, Ўзбекистон меҳнат бозори ҳозирги кунда улғайиб ривожланмоқда ва уни тартибга солиш учун иш билан бандлик таркиби динамикаси ва омилларини, айрим вилоятлардаги миллий ижтимоий-меҳнат муносабатларининг махсус хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўрганиш зарур.

Аҳолининг иш билан бандлик таркибини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири меҳнат муносабатларини тартибга солишдир. Меҳнат муносабатларини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар нафақат иш билан

бандликка, балки унинг таркибига ҳам таъсир кўрсатади. Бу эса иқтисодиётда ишчиларнинг асосий ҳуқуқларига қатъиян риоя қилган ҳолда (меҳнатга адолатли ҳақ тўлаш ҳуқуқи, асоссиз ишдан бўшатишдан ҳимояловчи ҳуқуқи ва ҳ.к.) меҳнат ресурсларини самарали жойлаштириш ва фойдаланиш мақсадида меҳнат қонунчилигини ислоҳ қилишни, корхона даражасида ижтимоий шерикчилик механизмларини ривожлантиришни, меҳнат келишмовчиликларини бартараф этувчи самарали механизмларини шакллантиришини тақозо этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида худудларда аҳоли бандлигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

➤ аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ва корхона, ташкилотлар вакиллари билан биргаликда бўш иш ўринлари ярмаркаларини мунтазам ва самарали ўтказиб бориш ҳамда бўш иш жойларини банкени шакллантириш;

➤ аҳоли зич худудларда касаначилик соҳасини чуқурроқ олиб кириш ва меҳнат шартномалари асосида уй меҳнатини ташкил этиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

➤ йирик саноат корхоналари атрофида кичик, унга хизмат қилувчи корхона ва микрофирмаларни ташкил этишни кегайтириш асосида янги иш ўринларини яратиш;

➤ худудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳолининг бандлигини ошириб бориш;

➤ қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали янги иш жойларини яратиш ва ишсиз аҳолини иш билан таъминлаб бориш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахмонов Қ.Х. «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси». Дарслик. - Т.: «Fan va texnologiya», 2012й.

2. <http://lex.uz>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь, №19.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ПЕРСОНАЛНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Абдуллаев Абдужаббор¹

Абдуллаев Мирзохид Ғайибердиевич²

¹ТАТУ Фарғона филиали профессори, и.ф.д.

²Андижон давлат университети катта ўқитувчиси

Ички иқтисодиётнинг замонавий ривожланиш шароитида ялпи ички маҳсулотнинг катта қисмини ташкил этувчи ва иқтисодий ўсиш суръати ва йўналишини аниқлайдиган саноат корхоналари муҳим рол ўйнайди. Бугунги кунда саноат корхоналарининг рақобатдошлигини таъминлаш учун персонални бошқаришнинг самарали тизимини яратиш керак. Персоналнинг касбий тайёргарлигининг паст даражаси уларнинг оммавий қисқаришига олиб келади,

чунки ходимларнинг билимлари йўқлиги ҳозирги талабларга мослашишни қийинлаштиради [2]. Шундан келиб чиққан ҳолда, инқироз шароитида ташқи ва ички ўзгаришларга тезда жавоб берадиган саноат корхоналаригина рақобатлашади.

Ходимларни бошқариш тизимининг самарали ишлаши ва ташкил этилиши умуман компаниянинг ривожланиш йўналишини ва ҳар бир ходимнинг меҳнат функциясини амалга ошириш муваффақиятини акс эттирувчи асосий омил ҳисобланади. Саноат корхоналарининг асосий хусусияти ишчилар ва менежерлар ўртасидаги яқин муносабатлар эканлигига асосланиб, улар қабул қилинадиган қарорларга таҳсир қилиши мумкин деб тахмин қилинади [3]. Кўпгина замонавий саноат корхоналари менежерларнинг алоқа оқимларини тўғри шакллантириш ва жамоа билан соғлом муносабатларни ўрнатиш қобилиятига эга эмаслар.

Персонални бошқариш тизимидаги бугунги кунда саноат корхоналарининг асосий муаммолари: кадрлар тайёрлаш даражасининг етарли эмаслиги; ходимларни рағбатлантиришнинг реал механизмлари йўқлиги; "бошқарувчи-бўйсунувчи" доирасидаги муносабатларнинг самарали алоқа механизмлари йўқлигида кўринади. Кўриб чиқиладиган муаммолар айниқса муҳим ва аҳамиятли бўлиб, улар орқали юқори малакали кадрлар тайёрлаш механизмлари ва саноат корхоналарида "раҳбар-бўйсунувчи" доирасида алоқалар ўрнатилиши талаб этилади.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда саноат корхоналари дуч келадиган аниқланган муаммолар асосида ходимларни бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг қуйидаги усуллари келтирилган:

1. Ходимларни сифатли танлаш ва ишга олиш. Сифатли танлаш корxonанинг даромадини оширишга, меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган ва шу билан бирга корxonанинг ўсишига имкон беради. Ходимларни ёллаш манбаларига келсак, тезкор ва арзон усул бу номзодларни дўстлари ва танишлари орқали жалб қилиш (3-5 кун), шунингдек ўз корxonангиз ичида лавозимингизни кўтариш (1-2 кун). Номзодларни оммавий ахборот воситалари орқали жалб қилиш (6-14 кун), университетлар ва бандлик марказлари битирувчилари орасида - 2 ҳафта [1].

Ходимларни танлашда номзодга қўйиладиган талабларни аниқ белгилаш керак. Агар сўровнома сўров натижаларига кўра у ҳеч бўлмаганда битта нуқтаи назардан корxонага тўғри келмаса, у лавозимга номзодлар рўйхатидан чиқарилиши керак. Кейинги қадам интервью бўлиши керак, унда менежер аниқ саволларни сўрайди. Ҳозирги шароитда ходимларни ўзгарувчан шароитларга зарур мослаштириш, суҳбатнинг асосий бўлимлари амалий вазифа бўлиши керак. Бу номзод тез ҳаракат қилиши ва муаммонинг тўғри ечимини топиши керак бўлган аниқ ноаниқ вазият раҳбарининг баёнотидан иборат.

Агар ходим саноат корxonасининг соҳасини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилишга тезда мослашса, у ушбу ташкилотга мос келади, чунки у ташкилотнинг узоқ муддатли истиқболларини ҳисобга олган ҳолда танланади.

2. Мотивациянинг барча жиҳатларидан фойдаланиш. Амалиёт шуни кўрсатадики, мотивациянинг ягона “энг яхши” усули йўқ. Ҳар бир инсон ташкилотдаги ўз эҳтиёжлари ва мақсадларига интилади, шунингдек бу мақсадга эришиш учун бошқача ҳаракат қилади. Шунинг учун, бир киши учун мақбул бўлган нарса бошқасини қониқтирмаслиги мумкин. Раҳбар ҳам моддий, ҳам номоддий қисмларга эга бўлган ходимларни рағбатлантириши керак. Замонавий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда, номоддий мотивация усули сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин: ходимларни чет элга алоҳида хизмат учун ёки маълум бир хизмат муддати учун юбориш; Ҳар бир ходим учун ойига бир марта спорт залига/ҳовузга обуна; ускуналарни қисман янгилаш орқали иш шароитларини яхшилаш; ташкилий анъаналарни жорий этиш. Ходимларни моддий рағбатлантириш усуллари қуйидагилар бўлиши мумкин: кичик харажатларга эга бўлган ва корхона доирасидаги кичик, аммо муҳим ютуқлари учун мукофотланадиган ўз-ўзидан тўланадиган ҳақ; қийин ҳаётий вазиятларда молиявий ёрдам; ишчиларни ойлик ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун рағбатлантирувчи, аммо жиддий ортиқча ишларнинг йўқлигини ҳисобга олган ҳолда режани ортиқча бажариш учун мажбурий бонуслар.

3. Ходимларни мунтазам равишда ўқитиш ва сертификатлаш. Технологиялар доимо такомиллашиб боришини ҳисобга олиб, ходимларнинг билимлари ушбу талабларга жавоб бериши керак. Бундай шароитларга тезда мослашиш учун менежер ходимларга ушбу фаолият соҳасидаги билимларни тақдим қилиши керак. Корхонада ишчиларни бошқа шаҳарларга мунтазам равишда юбориш жуда қимматга тушади, шунинг учун ҳозирги коронавирус пандемияси вақтидаги энг реал вариант - бу онлайн маърузалар, видео-тренинглари, жойида ўқишни ташкил қилиш: технология янгиланган сари бу соҳада мутахассис таклиф қилинади ва давра суҳбати ўтказилиши керак. 1-2 йилда бир марта ходимлар бошқа шаҳарларга курсларга боришлари мумкин. Ҳар йили ҳар бир ходим ўз билимлари ва қийин вазиятларда тезда ҳаракат қилиш қобилияти масалалари бўйича сертификатлашдан ўтиши керак. Сертификациядан ўтмаган ва маълум миқдордаги балларни тўпламаган ходим автоматик равишда ишдан бўшатишга ҳисобланади.

4.Тизимли ақлий ҳужум. Тўғри тайинланган вазифалар туфайли ходимлар ишга қўшилиши керак, шунда иш янада қизиқарли ва самарали бўлади. “Ақлий ҳужум” бу раҳбар ва ишчилар ўртасидаги алоқа усулларида бири бўлиб, улар танқид қилинмайдиган фикрларни билдириш нуқтаи назаридан ишлашга қизиқиш билдиришади. Раҳбар томонидан қўйилган вазифаларни аниқ тушуниш учун "ақлий ҳужум" қуйидаги тарзда амалга оширилиши мумкин: раҳбар ўз вазифасини ходимларни чалғитишга уриниб, ушбу йўналишдаги бемаъниликларни таклиф қилиб кўради. Ходимлар, ўз навбатида, ўз далилларини келтирган ҳолда ўйлай бошлайдилар, кейин узоқ муҳокамадан сўнг, ходимлар тўғри қарорга, яъни дастлабки вазифага ўтиши керак. “Ақлий ҳужум”ни амалга оширган ҳолда, раҳбар ўз хизматчиларидан янги таклифларни ишлаб чиқишда уларнинг фаоллигини ошириб, янги натижаларга эришиши мумкин.

5. Корхона иш тартибига қўшма дам олишни киритиш. “Ақлий ҳужум”дан кейин иш муҳитидан ташқарида қўшма дам олишни ташкил қилиш керак. Раҳбар ва ходимларнинг биргаликдаги дам олиши ижтимоий зиддиятни камайтиради, мулоқот пайтида томонлар бир-бирини яхшироқ тушунишни бошлайдилар, шунинг учун ходимларнинг ўзларига берилган вазифаларни яхшироқ тушуниш эҳтимоли кучаяди. Шундай қилиб, корхонанинг рақобатбардошлигини ва унинг муваффақиятли ривожланишини тахминлаш учун ходимларни бошқаришнинг самарали тизими зарур. Замонавий шароитларга тезда мослашиш учун ходимларни бошқариш тизими муайян талабларга мувофиқ доимий равишда такомиллаштирилиши керак. Бугунги кунда ушбу такомиллаштириш усулларига қуйидагилар киради: ходимларни юқори сифатли танлаш ва ишга олиш, мотивацияни барча жиҳатларидан фойдаланиш, ходимларни тизимли равишда ўқитиш ва аттестациядан ўтказиш, “ақлий ҳужум”ни мунтазам равишда ўтказиш, қўшма дам олишни аноана сифатида жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дейнека А.В. Управление персоналом: учебник. М.: Издательско торговая корпорация «Дашков и К», 2013. — 292 с.
2. Маслова В.М. Управление персоналом: учебник и практикум для академического бакалавриата. 2-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательство Юрайт, 2014. — 492 с.
3. Бизнес журнал № 1 для начинающих предпринимателей [электронный ресурс] – Режим доступа. — УРЛ: <http://hpiterbober.ru/> (дата обращения 01.04.2020)

ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ибрахимов Хамдамжон Салийевич¹

Тўраев Асрорбек Акмалжон ўғли²

¹НамДУ, Иқтисодиёт кафедраси мудири

²Наманган давлат университети магистранти

E-mail: hamdam_75@mail.ru

Маълумки, миллий иқтисодиёт тараққиётида саноат маҳсулотлари экспортини ташкил этиш муҳим чора-тадбирлардандир. Шунинг учун «тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим» [1, 146 б.].

Фиркимизча, саноат маҳсулотлари экспортини диверсификациялаш деганда, турли ҳудудларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспортини диверсификация қилиш тушунилади. Аниқроғи, экспортни диверсификация қилиш – бу экспорт қилинадиган товарлар сонининг кўпайишига олиб

келадиган иқтисодий жараён. «Диверсификация алоҳида экспорт қилувчи корхона учун зарур бўлганидек, давлат миқёсида ҳам хўжалик фаолиятини ривожлантириш учун муҳимдир. Умуман, экспорт учун диверсификация – бизнесни кенгайтириш, товар турларини ёки уларнинг миқдорини кўпайтириш, янги экспорт қилувчи компаниялар бозорига киришнинг янги йўллари излашдир» [5]. Диверсификация жараёнида иқтисодий базани мустаҳкамлашнинг янги имкониятлари пайдо бўлади, иқтисодиёт мустаҳкамланади ва ёт бўлган омилларнинг салбий таъсири камаяди.


Республика Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида, 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифаларга тўхталиб, «барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади» [2] деб алоҳида қайд этди. Шундай экан, «импортни кескин камайитириш мақсадида ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмини ошириш учун кўшма корхона ташкил этиш бўйича пухта ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар комплексини тақдим этиш» [3] шу кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда саноат маҳсулотларини етказиб беришни кўпайтириш учун, ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш керак. Ишлаб чиқариш диверсификацияси барча мавжуд тармоқлар ва тармоқларнинг бир вақтда ривожланишини англатганидек, битта йирик экспорт компанияси ёки концерн доирасидаги ривожланиш жараёни бўлиши ҳам мумкин. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш маҳсулот турларини кўпайтиради, компаниянинг бозордаги ўрнини мустаҳкамлайди ва иқтисодий фойда олиш имконини кенгайтиради.

Бугунги кунда саноат маҳсулотлари экспортини диверсификациялашда «...ишлаб чиқариш қувватларининг аҳволи, ҳаражатларни ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, маҳсулот рақобатдошлигини сўзсиз ошириш» [1, 260 б.] зарур.

Дарҳақиқат, маҳаллийлаштириш жараёнларининг саноат маҳсулотлари экспортидаги аҳамияти жуда катта. Агар маҳаллийлаштириш жараёнларини жадал ривожлантирилса, нафақат саноат маҳсулотлари экспортини диверсификациялашга балки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ҳам ўзига хос диверсификацияни амалга оширишга эришган бўламиз (1-расм) .

Эътироф этиш керакки, саноат маҳсулотлари экспортини диверсификация қилишда илм-фан ютуқларига таяниб, турли соҳа олимлари томонидан яратилаётган янги илмий ишланмалар, техник лойиҳаларни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирларини қўллаб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки, маҳаллий доирада яратилган янгиликларни ишлаб чиқаришда қўллаш анча арзон тушади. Биз бундай имкониятлардан самарали фойдаланиш йўлига ўтишимиз керак. Янгиликлар маҳаллий-минтақавий шароитда ишлаб чиқилса, жуда кўп иқтисодий имкониятлар қўлга киритилади [4, 233 б.]:



1-расм. Маҳаллийлаштиришнинг саноат маҳсулотлари экспортидаги аҳамияти ва кичик бизнесда диверсификацияни амалга ошириш*

* Расм муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

1. Янгиликларнинг ўзимизда яратилиши натижасида давлат ҳиссасидаги валюта миқдори тежалади.

2. Иш билан бандлик муаммоси ҳал этилади, жамиятимиздаги демографик вазият анча яхшиланади.

3. Янги техника (технология)ни қайта жиҳозлаш ёки таъмирлаш, деталлари эскирганда уни ишлаб чиқариш ҳам ўзимизда ҳал этилади.

4. Янги ишланмалар ёки лойиҳаларни амалга ошириш ва уларни ўзлаштириш учун хориждан мутахассислар чақирилмайди. Бу ишлар ҳам маҳаллий мутахассислар ёрдамида (ўқишлар ташкил этиб) ҳал этилади.

5. Энг муҳими, маҳаллий инновация ривожланади. Уни кенг ривожлантириш имкониятлари яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш йўлида, саноат маҳсулотлари экспортини диверсификация қилишда маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, миллий иқтисодиёт ривожидида маҳаллийлаштиришга эътиборни кучайтириш давр талабидир. Бу эса ўз навбатида саноат маҳсулотлари экспортини диверсификациялаш имкониятини кенгайтиради. Шунингдек, касаначиликнинг ривожланишига туртки бериб, саноат тармоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият доирасининг кенгайишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. (электрон манба) –Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 592 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 25 январь, 2020 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 26 январь, 2017 йил.
4. Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш. –Т.: «Фан», 2012. –272 б.
5. <https://utmagazine.ru/posts/10928-diversifikaciya-eksporta> // Диверсификация экспорта.

МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ашурова Ҳақик Ҳошимовна

“Тошкент автомобил йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти” қошидаги академик лицейи ўқитувчиси

E-mail: khakik83@mail.ru

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий жараёнида таълим тизимини, хусусан, масофавий ўқитиш жараёнларини ривожлантириш масалаларига кенг эътибор берилмоқда. Жумладан, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган йўл харитасида таълим ва инсон капиталини ривожлантириш соҳасида чора-тадбирларни амалга ошириш йўналишлари кўрсатилган бўлиб, унда таълим тизимида қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари, smart-технологиялар ва e-learning тизимини фаол жорий этишга кенг эътибор қаратилган.

Масофавий таълимни амалга ошириш учун мамлакатимизда электрон онлайн-модулла ва масофавий ўқитиш дастурларини шакллантириш талаб этилади. Smart-технологиялар – бу жараёни амалга оширишга замонавий ёндашув бўлиб, дастлабки босқичда барча ахборотни умумлаштириш, мақбул иш муддатларини тайинлаш, ресурслар етарлилигини белгилаш, шунингдек жараёнинг барча иштирокчиларига аниқ ва тушунарли вазифалар бериш имконини яратади. Замонавий Smart-таълимнинг муҳим жиҳатлари унинг мослашувчанлигини ва очиқ таълим муҳити яратилишини, гаджетлардан фойдаланиш, очиқ таълим ресурси ва бошқарув тизимини тақозо этишидир.

Хусусан, Smart- таълим технологияларини қўллашда замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича жаҳонда машҳур бўлган ZTE компанияси томонидан Тошкент ахборот технологиялари университетида Smart Classroom лойиҳаси амалга оширилди. Ҳозирги пайтда ZTE корпорацияси Хитой, АҚШ, Франция, Швеция ва Кореяда ўзининг 18 та илмий-тадқиқот марказларига эга бўлиб, уларда иктисодиётнинг турли соҳалари учун инновацион ечимлар ишлаб чиқилади. Fortune – 500 рўйхатига кирувчи етакчи халқаро компаниялар ZTE компаниясининг технология ва ечимларидан кенг фойдаланадилар. Бугунги кунда ZTE компанияси электрон таълим соҳасида турли ечимларни таклиф қилмоқда. Хусусан, ZTE компанияси мамлакатимизда Smart Classroom («Интеллектуал синф») тизимини кенг йўлга қўйди.

«Интеллектуал таълим» тизими «ақлли университетлар»ни ташкил этишни назарда тутди. Тизим билимларни бир томонлама сингдиришдан воз кечиб, шахсга йўналтирилган тадқиқотга асосланган таълимга ўтиш имконини беради, бу эса талабалар ва ўқитувчиларни илҳомлантиради. Ҳар бир талаба фаолиятини янада батафсил таҳлил қилиш, уларнинг қобилиятларини аниқлаш имконини беради. Ушбу «ақлли синф» талабаларга фанларни янада батафсил ўрганиш имконини беради.

Ҳар бир дарс серверга ёзилади ва иштирокчиларга ўтилган дарсларни уйда компьютер ёки телефонда такрорлаш имконини беради. Бунда ҳар бир дарсни қўлда ёзиб вақт сарфланмайди. Ўқитувчи планшетларга ўрнатилган «e-test» тизимидан фойдаланиб талабаларни дарров текшириш ва билимларини муносиб баҳолаш имконига эга бўлади. Шунингдек, «ақлли синф» хорижлик профессорлар билан боғланиш ва талабаларнинг маҳорат дарсини реал вақт маромида трансляция қилиш ва билимлардан фойдаланиш имкониятини барча университетларларга тақдим этиш имконини беради.

E-learning тизими – янги ахборот ва телекоммуникация технологиялари ёрдамида билим бериш ва таълим жараёнини бошқаришдир.

Электрон таълим жараёнида ахборот етказишнинг интерактив электрон воситаларидан, кўпинча Интернет ва компанияларнинг корпоратив тармоқларидан фойдаланилади, бироқ бошқа усуллар, масалан, компакт-дисклар ҳам истисно қилинмайди. Электрон таълим тизими дастурий ва аппарат ечимларидан ташкил топади. У ўқув контентини ва таълимни мониторинг қилиш тизимини ўз ичига олган махсус маълумотлар базаси мавжуд бўлишини

тақозо этади. Узлуксиз мактабдан ташқари (қўшимча) таълим тизимини такомиллаштириш белгиланган.

Таълим тизимида масофавий ўқитишни ривожлантириш натижасида университетлар замонавий ахборот технологиялари асосида иқтисодийнинг базавий секторлари ва корхоналарни технологик модернизациялаш дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этадилар. Сифат назорати тизими олинган маълумот сифатини халқаро баҳолаш механизминини жорий этади. Бунинг учун Халқ таълими вазирлиги PISA халқаро дастури (ингл. Programme for International Student Assessment – ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқларини баҳолаш халқаро дастури) иштирокчисига айланади. Бунинг натижасида таълим сифатини баҳолаш миллий тизими такомиллаштирилади. Бу жараён таълим статистикаси халқаро услубияти (ЮНЕСКО ва ИХТТ) талаблари ва принципларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Мамлакатимизда иқтисодий соҳасида етук мутахассисларни тайёрлаш бўйича қабул қилиниши режалаштирилган Тошкент давлат иқтисодий университетида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарорининг лойиҳасида иқтисодий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, иқтисодчи кадрлар тайёрлашда масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom», «spin-off» технологияларини амалиётга кенг миқёсда жорий этиш, ўқув жараёнига коучер усулини (маслаҳат ва тренинг усули) киритиш ва коучерларни жалб қилиш орқали талабаларга маълум бир касбий мақсадга эришишга ёрдам бериш тизимини қўллаш, мамлакатнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган ёшларнинг олий таълим билан қамровини кенгайтириш ҳамда хорижий фуқароларни ўқишга жалб этиш мақсадида Университетда масофавий ўқитиш шакллари (онлайн, вебнет, вебинар, e-learning дастури ва ҳоказолар) ташкил этиш белгиланди.

Эътироф этиш керакки, саноат маҳсулотлари экспортини диверсификация қилишда илм-фан ютуқларига таяниб, турли соҳа олимлари томонидан яратилаётган янги илмий ишланмалар, техник лойиҳаларни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирларини қўллаб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки, маҳаллий доирада яратилган янгиликларни ишлаб чиқаришда қўллаш анча арзон тушади. Биз бундай имкониятлардан самарали фойдаланиш йўлига ўтишимиз керак. Янгиликлар маҳаллий-минтақавий шароитда ишлаб чиқилса, жуда кўп иқтисодий имкониятлар қўлга киритилади [4, 233 б.]:

Умуман, мамлакатимизда кейинги йилларда таълим соҳасига ахборот технологияларини кенг жорий этиш, масофавий таълимни ривожлантириш бўйича тадбирлар жадаллик билан амалга оширишда ва бу эса юртимизда таълим жараёнларининг самарадорлиги ва сифати ошишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. (электрон манба) –Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 592 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 25 январь, 2020 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 26 январь, 2017 йил.

К ВОПРОСАМ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМА УПРАВЛЕНИЯ ПЕРСОНАЛОМ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ЛЁГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Усманова Зулфия Мусаевна

Старший преподаватель Ферганский политехнический институт

E-mail: zulfiyaxon16.04@mail.ru

В условиях современности и проводимых преобразований в обществе коренным образом произошла смена роли человека в производстве.

Если раньше он рассматривался лишь как один из элементов последнего звена наряду с машинами и оборудованием, то в настоящее время превратился в главный стратегический ресурс каждого предприятия и предприятия лёгкой промышленности не являются исключением.

Возникает вопрос – с чем же это связано? И неминуем ответ – прежде всего это связано со способностью людей к творчеству, к креативному мышлению, которые в настоящее время становятся решающим условием успеха любой деятельности. Соответственно этому изменился и взгляд на персонал.

Люди теперь рассматриваются не просто как кадры, а как человеческие ресурсы, преимущество компании в конкурентной борьбе на рынке, главный фактор её успеха, а в конечном счёте источник прибыли [1]. В этом контексте и затраты, связанные с их деятельностью, представляются уже не как досадные расходы, а в качестве инвестиций в «человеческий капитал». Они направлены на организацию медицинского обслуживания, своевременного отдыха, занятий спортом, создание условий внутреннего предпринимательства, творчества, развитие личных способностей и интеллекта.

Менеджмент персонала представляет собой вид функциональной подсистемы по управлению трудовыми ресурсами и социальным развитием коллектива для обеспечения управляемости и эффективности производственной системы [1]. В современных условиях степень самостоятельности и ответственности организаций значительно возрастает. Персонал представляет собой один из ресурсов фирмы, которым надо грамотно управлять и создавать условия для его развития.

Следует отметить, что специфика человеческих ресурсов состоит в

эмоционально-смысловой реакции работающих на внешнее воздействие, то есть управление, что объясняет различную реакцию сотрудников на применяемые методы управления. Возможность долговременного сотрудничества организации и его работников и способность последних к постоянному самосовершенствованию, также являются важными особенностями человеческих ресурсов, обуславливающими повышенное внимание к эффективности их использования.

Существенным обстоятельством является то, что люди, чаще всего, приходят на предприятие осознанно, с чётко поставленными целями и ожидают предоставления возможностей для их достижения. Процесс взаимодействия между предприятием и сотрудником является двусторонним, а степень удовлетворенности представителей персонала этим взаимодействием является таким же необходимым условием его продолжения, как и удовлетворенность предприятия.

В своём исследовании мы бы хотели рассмотреть вопросы совершенствования механизма управления персоналом на предприятиях лёгкой промышленности Ферганской области. Заслуживает внимания тот факт, что текстильная и швейно-трикотажная промышленность нашей страны является одной из динамично развивающихся и ведущих отраслей, которая играет значимую роль в решении государственных задач и учитывает жизненно важные интересы многих регионов, содействуя гармоничному развитию территорий, решению проблем занятости, обеспечению занятости населения и как следствие улучшению его благосостояния, оказывая помощь в становлении и развитии малого и частного бизнеса. По состоянию на 1 января 2019 года в системе Ассоциации «Узтекстильпром» функционирует 1 512 промышленных предприятий, из них 369 предприятия текстильной отрасли и 1143 предприятий швейно-трикотажной отрасли [2].

Мы бы хотели сконцентрировать своё внимание на деятельности «Posco International Textile» LLC. Структура «Posco International Textile» LLC следует принципы децентрализации управления и максимальной концентрации на каждом из направлений деятельности компании.

Глобальный масштаб бизнеса «Posco International Textile» LLC, его ускоренное развитие и стратегия диверсификации учитывают внимательное отношение ко всем видам и этапам производства, динамике конъюнктуры глобального рынка, предпочтениям потребителей и направлениям технологического развития.

Основной же структурной единицей «Posco International Textile» LLC является подразделение, которое имеет чёткую специализацию, задачами которого являются реализация намеченных направлений стратегии развития компании.

По нашему глубокому убеждению немаловажное значение в совершенствовании механизма управления предприятием имеет система мотивации предприятия. Приведём элементы необходимые для системы мотивации:

1. Соответствующее среднеотраслевым показателям материальное поощрение.

2. Оценка. Каждый работник периодически должен проходить процедуру оценивания.

3. Поощрение за проявленную инициативу, эффективное выполнение поставленных задач. Необходимо учитывать, что сложилась практика, при которой основная заработная плата является минимальной оплатой за удовлетворительное выполнение обязанностей. Повышенные усилия и результаты целесообразно дополнительно стимулировать посредством премиальных (в западной практике - бонусов). Бонусы должны быть привязаны к завершению крупной работы, проекта или результатам периодической оценки.

4. Стимулирование за сокращение затрат при выполнении операций.

5. Учёт карьерного роста.

6. Обучение персонала - важнейший элемент системы мотивации персонала.

Мы бы хотели рассмотреть принципы управления в «Posco International Textile» LLC. Компания "Posco International Textile" в своей деятельности учитывает свою специально разработанную усовершенствованную структуру управления. За каждым достижением и новыми результатами компании, стоят высокопрофессиональные специалисты, стремящиеся к новым горизонтам развития. Главной целью компании является достижение успеха в выбранном бизнесе с учётом таких принципов как

-во первых: наличие компетентных сотрудников;

-во вторых: творческий подход;

-в третьих: доверие и сотрудничество между работниками и управлением;

Немаловажным фактом в совершенствовании механизма управления персоналом является организационная структура системы управления персоналом, которая проходит следующие этапы:

-структуризация целей в системе управления персоналом;

-определение составляющих функций управления, которые обеспечивают реализацию целей всей системы управления персоналом организации;

-формирование состава подсистем организационной структуры;

-установление связей между составляющими подсистем организационной структуры;

-определение прав и ответственности подсистем;

-расчет трудоёмкости функций и численности подсистем;

-построение конфигурации организационной структуры.

Обратим внимание на основные элементы системы управления персоналом. К ним относятся:

планирование персонала – то есть комплекс мер, с учётом оценки текущих ресурсов, проведение прогнозов их сокращения, оценку потребности в трудовых ресурсах на перспективу, в том числе и в управленческих работниках, оценку резервного запаса персонала и способов мобилизации

необходимых специалистов;

привлечение персонала - комплекс мер, обеспечивающий приток нужных специалистов в установленное время. Эти меры включают поиск, подбор, отбор, наем и первичное развитие персонала;

развитие персонала - включает повышение квалификации и переподготовку персонала, ротацию, оценку и продвижение персонала, подготовку резервов специалистов и руководителей;

мотивация и стимулирование персонала – включают заработную плату, дополнительные стимулирующие выплаты и механизм мотивации труда;

учет персонала - комплекс мер по обеспечению кадровой работы с учётом требований органов по контролю и потребностей самого предприятия.

Мы бы хотели осветить аспекты, которые могут негативно повлиять на совершенствование механизма управления персоналом.

несовершенство системы взаимодействия в рамках подразделений предприятия;

недостаток в квалифицированных кадрах;

высокий уровень текучести кадров;

несовершенство системы оплаты труда;

наличие без инициативности и отрицательного психологического настроя;

отсутствие стремления работать в единой команде;

отсутствие сплоченности в коллективе предприятия.

В заключении следует отметить, что в целях совершенствования механизма управления персоналом необходимо проведение анализа организационной структуры с целью выявления «узких мест». Например проблемой организационной структуры может быть:

-несоответствие номинального и фактического подчинения;

-двойное подчинение;

-спорное расположение/ подчинение элементов;

-неверная/ спорная адресация функций/ объединение разнородных функций в одном подразделении;

Список использованной литературы:

1. Когдин А. А. Мотивация и стимулирование трудовой деятельности в управлении персоналом [Электронный ресурс] // Основы экономики, управления и права. - 2012.

2. <https://invest.gov.uz/ru/investor/textile/>

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ВЛИЯНИЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ НА ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ

Нурматов Дилшодбек Набижонович

к.э.н., доцент Андижанского государственного университета

Укрепление суверенитета Республики Узбекистан, обеспечение стабильности в развитии экономики обуславливают необходимость выработки научно-обоснованных мер по развитию и повышению эффективного использования трудовых ресурсов в регионах.

Мощь трудового потенциала региона определяется не только численностью лиц трудоспособного возраста, уровнем их занятости, образованием и квалификацией, но и состоянием их здоровья. В связи с этим улучшение здоровья населения непосредственно связано с использованием рабочего и свободного времени, его временная потеря (время нетрудоспособности) или на длительный срок (инвалидности) оказывает большое влияние на стабильность функционирования предприятий.

Воспроизводство, охрана, улучшение здоровья трудоспособного населения и их эффективное использование являются важнейшим резервом повышения эффективности производства.

Хорошее здоровье было важнейшей потребностью человека во все времена. Однако объективные изменения, происходящие в характере труда и жизнедеятельности работника в условиях рынка, неизмеримо повышают уровень социальных потребностей в охране и поддержании здоровья, в профилактических мероприятиях. Растет и субъективная оценка работником «ценности» собственного здоровья в общей шкале потребностей.

Однако в современных условиях развития одной из актуальных проблем является обострение социально-экологической ситуации. Рассматривая потенциальные угрозы безопасности, Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева отмечал: «Важными задачами также являются совершенствование системы экологического контроля на производстве, пересмотр порядка проведения экологического аудита и активизация частной аудиторской деятельности этого профиля. Правительству поручается разработать программу комплексных мер на 2020–2025 годы по предупреждению негативного воздействия промышленного развития на экологию» [1].

Особенно эту проблему можно увидеть на предприятиях, где сложившиеся социально-экологические факторы отрицательно влияют на эффективное использование трудовых ресурсов. Это отражается, в основном, в увеличении временной нетрудоспособности работников (заболеваемости), вследствие этого - потерях рабочего времени и снижении производительности труда.

В условиях модернизации экономики одной из главных целей является достижение и ускорение экономического роста. В значительной мере это зависит от эффективного использования трудовых ресурсов.

Проблема эффективного использования трудовых ресурсов является очень сложной и многогранной. И это совершенно правомерно, ибо эффективность использования трудовых ресурсов имеет не только экономические, но и глубокие социальные последствия: обогащение содержательности труда и улучшение его условий, увеличение свободного времени и рациональное его использование и т.д. [2].

Понятие «использование трудовых ресурсов» рассматривается по двум направлениям. Первое – по видам занятости, по полу, возрасту, уровню образования, здоровью и т.д. Второе направление характеризуется эффективностью применения труда. Основным критерием оценки эффективного использования трудовых ресурсов на уровне предприятий является производительность труда, которая определяется объёмом выпуска продукции за единицу времени.

На основе проведенных нами исследований, мы считаем, что на изменение эффективности труда, наряду с материально-техническими, организационно-экономическими и социально-психологическими факторами непосредственное влияние оказывают социально-экологические факторы.

К внешним факторам относятся экологическая ситуация в регионе и уровень медицинского обслуживания. Экологическая ситуация характеризуется выбросами в почву, в атмосферу и в воду.

Внутренние и внешние факторы оказывают непосредственное влияние на эффективность использования трудовых ресурсов. Однако в современных условиях развития влияние внешних факторов велико.

Ухудшение здоровья и возникновение временной нетрудоспособности работников на промышленных предприятиях, вследствие ухудшения социально-экологической ситуации приводит, по мнению автора, к определенным экономическим последствиям, которые можно сгруппировать следующим образом:

- увеличение расходов социального страхования на выплату пособий по временной нетрудоспособности при увеличении заболеваемости вследствие ухудшения окружающей среды;

- увеличение расходов социального страхования на выплату пенсий при росте инвалидности;

- увеличение расходов здравоохранения при росте заболеваемости и инвалидности;

- увеличение расходов на подготовку кадров в результате роста текучести кадров, выбытия работающих по инвалидности и необходимости их преждевременной замены;

- недопроизводство национального дохода вследствие недовыработки продукции работниками, выбывающими из производства по временной

нетрудоспособности, ухудшение качества продукции, увеличение текучести кадров.

В результате научных исследований нами было выявлена взаимосвязь влияния социально-экологических факторов на эффективное использование трудовых ресурсов. Исследования общих закономерностей развития экономики страны, принципов и факторов формирования трудовых ресурсов в регионе, в их единстве позволили научно обосновать ряд положений и определить основные направления эффективности использования трудовых ресурсов на промышленных предприятиях в условиях обостряющейся социально-экологической ситуации [3].

На основе выше приведенных выводов в целях эффективного использования кадрового потенциала на промышленных предприятиях, в условиях усложняющейся экологической ситуации необходимо:

–усилить работу по инспекционному и аналитическому контролю за загрязнением окружающей среды, использованием природных ресурсов и утилизацией отходов, что способствует снижению уровня загрязнения окружающей природной среды до эколого-гигиенических и санитарных норм. В этих же целях с учетом последних достижений науки и международных стандартов разработать систему оснащения (переоснащения) источников загрязнения окружающей среды эффективными очистными сооружениями и установками;

–достичь сбалансированности процессов природопользования, позволяющей сохранить относительную устойчивость экосистемы, на основе определения экологически допустимых пределов использования природных ресурсов. Рациональное и комплексное использование природных ресурсов, в том числе водных, земельных, минерально-сырьевых и биологических;

–внедрение экологически чистых и ресурсосберегающих технологий. Приоритетной задачей в этом направлении является разработка и использование технологий по получению альтернативных видов энергии (солнечная энергия, энергия ветра и т.п.), внедрение в производство относительно экологически безвредных видов топлива, особенно на транспорте (замена бензина на газ, электрификация железных дорог и др.). Это требует реинвестиции промышленных предприятий региона и дополнительных инвестиций в новую экологически чистую и ресурсосберегающую технологию;

–совершенствование экономического стимулирования мероприятий по охране окружающей среды региона на основе широкого и эффективного использования экономических методов регулирования;

–создание единой системы экологического мониторинга, прогноза и информации в регионе;

–развитие и совершенствование системы экологического образования и производственной культуры в регионе, то есть повышения производственно-экологической культуры трудовых ресурсов и профессиональной подготовки специалистов;

–определение рейтинга предприятий и уровня экологической безопасности в регионе, установить обязательность внедрения международных стандартов (ИСО: 9001:2000, 14001:2004, 18001:1991), что будет способствовать улучшению качества продукции, улучшению экологии предприятий, промышленной безопасности и здоровья работников;

–для снижения временной нетрудоспособности на предприятиях необходимо разрабатывать и внедрять комплекс мероприятий, связанных с улучшением условий труда, то есть организационно-методические, санитарно-технические, санитарно-гигиенические, общественно-индивидуальные и лечебно-профилактические мероприятия;

–улучшение деятельности функционирования медицинских служб предприятий. Для профилактики и выявления заболеваемости среди работников необходимо обеспечение современной медицинской техникой, оборудованием и лекарственными препаратами;

–совершенствование системы социального страхования в целях улучшения социально-экологической ситуации в регионе.

Список использованная литература:

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. Народное слова, 25 январь, 2020 года, №19.

2. Абдурахмонов К.Х. Экономика труда. Учебное пособие. - Т.: ТФ РЭУ, 2011г.

3. Нурматов Д.Н. Экономические аспекты влияния экологии на здоровье женщин // Вопросы экономических наук. – Москва, 2006.- №2 – С. 146.

ИҚТИСОДИЁТДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ-ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Султанов Бобурмирзо Мавлонжон ўғли

Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий
маркази кичик илмий ходими

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган субъектларда меҳнат муносабатларини бозор тамойилларига мос ҳолда ташкил этиш мураккаб жараён ҳисобланиб, бу ҳолатга энг аввало деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларидаги ишлаб чиқариш жараёнларига биологик, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва табиий омиллар бевосита таъсир кўрсатиши сабаб бўлади. Шунинг учун келгусида қишлоқ хўжалигида доимо махсус малакали ишчи кучидан фойдаланиш ва меҳнат муносабатларини самарали ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Республикада иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги тармоғи муҳим ўринга эга бўлиб, 2019 йил якуни бўйича тармоқнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотларидаги (ЯИМ) улуши 5,8 фоизни, йиллик ўсиш суръатлари эса барқарорлашиб, 2015-2019 йилларда ўртача 6,8 фоизни ташкил этган.

Ҳукуматимиздан, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва корхоналар раҳбарларидан белгиланган мақсадли кўрсаткичларни сўзсиз бажариш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган ишларни доимий равишда амалга оширишни таъминлаш талаб этилади. Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастури вазифалари этиб энг аввало:

меҳнат бозорини тартибга солиш;

аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириб бориш;

меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш;

ишсизлик даражасининг йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрлардан ошиб кетишини олдини олиш;

турли мулкчилик шакллари ва тармоқлар бўйича иш жойлари яратиш суръатлари ва ҳажмларини таъминлаш;

иш билан бандлар ва ишсизларнинг ижтимоий муҳофазаси килиш ҳисобланади.

Барчамизга маълумки, ҳар йили миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга қаратилган дастурлар қабул қилинмоқда. Жорий йилда бандлик дастурлари асосида яратилган иш ўринларига хотин-қизлар қўмиталари ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари томонидан уйма-уй юриш орқали аниқланган 245 минг нафар ишсиз хотин-қизлар ишга жойлаштирилди.

Жумладан, бу борада маҳаллалар кесимида ишсиз хотин-қизларнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, алоҳида дастур асосида 10 минг нафарга яқин оғир турмуш шароитида яшаётган аёллар бандлиги таъминланиб, жами 38 млрд. 261 млн. сўм маблағ сарфланди. Хотин-қизлар қўмиталари ташаббуси билан бўш биноларни қайта таъмирлаш ва ишга тушириш ҳисобига 2 минг 300 тадан ортиқ кичик цехлар ташкил этилиб, 16 минг нафарга яқин хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди.

Хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кредитлар ажратиш оҳирги икки йилда 2 баробарга оширилиб, йиллик 7 фоизлик имтиёзли кредитлар бериш тизими жорий этилди.

Тижорат банклари томонидан 2014-2016 йилларда хотин-қизлар тадбиркорлик фаолияти учун 3,8 трлн. сўм кредит ажратилган бўлса, 2017-2019 йилларда 6,1 трлн. сўм кредит ажратилиши таъминланди.

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг ташкил этилганлиги аёллар бандлигини таъминлашда бевосита иштирок этиш имкониятини яратиб Хотин-қизлар қўмиталарининг тавсияномалари асосида Фонд маблағлари ҳисобидан йиллик 7 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратиш тизими жорий этилиб, жорий йилнинг шу даврига қадар 100 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Бу эса ўз ўрнида аёлларнинг оиладан, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда хунармандчилик, касаначилик, томорқачилик билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратди.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурининг маълумот манбалари бўлиб:

Демографик ҳолат таҳлили ва прогнозлари

Меҳнат бозоридаги эҳтиёжнинг аниқ ҳисоб-китоби, меҳнат ресурслари ва иш ўринлари баланслари ва прогнозлари Ишсиз фуқаролар ҳисоби ва мониторинги натижалари

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий дастурлари, инвестиция дастури

Кадрлар тайёрлаш, ишчи кучининг таркиби, инфратузилманинг ривожланиши

Янги иш уринлари ташкил этишнинг молиявий имкониятлари ва бошқалар
Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, хизматлар кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш;

Уй меҳнати (касаначилик)ни ривожлантириш

Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд қувватларидан унумли фойдаланиш, корхоналарни кенгайтириш;

Ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;

Фермер ва аҳоли хўжаликлари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, интенсив технологияларни жорий этиш

Ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш ва молиявий соғломлаштириш ва бошқа йўналишлар киради.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, замонавий, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасида тармоқларда банд бўлган ортиқча иш кучини бошқа тармоқларга жалб қилиш, бунда қишлоқ хўжалиги тармоқларига хизмат қилувчи инфратузилма субъектлари фаолиятини ривожлантириш, кичик ва ресурстежамкор қайта ишлаш корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали қўшимча доимий ишчи ўринларини яратиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сонли Фармони.

ИШСИЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Кучкаров Хабибулла¹, Султанов Мавлон Турсинбоевич²

¹и.ф.н., докенти ² катта ўқитувчи

Андижон давлат университети

E-mail: qochqarov 1956@ru

Мамлакатимизда ишсизликни камайтириш тўғрисида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар бозор муносабатлари шаклланиши мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ривожланиши ва мавқеини тубдан ўзгартирмоқда. Турли хил мулк, ҳажми ва фаолияти турлича бўлган корхоналарнинг мавжуд

бўлиши янги иқтисодий, ва ҳуқуқий муносабатлар шаклланишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат инсонлар ўртасидаги муносабатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда, уларнинг мулкка, олинаётган натижа ва унинг самарадорлигига бўлган қараши тубдан ўзгариб бормоқда. Бу жараёнлар аҳолини иш билан таъминлаш ва бу орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш, энг аввало, мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга боғлиқ.

Мустақиллик йилларида тўпланган тажриба ва охириги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни чуқур илмий таҳлил қилиш асосида унинг объектив қонуниятларини тадқиқ қилиш, шулардан келиб чиққан ҳолда аниқ хулосалар чиқариш ҳамда амалий тадбирлар белгилаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев:”Навбатдаги муҳим вазифа – бу бандлик масаласини ҳал қилишнинг бутун тизимини тубдан ўзгартириш бўйича комплекс раҳбарияти, ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари шахсий масъулиятини оширишдан иборат” [1] деб ўзининг танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак номли маърузасида таъкидлаб ўтган.

Меҳнат ресурслари бугунги мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш ва тубдан янгилаш шароитида муҳим аҳамият касб этади.

Андижон вилоятида Республикамиздаги мавжуд аҳоли сонини 10 % умумий ер майдонини эса 1 % ташкил этиб, меҳнатга лаёқатли аҳоли 2 млн дан ортиқ ҳолда, ишсизлик даражасининг аҳамияти уларнинг корхона (ташкilot) фаолиятидаги ўрни ҳамда ишлаб чиқаришдаги иштироки билан белгиланади. Маълумки, меҳнат ресурслари ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлиб, уни юзага келтирувчи барча ресурслар бевосита мазкур омил орқали бошқарилади. Худуд ва минтақалар иқтисодиётида меҳнат ресурсларининг роли унинг мезо даражадаги аҳамиятини кўрсатади. Мамлакатнинг қайси худудидида меҳнат ресурслари юқори кўрсаткичга эга бўлса, у ерда ишлаб чиқариш, саноат, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма ва коммуникация ривожланади [3].

Меҳнат ресурсларининг макро даражадаги аҳамияти унинг мамлакат ялпи иқтисодиётидаги ўрни ва асосий бойлик сифатида эътироф этилиши билан асосланади. Айнан меҳнат орқалигина мамлакатда моддий ва номоддий бойликлар яратилади. Мазкур меҳнатнинг субъекти эса бевосита инсон, яъни меҳнат ресурсларидир. Демак, меҳнат ресурсларининг барча даражадаги аҳамияти уни тадқиқ этишнинг ҳам илмий, ҳам иқтисодий долзарблигини белгилаб беради.

Жиддий муаммоларга йўл қўймаслик мақсадида давлат доимий равишда фуқароларни иш билан таъминлаш даражасини ошириш сиёсатини ўтказмоқда, яъни ишсизликнинг фрикцион ва таркибий турлари ўсганда:

- қайтадан касб ўргатади;
- таълим бериш тизимини кенгайтиради;
- бўш иш жойлари ҳақидаги ахборотларни кенг тарқатади;

- меҳнат биржаларига инвестицияларни кўпайтиради.

Агар ишсизлик даврий хусусият касб этса, давлат бюджети, фискал, кредит - пул воситаларини ишга солади, яъни:

- иш билан таъминлашни кучайтириш учун ишлаб чиқаришга кўпроқ маблағ сарфлайди;

- тадбиркорнинг манфаатдорлигини ошириш учун ссуда ҳамда кредиторларнинг фоиз ставкаларини пасайтиради;

- ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга солинадиган солиқларни камайтиради.

давлат меҳнат бозорини ташкил этиш ва тартибга солиш:

- аҳоли сони, ёш ва жинси салмоғидаги ўзгаришларга;

- иш билан бандликдаги тармоқ ва ҳудуд ўзгаришларига;

- қўшимча ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш мезонлари;

- ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва таркибига ҳамда унинг ўсиш суръатига;

- ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий жойлашуви каби омилларга алоҳида эътибор беради.

Ишсизликни камайтиришнинг иқтисодий тадбирларидан энг асосийси халқ хўжалиги тармоқларида бозор талабига мувофиқ кичик корхоналарни барпо этишдир. Бу эса, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқёсини оширишга қаратилаган бўлиши даркор. Бунга эса, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш жойларининг моддий-техникавий, технология ва сармоя таъминотларини яхшилаш, янги ноқишлоқ хўжалиги меҳнати зоналарини ташкил этиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва оқилона солиқлар орқали эришиш мумкин [2].

Муҳим иқтисодий тадбирлар мажмуасига кишлоқ хўжалиги ва саноатнинг асосий маҳсулотларига талаб ва таклифга асосан истиқбол кўрсаткичларини белгилаш, кичик ёшдаги болалари бўлган ва кўп болали оналарни, нафақахўр ва ногиронларни кафолатлаштирилган иш жойлари билан таъминлаш, уларга турли ижтимоий-иқтисодий имтиёзлар бериш орқали моддий манфаатдорлигини ошириш ҳамда иш билан таъминланишини яхшилашга эришиш киради.

Ишсизлик даражаси мамлакат иқтисодиёти қай даражада тараққий этганлигининг ҳамда иқтисодиётда содир бўлаётган ўзгаришларнинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади, «Ишсизлик даражаси» деганда ишсизлар сонининг иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги салмоғи тушунилади.

Ишсизлик даражасини бандлик хизматларида рўйхатдан ўтган ишсизлар сонининг иқтисодий фаол аҳоли умумий сонига нисбатан ҳисобланади [4].

Ишсизлик даражасига бир қанча омиллар таъсир кўрсатади: меҳнат ҳақининг пастлиги, меҳнат шароитлари яхши эмаслиги, иш ҳақининг вақтида берилмаслиги, иш жойларини қисқартиришлар ва бошқалар.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари барқарорлашаётган даврда ишсизликнинг бўлиши табиий ҳолатдир. Чунки ишчи кучига бўлган талабнинг

таклифига мос келиши оқилона бандликни шакллантириб, жамият учун табиий бўлган ишсизлик даражасини таркиб топтиради.

Иш билан банд бўлмаган шахсларни янги касбларга ўргатиш, малакасини ошириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни амалга оширишда амалий ва моддий ёрдам бериш, иш жойларини тавсия этиш, меҳнат биржаси томонидан амалга ошириладиган ижтимоий тадбирларнинг энг муҳими ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак // номли маъруза 2017 й 15 октябр.
2. Хамдамов Б.К., Исломов Ф.Р., Авлокулов А.З. Молиявий ҳисобот. Ўқув қўлланма./ - Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2008
3. Андижон вилоят статистика маълумотлари 2019 йил
4. www// меҳнат бозори.уз.

KICHIK BIZNESNI INNOVASION BOSHQARISH VA UNING BARQAROR RIVOJLANISHINI JADALLASHTIRISH OMILLARI

**To'xtasinova Dildora Raxmonberdievna¹,
Khalilova Merojixon Nurullo kizi²**

¹Farg'ona politexnika instituti kata o'qituvchi

²Andijon davlat universiteti talabasi

Mamlakatda olib borilayotgan iqtisodiy islohotlarning strategiyasi iqtisodiyotning hamma bo'g'inlarida yangi xo'jalik munosabatlarini majmuaviy rivojlantirish, boshqaruvning egiluvchan va moslashuvchan tizimini shakllantirish, tadbirkorlik faoliyati uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish, aholining iste'mol tovarlari va xizmatlariga bo'lgan talablarini to'laroq qondirishdan iboratdir.

Kichik biznes mamlakatimiz yalpi ichki mahsulotining qariyb 60 foizini, sanoat mahsulotlari hajmining uchdan birini, qishloq xo'jaligi mahsulotining 98 foizini ta'minlamoqda Ko'pgina viloyatlarda eksportning 70-90 foizi aynan kichik biznesga to'g'ri keladi.

Kichik biznes sub'ektini boshqarishning samaradorligi maqsadlarni to'g'ri belgilash bilan bir qatorda oqilona boshqaruv qarorlari qabul qilinishi va ular izchil, o'z vaqtida to'liq hajmda bajarilishi ta'minlanishiga ko'p jihatdan bog'liq. Ayniqsa, innovatsion rivojlanish sharoitida bu masala bo'yicha kichik korxonalar rahbari va boshqaruv funktsiyalarini bajarishga mas'ul bo'lgan boshqa shaxslarning tajribasi va malakasi, ish tajribasi katta rol o'ynaydi. Mazkur xususiyatlar samarali natijaga erishishga olib keladigan oqilona boshqaruv qarorini qabul qilishda qo'l keladi. Boshqaruv qarorlari qonuniylik, asoslanganlik, aniqlik, amalga oshirish imkoniyatlari kabi talablarga javob berishi lozim. Bajarish jarayonida o'zgartirish va tuzatishlar kiritish talab qilmaydigan boshqaruv qarorlari eng oqilona qarorlar hisoblanadi. Kichik biznes sub'ektlarining hozirgi vaqtdagi moliya-xo'jalik faoliyati amaliyoti

ular da boshqaruv qarorlari qabul qilishda shoshma-shosharlik, imkoniyatlar va vaziyatni to'g'ri baholay olmaslik kabi kamchiliklar tez-tez uchrab turishidan dalolat beradi. Bu esa ularning moliya-xo'jalik faoliyatiga salbiy ta'sir ko'rsatadi, hatto bankrotlikka ham olib keladi[3].

Menejment boshqaruv jarayonida iqtisodiy usullarni qo'llab, har bir xodimga va jamoaga ta'sir ko'rsatishga asoslanadi. Boshqarish – bu aniq natijalarga erishish uchun boshqarish sub'ektining boshqarish ob'ektiga maqsadli yo'naltirilgan ta'sir etish jarayonidir. Menejment – bu boshqaruv, ya'ni resurslarni, odamlarni boshqarish, samarali faoliyat olib borish va foyda olishni bilish, uni ko'paytirish jarayonidir. SHu nuqtai nazardan boshqaruv – bu o'ziga xos yuksak san'at va mahoratni talab qiluvchi tanlov, hamda shu tanlov asosida qaror qabul qilish va bajarilishini nazorat qilishdir. Umumiy ma'noda menejment bu boshqaruvni, ya'ni u yoki bu faoliyat turini (tashkil etish va rahbarlik qilishni), iqtisodni, moliyani va boshqa inson hayotidagi ishbilarmonlik sohasini tashkil qilish va boshqarishni bildiradi.

Kichik tadbirkorlikni hamda u bilani bog'liq barcha narsalar zamonaviy ijtimoiy ishlab chiqarish tashkiliy tuzilmasining muhim va tarkibiy qismini tashkil etadi. SHuning uchun ham respublikamiz iqtisodiyotini rivojlantirishda kichik biznesga muhim o'rin ajratilib, ularga davlat tomonidan jiddiy madad ko'rsatilmoqda. Xususiy tadbirkorlik, kichik biznes menejmentida ilmiy-texnika taraqqiyotini jadallashtirish, sanoatning ilg'or tarmoqlarida yangi texnologiyalarga o'tish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Bunday tadbirkorlik yangi axborot texnologiyalarini, yangi g'oyalarni va ishlab chiqarishni modernizatsiyalash bilan ishlashni ta'minlovchi butun tizimning ajralmas qismini tashkil etadi. Bundan tashqari, kichik korxonalar tavakkalchilik xavfi yuqori bo'lgan sharoitlarda ishlab chiqarishning ma'qul shakllaridandir.

Kichik biznes texnologiya yangiliklarini joriy etishda ham g'oyat katta ahamiyatga ega. Yangi texnologik g'oyalarni yirik korxonalariga nisbatan tezroq qabul qiluvchi kichik va o'rta biznesda xatar kamroq va katta turkumdagi ishlab chiqarishga qaraganda ishni tezroq yo'lga qo'yish mumkin. Bu esa bizning sharoitda ilmiy-texnik taraqqiyotni rivojlantirishga yordam berishi mumkin. Iqtisodiyotning umumiy taraqqiyotni ta'minlashda, tovar va xizmatlar yetishmovchiligini bartaraf etishda kichik tadbirkorlik katta o'rin tutadi. Mehnat resurslari tez o'sayotgan va ishlab chiqarish joylashuvdagi o'ziga xoslik sharoitida kichik biznes tizimini vujudga keltirish quyidagi imkoniyatlarni yaratadi.

Kichik biznes sub'ektlarining moliyaviy-xo'jalik faoliyatini to'g'ri yo'lga qo'yish xarajatlar va daromadlarni aniq rejalashga asoslanadi. Kichik biznes sub'ekti rahbariyati, uning iqtisodchi va buxgalteriya xizmati, eng avvalo, chiqimlarni boshqarishni bilishi kerak[2]. CHiqimlarni boshqarish esa, birinchi navbatda, xarajatlarni kamaytirish imkoniyatlari bilan bog'liq. Kichik biznesi sub'ekti chiqimlari moddiy-texnika ta'minoti, ishlab chiqarish (xizmatlar ko'rsatish), mahsulotni (xizmatlarni) realizatsiya qilish va boshqaruv xarajatlaridan tarkib topadi. Samarali xo'jalik faoliyatini amalga oshirayotgan kichik biznes sub'ektida joriy aktivlar qisqa muddatli majburiyatlardan (kreditlar, qarzlar, majburiy to'lovlardan) ortiq bo'lishi kerak. Qisq muddatli majburiyatlarning joriy aktivlardan ortib ketishi

kichik biznes sub'ekti moliyaviy-xo'jalik faoliyati beqarorligining birinchi belgisidir. Aylanma mablag'larning eng muhim tarkibiy qismi – pul mablag'lari miqdori ham eng maqbul darajada bo'lishini ta'minlash talab qilinadi. Chunki pul mablag'lari miqdorining ko'p bo'lishi, bir tomondan, kichik korxonaning to'lovga qodirlik darajasini oshirsa, ikkinchi tarafdin, bo'sh pul mablag'larining ishlatilmasdan turib qolishiga olib keladi.

Kichik biznes sub'ekti moliya-iqtisod va boshqa yo'nalishlar bo'yicha yuqori malakali mutaxassislarni shtatiga olish imkoniyatiga ega emas. SHuning uchun kichik biznes sub'ekti rahbari moliya-xo'jalik masalalari bo'yicha tegishlicha bilimga ega bo'lishi kerak. Rahbar, birinchi navbatda, kichik korxonaning moliyaviy barqarorligiga erishishi lozim. Xo'jalik yurituvchi sub'ekting moliyaviy barqarorligi tushunchasiga quyidagilar kiradi:

- joriy majburiyatlarni (to'lovlarni, ish haqi va hokozolar) bo'yicha to'lovlarni amalga oshirish;

- kutilayotgan tushum hisobidan bo'lajak majburiyatlarni qoplashga qodirlik;

- asosiy kapitalga rejalangan investitsiyalar uchun pul mablag'larining mavjudligi;

- rejalangan xarajatlarni qoplash uchun zaxira mablag'larining mavjudligi yoki kredit olish imkoniyati.

Kichik tadbirkorlikni hamda u bilan bog'liq barcha narsalar zamonaviy ijtimoiy ishlab chiqarish tashkiliy tuzilmasining muhim va tarkibiy qismini tashkil etadi. SHuning uchun ham respublikamiz iqtisodiyotini rivojlantirishda kichik biznesga muhim o'rin ajratilib, ularga davlat tomonidan jiddiy madad ko'rsatilmoqda. Xususiyl tadbirkorlik, kichik biznes menejmentida ilmiy-texnika taraqqiyotini jadallashtirish, sanoatning ilg'or tarmoqlarida yangi texnologiyalarga o'tish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Bunday tadbirkorlik yangi axborot texnologiyalarini, yangi g'oyalarni va ishlab chiqarishni modernizatsiyalash bilan ishlashni ta'minlovchi butun tizimning ajralmas qismini tashkil etadi. Bundan tashqari, kichik korxonalar tavakkalchilik xavfi yuqori bo'lgan sharoitlarda ishlab chiqarishning ma'qul shakllaridandir.

Kichik biznes texnologiya yangiliklarini joriy etishda ham g'oyat katta ahamiyatga ega. Yangi texnologik g'oyalarni yirik korxonalarga nisbatan tezroq qabul qiluvchi kichik va o'rta biznesda xatar kamroq va katta turkumdagi ishlab chiqarishga qaraganda ishni tezroq yo'lga qo'yish mumkin. Bu esa bizning sharoitda ilmiy-texnik taraqqiyotni rivojlantirishga yordam berishi mumkin. Iqtisodiyotning umumiy taraqqiyotni ta'minlashda, tovar va xizmatlar yetishmovchiligini bartaraf etishda kichik va o'rta tadbirkorlik katta o'rin tutadi. Mehnat resurslari tez o'sayotgan va ishlab chiqarish joylashuvdagi o'ziga xoslik sharoitida kichik biznes tizimini vujudga keltirish quyidagi imkoniyatlarni yaratadi:

- erkin mehnat resurslarining, yangi xo'jalik munosabatlari joriy etilishi, yangi mulkchilik shakllari paydo bo'lishi natijasida ishlab chiqarishda bo'shatiladigan shaxslarning ijtimoiy ishlab chiqarishga ko'proq jalb etish, mulkchilikning yangi shakllari paydo bo'lishi;

- aholining, birinchi navbatda, yoshlarning, moddiy, ma'naviy va kasb darajasini ko'tarish;

- aholining sust harakatchanligini hisobga olgan holda sanoat ishlab chiqarishini aholi yashaydigan joylarga yaqinlashtirish hamda aholining xalq iste'moli tovarlariga bo'lgan ehtiyojlarini to'laroq qondirish;

- milliy va badiiy hunarmandchilikni tiklash, shuningdek, kichik va o'rta shaharlarni, qishloq aholi punktlarini rivojlan-tirishga yordam ko'rsatish, umuman, har bir mintaqa uchun g'oyat muhim bo'lgan xalq xo'jaligi samaradorligini oshirish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Mirziyoev SH.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – T.: O'zbekiston, 2017.
2. Isaev R.A. va boshqalar. Ishlab chiqarishni tashkil etish va biznes-reja. –T.: Tafakkur, 2011.
3. G'aybullayev R.M. "Tadbirkorlikni rivojlantirish muammolari" Monografiya. T.: "FAN" – 200

ПЕРСОНАЛНИ БОШҚАРИШДА МАЪНАВИЙ–АҲЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Дадажоновна Мартабахон Махмудовна
Андижон машинасозлик институти доценти

Ходимлар билан ишлашнинг ижтимоий психологик жиҳатлари меҳнат ахлоқи ва маънавий қадриятлар инсон фаолиятининг муҳим омилidir. Меҳнат фаолияти маънавий қадрият сифатида шаклланиши учун муайян меҳнат усулига хос ахлоқий қоидаларга риоя қилиниши лозим. Бу ахлоқий меъёрлар меҳнат менталитетининг шаклланиши ва ривожланишида маънавий асос бўлиб инсон ҳаётида хал қилувчи аҳамият касб этади.

Унинг марказида ҳамиша инсон манфаатлари туради. Шу ўринда, меҳнат ахлоқи ва қадрияти тушунчалари мазмунига қисқача тўхталиб ўтсак. Меҳнат ахлоқи тушунчаси муайян меҳнат турининг объектив характер ва мазмундан келиб чиқувчи ҳулқ-атвор ва хатти-харакатлар тизими бўлиб, у фаолиятда шу қоидаларга амал қилишни талаб этади. Бу ахлоқий меъёрлар инсон меҳнат фаолиятида маънавий қадриятларни қарор топишида объектив асосдир. Меҳнатсеварлик инсон кадр-қийматини белгиловчи асосий мезон ҳисобланади. Меҳнатнинг асосий меъёрларини инсон фаолиятига таъсир кўрсатади ва ўзига хос принципларни шакллантиради.

Меҳнат қадриятлари тушунчаси инсон фаолиятининг ахлоқий меъёрлари билан узвий боғлиқ бўлиб, у миллий удумлар, урф-одатларга амал қилинишидан шаклланувчи маънавиятнинг бир туридир. У инсоннинг ҳаёт мазмуни ва жамиятда тутган муносиб ўрнини аниқлашга яқиндан ёрдам беради.

Меҳнат ахлоқи ва маънавий қадриятлар ўзаро диалектик боғланиб, фаолиятнинг мустақил харакатида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Одатда, меҳнат ахлоқи ва қадриятларга хос объектив шаклланган адолат меъёрларининг қўпол равишда бузулишига сабаб бўлади. Бошқарувда ҳукуқий ва меъёрий

воситалардан максимал даражада фойдаланишга интилиш шундай ҳолатни юзага келтиради. Афсуски, бу чора-тадбирлар дастлаб жамоада маънавий муҳитнинг ижобий соғломлашшига бирмунча таъсир кўрсатса-да, масалага объектив ёндашиш кўпинча меҳнат кадриятларининг кадрсизланишига, айрим ютуқларни кўр-кўрона инкор этилишига ва меҳнатга муносабатда салбий тенденцияларнинг ривожланишига олиб келади. Таасуфки, раҳбарлар ўртасида янгилашиш жараёнидаги ноўрин рақобат ва самарасиз кураш жамоага катта моддий ва маънавий зарар етказди.

Янги раҳбарнинг ўз фаолиятини ташкил қилишда меҳнат ахлоқи қоидаларига шахсий принципларни мажбуран тикиштирилиши, бошланишни охири яхшилик билан тугамаслиги олдиндан билдириб туради. Унутмаслик керакки, меҳнат кадриятлари адолатсиз топталган инсон ёки кичик бир гуруҳ ўз-ўзидан маънавий - руҳий тушкунликка тушиб, фаол меҳнатдан тўхтайтиди ва жамият учун зарарли мафкуравий кучга айланади. Бундай нохуш ҳолатларни олдини олиш учун кўпроқ қонун кучининг кўр -кўрона меҳнат ахлоқи ва одобига қарши қўйилишига барҳам бериш зарур.

Инсон танасида пайдо бўлган у ёки бу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ва даволаш йўллари, аввало, унинг ўзидан қидирилади. Бунда врачларга замонавий тиббий технологиялар яқиндан ёрдам беради. Худди шунингдек, меҳнатни ташкил қилиш ва бошқариш билан боғлиқ барча жиддий муаммоларни ҳам асл сабабларини ҳам меҳнат ахлоқи ва маънавий кадриятлар билан бошқарув усули ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг бузулишига сабаб бўлаётган омиллардан қидиришимиз керак. Биз инсон фаолиятининг маънавий кадриятига айланишда муҳим омил бўлган меҳнат ахлоқи меъёрларнинг қурбони бўлишга чек қўйишимиз зарурдир.

Фикримизча, меҳнат жамоасида жамоатчилик асосида табиий равишда шаклланувчи меҳнат ахлоқи ва кадриятларни ҳимояланиши ўзининг бурчи деб билувчи кишиларни фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу гуруҳнинг фаолияти меҳнат менталитетига мослиги ва иш юртитиш усуллари халқчиллиги билан ҳозирда мавжуд барча тузумлардан принципиал фарқ қилади. Шу маънода демократик принципларга таяниб ўзининг бошқарувчи ушбу гуруҳ фаолияти жойларда фаолият кўрсатаётган маънавият ва маърифат жамоатчилик марказлари фаолияти билан уйғунлашса, айтиш мумкин бўлар эди. Бу тизим меҳнат жамоасида асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланиши учун мустақил фаолият кўрсатиш, жамоага хос анъаналарни узлуксиз ривожланиб бориши зарур. Мазкур тизим маънавият ва маърифат муассасалари учун моддий асосга эга ҳаракат механизми бўлиб бунёдкорлик йўлида белгиланаётган ҳар қандай улғувор ғояларга ҳаётий куч қувват бағишлайди, тарғибот ва ташвиқотдаги мавҳумликка барҳам беради ва энг муҳими, инсон фаолияти самарадорлигини оширади ҳамда жамиятда қарор топаётган ўзини-ўзи бошқаришнинг халқчил принципларини янада мустаҳкам қарор топишига яқиндан ёрдам беради.

Бу тизимнинг корхоналар амалий фаолиятидаги афзаллиги ана шундаки, замон талаби билан қонунлар ўзгараверади, жамоанинг раҳбарлари керак

бўлганда алмашаверади, лекин инсон меҳнатининг кадр-қиммати меҳнат ахлоқи ва одоби асосида ўз ўрнида муносиб баҳоланаверади. Унга ҳеч қайси бир раҳбар ёки тухматчи ўзининг гаразли мақсадлари йўлида, вақтинча бўлса ҳам зиён-захмат етказа олмайди. Инсон табиати шундаки, у бир маротаба ноҳақ жабр тортгани бас, меҳнатдан кўнгли совий бошлайди, бунёдкор орзу ниятлар ўрнини зарарли ўй-хаёллар эгаллаб олиб, уни фаол ҳаракатдан чалғитади. Жамоада битта ходимнинг меҳнат қадрияти бузилишининг ўз вақтида олди олиниши жамият фаровонлиги томон катта бир қадам қўйилиши билан тенгдир.

Олиб борган илмий изланишларимиз натижалари асосида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи меҳнат ахлоқи ва қадриятлари меъёрларини ҳимоялаш тизимининг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни тавсия этишимиз мумкин:

- меҳнат жамоасида соғлом ва ишчан муҳитни шакллантириш;
- ҳар бир ходимнинг меҳнат фаолиятининг самарали ташкил бўлишига қулай шарт шaroит яратиш, меҳнат қадриятларини муносиб баҳолаш;
- ташаббускор, илғор фикрларни қўллаб -қувватлаш ва ҳимоялаш;
- раҳбарлик фаолиятини этикасига амал қилишини назорат қилиш;
- жамоада кадрларни танлаш ва жой жойига қўйишда маслаҳат бериш;
- жамоада юзага келиши мумкин бўлган ўзаро низоли ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этишга кўмаклашиш,
- жамоада меҳнат шароитининг яхшилаш борасида таклифлар ишлаб чиқиш.

Меҳнат менталитети янгиланишига асос бўладиган бу вазифа ва функцияларнинг характеридан кўриниб турибдики, корхоналарда бундай тизимни ташкил этиш, уни шакллантириш, аъзоларнинг таркибини аниқлаш каби муҳим масалалар жамоанинг умумий мажлисида очик овоз бериш йўли билан ҳал этилиб, унга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи фақат жамоанинг умумий йиғилишига берилиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Юртбошимизнинг жамият бошқарувида раҳбарларнинг келиб-кетишига боғлиқ; бўлмайдиган самарали тизим яратиш ҳақида зарурлиги, бу борада илғор мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганиш билан бир қаторда, миллий анъаналарга мурожаат қилиш лозимлиги ҳақида кўп ва хўп айтаётганлиги асло бежиз эмас. Фикримизча, меҳнат менталитетига хос хусусиятлар асосида фаолият кўрсатадиган мазкур тизимлар фаолияти бу борада дастлабки қадамлардан бири бўлишига шубҳа йўқ. Аммо меҳнат менталитетига хос бошқарув механизми тузишдан кўзланган мақсад раҳбарларнинг фаолиятига сунъий тўсиқлар қўйишга интилишдан иборат, яъни «ташаббус»лар бўлиб қолмаслиги керак. Бундай эзгу-ният бошқарув тизимида ҳаракатчан ишчи механизминини шакллантиришдир. Бу механизм ёрдамида жамоага ёлланган янги раҳбарлар ўзи ва қўл остидаги ходимларнинг фаолиятидан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Чунки инсон омили меҳнатни ташкил этишдаги энг мураккаб, нозик ҳамда раҳбарлар учун муаммолар туғдирувчи вазифа бўлиб, ҳеч қачон ўз-ўзидан осонликча ҳал бўлмайди, жамоа аъзоларига, аксарият ҳолларда фаоллар таркибини тузишда

субъектив тўсиқлар катта қийинчиликлар туғдиради. Агар меҳнат ахлоқи ва кадриятлари доимий имий равишда ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи бу ишчи механизм мунтазам ҳаракатда бўлса, янгилиниш жараёни узлуксиз ривожланишга имкон беради. Бундай ҳаракатчан тизим фаолиятини ташкил этиш мураккаб масала бўлиб, алоҳида эътибор ва ташаббускорлик кўрсатишни талаб қилади. Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инсон ва меҳнат ўртасидаги муносабатларда менталитет хусусиятлари чуқур илдиз отган. Бу хусусиятлар унинг фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришда етакчи омиллардан бири ҳисобланади. Меҳнат ахлоқи ва кадриятларини чуқур илмий, амалий ўрганиш ва улардан корхоналар бошқарувида самарали фойдаланиш қонун устуворлигини таъминлашда катта ёрдам беради. Ходимлар бошқарувини эса, замон талаблари асосида ташкил этишга кўмаклашади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бессонов Г.Г. Основы управления персоналом. Москва. РАПС, 2000 год.
2. Герчикова И.Н. Менеджмент, Москва, 1999 год.
3. Кабушкин Н.И. Основы менеджмента, Минск., 2001 год.
4. Медведев В.П. Менеджмент: Основные функции менеджеров, Москва, Дело, 2003 год.
5. Мескон М.Х, Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. Москва-2000 год.
6. Пугачев В.П. Руководство персоналом организации. Учебник. Москва, 1999 год.

МЕСТО ТРУДОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И СОЦИАЛЬНО-ТРУДОВЫХ ОТНОШЕНИЙ В УЧЕНИЯХ МЫСЛИТЕЛЕЙ ВОСТОКА.

Бойкузиева Раъно Каримовна

Соискатель Ферганского политехнического института.

В изучении отдельного направления науки – трудовых отношений – велика роль мыслителей Востока. В их трудах важное место отводится вопросам укрепления натурального хозяйства, защите имущественных интересов частных рабовладельческих хозяйств и регламентации товарно-денежных отношений.

Особое место в формировании экономических идей занимает Древнекитайская экономическая мысль. Древнекитайский «Гуан-Цзи», объединивший 564 трактата, является одним из первых источников по экономическим вопросам. В нем появилась идея уравнивания рыночной стихии. Правитель должен был удерживать товар, который у населения был в избытке, и выпускать в обращение товар, в котором ощущался недостаток.

Учение о естественном праве одних из первых создал великий мыслитель Китая Конфуций (551-478 до н.э.). Его учение базировалось на философской и

социально-экономической концепции. Конфуций искал пути достижения социального равенства при сохранении рабовладельческих порядков.

Наиболее ценным памятником древнеиндийской экономической мысли является «Арткамастра». Этим термином назывались сочинения по проблемам управления государством.

Великий шёлковый путь, связывавший Восточную Азию со Средиземноморьем в древности и в средние века, сыграл огромную роль в развитии экономических связей народов Кавказа, Центральной Азии и Китая. Так, Чач (нынешний Ташкент) в раннем Средневековье стал крупнейшим рудно-металлургическим регионом, где добывались цветные металлы, железная руда, самоцветы. В другие регионы Чач поставлял шерстяные ткани, коже, луки и стрелы, меха и шкуры, хлопок, коконы шелкопряда и другие изделия.

Большое влияние фактору труда в своих трудах уделял философ Абу Наср аль-Фараби (873-950). В его самом знаменитом труде – «Трактате о взглядах жителей добродетельного города» отмечалось, что управление обществом, государством должен осуществлять правитель-филосов. В этом случае государство становится «добродетельным государством», население которого живет по законам справедливости, что делает людей счастливыми.

Отдельное место среди социально-этических взглядов аль-Фараби занимают вопросы воспитания совершенной личности. Очень важно, по его мнению, формирование всесторонне развитой личности, обладающей разумом, мудростью, остротой ума.

Учёный считал, что человеку даны две возможности для воплощения своих способностей: одна получена от природы, другая – вследствие воспитания и обучения.

Одним из крупнейших средневековых учёных IX в. математик, астроном, географ и историк Абу Абдаллах Мухаммад Муса аль-Хоразмий (783-850) представил алгебру как самостоятельную науку об общих методах решения линейных и квадратных уравнений, дал их квалификацию. На основе его трудов создавались учебники по математике, оказавшие своё влияние на развитие средневековой научной мысли в странах Востока и Запада.

Аль-Хоразмий принадлежат важные заслуги в развитии практической астрономии. Он написал трактат об устройстве и применении астролябии – основного инструмента в средние века для наблюдения за звёздным небом. Аль-Хоразмий впервые описал обитаемую часть Земли, составил карту с 2402 населёнными пунктами. Его труды сыграли великую роль в развитии науки.

Понятие «фактор труда», «человек» нередко встречаются в трудах великого учёного-энциклопедиста Абу-Райхона аль-Беруний (973-1048). Научное наследие учёного составляют более 150 трудов по математике, астрономии, географии, этнографии, философии. В его труде «Собрание сведений для познания драгоценностей» определяет удельный вес многих минералов и дал подробные сведения на десятки минералов, руд, металлов. Он же подготовил книгу «Фармокогнозия в медицине» о медикаментах имеющую и сейчас важное значение.

В своих произведениях аль-Беруни отмечал, что обучение должно быть последовательным и проводиться целенаправленно по определённой системе. Он подчёркивал, что только истинный труд формирует высокие человеческие качества.

Другой великий учёный – Абу Али ибн Сина (Авиценна)(980-1037) является автором трактатов по различным отраслям науки. В числе крупных его произведений «Книга знаний», «Книга указания и пробуждения», «Книга справедливости» в 20 томах. В большинстве научных трудов Авиценна решаются педагогические проблемы. Большое значение он придавал трудовому воспитанию детей.

А суфийский поэт и мыслитель Ходжа Ахмед Яссавий определил русло развития народной струи в новоисламской цивилизации тюрков. Согласно его учению, человек считается самым лучшим из творений, т.к. на свете нет существа, подобного ему. Он наделён разумом и сознанием.

Эти качества дают человеку не только права, но и возлагают на него ответственность не только за свою жизнь, но и за жизнь на планете. Основу человеческой личности всегда составляла духовность как внутренняя сила, способная дать развитие самым лучшим человеческим качествам.

Великие учёные Имам Бухари, Аль-Термизи, Накшбанд, Ходжа Ахмад Яссавий, Аль-Хоразми, Ибн-Сина, Амир Темур, Улугбек, Бобур и многие другие внесли весомый вклад в развитие национальной культуры, социально-экономическое развитие Средней Азии, воспитанию и обучению молодежи.

Узбекский поэт и мыслитель Алишер Навои сыграл значимую роль в развитии тюркоязычных национальных литератур. Он – автор философско-публицистических работ, языковедческих и исторических трактатов.

Будучи государственным деятелем – визирем, он организовал в Герате масштабное строительство. На берегу реки Инджил был построен общественный научно-просветительский комплекс, в который вошли библиотека, медресе, больница. Во многих произведениях Навои воспитывает созидательный труд и человека труда.

В это же время в Герате жил классик персидско-таджикской литературы Абдурахман Джамии, который в своих произведениях резко осуждал насилие, разоблачал нечестные источники дохода, богатства господствующего класса.

В 1468г. к власти пришёл Султан Хуссейн Бейкара, покровительствовавший Джамии. Визирем султана был Алишер Навои. В 1480-1487г.г Джамии завершает цикл поэм (дастанов) «Семь корон» («Созвездие Большой медведицы»). Большой интерес представляет «Книга мудрости Искандера», в которой Джамии излагает свои мечты о лучшем будущем.

В истории социально-экономической мысли большой интерес представляет творчество казахского поэта, мыслителя Абая Кунакбаева. Он глубоко изучает экономику кочевого хозяйства, в стихотворной форме раскрывал его недостатки, описывал характер кочевого аула. В своих экономических воззрениях Абай высоко ценил творческую инициативу в труде, поддерживал предприимчивость, осуждал безделье, воровство, уделял

пристальное внимание развитию ремёсел как зачатка промышленности. Просветитель-демократ знал о необходимости развития и её значении для разлагающегося кочевого общества, а также о роли рыночных отношений, обмен товарами на эквивалентной основе. Просветитель понимал, что богатство – не главное в жизни людей, поэтому призывал молодежь овладевать наукой и техникой.

Один из выдающихся просветителей узбекского народа в начале XXв. Является Исхакхан Тура Джунайдулло ходжа Ибрат. Его перу принадлежат «Словарь шести языков», «История Ферганы», «История культуры» и другие. В своих статьях он пишет об общности и различиях двух цивилизаций. Из них можно узнать об исторических причинах социально-экономического упадка, бедности, низкой оплаты труда, наблюдавшиеся в государствах Центральной Азии. Заслуживает внимания деятельность учёного в качестве типографа, основателя новой школы и новых методов книгопечатания. Он открыл в своём дворе типографию «Исхокия», которая проработала до 1960г. XX века. Здесь издавались научно-просветительские журналы и книги, брошюры в которых раскрывались социально-трудовые отношения, повышение эффективности и мотивации труда работников. Ходжа Ибрат в своих трудах «Воззвания народам Туркестана», «Перо» и цикла статей в «Газете Туркестанского края» писал о рабских условиях труда дехкан, бесправии ремесленников, продажности местных чиновников перед представителями власти. Это стало впоследствии причиной его ареста и расстрела в 1937 году.

Своё отношение к труду через свои стихи, описывающие труженика, определил Народный поэт Узбекистана, Герой РУз Абдулла Арипов. Он отмечал, что жизнь человека с философской точки зрения, проявляется через его целенаправленные действия, выражается через результаты его плодотворного труда на благо других.

Выдающийся наш современник поэт-лирик, социолог, экономист, Герой Узбекистана Эркин Вахидов (1936-2016г.г). Он работал Председателем Комитета по вопросам науки, образования, культуры и спорта Олий Мажлиса.

В стихотворении «Родная земля» он повествует о том, почему земля на которой работает дехканин, становится для нас священной. Эркин Вахидов превозносит рядового дехканина в сан святых при жизни из-за тяжёлого труда. В этом стихотворении поэт восхваляет труд.

В других стихах Вохидов также воспевал труд учителей, врачей, учёных, выдающихся спортсменов.

Произведения Вохидова – проявление высокого внимания к развитию национальной экономики и повышению благосостояния народа, достойному стимулированию труда.

В центре всех социально-экономических проблем Эркин Вахидов всегда ставил вопросы правильной организации труда и его оплаты.

Список использованной литературы:

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев Олий Мажлису. 22 декабря 2017 г.

2. Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах».

3. Абдурахманов К.Х. Экономика труда: Теория и практика, Москва 2019.

ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ САМАРАЛИ ЖОРИЙ ЭТИШДА РАХБАР ФАОЛЛИГИНИНГ ЎРНИ

**Ходжамуратова Гульбахор Юлдашевна¹,
Умурова Мохира Аскарбой кизи²**

¹Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, и.ф.н.,

²Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти

Бошқарув тизимида инновацион фаоллиятни жорий этишда раҳбарнинг бошқарув жараёнини назорат қилиши, қарорлар қабул қилиши, буйруқ ва кўрсатмалар, маслаҳатлар бериши илмий асосланганлиги таълим тизимида сифат самарасини таъминлаш белгилари ҳисобланади.

Компания фаолиятини бошқаришда, раҳбар фаолияти маъсулиятли жараён ҳисобланади, шунинг учун у етарли касбий тайёргарликка, кўникма ва малакаларга эга бўлиши, бошқарув тамойилларини билиш, етарли даражада тажрибага эга бўлиши талаб этилади. Раҳбарларнинг асосий функцияларидан бири – бу тўғри қарор қабул қилиш ҳисобланади, сабаби ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати, компания салоҳиятига, инновацион жараёнлар самарадорлигига, ходимлар билан ишлаш фаолиятига раҳбарнинг таъсирини белгилайди.

Бошқарув тизимида раҳбар – инсон ресурслари фаолиятини бошқаришни амалга оширишда етакчилик хусусияти ва инновацион ёндашувлари билан ўзгалардан ажралиб туриши лозим. Компанияда замонавий раҳбарнинг кадрларни тайёрлашдаги асосий бурчи, ўз вазифаларини бажаришда қатъий бўлиши лозимлиги ҳисобланади. Бунда, раҳбар ходимларнинг ўз малакаларини оширишлари, бошқарув сифатини таъминлашдаги асосий кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилади.

Раҳбар инновацияларни компания фаолиятида жорий этишни доимий равишда назорат қилиши, ҳар бир ходимнинг инновацион фаолиятига алоҳида аҳамият қаратиши лозим. Замонавий шароитларда унинг инновацион қобилиятини ривожлантиришда раҳбар фаоллигини кўрсатиши лозим.

Замонавий бошқарув тизимида инновацияларга қарши тўсиқлар ҳам бўлиши мумкин. Бунда, кўпчилик ходимларнинг ютуққа эришишга эмас, балки мағлубиятлардан қочишга интилиши, таваккалчилик ва қийинчиликлардан қўрқиши, ўз – ўзини ривожлантиришга қизиқишни етарли эмаслиги, кўпол муомала маданияти ва хусусан ўзаро алоқаларда ўзаро бир-бирини тушунмаслиги, ўзининг касбий вазифаларини тушунмаслик ва оқибат

натижада меҳнатдаги фаолликнинг тўлиқ бўлмаслиги ва бошқа омиллар пайдо бўлиши мумкин.

Раҳбар эса, барчага эталон сифатида кўрсатишга арзийдиган, келажакни олдиндан кўра олиш, одамларни ўз сўзига ишонтира олиш, халқни ўзининг ортидан эргаштира олиш каби хусусиятларга эга бўлиши керак. Бугунги кунда раҳбар нафақат аниқ бир касб-ҳунарнинг эгаси, аввало, ўзининг фаолияти ва инсонийлиги билан халқнинг ишончига муносиб бўлиши, юксак интеллектуал ва тафаккур соҳиби, узоқни кўра оладиган, доимо янгиликка интилиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшайдиган, қатъиятли шахс бўлиши лозим.

Раҳбар ўз фаолиятида тажриба ва ўқув амалиётини мавжуд инновацион йўналишлари ёрдамида амалга ошириши лозим. Инновацион жараёнлар назарий ва амалий фаолиятининг етакчилик ролини қўллаб-қувватлаб, илм-фан ва амалиётнинг ривожланиш интеграция учун асос бўлиб ҳисобланади. Шу билан бир вақтда, ижодкорлик, янги инновацион билимлар ижодий шахсини шакллантирилишида яққол намоён бўлади. Бугунги кунда раҳбар ўз фаолиятида инновацияларни назарий тизими асосини ташкил қилиши керак.

Компания бошқаруви жараёнида инновацион жараённинг ўзига хос жиҳати, ҳар бир янгиликнинг қуйидаги таркибдаги босқичларда ифодаланадиган даврийлик тавсифига эга эканлигидир: - яратилиши - тез ўсиши – юқори чўққига эришиш – ўзлаштириш – тўйиниш– симобланиш - инкироз – маррага етиш ҳисобланади.

Бошқарув тузилмаси тўртта ўзаро боғланган бошқарув фаолиятини назарда тутди: режалаштириш – ташкил этиш – бошқариш – назорат. Одатда, компания корхоналарида инновацион жараён корхонани ривожлантириш концепцияси кўринишида ёки уни ривожлантириш дастури кўринишида режалаштирилади, сўнгра корхона жамоаси томонидан мазкур дастурни амалга ошириш фаолияти ташкил этилади ва унинг бажарилиши натижалари назорат қилинади.

Бошқарув фаолиятининг тўртта унсурли мураккаб тузилмасига бирданига ўтиши қийин бўлган раҳбарлар учун, корхонада инновацион жараённинг ташкилий тузилмаси деб аталадиган, ҳажми жиҳатдан янада кенгроқ тузилмани таклиф этиш мумкин. У ўз ичига қуйидаги босқичларни олади: кўра билишлик – башорат қилиш – хусусан ташкиллаштириш – амалий – умумлаштириш – тадбиқ этиш. Қайд этилганлардан ташқари, ҳар қандай инновацион жараёнда янгиликларни яратиш ва улардан фойдаланиш (ўзлаштириш); ўзаро алоқадаги микроинновацион жараёнлардан таркиб топган, ривожлантиришнинг асосида ётадиган комплекс инновацион жараён каби тузилмаларни ҳам кўришимиз қийин эмас.

Анъанавий менежмент XX асрда вужудга келган бир қанча муаммоларга дуч келди:

1. Янги билимларни вужудга келтиришни бошқариш. Дастлаб илмий соҳа ташқи таъсирлар остида ривожланган бўлиб ишлаб чиқаришнинг талабига ва инсонларнинг ҳаёт фаолиятига жавоб берган. Илмий билимлар стихияли ҳолда

вужудга келган, бошқарилмаган, вақт ўтиши билан унинг самараси пасайган. Илмий соҳанинг сифатли ривожланиш босқичи даври XX асрнинг ярмида “Фан-фан ҳақида” деган вақтдан бошланади. Менежерлар тадқиқот ишларининг тўла ҳуқуқга эга бўлган иштирокчиларига айландилар, фан қисман истеъмолчиларга юз ўгирди. Фан тадқиқот жараёнларининг вужудга келишининг мантиқий давоми сифатида амал қила бошлайди.

Ҳозирги давр фан соҳасини кескин равишда истеъмолчига юз ўгиришини талаб этади. Янги билимларни вужудга келтиришни бошқаришни амалга оширишда истеъмолчилар мониторингини ўтказишни талаб этади.

2. Янги иқтисодий билимларни яратувчилар салоҳиятини бошқариш XXI аср тўплаган улкан билимлар ҳажми билан тавсифланади. Хаттоки тор мавзуларда қайта миқдорда (ҳар хил даражада, ҳар хил кўринишда) қарорлар қабул қилинади, ва татбиқ қилинади, кўплаб усуллар амал қилади. Катта миқдорда ахбортлар оқими айланади. Алоҳида мутахассис, ҳаттоки тор доирада мавжуд бўлган ахбортларни қамраб ололмайди, инсоният эса катта тезликда ахбортларни тўплашни давом эттиради. Бундан ташқари кўпгина амалий қарорлар, билимлар ва бошқа соҳадаги тажрибаларни қўллаш натижасида самара олинади.

Шу кунда янги билимларни кам эвристик харажатлар билан излаш ва катта эҳтимоллик билан мақсадга етишишнинг махсус методологияларини вужудга келтиришнинг зарурлигини англаб етиш қийин эмас. Янги билимларни яратувчи ижодий салоҳиятни бошқаришга бўлган талаб ошиб бормоқда.

3. Янгиликларни ўзлаштиришни бошқариш, техникада, иқтисодиётда ва умуман барча фаолиятлар соҳасида топилган янгиликларни амалиётга жорий этиш керак. Янгиликни жорий этиш доимо бизнинг мамлакатимизда долзарб ва ўткир муаммо бўлган. Бундай муаммо ижобий натижага эга бўлишнинг мавҳумлиги, яъни намоён этиш билан боғлиқ. Демак, янгиликни татбиқ этишни бошқаришни ривожлантириш учун мунтазам ва кенг кўламда иш юритиш зарур.

4. Янгиликларни киритишни ижтимоий ва психологик томонларини бошқариш. Янгиликларни киритишни тезлаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш эски ва янгилари ўртасида кучли зиддиятни келтириб чиқаради. “Эскисини янгиси билан алмаштиришнинг” психологик томони баъзида кучли ва ҳал этиб бўлмайдиган муаммога айланади, чунки ҳар қандай янгиликга ўз ўрнини бўшатиш давридаги кескин бурилиш ҳолати деб тушиниш керак. Ҳозирда илғор компаниялар инқирозларни олдини олиш стратегиясидан фойдаланадилар.

Хулоса қиладиган бўлсак, мазкур муаммоларни ҳал этишда бошқарувга нисбатан замонавий инновацион ёндашув, ҳамда инновацион жараёнларни бошқаришда инновацион фаолликни ошириш, билимларни бошқариш алоҳида аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бессонов Г.Г. Основы управления персоналом. Москва. РАПС, 2000 год.
2. Герчикова И.Н. Менеджмент, Москва, 1999 год.

3. Кабушкин Н.И. Основы менеджмента, Минск., 2001 год.

4. Медведев В.П. Менеджмент: Основные функции менеджеров, Москва, Дело, 2003 год.

BOSHQARUV QARORLARIGA KONCEPTUAL YONDOSHUVLAR

Yaxyaeva Inobat Karimovna

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti katta o'qituvchisi

Boshqaruv qarori, bir tomondan, o'ziga xos tomondan, barqaror tarkibiy tarkibning mavjudligi bilan tavsiflanadi. Tarkibiy yondashuv nuqtai nazaridan, iqtisodiy qaror sifatida boshqaruv qarori aniqlash, tasniflash, jarayon, qadamlar, usullar, sifat tavsiflari, axborot ta'minoti kabi tarkibiy qismlarni o'z ichiga oladi. Boshqaruv qarorining yuqoridagi tarkibiy qismlarini aniqlash muammolarining munozarali ekanligi sababli, ko'rib chiqilayotgan masalalar bo'yicha muallifning nazariy va asosli nuqtai nazarini taqdim etamiz.

Iqtisodiy adabiyotlarda "boshqaruv qarori" tushunchasining ko'plab ta'riflari mavjud. Ularning aksariyati ijobiy baholanishga loyiqdir. Shu bilan birga, hech bo'lmaganda munozarali narsalar ko'p. Mana, ulardan bir nechtasi.

O.N. Volkova, R.A. Fathutdinov boshqaruv qarorini tahliliy, optimallashtirish va boshqa harakatlarning natijasi sifatida aniq maqsadga erishish uchun mumkin bo'lgan ko'plardan maqbul alternativani tanlaydi[1]. Ushbu ta'rifda boshqaruv qarori uni qabul qilishga imkon beradigan matematik, mantiqiy va boshqa standart protseduralar natijasi sifatida tavsiflanadi Boshqarish mantiqiy ob'ekti baholaydigan ishlab chiqilgan tipik protseduralar va algoritmlarning mavjudligi ta'kidlangan.

Menejment nuqtai nazaridan, boshqaruv qarorining ta'rifi biroz boshqacha tomonga ega, chunki mualliflar uni aniqlashda qarorlarni qabul qilishning umumiy nazariyasining qoidalarini tashkiliy, psixologik jihatlarni o'z ichiga oladi. Boshqaruv qarori boshqaruv ishining mahsuli, muammoga tashkiliy reaksiya sifatida belgilanadi; Muammoni hal etishga qaratilgan harakatlarning bir nechta variantlaridan birini tanlash.

Bizning fikrimizcha, bunday tushuntirish boshqaruv qarori kabi tushunchani aniqlash uchun etarli emas, chunki menejment bilan bog'liq qaror ma'lumotlarga asoslanib, hisob-kitoblar bilan qo'llab-quvvatlanishi kerak. Boshqaruv qarorining ta'rifi qarorning to'g'riligini asoslash uchun tahlil protseduralari yoki boshqa protseduralar mavjudligi bilan to'ldirilishi kerak[2].

Karpov, "boshqaruv qarori" tushunchasida ikki hil talqin bor[3]. Bir tomondan, muallif uni boshqarish funksiyasi, ikkinchi tomondan, uni amalga oshirish jarayoni sifatida belgilaydi. Jarayon, o'z navbatida, rahbar tomonidan amalga oshiriladi, boshqa funktsiyalarning tarkibiy qismi hisoblanadi, shuning uchun u funktsiyaga qaraganda mazmun jihatidan kattaroqdir. Bundan tashqari, muallif boshqaruv qarorining muhim xususiyatlaridan biri bu maqsadga muvofiqligi, ya'ni. har qanday harakatlarni uning asosida amalga oshirish qobiliyati. Bizning fikrimizcha, ushbu

eslatma juda katta ahamiyatga ega, chunki qarorni amalga oshirish imkoniyati tufayli uning ahamiyati va amaliy zarurati namoyon bo'ladi. Qarorni amalga oshirish natijasida olingan foydali ta'sir uni shakllantirish xarajatlaridan oshib ketishi kerak.

A.V. Ignatiev, M.M. Maksimov boshqaruv qarorining ta'rifi uning tashkilotni boshqarish tizimidagi roli bilan bog'liq. Mualliflarning fikricha boshqaruv qarorlari oxirgi bosqichdagi boshqaruv jarayonining konsentratsiyalangan ifodasidir; bu tashkilotning maqsadlariga erishishga qaratilgan rasmiy vakolatlari doirasida rahbarga alternativani tanlashdir[4].

A.L. Lomakin boshqaruv qarorining ta'rifini shakllantirishdan oldin, avvalo qarorning ta'rifini beradi: "Yechim - bu ishlab chiqarish, iqtisodiy, ijtimoiy va boshqa vazifalarni amalga oshirish uchun konkret, o'zaro bog'liq va o'zaro bog'liq choralarning konstruktiv, muvozanatli to'plamidir" [5]. Ushbu ta'rifga asoslanib, muallif boshqaruv qarorlarini ishlab chiqish, qabul qilish va amalga oshirishning mantiqiyliги asosan tadbirkorlik muvaffaqiyatini belgilaydi degan xulosaga keladi. Boshqaruv qarori A.L. Lomakin mavjud ma'lumotlarga asoslangan va tanlangan (berilgan) mezonga muvofiq, aniq boshqaruv vaziyatini hal qilish uchun mumkin bo'lgan alternativlardan birini ongli tanlash jarayoni sifatida belgilaydi. Shuning uchun, muallifning fikriga ko'ra, boshqaruv qarori to'g'risida faqat bir vaqtning o'zida quyidagi to'rtta asosiy element mavjud bo'lganda gaplashish mumkin: boshqaruv holati, ma'lumot, alternativa, mezon.

L.I. Lukicheva, D.N. Egorychev, V.S. Yukaev "boshqaruv qarori" tushunchasining biroz boshqacha semantik talqinini beradi[6]. Ularning fikriga ko'ra, boshqaruv qarori, avvalambor, menejerning ijodkorlik harakati, uning ixtiyoriy ta'siri bo'lib, u boshqariladigan tizimning ishlash qonuniyatlarini har xil bilish, mavjud ma'lumotlarni tahlil qilish va aniq maqsadlarga erishishga qaratilgan. Ushbu ta'rif menejerlik qarorlarini qabul qilish uchun menejment predmetining ba'zi ijodkorligiga qaratilgan. Mualliflarning fikriga ko'ra, tashkilotning ishlash mexanizmi va uning tahlil qilish qobiliyati to'g'risidagi nazorat predmetini bilish faqat yakuniy natijaga ijodiy yondashish uchun asos bo'ladi, ya'ni. qarorga. Bundan tashqari, boshqaruv qarorini shakllantirish jarayonida nafaqat matematik hisob-kitoblar, shakllangan modellar, balki menejment predmetining ijodiy fazilatlarini, shaxsiy tajribasi ham muhimdir. Boshqaruv qarorining mohiyati jihatidan berilgan ta'rif eng to'liq hisoblanadi, chunki yakuniy qarorni qabul qilish uchun ko'plab protseduralarni bajarish kerak: kerakli, ishonchli va to'g'ri guruhlangan ma'lumotlarni to'plash, tahlil qilish, optimallashtirish usullari asosida maqbul echimlarni topish va hk. Bizning fikrimizcha, boshqaruv qarorini aniqlashning muhim tarkibiy qismi bu axborot ta'minoti. Boshqaruv qarorlari tahliliy hisob-kitoblarga asoslanishi kerak [7]. Shubhasiz, modelni qurishda optimallashtirish usullaridagi cheklovlar tizimi ko'p jihatdan natijani amaliy tomondan haqiqiyga yaqinlashtirishi mumkin.

Bu erda hal qiluvchi omil tashqi va ichki muhit omillarining ta'siri. Shuningdek, boshqaruv qarorlarini qonuniy ro'yxatdan o'tkazish bilan aniqlash mumkin, ya'ni bu qonunchilik, bu huquqiy maydon. Bundan tashqari, qaror qabul qiladigan mavzu bo'yicha, ya'ni qarorni kim, qaysi darajada. O'ziga xoslik darajasi bo'yicha - echimlar noyob bo'lishi yoki bo'lmasligi mumkin. Ishlab chiqish usuliga ko'ra, echimlarni

texnologiya, standart, ilgari ishlatilgan texnikadan foydalangan holda tasniflash mumkin. Noaniqlik darajasiga ko'ra, qarorlar aniq yoki noaniq bo'lishi mumkin yoki xavf omiliga bog'liq bo'lishi mumkin. Yaxshi va oxirgi, tartibga solish darajasiga ko'ra. Ushbu tasnifdagi qaror tartibga solinadi yoki yo'q.

Boshqaruv qarorlarining asosiy xususiyatlari quyidagilardan iborat:

1. rejalashtirish qarorlari bilan bog'liq omillar va shartlarning yig'indisini hisobga olish zarurati sifatida asosliligi;

2. vujudga kelgan qarama-qarshilikni yo'q qilish zarurati sifatida o'z vaqtida bo'lish. Qarorning o'z vaqtida qabul qilinishi qaror qabul qilingan bosqich bilan belgilanadi;

3. Samaradorlik, ya'ni qarorlarni qabul qilish kompaniya tomonidan qo'yilgan maqsadga erishishni to'liq ta'minlashi kerak;

4. maqsadga muvofiqligi, ya'ni qaror bajarilishi kerak, mavhum qarorlar qabul qilish mumkin emas. Qabul qilingan qaror uni bajaradigan jamoaning kuchlari va vositalariga mos kelishi kerak.

Boshqaruv qarorlarini qabul qilish jarayoni bir turdagi yopiq elektronga o'xshaydi. Hammasi boshqaruv vazifasini bayon qilishdan boshlanadi. Bu sodir bo'lganda, biz alternatalarni qidiramiz - o'z vazifalarimizni qanday amalga oshirishimiz mumkin, buning uchun nima qilishimiz kerak. Agar bizda muammolar va nomuvofiqliklar bo'lsa, unda biz tashkilotning asosiy maqsadlarini ko'rib chiqishimiz kerak. Muqobillarni qidirgandan so'ng, biz ma'lum ko'rsatkichlarni taqqoslaymiz va baholaymiz. Ushbu bosqichdan o'tganimizdan so'ng, biz tanlov bosqichiga o'tamiz. O'zingizdan keyin tanlov qilish, echimni amalga oshirishni o'z ichiga oladi. Agar echim samarasiz bo'lib chiqsa, biz alternatalarni qidirishga qaytamiz. Agar u samarali bo'lsa, unda biz yangi maqsad va vazifalarni belgilashda o'z izini qoldiradigan texnik xizmat ko'rsatish va boshqarish kabi bosqichni o'tkazmoqdamiz.

Shunday qilib, "boshqaruv qarori" kontseptsiyasining ko'rib chiqilgan ta'riflariga asoslanib, "boshqaruv qarori" tushunchasini universal talqin qilishning iloji yo'q, degan xulosaga kelish mumkin, chunki uning tadqiqot yo'nalishi ko'p qirrali. Ko'pchilik mualliflarning fikriga ko'ra, boshqaruv qarori - bu boshqaruv holatini o'rganish asosida amalga oshirilgan tahlil natijasi, maqsadga erishishga yo'naltirilgan xatti-harakatlarning muayyan varianti uchun mavjud bo'lgan alternatalar yig'indisidan boshqaruv sub'ekti tomonidan tanlangan natija. Bundan tashqari, boshqaruv qarorining mazmuni boshqaruv ta'sirining maqsadi bilan belgilanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Волкова О.Н. Управленческий учет: учебник. М.: Велби: Проспект, 2007. 472с.

2. Кальницкая И.В. Управленческие решения и их роль в управлении предприятием // Управленческий учет. 2009. № 10. С. 12-17.

3. Карпов А.В. Психология менеджмента: учебное пособие. М.: Гардарики, 2006. 584 с.

4. Игнатъева А.В. Исследование систем управления: учеб. пособие / А.В. Игнатъева, М.М. Максимцов. 2-е изд., перераб. и доп. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. 167 с.
5. Ломакин А.Л. Управленческие решения: учеб. пособие. М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. 192 с.
6. Yukaeva V.S. Managerial solutions: studies allowance. 3rd ed. M.: Dashkov and K, 2007. 324 p. № 11 (27) - 2013
7. Кальницкая И.В. Информационное наполнение анализа эффективности деятельности организации / И.В. Кальницкая, А.А. Жакупов // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2013. № 8 (55). С. 101-104.

ШИФОКОРНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

Умурзакова Шахноза Рахматовна

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
II-босқич магистранти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатнинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболлини стратегик режалаштириш тизимида сифат жиҳатдан янги ёндошувларни бошлаб берди. Шу жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг бешта устивор йўналиши белгиланди.

Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолишдаги вазифалар белгилаб олинди. Шулардан бири суғурта ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини, сифатини ошириш, уларнинг янги турларини жорий қилиш ҳамда молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришда фонд бозорини ривожлантириш[8].

Бугунги жадал ривожланишлар даврида янгидан янги соҳалар ва касблар пайдо бўлмоқда. Бу ўз навбатида касбий жавобгарликни такомиллаштириш билан бир қаторда соҳага оид қонун-ҳужжатларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Тажрибали мутахассис ўз касбининг устаси ҳам баъзида хатоликларга йўл кўядилар. Айниқса тиббиётда бундай хатоликлар инсон соғлиги ва ҳаттоки ҳаётига зарар келтириши, шифокорнинг келгусидаги фаолияти ҳамда обрўсига таъсир этиши мумкин. Жаҳон амалиётида бундай оқибатларнинг олдини олишда ишончли инструмент сифатида касбий жавобгарлик суғуртаси эътироф этилади.

Шифокорнинг касбий жавобгарлик суғуртаси беморга компенсация олиш ҳуқуқини, шифокорга эса таваккал қилиш яъни беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун, муҳим бўлган муолажани ўтказиш имконини беради.

Ривожланган мамлакатларнинг аксариятида тиббиёт ходимларининг касбий жавобгарлиги суғурта қилиш мажбурияти қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлиб узоқ йиллардан буён кенг қўлланилади.

Жаҳон амалиётида терапевтлар, хирурглар, стоматологлар ва бошқа тиббиёт ходимларининг жавобгарлик суғуртаси кенг тарқалган.

АҚШда тиббиёт ходимларининг касбий жавобгарлигини суғурта қилишнинг икки тури фарқланади. Уларнинг биринчисида суғурта компанияси соғлиққа зарар етказилганлиги ҳақидаги шикоятларнинг барчаси бўйича компенсацияларни шикоят тақдим этилган вақтдан қатъий назар мазкур полис амалда бўлган йил давомида тўлаш мажбуриятини олади.

Иккинчи турдаги полислар фақат ўша йили етказилган зарарга тегишли бўлган шикоятлар бўйича компенсациялар тўланишини таъминлайди[2].

Шифокорларнинг касбий суғуртаси европа давлатларида тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ суд жараёнларини камайтириш имконини берди.

Қонунчиликда тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари аудиторлик хизмати, туристик хизмат кўрсатишга ўхшаш хизматларга қўшиб юборилган. Тиббий хизмат – бошқа фақат мулкӣ хусусиятга эга бўлган хизматлардан – ўзининг моддийликдан устин туривчи инсон ҳаёти ва соғлиғига боғлиқ эканлиги билан яққол ажралиб туради.

Бу ўзига хос хусусият тиббий хизмат кўрсатишда алоҳида ҳуқуқӣ меъёрлар ишлаб чиқишни талаб қилади. Мутахассислар фикрига кўра муаммонинг ечими тиббиёт ходимлари жавобгарлиги суғуртасидир.

Шифокорларнинг касбий жавобгарлиги суғуртаси бўйича қонун-ҳужжатлари суғурта компаниялари, шифокорлар ва уларнинг хизматидан фойдаланувчилар учун бир хил мажбурий юридик кучга эга бўлиши ва унда барча томонларнинг қизиқишлари инobatга олиниши зарур.

Буларга:

суғурта субъекти (ким суғурталанади, кимнинг қалтисликлари)

суғурта объекти (нима суғурталанади, қандай қалтисликлардан: фақатгина мулкӣ зарарми ёки даромаднинг йўқотилиши ҳам қопланадими, маънавий зарарчи)

суғурта ходисасига нималар киради

суғурта ходисасига нималар кирмайди

- суғурта мукофоти қандай аниқланади ва у нималарга боғлиқ бўлади

суғурта қайси давр оралиғида амал қилади: суғурта шартномаси муддати доирасидами ёки суғурта шартномаси муддати тугаганда ҳам маълум вақт давомидами (негаки, бази холатларда тиббий муолажанинг таъсири маълум вақт ўтгандан кейин оқибатларни келтириб чиқариши мумкин)

суғурта ходисаси содир этилганлик холати ким томонидан аниқланади, унга эътироз билдириш, рад этиш қай тарзда амалга оширилиши қайд этилиши лозим.

Бундан ташқари «Шифокор хатоси», «шифокор бепарволиги» ва «шифокор эҳтиётсизлиги» каби бир биридан фарқли бўлган жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳолатларга қонунчиликда аниқ тарифларни киритиш зарур.

Юқорида келтирилган ҳолатлар Ўзбекистон “Тиббий фаолият ва тиббиёт ходимларининг касбий жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида ҳам аниқ кўрсатилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Агаев Ш.Р. Страхование (теория, практика и зарубежный опыт).- М.: Экспертное бюро, 2009й.-197 б.
2. Агеев Ш.Р., Васильев Н.М., Катыйрин С.Н. (2017) Страхование (теория, практика и зарубежный опыт).- М.: Экспертное бюро,- 197с.
3. Зарипова Р.Р. (2007) Страхование ответственности. - Казань: «Альфа».
4. Мирсадиқов М.А., Аллаяров Ф.А. (2017) учебно-методический комплекс по предмету Современные страховые технологии
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2.08.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020й.
7. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси (2014), Т.: Адолат
8. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси
9. www.lex.uz сайти.

**4-СЕКЦИЯ. ИЖТИМОЙ СЕКТОРНИ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ
АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.**

**4-СЕКЦИЯ. ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНОГО СЕКТОРА
НА ОСНОВЕ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ.**

**4-SECTION. PROBLEMS OF DEVELOPMENT OF THE SOCIAL
SECTOR BASED ON THE DIGITAL ECONOMY.**

**ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎРНИ**

Аъзамов Сулаймон Маматисакович

Андижон машинасозлик институти доценти, и.ф.н.

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб қувватлашга Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан аҳолининг кам таъминланган, қашшоқ қатламини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб шарт шaroит яратиш, муҳтож оилаларни муносиб уй жойлар билан таъминлаш, қашшоқликдан қутулишлари учун ўша ҳудуд мутасаддиларига ҳокимларига бир қатор топшириқ ва масалаларни ҳал этиш бўйича вазифалар юклатилмоқда[1].

Ҳозирги кунда ижтимоий ҳимоянинг қуйидаги асосий йўналишлари мавжуд. Булар, эркин ижтимоий иқтисодий фаолият кўрсатишни таъминлаш; иш билан бандлик, касб танлаш, ўқиш ва билим олиш; даромадларнинг кафолатланиши; ҳар бир фуқаронинг ўз иқтисодий фаолиятида даромадга эга бўлиши; истеъмолчилар ҳимояси, истеъмолчилар жамиятлари; товарлар ва хизматлар сифати, истеъмол кафолатини таъминлаш; аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш; ижтимоий таъминот тизими ва аҳолининг муҳтож, кам таъминланган қисмларига пенсиялар, нафақалар, турли хил имтиёзлар беришдир.

Ижтимоий ҳимоя-кенг маънода мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи. Тор маънода эса давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий аҳоли, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрлиги. Унинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигининг тўхтовсиз яхшиланишини таъминлаш, аҳоли қатламларининг таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларига барҳам бериш, жамият томонидан инсонга муносиб ҳаёт даражасини ва инсон тараққиётини таъминлашга ёрдам беришдан иборат.

Ривожланган демократик жамиятда ижтимоий ҳимоя вазифаларини бажаришни давлат ўз зиммасига олади. “Ижтимоий ҳимоя” тушунчаси илк бора 1935 йилда АҚШнинг “Ижтимоий хавфсизлик бўйича қонун”ида қўлланилган, кейинчалик Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларида бу тушунча мазмуни мукаммаллаштирилган. АҚШ, Канада, Швейцария каби мамлакатларда

ижтимоий ҳимоянинг кўпгина муаммолари ҳал этилган, лекин ечимини топмаган муаммолари ҳам жуда кўп. Шунга қарамай, бу мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш аҳамиятлидир. Турли мамлакатларда аҳолини ижтимоий ҳимоя тизими мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси, демократик тараққиёт ва унинг аҳоли манфаатига мувофиқлиги, ижтимоий сиёсат даражаси, ижтимоий таъминот тизими каби омилларга боғлиқ ҳолда амал қилади.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизими 20-асрнинг 20-йилларидан бошлаб шакллана бошлади. Мустақиллик йилларига келиб, бозор иқтисодиётига ўтиш асосида амалдаги ислохотларга мос равишда янгидан шаклланди. Айниқса, миллийлик, ўзликни англаш, эътиқод ва анъаналарнинг тикланиши ижтимоий ҳимоя тизимига муҳим янгилик бўлиб қўшилди [2].

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий ислохотлар дастуридаги узлуксиз устувор йўналишлардан бирига, яъни ислохотларнинг ҳамма босқичларида устувор ҳисобланадиган вазифалар қаторига киради. Мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо қилишда давлат томонидан кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати олиб борилмоқда. Кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи тамойилларидан бири ҳисобланади.

Республикада ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий муҳити яратилди, унга қонуний асос солинди. Ижтимоий ҳимоя тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қафолатланиб, қабул қилинган қонунларда ўз аксини топди. Мамлакатда даромад олишнинг қафолатланиши амалга оширилди. Кенг миқёсда янги иш жойлари яратилиши аҳолини иш билан таъминлаш ишсизлик муаммосини ҳал қилмоқда (мамлакатда ишсизликнинг статистик кўрсаткичи 2018 йилда 9,3%) [3]. Бунда, айниқса, тадбиркорликнинг барча турларини ривожлантириш, касаначиликка кенг имкониятлар, ҳар бир оила тадбиркор дастури асосида берилаётган имтиёзли кредитлар доирасида ишлар амалга оширилмоқда. Товарлар сифати, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилаётган тадбир-чоралар истеъмолчилар ҳимоясини шакллантириб, аҳоли манфаатларини таъминламоқда. Инфляциянинг олдини олиш, сўмнинг харид кучини сақлаш, бизнес-тижорат устидан давлатнинг маромий назоратини ўрнатиш, маркетинг, савдо, реклама қабиларни тартиблаштириш ижтимоий ҳимояни ривожлантирмоқда. Экология билан боғлиқ бир қанча катта ҳимоялаш ишлари амалга оширилиб, сув, ҳаво, ер ва маҳсулот тозалигига эришилмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан 2018 йил куз-қиш мавсумида Орол денгизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда “яшил қопламалар” – ҳимоя ўрмонзорлари барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарори қабул қилинди [4]. Қарорда таъкидланишича, денгиз қуриши ва шўрланишнинг тезлашуви оқибатида сўнгги йилларда 50 минг гектарга яқин экин майдони қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолди. Қуриган денгиз ўрнида 5,5 миллион гектардан ортиқ майдонни эгаллаган “Оролқум” саҳроси пайдо бўлди. Ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш учун 2019 йил мобайнида босқичма-босқич

100 млрд сўм ажратилди. Бундан ташқари, Орол денгизининг суви қуриган ҳудудида 2019 йил давомида жами 500 минг гектар майдонда ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилди.

Ижтимоий соҳага йуналтирилган ҳаражатлар Давлат бюджетининг асосий қисмини ташкил этади. Бу, энг аввало, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий қўллаб қувватлашга сарфланадиган ҳаражатлардир. 2018 йилда Давлат бюджети ҳаражатларининг ярмидан кўпроғи (53%) ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилди. 2019 йилда эса бу кўрсаткич 53.8%ни ташкил қилган [5]. Инфляцияга қарши чоралар ҳам ижтимоий ҳимояда муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда унинг ўрнини тўла қоплаш мумкин бўлмаса ҳам зарар кучини пасайтириш мақсадида иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдори оширилмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш ва ижтимоий-иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш даврида аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини, айниқса, унинг ночор гуруҳларини аниқ манзилли ва мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими барпо этилди. Бу тизимда маҳалла марказий ўринда туради. Кам таъминланган оилаларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 44-сонли “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” [6] ги низомни тасдиқлаш ҳақида қарори қабул қилинди. Ушбу Низом фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Юқоридагилардан ташқари Ўзбекистонда норасимий ижтимоий ёрдам турлари ҳам мавжуд:

- уларга қариндошларнинг ўзаро ёрдами;
- миллий ва диний урф-одатлар асосида қилинадиган ёрдам;
- корхона ва ташкилотларнинг пенсионерларга ёрдам;
- кам таъминланган кўп болали оилаларга ёрдам;
- бева-бечораларга ёрдам пули бериши ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатнома. <https://prezident.uz/uz/lists/view/3324>
2. Содиқова Ш. Ўзгаришлар социологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент-2019.
3. <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6555-mehnat-bozori>
4. “Ҳуқуқий ахборот” канали хабарлари.
5. <https://openbudget.uz/> маълумоти
6. 2013 йил 15 февраль куни Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 44-сонли “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” ги низом

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОЙ СЕКТОРИНИ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Асқаров Нодирбек Ибрагимович¹
Додобоев Юсубжон Таджибоевич²

¹Андижон давлат университети магистратура декани, и.ф.д., профессор,
²иқтисод фанлар доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил Олий Мажлисга мурожаатномада қуйидагилар белгиланди. “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради. Нуфузли халқаро ташкилотлар ўтказган таҳлиллар ҳам буни тасдиқламоқда.

Шунинг учун Ҳукуматга икки ой муддатда рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш топширилади. Бу борада ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур”. Институционализм - миқдорий таҳлил ёрдамида расмий нормалар ва қоидалар, компания тартиблари, стандартлари, дастурлари, рақамли иқтисодиётнинг янги институтлари, уларнинг давлат шароитида бажарилишини ривожлантирадиган миқдорий таҳлилдан фойдаланган фан соҳасидир.

Агентликлар ўртасидаги қоидалар ва нормаларнинг институционал муҳитга мослашувчанлигига боғлиқ иқтисодий муносабатлар кўриб чиқилади.

Умуман олганда, ижтимоий жараёнларни моделлаштириш натижалари қуйидагиларга боғлиқ: симуляция қилинган объект тўғрисида маълумот; тадқиқот мавзуси бўйича билим ва кўникмалар; инструментал маълумот.

"Электрон ҳукумат" тизими инфратузилмаси лозим даражада ривожланмаяпти, бу давлат хизматларини кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллашга ўз таъсирини кўрсатмоқда. "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этишда таъсирчан мувофиқлаштирув ва ягона технологик ёндашувнинг мавжуд эмаслиги ресурсларнинг ноқиллона фойдаланилишига олиб келмоқда ҳамда тадбирларнинг самарадорлигини пасайтирмоқда.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, "Электрон ҳукумат" тизимининг жорий этилишини таъминлаш, аҳоли, бизнес ва давлат ўртасида самарали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун кўшимча шарт-шароит яратиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот

тизимларини жорий этиш бўйича қўшимчачора-тадбирлар тўғриси”да 13.12.2018 й. N ПФ-5598 фармони чиқди.

Мазкур фармонда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Хужжатда белгилаб қўйилганки: "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш рақамли иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади;

Агентлик электрон ҳукумат соҳасидаги ҳамда давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этишда ваколатли орган ҳисобланади, ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъулдир;

Агентликнинг электрон ҳукумат соҳасида, шунингдек, давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этиш бўйича ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари ижросини таъминлаш республиканинг барча вазирликлари, идоралари ва ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади;

давлат бошқарувида ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш бўйича лойиҳалар, шунингдек, бундай лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Агентликда экспертизадан ўтказилиши шарт;

Агентлик рақамли иқтисодиётни жорий этиш бўйича вазифаларни амалга ошириш доирасида халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари билан бевосита ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳуқуқига эга.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда қуйидагиларни амалга оширишлари топширилган:

Ҳозирги кунда "Электрон ҳукумат" тизими доирасида амалга оширилаётган идоралараро ва идоравий ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш лойиҳаларининг ҳамда ахборот-коммуникация соҳасидаги бошқа лойиҳаларнинг амалга оширилиши ва молиялаштирилишини тўхтатиб қўйилиши топширилган;

бир ой муддатда лойиҳаларни тўлиқ хатловдан ўтказилиши ва якуний натижалари бўйича Агентликка ахборот киритилиши топширилган.

Шунингдек Агентликга қуйидагиларни амалга оширилиши топширилган яъни, а) 2019 йил 1 апрелга қадар амалга оширилаётган лойиҳаларнинг танқидий кўриб чиқилишини ҳамда мақсадга мувофиқ, долзарб, республикада рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсад ва вазифаларига мос келадиган лойиҳаларнинг давом эттирилишини таъминланиши;

б) 2019 йил 1 майга қадар қуйидагиларни назарда тутадиган "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш концепцияси лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини таъминланиши:

электрон ҳукуматнинг давлат, аҳоли ва бизнеснинг самарали ўзаро ҳамкорлигини, шунингдек, жаҳоннинг рақамли маконига интеграциялашувини таъминлаш бўйича ягона миллий тизим сифатидаги мақсадли аҳамиятини белгилаш;

"Электрон ҳукумат" тизимининг таркиби ва тузилмасини, уни яратиш шартлари ва архитектурасининг концептуал асосларини, жумладан, ташкилий, функционал, техник тузилмасини, шунингдек, асосий рақамли активлар рўйхатини аниқ белгилаш;

электрон ҳукуматни яратишнинг асосий принциплари ва функционал вазифаларини, электрон ҳукумат имкониятларидан фойдаланган ҳолда рақамли трансформацияга эришишнинг аниқ кўрсаткич ва индикаторларини белгилаш;

Агентлик негизида бошланғич лойиҳа сифатида электрон рақамли имзо инфратузилмасининг намунавий элементини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Хужжатда маълумот учун қабул қилинганки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон қарорига мувофиқ Агентлик томонидан "Рақамли ишонч" рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан биргаликда барча давлат хизматлари фақатгина операторнинг маълумотларни қайта ишлаш марказлари орқали кўрсатилишини таъминлашни назарда тутадиган 2019-2021 йилларда "Universal Mobile Systems" МЧЖни ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилиши ҳақида айтиб ўтилган.

Агентлик манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йилнинг 1 майга қадар маълумотларга ишлов бериш марказларига бўлган эҳтиёж ва уларнинг жойлашуви тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киририлишини топширилган.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва идоравий ахборот тизимларини жадал интеграциялашувининг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 18 апрелдаги ПҚ-3673-сон қарорига мувофиқ Агентлик томонидан алоқанинг, шу жумладан, хорижда бўлиш вақтида, махфийлиги, тезкорлиги, хавфсизлиги ва телекоммуникация хизматларига сарфланадиган бюджет маблағларининг тежалишини таъминлайдиган ҳукумат мобиль алоқаси тизимини ишга тушириш, синаш ва ундан тажриба тариқасида фойдаланиш ишлари бажарилиши топширилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимчачора-тадбирлар тўғриси”да 13.12.2018 й. N ПФ-5598 фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси”да 03.07.2018 й. N ПҚ-3832 қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғриси”да 21.11.2018 й. N ПҚ-4022 қарори.

THE MAIN DIRECTIONS OF PRIORITY DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURSHIP IN THE REPUBLIC

Toshaliyeva Saodat Toxirovna¹, Ashurov Jaloliddin Eshpulatovich²

¹The university of Termez State Senior teacher of the Department of Economics

²student of The university of Termez State.

One of the main directions of my country's economic policy is the further stabilization of the socially oriented national economy through the development of small business and private entrepreneurship. Because the basis of the economies of the market economy is small businesses.

President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoev dwelled on entrepreneurship and business in his appeal to the Oliy Majlis on December 28, 2018, stressing that "in the future, for the development of private entrepreneurship, business development, creating new jobs, increasing the income of the people and improving the living conditions gradually, we must do many things. "[1]

One of the most important tasks envisaged by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan" is the reduction of state participation in the economy, strengthening institutional and structural reforms aimed at further strengthening of the priority and protection of private property rights and stimulating the development of small business and private entrepreneurship. [2]

In recent years, the adoption of a number of legal and regulatory acts on the development of small business and private entrepreneurship has a significant impact on the development of this sector. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 31, 2017 "On Measures for Further Expansion and Simplification of Microcrediting System for Small and Private Entrepreneurship" PD-2746, as well as the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated March 17, 2017 PD-2844 "On measures to further simplify the system of microcrediting of business entities and the general public" serve to ensure consistency of the work being carried out in this direction.

Complex measures on support of small business and private entrepreneurship, improvement of business environment in the country increase the importance of further sustainable development of this sphere and the formation of key macroeconomic indicators. In particular, we can see that the share of SBPE in GDP in Uzbekistan increased from 31.0% to 59.4% in 2000-2018 [5]

Results of the measures taken to support small businesses and private entrepreneurship and to create favorable conditions for them and create an entrepreneurial business environment, as of January 1, 2018 the number of subjects of small business and private entrepreneurship (except dehqan and private farms), which has been operating in our country, has reached 262930, having increased by 163491 in comparison with 2000.

We will analyze the country's key macroeconomic indicators to highlight the importance of small business and private entrepreneurship in ensuring the socio-economic development of the country (Figure 1).

Share of Small Business and Private Entrepreneurship in Major Types of Economy (%)
(Figure 1)

Years	GDP	Industry	Construction	Employment	Export	Import
2000	31,0	12,9	38,4	49,7	10,2	27,4
2001	33,8	12,5	40,4	51,8	9,3	26,9
2002	34,6	15,4	42,0	53,5	7,5	24,9
2003	35,0	10,8	39,9	56,7	7,3	33,7
2004	35,6	11,0	49,6	60,3	7,3	32,7
2005	38,2	10,0	50,9	64,8	6,0	33,7
2006	42,1	10,9	52,1	69,1	10,7	34,0
2007	45,7	13,2	55,4	72,1	14,8	32,0
2008	48,2	14,6	58,4	73,1	12,4	35,7
2009	50,1	17,9	42,4	73,9	14,6	42,5
2010	52,5	26,6	52,5	74,3	13,7	35,8
2011	54,0	28,6	67,6	75,1	18,8	34,3
2012	54,6	29,7	70,0	75,6	14,0	38,6
2013	55,8	33,0	70,6	76,7	26,2	42,4
2014	56,1	36,8	69,5	77,6	19,8	45,4
2015	54,5	40,6	66,7	77,9	27,0	44,5
2016	57,3	45,3	66,9	78,2	26,0	46,8
2017	54,9	41,2	64,8	78,0	27,2	50,2
2018	59,4	34,7	66,6		26,5	55,8
Change between the years 2000-2018 (+;-)	28,4	21,8	28,2	-	16,3	28,4

Data show that the share of SBPEs in GDP reached from 31,4 per cent till 59,4 per cent from 2000 to 2018, with a change of 28,4 per cent. The share of SBPEs in the industry increased from 12,9 per cent to 34,7 per cent in the years between 2000 and 2018, which is 21,8 per cent positive change.

According to the results of statistical analysis, the average growth of GDP and export and import of GDP in Uzbekistan between 2000 and 2018 was 16,3 and 28,4 percent respectively. As for construction, we can see an increasing share of business. The indicator in this area has grown from 38,4 per cent in 2000 to 66,6 per cent by 2018, which means 28,2 per cent in favor of a positive change.

Small business entities do not require a large amount of capital and can rapidly change production.

We find it necessary to focus on the essence of the small business and private entrepreneurship in the production, the socio-economic significance. In our minds, they appear as follows:

- determines the economic and structural structure of the sector, serves to fill the domestic market with goods and services on demand and supply;

- provides the population with jobs and a stable source of income in socio-economic conditions and serves as the basis for improving the living standards of the population;

- allows financially rebuilding and equipping production and workplaces without requiring more funds;

- from socio-psychologically perspective, the process of transferring the working skills and traditions of the family from generation to generation, the process of acquiring culture, skills and secrets of production.

The development of small business has three objectives:

- First of all, world experience shows that small business is one of the most important sectors of the economy, which fills the domestic market with necessary goods and services, determines the structural basis of the economy, and serves as the most important factor and source for increasing employment and income of the population;

- Secondly, it is striking that small business mobility can be easily and rapidly modernized by means of low capital investment, and that it is able to upgrade the range of manufactured products, thereby adapting to changing market concepts;

- Thirdly, thanks to the growth of small business and entrepreneurship, we have a direct solution to the task of forming a middle class of proprietors, our support and support in our country.

In conclusion, small business and private entrepreneurship are becoming an important link in today's employment, which is the main source of income.

References:

1. President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoev's appeal to the Oliy Majlis. " People's Word, " December 29, 2018.

2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan". "People's Word" G // 08.02.2017 y. № 28.

3. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 31, 2017 "On Measures for Further Expansion and Simplification of Microcrediting System for Small and Private Entrepreneurship" PD-2746.

4. Resolution by the President of the Republic of Uzbekistan dated March 17, 2017 PD-2844 "On measures to simplify the system of microcrediting of business entities and the general population".

5. Socio-economic indicators of the Republic of Uzbekistan. Statistical collection: State Statistics Committee. 2000-2018 years.

ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИ

Ражабов Ўткир Дўснаевич

и.ф.н., доц. Термиз давлат университети

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши ва иқтисодиётни барқарор ривожлантириш мақсадида барча соҳаларда таркибий ўзгаришларни амалга оширишни зарурият қилиб қўймоқда. Ўз иқтисодий мазмун ва моҳиятига кўра таркибий ўзгаришлар кенг маънода иқтисодиётнинг модернизацияси ва диверсификациясини ифодалайди. Диверсификация модернизациялашнинг таркиби ва уни тақозо этувчи қисми ҳисобланади. Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш иқтисодий сиёсатнинг ҳал қилувчи устувор вазифаси бўлиб қолмоқда. Иқтисодиётни модернизациялаш орқалигина юқори натижаларга эришиш мумкинлиги жаҳон амалиётида ўз тасдиғини топмоқда.

Бироқ модернизациялашни амалга ошириш учун аввало инсон-маънавий онг тайёр бўлиши керак. Аксинча корхона модернизацияланган билан ходим тайёр бўлмаса, унинг умри қисқа бўлади, ундан узоқ ва самарали фойдаланиб бўлмайди.

Ҳозирги даврда мамлакат ақлий ва маънавий салоҳиятини ошириш, инсон омилини ривожлантириш, иш жойларида меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришга инновацияларни кенг жорий этиш ва аҳоли саломатлигини таъминланиш, мудофаанинг мустаҳкамлиги, табиатни асраш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш, маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш ҳамда давлат бюджетидан тежамли фойдаланиш, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаш каби масалаларнинг ижобий ҳал бўлиши ижтимоий инфратузилманинг ўз вазифаларини қанчалик самарали бажараётганлигига боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Иқтисодиётни рағбатлантириш инсон салоҳиятини сақлаш ва ривожлантириш, жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини сақлаш ва таъминлаш каби муҳим вазифаларни бажариш ижтимоий соҳанинг мазмун моҳиятини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам у анъанавий тарзда давлат томонидан кўпроқ ҳимоя қилинади.

Ижтимоий соҳанинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унинг амал қилишидаги асосий йўналишларини ижтимоий ёрдам, ижтимоий суғурта ва ижтимоий хизматлар сингари муҳим фаолият йўналишларга ажратиш

мумкин [1].

Ижтимоий хизматлар соҳаси келажакда иқтисодий ўсишга эришишнинг потенциал омили, имконияти ҳисобланар экан, бироқ ундан унумли фойдаланилганда ва юқори даражада ривожланган тақдирдагини тараққиёт манбаига айланиши мумкин бўлади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аҳоли даромадларининг ва бунга боғлиқ ҳолда ижтимоий-маданий эҳтиёжларнинг ўсиши ижтимоий хизматлар ривожланишига сабаб бўлмоқда. Ижтимоий хизматларнинг ихтисослашиши, йириклашиши, янги тармоқларнинг ташкил топиши иқтисодиётни бойитган ҳолда ишлаб чиқариш даражасининг ўсишини ҳам таъминлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев ижтимоий соҳанинг мамлакат иқтисодиётига нақадар кучли таъсир этиши ҳақида тўхталиб: “Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечирishi, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши-бизнинг бош мақсадимиздир.

Бу йўналишда олдимизда улкан вазифалар турибди. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги, биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислохотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ ” - деб таъкидлаган эдилар [2].

Ижтимоий хизматларни ривожлантириш ва мамлакат иқтисодий тараққиётида унинг ҳиссасини ошириш учун бир қатор имкониятлар мавжуд бўлиши керак, буларнинг асосида эса ижтимоий хизматларнинг умумий ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ётади. Улар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, ижтимоий хизматлар амал қилиши ва эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқий базанинг яратилиши, тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги;

иккинчидан, ижтимоий хизматларда мулкчиликнинг турли шакллари юзага келтириш, хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг хизмат турини мустақил белгилаш, сотиш, нарх белгилаш, фойдага эгаллик қилиш имкониятларига эга бўлиши;

учинчидан, барқарор иқтисодий омилларнинг мавжудлигини, моддий ва маънавий ресурслардан фойдаланиш имкониятларининг кенглигини соғлом рақобат муҳитини, талаб ва таклиф мослигини таъминлаш;

тўртинчидан, истеъмолчилар диди ва замонавий хизмат турининг шаклланиши;

бешинчидан, ҳар бир иқтисодий жараён ҳудудий маконда содир бўлади, шу боис ижтимоий хизматларни кўрсатишда ҳудудий имкониятлардан фойдаланиш керак.

Ижтимоий хизматларнинг самарали ривожланиши хизматлар бозоридаги муносабатларнинг кенгайиб бориши, такомиллашуви, бозор иштирокчиларининг янги эҳтиёжларини қондириш, жаҳонда юз бераётган иқтисодий ўзгаришларнинг башорати, жаҳон бозорининг таркибий ўзгариши каби кўплаб омилларга боғлиқ. Шу боис ижтимоий хизматларни замон

талаблари асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ривожланган ижтимоий хизматларни яратиш бир вақтнинг ўзида соҳада давлат ва нодавлат секторига тегишли бўлган хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг фаолият олиб боришини таъминлашни тақозо этади. Ҳолбуки, ижтимоий хизматлар бозорида рақобатга асосланган муҳитни яратмасдан туриб кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ва эришилган ютуқларни сақлаб қолиш мумкин эмас. Бунда тадбиркорларнинг изланувчанлиги, новаторлиги, ислохотчилиги, эгилувчанлиги билан ижтимоий хизматлар кўрсатишни самарали ташкил этиш ва амалга ошириш, соҳада янги-янги хизмат турларини яратиш бозорда таклиф этиш, ижтимоий хизматларни истеъмолчиларга максимал яқинлаштириш, замонавий ижтимоий хизматлар кўрсатиш муассасаларини барпо этиш ва кенгайтириш, соҳада рақобатни ривожлантириб, умуман соҳани ислоҳ қилиш орқали жадал тараққиётига хисса қўшиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хашимов П.З. Экономика социальной сферы -Т.: «Университет», 2002. - С. 26

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаат номаси // Халқ сўзи газетаси 2019 йил. 29 декабрь № 271.

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Усманов Ильхом Ачилович- доценти¹,
Жуманов Шерзод Норбоевич-ўқитувчи²**
^{1,2} СамДАҚИ, “Қурилишда менежмент” кафедраси
E-mail ilkhom_sies@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармонида ижтимоий соҳани ривожлантириш устувор йўналишида биринчи ўринда аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш вазифаси белгиланган. Ушбу вазифа мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни олиб боришда бош мезон сифатида қабул қилинган бўлиб охириги уч йилда амалга оширилган барча чораларда ўз аксини топиб келмоқда.

Бугунги кунда аҳолини иш билан таъминлашда фақат кичик бизнес ва шахсий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш юқори самара бермаслиги аниқ намоён бўлмоқда. Бунинг сабаби шундаки, кичик бизнеснинг кўлами ва фаолият чегаралари соҳалар бўйича турлича бўлиб, маълум чекловлар мавжуд бўлади, яъни маҳаллий бозорнинг сифими, бизнеснинг фонд сифими, капиталнинг қайтими, технологик ва ташкилий чекловлар тадбиркорликнинг ривожлантириш чегараларини белгилайди. Масалан, бир қишлоқда хонадонлар

сонига тенг миқдорда савдо корхоналаринин ташкил қилиш мумкинми? Албатта йўқ.

Шундан келиб чиққан холда тадбиркорликни ривожлантириш билан биргаликда иш жойларини яратиш ҳамда мос равишда ишчи касбларига эга бўлган мутахассисларни тайёрлашга эътибор қаратилиши лозим. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек “... ҳамма ҳам тадбиркор бўла олмайди. Шу сабабли бундай одамлар билан тизимли иш олиб бориб, уларни касбга қайта тайёрлаш орқали уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш лозим”. [1]

Ушбу вазифалар қаторида ёшлар бандлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, Ўзбекистон аҳолининг катта қисми ёшлар ташкил қилиши билан минтақадаги бошқа мамлакатлардан ажралиб туради. Ёшларнинг фаоллиги ва жамиятнинг илғор қатламига айланиши жамиятимизнинг келажагини белгилаб беради. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра 14-30 ёшдаги ёшлар жами аҳолининг 19,8 фоизини ташкил қилади. Шу билан биргаликда ишсизлик даражаси ҳам ушбу аҳоли қатламида энг юқори кўрсаткичга эга. Хотин-қизлар ўртасида ишсизлик даражаси 13 фоиз, ёшларда эса 15 фоизни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда қурилишда 104 минг, коммунал соҳада 71 минг, хизмат кўрсатиш соҳасида 68 минг, енгил саноатда 46 минг нафар мутахассисга эҳтиёж мавжуд. [2]

Шуниси эътиборлики, кўтарилган масала кўп қиррали ва мураккаб иқтисодий масалар қаторига киритилади, яъни аниқ касб бўйича етарли малакага эга бўлган мутахассисни айнан шу касбга мос бўлган ихтисослашган иш жойига бириктириш лозим. Фақат шу холда ишчи кадрларни самарадорлиги юқори бўлиши таъминланади. Айниқса, меҳнат бозорида ўз ўрнини эгалаб олмаган қатламлар – ёшлар, хотин-қизлар ва хориждан келганлар учун бундай шароитга мустақил равишда эришиш қийин кечади. Мамлакатимизда аҳолининг катта қисмини ёшлар ташкил қилганлигини ҳисобга олсак уларнинг бандлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ўринлидир.

Бизнинг фикримизча бугунги кунда ёшлар бандлиги билан боғлиқ учта йирик муаммони ажратиш мумкин:

- ёшларнинг меҳнат бозорига кириб бориши билан боғлиқ муаммолар;
- иқтисодиётнинг реал тармоқларида иш ўринларни яратиш;
- ёшлар миграцияси ва у билан боғлиқ ижтимоий муаммолар.

Биричи муаммонинг вужудга келиши қатор йилларда иқтисодиётнинг реал соҳалари учун кадрлар тайёрлашдаги тизимли камчиликлар билан боғлиқдир. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими битирувчилари ўз мутахассислиги бўйича амалиётдаги меҳнат фаолиятига тайёр эмаслиги уларнинг меҳнат бозорида рақобат кила олмаслигига сабаб бўлди. Кўп холларда касб-ҳунар таълимида меҳнат бозорида талаб мавжуд бўлмаган ишчи касблар тайёрланди. Шу билан биргаликда ишлаб чиқариш ва таълимнинг узвийлигига эришмаслик, педагог кадрлар салоҳиятининг пастлиги битирувчиларнинг билим даражасига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Касб-ҳунар таълимининг ишлаб чиқариш корхоналаридан ажралиб қолиши жамиятда ортикча ишчи кучи бўлгани билан

корхоналарда кадрлар тақчиллигига олиб келди. Бундан ташқари, корхоналарда ишчи кадрлар тайёрлаш соҳасида боқимандалик кайфияти пайдо бўлган, яъни улар давлатдан тайёр мутахассис олишга манфаатдор бўлиб қолган. Натижада битирувчи мутахассисни яна маблағ сарфлаб ишлаб чиқаришда ўқитиш зарур бўлмокда.

Иккинчи муаммо ишлаб чиқариш корхоналарида иш ўринларни илмий асосда ташкил этилмаслиги билан боғлиқдир. Кўпчилик кичик бизнес субъектларида маблағни иқтисод қилиш мақсадида иш ўринлари етарли даражада жихозланмайди. Қурилиш ишлаб чиқариш мисолида кўрадиган бўлсак, қурувчиларни замонавий самарали асбоб-ускуналар билан таъминлаш, механизациялаш даражасини ошириш, меҳнатни меъёрлаштириш ва иш жараенларини ташкил қилишга эътибор берилмаган.

Учинчи муаммо ёшларнинг хорижга ишга кетишининг оммавий тус олганлиги билан боғлиқдир. Бунинг асосий сабаби иш шароитларининг яратилмаганлиги ҳамда иш хақи ва меҳнат унумдорлиги мутаносиб бўлмасилигидир. Ўзининг яшаш жойида касбий тайёргарлиги ва қизиқишлари бўйича иш топилмаганлиги, иш хақидан қониқмаслик ёшларни бошқа давлатларда меҳнат фаолияти билан шуғулланишга ундади. Хорижда эса тил билмаслик, касбий малаканинг пастлиги натижасида фуқароларимизга меҳнат хақи паст бўлган лавозимлар таклиф қилинган.

Ушбу муаммолар корхоналар ва ҳудудлар миқёсида ҳал этилмас экан Президентимиз белгилаб берган вазифаларни бажариш қийин бўлади. Қурилиш соҳасининг меҳнат ресурсларга эҳтиёжини ортиб боришини ҳисобга олсак бу соҳада ёшлар бандлигини таъминлашнинг кўп имкониятлари мавжуд.

Олиб борилган изланишлар ҳамда мутахассисларнинг фикрларига таянган ҳолда қурилиш ишлаб чиқаришида ёшларни иш билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни таклиф қиламиз:

Қурилиш соҳасига оид ишчи касблар таснифлагичини замон талабларига мос равишда қайта кўриб чиқиш. Бунда нафақат ишчи касбларнинг номланиши, балки ишларнинг мураккаблиги ва талаб қилинадиган малакаларини дифференциацияланиши ўз аксини топиши зарур. Масалан, иккинчи разряд дурадгор билан тўртинчи разряд дурадгорнинг иш мазмуни ва малака талаблари яққол ажралиб туриши лозим. Шунда, қурувчи кадрларнинг аниқ иш фаолияти, иш хақи ва масъулият доирасини белгилашга асос яратилган бўлади. Малаканинг аниқлаштирилиши, иш жойларига техник ва технологик талаб қўйилишига ҳамда меҳнат жараёнлари хариталарини ишлаб чиқилишига олиб келади. Умуман, ҳар бир қурилиш ишига меҳнат жараенлари хариталарининг оммалаштирилиши сифатни назорат қилиш тизимини оптималлаштирилишига олиб келади. Республикаимизнинг барча ҳудудларида “Murad-Building” каби илғор корхоналарнинг тажрибасини қўллашда ҳам ишчи операцияларни меъёрлаштириш катта аҳамиятга эга.

Касб-ҳунар таълими муассасаларини қурилиш ташкилотларига бириктириш ҳамда ўқув жараёнининг катта қисмини ишлаб чиқаришга ўтказиш. Ушбу чоралар давлат-хусусий шерикчилик асосида кадрлар

тайёрлашни кўзда тутди. Қурилиш тақшилоти учун ёш кадрларни бепул тайёрлаш тартибидан узоқлашиш керак. Ишчи кадрларни тайёрлаш харажатларининг бир қисмини ташкилотлар ўз зиммасига олиши лозим. Ишлаб чиқариш усталари албатта қурилиш ташкилотларининг штатида бўлишини таъминлаш лозим. Шунда, ўқув режаларининг мазмуни ва таркибини шакллантиришда иш берувчи манфаатдор бўлади. Ёш кадрларнинг амалиёт ва касбий мослашиши даврида иш ҳақининг бир қисмини касб-ҳунар таълими муассасаси бўйнига олса қурилиш ташкилоти учун талаба ёшлар ортиқча юк бўлмайди. Битирувчиларнинг қўнимсизлигини олдини олиш бўйича ҳам аниқ иқтисодий механизм ишлаб чиқилиши мумкин.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли ва катталигидан қатъий назар барча қурилиш ташкилотларида иш ўринларнинг жихозланишнинг техник нормаларини белгилаш. Хорижий компанияларда қўл меҳнатидан батамом воз кечиш тенденциясининг кузатилиши ушбу жараенни жадаллаштиришни тақозо қилмоқда. Ички қурилиш бозорида рақобатнинг кучайиши ҳам миллий ташкилотларимиз олдида меҳнатни жихозлаш бўйича янги талабларни қўймоқда. Ахир, соз ва юқори унумдорли асбоблар бўлмаса, қандай қилиб ишчидан самарали меҳнатни талаб қилиш мумкин? Бунда илғор хорижий стандартлари талабларига таяниш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан 2028 йилгача Буюк Британия, АҚШ, Россия, Жанубий Корея, Япония давлатларининг қурилиш стандартларидан кенг фойдаланиш имкони бу жараеннинг жадал ривожланишига ҳуқуқий асос бўла олади [3].

Қурилиш ташкилотларида ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш. Маълумки замонавий қурилишда материал ва конструкцияларнинг тайёргарлик даражасини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Қурилиш майдончасига етказиб бериладиган материалларнинг тайёргарлик даражаси қанча юқори бўлса меҳнат унумдорлиги ҳам, қурилиш сифати ҳам, қурилиш маданияти ҳам шунча юқори бўлади. Бизнинг тақлифимиз шундан иборатки, қурилиш ташкилотлари қошида ёки уларнинг бошчилигида конструкцияларни ярим тайёрлаш, йириклаштириш, дастлабки ишлов бериш ёки монтаж ҳолатигача етказиш бўйича кичик корхоналарни ташкил қилиш лозим. Шунда қурилиш ишларининг сифати ошириш билан биргаликда ёшларнинг шартнома асосида тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин бўлади.

Юқоридаги тавсияларнинг амалда қўлланилиши қурилиш соҳасида янги иш жойларни яратиш ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш вазифаларини бажаришда ижобий натижа беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш ва касбга тайёрлаш орқали камбағалликни камайтиришга бағишланган йиғилишдаги чиқиши <https://president.uz/uz/lists/view/3408>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5963-сон Фармони. www.lex.uz/

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО КОНТРОЛЯ В СФЕРЕ ОРГАНИЗАЦИИ УПРАВЛЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО ЗЕМЛЕПОЛЬЗОВАНИЯ В ОРОШАЕМОЙ ЗОНЕ.

Мирзаев Абдулла Курбанович

к.э.н., доцент кафедры Экономики и менеджмента Термезского Государственного университета

Сложившаяся в начале 1990-х годов система использованием земельных и водных ресурсов и охраной окружающей среды не соответствует принципам эколого-экономической сбалансированности развития национальной экономики и ее отдельных отраслей.

Загрязнение почв орошаемого земледелия, ухудшения их мелиоративного состояния заметно отмечается в Сырдарьинской, Джизакской, Сурхандарьинской, Навоийской, Бухарской и Ташкентской областях. В орошаемых землях этих областей имеет места нарушения компактности объектов системы орошаемого землепользования, 75-80% закрытые горизонтальные и вертикальные дренажи неработают; почти 90% смотровые и устьевые сооружения не пригодны к использованию, повышается минерализованности почвы[4].

Для Республики Узбекистан, 80 % территорий которой занято пустынями и полупустынями, вопросы с борьбы с опустыниванием и засухой занимают приоритетное место в обеспечении устойчивого развития системы орошаемого землепользования[4].

В данное время около 10 млн. га пастбищ нуждаются в коренном улучшении. Несоблюдение экологических требований по системе орошаемого землепользования, неконтрольное использование удобрений, нерациональное водопользование, а также низкий уровень внедрения агроэкологических стандартов приводят к нарушению почвенно-экологических условий и ведут к увеличению площади деградированных земель[3].

Одной из наиболее неотлагательных задач в орошаемом землепользовании является совершенствования деятельности организаций экологического контроля.

Отсутствие или использование устаревших экологических стандартов не позволяет проводить объективную оценку и контроля по регулированию охраны окружающей среды и природопользования в республике.

Государственный экологический контроль осуществляется в соответствии с Законом Республики Узбекистан «Об экологическом контроле»[1].

Государственный экологический контроль направлен на проверку соблюдения законодательства об охране окружающей среды. Существенной особенностью государственного экологического контроля является и то, что он ведется от имени государства, независимо от каких-либо отраслевых, ведомственных интересов. К сожалению, эти требования не всегда выполняются на практике; такие органы, как Министерство водного хозяйства Республики Узбекистан (и другие), продолжают совмещать выполнение функции государственного контроля и эксплуатации водохозяйственных систем.

Государственный комитет Республики Узбекистан по земельным ресурсам, геодезии, картографии и государственному кадастру (Госкомземгеодезкадастр) по закону занимается использованием земельных ресурсов и он же от имени государства контролирует за их рациональным использованием.

Эти примеры свидетельствуют о продолжающемся зачастую совмещении функций государственного контроля и использования природных ресурсов.

Поскольку сельское хозяйство в том числе, система орошаемое землепользование - сложный комплекс экологических связей, где вместе с земельными и водными ресурсами активно взаимодействуют другие природные ресурсы, круг специально уполномоченных органов Республики Узбекистан в области охраны окружающей среды здесь достаточно широк[1].

Для повышения эффективности государственного экологического контроля Госкомэкологии Республики Узбекистан обеспечивает координацию деятельности специально уполномоченных государственных органов Республики в области охраны окружающей среды и их территориальных органов и она регулируется специальными актами, во взаимодействие с органами Госсанэпиднадзора, МВД, Прокуратуры, другими заинтересованными министерствами и ведомствами. Например, контроль за применением пестицидов и минеральных удобрений в сельском хозяйстве осуществляется Министерством Здравоохранением[1].

Экологический контроль в системе орошаемого землепользования своей задачей ставит проверку выполнения водораспределяющих (Бассейновые управления ирригационных систем и его подразделения) и водопотребляющих предприятием (фермерские, дехканские хозяйства и др.) или организацией обязательных мероприятий по охране окружающей среды и производства экологически чистой продукции.

Обычно экологический контроль в той или иной отрасли хозяйства осуществляют должностные лица, поскольку они должны быть заинтересованы в достойном ведении сельскохозяйственного производства. Тем не менее этот контроль нельзя назвать полноценным по двум основным причинам: руководители хозяйств загружены многими другими работами, поэтому они не могут уделять достаточно внимания вопросам охраны плодородия почв, улучшением мелиоративного состояния земель, соблюдению других

требований экологического законодательства по рациональному и эффективному использованию системы орошаемого земледелия;

некоторые руководители сознательно или бессознательно отдают предпочтение текущим нуждам и результатам производства по сравнению с перспективными задачами связанными экологическими проблематиками. Это, безусловно, не может не ослаблять их контрольные функции в отношении земель, воды и других природных ресурсов.

Из анализа экологического состояния орошаемой зоны следует отметить - следующее проблемы и решений для совершенствования деятельности организаций экологического контроля: Эффективность развития сельского хозяйства во многом определяется тем, насколько этому соответствуют эколого-экономические механизмы регулирования орошаемого земледелия, их способность реализовать принцип экономической заинтересованности и ответственности за рациональное использование земельных, водных, биологических, климатических ресурсов.

В настоящее время при оценки воздействия окружающей среды в системе орошаемого земледелия особое место приобретает проблема совершенствования экологического контроля. В государственном экологическом контроле имеет место подведомственный характер (или экологический контроль осуществляют сами «нарушители»). Это способствует получению недостоверности информации и не отвечает принципам экологического контроля.

В правовых-нормативных актах заявление об ответственности за несоблюдения экологических требований носить общей характер. Несмотря что, более 90 % орошаемых земель используются фермерским, дехканским и иными хозяйствами, их прямой (адресной) ответственности за нарушений природоохранных норм законодательно не подкреплены. Это негативно влияет на экологической ситуации в системе орошаемого земледелия.

По этому процедуру обязательную ответственности субъектов земледельцев по формам хозяйствования надо прописать в законодательстве детально.

Список использованной литературы:

1. Закон «Об экологическом контроле», Т.: Узбекистан, 2013 г.
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 30 октября 2019 г. №УП 5863 «Об утверждении концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года».
3. Мирзаев А.К., Бобомуродов И.И., Шарифи Абдул-Фатах. Қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари // Иқтисод ва таълим, 2019, -№3, - 182-185 б.
4. Материалы Аму-Сурханского бассейнового управления ирригационных систем за 2003-2019 г.г.

ИЖТИМОЙ СОҲАДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Маматов Ахметжон Атажанович¹, Хуррамов Азамат Файзуллаевич²

¹Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардия Харбий
техник институти профессори, и.ф.д.,

²Қарши Муҳандис иқтисодиёт институти профессори, и.ф.д.

E-mail: mamatovahmadjon@rambler.ru

“Иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси давлат, корхона, жамият, шахсга нисбатан қўлланилиши билан бир қаторда, мазкур тушунчани ҳар бир субъект нуқтаи-назаридан ҳам қараб чиқиш мумкин. Шахс бир пайтнинг ўзида хавфсизлик соҳасининг объекти ҳам субъекти бўлгани ҳолда, хавфсизлик соҳасининг барча тизимларида мавжуд бўлади ва тизим ташкил этувчи вазифасини бажаради. Шахснинг иқтисодий хавфсизлиги ўз навбатида жамият, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат ва экологик вазиятга чамбарчас боғлиқдир. Бизнинг фикримизча, иқтисодий хавфсизлик шакллари ишлаб чиқариш-хўжалик, хўжалик-истеъмол, молиявий, транспорт коммуникациялари ва ижтимоий соҳалар бўйича туркумлаш мақсадга мувофиқдир.

Шахснинг иқтисодий хавфсизлиги тизимини шакллантиришда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати муҳим ўрин тутди, шу боис шахснинг иқтисодий хавфсизлигига бевосита таъсир кўрсатувчи мамлакатнинг ижтимоий соҳадаги иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масалаларига катта урғу берилди. “Охирги уч йилда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб бораётган кенг қўламли ижтимоий ислохотларни давом эттираемиз. Бунинг учун биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади” [1].

Ижтимоий хавфсизлик кўп қиррали илмий категория бўлиб, уни тадқиқ этиш жараёнида турли-туман кенг қамровли қарама-қарши назарий ёндашувлар вужудга келади. Ижтимоий хавфсизлик масалаларини социологлар, психологлар, педагоглар, иқтисодчилар ва ҳуқуқшунослар томонидан кенг тадқиқ этилган. Ушбу тадқиқотлар асосида вужудга келган турли нуқтаи назардан ёндашувлар асосида мураккаб бўлган ижтимоий хавфсизлик тўғрисида кенг ва тўла тассавур шаклланди.

Инсонлар, уларнинг ҳаётини қизиқишлари ва эҳтиёжлари, жамоалар ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ижтимоийлашув тизимлари (таълим, тарбия, маданият, кундалик ҳаёт) ва инсоннинг ҳаётини фаолиятини таъминлаш тизимлари (соғлиқни сақлаш, савдо, таъминот) ижтимоий хавфсизликнинг объекти ҳисобланади[2]. Рус олими Ханин Ф. Г. ижтимоий хавфсизликни баҳолашнинг қуйидаги асосий мезонларини белгилаб берган:

- 1) шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари;
- 2) хусусий мулк институтининг дахлсизлиги;

3) ижтимоий жараёнларнинг барча иштирокчилари учун қонунларнинг универсаллиги ва устуворлиги;

4) миллатнинг маданий ўзига ҳослиги;

5) шахснинг битта миллий ижтимоий хавфсизлик тизимидан бошқа ижтимоий хавфсизлик тизимига мустақил ўтиш имконияти[3].


Бизнинг фикримизча ижтимоий хавфсизликка таҳдидларни урта йирик блокка тизимлаштириш мумкин. Уларга:

1) аҳолининг пул даромадлари даражаси билан боғлиқ таҳдидлар;

2) ишсизлик даражасининг юқорилиги шароитида намоён бўлувчи аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги таҳдидлар;

3) уй-жой ва коммунал хизматлар, таълим ва маданият, соғлиқни сақлаш соҳаларида юзага келувчи ноҳуш жараёнлар (Коронавирус пандемияси) туфайли келиб чиқадиган таҳдидлар.

Ижтимоий соҳада иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг биринчи блоки аҳолининг реал пул даромадлари (иш ҳақи ва бошқа тўловлар) даражасининг пасайиши билан боғлиқ бўлган таҳдидларни ўз ичига олади. Аҳолининг пул даромадлари динамикаси кўрсаткичини яшаш таннархи билан таққослаш, ушбу маблағларнинг зарур эҳтиёжларни қондириш учун мослигини аниқлашга имкон беради. Бу ижтимоий соҳадаги ҳозирги кунга хос долзарб таҳдидлардан бири-жамиятнинг кам сонли бойлар ва кам таъминланган камбағал фуқаролар доирасининг кенгайиши хавфини ўз ичига олади.



1.Расм. Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадлари таркибини ўзгариши[4].

Аҳолининг умумий даромадига пул даромадлари ва натура шаклидаги даромадлар киради ҳамда доимий асосда, такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган тушумлардан ташкил топади. 2018 йилда аҳолининг ялпи даромадлари 286,3 трлн. сўмни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 110,3%га ўсди. Таҳлилларга кўра аҳолининг пул даромадлари таркибида ёлланма ишчиларнинг меҳнат фаолиятидан ва трансфертлардан олинган даромади пасайиб бориш тенденциясига эга. Ёлланма ишчиларнинг меҳнат фаолиятидан олинган даромади тадқиқ этилаётган даврда 41,5%дан 34,5%гача,

трансфертлардан олинган даромади 28,4%дан 23,5%гача пасайган. Бу даврда аксинча аҳолининг мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад улуши 25,8%дан 36,7% гача ўсган. Мамлакатимиздаги аҳоли даромадлари таркибининг таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти ва мулкдан олинган даромадларнинг улуши ўсиб бормоқда. Тадқиқ этилган даврда ялпи аҳоли даромадлари таркибида уларнинг улуши 52,2%дан 2018 йилга келиб 62,1%га ўсди.

Даромадларни уй хўжаликлари гуруҳлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги тўла маълумотларни бизга Джини коэффиценти беради. Республикамизда Джини коэффиценти 2000 йилда 0,39 дан, 2018 йилга келиб 0,26 гача пасайди. Бу Республикамизда уй хўжаликлар ўртасидаги даромадлар тенгсизлигидаги фарқлар камаётганлигини ифода этади. Бу ўзгаришларни Республикамизда дециль ва квинтиль коэффицентлари орқали ҳам кузатиш мумкин. Ушбу даврда Республикамизда дециль коэффиценти 21,1 дан 6,2 га ва квинтиль коэффиценти 9,9 дан 4,1 га камайди.

Бозор иқтисодиётида аҳоли даромадларини пасайиши натижасида камбағаллик ва даромадлар тенгсизлиги келиб чиқади. Даромадлари минимал яшаш даражасидан паст бўлган, меҳнат бозорида рақобатбардош таълим бўлмаган ва ўзларини камбағал ва аҳолининг қуйи қатламларига қўшганларни камбағаллар деб ҳисоблаш мумкин. Ўзбекистон яқин истиқболда камбағаллик даражасини энг паст даражагача туширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ижтимоий соҳанинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдидларнинг иккинчи блоки - бандлик соҳасидаги муаммолардир. Бунга муносиб маош ва ишсизлик даражаси юқори бўлган бир пайтда иш ўринларининг етишмаслиги билан боғлиқ бўлган таҳдидлар киради. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) тавсиясига кўра, ишга жойлашмаган ва ҳозирда фаол иш излашда бўлган иқтисодий фаол аҳоли ишсиз сифатида эътироф этилади. Ишсизликнинг кўпайиши мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга жиддий таъсир кўрсатади. ХМТ услугиёти бўйича ҳисобланувчи ишсизлик кўрсаткичи меҳнат бозоридаги вазиятни объектив баҳолаш мезони ҳисобланади.

Ўзбекистонда меҳнат ресурслари сони 2005 йилда 12594,0 минг кишидан 2018 йилга келиб 18835,6 минг кишига яъни 149,5%га ўсган. Аҳолининг иш билан бандлик даражаси 2005 йилдаги 72,3%дан 2018 йилда 70,4%га пасайди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорида асосий муаммо бу мавжуд меҳнат ресурсларини тўла самарали инклюзив бандлигини таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Бу даврда аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси 72,3 % дан 77,7% га ошди. Аҳолининг иқтисодий нофаоллик даражаси 27,7% дан 22,3 % га тушди ва ишсизлик даражаси 5,4% дан 9,3% га ўсди.

Меҳнат бозорини чуқур тадқиқ этган академик Қ.Х.Абдурахмонов бошчилигидаги олимлар ҳулосаларига кўра, Республикамизда иқтисодий фаол аҳолининг тўртдан бир қисми ишдаги мажбурий таътиллар натижасида иш ҳақини доимий тўлиқ тўланишида муаммолар мавжудлигини сезишади[5]. Ушбу гуруҳ инсонларнинг ҳолати, ўзига ҳос ривожланиш қонуниятларига ва

ижтимоий-иқтисодий оқибатларига эга. Шунинг учун ушбу тушунча ишсизликнинг классик моҳиятига мос келмайди ва уни яширин ишсизлик сифатида баҳолаш мумкин. Бунинг натижасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонига нисбатан банд аҳолининг улуши қисқариб бормоқда: агар 2005 йилда бу кўрсаткич 71,3 %ни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 70,4%гача тушиб кетганлигини кўришимиз мумкин. Юқорида санаб ўтилган барча ҳолатлар уй хўжаликларининг меҳнат бозоридаги ўрнини янада ошириш борасида давлат томонидан тизимли чора – тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этишни тақозо этади.

Ушбу келтириб ўтилган ҳолат мамлакатимизда меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида иқтисодийнинг норасмий секторида иш билан банд бўлган аҳоли йил сайин ортиб бормоқда. Агар иқтисодийнинг бу секторида бандлар сони 2013 йилда 4239,2 минг кишини ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу рақам 4308,0 минг кишига тенг бўлган. Яъни бугуни кунда жами иш билан банд аҳолининг 32,4 фоизи норасмий секторда банд ҳисобланади.

XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигига келиб ижтимоий соҳада иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг глобал иқлим ўзгаришлари шароитида инсонлар соғлигини сақлаш, табиий офатлар, юқумли касалликлар (коронавирус) каби соҳаларда вужудга келиши мумкин бўлган таҳдидлар аҳамияти ошиб бормоқда. Шу муносабат билан ижтимоий таҳдидларнинг учинчи блоки бу - соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида вужудга келаётган нохуш жараёнлар (Коронавирус пандемияси) натижасида келиб чиқадиган таҳдидлардир. Бундай таҳдидларга кўпчилик аҳоли учун юқори технологияли тиббий хизматларни, сифатли таълим, уй-жой қурилишининг камайиши, уй-жой коммунал хўжалиги бино ва иншоотларининг эскириши, уй-жой коммунал хизматларига тўловларнинг ошиши билан боғлиқ таҳдидлардир[6].

Ижтимоий соҳа нафақат иқтисодий, балки миллий хавфсизликни таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутаяди, зеро ижтимоий соҳа орқали шахс, оила ва шу билан бир қаторда алоҳида ижтимоий гуруҳлар ва яхлит тарзда жамиятнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари қондирилади. Айнан шу жойда шахс ва давлат, шахс ва корхоналар ўртасидаги турли туман ижтимоий муносабатларнинг мустаҳкамлиги ва ўзаро ҳамоҳанглиги жиддий синовдан ўтади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т. // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
2. Расулов Т.С., Акбарова К.А. Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини ва рақобабардошлигини таъминлашни такомиллаштириш йўналишлари “XXI аср: фан ва таълим масалалари” илмий электрон журнали №4 2018 й.-Б. 1-14.

3. Ханин Ф.Г. Социальная безопасность или основной приоритет национального развития России /Ф.Г.Ханин // Вестник Санкт-Петербургского университета. Сер.6.2005. Вып.2. С.129-134.

4. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси 2018 йил –Т.: 2019.

5. Абдурахманов К.Х., Зокирова Н.К., Шоюсупова Н.Т., Габзалилова В.Т., Абдурахманова Г.К.Формирование и совершенствование политики занятости населения в малом бизнесе и частном предпринимательстве. Монография. - Т.: “Iqtisodiyot”, 2014. – С.186.

6. Абулқосимов Х.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув кўлланма.- Т.:”Академия”, 2012 - Б.22.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ – ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Хонкелдиева Гузал Шеровна

Фарғона политехника институти, и.ф.д., доцент

E-mail: honkeldieva@mail.ru

Хизматлар соҳасининг ривожланиши ахборот-коммуникацион технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида барча иқтисодий тизимларнинг трансформациялашувига ва унинг янги шакли бўлган рақамли иқтисодиётнинг шаклланишига олиб келди.

Хозирги пайтда давом этаётган рақамлаштириш жараёни глобал иқтисодиётда ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш, узатиш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатларнинг тежалиши ҳисобига туб ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Рақамли трансформациялашув илғор технологиялар асосида инновацион маҳсулот ва хизматларни яратиш, мутлоқ янги бўлган бизнес моделлар ва илғор таҳлилий усулларнинг яратилиши орқали намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда электрон ҳужжат алмашинуви ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун электрон тижорат тизимлари босқичма-босқич жорий этилмоқда. Шу билан бирга, соҳадаги ишлар ҳақиқий аҳволининг таҳлили марказлашган маълумотлар тизимига интеграцияни таъминлайдиган ягона ахборот-технологик платформанинг мавжуд эмаслиги натижасида жорий этилаётган дастурий ҳужжатлар тарқоқ эканини кўрсатмоқда.

Рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, замонавий инфратузилмани кўллаш мақсадида 2018 йил 21 ноябрда Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш. Мирзиёевнинг қарори қабул қилинди. Унга кўра рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги, шу жумладан, «блокчейн» технологияларини жорий этиш билан боғлиқ лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартларида амалга ошириш учун инвесторларнинг маблағларини жалб этиш ва бирлаштириш асосий вазифаларидан бири ҳисобланган давлат муассасаси шаклидаги «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий сиёсатида замонавий хизмат турларини, айниқса ахборот-коммуникацион хизмат турларини, молиявий хизматларни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Иқтисодиётни рақамлаштириш кўплаб афзалликларга эга бўлиб, у турли хизматлар, кўнгилочар, таълим, илмий ва ахборотга оид контентларга эга бўлган ҳолда ушбу жараёнларнинг сифатли, тез ва қулай бўлишини таъминлайди. Рақамлаштириш тўловлар нархини ва қийматини пасайтиради ва янги даромад манбаига айланади. Онлайн муҳитда кўрсатилаётган хизматларга ҳақ тўлаш анъанвий иқтисодиётдагидан сезиларли даражада кам бўлади (айниқса, реализация билан боғлиқ хизматлар харажатларини камайтириш ҳисобига), шу билан бирга давлат ва тижорат хизматлари барча учун оммабоп бўлиб боради.

Бундан ташқари рақамли дунёда товарлар ва хизматлар глобал бозорда ўз харидорини тезда топиши ва дунёнинг исталган нуқтасидан ҳам ҳаммабоп бўлиши мумкин. тақдим этилаётган хизматлар истеъмолчиларнинг ҳошиш-истакларига мос ҳолда қисқа муддатда қайта ишланиши мумкин бўлади. рақамли иқтисодиёт чакана савдо, транспорт, телекоммуникация, суғурта ва банк ишида ҳақиқатга айланиб улгурди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг электрон ҳукумат индекси мамлакат ўз аҳолиси учун кириш ва интеграцияни таъминлаш учун ахборот технологияларини қандай ишлатишини акс эттиради. Халқаро индекс ва рейтинглар асосида мамлакатимиз иқтисодиётининг рақамлаштиришга тайёргарлик даражаси ушбу соҳада етакчи ҳисобланган Финляндия, Норвегия, Швеция, Сингапур, АҚШ, Япония ва бошқа мамлакатларга нисбатан анча паст эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Глобализация шароитида рақамли трансформациялашув ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Бироқ, ханузгача уни тадқиқ қилиш ва ўрганишнинг умумқабул қилинган методологияси ишлаб чиқилмаган.

Халқаро индекс ва рейтинглар асосида мамлакатимиз иқтисодиётининг рақамлаштиришга тайёргарлик даражаси ушбу соҳада етакчи ҳисобланган Финляндия, Норвегия, Швеция, Сингапур, АҚШ, Япония ва бошқа мамлакатларга нисбатан анча паст эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистоннинг рақамлаштириш борасидаги бу каби рейтинг/индекс-лардан сезиларли даражада ортида қолаётганлиги ахборотлаштириш инфратузилмасининг сустривожланганлиги ва киритилаётган инвестицияларнинг камлиги, меъёрий-ҳуқуқий базасининг

такмиллаштирилмаганлиги, давлат ва бизнеснинг ахборот-коммуникацион технологияларни қўллашда фаол иштирок этмаслиги, интернетдан фойдаланиш кўникмаларининг етарли эмаслиги, ҳудудларда Интернет жараёнларининг секин ишлаши ҳамда аҳолининг ишонч даражасининг сустлиги билан изоҳланади ифатининг ошишига, уларнинг жаҳон иқтисодиётидаги аҳамиятининг ошишига олиб келади, шунингдек иқтисодиётнинг айрим тармоқларини рақамлаштирилиши натижасида миждларнинг содиқлик даражасининг ортишига, уларнинг эҳтиёжларини юқори даражада қондиришга, вақтини тежаш орқали аҳолининг турмуш сифатининг ошишини таъминлайди. хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли даромадларини оширишдаги вазифаси. Хизмат кўрсатиш соҳаси кенг ва кўп тармоқли соҳа бўлганлиги учун кишиларни ушбу соҳада кўшимча банд бўлиш имконини беради. Қўшимча бандлик кишиларга кўшимча даромад манбаини шакллантиради. Аҳоли даромадларини ошиши кишиларни турли хизматлардан фойдаланиш имконини беради. Аҳоли даромадлари ошиши истеъмол даражасини кенгайтиради. Мамлакатда яратилаётган моддий ва маънавий неъматларга ҳамда хизматларга бўлган талабни шакллантиради. Аҳоли талабини қондириш моддий неъматларни яратиш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали амалга оширилади. Шу сабабли ҳам аҳоли даромадлари хизмат кўрсатиш соҳаси тараққиётига таъсир қилади Аҳолининг пул даромадлари таркиби, меҳнатга ҳақ тўлаш, мол-мулкдан, тадбиркорлик фаолиятдан олинadиган даромадлар ҳамда трансферт тўловларидан тушадиган тушум орқали шаклланади. Аҳоли пул даромадлари таркиби асосан меҳнатга ҳақ тўлашдан тушадиган даромад ҳисобланади. Бу кўрсаткичнинг мутассил равишда ўсиб бориши, аҳолининг турмуш даражасини яхшиланиб бораётганлигини ифода этади.

Кишилар эҳтиёжининг янгиланиб туриши соҳа ва тармоқларни ривожлантириш заруратини талаб қилади. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, аҳолининг ушбу соҳа хизматларига бўлган эҳтиёжини қондиришда инновациялар муҳим роль ўйнайди. Чунки инновацион фаолият ишлаб чиқариш базасини техник ва технологик жиҳатдан тўхтовсиз янгилаш, замонавий технологияларга асосланган корхоналарни ташкил этиш, табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, умуман, иқтисодиётни юксалтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. О государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах в «год активных инвестиций и социального развития». Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-5635 от 17.01.2019//Национальная база данных законодательства, 18.01.2019 г., № 06/19/5635/2502

2. Панышин, Б. Цифровая экономика: особенности и тенденции развития //Наука и инновации.-2016.-Т. 3. -№. 157.

3. Ходиев, Б. Ю. Узбекистан: построение «цифровой экономики» //Российский внешнеэкономический вестник. - 2017. -№. 12. -С. 5–12.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ АСОСИДА КОРХОНА ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШ НАЗОРАТ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Оманова Насиба Рахмонкуловна

“Пахтасаноат илмий маркази” АЖ мустақил изланувчиси

E-mail: buxrahtailm@mail.ru

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш, уни тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилишда бошқарув тизимини такомиллаштириш муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Бошқариш тизимининг вазифаларини таркибан ўзгартириш, ҳар бир тузилмада такрорий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва уни кенгайтириш хусусиятлари аниқланади, хўжалик юритиш услубларнинг бозор муносабатларига мослашиш зарурлиги кўзда тутилади.

Илмий бошқарув таълимининг асосчиси америкалик муҳандис Ф.Тейлор ҳисобланади. Илмий бошқарувнинг Европа йўналишидаги таълимини муҳим асосчиларидан бири А.Файоль ҳисобланади.

Бугунги кунда менежментда энг илғор ғоя – фаолият самарадорлигини бошқариш Performance Management (PM) саналади. PMнинг асосий ғояси - компанияни бутунлича бошқариш қобилиятидир. PMнинг асосий элементлари - мақсадларнинг "дарахти" ни қуриш, масъулиятни белгилаш ва қилинган ҳаракатларни эмас, балки эришилган натижаларни баҳолаш саналади.

Мақсадлар бўйича бошқариш (Management by Objectives – MBO) усули биринчи марта 1954-йилда Питер Друкер томонидан таклиф қилинган. Бу ҳақда Питер Друкер ўзи шундай ёзган: "Менежмент ҳар қандай ташкилот – савдо корхонаси, черков - ташкилотдан ташқарида ташқи муҳитда режалаштирилган натижага эриша олиш учун мўлжалланган" [1]. Аммо бу усул ўтган асрнинг 70-йилларида реал оммавийлик ва ривожланишга эришди. Биринчи марта мақсадларни ходим мотивлари билан боғлашнинг долзарблиги амалга ошди.

1990 - йилларда бюджетни бошқариш усули кенг тарқалди. Айтиш мумкинки, бир муддат МБО ғоялари бюджетларни амалга ошириш, молиявий натижаларга эришиш борасида "иш" бошлади.

Менежмент эволюциясидаги кейинги қадам фаолият самарадорлигини бошқариш (performance based management) тизимининг пайдо бўлганлиги ҳисобланади, бу бугунги кунда шубҳасиз бошқарувдаги энг илғор ғоядир.

Фаолият самарадорлигини бошқариш учта асосий фаолият турини ўз ичига олади (истисносиз барча бошқарув соҳаларида):

1. Мақсадларни белгилаш.
2. Корхона мақсадларига еришишни тавсифловчи кўрсаткичлар қийматларини таҳлил қилиш.

3. Менежерларнинг таҳлил натижаларига асосланган, ўз мақсадларига еришиш учун ташкилотнинг келажақдаги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бошқарув ҳаракатлари.

Пахта тозалаш корхоналари фаолияти самарадорлигини бошқаришда рақамли иқтисодиёт тамойиллари асосида ИТ-технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараёнда корхона фаолияти мониторингини амалга ошириш зарур бўшбу жараёнда корхона фаолияти мониторингини амалга ошириш зарур бўлади.

Мониторингни амалга ошириш бўйича ёндашувлар В.В.Ковалев, А. Ревайкин, С Быстрицкой, Э. Тележкин ва бошқаларнинг илмий асосларида ёритилган [2,3].

Пахта тозалаш корхоналарида фаолият самарадорлигини бошқаришда баланслаштирилган кўрсаткичларини қўллаган ҳолда замонавий бошқарув тизимларини амалиётга қўллашда назорат механизминини амалга ошириш учун ВРМ () тизимини қўллашни таклиф этамиз. Бу тизим аслида бошқарув натижаларинини назорат қилишда мониторингни олиб боришда қўлланилади.

ВРМ тизими уч қатламдан иборат:

* интеграцион воситалар ёрдамида ташкилотнинг ҳисоб тизимларидан олинган маълумотлар билан тўлдирилган маълумотларни бошқариш қатлами, шу жумладан сақлаш;

* интеграциялашган бошқарув ва ҳисобот жараёнларинини қўллаб-қувватлаш учун дастур модулларидан иборат ВРМ иловалари қатлами;

* ҳисобот ва таҳлил қатлами.

Тайёр ВРМ - қарори дастак (ВІ) ва амалий (ВРМ) каби таркибий элементлардан иборат бўлади. ВІ-дастаклари маълумотларни сақлаш, таҳлил қилиш ва нашр қилиш ҳисоботларинини яратиш ва тўлдириш учун ишлатилади ва ВРМ иловалари бошқарув вазибаларинини қўллаб-қувватлаш ва ҳисобот кўрсаткичларинини ҳисоблаш учун ишлатилади.

Ҳар қандай ВРМ тизими модулли қурилишни ўз ичига олади ва одатда қуйидагилардан ташкил топади:

* жараёнларни тасвирлаш, тасвирлаш ва таҳлил қилиш учун мўлжалланган график функциялар;

* вазифа ижро сервер (workflow server), ВРМ - назорат жараёнларини ишлайдиган асосий сервер. Сервер бу жараён доирасида ҳар бир жараён ва иш воқеаларининг ҳолатинини кузатиб боради;

* вазибалар ва иш устуворликларининг иш рўйхатинини бошқариш каби жараён давомида ўзгаришлар функцияларинини бажарадиган жараён воситалари;

* мониторинг ва бошқарув воситалари: мониторинг модулида жараённинг тугалланиш даражасини ёки босқичини ва уни яқунлаш шартларини кўрсатилади.

ВРМ тизими икки даражадаги бизнес амалиётига эга. Биринчи даражада тадбиркорлик фаолияти мониторингининг воситасини - Business Activity Monitoring (ВAM) мавжуд. Бу ерда жараённинг реал вақтдаги асосий ишлаш кўрсаткичларинини таҳлил қилиш орқали иш жараёнини муҳим воқеаларга жавоб бериш билан бир қаторда бошқарилади.

Иккинчи даражада автоматлаштирилган иш жараёнлари таҳлил қилинади - жараён ВІ (Business Intelligent). Иш жараёнини таҳлил қилиш уни узлуксиз такомиллаштириш учун амалга оширилади.

Айни пайтда, бизнес жараёнида ўзгаришлар тезлиги шунчалик ошмоқдаки, бу эса IT- технологияларни кенг миқёсда қўллаш заруратини келтириб чиқаради. Шунинг учун бугунги кунда ўзгаришларни енг осон ва тез амалга оширишга имкон берувчи тизимлар жиддий афзалликларга эга. ДНМ тизимининг мослашувчанлиги дастурлашнинг талаб этилмаслиги ва бизнес жараёнини дастлабки автоматлаштириш пайтида сошлаш учун қулайликдан иборат. Мисол тариқасида, Ultimus Adaptive BPM Suite тизимини қўллашни кўрсатиш мумкин. Ушбу тизим таҳлилчилар томонидан иш жараёнини автоматлаштириш имконини беради, бизнес-мантиқ ўзгартириш эса IT- мутахассиси иштирокисиз амалга оширилиши мумкин.

Шундай қилиб, BPM тизимлари бугунги кунда бошқарув ва ҳисобот жараёнларининг мажмуасини қўллаб-қувватлайдиган ва IT компонентлари асосида қурилган тайёр дастур ечимлари бўлиб, улар орасида ВІ-воситалар муҳим рол ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Drucker P, Management: Tasks, Responsibilitices, Practices. New York: Harper & Row.1973. PP. 64-65.
2. Ковалев В.В. Финансовый менеджмент: теория и практика. – М.: Проспект, 2008. – 1024с.
3. Ревайкин А., Быстрицкий С., Телешин Е. Мониторинг – инструмент наблюдения и анализа экономики // Экономист. – М.: 1994. №2.

RAQAMLI IQTISODIYOT. ELEKTRON TIJORATNING PAYDO BO‘LISHI

Ro‘zimov Bahromjon Bahodirjonovich
Andijon davlat universiteti doktoranti
E-mail: bahromjon7174@inbox.ru

Raqamli iqtisodiyot tushuncha nisbatan uzoq bo'lmagan vaqtda, 1995-yili Massachusetts universiteti amerikalik olimi Nikolas Negroponte tomonidan aniqlab berilgan. Olim axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini intensiv rivojlanishi ortidan eski iqtisodiyotdan yangi iqtisodiyotga o'tishda, qanday o'zgarishlar ro'y berishi mumkinligini aytib o'tgan.

Raqamli iqtisodiyot - bu xo'jalik faoliyatini yuritish bo'lib, bunda ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatishdagi asosiy omil raqamlar ko'rinishidagi ma'lumotlar bo'lib, katta hajmdagi axborotlarni qayta ishlash va shu qayta ishlash natijasini analiz qilish yordamida har xil turdagi ishlab chiqarish, xizmat ko'rsatish, texnologiyalar, qurilmalar, saqlash, mahsulotlarni yetkazib berishda oldingi tizimdan samaraliroq yechimlar tadbiiq qilishdir. Boshqacha qilib aytgancha, raqamli iqtisodiyot bu onlayn

xizmatlar ko'rsatish, elektron tulovlar amalga oshirish, internet savdo, kraudfanding va boshqa turdagi sohalarni raqamli kompyuter texnologiyalarini rivojlanishi bilan bog'langan faoliyatdir.

Ko'pgina kompaniyalar o'zlarining Internet-do'konlarini ochish haqidagi fikrga kelishlarining bir qator sabablarini keltirish mumkin: dastlab mahsulotlar haqida axborot (axborot katalogi) beradigan veb-saytlar yaratiladi; keyin teskari aloqa tizimi shakllantiriladi, ya'ni saytga va mahsulotlarga bo'lgan qiziqish darajasi aniqlanadi (talab tahlili); so'nggi bosqichda teskari aloqa tizimining rivojlanishi sayt mijozlariga o'zlari tanlagan mahsulotlariga buyurtma berish imkonini paydo bo'lishiga olib keladi. XX asr o'rtalariga kelib, hozirgi Internet-savdoning o'tmishdoshi oldin Yevropada, keyinchalik esa jahonning boshqa mamalakatlarida keng tarqalgan – buyurtma mahsulotlarini pochta orqali yetkazish va buyurtma berish xizmatlari hisoblanadi. Dastavval, Internet savdoni Internetda foydalanishdan zavq oladigan tashabbuskor havaskorlar hamda modadan ortda qolmaslik uchun harakat qilayotgan puldor shaxslar rivojlantirgan bo'lsa, endilikda Internet biznesga haqiqiy ishbilarmon kishilar kirib keldi. Odatda, elektron tijorat (e-commerce) tushunchasi, tovarvaxizmatlarni elektron kommunikatsiyavositlari yordamida, asosan Internet orqali, sotish anglatadi. Mazkur ta'rifdan kelib chiqib, shuni ta'kidlash lozimki, faqatgina buyurtma axborotdan iborat bo'lsagina, buyurtmani yetkazib berish elektron tijoratning vazifasi bo'lishi mumkin. Web-saytlar imkoniyatli mijozlarni qamrab olishning keng imkoniyatlariga ega, ammo ular jismoniy jihatdan xizmat ko'rsatishning muammolari (mahsulotni yetkazib berish, pul hisob-kitoblari va boshqalar) ga duch keladilar. Shuning uchun zamonaviy elektron tijorat an'anaviy biznes bilan faol hamkorlikda ishlaydi, ba'zi hollarda esa yagona biznes jarayonlarda ularni ajratib bo'lmaydi. Internet axborot hududida savdo maydonchalari bir necha turda faoliyat yuritishlari mumkin. Kataloglar ko'p sonli sotuvchi va xaridorlarni uchrashtirishi mumkin.

1-jadval

Elektron biznes turlari va vazifalari

Biznes turlari / Vazifalar	Tovar va xizmatlar haqida ma'lumot	Buyurtma olish va uni tasdiqlash	Hisob-kitoblarni amalga oshirish	To'lov amalga oshirilgan tovarni yetkazib berish*
An'anaviy sotuvchining Internet vitrinasi	Sotuvchining veb-sayti, reklama turi	Ko'zda tutilmagan	Ko'zda tutilmagan	Ko'zda tutilmagan
An'anaviy sotuvchi tuzilmasida savdo avtomati	Sotuvchining kengaytirilgan veb-sayti teskari aloqani o'z ichiga oladi	Buyurtmani qabul qilish va mijozlar bilan ishlash xizmatiga yetkazish	Ko'zda tutilmagan	Ko'zda tutilmagan
Avtomatik do'kon, an'anaviy sotuvchi bilan birlashtirilgan	Sotuvchining kengaytirilgan veb-sayti teskari aloqa va bozormonitoringini o'z ichiga oladi	Buyurtmalarni qabul qilish va yetkazish, yetkazib berishga talabnomalarni shakllantirish	Elektron to'lov tizimiga ulanganda	Faqat axborot sotilganda

yoki avtonom				
Katalog- ma'lumotnomalar	Axborotga kengaytirilgan yo'l	Ko'zda tutilmagan	Ko'zda tutilmagan	Ko'zda tutilmagan
Auksionlar	Maxsus axborot	Savdoda qatnashish	Ko'zda tutilmagan	Ko'zda tutilmagan
Axborot brokeri	Taqdim etilayotgan axborot katalogi	Buyurtmalarni qabul qilish va yetkazish, yetkazib berishga talabnomalarni shakllantirish	Elektron to'lov tizimiga ulanganda	Faqat axborot sotilganda

Auksionlar (kim oshdi savdolari) sotuvchilardagi ortiqcha mahsulotlardan xolos bo'lish uchun tashkil etiladi. Ularda bir necha sotuvchi va ko'p sonli xaridorlar muomalada bo'ladilar. Elektron birjalar an'anaviy birjalar singari bir sohada standartlashtirilgan mahsulotlarni taklif etish uchun tashkillashtiriladi. Kelajakda iste'molchi elektron bozorga tashrif buyurib, o'zining didiga ko'ra mahsulotlarni tanlab xarid qilishi mumkin. Bu sotuvchilarga hamkorlar bilan samarali ishlash, mijozga xizmat ko'rsatish vaqtini qisqartirish, buyurtmani rasmiylashtirishni soddalashtirish, bozorga iste'molchilarga ma'qul bo'lgan tovarlarni olib chiqishni ta'minlash imkonini beradi. Real vaqtda ishlash tartibi mahsulotlarni yetkazib berishdagi kamchilik va ortiqcha ishlab chiqarishdan xolos bo'lishga yordam beradi.

Morgan Stanley Dean Witter Internet Research konsalting kompaniyasi bunday tartibda faoliyat yuritishdanerishilgan tejamkorlikni biznes turiga qarab, umumiy xarajatlarning 15 foizdan 50 foizgacha deb baholanadi Foydalanuvchilar uchun axborot kanallarini tanlash jarayonini (navigatsiya)o'zlari boshqarayotgan global axborot muhiti sharoitida tijorat faoliyatining muvaffaqiyati, ular qiziqishlarini hisobga olinishi darajasiga bog'liq bo'ladi. Internet biznesning muhim jihati, uni kompaniyaning texnik rivojlanish darajasi, dasturiy ta'minot darajasi, sayt va boshqa xizmatlarning ishlash sharoitlariga kuchli bog'liqligidir. Yetakchi o'rinlarga chiqish uchun bunday ta'minlash ancha sarmoyalar kiritishni talab qiladi. Mijoz va hamkorlar bilan samarali teskari aloqani ta'minlay oladigan, texnologik jihatdan eng ilg'orlari bu – interfaol texnologiyalardir. Interfaol texnologiyalar mijozlar bilan aloqa o'rnatishning qulayligi, real vaqtda muloqotni tashkillashtirish, berilgan savolga javob olish, sovrinlar uchun o'yinlarda ishtirok etishni nazarda tutadi. Savollarga javob berishda saytga ilgari bajarilgan tashrif ma'lumotlariga asoslangan holda foydali maslahatlar berish, tovar yoki xizmatning qiziqarlivariantini taklif etish mumkin bo'ladi. An'anaviy biznesda ishlashning bunday usullarini aloqa vositalari orqali faqat ulgurji mijozlar yoki chakana savdo do'konlarida xaridor va sotuvchi-maslahatchi muloqot qilganda qo'llash qulaydir. Shuning uchun bunday xizmat mijozlar uchun qulayhamda kompaniyaga katta raqobat ustunliklarini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Gulyamov S.S., Ayupov R.H. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalar. Toshkent: TMI, 2019 yil.

2. Ayupov R.H., Boltaboeva G.R. – Raqamli iqtisodiyot asoslari. Toshkent: TMI, 2020 yil. 750 bet.

3. Ayupov R.H., Azizova M.I. – Raqamli iqtisodiyot asoslari fanidan uslubiy qo'llanma. Toshkent: TMI, 2019 yil. 160 bet.. Ayupov R.H. – Raqamli iqtisodiyot fani bo'yicha o'quv dasturi. Toshkent: TMI, 2019 yil.

4. Ayupov R.H. – Raqamli iqtisodiyot fani bo'yicha o'quv dasturi. Toshkent: TMI, 2019 yil.

OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA TALABALAR KONTINGENTI HARAKATINI ELEKTRON BOSHQARISH

Shamsitdinov Salohiddin Qamardinovich
Andijon davlat universiteti, katta oqituvchi

Taraqqiyotga erishish uchun raqamli bilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalarini egallashimiz zarur va shart. Bu bizga yuksalishning eng qisqa yo'lidan borish imkoniyatini beradi. Bugun dunyoda barcha sohalarga axborot texnologiyalari chuqur kirib bormoqda. Yurtimiz Xalqaro axborot kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish indeksi bo'yicha 2019 yilda 8 pog'onaga ko'tarilgan bo'lsa-da, hali juda ham orqadamiz. [1]

Zamonaviy hayotni tijorat tashkilotlarida ham, ta'lim muassasalarida ham samarali boshqarishsiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Bugungi kunga kelib, O'zbekiston oliy ta'lim muassasalarida juda ko'p talabalar tahsil olmoqda, ularning har biri haqida shaxsiy ma'lumotlar ta'lim muassasasidagi turli xil ommaviy axborot vositalarida saqlanadi, talabaniing universitetga kelishi (o'qishga qabul qilinishi, o'tkazilishi va hokozo) to'g'risidagi ma'lumot, mutaxassislik yoki yo'nalish, tayyorgarlik to'g'risida ma'lumot, ta'lim shakli va o'qitish asoslari va boshqa ko'plab ma'lumotlar shular jumlasidandir. Ushbu ma'lumotlar doimiy yangilanadi va universitetning o'quv bo'limi va ta'lim muassasasining boshqa tarkibiy bo'linmalari tomonidan doimiy ravishda qayta ko'rib chiqilishini talab qiladi. So'nggi ma'lumotlar asosida turli xil hisobotlar tuziladi va shartli harakat kuzatiladi. Hisobot statistikasi O'zbekiston respublikasi oliy va o'rta mahsus ta'limi vazirligiga va sub'ektlarga ma'lumot berish, davlat topshiriqlarini shakllantirish va davlat topshirig'ining bajarilishi to'g'risida hisobot berish, shuningdek bitiruvchilar to'g'risida Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligiga ma'lumot berish maqsadida yaratiladi. [2,4]

Universitet talabalari kontingenti xarakati talaba to'g'risidagi ma'lumotlarga ega bo'lgan turli xil protseduralarning bajarilishi tushuniladi. Masalan, talabalarni talabalikka qabul qilish, talabalar safidan chiqarib yuborish, bitiruv, talabalarni tiklash, ularni boshqa joyga o'tkazish, akademik ta'tilga chiqarish shular jumlasidandir. Bitta avlod talabalari faoliyati tugallangach, ularning faoliyati yopiladi va avlod talabalari faoliyati yaratiladi. Universitetda talabalarning taqsimlanishi va tegishli kontingent harakati asosan talabalarning o'qitish shakliga (kunduzgi, sirtqi va maxsus sirtqi) bog'liq. Shuningdek, o'qitishning asosi ham juda muhim mezon hisoblanadi unda davlat granti yoki shartnoma asosida o'qishi hisobga olinadi.

Buxgalteriya hisobiga ta'sir etuvchi omillar soni juda ko'p. Ulardan ba'zilarini sanab o'tamiz:

- 1) shaxsiy ma'lumotlar, fakultet, mutaxassislik, guruhi, imtiyozi;
- 2) talabalarni biron bir sababga ko'ra talabalar safidan chiqarish, qayta tiklash va akademik ta'tilga yuborish;
- 3) talabani boshqa universitetga, boshqa fakultetga yoki boshqa mutaxassislikka o'tkazish;
- 4) talabalarni bitirishi;
- 5) talabaning oilaviy holati;
- 6) stipendiyalar mavjudligi va toifalari;
- 8) yotoqxonada yashashi.

Ma'lumotlar bilan ishlash samarali bo'lishi tez va sifatli hisobotlar yaratilishi uchun barcha ma'lumotlar elektron ma'lumotlar bazasida (MB) saqlanishi kerak bo'ladi.

Ma'lumot almashishni ta'minlaydigan tarmoq texnologiyalarining tezkor modernizatsiya qilinishi munosabati bilan taqsimlangan ma'lumotlar bazasini boshqarish tizimlari texnologiyasini yaratish maqsadimiz uchun katta qadam bo'ladi. Markazlashtirilgan tizimlardan farqli o'laroq, ular foydalanuvchilarga o'z saytlarida saqlanadigan ma'lumotlarga va turli xil uzoq saytlarda joylashgan ma'lumotlarga kirishga va foydalanishga imkon beradi.

Universitet talabalari kontingenti harakati ma'lumotlar bazasi ko'p foydalanuvchilarning ish rejimini qo'llab-quvvatlashi va turli xil yozuvlarni tayyorlash, o'zgartirish, filtrlash, qidirish va o'chirishga imkon berishlari kerak.

Ma'lumotlar bazasida mavjud bo'lgan ma'lumotlar qat'iy ravishda yangilanishi va dolzarb bo'lishi kerak va har doim quyidagilarni o'z ichiga olishi zarurdir: 1) fakultetlar, kafedralar, guruhlarning nomlari, dars raqamlari. 2) talabalar to'g'risidagi ma'lumotlar (ismi, tug'ilgan sanasi, manzili, jinsi, o'qish shakli va asosi, o'qiyotgan yili, o'qish holati, talabalar soni, asoslari, imtiyozlari, o'zlashtirishi, stipendiyalari toifalari); 3) buyurtmalar to'g'risidagi ma'lumotlar (№, sanasi, turi); 4) talabaning buyruqlari harakati tarixi.

Ma'lumotlar bazasini loyihalash ikki asosiy bosqichdan iborat: mantiqiy va fizik modellashtirish. Mantiqiy dizayn bosqichida talabalar to'planadi va ma'lum bir ma'lumotlar bazasini boshqarish tizimidan (DBMS) mustaqil bo'lmagan model ishlab chiqiladi. Fizik modellashtirish bosqichida ma'lum bir MBBT uchun optimallashtirilgan model yaratiladi; aynan shu model amalga oshiriladi.

Ma'lumotlar bazasini yaratish jarayoni quyidagi bosqichlardan iborat:

- ma'lumot to'plash;
- ob'ektlarni aniqlash;
- ob'ektlarni modellashtirish;
- har bir ob'ekt uchun ma'lumot turlarini aniqlash;
- munosabatlarni aniqlash;
- normallashtirish;
- fizik modelni o'zgartirish; - ma'lumotlar bazasini yaratish.

Birdan oltigacha bo'lgan bosqichlar mantiqiy modellashtirish bosqichini, qolganlari fizik jihatini tashkil etadi.

Tizim domenini aniqlash va axborot modelini yaratish kontseptual dizayn bosqichining asosiy maqsadi hisoblanadi. Ushbu loyihaning asosiy yo'nalishi universitet talabalari to'g'risidagi ma'lumotlardir.

Kontseptual model bu barcha foydalanuvchilarning ushbu ob'ekt sohasi ma'lumotlar bazasiga qo'yiladigan kontseptual talablari. Shu bilan birga, ishlab chiqaruvchining sa'y - harakatlari asosan ma'lumotlar bazasining kelajakdagi foydalanuvchilariga tegishli ma'lumotlarni tuzishga va ular o'rtasidagi munosabatlarni aniqlashga qaratilishi kerak.

Hulosa qilib aytganda maqolada talabalar va ular to'g'risidagi barcha ma'lumotlarni saqlaydigan hamda foydalanish ushun joriy qiladigan ma'lumotlar bazasini, shuningdek mijozlar uchun ishlab chiqilgan ilova dasturini yaratish orqali universitet kontingenti harakati to'g'risidagi ma'lumotlarni samarali dasturiy hisobga olish mexanizmi amalga oshirilgan. Ushbu mexanizm asosida universitet kontingentining harakatini samarali o'z vaqtida kuzatishga imkon beruvchi dastur yaratish bosqichlari yoritib berilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Мирзиёев Ш. М.// Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлис депутатларига Мурожаатномаси.

2. Патрусова А.М., Слинкова О.К. Применение принципов менеджмента качества в образовательных учреждениях высшего профессионального образования // Труды Братского государственного университета. Серия: Экономика и управление. – 2013. – Т. 1. – С. 277-284.

3. Планкова Ю.В., Сыгодина М.В. Некоторые аспекты регионального развития системы высшего образования // Стратегия устойчивого развития регионов России. – 2014. – № 19. – С. 128-134.

4. Сыгодина М.В., Планкова Ю.В. Особенности менеджмента регионального вуза в контексте формирования качественного контингента // В сборнике: Воспроизводство интеллектуального капитала в системе высшего профессионального образования Материалы Всероссийской научно-практической конференции с международным участием / Министерство образования и науки ФГАОУ ВО НИУ «Белгородский государственный национальный исследовательский университет» Институт управления; ред. И.С. Шаповалова. – Белгород: ИД «Белгород» НИУ «БелГУ», 2013. – С. 168-174.

МОДЕЛИРОВАНИЕ ПРОЦЕССОВ УПРАВЛЕНИЯ ФАКТОРАМИ, ВЛИЯЮЩИМИ НА ЗАНЯТОСТЬ НАСЕЛЕНИЯ

Асракулов Абдурахмон Султонович

базовый докторант, Ферганский государственный университет

E-mail: firdavs_2003@mail.ru

С развитием социально-экономических отношений на современном этапе развития мировой экономики состояние занятости и ее формы существенно отличаются от традиционных подходов к занятости.

Анализ занятости населения мира по отдельным критериям в отчетах Всемирного банка показывает, что 61% занятых состоят из неофициально занятых, 52% являются оплачиваемыми занятиями, 26% из них составляют значительную и среднюю бедную часть населения. На основе этих данных исследование и анализ состояния занятости на рынке труда требует адекватного учета современных особенностей занятости в процессах ее регулирования и управления[1].

Эти обстоятельства требуют особого внимания к вопросу обеспечения сбалансированного развития рынка труда и его инфраструктуры, снижения уровня безработицы в стране.

В начальном этапе эконометрического анализа и моделирования социально-экономических показателей важно определить группу основных факторов изучаемого процесса. При этом объективность анализа повышает размещение факторов в эконометрической модели с правильным определением эндогенных факторов исследуемого процесса и экзогенных факторов, влияющих на него, а также степени их связи с результативным фактором.

Факторы, влияющие на занятость трудовых ресурсов в экономике, изучались различными исследователями, и в целом факторы, влияющие на занятость, можно разделить на 2 группы – внешние и внутренние факторы[2].

Внешние факторы, влияющие на занятость трудовых ресурсов – политические, экономические, технологические и социальные; внутренние факторы - особенности государственных структур по управлению занятостью, особенности спроса и предложения на рынке труда и особенности системы повышения квалификации, профессиональной подготовки и переподготовки трудовых ресурсов.

С использованием двух вышеперечисленных групп факторов было предпринято попытка определить факторы, влияющие на уровень занятости населения в современных условиях, с использованием анализа PEST (политические, экономические, социально-демографические, технологические факторы). Для проведения анализа PEST изначально были определены факторы, влияющие на эффективную занятость населения на рынке труда по 4 группам. В целях оценки степени влияния каждого фактора на занятость населения и значения данного фактора в составе каждой группы использованы заключения ведущих экспертов Министерства экономики и промышленности

Республики Узбекистан и территориальных управлений Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан (таб.1).

Таблица 1

Количество факторных показателей по Республике Узбекистан за 2011-2019 годы[3]

Показатели	Годы								
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Количество занятых в экономике (Y), тыс. чел.	11919,1	12223,8	12523,3	12818,4	13058,3	13298,4	13520,3	13273,1	13376,0
Среднемесячная номинальная заработная плата (X ₁), тыс. сум	628,1	739,7	865,9	1007,9	1171,7	1293,8	1457,8	1822,7	2243,9
Объем инвестиций в основной капитал на душу населения (X ₂), тыс. сум	709,6	821,3	1008,2	1224,0	1431,7	1608,6	2227,8	3769,6	4097,3
Рост населения трудоспособного возраста (X ₃), тыс. человек	380,0	332,9	296,4	230,1	212,9	183,8	169,3	181,6	197,9
Количество действующих предприятий (X ₄), тыс. ед.	213,1	238,6	266,4	273,6	278,4	285,4	300,2	323,5	341,7
Индекс потребительских цен (X ₅), %	107,6	107,0	106,8	106,1	105,6	105,7	114,4	114,3	115,2
Миграционное сальдо (X ₆), чел.	-47584	-40952	-34566	-38562	-29299	-26248	-18599	-14729	-13892
Доля малого бизнеса и частного предпринимательства в занятости (X ₇), %	75,1	75,6	76,7	77,6	77,9	78,2	78,0	76,3	77,3

Указанные воздействующие экзогенные факторы, а также эндогенный фактор, отражающие численность занятого населения в экономике, были выделены из состава официальных данных Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике за 2011-2019 годы и внесены в таблицу (таб.1).

Линейная связь использовалась для построения эконометрической модели, отражающей влияние факторных показателей на занятое население. Определены отдельные модели, основанные на регрессионном анализе в виде корреляции экзогенных факторов в виде временных рядов, получаемых как высокие уровни воздействия и силы на уровень занятости населения (таб.2).

Таблица 2

Прогноз численности занятого населения в экономике на 2020-2022 годы

Показатель	Модель	Годы		
		2020	2021	2022
Количество занятых в экономике, тыс. чел.	$y = 0,467X_1 - 0,172X_2 - 4,629X_3 - 2,235X_4 + 14,925X_5 + 0,015X_6 + 57,63X_7 + 8770,695$	14409,5	14665,7	14916,0

При рассмотрении надежности выявленных моделей коэффициент множественной корреляции указывает на высокую плотность связи экзогенных факторов, т. е. $r_{yx}=0,9998$. В зависимости от коэффициента корреляции во множественном числе степень связности остатков также высока ($R^2=0,9997$). Степень значимости критерия Фишера равна 0,03, критерия Дарбина-Уотсона (DW) - 1,97, ошибка аппроксимации прогнозных показателей, рассчитанных на 2020-2022 годы через уравнение регрессии - 0,43%.

Исходя из проведенного анализа факторов, влияющих на занятость населения, считаем необходимым деятельность соответствующих структур национального и территориального государственного управления по повышению уровня занятости трудовых ресурсов на рынке труда нашей страны в следующих направлениях:

1. Увеличение количества новых рабочих мест за счет организации деятельности новых субъектов предпринимательства.
2. Планирование ежегодного увеличения численности трудоспособного населения за счет естественного прироста населения.
3. Увеличение числа предприятий с оптимальным количеством занятых за счет оптимизации объемов производства (оказания услуг) предприятий.
4. Стабилизация индекса потребительских цен (уровень инфляции).
5. Правовое регулирование миграционных процессов.
6. Увеличение номинальной заработной платы населения пропорционально уровню инфляции и объему потребительской корзины.

В результате деятельности указанных направлений в стране будет обеспечено эффективное состояние занятости, а в ближайшей и среднесрочной перспективе благодаря моделированию будет стабильно повышаться уровень благосостояния населения за счет повышения уровня занятости.

Список использованной литературы

1. World Employment and Social Outlook: Trends 2019. International Labour Office. – Geneva: ILO, 2019. pp. 5-6.
2. Узькова Е.С., Узьков М.Н. Занятость и эффективная занятость в российской экономике // Проблемы прогнозирования. - 2011. - № 6. - С. 89-101.
3. Официальные данные Госкомстата Республики Узбекистан (http://web.stat.uz/open_data/uz/).

ИЖТИМОЙ СОҶАДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Ҳакимов Ғулом Қувондиқвич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт бошқармаси техник таъминот ва эксплуатация бўлими мутахассиси
E-mail: techdep@edu.uz

Бугунги кунда таълимни инсонпарварлаштириш ва таълим мазмунининг моҳиятини шахсга йўналтириш амалиёти, айниқса олий таълим тизимида яққол кўзга ташланмоқда. Инсон фаолиятини бошқариш анча мураккаб ҳисобланади. Бошқарувда, ана шу боис таълимда инсон омилини бошқаришнинг ўзига хос белгилари мавжуд. Бу белгиларни иқтидорли менежер П.Сенге қатор соҳалар билан боғлаб изоҳлайди.

П.Сенге уни соҳалар деб баҳолашда эса техник объектлар эмас, балки инсоннинг феъли, хулқ-атвори туради. Шунга кўра П.Сенге таълим жараёнини бошқаришда уни бешта тармоққа: тафаккур мажмуи, ўз-ўзини такомиллаштириш маҳорати, интеллектуал модел, умумманфаат йўлидаги фаолият ва гуруҳий таълимга бўлади [1]. Шунинг эътирофи этиш керакки, таълим жараёнининг шахсга йўналтирилганлик бошқарув услуги инсоннинг табиий, ижтимоий ва маданий хусусиятлари бирлиги ривожланишига қаратилган бўлади. Бундай ёндашув намоёндалари Кудряцев П.О., Селевко Г.К. Унт Генге, Кларин М.В. ва бошқалардир [2, 3, 4]. Албатта бундай ёндашувнинг давр талабига мос келиши уни кўп жиҳатдан замонавий менежмент билимлари билан уйғунлигида кўринади.

Иқтисодий ўсишни таъминлашда интеллектуал салоҳиятни ошириш муҳим ўрин тутаяди. Таълим тизимини янада ривожлантириш интеллектуал салоҳиятни оширишдаги муҳим омиллардан бири саналади. Истиқболда Ўзбекистон Республикасининг инновация, илмий ва техника ютуқлари соҳасида юқори даражали қўшимча қийматни яратиш қобилиятига эга, илмталаб маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи мамлакат сифатида ривожланиши учун таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар натижалари самарадорлигини ошириш талаб этилади.

Маълумки, менежмент амалиётида бошқарув тизими таркибига режалаштириш, ташкил этиш, мотивлаштириш, назорат ва тартиблаштириш киритилади [5].

ОТМ лар фаолиятини бошқариш самарадорлигини интеграл баҳолаш натижаларига таяниб, Ўзбекистон Миллий университетини, умуман ҳар қандай ОТМни, истиқболда ривожлантириш бўйича бошқариш тизимини такомиллаштиришдаги муаммоларни муҳимлиги ва амалга ошириш муддати бўйича турларга ажратиш ҳамда уни ҳал этишнинг муҳим йўналишларини аниқлаш морфологик усули ёрдамида амалга оширилди.

Таҳлил шуни кўрсатадики, ОТМ фаолиятини бошқариш самарадорлиги истиқболда оширишда пайдо бўладиган муаммоларни «самарали» ҳал этишда «бошқарув таркибий тузилмасини ихчамлаштириш ва инновациялаштириш» йўналиши устунликка эгадир. Кейинги ўринда «олий таълим тизимини бошқаришда бозор механизмларини шакллантириш» ва «фаолиятни таҳлил қилиш ва баҳолашда индикатив тизимни жорий этиш» йўналишлари эгаллайди.

«Муқобил» ҳал этишда «олий таълим тизимида хусусий секторни шакллантириш», «олий таълим соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш», «мустаҳкам ресурс таъминоти шакллантириш» йўналишлари ўрин эгаллайди.

«Мумкин» доирасида ҳал этишда «янги молиялаштириш манбаларини излаб топиш» ва «мониторинг тизимини жорий этиш» йўналишлари эгаллайди. Ушбу жадвал маълумотларини горизонтал йўналишда таҳлил қилсак ОТМ ларни истиқболда ривожлантиришда бошқариш тизимини такомиллаштиришда пайдо бўладиган алоҳида муаммони ҳал этиш йўналишлари муҳимлиги кетма-кетлигини аниқлашга эса бўламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ОТМ ларни истиқболда ривожлантиришда бошқариш тизимини такомиллаштиришда пайдо бўладиган муаммоларни ҳал этишдаги муҳим йўналишларнинг асосий қисми ташкил этиш соҳасига тўғри келади.

Республикамизда Олий таълим тизимини самарали бошқариш энг аввало бошқарув субъекти бўлган инсон омилига, хоҳ у талаба ёки профессор-ўқитувчи бўлсин, ёки ходим бўлсин бундан қатъий назар, унинг манфаатлари ҳамда эҳтиёжларини қондирилишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ана шу маънода таълимни мазмунини ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда такомиллаштириб бориш битирувчилар касбий лаёқатини келгусида эгаллайдиган мутахассислиги бўйича вазифасига мотивацион ёндашувини, бир сўз билан айтганда олий таълим бошқаруви тизимида ходимларни бошқариш малакасини ҳам шакллантириб бориш зарур.

Бошқача айтганда талабалар гуруҳини бошқаришдан тортиб олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, ходимларини бошқаришга қадар бўлган ишларни умумуслубий асосига эга бўлиш керак. Бу жараён нафақат олий ўқув юрти балки умуман бошқарув жараёнининг умумий тамойилларига асосланади.

Юқоридаги фикрлардан инсоннинг эҳтиёжларини таҳлил қилувчи мотивация назариясига таянган ҳолда, «инсон фақат пул учун ишлайди» деган ибора буткул тўғри эмаслигини кўришимиз мумкин.

ОТМлар фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг муваффақиятли ривожланишининг асосий омили бўлиб, ишчиларнинг меҳнатга ва касбий ўсишига бўлган мотивацияси ҳисобланади. Умуман бозор иқтисодиёти шароитида мотивациядан бошқарув усули сифатида фойдаланилади.

Юқорида келтирилганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ОТМ бошқарувида ходимларни хилма-хил эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мотивация функцияларининг ўзаро муносабатлари нисбатидан келиб чиқадиган ташкилий муҳит турларини тўғри қўллай олишимиз, ОТМда мотивациянинг

бошқарув воситаси сифатида катта аҳамиятга эга эканлигини англаб етишимиз, ОТМларнинг ишни ташкиллаштириш ва режалаштириш, уни такомиллаштириш усуллари ишлаб ёки қайта кўриб чиқиш вариантларидан фойдалана олишимиз, ходимлар меҳнатининг самарадорлигига эришиш имконияти туғилишига, бу эса ўз навбатида олий мақсад ҳисобланган ОТМ ютуғига сабаб бўлади.

Тадқиқот жараёнида ОТМнинг фаолиятини бошқариш самарадорлиги тизим ости элементларининг интеграл кўрсаткичлари асосида Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизими ривожланиш самарадорлигини бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари матрицаси тузилди. Матрицани шакллантириш жараёнида биз томондан ишлаб чиқилган ОТМ фаолиятини инновацион бошқарув самарадорлигини баҳолаш услубидаги тизим таркибий қисмлари интеграл баҳо кўрсаткичлари асос қилиб олинди. Бошқариш самарадорлиги интеграл баҳо кўрсаткичларининг «паст», «ўртача» ва «юқори» даражалари бўйича бошқариш самарадорлигини ошириш чоратadbирлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Миллий университети учун келгусида фаолиятни бошқариш самарадорлигини оширишнинг «Олий таълим тизимида лойиҳавий ривожланиш тизимини жорий этиш» варианты энг муқобил саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сенге П. Пятая дисциплина искусств и практика самообучающейся организации (Пер. с англн.). – М.: ЗАО «Высшей бизнес», 2003. – С.37.
2. Кларин М.В. Инновация в мировой педагогике. – Рига, 2008. – 676с.
3. Кудряцев П.О. Проблемное обучение. Исток и сущность знание. – М.: Педагогика, 2001. – 432с.
4. Селевко Г.К. и др. Дифференциация обучения. – Ярославль: Педагогика, 2006. – 421с.
5. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент : Дарслик. – Т.: Шарқ, 2002. – 704 б.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТДА ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Аппанов Зийнатилла Ҳикматила ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети 2-босқич магистранти

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Ядгаров Акрам Акбарович

Рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакатимизда мавжуд реал сектор корхоналарини барқарор фаолият юритишини таъминлаш асосида аҳолининг эҳтиёжларини кондириш ҳамда бандлик даражасини оширишга қаратилган долзарб вазифаларни ҳал қилиш муҳим вазифалардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидаги фикрларни яъни, “Энг асосийси, бу

ислохотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиш беришимиз керак. Одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур. Бу ғоят долзарб ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди” дея таъкидлаб ўтилган [1].

Мамлакатимизда кейинги йилларда банкротлик таомилларини соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди, соҳани ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Шу билан бирга, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича банкротлик иши кўзғатилгунга қадар амалга ошириладиган судгача санация, шунингдек банкротлик иш кўзғатилган пайтда банкротликнинг соғломлаштириш жараёнлари амалиётда умуман қўлланилмаяпти, мамлакатимизда корхоналар мулкани сотиш орқали қарзи қопланиб тугатилмоқда.

Иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш амалиётини кенг жорий этиш, шунингдек 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш белгилаб берилди [2].

Бугунги кунда корхоналарни давлат эгалигида (ихтиёрида) сақлаб қолишни асословчи мезонларни аниқлаш, давлат иштирокидаги корхоналар ва хусусий корхоналар учун тенг шароитларни яратиш, давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, бундай корхоналар функцияси, мақсади, уларга эгалик қилиш асосларини белгилаш, давлат корхоналаридаги назорат ва мулкдор функцияларини ажратишга нисбатан эҳтиёж ҳамда зарурат тобора ортиб бормоқда.

Бундан ташқари, давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарув ва назорат органлари жавобгарлигини кучайтириш, давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш, давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш, товар ва молия бозорларида устунлик мавқеига эга давлат иштирокидаги корхоналар сонини қисқартириш, давлат иштирокидаги корхоналарни тузишда монополияга қарши курашиш органининг олдиндан розилигини олиш механизминини қўллаш ҳам долзарб масалалар қаторида турибди.

Давлат дастури асосида айни шу вазифаларни бажариш мақсадида алоҳида қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳада шунингдек, жорий йилда камида 20 та акциядорлик жамияти акцияларини бирламчи ва иккиламчи (IPO ва SPO) жойлаштириш орқали сотиш, нефть-газ соҳасидаги давлат корхоналарини бошқаришга хорижий экспертларни жалб қилиб, уларнинг самарадорлигини ошириш, харажатларини оптималлаштириш, қарз миқдорини камайтиришга эришиш чоралари акс эттирилиши кутилмоқда.

Яна бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланиб, уларда давлат кўчмас мол-мулкни ижарага бериш тизимини такомиллаштириш, давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган хўжалик жамиятларининг кўчмас мол-мулкни ижарага беришни тартибга солиш, давлат муассасалари ва корхоналари балансидаги автотранспорт воситаларини баҳоланган қийматда, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар ҳамда устав фондининг 50 фоизи ва ундан юқориси давлат улуши бўлган корхоналарга тегишли юридик шахсларнинг кўчмас мол-мулкни электрон савдода сотиш амалиётини йўлга қўйишни белгилаш режалаштирилган [3].

2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 27656,7 млрд. сўм миқдорда якуний молиявий натижа олинди. 2018 йилнинг шу даврига нисбатан солиш-тирилганда фойда 39,6 %га кўпайган [4]. Дастурда иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш орқали бу борадаги тартиботларнинг кенг жорий қилинишини рағбатлантириш, жисмоний шахсларнинг банкротлик жараёнларини тартибга солувчи нормаларни жорий этиш, тўловга қобилиятсизлик таомили қўлланилган корхоналарга нисбатан солиқ имтиёзларини бериш қоидаларини амалиётга киритиш мақсадида тўловга қобилиятсизлик ҳақидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш алоҳида кўрсатиб ўтилган.

1-жадвал

2019 йилнинг январь-ноябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	Корхоналар сони	Зарар суммаси	
		млрд. сўм	жамига нисбатан %да
Жами	232	8254,6	100,0
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	2	7,1	0,1
Ишлаб чиқарадиган саноат	42	704,1	8,5
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	25	1177,9	14,3
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	5	82,4	1,0
Қурилиш	8	14,2	0,2
Савдо	61	333,5	4,0
Ташиш ва сақлаш	35	4990,1	60,5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	15	30,1	0,4
Ахборот ва алоқа	7	9,7	0,1
Профессинал, илмий ва техник фаолият	2	3,6	0,0
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	4	2,3	0,0
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	8	72,0	0,9
Бошқалар	18	827,6	10,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида. 2019 й.

Рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини камайтириш борасида қуйидаги таклифларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир, яъни, биринчидан корхоналар ўртасида маҳсулот ва хизматлар олди-сотдиси бўйича тузилаётган шартнома шартларига амал қилишни таъминлаш, иккинчидан дебиторлик қарздорлик ҳолатларини олдини олиш ва бартараф этиш чораларини кўриш, учинчидан ҳар қандай корхона бошқарувида халқаро сифат менежменти тизими асосида самарали бошқарувни шакллантириш, тўртинчидан маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар, олинган аванслар, бюджетга тўловлар бўйича қарз, суғурта бўйича қарз, давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз, таъсисчиларга қарзлар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзларни ўз вақтида тўловни амалга ошириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи, 25 январь, 2020 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириш ҳамда тижорат банкларининг қўчмас мулк объектлари негизида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. 20.04.2017 й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида. 2019 й.

АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РАҚАМЛИ ЛОГИСТИКАНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЎРНИ

Маткаримов Комолиддин Журабаевич

Наманган муҳандислик-технология институти, и.ф.н., доцент

E-mail: k.j.matkarimov@mail.ru

Бугунги кунда бутун дунёда иқтисодиётни янги тараққиётга босқичига олиб чиқиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш долзар масалалардан бирига айланди. Ҳозирги даврда дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда.

Халқаро электр алоқалари иттифоқи (International Telecommunication Union)нинг услугиёти бўйича дунё мамлакатларининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасидаги ютуқларини тавсифловчи Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси (ICT Development Index) эълон қилиб борилади. Маълумки бу индекс 2007

йилда ишлаб чиқилган бўлиб, уни аниқлашда Халқаро электр алоқалари иттифоқи томонидан тавсия этилган индекс индикаторлари глобал, минтақавий ва миллий даражада қиёсий таҳлил қилиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган ягона мезонга келтирилиши мумкин бўлган 11 та кўрсаткичдан иборат.

Ушбу кўрсаткичлар ахборот коммуникация технологиялари (АКТ)дан фойдаланиш имконияти, улардан фойдаланиш даражаси, шунингдек ушбу технологияларни амалий билиш даражаси, жумладан: мамлакатнинг ҳар 100 аҳолисига тўғри келадиган шаҳар ва мобил телефонлар сони, компьютер билан таъминланган уй хўжаликлари сони, Интернетдан фойдаланувчилар сони, саводхонлик даражаси ва бошқалар бўлиб, бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунё мамлакатлари рўйхатида 4,9 индекси билан 95-ўринни эгалламоқда. Бу рейтингда Исландия (8,98), Жанубий Корея (8,85), Швейцария (8,74), Дания (8,71), Буюк Британия (8,65) мамлакатлари етакчилик қилаётган бўлса, МДХ давлатларидан Беларусь 32-ўрин (7,55), Россия 45-ўрин (7,07), Қозоғистон 52-ўрин (6,79), Озарбайжон 65-ўрин (6,2), Қирғизистон 109-ўрин (4,37)ларни эгалламоқда.

Ўзбекистон бу кўрсаткич бўйича Осиё давлатлари ичида 17-ўринни эгалламоқда. Осиёда Жанубий Корея 2-ўрин (8,85), Гонконг 6-ўрин (8,61), Япония 10-ўрин (8,43), Сингапур 18-ўрин (8,05), Бахрейн 31-ўрин (7,6) билан етакчилик қилмоқда [5]. Юқоридаги маълумотлар ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича бажарилиш зарур бўлган ишлар ҳали кўплигини кўрсатмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Олий мажлисга мурожаатномасида ушбу масалага тўхталиб, “Юртимиз “Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси” бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат” – деб таъкидлаганликлари [1] ва республикамизда 2020 йилни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” – деб номланганлиги ҳам ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра Алоқа ва коммуникация соҳаси бўйича республикамизда қуйидаги кўрсаткичларга эришилди:

2020 йил 1 январь ҳолатига кўра “Ахборот ва алоқа” иқтисодий фаолиятида 7901 та корхона ва ташкилотлар (деҳқон ва фермер хўжалиқларидан ташқари) фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сони 13,3 % га кўпайган;

2019 йил январь-декабрь ойларида алоқа хизматлари ҳажми 9269,8 млрд. сўмга тенг бўлди ва ўтган йилга нисбатан (амалдаги нархларда) 3,4 % га ўсди;

мобиль алоқа хизматлари (Интернетни қўшган ҳолда) умумий алоқа хизматлари ҳажмида 59,0 % ни ташкил этди ва 5466,4 млрд. сўмга, шу жумладан аҳолига кўрсатилган хизмат 5099,4 млрд. сўмга тенг бўлди;

2020 йил 1 январь ҳолатига мобиль алоқа билан таъминланган абонентлар сони 23846,7 минг кишини, шу жумладан аҳолида 23069,0 минг абонентни ташкил этди. Аҳолининг мобиль алоқа билан таъминланганлиги ҳар 100 киши ҳисобига 69 бирликни ташкил этди;

2020 йил 1 январь ҳолатига Интернет тармоғига уланиш хизматларини кўрсатиш учун рухсатномага эга хўжалик юритувчи субъектлар сони 493 бирликни, жамоавий уланиш пунктларининг умумий сони эса 269 бирликни ташкил этди;

2019 йил январь-сентябрь ойлари билан таққослаганда халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказиш қобилияти 1200,0 Гбит/с даражасида қолди [6].

Президентимиз томонидан ахборот технологиялари соҳасида ҳали қилинадиган ишлар кўплиги, эришилган натижалар бошқа давлатларга қараганда анча паст кўрсаткичда эканлигини кўп марта таъкидлаб ўтилди.

Жаҳонда АКТ ва логистиканинг ривожланиши бўйича жаҳон рейтингда Фарбий Европа ва Осиёнинг ривожланган мамлакатлари етакчиликни эгаллаб келмоқдалар. Дунёда логистика ривожланишининг умумий индекси (LPI- logistic performance index) юритилиб, унда Германия Федератив Республикаси етакчи ҳисобланади ҳамда унинг индекси максимал 5 балли мезонда 4,45 баллни ташкил этмоқда. Етакчи мамлакатлар АКТ соҳасининг ялпи ички маҳсулотига (ЯИМ) улуши Жанубий Кореяда – 9 %, Японияда – 5,5 %, Хитой ва Ҳиндистонда – 4,7 % ташкил қилмоқда [4]. Ўзбекистонда 2,2 фоизни ташкил этади. Буни ахборот-коммуникация ривожланиш индекси рейтингдаги 176 та мамлакат ичида Ўзбекистон 95-ўринни эгаллагани ҳам кўрсатиб турибди.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида логистиканинг ривожланиши ва уни инвестициялаш турли мамлакатларда иқтисодий сиёсат, географик, демографик ҳолатлари, урбанизация ва муайян ҳудудларнинг умумий инфратузилмасининг ривожланиш даражасига қараб турлича амалга оширилмоқда. Жаҳон амалиётида компания логистик жараёнларини ривожлантиришда бир қатор муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш юзасидан мақсадли илмий изланишлар ташкил қилинган бўлиб, жумладан компания логистик фаолиятини янада самарали ривожлантириш масалаларига мажмуавий ёндашиш, автоматлаштирилган ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, материаллар ҳаракатини тезлаштириш, маҳсулот сифати ва логистик компаниянинг самарали фаолият кўрсатишини эътиборга олган ҳолда мавжуд услубий ёндашувларни ҳамда АКТ асосида логистик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда [3].

Республикамызда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан изчил иш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини бошқариш ва жорий этиш соҳасидаги бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар ушбу соҳанинг жадал ривожланишига, сифатли ахборот хизматларини кўрсатишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

электрон тижоратда интеграциялашган савдо ва маркетинг платформалари, интернет-дўконлар, тўлов тизимларини, шунингдек, логистика тизимларини жорий этишга етарлича эътибор қаратилмаяпти, бу иқтисодиёт ва тадбиркорлик ривожланиши, чет эл инвестициялари жалб қилиниши тўхтатиб турилишининг сабабларидан бири бўлмоқда;

кўплаб давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ва тезкорлигини ошириш, бюрократик тартиб-таомилларга барҳам бериш, қоғоз ҳужжат айланишини камайтиришга қаратилган ахборотлаштириш ҳамда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш лойиҳаларини амалга ошириш масалаларига етарлича эътибор берилмаяпти [2]

Логистика тизимида, хусусан транспорт логистика тизимида ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиш ҳолатининг ўрганиш ва таҳлил этиш асосида республикамизда рақамли логистикани ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга оширишни зарур деб ҳисоблаймиз: транспорт тармоғининг рақамли инфратузилмасини яратиш учун ахборот базасини шакллантириш автомобиль транспортида ташишларни бошқариш тизимида автоматлаштирилган тизимлар ва дастурий таъминотларни яратиш ва жорий этиш; шаҳардаги транспортда мобил ечимларни жорий қилиш; норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва такомиллаштириш ва халқаро қонунчилик ва стандартлар талаблари билан уйғунлаштириш; жамоат транспортдан фойдаланишни соддалаштириш учун мобил иловаларни техникавий ишлаб чиқариш (Яндекс.Транспорт ва бошқалар);

ПОС, ПОТ ва ПОМ жорий қилиш орқали авиачипталарни сотиш функцияларини ахборот технологиялари компанияларга (Google, Amazon ва бошқалар) ўтказиш;

автоматлаштирилган бошқариш ва ахборотни тўплаш тизимини (масалан, SCADA тизими) амалга ошириш; ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини кўллаб-қувватлаш учун харажатлар улушини кўпайтириш;

-интернет тармоғининг узатиш тезлиги ошириш, ҳеч бўлмаганда жаҳондаги ўртача кўрсаткич 32,5 Мб/с даражасига етказиш;

-фуқаролар учун электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда рақамли логистика етарли даражада ривожланмаган. Юқорида келтирилган таклифлар логистика, жумладан транспорт логистикасида ахборот-коммуникация технологияларни қўллаш орқали иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. <https://pv.uz/uz/newspapers>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сонли Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.02.2018 й., 06/18/5349/0792-сон; 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда).

4. Одилов Ш.Ф. Компания логистик жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида такомиллаштириш механизмлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент-2018, 58 бет.

5. gtmarket.ru/ratings/ict-development-index.

6. stat.uz.

VIRTUAL KORPORATSIYA

Ro'zimov Bahromjon Bahodirjonovich

Andijon davlat universiteti doktoranti

E-mail: bahromjon7174@inbox.ru

Virtual korporatsiya — bu virtual mahsulot, ishlab chiqaruvchilar ongida, ishlab chiqarish tizimlarining imkoniyatlarida mavjud bo'lgan va yaqin kelajakda iste'molchilar muhtoj bo'ladigan mahsulotni ishlab chiqarishga qodir firma.

Virtual korporatsiyani boshqarish virtual narxlar zanjirini aniqlash va tahlil qilishga asoslangan. An'anaviy narxlar zanjiri o'z ichiga faoliyatning ma'lum tayanch turlarini, misol uchun kiruvchi logistika, amallar, chiquvchi logistika, marketing, sotish va xizmat ko'rsatishni oladi. Faoliyatning ushbu tayanch turlari ma'lum qo'shimcha omillar, masalan, firma infratuzilmasi, sotib olish faoliyati, inson resurslari va mahsulotni ishlab chiqish bilan qo'llab-quvvatlanadi. An'anaviy narxlar zanjiri jismoniy zanjir deb ataladi. Virtual narxlar zanjiri nafaqat jismoniy narxlar zanjiri ishlashini ta'minlaydi, balki axborot qanday qilib, firma narxini oshirishini ko'rsatib beradi. Jismoniy narxlar zanjirining har xil qismlaridan yig'ilgan axborot tegishli axborot texnologiyalari va tizimlarining ma'lum tuzilmasi yordamida birlashtirilishi mumkin. Bunday tuzilma organizmning har xil qismlaridan kelib tushadigan axborotni to'playdigan markaziy asab tizimi tuzilmasiga o'xshaydi.

Narxlar zanjiri qismini virtuallashtirish quyidagi ikki variantdan birini anglatishi mumkin:

1. Faoliyatning mavjud turlarining samaradorligini oshirish uchun ichki texnologiyalardan foydalanish. Bunga misol tariqasida, asosini avtomatlashtirilgan loyihalashtirish fayllari tashkil etgan virtual fabrika yaratilishini keltirish mumkin. Ishlab chiqaruvchi ushbu fayllarni o'z stanoklariga yuklab, detal yasashi mumkin.

Mazkur jarayon kun emas, soniyalarda amalga oshirilishi mumkin va tannarxi ancha past bo‘ladi. Ushbu holda narxlar zanjirining amallarqismini vertuallashtirish tashqi ishlab chiqaruvchilarning tarmog‘ini yanada samaraliroq boshqarishni anglatadi. Bunday tizim so‘nggi daqiqagacha ayrim qismlarning loyihalariga o‘zgarishlar kiritishga imkon beradi, sarf-xarajatlarni tejaydi, texnik qayta ishlarning hajmini kamaytiradi.

2. Jismoniy maydonda oldin qilinmagan ishlarni bajarish uchun virtual maydonga murojaat qilish. Bunga virtual loyiha guruhini yaratish misol bo‘la oladi. Uning a‘zolari jismonan bir joyda va bir vaqtda birga bo‘lmaydi. Tajriba namunalari kompyuterda modellashtiriladigan sharoitlarda yaratiladi va testdan o‘tkaziladi. Natijada ishlab chiqaruvchilarning samaradorligi oshadi va mahsulotning ko‘p sonli iste‘molchilar uchun shaklini o‘zgartirish imkoniyatlari kengayadi.

Narxlar zanjirining alohida qismlarini vertuallashtirishga misollar keltiramiz:

-kiruvchi logistika. Yetkazib beruvchilarni boshqarish zahiralarni minimumgacha qisqartirishga imkon beradigan savdo amallarining tarmoq chizmasi yordamida amalga oshiriladi. “Parallel loyihalash” tizimlaridan foydalaniladi, bu esa bir-biri bilan kesishib ishlaydigan va axborot vositalari yordamida o‘zaro munosabatda bo‘ladigan mahsulot ishlab chiqarish bo‘yicha guruhlarining yaratilishiga olib keladi;

-foydalanish. An‘anaviy narxlar zanjirining ushbu qismi tarmoq ishlab chiqarishini tashkil etish orqali vertuallashtirilishi mumkin. Bunga misol bo‘lib, kompaniya maqsadlariga erishish uchun ishlaydigan tashqi firmalar birlashmasini yaratish xizmat qiladi. Bunday birlashma birgalikda axborotdan foydalanishni ko‘zda tutadigan o‘zaro ishonchga asoslangan bo‘ladi;

-chiquvchi logistika mahsulotlar va xizmatlarni firmadan xaridorga yetkazib berilishi bilan bog‘liq bo‘ladi. Bu yerda vertuallashtirishga misol bo‘lib, yetkazib berishning an‘anaviy yo‘llarini chetlab o‘tadigan to‘g‘ridan-to‘g‘ri sotish modeli xizmat qiladi. Boshqa bir misol–jismoniy mavjud bo‘lgan filiallarda ehtiyojni kamaytiradigan haqiqiy vaqt rejimidagi bank amallari. Uchinchi misol – aviakompaniya tomonidan doimiy mijozlarga sayyohlik kompaniyalari agentlarini chetlab o‘tib, chiptalarga maxsus narxlar haqida xabar berish kiradi;

-marketing. Ushbu faoliyatni vertuallashtiruvchi firmalar, shu yo‘l bilan imkoniyatli xaridorlarga o‘z mahsulot va xizmatlari to‘g‘risida ma‘lumotni masofadan berish imkonini taqdim etadilar. Ayrim firmalar imkoniyatli xaridorlarni o‘z mahsulotlarini ishlab chiqarish jarayoniga jalb qiladilar, shu yo‘l bilan ular uchun mahsulot va xizmatlarning shaklini o‘zgartiradilar. Bundan tashqari, iste‘molchilar haqida katta hajmdagi axborotni muntazam yig‘ib boradigan ixtisoslashtirilgan kompaniyalardan foydalaniladi;

-xizmat ko‘rsatish. Vertuallashtirish misoli bo‘lib quyidagilar xizmat qiladi: liftlarni masofadan monitoring qilish, kommunal xizmatlar o‘lchagichlarining ko‘rsatmalarini masofadan turib to‘plash, masofadan tibbiy yordam ko‘rsatish, parvoz vaqtida samolyot dvigatelining ishini masofadan nazorat qilish.

Virtual korporatsiyaning asosini uchta element shakllantiradi:

1) axborot texnologiyalari va tizimlarining tayanch infratuzilmasi;

- 2) virtual narxlar zanjirlari;
- 3) xaridorlarning virtual birlashmalari.

Xaridorlar o'rtasidagi yangi munosabatlar ularga firmani vertuallashtirishdan yanada to'laroq foydalanish, firmaga esa xaridorning ehtiyojlarini iloji boricha, to'laroq qondirishga imkon beradigan virtual hamjamiyatlar bo'lish imkoniyatini taqdim etishi lozim. Bunday birlashmani yaratishga misol – nashriyotning o'z xaridorlarini kitoblar to'g'risida fikrlar yozishga, keyin esa ushbu yozuvlarni Internetda chop etishga ishontirishga undashi. Boshqa misol – o'xshash mahsulotlarni yaratish va ularni tarmoqda tavsiflash, ushbu mahsulotni ishlab chiqqan guruh bilan teskari aloqani o'rnatishga yordam beradi.

Mahsulotni ishlab chiqish va kompaniya faoliyatining boshqa turlarida ishtirok etadigan iste'molchilarning ixtisoslashtirilgan birlashmalarini yaratish qobiliyati, sarf-xarajatlarni kamaytirish va mahsulot ishlab chiqish samaradorligini oshirish hisobiga bevosita mahsulot narxini keltirib chiqaradigan imkoniyatli raqobatchilar uchun kirish to'sig'i sifatida harakatlanib, qiymatini bilvosita hosil qiladi. Qiymat zanjirining barcha qismlarini vertuallashtirish egiluvchanlikni oshiradi, keng doiradagi resurslardan foydalanish va virtual birlashish uchun imkoniyatlar yaratadi. Bularning hammasi firmalarning o'zlari yaratgan virtual birlashmalarda rasmiy va norasmiy bilimlarni egallash qobiliyatini nazarda tutadi. Rahbarning mahorati bu bilimlarni boshqarish va virtual hamkorlar hamda yaratilgan hamjamiyatlar bilan munosabatlarni tartibga solishga qaratilgan bo'ladi.

Bilimlar korporatsiyasi konsepsiyasi virtual korporatsiya konsepsiyasiga juda yaqin, ammo unda firmaning nomoddiyaktivlari sifatidagi bilimlariga urg'u beriladi. Bilimlar korporatsiyasi – bu bilimlarni raqobatbardosh ustunliklar uchun asos bo'lib xizmat qiladigan, eng qadrlil aktivlar sifatida muhimligini tan olgan firmadir. Bundan tashqari, u mazkur nomoddiy aktivni taqsimlash va ko'paytirish, yangi tashkiliy shakllar yaratilishida axborot tizimlardan foydalanish mumkinligi tan oladi.

Bilimlar korporatsiyalari nomoddiy kapitali tashkiliy, insoniy va bilimlar kapitalidan iborat. Tashkiliy kapital – bu uzoq muddat mobaynida ko'pgina insonlar tomonidan jamlangan tajriba va bilimlarni ifoda etuvchi firma uchun standart bo'lgan barcha jarayonlar, tizimlar va strategiyalardir. Insoniy kapital – bu firma o'z mehnat resurlariga ularning ko'nikmalarini o'qitish va tajriba orqali takomillashtirish uchun sarflagan sarmoyalaridir. Bilimlar kapitali – bu kompaniyaning bilimlarni egallash, ishlab chiqish va ulardan foydalanish uchun sarflagan sarmoyalaridir. Bilimlar kapitalining muhim tarkibiy qismikompaniyaning intellektual mulki hisoblanadi.

Tajriba shuni ko'rsatadiki, bilimlar korporatsiyalari tarkibida maslahat berish yoki dasturiy ta'minot kabi bilimlar mavjud bo'lgan tovarlarni ishlab chiqarganlarida ancha muvaffaqiyatga erishadilar. Tovarlarda mavjud bilimlar va kompaniyaning bilimlar korporatsiyasi bo'lishi o'rtasida bevosita, ya'ni to'g'ridan-to'g'ri bog'liqlik mavjud. Agar bilim kompaniya ichida o'zgartirilmasa va muvaffaqiyatli tarzda ijtimoiy moslashtirilmasa, u holda kompaniya tarkibida bilimlar mavjud bo'lgan tovarlarni ishlab chiqarish qiyin bo'ladi. Bilim korporatsiyasi faqat bilimlarni egallab va ulardan tashkilotda foydalanish usullarini topibgina qolmay, balki bu bilimlarni tashkiliy sohadan (u yerda ular nazariy shaklga ega) iste'molchilarga yetkaziladigan

tovarlarga kiritilgan bozor muhitiga ko'chirish tizimlarini ham ishlab chiqishi kerak bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Gulyamov S.S., Ayupov R.H. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalar. Toshkent: TMI, 2019 yil.
2. Ayupov R.H., Boltaboeva G.R. – Raqamli iqtisodiyot asoslari. Toshkent: TMI, 2020 yil. 750 bet.
3. **el.tfi.uz** – Toshkent moliya institut elektron kutubxonasi.

ХАЛҚАРО ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

Пардаев Абдунаби Холиқович¹, Пардаева Шаҳноза Абдинабиевна²

¹Тошкент Молия Институти профессори, ²Тошкент Молия Институти магистранти

Бугунги кунда мамлакатимиз тижорат банклари ривожланиши, улар ўртасидаги алоқалар, ҳисоб-китобларнинг янги турларини жорий этиш ва такомиллаштириш талаб этилмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатнинг миллий тўлов тизимини янада такомиллаштириш билан ҳам узвий боғлиқ.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва миллий тўлов тизимида изчил ислохотлар олиб бормоқда. Бунинг энг салмоқли натижаси сифатида республикада нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизимининг қоғозсиз тўлов ҳужжатлари айланиш технологияси асосида ташкил қилиниши, аниқроғи тизимда электрон тўлов тизими жорий этилишини эътироф этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 9 январьдаги ПФ-5296-сонли “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида[1]:

“Тўлов тизимини янада ривожлантириш, шу жумладан реал вақт режимида тезкорлик билан ҳисобрақамларни бошқариш ва банк операцияини ўтказиш имконини берувчи масофадан банк хизматлари кўрсатган ҳолда тижорат банкларининг самарали ахборот алмашинуви тизимини ташкил этиш” масалалари ҳам кўриб чиқилган.

Ҳозирги пайтда фойдаланилаётган банк электрон тизими банк хабарлари ва ҳисоб-китоб тизимидан таркиб топган. Иккаласининг, яъни банк хабарлари ва ҳисоб-китоб тизимининг фарқи шундан иборатки, биринчисидан оператив жўнатмалар ва ҳужжатларни сақлаш, иккинчисидан эса аъзолари ўзаро талаб ва мажбуриятларини сўндириш мақсадида фойдаланилади. Биринчи гуруҳга SWIFT ва Bank Wire- банкларнинг хусусий капитал электрон сэт тизими, иккинчисига эса Fed Wire- АҚШ федерал захира тизими, CHIPS- АҚШ ҳисоб-

китоб тўлов тизими, CHAPS- Лондон автоматлашган ҳисоб-китоб тўлов тизими палатаси мисол бўла олади.

“TARGET” тизимнинг асосий мақсади- Европа Иттифоқи давлатларнинг ички тўлов тизимларини бирлаштириш ва реал вақтда ишлайдиган йирик суммадаги халқаро тўлов тизимини яратиш эди.

SWIFT- жаҳон банклараро молиявий телекоммуникация уюшмаси бўлиб, халқаро банклараро ахборот алмашинув ва тўловларни амалга ошириш тизими ҳисобланади.

CHIPS тизими- хусусий электрон тўловлар тизими ҳисобланади. Бу тизим кўп тармоқли нетто-ҳисобрақамлар билан ишловчи тизимдир.

Статистик маълумотлар кўрсатишича, 2019 йилда TARGET тизимида 1003 та бевосита, 862 та билвосита иштирокчи, шунингдек, 4959 вакил мавжуд бўлган. Тизимнинг ўртача кунлик ўтказиш ҳажми 363099 та тўлов ҳужжатини, суммаси эса ўртача 1,9 трлн. еврони ташкил қилади, яъни бир транзакциянинг ўртача сумма миқдори 5,3млн. евро атрофида. Ўтказилган транзакцияларнинг учдан икки қисми ўртача 50 минг евродан паст суммани, 12 фоизи 1 млн. евродан юқорини ташкил қилади.

Бугунги кунда 50дан зиёд мамлакатда миллий тўлов тизими SWIFT тизими асосида яратилган. Улар қаторида Босния, Герцеговина, Латвия, Хорватия ва Озарбайжон давлатлари ҳамда Европа давлатларининг EURO ва TARGET тўлов тизимлари SWIFT коммуникацион тизимига асосланган. SWIFT банк коммуникацион тармоғи бўлиб, клиринг функциясини бажармайди.

1-жадвал

SWIFT тизими орқали 2019 йилда ўтказилган транзакцияларнинг ҳажми[2]

Кўрсаткичлар	Тўловлар	Қимматли қоғозлар	Ҳазначилик	Келишувлар	Тизим
Умумий хабарлар	962509154	948819512	86904630	8472570	4329 563
Кунлик ўртача хабарлар	15599824	15377950	1408503	137319	70171
Ҳажми	47.9%	47.2%	4.3%	0.4%	0.2%
Ўсиш кўрсаткичи	39.3%	57.6%	3.4%	-0.3%	0.1%

Ўзбекистонда банкларнинг SWIFT тизимига уланиши 1993 йилдан бошланган. Бугунги кунда республикадаги 30 та тижорат банкидан 23 таси SWIFT тизимга уланган ва улар ўз мижозларига кенг доирада банк хизматларини тақдим этмоқда.

CHIPS (Clearing House inter Payment System) тизими банклараро хусусий клиринг тизими саналиб, 1971 йилдан бошлаб қоғозли тўлов клиринг механизмлари ўрнига фаолият юрита бошлади. «Fed Wire» тўлов тизими каби CHIPS тизими кредит ўтказмаларига асосланган тизим ҳисобланади. Агар CHIPSнинг аъзоси бўлмаган банк унинг хизматидан фойдаланмоқчи бўлса, унда тизим аъзоси бўлган банкларнинг хизматидан фойдаланишига тўғри келади.

CHIPS тўлов тизими катта суммадаги пул ўтказмаларига асосланган. CHIPS тизими Off-line тизимида ишловчи тизим ҳисобланади. Ҳозирги кунда Fedwire ва CHIPS тизими АҚШнинг 90%га яқин филиаллараро ички ҳисобрақамларига хизмат кўрсатади.

Халқаро тўлов тизимининг назарий ва амалий томонларини ўрганиш бўйича хулоса қилар эканмиз, шунини таъкидлаш лозимки, халқаро амалиётда ривожланган бошқа давлатларнинг илғор тажрибалари ҳам эътиборга сазовор. Уларни республикамиз тўлов тизимини ташкил қилиш ва тартибга солиш амалиётида қўллаш мумкин.

Халқаро тўлов тизими таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон тўлов тизимини янада такомиллаштириш учун қуйидаги илғор амалиётни қўллаш ва унга тегишли масалаларни ҳал этиш мақсадга мувофиқ:

- тўлов тизими инфратузилмасини кенгайтириш, жумладан, тўлов айланмаси сифатини ошириш учун унинг инфратузилмасига кирувчи функционал институтлар сонини кўпайтириш;

- нақд пулсиз тўлов воситаларининг турини ва улар орқали амалга оширилаётган тўлов айланмасининг ҳажминини кўпайтириш, жумладан, вексель ва тўлов карточкалари таклифини бойитиш;

- тўлов тизими иштирокчиларининг ўзаро боғланиш каналларини илғор техника ва коммуникация тизимлари орқали такомиллаштириш ва кенгайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ПФ-5296 сонли “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2018 йил 9 январь

2. www.swift.com. сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

3. К.Наврўзова.О.Ортиқов. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма.-Т.: “Иқтисод-Молия”. 2014 йил.

АҲОЛИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Обилов Миркомил Рашидович

Гулистон давлат университети докторанти

Бугунги кунда мамлакатимизда уй хўжаликлари сектори мустақил иқтисодий субъект сифатида меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш, инсон капиталига сармоя киритиш ва иқтисодиётнинг реал секторини инвестициялашда муҳим омиллардан бири бўлиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Бироқ, “...ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга

кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда. Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир”[1]. Бундан ташқари, ҳозирги кунда уй хўжалиги секторига трансформациялашув жараёни юз бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ўзгариб бораётган шарт-шароитларга мослашиш ва иқтисодий фаоллигини ошириш муаммолари бўйича илмий тадқиқотларни янада жадаллаштиришни долзарб муаммолардан бирига айлантирмоқда.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ўз-ўзича оддий эмас, балки мураккаб жараён эканлигини кўрсатади. Аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши бир томондан – иқтисодий жараён бўлса, иккинчи томондан эса – ижтимоий жараён ҳисобланади.

Аҳолининг даромадлар билан боғлиқ муаммолари муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли даромадларининг етарлича эмаслиги уй хўжаликларининг турмуш фаровонлигини таъминлашда муҳим тўсиқ саналади. Аҳоли даромадлари даражаси ўз навбатида ҳудудларда бандлик муаммоси ҳануз кун тартибидаги долзарб муаммо эканлигидан далолат беради. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудларидаги ишсизларнинг асосий қисми иқтисодий фаол ёшдаги аҳоли ҳисобланади.

Аҳоли молиявий саводхонлик даражасининг пастлиги бугунги кунда уй хўжаликларини ривожлантириш борасидаги жиддий муаммолардан бири саналади. Аҳолининг катта қисми “бугунги кун” стратегияси билан яшайдилар, уларда уй хўжаликлари ривожланиши ҳаётийлик цикли давомида учрайдиган жараён ва ҳодисаларга олдиндан тайёргарлик кўриш ва режалаштириш амалиёти деярли мавжуд эмас.

Бугунги кунда аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш борасида сўз юритар эканмиз, аҳолининг инвестицион фаоллиги умуман сезилмайди. Бу ўз навбатида мамлакатимизда инвестицион инфратузил-манинг етарлича тараққий этмаганлигини кўрсатади.

Мавжуд ресурслар, мақсад ва вазифалар, вужудга келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда аҳоли ўзи учун мақбул бўлган иқтисодий фаоллик ва турмуш даражасини таъминлашнинг усул ва воситаларини танлайди. У ёки бу хатти – ҳаракатларни танлашга ҳудуднинг ижтимоий –иқтисодий тараққиёти даражаси, унинг географик жойлашуви ва табиий-иқлим шароитлари ҳам катта таъсир кўрсатади. Умуман олганда мазкур ҳолатда инсон хулқининг икки асосий типи фарқланади: қийин вазиятдан чиқиш мақсадида улар мавжуд барча имкониятларни ишга солишга қаратилган фаоллик ва таркиб топган вазиятга мослашишга қаратилган пассивлик. Фаоллик ва пассивлик янгича шароитда шаклланувчи хулқ қоидаларини белгилаб берувчи базавий шакллантирувчи жиҳат ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида давлат ва шунингдек, молия ва фонд бозорларининг субъектлари жамғариш жараёнларининг зарурий томонлари ҳисобланадилар. Мазкур субъектлар талаб ва таклиф механизми асосида жамиятни тараққий эттириш учун амалдаги қонунчилик асосида жамғармаларни инвестициялашга қайта тақсимлашни амалга оширадилар. Аҳолининг иқтисодий фаоллигини оширишни турли иқтисодий моделлар ёрдамида баён қилинувчи турли (ресурс, товар, пул) оқимларининг ҳаракати нуқтаи назаридан ҳам қараб чиқишимиз мумкин. Бу ўринда айрим жиҳатлар борки уларни эътибордан четда қолдириб бўлмайди, хусусан мол – мулкни меърос қолдириш ва ҳадя қилиш, уни сотиш ва сотиб олиш, турли тавсифга эга бўлган хизматлар кўрсатиш, товар ва хизматларни айирбошлаш каби операцияларни тўлақонли тарзда ҳисобга олиб бўлмайди. Фуқаролар ўзларида мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш борасида ишлар бажариб, хизматлар кўрсатадилар ва шу аснода статистикадан ҳисобга олинмайдиган қўшилган қиймат яратадилар.

Аҳоли даромадларининг ўсиши уй хўжаликларининг жамғарма-ларидан инвестицион ресурслар сифатида фойдаланиш имкониятларини кўрсатиб берувчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Аҳоли жамғармаларидан тўлақонли равишда фойдаланиш бугунги кунда инвестицияларни молиялаштиришнинг барқарорлигини таъминлашнинг муҳим йўлларида бири ҳисобланади. Жамғармалар ва инвестициялар ўртасидаги фарқнинг катталиги жамғармаларнинг капиталлашувини таъминлаш механизмининг етарлича тараққий этмаганлиги боис, бугунги кунда инвестициялаш учун фойдаланилмаётган ресурсларнинг етарлича эканлигини кўрсатиб беради. Мамлакатимизда аҳоли жамғармаларидан инвестицион жараёнларда фойдаланиш даражаси ҳамон пастлигича қолмоқда.

Иқтисодиётнинг реал секторида фойдаланилувчи инвестицион ресурслар доирасига жамғармаларнинг босқичма-босқич трансформацияси иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Аҳоли даромадларининг капиталлашуви, шахсий жамғармаларнинг инвестицияларга айланиши маълум даражада капитал чегараларини кенгайтиради, деярли ҳар бир уй хўжалиги аъзосини бир пайтнинг ўзида ҳам ишлаб чиқарувчи ва инвесторга айлантириб қўяди. Шу сабабли ҳам, кўпчилик мамлакатларда аҳоли омонатларини ҳимоялаш давлатнинг муҳим функцияларидан бири ҳисобланади. Аҳоли жамғармалари капиталлаша бориб, инвестицион ресурсларнинг муҳим манбаларидан бирига айланади. Зеро, жамғармалар ҳажми қанчалик катта бўлса ва фаол тарзда капиталлаша борса, инвестициялаш натижасига боғлиқ равишда шахсий даромадларнинг шаклланиши ҳам шунча катта ижобий ўзгаришга эга бўлади.

Иқтисодиётни рақамлаштириш биринчи навбатда иқтисодиётнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлилигини оширишни кўзда тутади. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра иқтисодиётни рақамлаштириш эвазига маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш харажатлари 10-40 фоизгача пасаяди, асбоб-ускуналарнинг бўш туриб қолиши 30-50 фоизгача,

маҳсулот ва хизматларни бозорга олиб чиқиш харажатлари 20-50 фоизгача, маҳсулот сифатини яхшилаш ва реклама харажатлари 10-20 фоизгача, ишлаб чиқариш заҳираларини сақлаш харажатлари эса 20-50 фоизгача қисқаради [6].

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда давлатнинг қўллаб-қувватловчи сиёсати алоҳида аҳамият касб этади. Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ишлаб чиқилиши кўзда тутилган “Рақамли Ўзбекистон-2030” концепциясида Ўзбекистонда билимлар жамиятини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитларни барпо этиш, илғор рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда рақамли иқтисодиёт сектори томонидан яратилган товар ва хизматлардан аҳолининг фойдаланиши учун етарлича имкониятлар яратиш ва уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолининг хабардорлик ва рақамли саводхонлик даражасини ошириш, фуқаролар учун сифатли ва арзон давлат хизматларини кўрсатиш, мамлакатнинг барча ҳудудларини сифатли ва тезкор Интернет алоқаси билан таъминланишини йўлга қўйиш, алоҳида оилалар ва давлат миқёсида ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар кўзда тутилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Рақамли иқтисодиёт ва рақамли технологияларнинг изчил жорий этилиши асносида миллий иқтисодиётда иқтисодий ўсиш сифати яхшиланади, янги иш ўринларини яратиш жараёнлари жадаллашади ва кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланади

Алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатнинг қўллаб-қувватловчи сиёсати рақамли иқтисодиётнинг жадал тараққий этишига таъсир кўрсатади. Иқтисодий тараққиётнинг изчил ривожлантириш мақсадида:

рақамли инновациялар соҳасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини қонун йўли билан тартибга солиш;

иқтисодиётда янги технология ва ахборот оқимларидан фойдаланишни рағбатлантириш;

уй хўжаликлари аъзоларининг рақамли маконда фаолият кўрсата олишларини таъминлаш мақсадида ўқувчи ва талабаларнинг янгича фикрлашларига хизмат қилувчи ўқув дастурларини жорий этиш;

рақамли технологиялар соҳаси учун малакали мутахассис ва кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 24 январь.

2. Беккер Г. «Человеческое поведение: экономический подход» «Москва: ГУ ВШЭ», 2003.-672с.

3. Аронова С.А. Институционализация взаимосвязи уровней занятости, доходов населения и научно-технических изменений. Монография - М.: Издательская группа «Юрист». - 2006.

4. Абулкасимов Х.П. ва бошқ. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. /Монография.-Т.: “Университети”, 2015.

5.Ғозибеков Д., Носиров Э. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. -Т.: “Iqtisod-Moliya”. 2007, -Б.92.

6. М.Ачаповская Цифровизация экономики как драйвер инновационного развития./ Банкаўскі веснік, САКАВІК 2019. Электронный ресурс: <http://www.nbrb.by/bv/articles/10611.pdf>

7. <http://www.worldbank.org/en/research>

САМАРАЛИ ИШ БИЛАН БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА НОДАВЛАТ ТУЗИЛМАЛАР ФАОЛИЯТИ

Бозорова Сахобат Абдужабборовна

Жиззах политехника институти катта ўқитувчиси

Хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг йўлга қўйилиши аҳолини иш билан таъминлашда янги имкониятлар яратилиши билан аҳамиятлидир. 2018 йил 16 октябрда “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши республикамизда хусусий бандлик агентликларининг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Ушбу қонуннинг 3-моддасига мувофиқ [1] хусусий бандлик агентлиги иш қидираётган шахсларга иш танлаш ва ишга жойлашиш бўйича, иш берувчилар учун кадрлар танлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи, шунингдек ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи тижорат ташкилотидир. Мазкур қонунда хусусий агентликлар пуллик хизматлар асосида Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиши белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасида илм-фанни янада равнақ топтириш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бажариладиган ишларни янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида 2020 йилга - “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинди. Президентимиз таъкидлаганидек:[2] “Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда. Камбағалликни камайтириш бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга

чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир”.

Мазкур кўрсатиб берилган вазифаларнинг ижросини бажаришда рекрутинг агентликларининг инновацион йўналишларини такомиллаштириш вазифасининг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунки мазкур тузилма рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишда янги усулларининг пайдо бўлиши аҳоли иш билан бандлик таркиби ўзгаришига самарали таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда инновацион иқтисодиётнинг ривожланиб бориши меҳнат бозорининг ташкилий тузилмалари сифатида давлат иш билан бандлик хизмати органлари билан бирга турли хусусий иш билан бандлик агентликлар фаолияти, касбий меҳнат воситачилигидан фойдаланиш борасидаги вазифаларни тадқиқ қилиш ва такомиллаштириш муаммоларини ўрганишни кун тартибига долзарб вазифа сифатида киритди. Бундан ташқари республика бўйича хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг сустривожланаётганлиги, ташқи ва ички меҳнат миграциялари яхши ташкил этилмаганлиги, кишилар орасида бу фаолият турига ишончсизлик ҳолатларини келтириб чиқармоқда. Мазкур ҳолатни ўрганиш учун рекрутинг агентликлари фаолиятини аниқлаш мақсадида “Аҳоли иш билан бандлигини оширишда рекрутинг фаолияти ташкилий – иқтисодий механизмларини такомиллаштириш” номли сўровнома ишлаб чиқилди. Тадқиқотларнинг объектлари қилиб Тошкент, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида жойлашган 4 та рекрутинг агентликлари танлаб олинди. Мазкур объектлардан сўровномага жавоб берувчи 400 нафар респондентлар иштирок этиб, уларнинг 56,5% эркак ва 43,5% аёллардир. Респондентлар агентликларга иш сўраб ёки хорижий давлатларга чиқиш масаласида мурожаат қилганлар бўлиб, улардан 398 нафари сўровноманинг (99,5 %) саволларига тўлиқ жавоб бердилар. Тадқиқотда иштирок этганларнинг ёш чегараси қуйидагича: 12,4 % 16-17 ёшгача, 52,2 % 18-30 ёшдагилар, 21,9 % 31-49 ёшда ва 13,5 % эса 50-60 ёшдан юқори ёшдагилар ташкил этган.

Худудларда хусусий бандлик агентликлари фаолиятида ташқи меҳнат миграциясини ривожлантириш учун бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, фуқароларни ишга ёллаш бўйича мамлакатлараро битимларни имзолаш 28,2 %, ахборотлар билан таъминлаш бўйича бепул хизмат кўрсатиш 15,3 %, хорижда вақтинча яшаш жойлари билан таъминлаш 14,4 % ва бошқа таклифлар илгари сурилган.

Сўровномада иштирок этганларнинг фикрича, хусусий бандлик агентликлари уюшган миграция тизимини яхшилаш борасида: худудлар миқёсида меҳнат мигрантлари учун ўқув семинарларини ташкил этиш, миграцияга доир қонун ҳужжатлари билан яқиндан таништириш, меҳнат мигрантларига патент олиш (чет элда ишга жойлашишлари учун рухсат берувчи зарурий ҳужжатларни расмийлаштиришларида) амалий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан мигрант кетадиган давлат қонунчилиги доирасида

зарурий ҳужжатларни масофавий тарзда рўйхатдан ўтказиш билан шуғулланишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Таъкидлаш жоизки, меҳнатга лаёқатли аҳолини ишга жойлаштириш вазифаси хусусий тадбиркорлик субъектларига қанчалик кўп ишониб топширилса, хусусий бандлик агентликлари фуқароларни ишга жойлаштиришда тизимли фаолият юритишига амалий шарт-шароитлар яратади. Бизнинг фикримизча, ҳудудларда аҳолининг иш билан бандлигини оширишга таъсир кўрсатувчи давлат ва нодавлат тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш учун аҳоли иш билан бандлигини таъминлашга хизмат қиладиган янги турдаги муқобил ва ихтиёрий бандлик шакллари кенг қўллаш ва ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда инвестицияларни жалб этиш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

1-жадвал

Ташқи меҳнат миграциясини самарали ташкил этиш бўйича таклифлар¹ (барча респондентларга нисбатан, % да)

Таклифлар	Барча ҳудудлар бўйича	Шу жумладан:			
		Migration - consulting	Todah Samark and	Avangard Personal	Baxora Ameliya
Фуқароларни ишга ёллаш бўйича мамлакатлараро қонуний битимларни имзолаш	28,2	8,5	6,6	5,8	7,3
Ахборотлар билан таъминлаш бўйича бепул хизмат кўрсатиш	15,3	5,9	4,7	4,6	3,6
Хорижда вақтинча яшаш жойлари билан таъминлаш	14,4	4,4	3,9	5,4	2,8
Хорижда ишлашни хоҳловчилар учун хорижий тилларга ўргатиш курсларини ташкил қилиш	13,5	4,8	3,3	3,0	2,4
Ишлаб чиқариш касбларига ўқитиш бўйича бепул курслар ташкил этиш	10,6	2,6	2,3	2,6	3,1
Темир йўл чипталари ҳамда авиачипталар нархларига имтиёзли чегирмалар тақдим этиш	9,8	4,0	2,2	3,1	2,5
Бошқа йўналишлар	6,3	2,0	1,0	1,4	1,5
Жами	100	100	100	100	100

Хусусий бандлик агентликларининг ишга жойлаштириш, ишга жойлашганлик учун даромад қилиш каби фаолиятида чекловлар

¹Муаллиф томонидан социологик сўров натижалари асосида ҳисобланган.

камайтирилиши мақсадга мувофиқ. Уларнинг давлат ихтиёридаги бўш иш ўринларига боғлиқ маълумотлар базасидан фойдаланиш имконини берилиши мазкур соҳада шаффофликни таъминлаб, турли кўринишдаги коррупцияни олдини олиш ва кишилар ўртасида рекрутинг агентликларига ишончни оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари миллий базаси. 2018 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. www.Lex.uz.

СУҒУРТА БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА СУҒУРТА АГЕНТЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Султанов Бобурмирзо Мавлонжон ўғли

Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий
маркази кичик илмий ходими

Ўзбекистон ҳукумати томонидан, суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга ошираётган чора-тадбирлари натижасида суғурта хизматлари ҳажми барқарор ўсиб боришига ва суғурталовчиларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни тобора муҳим аҳамият касб этишига эришилмоқда, бу эса ўз навбатида юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта маҳсулотларига бўлган манфаатдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида (ПФ-4947, 2017) ҳам банк-молия ва суғурта компаниялари фаолиятини ривожлантириш масалаларига аълоҳида устувор вазифа сифатида қаралиши, мамлакатимизда суғурта бозорини ривожлантиришни ва замонавий суғурта хизматларини жорий этиш орқали аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларининг турли хавф-хатарлардан химоялашда суғурта механизмининг ролини оширишни талаб қилади.

Шу ўринда таъкидлашимиз жоизки, суғурта бозорининг ривожланиши, суғурта хизматларининг оммалашувини таъминлаш, суғурта ташкилотлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг қатламини турли қалтисликлардан ишончли химоясини таъминлашда суғурта агентлари фаолиятининг тўғри ташкил этилиши муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда суғурта ташкилотларининг ҳам, уларнинг маҳсулотлари истеъмолчилари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳам суғурта агентлари хизматларига эҳтиёжлари тобора ортиб бормоқда.

Суғурта агентларининг асосий вазифаси суғурталовчининг номидан ва унинг топшириғига биноан суғурта шарномасининг тузилиши ва ижро

этилишини ташкил қилиш орқали мижозларга хизмат кўрсатишдан иборат. Бундан ташқари суғурта агентлари аҳолининг суғурта маданияти ошишида, суғурта институтларига, қолаверса, аниқ суғурталовчига бўлган ишончнинг вужудга келишида катта аҳамиятга эга.

Суғурталанувчиларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш йўли билан суғурта қопламасини тўлаб берилиши: бир тарафдан суғурта компаниясининг обрўси ошишига ва бунинг орқасидан янги мижозларни жалб қилса иккинчи тарафдан- мисол учун катта халокатлар юз берганда ишлаб чиқаришни тезроқ тиклашга эҳтиёж сезилади, бу эса ўз навбатида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Бугунги кунда суғурта бозор иқтисодиётининг молиявий инфратузилмасини ташкил қилувчи, мамлакат иқтисодиёти ўсишининг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминловчи муҳим тармоқлардан бири бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор фаолият кўрсатишлари кўп жихатдан суғурта инфратузилмасининг қай даражада тараққий қилганлигига боғлиқ.

Ўзбекистоннинг ҳозирги замон иқтисодиётида суғурта тизими стратегик аҳамият касб этмоқда, шунинг учун суғурта тизимининг давлат сиёсати даражасига кўтарганлиги, суғурта бозорининг давлат бошқаруви идоралари томонидан мамлакатнинг бозор инфратузилмасининг ажралмас қисмларидан бири сифатида кўриб чиқиладиганлигидир.

Ҳар қандай бозорда бўлгани каби суғурта бозорида ҳам, суғурта хизматлари сифат жиҳатидан мукамаллигини ҳамда нарх жиҳатидан ҳаммабоп ва ҳамён кўтарадиган бўлишини таъминловчи - рақобатдир. Суғурта бозоридаги рақобат муҳити аксарият, маълум даражада суғурта бозори инфратузилмаси субъектлари – суғурта агентлар томонидан шакллантирилади. Қолаверса, суғурта агентлар суғурта бозори инфратузилмасини ташкил этишда муҳим таркибий элемент ҳисобланиб, суғурта унумли фаолият кўрсатиб, ишлаб туришини таъминловчи ва шу соҳага хизмат кўрсатувчи фаолият турлари мажмуидир.

Шу ўринда суғурта агенти ва унинг фаолияти тушунчаларининг мазмун моҳиятига тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу ҳақида Глоссарий (2018) да суғурталовчининг номидан ва топшириғига асосан унинг манфаатлари йўлида ва берилган ваколатлар доирасида суғурта шартномаси аквизацияси (тузиш, ўзгартириш, янгилаш) ни амалга оширишга ишонч билдирилган юридик ёки жисмоний шахс суғурта агенти ҳисобланади, деб таъкидланган.

Бинобарин, суғурта агенти ўз фаолиятини асосан суғурталовчи билан унинг ўртасида тузилган агентлик келишуви шартлари асосида амалга оширади. Агентлик келишуви суғурта агенти билан суғурталовчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни, жавобгарликни ва ваколатларни белгиловчи фуқаролик – ҳуқуқий тусдаги шартнома ҳисобланади.

Умуман олганда, суғурта агенти суғурталовчи томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматларини сотиш билан шуғулланиб, имкон қадар кўпроқ суғурта хизматлари сотилишида манфаатдор бўлади. Чунки суғурта агенти сотган

суғурта хизматлари бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари ҳисобидан маълум фоиз миқдорида суғурталовчидан комиссия ҳақ олади. Агентлик келишувида суғурта агенти томонидан бошқа хизмат ва вазифалар бажарилиши ҳам белгиланиши мумкин. Суғурта агенти аниқ бир суғурталовчининг суғурта маҳсулотларини сотиб, мазкур суғурталовчининг вакили ҳисобланади. Суғурта агенти бирданига бир нечта суғурталовчининг вакили ҳам бўлиши мумкин. Суғурта агенти суғурта маҳсулотларини сотиши вақтида суғурталанувчига ўзига суғурталовчи томонидан суғурта шартномасини тузиш учун берилган ваколатларни, суғурталовчининг расмий вакили эканлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиши зарур.

Иқтисодчи олимларимиздан Мирсадиков (2010) суғурта агентлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг самарадорлиги хусусида тўхталиб, суғурта агентлари орқали суғурта хизматлари сотилганда суғурта шартномасининг муваффақияти, миждозларнинг хизматлар сифатидан қониқиши, ҳамда уларни компанияга бўлган содиқлигини ўсиши ёки пасайиши ўз ичига қуйидаги элементларни олувчи суғурта агентининг маҳоратига боғлиқ бўлишини асослаб берган:

бошланғич алоқани ўрнатиш;

миждозга компанияни таништириш;

миждознинг эҳтиёжларини аниқлаш;

миждозни ишонтириш;

суғурта шартларини тушунтириш ва нархини ҳисоблаш;

шартномани тез ва сифатли расмийлаштириш;

миждоз билан алоқаларни яхшилаш ва миждоз билан муносабатларни қўллаб-қувватлаш, юқоридагилар билан мос равишда миждознинг компанияга бўлган муносабати, суғурта агенти миждозга тақдим этган ахборотлар таъсири остида шаклланишини асослайди.

Галагуза (2008) тадқиқотларида суғурта компаниясининг муваффақиятли фаолияти кўп жиҳатдан суғурта агентлари фаолиятини тўғри ташкил этишга боғлиқ деб ҳисоблайди. Хусусан, суғурта агентининг самарали фаолиятига боғлиқ бўлган асосий омилларни кўрсатиб берган. Жумладан, суғурта агенти миждоз билан ўзаро фойдали мулоқот ўрнатиш учун қуйидаги олти муҳим омилни эътибордан четда қолдирмаслиги лозим:

-ўзаро ҳайрихоҳлик. Бу сифат яхши иш муносабатларини ўрнатиш учун муҳим шарт ҳисобланади. Мурувватлилик, манфаатларнинг умумийлиги ҳайрихоҳликни оширади;

-томонларнинг бир-бирига ҳурмати. Савдо муносабатлари мустаҳкам бўлишининг яна бир муҳим шarti бу ҳамкорларнинг бир-бирига бўлган ҳурматидир;


-томонларнинг бир-бирига ўзаро ишончи. Сотилган технологиясининг муваффақияти ҳамкорларининг бир-бирига ишончи ўзаро очиқчилигида, виждонда, ҳулқининг «тиник»лигида, тартиблилигида ва ишончилигида билинади;

-ўзаро тиришқоқлик. Суғурта маҳсулотларини сотувчи сифатида агент ҳамма куч-ғайратини мижоз билан яхши муомалада бўлишга қаратиши лозим. Дарҳақиқат, мижозни қизиқтирмай туриб, агент умумий қўйилган мақсад йўлида ҳеч қандай ўзгариш қилолмайди. Таъбир жоиз бўлса, суғурта агенти мижозга дўст бўлиши, бунинг устига унинг муаммоларини ечишга ёрдам бериши, унинг ҳар қандай истакларини бажаришга ҳаракат қилиши керак. Вазмин ва босиқ бўлиш ҳамда камгаплик савдо муносабатлари муваффақиятининг асосини ташкил этади. Шунингдек, суғурта агентининг мижоз билан суҳбат олиб бориш маҳоратини, бир-бирларининг иш фаолиятига ўзаро қизиқишларини мослашувчанлик, олийжаноблилик ва мустақил бўлиш каби фазилатларни сотув жараёнида ижобий натижага эришишнинг зарур шартларидан бири сифатида таъкидлаш жоиз;

-суғурта ташкилоти ва мижоз ўртасидаги муносабатларнинг жадаллиги. Шунингдан чикармаслик керакки, ўзаро муносабатлар иккала томон бир-бири билан доимий мулоқотда бўлиб тургандагина яхшиланади. Агар суғурта маҳсулотларини сотувчи агент мижозлар билан мунтазам яхши ва мустаҳкам алоқада бўлиб туриш имкониятини топа олмаса, у ҳолда ҳамма эътиборни ва ҳаракатларни катта даромад келтирувчи мижозларга қаратиши керак;

-пухта билимли бўлиш. Суғурта агенти ўз компаниясини мижозга таништириш жараёнида унга компаниянинг эришган ютуқлари ва ижобий томонлари ҳақида тўлиқ маълумот бериш орқали мижозда суғурта компаниясига нисбатан ишонч уйғота олиши лозим.


Шунинг учун ҳам суғурта агенти суғурта соҳасида пухта билимга эга бўлиши, мижоз билан бўладиган суҳбатда ўзини ҳар томонлама малакали мутахассис сифатида намоён эта олиши лозим, акс ҳолда ҳамма яхши муносабатларни издан чиқариши мумкин.



1-расм. 2019 йилда Ўзбекинвест ЭИСК жами суғурта мукофотлари ва суғурта агентлари томонидан ундирилган суғурта мукофотлари динамикаси [5].

Ушбу 1-расм маълумотлари таҳлилидан кўришимиз мумкинки, “Ўзбекинвест” ЭИСК суғурта мукофотларини шакллантиришда суғурта агентлари иштирокида амалга оширилган суғурта мукофотлари сезиларли даражадаги улушга эга. Масалан, 2019 йилда Тошкент шаҳар бошқармаси

томонидан 24,9 млрд сўм суғурта мукофоти туширилган бўлса, шундан салкам 12,5 млрд сўми суғурта агентлари хиссасига тўғри келмоқда. Суғурта агентлари томонидан амалга оширилган суғурта мукофотларининг умумий суғурта тушумидаги улушининг вилоятлар кесимига эътибор қаратадиган бўлсак, бу бошқа вилоятларга қараганда анча паст кўрсаткични ташкил этади.



2-расм. 2019 йилда суғурта агентларининг суғурта мукофотидаги улуши, %.

Мазкур расм маълумотлари таҳлилидан кўринадик, суғурта агентларининг умумий суғурта тушумидаги улуши Наманган, Навоий ва Жиззах вилоятларида энг юқори кўрсаткичларни ташкил этиб, мос равишда 88,47%, 88,33% ва 85,79 фоизни ташкил қилмоқда. Энг паст кўрсаткич эса, Қашқадарё вилояти (36,18) ва Тошкент (50,08%) шаҳрига тўғри келмоқда.

Юқоридаги эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда, Ўзбекистонда суғурта агентлар фаолиятида ўзининг ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, суғурта агентлари фаолияти етарлича такомиллаштирилмаганлиги ва уларнинг суғурта соҳасида етарли билимга эга эмаслиги, суғурта агентлари фаолиятини амалга оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш даражасининг ва суғурта агентларининг масофавий хизмат кўрсатиш имкониятларининг пастлиги каби ҳолатларни келтиришимиз мумкин.

Шунингдек, мамлакатимиз суғурта бозорининг етарлича ривожланмаганлиги, аҳолининг суғуртага ва суғурта компанияларига ишончининг пастлиги, замонавий суғурта хизматларининг ривожланмаганлиги каби ҳолатлар ҳам суғурта агентлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш учун эса, суғурта компаниялари томонидан суғурта агентлари фаолиятини ташкил этишда янгича ёндошувларни ўйлаб топишни ва суғурта агентлари фаолиятини амалга оширишнинг молиявий механизмларини такомиллаштиришни ҳамда хориж давлатларда суғурта агентлари фаолиятини амалга ошириш механизмларини ва уларни ишлаш усулларини шаклланиши, ривожланиши ва хусусиятларини амалиётимизга татбиқ этишни тақозо этмоқда.

Юқорида келтирилган таҳлил натижалари, хорижий ва маҳаллий олимлар тадқиқотлари натижаларини умумлаштириб шундай хулоса қилиш мумкинки, суғурта бозорида суғурта агентлари фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этмасдан улардан кутилаётган иқтисодий самарага эришишни таъминлаб бўлмайди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, суғурта агентлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун улар фаолиятининг молиявий механизмларини такомиллаштириш ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш суғурта компаниялари фаолиятининг самарадорлигини оширишга, уларнинг суғурта бозоридаги ўрнини мустаҳкамлашга ҳамда мамлакатимизнинг суғурта тизимини янада ривожлантиришга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сонли Фармони.
2. Галагуза Н. Ф. (2008) Страховые посредники. -М.: “Учебно-консультационный центр ЮрИнфоР”, – 208 с.
3. Глоссарий (2018). www.glossary.ru Интернет сайти.
4. Мирсадыков М.А. (2010) Страховые риски: Словарь-справочник. –Т.: “Ассоциация профессиональных участников страхового рынка Узбекистана”, – 108 с.
5. “Ўзбекинвест” ЭИСК суғурта компанияси ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ИНСОН КАПИТАЛИ СИФАТИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Махмудов Шерали Хусанович

Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси

Илмий ва технологик тараққиётни жадаллаштириш, рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, янги технологияларни изчил жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқариш тузилмасининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар асносида иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда (бугунги кунда рақамли иқтисодиётнинг улуши дунё ЯИМининг 10 фоизини ташкил этади). Шу аснода инновацион тараққиётнинг турли вазифа ва муаммоларини ҳал этиш борасидаги қарашлар ва ёндашувлар ҳам ўзгариб бормоқда. Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш ва рақамли технологияларни жорий этиш глобал иқтисодиёт асосларини ўзгартириш ва қайта кўриб чиқишга олиб келади, чунки замонавий иқтисодиёт маълумотлар базасини бошқаришга асосланган иқтисодиёт ҳисобланади.

Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида – "рақамли иқтисодиёт" концепцияси вужудга келди, мазкур концепциянинг асосини катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳасини (онлайн хизматлар, электрон тўловлар ва бошқалар) ривожлантириш имконини берувчи рақамли ва компьютер технологияларини ривожлантириш ва уларни жамият ҳаётининг барча соҳаларига изчил жорий этиш билан боғлиқ бўлган инсон фаолиятини ташкил этишнинг ўзига шакл ва усуллари ташкил этади.

Мамлакатимиз иқтисодиётига "рақамли технологиялар"ни жорий этиш бугунги кунда ўзининг потенциал имкониятларини кенгайтириш жараёнида бўлгани ҳолда, техник база, дастурий таъминотнинг номукамаллиги, аҳоли компьютер саводхонлик даражасининг пастлиги, рақамли технологиялар соҳасини тартибга солиш борасида қонунчилик базасининг бугунги кун талабларига жавоб бера олмаслиги каби омиллар компьютер технологияларини кенг жорий этиш ва бизнес муҳитига янги "рақамли технологиялар"ни интеграциялашувига тўсқинлик қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда давлатнинг қўллаб-қувватловчи сиёсати алоҳида аҳамият касб этади. Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Мамлакатимиз раҳбари жорий 2020 йилнинг 24 январида мамлакат Парламентига йўллаган Мурожаатномасида: "Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда... аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ... Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади"-деб таъкидлаб ўтди [1].

Юртимиз "Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси" бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат. Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ишлаб чиқилиши кўзда тутилган "Рақамли Ўзбекистон-2030" концепциясида Ўзбекистонда билимлар жамиятини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитларни барпо

этиш, илғор рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда рақамли иқтисодиёт сектори томонидан яратилган товар ва хизматлардан уй хўжалиklarининг фойдалана олишлари учун етарлича имкониятлар яратиш ва уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, уй хўжалиklари аъзоларининг хабардорлик ва рақамли саводхонлик даражасини ошириш, фуқаролар учун сифатли ва арзон давлат хизматларини кўрсатиш, мамлакатнинг барча ҳудудларини сифатли ва тезкор Интернет алоқаси билан таъминланишини йўлга қўйиш, уй хўжалиklари ва давлат миқёсида ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар кўзда тутилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш лозимки, рақамли технологиялар соҳаси мутахассис-ларининг фикрича, бугунги кунда жаҳонда Интернетдан фойдаланувчилар сони дунё аҳолисининг 52 фоизини ташкил этади. Қашшоқ уй хўжалик-ларининг 20 фоизида аъзоларнинг ҳар ўнтасидан еттитасида уяли телефон мавжуд.

Мобил телефонга эга бўлган қашшоқ уй хўжалиklarининг сони оддий ҳожатхона ёки тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имконига эга бўлган-лардан анчагина кўпчиликини ташкил этади.

Жаҳон банки экспертларининг фикрича, бугунги кунда бутун дунё мамлакатлари “рақамли инқилоб”ни бошидан кечирмоқдалар [2]. Улар бу борада бир қатор хулосаларни илгари сурадилар:

1. Интернет, уяли алоқа ва ахборот-коммуникация техноло-гияларининг кенг таракқий этиши рақамли иқтисодиётнинг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади;

2. Рақамли иқтисодиёт дунёнинг кўпгина мамлакатларида жадал таракқий этмоқда;

3. Рақамли иқтисодиёт дунё қиёфасининг тубдан ижобий томонга ўзгаришига олиб келади.

Бугунги кунда бутун дунё мамлакатларида бўлгани каби мамлакатимизда ҳам уй хўжалиklари рақамли иқтисодиётнинг авфзалликларидан кенгроқ фойдаланишни истайдилар. Шу сабабли ҳам рақамли инқилоб мамлакатимизда барча уй хўжалиklarини бирдек камраб олиши учун соҳага инвестициялар кириб келишини фаоллаштириш, технологиялар ва инновацион бизнес ғояларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш талаб этилади.

Бу борада мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида алоҳида тўхталиб: “Ўтган йили барча шаҳар ва туман марказларини юқори тезликдаги Интернетга улаш ишлари якунлан-ганини ҳисобга олиб, яқин 2 йилда барча қишлоқ ва маҳаллаларни ана шундай тезкор Интернет билан таъминлашимиз керак. Ҳозирги кунгача 7 мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги Интернетга уланган бўлса, кейинги 2 йилда яна 12 мингта муассаса тезкор Интернетга уланади... Келгусида бу ишларни тизимли ташкил этишга бош-қош бўлиши учун ҳукуматда – Бош вазир ўринбосари, вазирлик ва идораларда ҳамда ҳокимликларда эса – алоҳида ўринбосар лавозимлари жорий этилади”-деб таъкидлаб ўтди [1].

Рақамли иқтисодиёт ва рақамли технологияларнинг изчил жорий этилиши асносида миллий иқтисодиётда иқтисодий ўсиш сифати яхшиланади, янги иш ўринларини яратиш жараёнлари жадаллашади ва кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланади.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг маълумотларига кўра, бугунги кунда мамлакатимизда интернет тармоғидан фойдаланувчи уй хўжаликларининг аъзолари 20 миллион кишидан ошиқроқни ташкил этади.

Халқаро таҳлилчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, тараққий этган мамлакатларда интернетдан фойдаланувчи аҳолининг улуши 2005 йилда 51,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 80,9 фоизгача ошган. Энг юқори ўсиш Африка давлатларида кузатилган, хусусан мазкур минтақа мамлакатларида интернетдан фойдаланувчилар улуши 2,1 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилга келиб 24,4 фоизгача ўсганлигини кўришимиз мумкин. МДҲ давлатлари бўйича интернетдан фойдаланувчилар улуши 2018 йилда 71,3 фоизни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич Ўзбекистонда 58,8 фоизни ташкил этмоқда. Мазкур ҳолат мамлакатимизнинг барча ҳудудлари ва уй хўжаликларини интернет тармоғи билан қамраб олиш бўйича ишларни сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтаришни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси.
<http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
2. <http://documents.worldbank.org/curated/en/848071539115489168/pdf/Competing-in-the-Digital-Age-Policy-Implications-for-the-Russian-Federation-Russia-Digital-Economy-Report.pdf>

THE MAIN DIRECTIONS OF IMPROVING THE PAYMENT SYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.

**Pardayeva Zulfizar Alimovna¹
Batirbayeva Kamila²**

¹Associate professor, Tashkent Institute of Textile and Light Industry

²Student of Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Development of market relations made to form a two-step banking system necessary. Like any organization, the bank strives to sell its services and stay competitive in the market. In modern market economies, credit institutions create and introduce new services and products to the public.

The development of the payment system depends on geographical, ethnic, economic and political factors comparing to other banking segments, and the market of these banking services varies from country to country. Therefore, the management

and development of this market requires an in-depth study of these factors and an analysis of the market development trends. In recent years, the President has been paying a great attention to this sector. In accordance to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “The Strategy of Action for the Further Development of the Republic of Uzbekistan” [1], a strategy of action on five priority directions of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2020 years has been developed.

A payment system is any system used to settle financial transactions through the transfer of monetary value. The term electronic payment refers to a payment made from one bank account to another using electronic methods and forgoing the direct intervention of bank employees. Payment system is a mechanism that facilitates transfer of value between a payer and a beneficiary by which the payer discharges the payment obligations to the beneficiary.

Payment system can be broadly classified into Large Value Systems and Retail Payment System:

I. Large Value Payment System.

II. Retail Payment System:

1. Cash Payment;

2. Paper Based Payments;

3. Card Based Payments;

4. Electronic Payments and Remittances

A payment instruments a tool or a set of procedures enabling the transfer of funds from the payer to the payee. There are a variety of different payment instruments, each with its own characteristics depending on the type of relationship and transaction between the payer and the payee. The most common distinction is between cash and non-cash payment instruments.


Cash payments (i.e. payments made using banknotes and coins) are usually associated with face-to-face transactions of low value between individuals or between an individual and a merchant. A cash payment is an immediate and final transfer of value, and the recipient can immediately use the cash received for further payments

Non-cash payments, by contrast, involve the transfer of funds between accounts. A non-cash payment instrument is therefore the means by which a payer gives its bank authorization for funds to be transferred or by which a payee gives its bank instructions for funds to be collected from a payer.

In recent years, the number of transactions in Uzbekistan is growing faster than the turnover of money on the card. People pay with a card not only when they buy something expensive, but they pay it almost all their purchases in cafes, shops, gas stations and even utilities. According to the press service of the financial regulator, in 2019, the number of payment transactions through the interbank payment system of the Central Bank increased by 32% compared with 2018. In 2019, 74.7 million transactions worth a total of 845.6 trillion sums passed through the interbank payment system of the Central Bank. The total number of users of remote banking service as of January 1, 2020 was more than 7.95 million. Almost 360 thousand of them are legal entities and individual entrepreneurs and about 7.6 million -individuals.

Through the clearing system in 2019 payments were made for 10,154.9 billion sums, whereas in 2018 this amount was 5181.3 billion sums.

Also, in accordance with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated March 23, 2018 № PP-3620 “On Additional Measures to Increase the Popularity of Banking Services”, micro crediting individuals was created to expand retail crediting.



1-pic. Balance on retail loan in the NBU[2].

The NBU introduced short-term consumer loans for the purchase of locally produced home appliances from the Mediapark market in Tashkent. In 2019, 63,436 individuals received consumer credits worth 517.3 billion soums, 324.5 billion car loans, 23.4 billion soums educational credits, and 19.3 billion soums overdraft and 7.6 billion soums of microcredits.

For more than 20 years, the NBU has maintained a leading position in issuing and servicing plastic cards. As of January 1, 2020, the total number of plastic cards issued by the Bank amounted to 2 million, of which more than 127,000 are international Visa cards. The number of businesses that receive salaries through payroll cards is about 25,500.

More than 24 thousand payment terminals installed by the bank serve clients. During the reporting period, more than 18.3 trillion soums were deposited to plastic cards.

As the main task of our commercial banks today is to increase the popularity of retail banking services and further improve these banking services, the bank should work towards the following objectives:

1. Integrating and automating the process of delivering retail banking services.
2. Development of a modern sales strategy.
3. Expanding the scope and quality of retail banking services.

Currently Uzbekistan's banks offer the public such new cashless payment tools as Internet acquiring and a QR code today. Internet acquiring involves payment by bank card in online stores and online services, which simplifies the shopping process and increases the volume of non-cash payments.

By modifying banking services provided to the population by banks in the current period, the creation of new banking services can usually be done by changing the terms of their provision in order to increase the attractiveness of current services.

Literature:

1. President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoyev. "The Strategy of Action for the Further Development of the Republic of Uzbekistan" decree. 2017 year.

2. Created by the author on the basis of the site www.nbu.uz

3. James Brook. Examples & Explanations: Payment Systems. - New York.: Wolters Kluwer Law@ Business. 479 pg.

4. David B. Humphrey. Payment Systems: Principles, Practice, and Improvements. The World Bank, - Washington, USA, 111 pg.

ХОРИЖ МАМЛАКАТЛАРИДА ПЕНСИЯЛАРНИ ИНДЕКСАЦИЯЛАШ ТАЖРИБАСИ

Файзуллаев Сардор Сувонкул ўғли

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тингловчиси

E-mail: sardor889@gmail.com

Пенсия таъминоти тизимининг муҳим вазифалардан бири бу аҳолини кексаликда ижтимоий ҳимоясини етарли даражада таъминлашдан иборатдир. Мустақилликка эришилгандан буён аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи ҳеч қачон ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Хусусан, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ўз аксини топган: "Аҳолининг реал пул даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш... [1]" қилиб белгиланганлиги мазкур соҳага эътибор жиддий эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида "йил давомида бюджет тизими ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори инфляциядан юқори миқдорда оширилади"[2] деб таъкидлаб ўтганлиги ушбу масаланинг жорий йилда ҳам долзарб эканлигини англатади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг муҳим жиҳатлари уларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш ҳамда харид қобилиятини пасайиб кетишини олдини олиш, инфляция жараёнларидан ҳимоя қилиш, шунингдек

аҳолининг даромадлар бўйича фарқланиш даражасини камайтириш ҳисобланади. Ушбу мақсадларга эришиш учун давлатлар томонидан пенсия таъминоти соҳасида пенсиялар миқдорини индексация қилиш амалиётидан кенг фойдаланилади.

Индексациялаш механизми пенсияларнинг етарлилиги ва пенсионерлар орасида камбағалликнинг олдини олиш қаратилган муҳим масала бўлса ҳам пенсияларни индексациялаш камдан-кам ҳолларда ижтимоий сиёсат муҳокамаларида муҳим мавзуга айланади. Тадқиқотларнинг жуда оз қисми индексация масалаларига қаратилган[3]. 1–жадвалда турли мамлакатлар пенсия таъминоти тизимларида пенсияларни индексациялаш механизмлари келтирилган.

1-жадвал

Пенсияларнинг индексациялаш механизмлари[4]

Индексациялаш механизмлари	Мамлакатлар сони
Нарх даражасига кўра индексациялаш	44 та
Иш ҳақи миқдорига кўра индексациялаш	27 та
Аралаш индексация(наrx/иш ҳақи)	21 та
Мунтазам индексация, маханизм кўрсатилмаган	24 та
Заруратга кўра индексация	4 та
Маълумот мавжуд эмас*	57 та
Жами	177 та

Кўпгина ривожланган давлатларда пенсияларни индексациялаш фоизи истеъмол нархлари индексининг ўсиш суръатидан кам бўлмаган даражада амалга оширилади. Бундай давлатлар қаторига Австрия, Бельгия, Канада, Франция, Испания, Венгрия, Исландия, Корея, Польша, Туркия ва АҚШ каби давлатларни киритиш мумкин.

Германия, Нидерландия, Норвегия ва Швеция давлатларида пенсиялар ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан индексация қилинади.

Чехия, Эстония, Финляндия, Люксембург, Словакия, Швейцария давлатларида пенсияларнинг маълум бир қисми истеъмол нархлари индексининг ўсиш суръати бўйича, қолган қисми ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан индексация қилинади. Шунингдек, айрим давлатлар(Италия)да пенсияларнинг базавий, суғурта бадаллари асосида шаклланувчи қисмлари турлича тартибда индексация қилиниши мумкин.

Японияда 67 ёшга қадар пенсия олувчиларнинг пенсиялари ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, 67 ёшдан кейин истеъмол нархлари индексига нисбатан индексация қилинади.

МДҲ давлатларидан Россия, Арманистон, Қирғизистон давлатларида пенсиялар яшаш минимуми кўрсаткичлари асосида индексация қилинади.

Қозоғистонда пенсиялар индексацияси ўртача инфляция даражасидан 2 %га юқори бўлган миқдорларда, Озарбайжон ва Тожикистонда эса ўртача инфляция даражасига нисбатан амалга оширилади.

*Кўпчилик ҳолларда “маълумот мавжуд эмас” деганда “индексациялаш мавжуд эмаслиги” назарда тутилади.

Туркменистонда 2014 йилдан бошлаб пенсиялар ўртача иш ҳақиға нисбатан индексация қилиб келинмоқда.

Мамлакатимизда пенсияларни индексациялаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармонлари асосида амалға оширилади. Индексациялаш даражаси ўртача йиллик инфляция даражасидан паст бўлмаган миқдорларда белгиланади.

Ушбу йўналишда охириги марта 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4555-сон Қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра 2020 йилнинг 1 февралдан бошлаб пенсиялар миқдори 1,07 баравар оширилди.

Хорижий мамлакатларда пенсияларни индексациялашни комплекс тадқиқ этиш ва амалиётини таҳлил қилиш асосида, шунингдек Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимининг ҳозирги ҳолатидан келиб чиқиб бир қатор илмий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишға асос бўлди.

1. Пенсияларни миқдорини белгилашда мамлакатда мавжуд макроиктисодий вазият ва уни белгиловчи кўрсаткичларни ҳисобға олиш лозим. Жумладан, аҳолининг, шу жумладан пенсионерларнинг турмуш даражасиға салбий таъсир кўрсатувчи инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорда пенсияларни индексация қилиш чораларини кўриш керак;

2. Пенсиялар миқдорини оширишда реал кўрсаткичларда ҳисоблашларни амалға ошириш лозим. Бунда номинал кўрсаткичлар ҳақиқий ўзгаришларни кўрсатиб бера олмайди. Пенсиялар миқдорлари минимал истеъмол савати ва яшаш минимуми миқдоридан кам бўлмаслиги керак;

3. Бунда пенсиялар миқдорларини ошириш масаласида фақат Республика бюджети ҳисобидан эмас, Пенсия жамғармасининг даромадлари ҳажмини оширишни бирламчи вазифалардан қилиб белгилаш мақсадға мувофиқдир. Бундан ташқари маҳаллий бюджетларға берилган имкониятлардан фойдаланиб, режадан ортиқча тушумларни маълум қисмини пенсияларни оширишға сарфлаш амалға оширилиши мақсадға мувофиқ;

4. Пенсияларни тайинлашда ҳисобға олинадиган иш ҳақини шакллантиришда ўртача базавий ҳисоблаш миқдоридан ҳисоблаш амалиётини бекор қилиш лозим. Бунинг учун айнан пенсия тайинлаш вақтида амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдоридан фойдаланиш етарлидир;

5. Хориж давлатлари тажрибаларидан келиб чиқиб ўртача иш ҳақи ўзгариши асосида пенсияларни индексация қилишни амалиётға жорий қилиш лозим. Чунки одатда ушбу кўрсаткич инфляция кўрсаткичидан юқорироқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Халқ сўзи, 2017 йил;

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси Халқ сўзи, 2020 йил;

3. Piggott J and Sane R, Indexing Pensions. World Bank Social Protection Discussion Papers, no. 0925, 2009;

4. Social protection for older persons: Policy trends and statistics 2017-19/ International Labour Office, Social Protection Department. - Geneva: ILO, 2018.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИГА БЮДЖЕТДАН АЖРАТИЛАЁТГАН МАБЛАҒЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Кулибоев Азамат Шоназарович

Тошкент молия институти таянч докторанти

E-mail: buxgalter_82@mail.ru

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва унинг молиявий таъминотини яхшилаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Давлат бюджетининг 2019 йилда соғлиқни сақлаш йўналишига сарфланадиган харажатлари 12,9 трлн.сўмни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 48,4 фоизга ошган. Бу эса тасдиқланган режага нисбатан 1,8 трлн.сўм кўп маблағ ажратилиши режалаштирилган [5]. Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, аҳолига сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича қабул қилинган дастурлар доирасидаги барча тадбирлар молиялаштирилган.

2020 йилда Давлат бюджети ҳисобидан соғлиқни сақлаш соҳасига 14 842,6 млрд сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган бўлиб, биринчи навбатда бу маблағлар шошилиш тиббий ёрдам, режали тиббий ёрдам (шу билан бирга, бирламчи тиббий-санитария ёрдами), ихтисослашган тиббий ёрдам (шу билан бирга, юқори технологик тиббий ёрдам), паллиатив тиббий ёрдамга йўналтирилади [6]. Бундан ташқари давлат бюджети ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган рўйхатга тиббий хизматларнинг аниқ турлари, шу жумладан дори-дармонлар, тиббиёт буюмлари ва сарфлаш материаллари билан таъминлаш харажатлари ҳам қопланади.

Юқоридаги маълумотлардан Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағлар йил сайин ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин, бу ҳам мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ислохотларимизнинг қатъиятлик билан олиб борилаётганлигидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2020 йилнинг 24 январдаги Мурожаатномасида ҳам ижтимоий соҳада рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, одамлар турмушини кескин яхшилашга эътибор берилган.

Жорий йилда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилиниши кўзда тутилган бўлиб, биринчи навбатда бошқа соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимини ҳам тўлиқ рақамлаштириш режалаштирилган. Давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлаш 2019 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп ёки қарийб 1,5 триллион сўм ажратилиши, 281 та тиббиёт муассасасини қуриш ва таъмирлашга 1,5 триллион сўм сарфланиши кўзда тутилган.

Жумладан, ихтисослашган марказлар ва уларнинг филиалларида, шунингдек, Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида шу йил электрон тиббий карталарни жорий этиш;

Дори воситалари ҳаракатини назорат қилиш, контрафакт маҳсулотлар айланишига чек қўйиш ва дориларнинг реал нархини онлайн тартибда кузатиб бориш тизимини яратиш ҳам долзарб вазифа эканлиги ҳам Мурожаатномада алоҳида таъкидланган [4].

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан коррупцияни йўқотишда ҳам самарали восита ҳисобланади. Ҳозирги кунда давлат тиббиёт муассасаларига ажратилаётган бюджет маблағларининг мақсадли ва тўғри сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Соғлиқни сақлаш соҳасига давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан нотўғри фойдаланиш, молиявий ресурсларнинг самарасиз ишлатилиши натижасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, даволаш, касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш жараёнларининг суст даражада амалга оширилишига сабаб бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан ҳам барча соҳалар сингари соғлиқни сақлаш тизимига ҳам рақамли технологияларни қўллаш, электрон ҳужжатлар айланишини йўлга қўйиш ҳамда ҳисоб-китоб операцияларини тўлиқ дастурий таъминот орқали амалга ошириш кераклигини замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Бизга маълумки, ҳозирги кунда барча даражадаги бюджет жараёнлари ва бюджет билан ҳисоблашувлар ҳисоби тўлиқ рақамли технологиялар, яъни дастурий таъминотга асосланган ҳолда юритилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида бюджет тизими бюджетларининг бюджет жараёнини комплекс автоматлаштириш, шу жумладан бюджет тизими бюджетлари ижроси билан боғлиқ операцияларни акс эттириш учун мўлжалланган бўлиб, унда бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси ягона ғазна ҳисобварағини қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисоби ва ҳисоботининг юритилишини комплекс автоматлаштириш учун мўлжалланган дастурий мажмуа «UzASBO» деб номланади. Бу дастурий мажмуада бюджет ташкилотларининг барча бухгалтерия операциялари юритилади. Бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир объекти алоҳида мемориал ордерларда ҳисобга олиниб, ойма-ой айланма қайдномалар электрон тарзда тузилади.

Ҳар иккала дастурий мажмуа бир-бири билан боғлиқ ҳолда ишлайди, ҳисоб ишларининг бажарилиши ва тўғрилиги электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш орқали амалга оширилади.

Бизнинг фикримизча, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш учун ҳам, тизимга бюджетдан ажратилган маблағларнинг сарфланишини назорат қилиш учун ҳам рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз шарт. Чунки, бугун дунёдаги барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Жумладан, тиббиёт соҳасига замонавий рақамли технологияларни жалб қилиш орқали тиббий хизматларнинг сифати ошади, ортиқча харажатлар камаяди. Натижада, мамлакат иқтисодиётига бу ижобий таъсир қилади. Асосийси соғлиқни сақлаш тизимида коррупция йўқолишига сабаб бўлади.

Энди масаланинг иккинчи тарафига эътибор берадиган бўлсак, соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг манфаатдорлиги ва ойлик иш ҳақини тўғри ҳисоб-китоб қилинаётганлигига ишончи ошади. Бу ҳам рақамли технологияни қўллашнинг самараси ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидламоқчимизки, соғлиқни сақлаш тизимида бюджет ҳисоби ва ҳисоботини юритиш жараёнининг шаффофлиги, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда уларни камерал назорати таъминланади. Бу ҳам мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чоратadbирлар тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон.

3. “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш” Қоидалари Ўз.Р АВ. томонидан 2016 йил 30 мартда 2272-сон билан рўйхатдан ўтган.

4. Мирзиёев Ш.М. “Олий Мажлисга Мурожаатнома” 2020 йил 24 январь.//www.president.uz.

5. “Бюджетнома 2020 йил”.//www.openbudget.uz.

6. “Фуқаролар учун бюджет 2020 лойиҳа”.//www.openbudget.uz.

ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тешабоев Жамшидбек Қудратиллаевич
Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия академияси

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан

ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан президентликка сайланган дастлабки кунлардан оқиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни ижтимоий ҳимояга мухтож қатлам вакиллари кўллаб-қувватлаш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни ўз ичига олган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” [1] ишлаб чиқилди.

Мазкур стратегиянинг 4-йўналиши айнан ижтимоий соҳага қаратилган бўлиб, фуқароларни ижтимоий ҳимоясини мустахкамлаш, тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 10 фоизи пенсионерлари, ҳисобланади. Уларга пенсиялар ва нафақаларини тайинлаш ва тўлашда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги [2] Қонун ва пенсия таъминоти оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилган ҳолда амалга оширалади.

“Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги [3] Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга, ҳозирги кунда мамлакатимизда 17 фоизга яқини иқтисодий фаол аҳоли мавжуд.

Жумладан, [3] Қонунга мувофиқ Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга. Вазирлар Маҳкамасининг 26.03.2018 йилдаги 238-сон қарори билан Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга кўйиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди. жамғариб бориладиган пенсия тизимида (ЖБПТ) иштирок этиш икки шаклда амалга оширилади.

- иш берувчилар, шунингдек меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқаролар учун – мажбурий (агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса). Ҳисобга кўйишга мурожаатни иш берувчи беради;

- юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликлари аъзолари, шунингдек бошқа фуқаролар учун – ихтиёрий тартибда. Ҳисобга кўйишга мурожаатни фуқаро беради.

1 апрелдан қуйида баён этилган усуллардан бирида ЖБПТда ҳисобга кўйиш бўйича давлат хизматларини олиш мумкин.

I. Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этган ҳолда. Марказ ходими аризачи номидан, белгиланган шаклдаги анкетани

электрон тарзда тўлдиради. Марказ анкета тўлдирилган вақтдан бошлаб бир соат мобайнида уни Халқ банкига юборади. Халқ банки анкета келиб тушгандан сўнг бир кун ичида Марказга хабарномани жўнатади, Марказ бир соат мобайнида аризачини ЖБПТда ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

II. ЯИДХП орқали. Рўйхатдан ўтиб, тегишли хизматни танлагач, анкета мустақил равишда тўлдирилади. Анкета автоматик тарзда Халқ банкига юборилади. Аризачи ундан ЖБПТда ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги электрон хабарномани олади. Порталга ҳар бир босқичда мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш имконини берувчи функционал ўрнатилади.

Маълумот учун: Жамғариб бориладиган пенсия тизими Ўзбекистонда суғурта тусидаги пенсия таъминотини тўлдиради, бунда ишловчи фуқаролар амалда катта авлоднинг пенсиясини тўлайдилар. Пенсия олиш ҳуқуқи юзага келганда жамғариб бориладиган қисми бир йўла ёхуд қисмлаб тўланади.

Ходимларнинг реестрлари – янги муддатларда эслатиб ўтамиз, ҳозир иш берувчилар ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунига қадар ўзлари жойлашган жойдаги Халқ банки филиалига:

- жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ўтказилганлиги тўғрисида тўлов ҳужжатининг кўчирма нусхасини;

- ШЖБПХ рақамлари, ҳар бир ходимнинг фамилияси, ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи ва жамғариб бориладиган пенсия бадаллари суммаси кўрсатилган ҳолда ходимлар реестрини тақдим этишлари шарт (АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомга қаранг).

Амалиётда бухгалтерлар электрон реестрларни ЯИДХП ёхуд Халқ банки сайти орқали топширадилар. Ушбу мажбуриятга амал қилмаганлик учун МЖТКнинг 179-2-моддасига мувофиқ 2 ЭКИХдан 4 ЭКИХгача миқдорда жарима солинади.

Шарҳ муаллифининг фикрича, бу унча аниқ муддат эмас. Гап шундаки, Солиқ кодексининг 188-моддасига мувофиқ, ЖШДС, одатда, солиқ агенти томонидан жисмоний шахсга тўлаш мақсадида пул маблағларини (ойнинг биринчи ярми учун авансдан ташқари) олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда тўланади. Бунда солиқ ойнинг охириги кундаги ҳолатга кўра ҳисобланади, аслида амалиётда ҳисоб-китобнинг ўзи кейинроқ – кейинги ойнинг илк саналарида амалга оширилади. ЖШДС бўйича ҳисоботлар эса ҳар чоракда – ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасигача топширилади.

Шу тариқа, лойиҳада муддатни пул маблағларини олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш ёхуд ЖШДС бўйича ҳисобот топшириш санасига боғлаб, аниқроқ кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари ўтмишда қолади дафтарчалар ўрнига жамғариб бориладиган пенсия тизимига ҳисобга олинганлиги тўғрисида маълумотномаларни жорий этиш таклиф этилмоқда. Маълумотлар ҳажми бўйича маълумотнома дафтарчадан деярли фарқ қилмайди: унда ҳисобга олинган сана, жисмоний шахснинг шахсига оид маълумотлар, ШЖБПХ рақами,

шунингдек бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади. Янги ҳужжат мавжуд пенсия жамғармалари қайд этиладиган устунларга эга бўлмаслиги билан фарқланса керак.

Бундан ташқари, маълумотнома электрон шаклда бўлади, у давлат хизматлари марказлари ёхуд ЯИДХП орқали берилади. «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 7 ва 9-моддаларига тегишли ўзгартиришларни ҳам киртилди.

Пенсия жамғармаларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома «югур-югурсиз» берилади.

Амалдаги тартибга кўра, меҳнат шартномаси бўйича ишловчи шахслар жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш сўралган аризани иш берувчи орқали тақдим этадилар. Яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликларининг аъзолари ва бошқа фуқаролар эса – уни бевосита яшаш жойларидаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига берадилар. Гувоҳноманинг ўзи ариза келиб тушган кундан эътиборан 5 иш куни ичида расмийлаштирилади. Сўнг ҳужжатни Халқ банки филиалига топшириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига 2020 йил 24 январьдаги Мурожаатномасида, Ижтимоий нафақа тўлашнинг мукамал тизимини жорий этиш, жумладан, кам таъминланган оилаларга кўмак кўрсатиш қамровини кенгайтириш, бюджет маблағлари мақсадли сарфланишини таъминлаш зарур.

Шунингдек, нафақа тайинлашдаги мезонларни қайта кўриб чиқиш ва уни белгилашда очиқ ва адолатли тизимни яратиш, бу борада маҳалланинг иштирокини танқидий қайта кўриб чиқиш лозим.

Умуман олганда, аҳоли ижтимоий нафақа бўйича битта идорага мурожаат қилганидан кейин, ўша идоранинг ўзи бир кунда ҳамма ҳужжатларни тайёрлаб, масаланинг ечимини топиши керак.

Фуқароларимиз пенсияга чиқиши учун фақат پاسпорти билан мурожаат қилиши кифоя бўладиган тизим яратилади.

Бунинг учун, биринчи навбатда, давлат архиви тизими электрон шаклга ўтказилиши керак.

Жорий йилда кексалар, жумладан, ёлғиз кексалар билан ишлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит ва таъсирчан тизим яратиш зарур.

Улар учун ажратилаётган ижтимоий тўловлар миқдори ҳам, қайта кўриб чиқилиши керак.

“Меҳрибонлик уйлари”да тарбияланган ёшларнинг ижтимоий мослашуви, хусусан, уларни иш билан, келажакда уй-жой билан таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш зарур. Чунки, бундай фарзандларимиз уларнинг ғамхўри, меҳрибони, ортидаги суянчи давлат ва жамият эканини доимо қалбдан ҳис қилиб туриши шарт. Ногиронлик, дафн маросими, боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар, иш пайтида майиб бўлганлик учун товон пули каби тўловларни қайта кўриб чиқиб, “Ижтимоий суғурта тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш зарур. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Аҳолини

ижтимоий ҳимоя қилиш концепциясини ишлаб чиқиши, юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича устувор вазифаларни белгилаши айтиб ўтилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида жамғариб бориладигон пенсия тизими механизмини такомиллаштиришда ривожланган давлатларни пенсия тизимини ташкил этилишининг ўзига ҳос жиҳатлари ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ақниқса, Чили, Германия ва Буюк Британия сингари давлатлар амалиётини ўрганиш ва улардаги ижобий жиҳатларни мамлакатимизда қўллаш мамлакатимиз пенсия тизимини ривожланишига туртки бўлади деб ҳисоблайман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4749-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й. 6 (766)-сон 70-модда.

2. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 2016 й., 26 декабрь. 17-сон, 173-модда, 52-сон, 597-модда, 598-модда.

3. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ Тошкент ш. 2004 йил 2 декабрь 702 -II-сон Фуқороларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига 2020 йил 24 январьдаги Мурожаатномаси.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В УПРАВЛЕНИИ ЭКОНОМИКОЙ – ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ ЕЁ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ

Абдурахимова Феруза Турсунбой қизи

Ассистент Андижанского филиала Ташкентского государственного аграрного университета

E-mail: feruzaabdurahimova211@gmail.com

В современном мире важнейшим направлением повышения экономической эффективности и конкурентоспособности страны на мировых рынках является опережающее развитие высокотехнологичной промышленности. Научные и практические исследования в сфере цифровой экономики ведутся на постоянной основе и необходимы для углубления и развития технологий, а также для повышения эффективности экономики Республики Узбекистан. Проблема развития цифровой экономики и внедрения технологий остается активно обсуждаемой, так как единая теоретико-методологическая база исследования данного направления только формируется и до конца не проработана.

В послании Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева Олий Мажлису от 28 декабря 2018 года было отмечено: «...нам следует начать

разработку в 2019 году Национальной концепции цифровой экономики, предусматривающей обновление всех сфер экономики на базе цифровых технологий, и на этой основе внедрить программу «Цифровой Узбекистан-2030».

Повышение конкурентоспособности экономики Республики Узбекистан является одним из главных условий сохранения ее экономического и политического суверенитета в условиях глобализации. Обеспечение нового типа экономического роста связано, в числе прочих факторов, с повышением конкурентоспособности экономики Республики Узбекистан. В том числе, на основе перехода кластерной организации, позволяющей вовлечь малый и средний бизнес в устойчивые партнерские отношения как друг с другом, так и с крупным бизнесом и с государством, обеспечивая, тем самым, повышения устойчивости российской экономики к кризисным потрясениям. Неизбежным при сохранении высокой зависимости от колебаний внешней сырьевой конъюнктуры [1, с.107].

Цифровые технологии способствуют организации в экономике Республике Узбекистан новых типов партнёрских отношений на основе формирования отраслевых и региональных кластеров как группы географически близких взаимосвязанных компаний (поставщиков сырья, оборудования, комплектующих изделий и т.д.), а также научно-исследовательских институтов, лабораторий, университетов, объектов инфраструктуры, которые дополняют друг друга и усиливают конкурентные преимущества как отдельных входящих компаний, так и кластера в целом.

Кластерная форма организации, сменяющая отдельных производителей, является одним из важных условий успешного развития такого важного элемента «ромба национальной конкурентоспособности», как «родственные и поддерживающие отрасли» [2, с.112-114]. Которые (в сочетании с параметрами факторов производства и спроса, а также с условиями конкуренции и стратегией государственного регулирования) формируют среду для развития конкурентных преимуществ отраслей и фирм [3, с.360-365].

Кластерная форма организации экономических отношений предполагает объединение каналов поступления, обработки, передачи и хранения экономической информации в рамках единого информационного пространства, в котором обеспечивается непрерывность контактов между всеми участниками, онлайн обмен информацией и знаниями между ними на основе равного доступа [4, с.172-176].

Такое единое информационное поле поддерживается специальными цифровыми технологиями (единым программным обеспечением, единой базой данных о поставщиках и потребителях товаров и услуг, объемах прибыли, ценах, качестве обслуживания клиентов, сроках исполнения заказов и т.д.). На базе единых систем управления информацией о клиентах поставщиках формируются единые системы планирования календарных графиков, прогнозов и программ оптимизации цепочек поставок, планирования транспортных потоков, единых систем управления сортировкой, упаковкой и

складированием грузов, единых систем управления заказами и т.д., что повышает эффективность использования ресурсов.

Такие единые системы управления дополняются объединением информационных систем управления персоналом, что позволяет интегрировать данные о результативности работы сотрудников, их компетенциях и квалификации, формах обучения и стажировках, размерах заработной платы, премий, льгот и поощрений и т.д. [5, с.116-126].

Это является важным условием повышения мобильности трудовых ресурсов и более эффективного использования человеческого капитала как одного из главных факторов экономического роста в условиях перехода к новому технологическому укладу [6, с.234].

Более высокая эффективность (производительность) использования страной имеющихся у неё ресурсов (как материально-вещественных, так «человеческих») является основным показателем её более высокой конкурентоспособности. Поэтому перспективы повышения конкурентоспособности российской экономики и совершенствования механизмов стратегического управления ею в условиях её модернизации и цифровизации нередко связывают с более широким распространением технологии blockchain. Которая, позволяет быстро осуществлять экономические операции в режиме реального времени, в сочетании с аккумулярованием всей информации об этих операциях без возможности внесения каких-либо изменений в эту информацию. Если транзакция уже проведена [7]. Эта технология достаточно успешно используется в мировой практике, в том числе в операциях с биткойном и другими криптовалютами [8,9].

В экспертном сообществе Республики Узбекистан рассматривается вопрос о возможности использования национальной крипто-валюты в целях её приобретения (через биткойн) иностранными инвесторами, которые, таким образом, смогут осуществлять инвестиции в экономику Республики Узбекистан в условиях тех ограничений, которые накладываются экономическими санкциями. Аргументом в пользу введения крипто-валюты является то, что в этом случае возможность государственного регулирования со стороны Центрального Банка Республики Узбекистан окажется более значительной, чем в случае просто более широкого использования биткойна. Денежно-кредитные операции с криптовалютой окажутся более прозрачными только том случае, если все они будут осуществляться на основе технологии blockchain. В противном случае часть этих операций окажется скрытой (теневой), и возможности управления экономикой со стороны государства окажутся ограниченными, что может создать риски макроэкономической дестабилизации, - тем более, что технология blockchain в Республике Узбекистан пока ещё не имеет широкого распространения, в том числе и в финансовой сфере.

Более того, расширение возможностей использования цифровых технологий в различных сферах деятельности предполагает более высокий

уровень обеспечения безопасности и защищенности информации о личных данных потребителей, сотрудников, пациентов медицинских учреждений, партнёров по любым экономическим операциям, данных о банковских реквизитах клиентов и т.д. В целях предотвращения утечек любых конфиденциальных сведений, шифров индивидуальных пинкодов банковских карт, незаконного списания денежных средств и т.д. Эти процессы по обеспечению безопасности информации требуют достаточно длительного времени и вряд ли могут быть форсированы без рисков серьезных нарушений и дисбалансов в сфере управления, как на микро-, так и на макроуровне.

Так и нарушения и дисбалансы могут сопровождаться снижением уровня доверия пострадавших экономических агентов к стратегии цифровизации экономики - например, в тех случаях, когда цифровые инновации внедряются на микро- или макроуровне в недостаточно транспарантной, то есть прозрачной и всем понятной форме. Утечка конфиденциальных сведений о состоянии здоровья пациентов медицинских учреждений может создавать дополнительные сложности при трудоустройстве. Такая информация может использоваться для неоправданных отказов, при приеме на работу или при решении вопросов о продлении сроков трудовых договоров, что особенно актуально для обеспечения занятости лиц пред пенсионного и пенсионного возраста в Республики Узбекистан.

Подобные примеры, перечень которых может быть расширен, свидетельствуют о том, что цифровые технологии создают как новые возможности повышения конкурентоспособности Республики Узбекистан, так и известные риски при достижении целей стратегического развития.

Список использованной литературы:

1. Агапова Т.А. Развитие системы партнерских отношений в российской экономике как условие повышения ее конкурентоспособности. // Известия Волгоградского государственного технического университета. Серия «Актуальные проблемы реформирования российской экономики (теория, практика, перспектива)» - 2018. - №1(211). – С. 107-109.

2. Портер М. Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран/ пер. с англ.–6-изд. М.: Международные отношения, 2017. – 501с.

3. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. 10-е издание, переработанное и дополненное. – М.: Издательский дом «Синергия» 2018. - 643с

4. Лищук А.А., Трефилова И.Н. Эволюция теории конкурентоспособности и конкурентных преимуществ: становление концепции сетей ценности. // Проблемы современной экономики. –2014.– №4 (52). – С. 172-176.

5. Шаховская Л.С., Аракелова И.В., Джинджолия А.А., Мкртчян С.М. Институционализация партнёрских отношений в предпринимательских структурах (на примере программ лояльности). – М.: издательство «Перо», 2017. -346с.

6. Панькова Л.Н., Тебуев Р.Р. Тенденции развития кадровых процессов и кадровые технологии на государственной гражданской службе. // В сб.: Роль и

место информационных технологий в современной науке. – М.: 2019, С. 234-236.

7. Blockchain: it takes a network [электронный ресурс] // E and Y: official site.– 2016.– Режим доступа: <http://beterworkingworld.ey.com/disruption/blockchain-network>

8.Поппер Натаниел. Цифровое золото: невероятная история Биткойна/ пер. с англ.– М.: ООО «Издательский дом Вильямс», 2017.- 342с.

9.Тарасов Д., Попов А. От золота до биткойна. – М.: Альпина Паблишер, 2018.-296с.

МАМЛАКАТИМИЗДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШНИНГ ЯХЛИТ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ

Иминова Наргизахон Акромовна

Тошкент ахборот технологиялар университети
кафедра мудири, и.ф.н., доцент.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш масаласи Ўзбекистонда давлат даражасига кўтарилган бўлиб, бу борада кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, электрон ҳужжат айланиши тизимлари жорий этилмоқда, электрон тўловлар ривожлантирилмоқда ва электрон тижорат соҳасида яратилган норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда. Шу билан бирга, ахборот-технологик платформаларда фаолият кўрсатаётган рақамли иқтисодиёт жадал ривожланмоқда. Бу эса шундай платформаларнинг янги моделларини яратиш заруратини тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан катта ишлар олиб бориляпти. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатда рақамли иқтисодиётни, замонавий ахборот технологияларини давлат бошқарувида татбиқ этишни ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашни кўзда тутувчи ҳужжат – Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида эълон қилинди [1].

Шу билан бирга, 2030 йилга қадар "Рақамли Ўзбекистон" концепциясини ишлаб чиқиш юзасидан ҳам чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция

мухитини яхшилаш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида 2018 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг галдаги муҳим вазифалари сифатида –инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари диверсификация қилиш учун криптоактивлар айланмаси соҳасида турли фаолиятларни, жумладан, майнинг (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлар форматида мукофот олиш имкониятини берувчи янги блоклар яратиш ва тақсимловчи платформани қўллаб-қувватлаш бўйича фаолият), смарт контрактлар (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар битилган электрон шартнома), консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тарқатиш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фандинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек, “блокчейн” технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш; малакали кадрларни тайёрлаш; криптовалюталар ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш; бу борада ҳуқуқий базани яратиш кабилар назарда тутилган.

Аммо компанияларнинг фаолиятларига ахборот тизимларини жорий этиш усуллари, автоматлаштирилган ахборот тизимлари асосида моделлаштириш тамойиллари, корхоналар фаолиятида автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланиш самарадорликлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш шарт-шароитлари каби муҳим жиҳатлар чуқур илмий-назарий ўрганилмаган.

Бугунги кунда Ўзбекистон шароитида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг қонуниятлари, тенденциялари ва имкониятларини, хусусан, ахборот технологияларининг иқтисодиётнинг турли соҳаларига кириб бориш даражаларини илмий асосда ўрганиш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади. Ватанимиз тараққиёти ва истиқболи, мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти миллий иқтисодиётимизга янги инновацияларни жорий қилишга бевосита боғлиқдир. Шу сабабли рақамли иқтисодиётни такомиллаштириш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқийасосларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Рақамли технологиялар иқтисодиётнинг кўриниши ва тузилмасини ўзгартириб, одатдаги бизнес моделларини бузади, якка тартибдаги хўжалик юритувчи субъектлар ва бутун мамлакат орасида рақобат ва рақобатбардошликни оширади, бозорлар ва имкониятларнинг кенгайишига олиб келади. Бунга Mc Kinsey Глобал институти ҳисоботида келтирилган маълумотларга асосланиб, 20 йил давом этган ўсишдан сўнг, жаҳон ялпи ички маҳсулотига товарлар, хизматлар ва молларнинг анъанавий оқимлари улуши 2007 йилдаги 53 фоиздан 2014 йилда 39 фоизгача камайганини мисол қилиб

кўрсатиш мумкин. 2005 йилдан 2014 йилгача бўлган даврда трансчегаравий маълумотлар алмашинуви ҳажми 45 баробар ошди. 2014 йилдан бошлаб жаҳонда товарлар савдосининг қарийб 12 фоизи халқаро электрон тижорат орқали амалга оширилди.

Шунинг учун кўплаб мутахассислар рақамли ўзгаришларнинг глобал иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бири бўлишига розидир. Рақамли иқтисодиёт соҳасидаги нуфузли экспертлардан бири бўлган The Boston Consulting Group (BCG) маълумотларига кўра, ривожланган давлатларнинг ялпи ички маҳсулотидagi рақамли иқтисодиётнинг улуши 2010 йилдан бери 1,2 фоизга ўсди ва 5,5 фоизни ташкил этди. Ривожланаётган мамлакатларда ушбу кўрсаткич ЯИМнинг 3,6 фоиздан 4,9 фоизигача ошди.

Кўриб турганимиздек, Буюк Британия рақамли иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши бўйича дунёдаги етакчи ўринда туради. АКТ ва телекоммуникация, онлайн тижорат, Интернетга боғланган давлат маблағларини ўз ичига олган сектор кўчмас мулкдан сўнг иккинчи ўринни эгаллаб, ишлаб чиқариш ва тижоратдан ўзиб кетмоқда. Кейинги ўринни Жанубий Корея ва Хитой эгаллаган. Агар биз е-тижоратнинг ривожланиш кўрсаткичларини мамлакатлар нуқтаи назаридан кўриб чиқсак, The Boston Consulting Group (BCG)[2] маълумотларига кўра, Буюк Британия етакчилик қилади, кейин эса рейтингда Германия ўз ўрнини эгаллайди.

Хитойда электрон тижоратни ривожлантиришнинг юқори даражаси эътиборни тортмоқда. Худди шу The Boston Consulting Group (BCG) компанияси маълумотларига кўра, 2011 йилда Хитойнинг электрон тижорат айланмаси 18 миллиард долларни ташкил этди. Хитойлик истеъмолчилар интернет сотиб олиш учун тахминан 750 миллиард доллар сарфлайдилар, бу АҚШ ва Буюк Британия кўрсаткичларини бирга қўшиб ҳисоблагандан ҳам кўпроқ. Умуман, Хитой Савдо вазирлиги маълумотларига кўра, 2016 йил охиригача мамлакатнинг халқаро электрон тижоратда улуши 39,2 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, мамлакатда 2016-2020 йилларда қабул қилинган тармокни ривожлантириш дастурига мувофиқ, электрон тижорат ҳажми 5 йил ичида 5,8 трлн. АҚШ доллари [3]. Mc Kinsey Глобал институтининг тахминларига кўра [4], 2025 йилга келиб рақамли технологиялар Хитой ялпи ички маҳсулотининг 22 фоизга, Россия учун эса 34 фоизгача олишига олиб келади. 2025 йилгача АҚШда рақамли технологияларнинг яратилишидан кутилаётган харажатлар 1,6-2,2 триллион АҚШ доллари даражасига етиши мумкин.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамнафас бўлиб яшаши интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларининг фаоллашувига кенг йўл очмоқда. Бир томондан интеграцион жараёнларнинг ривожланиши замонавий АКТдан фойдаланишни тақозо этса, иккинчидан, бизнес трансформациясини вужудга келтирди. Ушбу жараёнларни иқтисодий-сиёсий жиҳатдан ўрганиш ва илмий хулосалар чиқариш давр талаби ҳисобланади.

Қайд этилган фикр-мулоҳазалар биргаликда иқтисодий муносабатлар тизимига инновацияларни жорий қилиш билан бир қаторда Ўзбекистонда

рақамли маконнишакллантириш ҳамда рақамли иқтисодиётни иқтисодий-ижтимоий жихатдан илмий тадқиқ этиш заруратини белгилаб берди. Қолаверса, бугунги кунда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва такомиллаштириш масалалари ҳар бир ривожланиб бораётган давлатнинг устувор ва муҳим вазифасига айланиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz
2. Цифровизация: история, перспективы, цифровые экономики России и мира [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://www.uppro.ru/library/strategy/tendencii/cyfrovizaciya-trend.html>.
3. Банке Б. и др. Boston Consulting Group, 2016. – Режим доступа: <https://hightech.fm/2017/05/31/china-ecommerce> (дата обращения: 29.08.2017).
4. Mc Kinsey Global Institute. The Internet of Things: Mapping the Value Beyond the Hype / McKinsey & Company, 2015.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Кучкаров Хабибулла, и.ф.н. доцент
Султанов Мавлон Турсинбоевич катта ўқитувчи
Андижон давлат университети
E-mail: qochqarov 1956@ru

Мамлакатимизда олиб борилётган жиддий институционал ўзгаришлар шароитида, ижтимоий–иқтисодий ислохатларнинг амалга оширилишида корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиниши катта ахамиятга эга бўлмоқда.

Миллий корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш юзасидан ривожланган мамлакатлар тажрибасига этибор берилса, корпоратив бошқарув деганда корхона, компанияни бошқаришнинг бир усули, қайсидир манода корхона хўжалик фаолияти натижаларини, таъсисчилар ва бошқа манфаатдор шахслар ўртасида адолатли тақсимлаш имконияти, компания таъсисчиларига компания фаолиятига доир зарур маълумотларни менежерлар фаолиятини назорат қилиш учун етказиб бериш мажбурияти деб хисобласа ҳам бўлади. Бу эса компания капиталини ўсишига замин яратади.

Компанияда корпоратив бошқарувни самарали ташкил этиш учун, қуйидаги айрим асосий принципларга мувофиқ фаолият кўрсатиш зарур бўлади:

- Компания акциялар эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатлари устувор ахамиятга эгаллиги;
- манфаатдор шахслар тенг ҳуқуқлик бўлиши;

- корпорацияни бошқаришда таъсисчиларнинг фикри;
- шаффолик;
- бошқарув аъзоларига бириктирилган вазифаларни ижро этиши;
- ошкоралик;

Корпоратив бошқарув – муҳим тушинча ҳисоблансада, лекин шу кунгача аниқ тавсифга эга бўлмаган ҳолда базада қуйидагича шарҳланади:

- менежерларни акциядорлар олдидаги ҳисобдорлиги;
- менежерлар ва акциядорлар ўртасидаги муносабатлар;
- корхона хўжалик фаолияти натижаларини таъсисчилар ва бошқа манфаатдор шахслар ўртасида адолатли тақсимлаш имконияти;
- бошқарувни назорат қилиш ва менежерларга таъсир кўрсатиш имконияти; [1]

Корпоратив бошқарув корхонани тўғридан тўғри оператив тактик бошқариш тизимида қатнашмасда, кейинги вақтларда корхонани стратегик бошқарувига қўшилиш жараёни кузатилмоқда. Корпоратив бошқарувнинг мазмуни корпоратив ҳаракатларни амалга ошириш жараёнини назорат қилишдан иборат.

Корпоратив бошқарувни жорий қилишни зарурлиги шундан иборатки, бизнес мулк сифатида мулкдор ва сармоядорга тегишли – мулкни бошқариш директорлар кенгаши, бошқарув раиси, менежерларга топширилган, бу эса ўз навбатида томонлар ўртасида муносабатларни тартибга солиш учун зарур бўлган ички номатив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиниши зарурлигини кўрсатади.

Корпоратив бошқарувнинг немис тизимида, акциядорлар компанияни равожланишининг стратегиясини қабул қилинишида ҳал қилувчи овозга эга бўлиб, немис моделида асосан этибор манфаатдор томонларнинг манфаатлар мувозанатига ва ўзаро жавобгарликга қаратилган. Ингилиз-америка корпоратив бошқарув тизими, акциядорларни молиявий манфаатларини қондиришга йўналтирилган. Ингилиз-америка тизими бўйича ҳарқат қилиш компанияларни динамик равожланишига олиб келса, немис тизими эса барқарор равожланишга олиб келади [2].

Осиё корпоратив бошқарув тизимини ҳам алоҳида этибор бериб кўрсатиб ўтишмоқда. Бу тизим уч асосий тамоилларга таянади.

Давлатнинг чуқур ўйланган индустриал сиёсати.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохатлар

Тизимни қўлловчи молиявий сектор.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг кенг иқтисодий ислохатлар амалга оширилиб давлат мулки негиздаги корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб турли мулкчилик шаклидаги акциядорлик жамияти, маъсулияти чекланган жамият ва хусусий корхона шаклидаги юридик шахсларга айлантирилди. Жумладан акциядорлик жамияти шаклидаги ва маъсулияти чекланган жамият шаклидаги корхоналар фаолиятини амалга ошириш юзасидан “Акциядорлик жамияти ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя

қилиш тўғрисида”ги, Маъсулияти чекланган жамиятлар ва қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида”ги ва бошқа бир неча қонун ва қонун ости ҳужжатлар қабул қилиниб, фонд бозори ва миллий қимматли қоғозлар қонучилиги шакилланди, фонд биржаси, қимматли қоғозлар марказий депозитарийси инвестиция институтлари, умуман олганда фонд бозорининг инфратузилмалари шакилланди. Фонд бозорида профессионал фаолият билан шуғулланувчи малакали кадрлар таёрланиб уларга профессионал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи малака аттестатлари берилди. Мамлакатимизда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш мақсадида 24.04.2015 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 сонли фармони қабул қилинди [3]. Фармонга асосан халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этишэски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш, акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар ролини ошириш, етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш даражасини ошириш.

Корпоратив бошқарув тизимини малакатимизда фаолият кўрсатаётган компанияларда жорий қилиш юзасидан мамлакатимиздаги қонунчилик ва қонун ости ҳужжатлар мутазам янгиланиб борсада шу кунгача мамлакатимизнинг миллий корпоратив бошқарув тизими шакилланмади. Миллий корпоратив тизмини шакилланишига тўсқинлик қилаётган омиллар қуйидагилардан иборати [4]:

90 фоиз мамлакатимиздаги акцияларини эмиссия қилинган акциядорлик жамиятларида 51 фоиз ва ундан ортиқ акция пакетлари давлатга ва давлат назортидаги акциядорлик компанияларга тегишлилиги;

Акциядорларнинг ҳуқуқий саводхонлиги жуда пастлиги, корхона бошқарувида майда акция пакетлари эгалари умуман қатнашмаслиги;

90 фоиз акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгашида 80, 90 фоиз давлатнинг вакилларини сайланиши;

оммавий ахборот воситларида акциядорлик жамиятлари уларнинг фаолиятига доир тахлилий кўрсатувлар ва корпоратив бошқарувга доир кўрсатувлар йўқлиги;

жамият акциядорларнинг йиғилиши йирик акция пактелари давлат ва давлатга қарашли компанияларга тегишлилиги сабабли жамиятни ривожлантириш юзасидан фикирлар, бизнес режалар жамиятни ривожланишига доир таклифлар жамиятнинг бошқа акциядорлари томонидан таклиф қилинмаслиги.

Акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати оғирлиги ҳисоб рақамида пул маблағлари йўқлиги ёки солиқдан қарздорлиги борлиги сабабли ҳисоб рақамига

инкасса топширикномаси кўйилганлиги сабабли акциядорларга дивидендлар белгиланган муддатларда тўланмаслиги.

Жамиятнинг бизнес режаси бажарилиши юзасидан чораклик жамият рахбарининг Кузатов кенгаши олдидаги хисоботи чуқур тахлиллар асосида ўтказилмасдан фармал тарзда ўтказилиши.

Жамият акциядорларининг умумий йиғилишлари фармал тарзда ўтказилиши

акциядорлар жамиятнинг йиллик фаолиятини чуқур тахлил қилиб жамият фаолиятига доир таклифларни бермаслиги.

Жамият тафтиш камиссиясининг фаолияти фармал ташкил этилганлиги.

Юқоридаги фикрларга асосан мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш учун куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш сиёсатини давом эттириб, молиявий ҳолати барқарор акциядорлик жамиятларининг давлат улушларини IPO ва SPO орқали босқичма босқич кенг халқ оммасига сотиш ва ваколатли давлат органининг openinfo.uz корпоратив веб-сайтида ва жамият веб сайтида ошқор қилинган маълумотларни тахлилини телевидения орқали бериб бориш, малакатимизда қайси жамият қанча соф фойда олганлиги, қайси жамият дивидендга қанча ажратгалиги ёритиш, акциядорлик жамиятининг маъсул ходимларидан тушинчаларни жамиятнинг жойига бориб сўраш ва уларнинг жавобларини телевидения орқали ёритиш, корпоратив бошқарувни жорий қилиб муваффақият қозонаётган акциядорлик жамиятларини рейтингини тузиб уни доима аҳолига кўрсатиб бориш [5].

Акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлари бўйича мутахасслари Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан берилган малака аттестати билан ишлаши мумкинлиги тўғрисида ва акциядорлик жамиятларида қимматли қоғозлари бўйича мутахасис бўлиши зарурлиги тўғрисида ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Брейли Р., Маерс С. «Принципы корпоративных финансов», М.: «Олимп бизнес», 2014г.- с. 427

2. Зайнутдинов Ш.Н., Рахимова Д. “Корпоратив бошқарув асослари” Т.: “Академия” 2017 й. с. 124

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 сонли фармони 24.04.2015 йили

4. Статистик маълумотлар ЎзР 2017 й.

**5-СЕКЦИЯ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИЖТИМОЙ СЕКТОРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА
ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ.**

**5-СЕКЦИЯ. ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ В
РАЗВИТИЕ СОЦИАЛЬНОЙ СФЕРЫ ЭКОНОМИКИ.**

**5-SECTION. FOREIGN EXPERIENCE IN ATTRACTING INVESTMENT IN
THE DEVELOPMENT OF THE SOCIAL SPHERE OF THE ECONOMY.**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

**Маматов Мамажон Ахмаджонович¹,
Маматов Сардор Ахмаджонович²**

¹Тошкент давлат иқтисодиёт университети, PhD,

²Мустақил тадқиқотчи, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”
Марказий идораси ходими.

E-mail: mamatovahmadjon@rambler.ru

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, хорижий инвестицияларга кенг йўл очиш, қонунчилик барқарорлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицион муҳитни тубдан яхшилаш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар иқтисодиётимизга йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг ошишига муҳим асос бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қайд қилиб ўтганларидек: “Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз керак. Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун худудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин” [1].

Ўзбекистон Республикаси жаҳон инвестиция бозоридан кўпроқ миқдорда хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиши учун халқаро молия институтларига аъзо бўлиб, инвестицион фаолият муносабатларини жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларидан фойдаланиб такомиллаштириб халқаро нормаларга мувофиқлаштириши лозим. Бундан хорижий инвесторлар Ўзбекистон иқтисодиётига катта миқдорда хорижий инвестицияларни киритишга манфатдорлиги ошади ва уларга қулай инвестицион муҳит яратади.

Глобаллашув шароитида дунё бозорларида рақобатнинг шиддатли тус олиши, биринчи навбатда тўғридан – тўғри хорижий сармоялар кўринишида жалб этилувчи хорижий капитал учун рақобат курашида республикада мавжуд имкониятлар ва авфзалликлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишни самарали

тизимини вужудга келтирган жаҳондаги Хитой, Жанубий Корея, ва Малайзия сингари давлатларнинг тажрибаларини тадқиқ этиш ўринлидир. Чунки ушбу давлатларнинг барчасида эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб асос солинган. Бунинг натижасида юқорида таъкидлаб ўтилган давлатлар ҳозирги кунда жаҳонда тараққий этган давлатлар қаторидан жой олган.

Хитой, ҳаммамизга маълумки ҳозирги кунда макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича жаҳонда энг юқори ўринда туради. Хитойда 5 та махсус иқтисодий зона мавжуд бўлиб, эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) бўйича амалдаги норматив ҳуқуқий қоидалар такомиллашиб борган. Давлат томонидан махсус чегараланган норматив ҳуқуқий қоидалар тасдиқланмаган. Бу ҳолат ЭИЗнинг ривожланишига сабаб бўлган муҳим омил бўлди. Ушбу ЭИЗларда жаҳоннинг энг машҳур брендлари SAMSUNG, APPLE, HUAWEI каби кампанияларнинг йиғув цехлари мавжуд бўлиб, ЭИЗлардаги мавжуд божхона ва солиқ имтиёзларидан фойдаланиш натижасида жаҳонга арзон ва сифатли маҳсулотлар экспорт қилиш имконини бермоқда. Хитой махсус иқтисодий зоналарининг бир хусусияти борки, ЭИЗларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар фақатгина экспортга мўлжалланган. Ички бозорга фақатгина кўмиталар рухсати билан бож тўловлари умумий тартибда ундирилади.

Бугунги кунда Жанубий Кореяда 8 та эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатиб келмоқда. Жанубий Корея қонунчилигига кўра, ЭИЗга хорижий инвестор томонидан 10 млн. доллар ва ундан юқори инвестиция киритса, даромад ва корпоратив солиқлардан етти йилга, кейинги уч йил давомида ушбу солиқларнинг 50 фоизи миқдорида имтиёзларга эга бўлади. Бундан ташқари мамлакатда фаолият юритаётган хорижий корхоналарнинг ишчи ходим ва раҳбарлари даромад солиғидан 30%га озод қилинади. Яна бир муҳим хусусият, илмий тадқиқот институтларига 5 (беш) млн. доллар инвестиция киритилса, инвесторга нақд пул шаклида субсидиялар (cash grant system) олиш имкони берилади.

Малайзия қонунчилигига кўра, мамлакатда ЭИЗларнинг икки хил тури мавжуд бўлиб, яъни эркин савдо зоналари ва эркин саноат зоналари фаолият юритади. Малайзияда 25 та ЭИЗлар фаолият кўрсатиб, шулардан 11 таси эркин иқтисодий зоналар ҳисобланса, 14 таси саноат зоналаридир. Бугунги кунда Малайзия дунёнинг электроника ва электротехника марказига айланди. Дунёнинг машҳур брендлари MOTOROLA, DELL, BOSCH, BROWN, SONY, TOSHIBA каби трансмиллий компанияларнинг ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Эркин иқтисодий зоналарининг фаолиятини кескин ривожланиши натижасида Малайзия сўнгги йилларда жаҳонда тез суръатларда ривожланаётган давлатлар қаторидан жой олиб, “Осиё йўлбарси” номга эга бўлди[2].

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитни шакллантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этишни рағбатлантирадиган механизм ва инструментларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар таклиф этилади:

- Инвестицион ресурсларни тақсимлаш соҳасида чеклашлар ва иқтисодиётнинг устувор йўналишларини ривожлантиришда инвестицияларни рағбатлантириш, хусусий мулкни даҳлсизлиги кафолатларини мустаҳкамлашда давлатнинг ролини ошириш орқали мувофиқлаштириш;

Хорижий инвестицияли корхоналар томонидан эркин иқтисодий зоналарга, устувор соҳалар ва худудларга инвестиция қилганда қўшимча имтиёз ва переференциялар бериш орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш. Қўшма корхоналар раҳбарларига ва уларнинг инженер-техник ходимларига визалар олиш амалиётини соддалаштириш ва уларни ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари хизматларидан фойдаланишда қулайликларни таъминлаш;

Жанубий Корея тажрибасидан келиб чиқиб мамлакатда фаолият юритаётган хорижий корхоналарнинг ишчи ходим ва раҳбарлари даромад солиғидан 30%га озод қилиш ҳамда илмий тадқиқот институтларига, технопаркларга инвестиция киритилса, инвесторга нақд пул шаклида субсидиялар (cash grant system) олиш имконини бериш;

- Инвестицияга оид миллий қонунчиликни халқаро ва минтақавий стандартларга уйғунлаштириш, Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий чораларнинг кўрилаётганлиги, халқаро тажрибада инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича турли модели ҳуқуқий тартибга солиш усулларида фойдаланиш, рақамли иқтисодиётга инвестицияни жалб этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратилиши билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиш, ўз навбатида, инвестиция ва инвестицион фаолиятга оид қонунчиликни унификациялаш;

- Хорижий инвестицияли корхоналар учун макроиқтисодий, қонунчилик ва маъмурий шарт-шароитларни ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда барқарор солиқ қонунчилиги тизимини жорий этиш ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш дастурини ишлаб чиқиш ва унда янги эркин иқтисодий зоналарни фаолиятини ташкил этишда Хитой тажрибасидан келиб чиқиб маҳсус чегараланган норматив-ҳуқуқий қоидалар жорий этмаслик;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси – Тошкент. // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

2. Б.Б.Валиев. Иқтисодий ўсишни таъминлашда тўғридан тўғри хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишнинг методологик асослари. Монография. – Т.: IFMR, 2017. –Б.117

WAYS TO ATTRACT DIRECT FOREIGN INVESTMENTS IN THE REGIONS OF UZBEKISTAN BY USING THE “DOING BUSINESS” INDICATORS

Musayeva Shoirazimovna¹

Usmanov Farzod Shoxruxovich¹

¹Assistant professor of SamIES, ²Student of SamIES

E-mail: usmanova.dilfuza@mail.ru

Each country seeks to create a favorable investment climate to attract foreign direct investment (FDI). Attracting FDI is traditionally believed to lead to stimulation of domestic investment, increased competition, technological growth, improve sectoral structure of the economy and an increase in living standards.

As the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoyev noted: “The volume of foreign direct investment amounted to \$ 4.2 billion, which - pay attention - by \$ 3.1 billion, or 3.7 times, more than in 2018. The share of investments in gross domestic product reached 37 percent” [1].

The attractiveness of the investment climate is formed from many components: stability and transparency in the economic environment, ensuring social and legal protection, as well as freedom in foreign economic activity.

There are different approaches to assess the investment attractiveness of a country. For example, in Japan, this is determined by interviewing existing or potential foreign investors to formulate further steps in removing barriers to investors. In the United States used a combination of several indicators, which encompasses many quantitative and qualitative indicators, such as: indicators of the development of the economic system, economic efficiency of investments, and basic indicators of tax policy.

Various international organizations and editorial offices are also developing their approaches in determining and evaluating the investment climate, for comparison and ranking among countries. However, the “Doing business” rating of the World Bank is becoming the most popular among foreign investors, which covers the largest number of economies in the world and makes it possible to conduct a comparative analysis and build a clear picture of attractiveness for foreign investors.

The “Doing business” project provides an assessment based on special methodologies developed by World Bank experts, the climate for doing business and measures taken to improve the environment in 190 countries.

The assessment is based on ten key indicators affecting the conduct of business in the country. At the end of 2019, Uzbekistan occupies the 76th place in terms of overall indicators, including the creation of enterprises (12th place), obtaining building permits (134th place), connection to the power supply system, and property registration (71th place), obtaining loans (60th place), protecting minority investors (64th place), taxation (64th place), international trade (165th place), enforcing contracts and resolving insolvency (91st place).

To identify qualitative results for each indicator, separate evaluation methodologies have been developed, based on scientific papers and proven methods for identifying realistic indicators in the study area. However, due to the scale of the deployed events around the world, one city from each country falls into the coverage of geographical locations. Therefore, indicators of Uzbekistan are based on the data of the most developed city in the country, Tashkent.

According to the results of an assessment by “Doing business” experts, Uzbekistan in 2018/2019 achieved the best results in improving indicators by improving the business environment and undertaken reforms. This is confirmed by the indicator of attracted FDI in the total investment in 2019, which amounted to 4205.4 million US dollars (the share of FDI in the total volume of foreign investment spent in January-December 2019 amounted to 42.9%), which is 3.6 times higher than the previous year.

However, is this the state of the investment climate in other regions of the country? We will try to conduct a survey on two main statistical indicators of the State Committee of the Republic of Uzbekistan on statistics: the growth dynamics of enterprises with the participation of foreign capital, and the share of existing enterprises with the participation of foreign capital by region.

The report of the State Committee of the Republic of Uzbekistan on Statistics states that the number of operating enterprises with foreign capital in 2019 amounted to 10382 compared to 2018 increased 2.2 times. However, in the color of the significant reforms undertaken since 2015 to improve performance in the Doing business rating, the growth was 579 enterprises, and in percentage terms by 13%, which is insignificant.

By regions, the largest share of enterprises with the participation of foreign capital falls on the city of Tashkent –59.1% and the Tashkent region –11.1%. In other regions of the country, this indicator does not even exceed the 5% barrier, which confirms the compliance of “Doing business” indicators only with the city of Tashkent, and in other regions the state of the investment climate is significantly different.

Therefore, we can conclude that the Doing business indicators serve as a good indicator of assessing the investment climate in the city under study, but do not reflect the reality of the investment climate in the whole country.

In this regard, in our opinion, the following is necessary:

firstly, it is necessary to develop a special public institution responsible for conducting such studies in all regions of the country to align indicators with the indicators of the city of Tashkent, according to the requirements of the “Doing business”, and identify existing problems in creating an attractive climate throughout the country;

secondly, it is necessary to involve state bodies in aligning indicators with the city of Tashkent and improving the investment climate in accordance with the requirements of the “Doing business” in each region of Uzbekistan;

thirdly, the development of domestic tools based on international instruments for assessing the investment climate and improving the business environment, as well as

the responsible state and public institution for monitoring and implementing measures taken in this area;

fourth, the organization of a sustainable platform (electronic platform, forum or other) for the exchange of information, experience and study of existing problems in the field of investment climate.

The number of operating enterprises with foreign capital by region as of January 1, 2020

Region	The number of enterprises with foreign capital (total)	из них:		The proportion of enterprises with foreign capital
		Joint enterprises	Foreign enterprises	
Republic of Uzbekistan	10382	5106	5276	100
Republic of Karakalpakstan	155	87	68	1,49
Region's				
Andijan	299	160	139	2,87
Bukhara	274	158	116	2,63
Djizakh	181	117	64	1,74
Kashkadarya	192	141	51	1,84
Navoi	209	131	78	2,01
Namangan	220	146	74	2,11
Samarkand	508	361	147	4,89
Surkhandarya	350	112	238	3,37
Tashkent	1153	601	552	11,10
Ferghana	415	282	133	3,99
Khorezm	140	85	55	1,34
Sirdarya	157	103	54	1,51
Tashkent (country)	6129	2622	3507	59,03

In conclusion, the Doing business indicators can serve as tools to attract new foreign direct investment, and at the same time they can serve as repulsive factors in case of mismatch between indicators and the reality of the investment climate in the regions of Uzbekistan.

List of literature:

1. Capital letter from the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev Oliy Majlis of January 24, 2020.
2. The official website of the State Committee of the Republic of Uzbekistan on statistics. Quarterly reports and press releases. www.stat.uz
3. http://www.iberglobal.com/files/business_climate_eiu.pdf - special issue of The economist magazine

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдурахимова Саида

Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти
докторанти, и.ф.н., доцент

Иқтисодиётда юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларини шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник янгилашда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ)ни жалб қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда олиб борилаётган инвестицияларни жалб қилиш сиёсатининг натижалари миллий иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажмида ўз ифодасини топаяптими?

XXI асрнинг биринчи ўн йилликдан кейинги иқтисодий ривожланиш даврида мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирилган капитал маблағлар ҳажми ва унинг таркибидаги ўзгаришларга эътиборимизни қаратсак, унда инвестициялар ҳажмининг кескин ортганлигини ва таркиби сифат жиҳатидан яхшиланганлигини кўришимиз мумкин.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2010 йилда 15 338,7 млрд. сўм бўлиб, молиялаштириш манбалари бўйича–корхоналар ва аҳоли маблағлари 49 % ни, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 9,7 % ни, чет эл инвестициялари ва кредитлари 28,3 % ни, давлат бюджети 5,6 % ни ва бюджетдан ташқари жамғармалар (тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағларини қўшган ҳолда) 7,4 % ни ташкил этган эди.

2018 йил маълумотлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан сал кам 4 мартага кўпайиб, 60 719,2 млрд сўмни ташкил этди. Молиялаштириш манбалари бўйича олганда корхоналар ва аҳоли маблағлари 43,9 % ни, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 11,0 % ни, хорижий инвестициялари ва кредитлари 26,9 % ни, давлат бюджети 5,5 % ни ва бюджетдан ташқари жамғармалар (тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, болалар спортини ривожлантириш жамғармасини қўшган ҳолда) 12,7 % ни ташкил этди.

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, чет эл инвесторларига яратилган шарт-шароитлар, хусусан, ўз вақтида меъёрий-ҳуқуқий базанинг шакллантирилгани 2018 йилда хорижий инвестициялар миқдорини 2010 йилга нисбатан салкам 3 марта ортишига сабаб бўлди.

Айтиш жоизки, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини таъминлашда чет эл капитал қўйилмалари ичида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар салмоғининг сезиларли даражада улкан миқдорга эга бўлиши ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки, давлат кафолатисиз мамлакат иқтисодиётига инвесторлар капитал маблағларини йўналтиришлари уларнинг миллий иқтисодиётда фаолият юритиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган барча рискларни

(таваккалчиликларни) ўз зиммаларига олганликларидан далолат беради. 2018 йилдаги барча чет эл инвестицияларининг 76 % ини тўғридан-тўғри инвестициялар улушига тўғри келганлиги, яна бир бор, мамлакатимизда қулай инвестиция иқлими яратилганлигини кўрсатиб турибди.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг ички иқтисодиётида шаклланган жамғарма маблағларининг миқдори мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми ва истеъмол даражасига боғлиқдир. Хорижий мамлакатлар, хусусан, янги индустриал давлатлар, Гонконг, Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий ўсиш даражаси 10 % дан юқори кўрсаткич қайд қилинган даврда мамлакат иқтисодиётига киритилган инвестициялар салмоғи ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбатан 35-40 % ни ташкил этган бўлиб, уларнинг сезиларли даражадаги ҳажми ички инвестициялар улушига тўғри келган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур даврда мамлакат фуқароларидан бошлаб, то миллий иқтисодий субъекларнинг барчаси “белбоғни бироз тортиб боғлаб” иш тутишни лозим топишган, яъни, истеъмол қилиш ҳажмини камайтиришган ва жамғармалар салмоғини оширилишига ўз ҳиссаларини қўшишган.

Хўш, бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми барқарор иқтисодий ўсишни таъминлай оладими?

2018 йил маълумотларига асосан асосий капиталга киритилган инвестициялар салмоғи ЯИМга нисбатан 24,4 фоизни ташкил этган. Қайд этиш лозимки, мазкур кўрсаткич дунё мамлакатлари миқёсида ҳисобланган инвестицияларнинг ўртача салмоғидан юқоридир.

Аммо мамлакатимиз ижтимоий–иқтисодий ривожланиш борасида стратегик мақсадларни белгилаб олган экан, уларни амалга ошириш учун миллий иқтисодиётга инвестициялар ҳажмини ошириш зарур бўлади.

Буни, биринчидан, ички инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, иккинчидан, ташқи инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш негизида амалга ошириш мумкин.

Юқорида қайд этилганидек, ички иқтисодиётда шаклланган жамғарма маблағларининг миқдори ЯИМ ва истеъмол ҳажми билан чекланган.

Миллий иқтисодиётга инвестициялар ҳажмини, ички инвестициялар негизида кўпайтириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

жамғармаларни инвестицияга айлантириш билан боғлиқ миллий иқтисодиётда амал қилувчи мавжуд механизмни такомиллаштириш;

тижорат банклари томонидан аҳоли қўлида мавжуд пул ресурсларини, хоҳ у миллий, хоҳ у хорижий валютада бўлсин жалб қилиш ва уларни тадбиркорлик субъектларига кредит маблағлари сифатида бериш;

аҳоли қўлида йиғилган пул маблағларини “Тошкент” фонд биржаси орқали инвестиция жараёнига жалб қилиш ва ҳоказо.

Кўриниб турибдики, ички инвестиция маблағларини миллий иқтисодиётга янада жадал жалб қилиш, мамлакатимизда мавжуд капитал ресурсларни иқтисодиёт тармоқларига жалб қилиш механизмини такомиллаштириш билан

боғлиқ босқични босиб ўтишни тақозо этади, яъни, бирмунча вақтни талаб қилади.

Миллий иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажмини оширишда ички инвестицияларга альтернатив омил, бу фақат хорижий инвестициялар ва кредит маблағлари ҳисобланади.

Шундай экан, бугунги кунда хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш билан боғлиқ мавжуд барча ресурс ва захираларни ўрганиш ва қайтадан кўриб чиқиш, чет эл капиталини миллий корхоналарга жалб қилиш механизмини такомиллаштириш борасида иш олиб бориш лозим бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқоридаги масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, миллий иқтисодиётга йўналтирилган ички ва хорижий инвестициялар ҳажмининг ортишига, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, пировардида мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. The official website of the State Committee of the Republic of Uzbekistan on statistics. Quarterly reports and press releases. www.stat.uz
2. http://www.iberglobal.com/files/business_climate_eiu.pdf - special issue of The economist magazine

ОСОБЕННОСТИ ИННОВАЦИОННО-ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПОЛИТИКИ УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ УГЛУБЛЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИХ РЕФОРМ

Джурабеков Маъмуржон Ахмаджонович

соискатель ТашГТУ им.И.Каримова, Министерство экономического развития и сокращения бедности Республик Узбекистан, ведущий специалист

E-mail: uzb_djurabekov1992@mail.ru

Необходимым условием использования достижений науки и техники в реальном секторе экономики является инновационная деятельность хозяйствующих субъектов. Углубления экономических реформ в нашей стране еще большей степени увеличили значимость активизации инновационной деятельности и в целом, усиления инновационного потенциала страны, позволяющего реорганизовать и улучшить структуру экономики, ускоренно развивать наукоемкие виды производства, превратить науку и технику в важнейший фактор роста производительности труда.

Важнейшие направления современной экономической политики Узбекистана – инвестирование социального и хозяйственного развития на основе применения высокопроизводительных машин и оборудования, прогрессивных технологий, способствующих повышению социально-экономической эффективности и норм прибыли на капитал. Их

результативность обусловлена надежностью экономического и законодательно правового механизма, а также повышением качества управления.

Одним из основных направлений государственной инвестиционной политики является финансирование инноваций и перспективных научно-технологических разработок и программ научно-технического развития отраслей и сфер национальной экономики.

Инвестиции и инновации – две неразрывно связанные сферы экономической деятельности. Развитие и рост экономики в современных условиях невозможно без инновационно-инвестиционного бума, обновления основного капитала на принципиально новой, конкурентоспособной основе. Капиталовложения без инновации не имеет смысла, поскольку незачем воспроизводить устаревшее оборудование, не пользующееся спросом и к тому же ресурсорасточительное. Но и инновации без капиталовложений нереальны.

Проблему обновления производственного аппарата и методов его управления не решить с помощью старых подходов, когда научно-техническая и инвестиционная политика осуществлялась централизованно и главным образом за счет бюджетных источников и фондов министерств. Поэтому нужны новые подходы к инновационно-инвестиционной политике и механизму ее реализации, формам регулирования и воздействия государства на происходящие в этой сфере процессы. Какие же направления в Республике Узбекистан в области инновационно-инвестиционной деятельности можно считать приоритетными, заслуживающими государственной поддержки?

На наш взгляд, прежде всего это предпринимательство, развитие малого и частного бизнеса. Проблемы предпринимательства, развитие малого и частного бизнеса всегда находились в центре внимания правительства экономически развитых государств. Развитие этого типа деятельности и бизнеса на протяжении нескольких десятилетий является приоритетным, под их развитие выделяются огромные капиталовложения, инвестиции, совершенствуется законодательная база, осуществляется подготовка кадров.

Второй приоритет – современные средства коммуникаций, производство и обновление средств транспорта и связи, создание и модернизация транспортных и информационных сетей. Сейчас быстро стареет, приходит в негодность подвижной состав на железных дорогах, средства коммуникаций, транспорта и связи во многих отраслях национальной экономики. Здесь не обойтись частными инвестициями, необходимы государственные капиталовложения или иностранные инвестиции. Нужны крупные проекты с международным участием по освоению и развитию новых направлений производства, современных высоко экономических средств транспорта и связи, строительству автомобильных магистралей, включенных в международные сети Интернет, систем связи информационно-коммуникационных технологий, с использованием искусственных спутников и др.

Третий приоритет – высокие технологии на базе конверсии. Сегодня жизненно важно, опираясь на элементы технологического уклада, сконцентрированные в производственно-промышленном комплексе

организовать производство высокотехнологичных, конкурентоспособных на мировых рынках и импортозамещающих товаров.

Четвертый приоритет – ресурсосберегающие, экологические чистые технологии, задачами которых являются обеспечение и использование новейших научно-технических достижений и уже известных технологий для более полного извлечения минеральных богатств из недр и глубокой комплексной переработки природного сырья.

Новые подходы к разработке инновационно-инвестиционного механизма требуют большого внимания к ресурсному обеспечению проектов и программ – кадровому, финансовому и техническому.

Существенный элемент инновационно-инвестиционного механизма – организационно-экономический. Для реализации проекта, а тем более совокупности проектов инвестиционной программы, нужны целевые структуры. Их характер, выбор наиболее подходящих форм зависит от уровня новизны и масштабности проекта. Иногда за их выполнение могут взяться уже существующие предприятия или выделяемые в их составе целевые структуры. Но целесообразно создавать под проект специализированную структуру. Это может быть малое предприятие, общества с ограниченной ответственностью, акционерное общество, совместное предприятие и др.

Эффективность и жизнеспособность инвестиционного проекта во многом зависит от обоснованности цен. Общеизвестно, что в начале жизненного цикла, на стадии освоения новых изделий (особенно реализующих базисные инновации) уровень издержек высок, а надежность изделия, отработанность конструкции обычно еще недостаточны. Риск технологического прорыва используют не только изготовители, но и первые потребители принципиально новых изделий. Если не компенсировать эти издержки потребителю и попытаться покрывать повышенные затраты производителя с помощью высокой цены, новый товар может быть обречен на отторжение рынком, его не станут покупать. Поэтому наиболее дальновидные фирмы на Западе, работающие с базисными инновациями, продают первые партии изделий по цене ниже издержек, предоставляют разнообразные скидки и гарантии, с тем, чтобы с помощью такой «платы за вхождение на рынок», сформировать достаточный спрос, расширить производство, снизить издержки и компенсировать дополнительной прибылью первоначальные убытки. Необходимо также своевременно и ощутимо снижать цены на новые изделия, не скупаясь на рекламу, чтобы расширять рамки рынка и увеличивать массу прибыли.

Создание эффективного инновационно-инвестиционного механизма неотложно. И начинать нужно не только сверху, с формирования государственной инвестиционной программы и разработки мер по ее реализации, но и снизу, с отбора и быстрого воплощения в жизнь конкретных инвестиционных проектов и региональных программ, с координации усилий дееспособных агентов и инновационно-инвестиционного рынка.

Список использованная литературы:

- 1.Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-3698 от 7 мая 2018года «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в сферы и отрасли экономики».
- 2.Инновационный менеджмент: Учебник / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. Б.Н. Чернышева. – М.: Вузовский учебник, 2009. – 464 с.
- 3.Махкамова М.А., Аллаева Г.Ж. .Теория инновационного менеджмента. Монография. – Т.: «Фан ва технология», 2019. – 120с.
4. Медынский В.Г. Инновационный менеджмент: Учебник. - М.: ИНФРА, 2005. – 295 с.

ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Тўйчиев Абдурахмон Гофурович

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райхон Бериуний номидаги Республика Бизнес ва бошқарув олий мактаби, “Инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими менежери

Шимолий Рейн-Вестфалия ўлкасининг тўққиста "Johannes Rau" тадқиқот институтларининг бири сифатида RIF- Тадқиқот ва трансфер институти e.V. (RIF) иқтисодиёт ва жамиятга билим ва технологияларни узатишга хизмат қилади. RIF 1990 йилда “Интеграциялашган ишлаб чиқариш учун Дортмунд ташаббуси” сифатида университетнинг турли техник ва технологик йўналишдаги профессор-ўқитувчилар томонидан ташкил этилган. Кўп йиллардан буён ўтказиб келинаётган ходимлари тажрибаси билан RIF TU-Dortmund ва бошқа олий ўқув юртлари учун муҳим аҳамият касб этади. Узоқ йиллар давомида RIF ўз ходимлари билан биргаликда саноат билан Дортмунд техника университети учун муҳим кўприк вазифасини бажариб келмоқда. Тўғридан-тўғри ҳамкорликда 2011 йилда тижорат секторидаги 120 дан ортиқ компаниялар ва турли хил сектор мижозларига сўнги топилмаларни тақдим қилиш ва улардан фойда олиш учун ишлатишда шартномавий тадқиқотлар асосида консалтинг хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда RIF фирмаси 100 га яқин ходимга эга бўлган кўп тармоқли тадқиқот хизматларини етказиб берувчи фирма бўлиб, робототехника, фабрика ва ишларни ташкил қилиш, сифат менежменти, логистика, микро тузилиш технологияси, маркетинг, корпоратив бошқарув ва назоратга ихтисослашган олимларнинг фанлараро ҳамкорлиги билан ажралиб туради. RIF ўзининг 22 йиллик тарихига эга бўлиб, 18 та стартапларни ташкил қилган ва ёш компаниялар билан биргаликда махсулотларни ишлаб чиқаришда ва бозорга олиб чиқишда фаолият олиб бормоқда. Ушбу жараён ҳар доим ҳам муваффақиятли кечмаган, балки қарама-қаршиликларга ҳам учраган. Ушбу 18

та компаниянинг фақат учтаси бозорга узоқ вақт дош бера олмаган ва чиқиб кетишган. Қолганлари эса жуда муваффақиятли. Баъзилари шу қадар муваффақиятли бўлишганки, уларни каттароқ компаниялар сотиб олишган. Илмий лойиҳаларда RIF e.V. фирмаси билан ҳамкорликда бир неча бор янги инновацион технологияларни ишлаб чиққан ва кейинчалик уларни амалда тадбиқ қилган “Карат роботик” инновацион фирмасининг (МЧЖ) ривожланиши алоҳида муваффақият келтирган. Бугунги кунда Робототехника компанияси 60 га яқин ишчилар сонига эга.

RIF e.V. фирмасининг йиллик айланмаси тахминан 5 млн. евро тенг равишда давлат томонидан саноат ва саноат шартномаларини тадқиқ қилиш билан биргаликда амалга ошириладиган лойиҳаларни ўз ичига олади. Инновацияларни трансфер қилиш жараёни симуляция технологияси, робототехника, фабрика ва ишларни ташкил қилиш, сифат менежменти, маркетинг, корпоратив бошқариш ва назорат каби турли йўналишдаги олимларнинг 100 га яқин ходимлари билан ҳамкорликка асосланган. RIF e.V. илмий тадқиқот институтида олиб борилаётган тадқиқот лойиҳалари ва инновациялар трансфери давлат ва хўжалик ҳисоби асосида (Drittmittel) қўллаб-қувватланади ва молиялаштирилади.

1-жадвалда тадқиқот жамиятларининг тадқиқотлар ва инновацияларни молиялаштириш бўйича рақобат мусобақасини кўриш мумкин (соревнования научных обществ).

1-жадвал шуни кўрсатадики, Blue List / Leibniz, Helmholtz жамиятлари, Макс Планк жамияти каби йирик тадқиқот компаниялари давлатдан Titel гурхларга нисбатан кўпроқ субсидиялар оладилар. Хўжалик ҳисобидан олинадиган маблағлар эса аксинча. Titel гуруҳларида йирик жамиятларга нисбатан хўжалик ҳисобидан оладиган маблағлари кўп. Чунки Titel гуруҳлари кичик бизнес ва ўрта корхоналар билан бирга ишлайди. Инновациялар корхоналардаги муаммолардан келиб чиқади. Ушбу муаммолар олимлар томонидан фанлараро ҳамкорлик орқали RIFда кўриб чиқилади ва ҳал қилинади. Янги ғоялар бозорга тайёр бўлгунгача компаниялар томонидан қўллаб-қувватланади ва молиялаштирилади.

1-жадвал

Тадқиқот ва инновацияларни ривожлантириш учун ҳамкорликдаги молиялаштириш

Тадқиқот институтлари	Давлат томонидан молиялаштириш	Хўжалик ҳисобидан	Бир ходим ҳисобига нисбатан
Blaue Liste/ Leibniz ИТИ	744 млн.евро	208 млн.евро	12400
Helmholtz жамияти	1.400 млн.евро	700 млн.евро	24000
Fraunhofer жамияти	517 млн.евро	621 млн.евро	12870
Max Planck жамияти	1.020 млн.евро	254 млн.евро	12050
Titelgruppe 73ta (RIF)	13 млн.евро	39 млн.евро	795

2-жадвалда бир ходимга тўғри келадиган тадқиқотнинг молиялаштирилиши ва самарадорлиги кўрсатилган.

**Тадқиқотларнинг самарадорлиги (ҳар бир ходимга, Евро)
таққослаш**

Тадқиқот институлари	Давлат томонидан	Хўжалик ҳисобидан
Blaue Liste/ Leibniz	60.000	16.500
Helmholtz жамияти	58.000	29.000
Fraunhofer жамияти	40.000	48.000
Max Plank жамияти	84.500	20.500
Titel гуруҳлари 73 та (RIF)	16.500	49.000

2-жадвалда тадқиқот жамиятларида ҳар бир ходим учун берилган грант маблағлари келтирилган. Blue List / Leibniz (60,000), Helmholtz assotsiatsiyasi (58,000), Max Plank Society (84.500) каби йирик тадқиқот жамиятлари Тител гуруҳларига нисбатан (16.500) кўпроқ давлат грантларини оладилар. Хўжалик ҳисобидан олинadиган маблағлар бўйича эса аксинча. Йирик тадқиқот жамиятларида хўжалик ҳисобидан олинadиган маблағлар Тител гуруҳларига нисбатан озроқ. Фақат “Fraunhofer” тадқиқот жамиятида йирик компанияларга нисбатан хўжалик ҳисобидан олинadиган маблағлар миқдори бошқа йирик жамиятларга нисбатан кўпроқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Инновационный менеджмент: Учебник / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. Б.Н. Чернышева. – М.: Вузовский учебник, 2009. – 464 с.
- 2.Махкамова М.А., Аллаева Г.Ж. .Теория инновационного менеджмента. Монография. – Т.: «Фан ва технология», 2019. – 120с.
- 3.Медынский В.Г. Инновационный менеджмент: Учебник. - М.: ИНФРА, 2005. – 295 с.

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА РЕАЛ СЕКТОРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Худойбердиев Ёсинбек Бахтиёржон ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти

Илмий раҳбар и.ф.д., доц. Алиев Яшнар Эгамбердиевич

Рақамли иқтисодиёт шароитида туб таркибий ислохотларни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ундан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади. Шу ўринда реал сектор тармоқлари корхоналарини модернизация қилиш жараёнида ишлаб чиқариш кучларини замонавийлаштириш ва қайта касбий тайёрлаш учун инвестиция маблағларига эҳтиёж катта.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида инвестиция фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш борасида қуйидаги фикрлари яъни, “Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа

амалга оширилмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди. Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади” дея таъкидлаб ўтилган [1].

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони иқтисодий ислохотларнинг стратегик ривожланишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Иқтисодиётни стратегик ислоҳ қилиниши мамлакатимизда биринчи марта қўлланмоқда ва жаҳон иқтисодчилари ҳамда ишбилармонлари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди [2].

Олиб борилаётган ислохотларга таҳлилий нуқтаи-назардан қарайдиган бўлсак, ёқилғи-энергетика ресурслари ва энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини рағбатлантириш, улардан оқилона фойдаланиш, бозор механизмларини жорий қилиш, амалётга тадбиқ этиш ва ривожлантириш мақсадларида молиявий интизом ва ёқилғи-энергетика комплексининг мувозанатини мустаҳкамлашдан иборат.

Бугунги кунда реал сектор тармоқлари ишлаб чиқаришини модернизация қилиш ва техник-технологик янгилаш жараёнларини жадал равишда амалга оширилиши иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Бу эса мамлакатимизга йирик ҳажмда инвестициялар киритишни талаб қилади ҳамда мазкур жараёнда инвестициявий жозибадорликни янада ошириш мақсадга мувофиқдир.

Инвестиция фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, стратегик аҳамиятга молик инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда хорижий инвесторлар учун ишончли ва самарали инвестиция лойиҳаларини тақдим этиш, инвестиция фаолиятда ички манбааларни тўғри йўналтириш ҳамда ички имкониятларни ишга солиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни самарали натижаси сифатида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан инвестицияларни молиялаштиришнинг улуши секин-аста камайиб бормоқда. Хусусан, реал сектор тармоқларида инвестиция фаолиятини ривожлантириш давлатнинг устувор сиёсатига айлантирилган бўлиб, унинг таъминотига эришиш мақсадида соҳага инвестицияларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида молиялаштириш манбалари ҳисобидан 189,9 трлн.сўм, (доллар эквивалентида 21,5 млрд.АҚШ долл.) ёки 2018 йилга нисбатан 133,9 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди [3].

2019 йилнинг январь-декабрида жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг асосий қисми, яъни 52,5 % республиканинг тўртта ҳудудида, жумладан, Тошкент шаҳрида–21,8 %, Қашқадарё вилоятида–12,4%, Навоий вилоятида–9,4 % ва Тошкент вилоятида–8,9% ўзлаштирилган.



1-расм. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари [3].

Мамлакатимизда марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 50686,8 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 26,6 % ва ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 3,1 % пунктга кам) ёки 2018 йилга нисбатан 120,0 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 139237,5 млрд. сўм ёки 139,8 % (73,4 %) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.



2-расм. Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби динамикаси, жамига нисбатан % да [3].

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан иқтисодиётнинг нефт-газ, энергетика тармоқларига ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 6511,9 млрд. сўмни (доллар эквивалентида 736,7 млн. АҚШ доллари) ва 2018 йилга нисбатан 71,2 % ни ташкил қилди.

Реал сектор корхоналарини ривожлантиришда инвестицияларни тўғри йўналтириш борасида қуйидаги тавсияларнинг жорий қилиниши мақсадга мувофиқдир:

1) Давлат инвестиция дастурига киритиладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш асосида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни инвестициялаш.

2) давлат инвестиция дастурига фақат молиялаштириш манбалари билан юз фоиз таъминланган, шу жумладан, ташқи молиялаштириш манбалари билан аниқ таъминланиши белгиланган лойиҳаларни киритиш.

3) инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда давлат бюджети маблағларининг ҳудудлар бўйича мутаносиб тақсимланишига асосий эътиборни қаратиш, инвестиция дастурларини шакллантириш ҳудудларда аниқ мезонлар асосида олиб бориш.

Реал сектор корхоналарига инвестицияларни кенг жалб қилиш асосида мамлакатимизда импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги замонавий инновацион технологияларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш ҳамда истиқболда аҳоли бандлигини таъминлаши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи, 29 декабрь, 2018 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида. 2019 й.

CSR ЛОЙИҲАЛАРИ – ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИЖТИМОЙ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ СИФАТИДА

Ашуров Зуфар Абдуллоевич, и.ф.ф.д. (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директор ўринбосари, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчи

Охириги йилларда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ижтимоий секторини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, жамиятда мавжуд ижтимоий муаммолар тизимли асосда ўз ечимини топмоқда, Ижтимоий соҳага муҳим эътибор ҳозирги пайтда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Жумладан, мамлакатимиз тараққиётининг асосий дастури ҳисобланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегияси”да [1] тўртинчи устувор йўналиш сифатида айнан ижтимоий соҳани ривожлантириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, шуни қайд этиш лозимки, иқтисодиётнинг ижтимоий секторини ривожлантиришда нафақат давлат, балки корпоратив секторнинг роли ва ўрнини ошириш масалалари ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатлар диққат марказида бўлиб келмоқда. Бунда компаниялар ўз фаолиятида корпоратив ижтимоий масъулият тизимини жорий этиб, иқтисодиётнинг ижтимоий секторини ривожлантиришга, унга зарурий молиявий маблағларни ажратишга, ижтимоий инвестицияларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшишади.

Шу ўринда, корпоратив ижтимоий масъулият – бу шундай концепцияки, унга мувофиқ корхоналар ўз фаолиятининг мижозларга, таъминотчиларга, ходимларга, акциядорларга, маҳаллий ҳамжамият ва бошқа манфаатдор томонлар, шунингдек табиий муҳитга бўлган таъсири устидан масъулиятни ҳис этган ҳолда жамият манфаатларини инобатга олишади. Ушбу мажбурият қонунчиликка риоя қилиш мажбурияти доирасидан чиқиб, корхоналар ўз ходимлари ҳамда бутун жамият турмуш даражасини ошириш учун ихтиёрий равишда қўшимча чораларни амалга оширишларини тақозо этади [2]. Компанияларда корпоратив ижтимоий масъулиятни амалга ошириш воситаларидан бири – CSR (Corporate Social Responsibility), яъни корпоратив ижтимоий масъулият (КИМ) лойиҳаларидир.

Бугунги кунда КИМ лойиҳалари (баъзи манбаларда корпоратив ижтимоий лойиҳалар ёки дастурлар деб ҳам аталади) ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг ижтимоий секторини ривожлантиришни молиялаштиришда самарали ёндашувга айланган. КИМ лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш орқали компаниялар мамлакатда ёки муайян ҳудудда мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, ва шу тариқа ижтимоий секторни ривожлантиришга кўмаклашадилар. Бундай лойиҳалар, одатда, иқтисодиётнинг ижтимоий соҳалари, хусусан, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, ижтимоий инфратузилма объектларини яхшилаш, таълим, маданият, илм-фан, ва спорт соҳаларини ривожлантиришга мўлжалланган бўлиши мумкин.

Моҳиятига кўра, КИМ лойиҳалари – компанияни бошқаришнинг ўзига хос соҳаси бўлиб, у компаниянинг бизнес ҳамжамиятида, давлат ва жамоат доираларида аҳамиятини оширишга қаратилган ижтимоий соҳани ривожлантириш, амалга ошириш ва баҳолашни ифодалайди. Бундай ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишнинг асосий воситаларига хайрия эҳсонлари, ижтимоий инвестициялар, мақсадли молиялаштириш, пул кўринишидаги грантлар, ижтимоий аҳамиятга эга маркетинг, корпоратив кўнгиллилик кабилар киради [3].

Хорижий тажрибадан маълумки [4], компанияда КИМ лойиҳалари қуйидаги босқичлар асосида жорий этилади:

1. Компания фаолиятини таҳлил қилиш. КИМ лойиҳасини ишлаб

чиқишдан олдин, авваламбор, компания фаолияти таҳлил этилиши лозим, бунда компания активларининг мавжудлиги текширилади, маблағлар инвестиция қилиниши мумкин бўлган йўналишлар ҳамда бизнеснинг келажақдаги истиқболлари кўриб чиқилади.

2. КИМ ривожланиши режасини шакллантириш. Стратегик таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, компаниянинг ижтимоий миссияси тузилади ҳамда ўрта ва узоқ муддатли мақсадлар, нафақат ижтимоий ташаббусларни амалга ошириш учун, балки умуман бизнес учун ҳам белгиланади. Кейинчалик, барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олган ва КСО ни жорий этиш стратегиясини белгилаб берадиган муқобил дастурлар ишлаб чиқилади.

3. КИМ ривожланишининг энг мақбул стратегиясини танлаш. Компаниянинг корпоратив ижтимоий масъулияти ривожланишининг эҳтимолли оқибатлари ҳар бир ижтимоий ташаббус ва лойиҳанинг самарадорлигини аниқлаш нуктаи-назаридан таҳлил қилинади.

4. Танланган КИМ стратегиясини ҳужжат тарзида расмийлаштириш. Танланган КИМ стратегияси тегишли ҳужжатда қайд этилади. Бу компаниянинг “Корпоратив ижтимоий масъулиятга оид сиёсати” номдаги ҳужжат бўлиши мумкин. Одатда, компанияда КИМ лойиҳаларини амалга оширадиган, бу соҳада стратегик режалаштиришни олиб орадиган ва оралик натижаларни таҳлил этадиган бўлим ёки бошқарма ташкил этилади. Шунингдек, КИМ лойиҳаларини амалга ошириш ва белгиланган самарадорлик кўрсаткичларига эришиш учун масъул бўлган шахслар тайинланади.

5. Тасдиқланган КИМ стратегиясида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш. КИМ лойиҳаларини амалга ошириш стратегияси ва режасига мувофиқ тайёргарлик ишлари олиб борилиб, муайян ижтимоий ташаббуслар рўёбга чиқарилади.

6. КИМ стратегиясини амалга ошириш ҳар бир босқичининг оралик натижаларини сарҳисоб қилиш. Ушбу босқичда мақсадли ижтимоий лойиҳаларнинг натижалари баҳоланади, бозорнинг янги талаблари ҳамда компания фаолиятининг ички ва ташқи шарт-шароитларига мос равишда узоқ муддатли КИМ дастурларига зарур тузатишлар киритилади.

Ўзбекистонда корпоратив ижтимоий масъулиятни жорий этиш ҳали бошланғич босқичда турибди. Шунинг учун ҳам ҳозирда КИМ лойиҳалари фақатгина чет эл капитали иштирокидаги ёки қўшма корхоналар (масалан, Baker Tilly Uzbekistan, Knauf Uzbekistan, BAT Uzbekistan, Nestle Uzbekistan) томонидан амалга оширилиши кузатилмоқда. Бироқ, маҳаллий корхоналар КИМ лойиҳалари асосида иқтисодиётнинг ижтимоий секторини ривожлантиришга тўлиқ кўмаклашиши ҳали кўринаётгани йўқ. Бунинг учун мамлакатда ҳукумат даражасида корпоратив ижтимоий масъулиятни жорий этиш ва ривожлантиришнинг тегишли шарт-шароитлари ва рағбатлантирувчи имкониятларини яратиш талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-

4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

2. Литовченко С. Е., Корсаков М. И. Социальная ответственность бизнеса: актуальная повестка. - М., 2003.

3. Инструменты корпоративной социальной ответственности [Электронный ресурс]. // Журнал “Устойчивый бизнес”. – URL: <http://csrjournal.com/instrumenty-korporativnoj-socialnoj-otvetstvennosti>.

4. Как КСО-проекты влияют на развитие бизнеса в долгосрочной перспективе [Электронный ресурс]. // Журнал “Устойчивый бизнес”, 11 ноября 2019 г. – URL: <http://csrjournal.com/32746-kak-kso-proekty-vliayut-na-razvitie-biznesa-v-dolgosrochnoj-perspektive.html>.

INTERNET-KOMPANIYALARNING VENCHUR MOLIYALASHTIRISH MEXANIZMI

Ro’zimov Bahromjon Bahodirjonovich

Andijon davlat universiteti doktorant)

E-mail: bahromjon7174@inbox.ru

Internet-kompaniyalarning ilovasida venchur biznes. Hozirda butun dunyoda internet-loyihalarning aksariyat qismini amalga oshirishni g‘ayratli ishlab chiqaruvchilar va tavakkalchilikka asoslangan kapital qo‘llab-quvatlaydi. Bunday tavakkalchilikka asoslangan kapitalni jalb etishga Internet-kompaniyani tashkil etishning oddiyligi va osonligi, shuningdek, faoliyatining boshlang‘ich davrida xarajatlarning nisbatan kamligi turtki beradi. Katta hajmdagi avantiyurali (qaltis) kapitalning mavjudligi ko‘pchilik chayqovchi va firibgarlarda bu jarayonlarga qiziqish uyg‘otadi. Yangi Internet-kompaniyalar ta‘sischilari malakasining pastligi, loyihaning kelajagiga ishonch hosil qilgan investorlarning tanqidsiz munosabatda bo‘lishi hamda chayqovchilik qiziqishlarining buzg‘unchi ta‘siri natijasida ko‘p loyihalar tijorat nuqtai nazaridan istiqbolga ega bo‘lmaydi, bu esa bunday biznesga qiziqishning yo‘qolishiga olib keladi. Eyforiya va shov-shuv o‘rniga axborot biznesining ko‘pchilik neofit (yangi paydo bo‘lgan)larida umidsizlik paydo bo‘ladi. Bu ko‘tarilishi shiddatli darajada asrimizning boshida kuzatilgan kuchli investision to‘lqin pasayishining namoyon bo‘lishidir.

Internet-loyihalarning tijorat qimmatiga nisbatan umumiy umidsizlik holati paydo bo‘lgan bir paytda iqtisodiy jihatdan samarali Internet-biznesga ongli qarash paydo bo‘la boshladi. Bunday asosli ishlab chiqilgan va imkoniyat darajasida uylab qilingan Internet-loyihalarga asosan venchurli kapital egalari, shuningdek, fondlarini boshqaradigan, kompaniyaning biznes strategiyasiga rozi bo‘lgan investorlar investitsiya kiritadilar. Bunda venchur kapital egalari foyda olishga harakat qilib, Internet-korxonaning muvaffaqiyatli shakllanishini qo‘llab-quvvatlaydilar. Venchur

kapitalni investitsiya kapitali bilan almashtirish (ya'ni venchur kapitalning chiqib ketishi) Internet-korxonalar rivoji va qaror topishining yangi bosqichini belgilab beradi.

Venchurli kapitalistlar uzoq muddatga pul mablag'larini kiritadigan investorlarning talablariga umid qiladilar. Bunday investorlar yuqori texnologiyali biznes qachon foyda olib kela boshlashini aniq bilmasalarda, ular kutish qobiliyatiga ega bo'ladilar. Bunday uzoq muddatli investitsiyalash strategiyasi yirik investorlarga, ayniqsa institusional investorlarga xosdir.

Umuman olganda, internet-loyihalarni moliyalashtirish chizmasivenchur biznesni moliyalashtirish chizmasiga o'xshashdir. Bu tushunarli, chunki internet-korxonalar venchur korxonalar to'g'risidagi tasavvurga to'la mos keladi. Bu ham yuqori texnologik, ham o'ta xavfli korxonadir. Axborot texnologiyalari juda murakkabdir, ko'p kishilar nafaqat uning mazmunini, balki qo'llanilishini ham tushunmaydilar. Bundan tashqari, global tarmoq infratuzilmasida amalga oshirilgan axborot texnologiyalari hali o'zining hamma tijoriy imkoniyatlarini namoyon qilmagan, bu esa ushbu biznesga mablag' kiritishxavfini yanada oshiradi.

Endigina yaratilgan internet-korxonalar ishlab chiqaruvchilar va ta'ris etuvchilar mablag'lari hisobiga moliyalashtiriladi. Bunday korxonaning istiqboliga ishonch hosil qilingandan so'ng, uni moliyalashtirishga xususiy investorlar qo'shib, dastlabki bosqichda korxonaniqo'llab-quvvatlab turadilar. Bozor sharoitida aprobatsiyadan o'tgach, bunday korxonalar venchur fondlari kompaniyalari boshqaruvchilarining qiziqishlariga hisob qilsa bo'ladi. Bunday qiziqish qisman innovatsiyalarni moliyalashtiruvchi davlat tuzilmalari tomonidan ham qo'llab-quvvatlanib, rag'batlantirib turiladi. Davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashga erishgan va venchur fondlarini moliyalashtirishning ma'qul shartlariga erishib, internet-korxonalar o'z imkoniyati, texnik jihozlanishi va mijozlar bazasini oshirib, aksiyalarini birlamchi fond bozorida joylashtirishga qaror qilishi mumkin. Odatda bu qaror venchur fondlarining kompaniya boshqaruvchilariga bog'liq bo'ladi.

Birlamchi joylashtirilgan aksiyalar hisobiga jalb qilingan mablag'lar (ularning bir qismi ishlab chiqaruvchilar va xususiy investorlarga paylarni to'lash hisobiga beriladi) Internet-korxonaga bozorda sezilarli darajada o'z o'rniga ega bo'lish imkonini beradi (albatta, agar u o'z biznesida yetakchilik saqlab qolishga erishsa). Qator hollarda, korxonaga o'zining eksklyuziv va bozorda sezilarli hajmga ega o'rnini saqlab qolishga texnologiyalardan mutloq foydalanish huquqini beruvchi va yuqori daromad olishga ko'maklashuvchi patent va boshqa hujjatlar yordam beradi.

Venchur loyihalar yetarli darajada xavfli hisoblanadi, ammo ular yuqori daromad olib kelishi mumkin, shunisi bilan ham ular investorlarning qiziqishlarini uyg'otadi. Loyihaning tijoriy istiqbolini to'g'ri baholash muhimdir, chunki innovatsion loyihalar tijoriy aprobatsiyaga ega bo'lmaydi. Aynan shuning uchun AQSH da taklif etilayotgan loyihalarning o'rtacha 90 foizdan ortig'ini investorlar birinchi marotaba ko'rishdayoq chiqarib tashlaydilar.

Hozirda foyda keltirmaydigan Internet-kompaniyalarning bozor qiymatini baholashda muammo mavjud, chunki barcha mablag' asosan uning infratuzilmasini yaratishga sarflanadi. Amerikaning fond bozorida tanazzulgacha Internet-biznes holatida investorlar, kapital o'sishidan tushadigan daromad (aksiya qiymatining

o'sishi hisobiga) va mijozlar bazasining ortish sur'atlari, operatsiyalar miqdori, saytlarga kirish miqdoriga qaraganlar, so'ng esa dividendlar miqdori va ularni olish muddatlari to'g'risida masalaga e'tiborni qaratganlar.

Investorga tashrif buyuriladigan saytlar yoki original g'oyani taqdim etishning o'zi yetarli bo'lmaydi. Bulardan tashqari, to'g'ri tuzilgan va asoslangan biznes-reja va unda qoplanishi muddatlari ko'rsatilgan bo'lishi lozim. To'g'ri yechim istiqbolli g'oyalarni ishlab chiqaruvchi mutaxassislarni to'plashi mumkin bo'lgan internet-inkubatorlarni tarqatishdan iborat bo'lishi mumkin. Bunda autsorsing tamoyiliga binoan loyihani texnik jihatdan amalga oshirish inkubator – kompaniyaning chegarasidan tashqarida yuz beradi.

Internet-kompaniya bosqichma-bosqich moliyalashtirishni turli xil manbalardan amalga oshirib borishni ta'minlaganda, loyihani amalga oshirishda yutuqqa erishish mumkin bo'ladi. Kiritilgan mablag'larni o'zlashtirish tezligi korxonaning miqyosi ortganda va yangi internet-biznes rivojlanishining yanada keyingi pog'onalariga o'tganda ortib boradi.

Uncha katta bo'lmagan internet-firmalarning hayotiy sikli.

«Ekish» bosqichi (seed)– bubosqichda ishlab chiqilgan texnologiya asosida loyiha yoki biznes-g'oya taqdim etiladi. Texnologiyani ishlab chiqaruvchilari tomonidan kichik internet-firma yaratilib, uning uchun dastavval boshlang'ich mablag' olinadi, ya'ni u texnologiyani tijoriy ishlab oxiriga yetkazish va firma bozorga chiqishidan oldin «ekish kapitali» (seedfinance)ni olish uchun kerak bo'ladi.

Ishga tushirish bosqichi (start-up)– bu bosqichda firma endigina bozorda o'z faoliyatini boshlaydi va uzoq muddatli bozor tarixiga ega bo'lmaydi. Bozorni o'zlashtirish boshlanadi, haridorlar bazasi shakllantiriladi, iste'molchi xulq-atvorini tahlil qilish asosida mahsulotni ilgari surishsiyosati ishlab chiqiladi.

Erta bosqich (early stage, infant/young firm)– bubosqichda internet firma bozorni o'zlashtiradi, mijozlar sonini ko'paytiradi.

Ekspansiya yoki kengaytirish(expansion) – firma bozorning sezilarni hajmini egallaydi, uning xizmatlariga bildirilmagan katta talab mavjud va u foydalanuvchilar auditoriyasini kattalashtirish va qo'shni bozorlarga chiqish uchun qo'shimcha marketing xizmatlarni bajarish maqsadida, qo'shimcha investitsiyalarga (asosiy fondlar va ish kuchini oshirish uchun) ehtiyoji mavjud bo'ladi.

Venchur moliyalashtirish turlari. Firma egalari va menejmentining maqsadi kapitalni jalb etishda shunday sxemalardan foydalanish bo'lsinki, bunda ular firmaga tanlab olingan strategiyaga muvofiq uzoq vaqt oralig'ida rivojlanish, korxonaning manfaatlariga amal qilishiga va investorlarning talablarini qoniqtirishga imkon berishi lozim. Moliyalashtirishning muqobil sxemasiham mavjud bo'lishi, korxonaning iqtisodiy holati va sharoitlari o'zgarganda, menejment ilgari kelishilgan moliyalashtirish variantidan voz kechishi ham mumkin

1. «Ekish» (see sinonce) bosqichida moliyalashtirish tadqiqotlarni mablag' bilan ta'minlashdan va tijorat loyihani boshlang'ich konsepsiya va biznes-g'oya asosida ishlab chiqishdan hamda internet-kompaniyaning pilot loyihagini moliyaviy qo'llab-quvvatlashdan iborat bo'ladi.

2. Boshlang'ich va erta moliyalash (start-up and early stage) bosqichi endi tashkil etilgan internet-firmalarni internet xizmatlar bozorida rivojlantirish va ilgari siljishini tashkil etish maqsadida amalga oshiriladi. Shuni inobatga ish kerakki, bu bosqichda katta hajmda moliyalashtirishga qiziqish kerak emas, chunki venchur sarmoyadorlarining xarajatlar tahlili shuni ko'rsatdiki, ular uchun hozircha innovatsion loyihalarni izlash ishlari narxi ham, ma'qul deb topilgan dastlabki kompaniyalarni baholash qiymati ham investitsiya qilinayotgan mablag'larning hajmlariga nisbatan ancha yuqori bo'ladi.

3. Firmaning kengayishi va rivojlanishi uchun (bu-unumdorlikni oshirish, bozor ulushini kengaytirish, aylanma kapitalni ko'paytirish va boshqalar) uni moliyalashtirish, egalik qilish yoki qo'shilish amalarini bajarish uchun mablag' ajratish. Shuni ta'kidlash kerakki, firma rivojining bu va keyingi rivojlanish bosqichlarida menejment venchur kapitalini jalb qilishdan voz kechishi mumkin, ya'ni venchur investitsiyalarini amalga oshirish shartlarifirmaga to'g'ri kelmasligi mumkin. Bunday hollarda, moliyaviy ko'makning boshqa chizmalari, masalan, kafolatli chizmalari qo'llanilishi mumkin.

4. Ekspansiya bosqichida venchur kapitalini investitsiyaga almashtirish, ya'ni bunda «venchur kapitalining chiqishi» to'g'risidagi masala turadi. Bu shu firma menejmenti tomonidan venchur sarmoyadordan uning tegishli qismini sotib olish orqali amalga oshiriladi. Bundan tashqari, bu firma menejmenti va investorlariga firma mulki sifatida nazorat aksiya paketlarini sotib olish imkoniyatini beradi. Venchur sarmoyadorlar ulushi boshqa korxonalar tomonidan ham sotib olinishi mumkin. Venchur sarmoyadorlarining o'z ulushlarini sotishlarida (birlamchi fond bozorida) ularga ma'qul bo'lgan narxda sotish muammosi tug'ilsa, ular firmani moliyalashtirishni davom ettirishlari va sotishdan voz kechishlari mumkin bo'ladi. Bunday jarayon «yangilanish» deb nom olgan va u kapitalning chiqib ketishini qoldirish va maqbul sharoitlarni tiklashdan iborat bo'ladi.

AQSHning institusional sektori investitsiyalarining katta qismi venchur biznesni kengaytirish bosqichiga to'g'ri keladi (ya'ni bu shakllangan rivojlangan venchur firmalarga mablag' ajratish) va bu sektorning uchdan bir investitsiyalari rivojlanayotgan kichik venchur firmalarga «Ekish» va «boshlang'ich» bosqichlarda ajratiladi, moliyalashtirishning asosiy og'irligini biznes-farishtalar amalga oshiradi, AQSH da ular investitsiyalarining o'rtachamiqdori Yevropadagiga qaraganda nisbatan kam (taxminan 100 ming \$). Bu amerikalik biznes-farishtalar faqat 20% kapitalni rivojlangan venchur biznesga yo'naltiradilar (Shimoliy Yevropada bu ko'rsatkich 30 foizdan ortadi).

5. Firmani fond bozoriga chiqish uchun tayyorlashni moliyalashtirish, imtiyozli qarz majburiyati bo'yicha oraliq majburiyatni rasmiylashtirish hisobiga mablag'larni jalb qilishdan iborat. Bundan tashqari, agar ba'zi bir aksiyadorlar boshqa aksiyadorlarga yoki boshqa moliyaviy vositachilarga va moliya institutlariga o'z ulushini bersa, bu umuman olganda venchur biznes mablag'larining likvidligi o'sishini ta'minlaydi, ikkilamchi egalik qilishni tashkillashtirish uchun o'rnini bosuvchi kapitaldan foydalanish imkonini beradi.

Internet-loyihani xavflarni minimal darajaga tushiradigan maxsus yaratilgan fond (uning paychilari loyihani birgalikda moliyalashtiradi) hisobiga yoki yuqori texnologiyali korxonadan tomonidan yaratilgan aktivlarni sotishdan olingan daromadga qiziqish bildiruvchi investor tomonidan moliyaviy qo'llab-quvvatlash mumkin bo'ladi.

Loyihalarni ishonchli va sifatli amalga oshirish uchun birdamlikda moliyalashtiriluvchi loyihalardan foydalanish ma'qul (buni YUNIDO ekspertlari taklif qilgan). Bunday moliyalashtirish shakli pirovardidako'p mablag' sarflashga olib keladi, biroq u o'z navbatida, joriy qilinayotgan texnologiyalardan to'laroq foydalanishimkonini beradi. Faqat bitta investorni jalb qilish barcha moliyaviy va texnik tadbirlar o'tkazilishini nazorat qilishni qat'iylashtiradi, qo'shimcha moliyalashtirish imkoniyati va hajmlarini chegaralaydi. Yakka tartibdamoliyalashtirish odatda har doim qattiq iqtisodiy nazorat sharoitida yuz beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Gulyamov S.S., Ayupov R.H. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalar. Toshkent: TMI, 2019 yil.
2. Далворт М. Социальные сети. Руководство по эксплуатации Изд-во: Добрая книга, 2010 г
3. Тешабаев Т.З. «Бошқарув тамойиллари ва инновацион технологиялар». Монография, Тошкент, «Фан ва технология», 2011.
4. <http://www.wmw.com>. World Market Watch kompaniyasi web-serveri.

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ РИВОЖЛАНИШИДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ярматов Шарофиддин Чориевич
Термиз давлат университети ўқитувчиси
E-mail: sharof.yarmatov@mail.ru

Ҳар қандай мамлакат ўзида мавжуд бўлган ресурслардан самарали фойдаланиш, ўз имкониятларини намоён этиш, юксак натижаларга эришиш ва бу орқали аҳоли турмуш даражасининг ошишини таъминлашни ўз олдида мақсад қилиб қўяди.

Бугунги жадал ривожланиш ва глобаллашув жараёнида инновация, инсон капитали ҳар қандай мамлакат олдида турган муаммоларни ҳал этувчи энг муҳим стратегик ресурсларидан биридир. Инсон капитали узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини таъминловчи асосий омиллардан бири сифатида эътироф этилади. Чунки инсон капитали концепцияси таълим, фан ва техника, соғлиқни сақлаш, меҳнат ресурсларини

тақсимлаш тизимини янада ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Президентимизнинг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони мамлакатимизнинг бундан буён инновацион ривожланиш йўли ва инновацион иқтисодиётга ўтишини кўзда тутди ва бу борадаги устувор вазифаларни белгилаб беради. Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилик даражасини ошириб, инновацион жиҳатдан тараққий этишини таъминлайдиган асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш мазкур стратегиянинг бош мақсади сифатида кўрсатилди.

Бугунги кунда мамлакатда келгуси ривожланиш йўналишларини тўғри танлаш, инсон капиталини ривожлантириш ва ундан фойдаланишнинг энг устувор йўналишларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса ривожланиш учун шу каби иқтисодий стратегияни шакллантиришга замин яратади. Унинг асосий марказида эса билим, кўникма, инновацион ғоялар тўпланган шахс туради.

Мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда табиий ресурслардан узлуксиз фойдаланиш самарали ечим бўла олмайди. Мамлакат аҳолисининг мунтазам ўсиб бориши эҳтиёжларнинг ортишига сабаб бўлишини ва табиий ресурслар чекланганлигини инобатга оладиган бўлсак, инсон капиталини ривожлантирмай туриб мамлакатнинг келажакдаги иқтисодий ҳолати қандай бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва стратегик мақсадларга эришиш учун мавжуд барча ресурслардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Инсон капиталига инвестиция киритиш ва уни самарали йўналтириш, таълим сифатини яхшилаш орқали ушбу муаммолар ечимини топиш мумкин бўлади.

“Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич 4 баробарни ташкил этади. ...инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун эса барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт... Умумий ўрта таълим тизимини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш, фарзандларимиз ҳар томонлама камол топиши учун барча шароитларни яратиш лозим.”[1].

Таҳлилларга кўра инсон капиталини ривожлантиришда, Америка Қўшма Штатларида 3 ёшдан 22 ёшгача ўртача 210 минг доллар сарфланар ва натижада 3,1 млн. доллар фойда келтирилар, Жанубий Кореяда 130 минг доллар сарфланар ва 2,1 млн. доллар фойда келтирилар экан. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатларда инсон капиталига сарфланган ҳар 1 сўм 13 баробар ҳисобида қайтади. Ўзбекистонда эса 16 минг доллар сарфланиб, бунинг эвазига 70 минг доллар фойда олинар экан.[2]

Бизнинг олдимизда турган бир қатор муаммоларни ҳал қилиш учун инсон капиталига бўлган эътибор кескин оширилиши зарур. Айниқса таълим

тизимини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш, бу йўлда барча имкониятларни ишга солиш лозим.

Мамлакатимизда маълум давр давомида инсон капиталига эътиборнинг пасайиши, таълим тизимидаги узилишлар оқибатида самарадорликнинг кескин пасайиб кетишига сабабчи бўлди. Натижада сарфланган сармоянинг фойда келтириш даражаси паст кўрсаткични ташкил этди.

Ўтган даврлар давомида мамлакат аҳолисининг олий маълумот билан қамраб олинганлик даражасининг пастлиги, олий ўқув юртларига қабул квоталарнинг камлиги, танловнинг ўта юқорилиги кўплаб салбий ҳолатларни ҳам юзага келтирди. Касб ҳунар коллежлари битирувчиларининг максимал даражада олий таълим олиш имконияти билан қамраб олинмаганлиги, ва йўналиши бўйича иш билан таъминланиш даражасининг пастлиги ўқувчиларга билим олишга бўлган қизиқишнинг пасайиб кетишига ва бу ўз навбатида таълим бериш сифатига ҳам таъсирини кўрсатди. Натижада олий маълумотга эга бўлиш мақсадида бўлган коллежларнинг маълум қисм битирувчилари жуда юқори балл тўплаш мақсадида қўшимча репититорлик марказларига мурожаат қилиш даражаси кескин ошди. Бу жараён, яъни таълим олишга интилиш ижобий фикр уйғотади албатта. Аммо шунга эътибор бериш керакки, таълим олувчиларнинг асосий мақсади яхши таълим олиб уни келажакда жамият фаровонлиги учун қўллаш эмас, балки олий ўқув юртига кириш бўлиб қолди. Бунга сабаблардан яна бири тест саволларининг мураккаблиги ҳисобланади. Ушбу мураккаблик мактаб дарсликларини ёзиш жараёнида ҳам инобатга олинади ва ўқувчиларга тавсия қилинадиган дарсликлар жуда мураккаб ва тушунарсиз бўлиб қолмоқда.

Ўқувчилар ўқишга кириш учун ушбу билимларни ёд олишни афзал билмоқда. Ўрганган билимини эса амалий жараёнда қачон ва қайси соҳада, ишлаб чиқариш жараёнида қўллашда муаммоларга дуч келади. Биз инсон капиталини самарали шакллантиришни мақсад қилган эканмиз, албатта биринчи навбатда билим бериш воситалари жаҳон стандартлари даражасида бўлиши лозим. Айниқса ўқувчи олаётган билимларини қаерда ва нимага қўллай олишини билиши шарт.

Бу жараёнда салбий ҳолатлардан яна бири шундаки талаба бўлишни мақсад қилганларнинг асосий қисми 1 ёки 2 йил давомида барча билимларни олишга ҳаракат қилади. Бу эса жисмоний, руҳий сиқилишларга сабаб бўлади. Натижада талабалик бахтига мушарраф бўлганлар ўз қарашларига кўра асосий мақсадига эришиб бўлади ва билим олишда давом этиш даражаси кескин пасаяди.

Айни вақтда мамлакатимизда таълим тизимида эътиборнинг кўчайтирилиши натижасида мактабларда таълим сифатига алоҳида аҳамият берилди бошланди, тизим ўз йўлига тушмоқда ва бу ўз навбатида мактабларга ишончни оширмоқда. Инсон капиталига ўз вақтида сарфланган сармоя жамият ва иқтисодиёт учун катта манфаат келтиради ва шундай экан ижтимоий тенгсизликка барҳам бериш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун таълимга, айниқса ўзлуксиз мактаб

таълимига инвестицияларни мақсадли йўналтириш ва таълим сифатини ошириш лозим. Мамлакатимизнинг узоқ муддатларда ҳам барқарор ривожланишида муҳим омил бўладиган ушбу стратегия инсон капиталига сармоя киритиш орқали фаровон ҳаёт, фаровон жамият куриш сари қўйилган жиддий ва ишончли қадам ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O`zbekiston respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. – 2020.24.01.
2. “O‘zbekiston-2035 forumi” materiallaridan. Ozbekiston Milliy axborot agentligi - 2019.05.02.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИКРОМОЛИЯЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мадумаров Талантбек Толибжонович

Андижон давлат университети профессори, ю.ф.д.

Мамлакатнинг ривожланишида молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятининг даражаси ва молиявий инфратузилманинг шаклланганлик ҳолати алоҳида ўрин тутаети. Мазкур инфратузилманинг асосий субъекти ҳисобланган банклар тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг молиявий ресурсларга бўлган барча эҳтиёжларини таъминлаб бера олмайди. Шу сабабли ушбу фаолият соҳасида банклар билан бирга нобанк тузилмаларнинг бўлиши талаб этилади. Ўзбекистонда бундай тузилмалар сифатида асосан микрокредит ташкилотлари фаолият юритади. Бундай ташкилотлар жумласига одатда ломбардлар, турли ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузиладиган микрокредит ташкилотлари киради. Қонунчиликка киритилган сўнгги ўзгартиришлардан келиб чиқадиган бўлсак, эндиликда банклар ҳам микрокредит ва микроқарз хизматларини амалга оширади ва бу ҳолат банклар ҳам микрокредит ташкилотларининг бир тури эканлигидан далолат беради. Ўз навбатида микрокредит ташкилотларининг субъектлик мақомидаги бундай рангбаранглик, улар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишдаги муайян муаммолар, ўзига хос ёндашувлар ва алоҳида жиҳатлар мавжудлигини кўрсатади.

Микромолиялаш ҳам молиялашнинг кичикроқ кўрсаткичларда амалга оширилишини англатади ва бунда амалга ошириладиган кредитлар муайян суммада ёки миқдордан ошмайдиган қисми давлат томонидан микромолиялаш сифатида белгиланади [1]. Микромолиялаш тушунчасининг таърифи Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 сентябрдаги «Микромолиялаш тўғрисида»[2] ги Қонунининг 3-моддасида берилган бўлиб, унга мувофиқ, микромолиялаш микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошмайдиган суммада микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш, шунингдек микромолиявий хизматлар

кўрсатиш тўғрисидаги шартномага (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир.

Мазкур таърифдан кўришиб турибдики, микромолиялаш қонун ҳужжатларида ифодаланган молиялаш фаолиятининг турларини (микрокредит, микроқарз, микролизинг) белгиланган миқдордан ошмайдиган суммада амалга ошириш ҳисобланади. Микромолиялаш ҳар бир тури учун максимал сумма қонун ҳужжатларида белгиланади. Масалан, микрокредит учун энг кам иш ҳақининг минг баравари, микроқарз учун энг кам иш ҳақининг юз баравари хизмат кўрсатиш максимал миқдори ҳисобланади. Бунда амалга оширилаётган молиялаш ушбу суммада кўп бўлиши мумкин эмас ҳисобланади. Зеро, микромолиялаш ҳамма молия ташкилотларида ҳам амалга оширилавермайди. Бундай фаолият тури одатда микромолия ташкилотлари – деб номланадиган молия ташкилоти томонидан амалга оширилиши қонун ҳужжатларида белгилаб кўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ-53-сон “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни[3] 3-моддаси биринчи қисмига кўра, микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва ушбу Қонунга мувофиқ бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахс микрокредит ташкилотидир.

Микрокредит ташкилотлари фаолиятини ўрганган Т.Т.Мадумаровнинг фикрича, микрокредит ташкилоти деганда қонун билан белгиланган миқдордаги молиявий маблағларни кичик бизнес субъектлари ва аҳолининг кам таъминланган қисми учун таъминот бериш шарти билан ёки шартсиз микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасидаги хизматларни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа молиявий хизматларни кўрсатувчи, қонунда белгиланган тақиқларни истисно қилганда ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этиладиган юридик шахс тушунилади[4].

А.В.Чириков микрокредит ташкилотини максимал суммаси қонун билан чекланган миқдорда фуқаролар ва кичик тадбиркорлик субъектларига фойда олиш ёки ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун қарз берадиган фаолиятни амалга ошириувчи субъект сифатида тавсифлайди[5].

Кўришиб турибдики, микрокредит ташкилоти ҳам юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахс сифатида микрокредит ташкилоти фойда олишни кўзлаб фаолият олиб боради. Зеро, у томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳар доим ҳақ эвазига амалга оширилади. Масалан ФКнинг 744-моддасига мувофиқ, қарз олувчи олинган кредит суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Олинган фоиз эса ўз-ўзидан микрокредит ташкилоти оладиган фойда ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан микрокредит ташкилотини тижоратчи юридик шахслар туркумига киритиш мумкин.

Ўзбекистонда микрокредит ташкилотларининг фаолияти билан боғлиқ дастлабки қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг кучга киритилиши билан белгиланди. Хусусан, ФКнинг 289-моддасида ломбардлар фаолияти билан боғлиқ қоидалар белгиланган. Ушбу модданинг биринчи

қисмига кўра, фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш ихтисослашган ташкилотлар - лицензияси бўлган ломбардлар томонидан тадбиркорлик фаолияти сифатида амалга оширилиши мумкин.

Ломбардлар фуқароларга шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган кўчмас молмулкни заклат кўринишидаги гарови остида қисқа муддатли (уч ойдан ошмаган муддатга) кредитлар бериши мумкин[6].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-П-сонли Қарори билан тасдиқланган, амалга оширилиши лицензияларни талаб қилувчи фаолият турларининг рўйхатига мувофиқ, ломбардларнинг фаолияти лицензияланиши шарт. Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки томонидан амалга оширилади.

“Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг 2003 йил 22 сентябрдаги 23/3-сонли қарори билан тасдиқланган (АВ 10.12.2003 йилдаги рўйхат рақами 1291-сон).

Ушбу Низомнинг 8-бандига кўра, ломбардлар фаолиятини амалга оширишга лицензия, 500 млн. сўм миқдорида энг кам устав фонди шакллантирилган ҳолда, ломбард сифатида қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган юридик шахсга берилиши мумкин.

Ломбарднинг устав фонди ломбард муассислари тўлаган пул маблағларидан шакллантирилади.

Кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан ломбарднинг устав фондиди шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ломбардлар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2003 йил 22 сентябрдаги 23/4-сон қарор билан тасдиқланган “Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш Қоидалари” [рўйхат рақами 1290, 2003 йил 10 декабрь] билан тартибга солинади. Мазкур Қоидаларнинг 4-бандига кўра, Ломбард, паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат тақдим этилганда, фуқаролар билан шартномалар тузади.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 сентябрдаги ЎРҚ-50-сон “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши билан микрокредит ташкилотлари фаолият олиб боришлари учун ўзига хос ҳуқуқий асос яратилди. Ушбу қонунда микрокредит ташкилотларининг фаолиятининг энг асосий йўналиши микромолиялаш тушунчасининг легал таърифи белгиланди. Жумладан, қонуннинг 3-моддасига кўра, микромолиялаш микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошмайдиган суммада микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш, шунингдек микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир.

Муаллиф микромолиялаш фаолиятини таҳлил этар экан, ушбу фаолиятнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатади:

Микромолиялаш фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига қуйидагилар киради: биринчидан, микромолиялаш ташкилотлари фаолияти махсус ҳуқуқий тартибга солиш билан тавсифланади ва банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка бўйсунмайди. Иккинчидан, микромолиялаш хизматлари муайян турдаги юридик шахслар – кредит уюшмалари, ширкатлари, ломбардлар ва шу мақсадни амалга ошириш учун тузилган ва махсус ҳуқуқ лаёқатига эга микромолиялаш ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Учинчидан, микромолиялаш – бу кўрсатиладиган хизматлар рўйхатининг норматив жиҳатдан чекланганлиги билан белгиланади [7].

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда микромолиялаш фаолияти шартнома билан белгиланадиган ҳамда қонунда назарда тутилган миқдордан ошмайдиган суммада мижозларга қарз-кредит хизматларини кўрсатишга қаратилган фаолиятдир, деган ҳулосага келиш мумкин. Чунки микромолиялаш кичик тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг муҳтож қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш мақсадни кўзлайди. Юқори бўлмаган суммадаги маблағларни қайтариб бериш шарти билан тақдим этиш орқали микромолиялаш фаолияти мамлакатда янги иш ўринларини яратиш, камбағалликни камайтиришга хизмат қилади. Шу сабабли мазкур қонун ҳар томонлама моливий ресурсларни кам таъминланган аҳоли қатламлари томонидан олиншига қаратилиши лозим.

Микрокредит ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ-53-сон “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни алоҳида ўрин тутаяди. Мазкур қонуннинг 5-моддасига кўра, микрокредит ташкилоти таъсис ҳужжатлари асосида фаолият кўрсатади.

Микрокредит ташкилотлари устав фондининг энг кам миқдори «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг (рўйхат рақами 2093, 13.04.2010 й.) 3-бандида белгиланган бўлиб, унга кўра 2017 йил 1 октябрдан бошлаб микрокредит ташкилотлари устав фондининг энг кам миқдори 2,0 млрд. сўм этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниши билан микрокредит ташкилотлари фаолияти ривожлантиришнинг янги босқичи бошланди. Қарор билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг 2019 йил 1 августдан бошлаб:

микроқарзнинг энг юқори миқдори 50 млн сўмгача, микрокредит миқдори - 300 млн сўмгача ва микролизинг миқдори - 600 млн сўмгача оширилади;

микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати 30 кундан 15 иш кунигача қисқартирилади.

Хулоса сифатида айтганда, Ўзбекистон Республикасида сўнгги йиллар мобайнида иқтисодий, молиявий соҳада изчил ислохотлар ҳамда амалий натижалар кўзга кўриниб келмоқда. Бу амалий кўрсаткичларнинг аксарияти мамлакатимизда вужудга келган янги молиявий институтлар фаолияти билан боғлиқдир. Бу аввалом бор тадбиркорлик ва кичик, ўрта бизнесни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ўстириб бориш, кам даромадли аҳоли қатламини кредит ажратмалар орқали тадбиркорлик билан шуғулланишга ёрдам бериш, қишлоқ жойларда тадбиркорлар сафини кенгайтириш, иш билан бандликни таъминлаш каби мақсадларга эришиш натижасидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Одатда “микро” сўзи “кичик”» - деган маъно англатади, ҳамда ашё ёки бошқа воқеликнинг нисбатан катта миқдорига кўра камроқ эканлигини билдиради. Шу билан бирга бу атама нарса, ашё, предмети ёки муносабатнинг кичикроқ ҳажмдаги ҳолатини англатиш учун қўлланилади.

2. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 йил, 37-38-сон, 369-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 372-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 18-сон, 233-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 2017 й., 16-сон, 265-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2018 й., 03/18/494/1992-сон

4. Мадумаров Т.Т. Микрокредит ташкилотларининг фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш: юрид. фан. докт. дис. ... авто. – Тошкент: 2019. – 13-14 б.

5. Чириков А.В. Особенности правового регулирования микрофинансовой деятельности микрофинансовых организаций: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2017. – 7 с.

6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. I-жилд. - Тошкент: 2010. “Vektor-Press” нашриёти, - 258 б.

7. Мадумаров Т.Т. Ўзбекистонда микромолиялаш ёки кредитлаш фаолиятининг ҳуқуқий асослари // Ҳуқуқ ва бурч журнали. –Тошкент, 2015. – №2. (110) –Б.60–61

INVESTITSIYA - IQTISODIY O'SISH OMILI

Kunduzova Qumrixon Ibragimovna¹

Jumaqulov Zamir Islomovich²

^{1,2} Farg'ona Politexnika instituti dotsenti, i.f.n.

E-mail: kikunduzova@gmail.com

Xar bir mamlakat iqtisodiyoti iqtisodiy o'sish asosida rivojlanib o'sib borishi zarur. Chunki iqtisodiy o'sishsiz xech qaysi jamiyat, davlat rivojlana olmaydi, aniqroq aytgandagan bo'lsak, ijtimoiy taraqqayot yuz bermaydi. Iqtisodiy o'sish

ijtimoiy taraqqiyot uchun asosiy moddiy shart-sharoitni to'la ta'minlab beradi va u amaliyotda ishlab chikarish xajmining ko'payishi yoki aholi jon boshiga yaratilgan mahsulotlar, xizmatlar hajmining ortib borishi bilan o'lchanadi. Bunday o'sish darajasiga, ozchilik aholi farovonligidan butun xalqning farovon xayotga o'tishning asosiy iqtisodiy sharti hisoblanadi. Mamlakat ijtimoiy-iktisodiy rivojlanishini ta'minlashda resurslarni asosiy kismini istiqbolli sohalarni ustivor rivojlanishi uchun zamonaviy tarmoqlarni rivojlantirishga yo'naltirish kerak, chunki mamlakatdagi ishlab chiqarish strukturasi uning iqtisodiy rivojlanishini ta'minlashi lozim.

Davlatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi uchun investitsion resurs eng muhim qo'shimcha va samarali omil bo'la oladi. Buning muhimligi yana shundaki, bu resurs bevosita ishlab chiqarishni rivojlantirishga qaratilgani sababli, keng ma'noda iqtisodiyotni investitsiyalash degan tushunchani ham ifodalaydi.

Investitsiyalar – ishlab chiqarish quvvatlarini kengaytirishga, asosiy kapitalni ko'paytirishga va aylanma kapital hamda moddiy zahiralarga pul shaklidagi qo'yilmadir. U pul mablag'lari, bank kreditlari, aktsiya va boshqa qimmatli qog'ozlar ko'rinishida amalga oshiriladi. investitsion tovarlarga talabning ortishi ularni ishlab chiqarishni rag'batlantirib, pirovardida iqtisodiy o'sishga olib keladi[1]

Investitsiya har bir davlatni ijtimoiy-iktisodiy rivojlanishiga ko'p tomonlama ta'sir etishini eng avvalo yangi texnologiyani joriy etish orkali mehnat unumdorligini oshishi, ikkinchidan, qo'shimcha ish joylarini tashkil etishda ko'rish mumkin. Natijada ishlab chiqarishga yangi ish o'rinlari yaratiladi va ish bilan bandlik ta'minlanadi (ishlovchilar soni kupayadi), uchinchidan, yangi tabiiy resurslarni xo'jalik oborotiga tushiriladi (ishlab chikarish tabiiy resurslar bilan ta'minlanadi.). Bundan ko'rinib turibdiki, jalb etilgan investitsiya barcha ishlab chikarish omillarini xarakatini tezlatish uchun qo'shimcha kuch-quvvat beradi, natijada mehnat unumdorligi oshib ijtimoiy-iqtisodiy o'sish yuz beradi.

“Jahon tajribasi shuni ko'rsatadiki, qaysi davlat faol investitsiya siyosatini yuritgan bo'lsa, o'z iqtisodiyotining barqaror o'sishiga erishgan. SHu sababli ham investitsiya – bu iqtisodiyot drayveri, o'zbekcha aytganda, iqtisodiyotning yuragi, desak, mubolag'a bo'lmaydi. Investitsiya bilan birga turli soha va tarmoqlarga, hududlarga yangi texnologiya-lar, ilg'or tajribalar, yuksak malakali mutaxassislar kirib keladi, tadbirkorlik jadal rivojlanadi».[2]

Demak, investitsiya iqtisodiy o'sishni ta'min etuvchi muhim omil bo'lib hisoblanadi va uning yordamida quyidagi vazifalarni hal etish imkoniyati yaratiladi. Ya'ni,

Birinchidan, ichki bozorda talabgor bo'lgan - import tovarlari o'rnini bosuvchi mahsulotlarni ishlab chiqaradigan yangi korxonalar qurish, yangi ish o'rinlarini shakllantirish imkonini beradi.

Ikkinchidan, mamlakatda faoliyat ko'rsatayotgan korxonalar ishlab chiqarishini kengaytirish va istiqbolli rivojlanishni ta'min etuvchi omil - milliy korxonalarining xususiy kapital hajmini to'ldiradi.

Uchinchidan, milliy iqtisodiyotda texnologik yangilanish amalga oshadi va milliy sanoat ishlab chiqarishiga yangi texnika va zamonaviy uskunalarni o'rnatiladi va

natijada jahon bozorida raqobatlasha oladigan milliy mahsulotlar ishlab chiqarila boshlaydi.

To'rtinchidan, milliy ishlab chiqaruvchilar tomonidan kredit mablag'lari hisobidan istiqbolli loyihalarni amalga oshirish imkoni yaratiladi.

Beshinchidan, milliy iqtisodiyotning jahon iqtisodiyotiga integrallashuvi amalga oshadi.

Jahondagi barcha davlatlar singari bizning mamlakatimizda ham milliy iqtisodiyotda investitsiya muhitining jozibadorligini oshirish uchun bir qancha ishlar amalga oshirilmoqda. Bugungi kunda O'zbekistonda xorijiy investorlarni jalb etish uchun shart-sharoitlar yaratilgan. Jumladan:

mamlakatdagi siyosiy barqarorlik

xususiy mulk va raqobatni himoyalaydigan qonunchilik bazasining shakllanganligi;

investitsiya jarayonini qo'llab-quvvatlaydigan infratuzilmaning barpo etilganligi;

mamlakatning qulay georafik joylashuvi;

agrosanoat sektorini rivojlantirish salohiyatining yuqoriligi va mamlakatning mineral-xomashyo resurslariga boyligi;

yuqori malakaga ega mehnat resurslarining mavjudligi;

savdo uchun ichki bozor hajmining yetarli darajada kengligi.[3]

Xorijiy investorlar uchun berilgan imtiyozlar va moliyaviy-iqtisodiy rag'batlantirish tizimi, investitsiyaviy jozibadorlikning muhim omili hisoblanadi. Bu esa o'z navbatida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni ishlab chiqarishning barcha sohalariga yo'naltirilishini ta'minlaydi.

Mamlakatimizda olib borilgan faol investitsiya siyosati natijasida, 2019 yilda asosiy kapitalga investitsiyalar 189,9 trln so'm asosiy kapitalga investitsiyalar o'zlashtirilib, ularning 70,7 foizi yoki 134,3 trln so'm jalb etilgan mablag'lar hisobidan moliyalashtirilgan bo'lsa, korxonalar, tashkilotlar va aholining o'z mablag'lari hisobidan 29,3 foiz yoki 55,5 trln so'm moliyalashtirilgan. Investitsiya siyosati har qanday davlatning iqtisodiy rivojlanishi va ishlab chiqarishni kengaytirishning muhim yo'nalishlaridan biri bo'lib, unga bozor iqtisodiyoti sharoitida yangicha yondashuv talab qilinadi. Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yilida amalga oshirilgan islohotlar natijasida asosiy kapitalga investitsiyalar hajmi keskin oshib, o'tgan yilga nisbatan 33,9 foizni tashkil etgan.

Farg'ona viloyati iqtisodiyotiga ham investitsiyalarni jalb qilishga xukumatimiz tomonidan alohida e'tibor qaratilgan bulib, bugungi kunda iqtisodiyotga jalb etilayotgan investitsiyalar xajmi yil sayin ortib bormoqda. Jumladan, 2019 yilda asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning umumiy hajmi milliy valyutada 9 164,2 mlrd. so'mni yoki 2018 yilning mos davriga nisbatan o'sish sur'ati 140,1 foizni tashkil qilgan.

Shu jumladan, 2019 yilda asosiy kapitalga kiritilgan xorijiy investitsiya va kreditlarning umumiy hajmi 3 538,2 mlrd. so'm bo'lib 398,0 mln. AQSH dollarini tashkil etgan holda, o'tgan 2018 yilga nisbatan 2,8 marta o'sishga erishilgan. Shuningdek, xorijdan jalb etilgan jami mablag'lar tarkibida xorijiy investitsiyalar

2708,8 mlrd. so'm yoki 303,9 mln. AQSH dollarini tashkil etgan bo'lib, shundan 2415,9 mlrd. so'm to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar yoki 271,5 mln. AQSH dollarini, boshqa xorijiy investitsiyalar esa 292,9 mlrd. so'm yoki 32,4 mln. AQSH dollarini tashkil etgan.

2019 yilda viloyatda jami xorijiy investitsiya va kreditlardagi nodavlat sektoriga kiritilgan to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiya va kreditlarning ulushi 98,5 foizni tashkil qildi.

Xorijiy investitsiya va kreditlarning iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha salmoqli qismining o'zlashtirilishi qayta ishlash sanoatiga to'g'ri kelgan 1906,2 mlrd. so'mni tashkil etib, jami xorijiy investitsiya va kreditlar xajmidagi ulushi – 53,9 % ni, tog'kon sanoatida – 786,5 mlrd. so'mni tashkil etib, jami xorijiy investitsiya va kreditlarning 22,2 % ni, qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligi sohasida – bo'lib, jami xorijiy investitsiya va kreditlarning 3,7 % ni yoki 130,4 mlrd. so'mni tashkil etgan.

Shuningdek, axborot va aloqa sohasida 42,0 mlrd. so'mni hamda suv bilan ta'minlash, kanalizatsiya, chiqindilarni yig'ish va yo'q qilish sohasiga esa 18,3 mlrd. so'mni tashkil etgan. Tahlillarimizga ko'ra, 2019 yilda ushbu iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha xorijiy investitsiya va kreditlarning o'zlashtirilishi 2018 yilga nisbatan ortganligi kuzatildi.

Bu o'z navbatida mamlakatimizda chet ellik investorlariga yaratilgan shart-sharoitlar, xususan, o'z vaqtida me'yoriy-huquqiy bazaning shakllantirilganligi natijasidir.

Tahlillarimiz shuni ko'rsatadiki, erishilgan yutuqlar bilan bir qatorda Respublikamizdagi investitsion muxitni rivojlanishiga salbiy ta'sir qilayotgan omillar ham mavjud. Jumladan, Investitsiyalar bo'yicha davlat qo'mitasi ekspert va ilmiy doiralar vakillari bilan hamkorlikda ishlab chiqilgan "Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to'g'risida"gi qonun kontseptsiyasida ta'kidlanishicha, O'zbekistonda investorlar uchun soliq og'irligini pasaytirishga va soliqqa tortish tizimini soddalashtirishga, sog'lom raqobat muhitini qo'llab-quvvatlashga yo'naltirilgan soliq siyosati va soliq-tarif boshqaruvi islohotlari jadal sur'atlarda amalga oshirilmoqda. Shu bilan birga, investorlar bilan ishlashda, ayniqsa, joylarda, investorlarning tashabbuslari barcha darajadagi hokimliklar tomonidan lozim darajada qo'llab-quvvatlanmasligi, bu borada vazirlik va idoralar faoliyati aniq muvofiqlashtirilmaganligi bilan bog'liq byurokratik to'siq va g'ovlar hali ham mavjudligi qulay investitsiya muhitini shakllantirish bo'yicha davlat siyosatining izchilligiga bo'lgan ishonchning mustahkamlanishiga to'sqinlik qilmoqda.

Shu sababli, O'zbekiston Respublikasida investitsion faoliyatni tartibga solish bo'yicha samarali investitsion siyosatni amalga oshirilishini ta'minlashga qodir bo'lgan ilg'or, milliy va xorijiy tajribalarni hisobga olgan holda ishlab chiqilgan yagona unifikatsiyalangan qonunchilik hujjati doirasida barcha uyushmagan amaldagi qonunchilik hujjatlarini mustahkamlash imkoniyatini ko'rib chiqish zarurati tug'ilmoqda.

Xulosa qilib aytganda, Respublikamizda investitsion muhit rivojlanishiga salbiy ta'sir qilayotgan omillar ta'sirini kamaytirish hamda faol investitsion siyosat asosida mamlakatimizda qator investitsion chora-tadbirlarni amalga oshirilishi islohotlarni

yanada chuqurlashtirishga, yangi texnologiyalarni joriy etilishi natijasida iqtisodiyotni modernizatsiya qilinishiga va bu orqali yangi ish o'rinlarini yaratilishiga, aholi bandligini ta'minlanishiga, xalqning turmush hayotini farovonligi oshishiga, shuningdek, mahsulotlar va xizmatlarning yangi va yangi turlarini yaratilishi uchun imkoniyat yaratadi.

Foydalangan adabiyotlar ro'yxati:

1. Vahobov A.V. Xorijiy investitsiyalar. T.: "Moliya" 2010 yil.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev tomonidan 2018 yil 28 dekabrda O'zbekiston Respublikasi oliy Majlisiga taqdim etilgan Murojaatnomasi. T.: 2018y
3. Ашуров М., Файзуллаев Ж. Факторы снижения рисков инвестиционно – инновационной деятельности в экономике Узбекистана // Журнал молодой учёный, февраль №2 (82), 2015 г., с. 248-250.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛЬ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бахтиёрлов Барҳаёт Бахтиёржон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат Бошқаруви Академияси тингловчиси

Барчамизга маълумки, кичик бизнес субъектларига мустақиллик бериш, улар фаолиятининг якуний натижалари учун жавобгарлик ҳиссини оширади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу жумладан, ҳозирги кунда тижорат банкларининг ҳам олдига қуйилган энг асосий вазифалардан бири - кичик бизнес соҳасини етарлича молиявий ресурслар ва хизматлар билан таъминлашдан иборатдир. Кичик бизнес аҳоли зич жойлашган ҳудудларда ишсизлик муаммосини ҳал қилади. Шу сабабли, банк тизимида кредитлаш механизмини такомиллаштириш буйича чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши мамлакатда рақобатчиликнинг зарур муҳитини ҳосил қилиб, бозор шароитидаги кўпгина ўзгаришларга тезда мослаша олади, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида янгидан-янги қўшимча иш ўринларини яратади ва мамлакатда ижтимоий муҳитни таъминлаш учун ўрта синфни шакллантириш манбаи ҳисобланади.

Биринчидан, у бозор иқтисодиётининг зарур шароитларига тезда мослашиб, чуқур ихтисослашув ва кооператсиялашуви натижасида унинг юқори самарадорлигини таъминлайди. Иккинчидан, у бозордаги талаб ва таклиф мутаносиблигини ҳисобга олиб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган товар

ва хизматларни бозорга тезда этказа олиш имкониятлари юқорилиги билан алоҳида ажралиб туради. Учинчидан, рақобатчилик муҳитини яратиш орқали истеъмолчилар учун арзон ва сифатли товар ва хизматлар таклиф қилади. Тўртинчидан, бозор иқтисодиёти усиз мавжуд бўлмайдиган тадбиркорлик муҳити ва руҳини яратади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, кучли рақобатчилик муҳити шароитида улар доим ривожланишга мажбур бўлишади ва бозорнинг жорий шартларига мослашишларига тўғри келади, бошқа тадбиркорлик субъектларидан устун бўлишлари уларнинг фойда миқдорларининг ошиш манбаи ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, бозор иқтисодиёти инсонлар ўзлари истаганларидек ҳаёт кечириши учун барчани тинимсиз ҳаракатда бўлишини талаб этади.

БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича конференциясининг (ЮНКТАД) ҳисоботиغا кўра, жаҳон миқёсида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми кетма-кет учинчи йил пасайиб, глобал молиявий инқироздан сўнг дарҳол кузатилган энг паст даражага етди. 2018 йил охирида бу кўрсаткич 19 %га камайди (2017 йилда – 16%).

Бундан ташқари, ривожланаётган мамлакатлар бўйича ЮНКТАДнинг ҳисоботиغا кўра, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг ижобий ўсиши Осиёда кузатилиб, унинг ҳажми 5%га ўсди. Шу ўринда Марказий Осиё мамлакатларида хорижий инвестицияларнинг ўсиши ўртача 8-10 %ни ташкил этган бўлса, Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 2018 йилнинг шу даврига (2,9 млрд.доллар, шундан асосий капиталга – 1,6 млрд доллар) нисбатан 3,2 баробарни ташкил этди (9,3 млрд доллар, шундан асосий капиталга – 6.6 млрд доллар) ва Марказий Осиё мамлакатлари орасида ўсиш суръатлари бўйича республикамиз етакчилиқни таъминлади.

Хорижий инвестицияларни республикага жалб қилиш бўйича асосий хорижий ҳамкорлар сифатида Хитой, Россия ва Германияни эътироф этиш мумкин, шу билан бирга Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритадиган давлатлар умумий сони 50 тадан ошди. Натижада йирик инвестор-давлатларнинг умумий жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлардаги улуши 34%гача қисқарди.

2018 йил кўрсаткичларига нисбатан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилишнинг фаол ўсиши электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш (ўсиш – 7,5 баробар), металлургия (ўсиш – 4,6 баробар), тўқимачилик (ўсиш – 2,5 баробар), чарм-пойафзал (ўсиш – 2,1 баробар) ва нефть-газ (ўсиш – 2 баробар) тармоқларида кузатилди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар оқимининг ўсиш суръати худудий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларда ҳам мустаҳкамланиб бориб, уларнинг умумий ҳажми 2019 йилда 4,8 млрд долларни (шундан асосий капиталда – 4,2 млрд доллар) ташкил этиб, 2018 йил мос даврига нисбатан 4 баравар ва 2017 йилга нисбатан 24 баравар кўпайди. Фақат хорижий капитал иштирокида худудларда умумий қиймати 858,5 млн долларга тенг 167 та лойиҳа фойдаланишга топширилди.

Республикамиз ва унинг минтақаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини қаттиқ назоратга олиш мақсадга мувофиқ:

– тадбиркорларга берилган имтиёз ва энгилликлардан фойдаланиш жараёнида сунъий тўсиқлар пайдо бўлмаслигини қаттиқ назоратга олиш;

– тадбиркорларнинг инвестицион фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақат ички кредит линиялари, балки ташқи кредит линияларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш;

– инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш;

– жойларнинг табиий хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиқиб жойларда тадбиркорлик шакллари ривожлантириш;

– қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг тадбиркорлик билан шуғулланиш борасидаги фикрларини жонлантириш;

– тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларидан кредит олишни кафолат фондлари орқали кафолатлашни жорий қилиш;

– тижорат банкларининг бизнесни модернизатсиялаш учун ажратаётган кредит ставкаларини янада камайтириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг раванқ топишидан нафақат мамлакатимиз иқтисодиёти, балки унинг ҳар бир фуқароси манфаатдор экан, юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада кенгрок ривожланишига сабабчи бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция дастурига мувофиқ 2020 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга қарийиб 233,2 трлн. сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилиши режалаштирилган, бунда тўғридан-тўғри ҳорижий инвестициялар ва кредитларнинг – 7,1 млрд. доллар, давлат кафолати остидаги ҳорижий инвестициялар ва кредитлар – 2,7 млрд. доллар ўзлаштирилиши режалаштирилмоқда.

Хусусан, 2020 йилда ижтимоий, инфратузилма ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган 2 мингдан зиёд объектлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган: 206 та йирик ишлаб чиқариш қувватлари, 240 та ҳудудий ишлаб чиқариш объектлари, 1,6 мингта ижтимоий ва инфратузилма аҳамиятига эга объектлар.

Умуман ривожланган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий соғломлаштириш соҳасида катта тажрибалар тўпланган. Бунда қуйидагиларга таянилади:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус қонунларга;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг Давлат дастурларига;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кафолатли ва имтиёзли

кредитловчи фирмаларга;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини имтиёзли кредитлашга, уларга солиқ юкини энгиллаштиришга;

Республикамизда ҳам кичик бизнес соҳани ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида турли хил имтиёзлар берилаётганлигини таъкидлаб ўтиш ўринли ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008-йил 19-ноябрдаги ПФ-4010–сонли “Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилятини тиклаш бўйича банкрот корхоналар негизида янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектларни қўшимча қиймат солиғидан, уч йил давомида фойда солиғидан, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиқлари тўлашдан, бошқарув компаний аларига берилганида фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси ПФ-4947 сонли Ўзбекистон Президенти фармони 07.02.2017 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й.

3. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати uzstat.uz сайти 2018-2019 йил маълумотлари.

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ ФАОЛЛАШТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРИ

Ёдгорхўжаев Акмалхўжа

Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти

Президентимизнинг Россия Федерацияси, Хитой, Туркия ва Жанубий Корея давлатларига ташрифи доирасида 2017-2020 йилларда замонавий импорт ўрнини босувчи қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида илғор хорижий компаниялар билан умумий қиймати 1459,8 миллион долларлик 29 та келишув имзолади. Бунда тармоқда 3935 та янги иш ўрнини яратиш кўзда тутилмоқда. Шулардан 12 таси 2018 йилда, 14 таси 2019 йилда ишга туширилди ва 3 таси 2020 йилда ишга туширилиши режалаштирилган.

Бу борада барча лойиҳалар бўйича тайёрлов ишлари бошланди. Фарғонадаги “Кварц” акциядорлик жамиятида флоат-ойна ишлаб чиқариш, Тошкент вилоятидаги “Ран тонг металл индастри” корхонасида арматура ишлаб чиқариш, “Оҳангаронцемент” акциядорлик жамиятида цемент ишлаб чиқариш ана шундай йирик лойиҳалар сирасидандир. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида импорт ўрнини босувчи экспортга йўналтирилган

замонавий қурилиш материалларини, шу жумладан, архитектуравий ойна (60 миллион квадрат метр), сэндвич панеллар (750 минг квадрат метр), гулкоғоз (8 миллион квадрат метр), гранит ва мрамардан ишланган буюмлар (580 минг квадрат метр), цемент (4,4 миллион тонна), сантехкерамика буюмлари (400 минг дона) ишлаб чиқарувчи янги қувватлар ишга туширилади.

Бугунги кунда тармоқда жиддий ислохотларни амалга ошириш талаб этилмоқда. Биринчи навбатда соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бу борада мавжуд имкониятларни ишга солишимизни иқтисодий жараёнларнинг ўзи талаб этмоқда. Негаки, янги, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун янги ғоялар ҳамда юртимизда мавжуд бўлмаган инновацион технологик ускуналар зарур бўлмоқда. Эркин иқтисодий муносабатлар асосида фаолият юритаётган ички ва ташқи бозор, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштиришни талаб этмоқда. Тармоқда жуда катта захира, салоҳият ва имкониятлар мавжуд. Улардан профессионал тарзда, оқилона ва самарали фойдаланиш соҳанинг келгусидаги истиқболини белгилаб беради.

Мамлакатимизда инвестиция муҳити яхшилангани натижасида иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри сармоялар фаол кириб келмоқда. Хусусан, 2018 йилнинг беш ойида 776 та янги қўшма ва хорижий корхона рўйхатдан ўтказилди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 496 тага кўпдир. Шунингдек, жорий йилда хорижий инвестициялар иштирокида 377 та ҳудудий ва 148 та тармоқ лойиҳалари бажарилиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни амалга ошириш жараёнларини енгилаштириш долзарб масала эканини таъкидлади. Президентимизнинг жорий йил 20 июнда қабул қилинган Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини жадал амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори шу мақсадга хизмат қилади. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, бундан буён Президент ва ҳукумат қарорлари асосида амалга ошириладиган инфратузилма лойиҳалари бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини экспертиза қилишда тўлов олинмайди. Шу билан бирга, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, ҳукумат кафолатлаган кредитлар ҳисобидан товарларни давлат учун харид қилиш бўйича тендер ҳужжатлари ва импорт шартномаларини экспертиза қилишда ҳам ҳақ тўланмайди. Дастлабки ва якуний техник-иқтисодий асосларни комплекс экспертиза қилиш учун тўланадиган тўлов миқдори 4 баробаргача қисқартирилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, халқаро молия институтларининг кредитлари ҳисобига амалга ошириладиган ёки бир босқичли лойиҳалар бўйича молиявий-иқтисодий ҳисобот ишлаб чиқиш талаби бекор қилинди.

Президентимиз қарорда белгиланган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари бўйича ҳужжатлар тайёрлаш, экспертиза қилиш ҳамда тасдиқлашнинг янги, янада соддалаштирилган тартибини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берди.

Жорий йил учун тасдиқланган инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари рўйхатига киритилган, бажарилишида сусткашликка йўл қўйилган ҳар бир лойиҳани жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди. Қишлоқ ва шаҳарларда арзон уй-жойлар, ичимлик суви тармоқлари ва бошқа ижтимоий объектлар қуришни молиялаштириш ҳамда ўз вақтида фойдаланишга топшириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 2 минг 44 та ижтимоий ва инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш кўзда тутилган. Уларнинг аксариятида қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилган. Молиялаштириш ишлари кечикаётган объектларда ишларни тезлаштириш зарурлиги қайд қилинди. Шунингдек, йиғилишда 16 объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш якунланмагани, 70 объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизадан ўтказилмагани, 248 лойиҳани амалга ошириш юзасидан пудрат ташкилотлари аниқланмагани танқид қилинди. Йиғилишда яна бир муҳим масала–қишлоқ жойларда намунавий арзон уй-жойлар қуриш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда жами 22 минг 145 та намунавий уй, жумладан, ҳудудий ижро органлари раҳбарлари учун 974 та, профилактика инспекторлари учун 1 минг 171 та хизмат уйини қуриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Президентимиз бу борадаги ишларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди. Шаҳарларда арзон кўп қаватли турар жойлар қуриш ишларини ҳам жадаллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга ташрифлар якунларига кўра ишлаб чиқилган 2018-2019 йилларда ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурлари доирасида 6 минг 317 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Бунинг натижасида жами 219 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш режалаштирилган. Муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бу лойиҳалар учун жой ажратиш, инфратузилма тармоқларига улаш ишларини ўз вақтида ҳал қилиш зарурлигига эътибор қаратилди. Йиғилишда Президентимиз инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва самарали ўзлаштиришни таъминлаш – барча даражадаги раҳбарларнинг энг муҳим вазифаси эканини алоҳида таъкидлади.

Хорижий давлатларга ташрифлар ва музокаралар натижасида қиймати 17 миллиард доллар бўлган 182 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш тўғрисида бирламчи келишувга эришилган. Ушбу инвестицияларни ўзлаштириш бизнес-режа ва техник-иқтисодий асосларни тайёрлаш билан боғлиқ. Шу боис бу борадаги ишларни жадаллаштириш, хорижий инвестицияларни истиқболли лойиҳаларга йўналтириш ва юқори самарадорликка эришиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Кенг имкониятлари бўлишига қарамай, Бухоро вилоятида хорижий инвестициялар иштирокида 10 та лойиҳа, Навоийда 9 та, Қашқадарёда атиги 1 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Айниқса, Қашқадарёда 13 туманда, Фарғонада 11, Сурхондарёда 10, Тошкент, Бухоро, Жиззах вилоятларида 8 тадан, Хоразм,

Навоий вилоятларида 7 тадан, Қорақалпоғистон ва Самарқандда 6 тадан, Андижон ва Сирдарёда 5 тадан, Наманган вилоятида 4 та туманда хорижий инвестиция иштирокида бирорта ҳам лойиҳа режалаштирилмагани танқид остига олинди.

Шунинг учун, бу ишларни кескин фаоллаштириш лозим. Инвестиция қўмитасининг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари хорижий инвестицияларни олиб келиши ва хорижий инвесторларга барча масалалар бўйича амалий қўмак бериши керак. Шунингдек, туман ва шаҳар ҳокимлари, секторлар раҳбарларининг ҳар бири ўз ҳудудига тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этишга ҳисса қўшиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Лойиҳаларни амалга оширишнинг барча жараёнларини тўлиқ камраб оладиган, уни тайёрлашдан то ишга туширишгача бўлган даврни мониторинг қилиш имконини берадиган ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш юзасидан вазифалар берилди. Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланди. Инвестиция таклифларини шакллантириш, инвесторлар топиш, лойиҳалар ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш, молиялаштириш ва амалга ошириш бўйича қатор топшириқлар берилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси ПФ-4947 сонли Ўзбекистон Президенти фармони 07.02.2017 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й.

3. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати uzstat.uz сайти 2018-2019 йил маълумотлари.

МИКРОМОЛИЯЛАШ ФАОЛИЯТИ ТУШУНЧАСИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Жумабоев Равшанбек Махамадюсуф ўғли

Андижон давлат университети МҒМАҲТ кафедраси ўқитувчиси

E-mail: ravshanbek311@gmail.com

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодиётнинг энг муҳим, стратегик йўналишларидан бири сифатида қаралади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Микромолиялаш хизматларини амалга оширувчи микромолиявий ташкилотларнинг ўзига хос хусусияти микромолиялашни фақат бир турдаги кредит ташкилоти эмас балки банк ҳамда нобанк кредит ташкилотлар амалга ошириши мумкинлигидадир

Одатда “микро” ва “макро” атамалари у ёки бу ҳолатни, ашёни, муносабатни, воқеликни ҳажм жиҳатидан ёки аҳамиятлилиги, кадр қиммати нуқтаи-назаридан миқдорни белгиловчи кўрсаткич сифатида қўлланилади. Масалан, А.Муҳаммадиев фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини макро ва микро тамойилларига бўлишни таклиф қилади. [1].

“Микро” атамаси Иқтисодий Тадқиқотлар Маркази расмий маърузаларида амалга ошириладиган операциялар ҳажми нисбатан кам эканлиги, кредитлар миқдорининг кўп эмаслиги билан ифодаланadi.

Микромолиялаш фаолиятининг асосчиси иқтисодиёт профессори Муҳаммад Юнус ҳисобланади. У асли Бангладешлик бўлиб, АҚШда таҳсил олади, 1974 йили Юнус ўз мамлакатада очарчилик ва камбағалчиликка қарши курашиш мақсадида микрокредитлаш тизимини ишлаб чиқди. У микрокредитлашни илк иштирокчиси бўлиб, 27 АҚШ долларини бамбукдан мебель ишлаб чиқарувчи аёлни молиялашдан бошлади. Унинг тадқиқотлари бўйича банклар кам миқдордаги кредитларни ажратишдан наф кам кўрганликлари боис ҳамда қарз мажбуриятларини ўз вақтида қайтарилиши, миқдорлар аксариятининг камбағаллар ташкил этишини ҳисобга олганда иш билан шуғулланмайдилар деб таъкидлаган. 1976 йил Юнус дунёга машҳур бўлган Грамин банкни ташкил этди. Ушбу банкнинг хусусияти аҳолининг нисбатан камбағал қатламини кредит билан таъминлаш (бир қатор ҳолларда эса муайян бир кафолатларсиз) ҳисобланган. Банкнинг концепцияси кредитга олинган пул суммасини сотиш учун товарларни тайёрлашга сарфлаш ва ўз навбатида бундан олинган даромаднинг муайян қисми кредитни қоплашга ишлатилишига оид Юнуснинг қарашларига асосланган

Микромолиялаш тушунчасининг таърифи Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 сентябрдаги “Микромолиялаш тўғрисида” ги Қонунининг 3-моддасида берилган бўлиб, унга мувофиқ, микромолиялаш микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошмайдиган суммада микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш, шунингдек, микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир.

Ж.Б.Койчукулова микромолиявий ташкилотларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини тадқиқ этар экан, ушбу ташкилотларнинг қуйидаги тавсифини таклиф этади:

- микромолиявий ташкилотларнинг фаолияти алоҳида ихтисослашган ҳуқуқий тартибга солишга эга ва банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка бўйсунмайди;

- микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат махсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган қонунчилик даражасида белгиланган муайян турдаги

юримдик шахслар: ширкатлар, ассоциациялар ва шу мақсадда ташкил этиладиган бошқа миромолиялаш ташкилоти эгадирлар;

- жамғарма ва қарз операциялари соҳасида микромолиялаш хизматларини кўрсатиш рўйхати қонунчилик билан чегараланган;

- мижозлар базаси сон ва сифат жиҳатидан тартибга солинган;

- операцияларини амалга ошириш тартибининг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги, бинобарин микромолиялаш ташкилотларининг фаолияти бўйича бериладиган пул суммаси чегарасини белгиловчи қоидалар жорий этилган.

М.Мамута микромолиялаш институтини анъанавий банк фаолиятидан фарқловчи бир нечта универсал тамойилларини ажратиб кўрсатади:

1) микромолиялаш ташкилоти мижоз сари боради, мижоз – микрокредит ташкилотига келмайди; 2) потенциал қарздорнинг бизнес ташаббусини қўллаб-қувватлаш унинг лаёқати ва кўникмаларидан келиб чиқиб баҳоланади; 3) қарз олувчининг шахсий ва ишбилармонлик сифатлари унинг бизнес-режаси ёки қарз таъминотига нисбатан устуворликка эга; 4) қарз олувчининг шахси сармоялари кўлами билан солиштирганда дастлаб унча катта бўлмаган суммада молиявий қўллаб-қувватлаш; 5) қарз олувчи бизнеси кўламнинг ўсишига мутаносиб равишда микрокредит миқдорининг ўсиб боришига олиб келади ва натижада қарз олувчи ва микромолиялаш институтларининг узоқ муддатли ҳамкорлигига олиб келади; 6) қарз бўйича тўловларнинг қисмларга бўлиб, кам ҳиссаларда тўланиши қарз юкламасининг тенг тақсимланишини таъминлайди; 7) таваккалчилик катта қисмини янги қарз олувчилар гуруҳи ўртасида тақсимланиб кетиши ва шу асосда солидар жавобгарликнинг юзага келиши (гуруҳни кредитлаш модели ҳолатларида); 8) бозор шароитлари ўзгаришига эгилувчан таъсир кўрсатишга тайёрлик.

В.В.Кутенковнинг фикрича, микромолиялашнинг тор ва кенг маънода тушуниш мумкин. Тор маънода микромолиялаш деганда, муайян доирадаги шахсларга миқдори катта бўлмаган кредит (қарз) бериш тушунилади. Кенг маънода эса, микромолиялаш деганда микромолиявий хизматларнинг кенг доираси тушунилади ва бунда микрокредитлаш билан бирга, омонат, суғурта, лизинг ва бошқалар ҳам микромолиялаш таркибига киради.

Р.Л.Никулин ва А.В.Зенинларнинг фикрича, микромолиялаш – ХХ асрнинг 70-йилларида турли мамлакатлар кредит-пул тизимларида ривожалана бошланган янги воқеълик ҳисобланади. Ҳозирда жаҳон амалиётида ушбу воқеъликнинг моҳиятини тушунишга нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Бугунги кунда микромолиялаш паст даражадаги даромадга эга ёки анъанавий молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган мижозлар учун мўлжалланган юқори бўлмаган суммадаги чакана молиялашни ифода этади[2].

Америкалик иқтисодчилар В.Вудворт ва Г.Уоллерларнинг фикрича, микрокредитлаш – “бу глобал камбағаллик муаммосини ҳал қилишнинг энг инновациявий стратегиясидир”. Мазкур нуқтаи назарни ўз вақтида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам қўллаб-қувватлагани ҳолда, 2005 йилни дунёда “Микрокредитлаш йили” деб эълон қилган ва “микрокредитлаш – бу инсон капиталига энг яхши инвестициялардан бири”, деб ҳисобланган эди.

Роберт Пек Критен, Тимоти Р. Лаймон ва Ричард Розенбергларнинг фикрича, тор маънода “микромолиялаш” атамаси микротадбиркорларнинг кичик, норасмий тузилмаларига бериладиган микрокредит сифатида тушунилади.

Микромолиялаш хизматини хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирги кунга келиб микромолиявий ташкилотлар вазифаси, ташкилий тузулиши, бошқарув усули, хизмат кўрсатиш усули ҳамда молиялашнинг мақсади кабилар билан аҳамият касб этмоқда. Жаҳон банкининг баҳолари микромолиялашнинг ҳозирги молиявий хизматлар бозоридаги ролини тасдиқлаб, дунё бўйича ривожланаётган мамлакатлардаги 500 млн.дан ортиқ камбағал одамларга хизмат кўрсатадиган 10000 та микромолиявий институтлар мавжудлиги таъкидламоқда.

Буни Иқтисодий Тадқиқотлар Маркази маърузалари таҳлилида кўриш мумкин: Мозамбикда халқаро донор ташкилотлар кўмаги, ҳамда акционерлик компаниялари қишлоқ аҳолисига микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан, Малида қишлоқ жамғарма ва кредит ташкилотлари қишлоқларга коммунал хизматларда микромолиялаш хизматларини кўрсатади. Боливия, Ҳиндистонда нобанк молиявий воситачи Share Microfin Limited тижорат ташкилоти камбағаллик чегарасидан пастда яшаётган аёллар учун хизмат кўрсатадилар. Чилида Banco del Desarelo хусусий тижорат банкининг микромолиявий филиаллари орқали амалга оширилади. Филиппин ва Камбоджада иқтисодий ривожланиш агентликлари ассоциацияси донорлар ёрдамида банкка айлантирилиб, микромолиялаш хизматлари шулар орқали амалга оширилиб келинмоқда. Мўғулистон, Бразилия, Грузия, Босния-Герцеговина каби давлатларда махсус ташкил этилган “Микрокредитбанк” микромолиялаш хизматларини кўрсатади.

2002 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 309-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарор асосида Ўзбекистонда микрокредитлашни ривожлантиришда қатнашувчи донор ташкилотлар рўйхати берилган эди. Улар АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) линияси бўйича ACD/VOCA, FINCA, Осие тараққиёт банки, БМТнинг тараққиёт дастури (ПРООН), “Очиқ жамият” институти (Сорос жамғармаси) – маблағ билан таъминлашда қатнашиш, “Мурувват корпуси” халқаро мурувват ташкилоти (Буюк Британия ҳукуматининг ёрдамида), Нидерландия халқаро тараққиёт ва ҳамкорлик ташкилоти (НОВИБ), АҚШнинг ҳукуматга қарашли бўлмаган “Биргаликдаги тараққиёт” ташкилоти (JDA), JICA (Япония) линияси бўйича ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар – ўқитиш дастури, АҚШнинг ҳукуматга қарашли бўлмаган “Норт Вест Медикал Тим” и “Глобал Лайфлайн” ташкилотлари эди. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2006 йил 31 октябрь 225-сон қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган.

Микромолиялаш соҳасидаги фаолиятни янада ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида 2010 йил 26 ноябрда

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “2011-2015 йилларда микромолиялаш соҳасини ривожлантириш бўйича дастури” тасдиқланди. Дастур 2011-2015 йилларда нобанк кредит ташкилотларининг умумий капиталини 2,1 баравар оширишга, микрокредит ва микромолиявий хизматлар ҳажмини – 2,8 марта, шунингдек, бу даврда нобанк кредит ташкилотларининг сонини 1,7 марта оширишни назарда тутган.

Дарҳақиқат, банк-молия тизимини, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий қўллаб-қувватлаш механизми ҳисобланган микромолиялаш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг кенг қатламларига молиявий кўмак бериш мамлакатимизнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий ривожланишида алоҳида ўрин тутди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3268-сон “Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 октябрдаги 857-сон қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларни бандлик билан таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низоми қабул қилиниб, микрокредит бериш тизими ушбу хизматлардан фойдаланувчилар учун қулай ва мақбул бўлиш шартлар асосида такомиллаштирилди.

Қайд этиш зарурки, микромолиявий хизматлар микрокредит ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган фаолият тури бўлиб, унчалик кўп бўлмаган сумма миқдорида кичик бизнес субъектларига юқори бўлмаган фоиз ставкаларида кредит ва қарз бериш ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда микрокредит ташкилотлари ўзига хос тизими вужудга келган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотларига қараганда, ҳозирда Ўзбекистонда 30 та микрокредит ташкилоти ва 46 та ломбардлар ҳамда микрокредит банклар микрокредит хизматлари кўрсатиб келмоқда[3].

Албатта, бу ҳолат умумий тарзда олганда, бир қадар ижобий манзарани ифода этади. Бироқ микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг вилоятлар кесимида эса жуда катта фарқлар мавжудлигини кўрсатади. Масалан, бугунги кунда Андижон вилоятида бор йўғи 1 та микрокредит ташкилоти ва 3 та ломбард фаолият юритаётгани фикримизнинг далилидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муҳаммаддиев А.А. Бозор муносабатлари шароитида фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг амал қилиши. Юрид.фан.номз.дисс. автореф. –Т.: 2006. –Б.7-8
2. Никулин Р.Л., Зенин А.В. Правовое регулирование микрофинансовой деятельности в РФ: проблемы и противоречия // Вопросы современной науки и практики. Университет им. В.И.Вернадского. Специальный выпуск (38). 2012. – С.93.
3. Мадумаров Т.Т. Микрокредит ташкилотларининг фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш: юрид. фан. докт. дис. ... – Тошкент: 2019. – 185 б.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ КИРИТИШДАГИ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

Раимжанов Демир Раимжан хожи ўғли
"Sarmoya Mulk Baholash" МЧЖ директори

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодиётининг ривожлантиришни энг аввалги мақсад инвестицияларни кўпроқ жалб қилишга қаратилган.

2025 йилгача инвестиция сиёсатининг мақсадли иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва мувозанатини ошириш, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш, ҳудудларни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда бутун жаҳонда ҳаётий муҳим соҳаларнинг глобализациялашуви тенденциялардан бирига айланиб бормоқда.

Миллий иқтисодиёт бундай ҳолларда глобал бозорнинг бир қисмига айланиб бормоқда. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси ташқи-иқтисодий фаолиятининг бир неча кўринишида амалга ошиб бормоқда. Иқтисодчи Ш.А.Мишале фикрига кўра, интеграция бир неча кўринишда амалга ошиб бормоқда. Булар: товарларнинг экспортива импорти, узок муддатли капиталларнинг ҳаракатланиши.

Ҳозирги замонда иқтисодиётни ривожланиши регионал интеграциялашишнинг кучайиб бориши жараёнидаги глобаллашув шартлари ривожланган давлатлар иқтисодиётининг заиф ривожланиши ва ривожланаётган бозорларда инвестицион ва инновацион фаоллашуви натижасида белгиланиб бормоқда.

Шу билан биргаликда иқтисодиётнинг ижтимоий секторига инвестициялар жалб қилиш ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Иқтисодиётнинг ижтимоий секторга қуйидаги соҳаларни киритишимиз мумкин:

- таълим соҳаси (бошланғич таълим, ўрта махсус таълим, олий таълим);
- соғлиқни сақлаш;
- хизмат кўрсатиш;
- умумий овқатланиш;
- коммунал хўжалиги;
- йўловчи ташиш ва бошқалар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ушбу соҳаларнинг барчаси ўта ҳаётий муҳим соҳалар таркибига киради.

Маълумки, хўжалик фаолиятини юритиш тартиби бўйича анъанавий, режали, аралаш ва бозор иқтисодиётига бўлинади.

Тарихий ривожланиш жараёнида бозор иқтисодиёти қуйидаги босқичларни босиб ўтади: классик капитализм, аралаш иқтисодиёт ва социал иқтисодиёт.

Дастлабки иккита иқтисодиёт асосан капиталнинг мулкдорга даромад келтиришига қаратилган.

Социал иқтисодиётнинг асосий ғояси – жамият ва аҳолининг эҳтиёжлари ва мақсадининг капиталга нисбатан устуворлиги ҳисобланади. Яъни капитал жамият ва инсонларнинг эҳтиёжлари ва турмуш даражасини оширишган қаратилган.

Бугунги кундаги халқаро тажрибаларни ўрганиб чиқиш жараёнида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги муҳим омиллардан бири, икки томонлама инвестицион шартномаларни имзолаш муҳим аҳамият касб этади.

Икки томонлама инвестицион шарномалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

-чет эл инвестицияларига имтиёзлар бериш ва уларнинг қонуний ҳимояланганлиги ҳақидаги аниқ келишувлар (шу жумладан хорижий инвесторлар мулкнинг ҳимояланганлиги);

-иккитомонлама солиққа тортишни олдини олиш учун икки томонлама солиқ органлари ўртасидаги келишувлар;

Ушбу келишувлар инвесторлар учун солиқ тўлашнинг аниқ ҳисобкитобларини кўрсатиб беради.

Бундан ташқари турли мамлакатлар ўз мамлакатлари иқтисодиётини ривожлантириш ва ушбу жараёнда чет эл капиталдан самарали фойдаланиш мақсадида ўзларининг норматив ҳуқуқий базасини тубдан такомиллаштириб борадилар.

Ривожланаётган мамлакатларда тўғридан тўғри инвестицияларни жалб қилиш ҳуқуқий нормалари бир биридан фарқ қилади.

Инвестицияларнинг бир неча усули мажуд бўлиб уларнинг моделлари асосан учга бўлинган

1. «Америкача» модели (Асосан АҚШ, Италия, Испания). Бу моделда Давлат асосан солиқ имтиёзлари бериш ва фоиз ставкалари механизмларини қўллаган ҳолда либерал макроиқтисодий сиёсат олиб бориш. Бу усулда инвестицияларнинг эффектив тарқалиб боришини фонд биржаси ташкил қилади.

2. «Японча» модел (Асосан Япония, Буюк Британия, Канада, Австрия). Бу моделда давлат хусусий лойиҳаларни хусусий бизнес ва давлат структураларини кучли ҳамкорлиги орқали молиялаштириш усулида олиб борилади.

3. «Тайван» модели. Бу модел «Америкача» ва «Японча» усулнинг қоришмаси сифатида юритилиб, хусусий инвестицион фаолиятини координация қилиб боришга қаратилган. Бунда Давлатнинг асосий вазифаси хусусий ташкилотларга керакли инфраструктурасини яратиб бериш, солиқ имтиёзлари бериш ва лойиҳа–конструктив, тажриба-синов ишларини молиялаштиришга кўмаклашишга қаратилган бўлади.

Бизнинг фикримизча Ўзбекистонда ҳам инвестицияларнинг жалб қилинишининг «Тайван» моделидан кўпроқ фойдаланиш ва хусусий сектор ташаббусларини Давлат шерикчилиги асосида қўллаб қувватлаш, уларга керакли инфраструктурасини яратиб бериш, солиқ имтиёзлари бериш,

имтиёзли кредитлар орқали инвесторларни рағбатлантириб бориш керак деб ҳисоблаймиз.

Инвестицион фаолиятини олиб боришни ҳукумат томонидан назорат қилиб боришда икки хил усулда олиб борилади:

-актив ва пассив усул;

Қуйидаги инструментлар ҳукуматнинг инвестицияларни назорат қилиши орқали амалга оширилади:

-макроиқтисодий;

-микроиқтисодий;

-институтционал;

Пассив усул:

-хужалик юритувчи субъектларини ишлаб чиқариш ва сотиш шартлари ҳақида маълумотлар тақдим этиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёни ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш.

-иқтисодиётни юксалтиши учун устувор йўналишларни танлаш ва индиактив режалар ишлаб чиқиш.

Актив усул:

-бизнесни ривожлантириш учун қулай имкониятлари яратиш, тўғридан тўғри давлат инвестицияларини киритиш ва тадбиркорларни инвестицион фаолиятини ривожлантириш учун бюджет ва солиқ сиёсатида мақсадли тадбирлар амалга ошириш.

Инвестицияларнинг макроиқтисодий параметрлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

-банк фоизлари ставкаси;

-иқтисодиётнинг ўсиш жараёнлари;

Ушбу параметрлар давлатнинг бюджет, солиқ ва монетар сиёсати орқали амалга ошириб борилади.

Инвестицияларнинг микроиқтисодий параметрлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

-солиқ ставкалари;

-амортизация ажратмалари қоидалари;

-Давлат кафолати;

-имтиёзли кредитлар.

-соф фойдани капитал қўйилмаларга йўналтирилган қисмини солиқлардан озод қилиш;

-эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилиш;

-бино иншоатларни «нол» ёки «бир» сўм харид қийматида бериш;

Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, баъзи бир мамлакатлар инвесторларни жалб қилиш учун солиқ таътиллари беришни маъқул кўрганлар. Бу йўлнинг заиф томони шундаки, солиқ таътиллари учун кирган инвесторларнинг бизнеси тезда «ўз ўзини қоплаш»га асосланиб, солиқ таътиллари туганидан сўнг осонгина мамлакатдан чиқиб кетиш йўлини танламоқдалар.

Ижтимоий соҳага инвестициялар жалб қилиш учун бу йўл унчалик тўғри йўл эмас.

Демак, ижтимоий соҳага чет эл инвестицияларни жалб қилишдаги хорижий тажрибадан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

-жалб қилинадиган инвесторларга солиқ сиёсатини ва мамлакатнинг иқтисодий тарққиётининг имкониятларини кенг ёритиб бориш;

-инвесторларга солиқ имтиёзлари бериш;

-инвесторларга «1» сўм харид қийматида сотиб олиши мумкин бўлган бино ва иншоотлар ҳақида маълумотлар бериб бориш;

-инвесторлар фойдасини чет элга ҳеч қандай тўсиқларсиз олиб чиқиб кетишига шароит яратиш;

-чет эл инвесторларнинг киритаётган инвестициялари тўлиқ давлат ҳимоясида эканлиги ҳақидаги қафолатлар бериш;

-мамлакатда мажбурий тиббий суғурта тизимини яратиш (тиббий соҳасидаги хизмати учун тўлов қобилиятини сақлаб қолиш учун);

-инвесторларнинг ўз бизнесни рўйхатдан ўтказишни рўйхатдан ўтказишни қулай ва тезкор усулини яратиш ва такомиллаштириб бориш каби ишларни доимий равишда амалга ошириб бориш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Инвестиционный потенциал» журнал «Финансы и кредит» №18 2013
2. Касьяненко Т.Г., Миховникова Г.Л., Инвестиции М.Ж ЭКСМО.2009
3. URL:<http://investmenclimate.ru>
4. Андижон вилояти Хоқимлиги расмий сайти.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРЛАРИНИНГ РОЛИ

Юсупова Мирожхон

Андижон давлат университети доценти, и.ф.н.

Мамлакатимизда 2018 йилда бошлаган ишларни мантикий давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида 2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб ном берилди.

Йилга бундай ном берилишининг ўзи жуда катта масъулият юклайди. Инвестицияларни қандай қилиб кўпайтириш, ижтимоий муаммоларни қандай ҳал қилиш каби саволлар кўндаланг турибди.

Ҳақиқатдан етакчи соҳаларни модернизация қилишда ҳудудларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш билан баҳолаш мумкин. Чунки ҳудудлардаги транспорт ва инфратузилмани яхшиламасдан туриб мамлакат иқтисодий тарққиётини барқарор ўсиш тенденциясига эришиб бўлмайди.

Бизга маълумки жаҳон амалиётида ҳудудларни иқтисодий жиҳатдан ривожланиши мамлакат иқтисодий тарққиётини самарадорлигини оширишда муҳим рол

ўйнайди. Айнан, ҳудудларда инвестицияларни жалб этган ҳолда иқтисодий салоҳиятини ошириш муҳим ҳисобланади.

Республикамиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда истиқомат қилишини инобатга оладиган бўлсак, айнан барча тармоқни ривожлантиришга эҳтиёж катта эканлиги келиб чиқади.

Ҳудудларни меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, юқори самарадорликка эришиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишда молиявий маблағларнинг тугган ўрни муҳим тармоққа инвестициялар жалб этишни тақозо этади.

Шунингдек, бугунги кунда ҳудудларда бир қанча муаммолар учрайдики, уларни бартараф этиш учун ҳам соҳада инвестицион фаолликни оширишни зарурият қилиб кўяди, жумладан:

- ҳудудларда инвестицияларни жалб этишда ички имкониятлардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Бунда ҳудудларда инвестицияларни кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратиш муҳим ҳисобланади;

- ҳудуднинг кам ривожланган ва дотация олувчи, ишсизлик даражаси юқори бўлган туманларга янги саноат объектларини қуриш бўйича инвестицион лойиҳаларни такиф этиш;

- инвестицион лойиҳалар бўйича маркетинг тадқиқотларини ҳудудларда кенг олиб бориш, молиялаштиришни нокредит усулларида кенг фойдаланиш;

- ҳудудларда кадрлар масаласига кенг эътибор қаратиш, малакасини ошириш бўйича керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- ҳудудларда ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларининг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш.

Фикримча, ҳудудларда инвестицияларни самарали жойлаштириш куйидаги муҳим муаммоларнинг ҳал этилишига хизмат қилади:

- ҳудудларнинг қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик ишлаб чиқариш корхоналари қурилиб, янги иш ўринлари ташкил этилиши ва деҳқончилик маданиятини оширишга ҳисса қўшади;

- ҳудудда қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш йўли билан замонавий техника ва технологиялар парки кўпайиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконияти янада кенгаяди;

- хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига қурилган корхоналарда импорт ўрнини қопловчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қулай имконият яратилади;

- ҳудудда солиқ тўловчиларнинг сони кўпайиб, маҳаллий ва республика бюджетининг даромади ошади;

- ҳудуднинг қишлоқ жойларида янги корхоналар ташкил этилиши натижасида инфратузилманинг қўшимча шахобчалари пайдо бўлишига туртки бўлади;

- ҳудудда етиштирилган маҳсулотларни экспорт қилиш натижасида

валюта захиралари кўпайиб, улардан турли мақсадларда фойдаланиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари ҳудудлар саноат салоҳиятини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва мавқеини оширишнинг устувор йўналишларига ҳам инвестицияларни жалб этиш муҳим ҳисобланади.

Умуман олганда, инвестициялар ҳудудларни барқарор ривожлантиришда муҳим омил бўлиб, у кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосини ташкил этган ҳолда, ҳудудда етарли инвестициянинг сарфланиши, ишлаб чиқаришни фонд билан юқори даражада қуролланиши асосида ишлаб чиқаришнинг интенсив ривожланиши учун шарт-шароит яратади.

Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456та лойиҳа амалга оширилмоқда.

2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда.

Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси ПФ-4947 сонли Ўзбекистон Президенти фармони 07.02.2017 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й.

3. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати uzstat.uz сайти 2018-2019 йил маълумотлари.

ЛОМБАРД ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Исмоилов Сарварбек Анварбекович

Андижон давлат университети Ижтимоий-иқтисодиёт факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари

Ломбард, гаровхона - гаровга қўйилган муайян буюмлар эвазига маълум муддатга пул (маблағ) бериб турадиган муассаса. Буюмнинг қиймати томонларнинг келишувига кўра баҳоланади, гаровга қўйилган буюм эгасига номи ёзилган ломбард тилхати берилади. Олинган пул ўз вақтида қайтарилмаса, қўйилган буюм ломбард мулкига айланади ва ломбард қўйилган буюмларни сотишга ҳақли бўлади. Шунингдек, ломбард қимматбаҳо уй-рўзғор буюмларини сақлаб бериш учун ҳам қабул қилади. Ломбардга буюмлар фақат маблағ олиш учун эмас, баъзан мазкур буюмнинг ишончли сақланишини таъминлаш учун ҳам қўйилади. Буюмларни гаровга қўйиб кредит бериш

биринчи марта XV асрда Италиянинг Ломбардия вилоятидан чиққан судхўрлар томонидан жорий этилган ("ломбард" сўзи ҳам шундан келиб чиққан). Ўзбекистонда ҳам ломбардлар фаолият кўрсатади. Масалан, Тошкент шаҳида ломбардлар бирлашмаси (бирлашма таркибида 3 ломбард мавжуд, 1966-йилда ташкил этилган) ишлайди [1].

Ломбардлар фуқароларга гаров эвазига қисқа муддатли (3 ойгача) кредитлар беради. Ломбард фуқаролар билан улар томонидан паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар тақдим этганда шартнома имзоланади. Зарур ҳолларда ломбард гаровга ёки сақлашга берилаётган мулкка ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат ёки бошқа даллиларни талаб қилишга ҳақли. Ломбардлар фуқаролардан кўчар мулкни сақлашга қабул қилиб олинади. Ломбард томонидан қабул қилиб олинган мулк эгасига фақатгина ломбардга тўланадиган барча суммалар тўлаб бўлингандан сўнг қайтариши мумкин. аризаларни кўриб чиқиш ва кредит олиш учун тўлов ундиришга йўл қўйилмайди. Ломбард кредит шартномаси муддати давомида гаровга ёки сақлашга берилган мулкдан фойдаланишга ва уни тассаруф этишга ҳақли эмас. Гаровдаги ёки сақлашга берилган мулкдаги етишмовчилик, унинг йўқотилиши ҳолларида ломбард мулк эгасига мулкнинг баҳолаш қийматини қайтариш лозим [2].

Гаровдаги ёки сақлашга берилган мулкка зиён етказилганда ломбард мулкдорга мулккий зарар ўрнини қоплаши лозим. Гаров эвазига кредит бериш ломбард ва фуқаро ўртасида тузиладиган кредит шартномаси ва гаров шартномаси асосида амалга оширилади. Кредит суммаси ва муддати, шунингдек, кредит бўйича бериладиган фоиз ставкаси ҳажми томонлар келишувига кўра амалга оширилади.

Ломбардлар кўрсатадиган хизматлар нархлари ва таърифлари фақат миллий валютада аниқланади. Кредит олиш учун ломбардга гаровга қўйиладиган мулк қиймати томонлар келишувига кўра баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартда “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли Қарорига кўра, “тижорат банклари томонидан микроқарзлар ажратилиши имкониятининг мавжуд эмаслиги микроқарзлар олиш даражасини ошириш имконини бермаепти, микрокредит ташкилотлар ва ломбардларнинг хизматлари бўйича юқори фоиз ставкалари аксарият ҳолатларда истеъмолчиларнинг молиявий ҳолати ёмонлашишига олиб келмоқда”[3] деб белгиланган.

Шунингдек, бугунги кунда кредит ташкилотларига ломбардлар билан шуғулланишда қуйидагилар алоҳида ажратилиб кўрсатилган:

микроқарз шартномалари, шунингдек, ломбардлар томонидан тузилган кредит шартномалари бўйича йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорда фоизлар ҳисоблаш, комиссия ва неустойка (штраф, пеня) ундириш, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш;

кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, ссуда ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатиш, кредитлар ажратиш учун тўловлар, шунингдек, жисмоний шахслар

ва кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар (микроқарзлар)ни муддатидан илгари узилганлиги учун неустойка ундириш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 289-моддасида Ашёларнинг ломбардда гаровга қўйилиши асосан қуйидагича белгилаб қўйилган. Яъни:

Фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш ихтисослашган ташкилотлар - лицензияси бўлган ломбардлар томонидан тадбиркорлик фаолияти сифатида амалга оширилиши мумкин.

Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш ҳақидаги шартнома ломбард томонидан гаров паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади.

Гаровга қўйилаётган ашёлар ломбардга топширилади. Ломбард гаровга қабул қилинган ашёларни гаровга қабул қилиш пайтида шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёларнинг нархларига мос баҳодаги тўлиқ суммасида ўз ҳисобидан гаровга қўювчи фойдасига суғурталаши шарт.

Ломбард гаровга қўйилган ашёлардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақли эмас. Ломбард ашёларнинг йўқолиши ёки шикастланиши энгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, гаровга қўйилган ашёларнинг йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгар бўлади.

Башарти, ломбардда ашёлар гарови билан таъминланган кредит суммаси белгиланган муддатда қайтариб берилмаган тақдирда, ломбард нотариуснинг ижро ёзуви асосида имтиёзли бир ойлик муддат ўтганидан кейин гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш учун белгилаб қўйилган тартибда [281-моддаси](#) асосида мол-мулкни сотишга ҳақли. Шундан кейин ҳатто гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма талабларни тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаса ҳам, ломбарднинг гаровга қўювчига (қарздорга) талаблари бекор бўлади.

Ломбардлар томонидан фуқароларга уларнинг ашёларини гаровга олиб кредит бериш қоидалари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартноманинг гаровга қўювчининг ҳуқуқларини ушбу Кодекс ёки бошқа қонунлар билан унга бериладиган ҳуқуқларга қараганда чеклаб қўядиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Банклар, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини лицензиялашда ҳамда банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларини (бундан буён матнда кредит ташкилотлари деб юритилади) ва банклар гуруҳларини тартибга солиш ва назорат қилишда асослантирилган мулоҳазадан фойдаланади [4].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ломбард кредит шартномаси муддати давомида гаровга ёки сақлашга берилган мулкдан фойдаланишга ва тасарруф этишга ҳақли эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi- O‘zbekiston Respublikasida chiqarilgan 14 jildli universal milliy ensiklopediya. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil
2. <https://civil.uz/lombarddan-kredit-qanday-olinadi/>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартда “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли Қарори// lex.uz

4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Ўзбекистон республикасининг марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида 2019 йил 11 ноябрь, ЎРҚ-582-сон

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг қарори «Ломбард фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида» Низомни тасдиқлаш ҳақида Тошкент ш., 2003 йил 22 сентябрь, 23/3-сон.

**6-СЕКЦИЯ. МАМЛАКАТДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ОМИЛЛАРИ: ТЎРТИНЧИ
САНОАТ ИНҚИЛОБИНИНГ ТАЪСИРИ.**

**6-СЕКЦИЯ. ВНУТРЕННИЕ И ВНЕШНИЕ ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ
ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В СТРАНЕ: ВЛИЯНИЕ ЧЕТВЕРТОЙ
ПРОМЫШЛЕННОЙ РЕВОЛЮЦИИ.**

**6-SECTION. INTERNAL AND EXTERNAL FACTORS IN THE
DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY IN THE COUNTRY: THE
IMPACT OF THE FOURTH INDUSTRIAL REVOLUTION.**

**ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АҲАМИЯТИ**


Арипов Ойбек Абдуллаевич¹,

Иброхимов Шерзод Халимжон ўғли²

¹Наманган давлат университети доценти, и.ф.н.,

²Наманган давлат университети магистранти

Бугунги кунда «иқтисодий хавфсизлик» ибораси турли илмий манбаларда турлича талқин этилади. Бир гуруҳ иқтисодчилар «...миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш ҳамда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлаш механизмларини яратишга қодирлиги ва тайёрлиги деб талқин...» [5] қилсалар, иккинчи гуруҳ иқтисодчилари «...мазкур тушунчани халқнинг мустақил равишда ташқи кучларнинг аралашувисиз иқтисодий тараққиёт йўли ва шакллари ўзи белгилаб олишига имкон берадиган ҳолат сифатида тавсифлайди» [3].



1-расм. «Иқтисодий хавфсизлик» тушунчасининг тавсифи* [2]

(В.Л., Василенко, В.Н.Быков бўйича)

* Расм муаллифлар томонидан ишланган.

Хусусан, академик Л. И. Абалкин иқтисодий хавфсизликни «миллий иқтисодиётнинг мустақиллигини, унинг барқарорлиги ва чидамлилигини,

доимо янгилаш ва яхшилаш қобилиятини таъминловчи шарт-шароитлар ва омиллар мажмуи» [1] деб таърифлайди. Ижтимоий тармоқларда 1-расмда келтирилганидек тавсифлари берилган.

Иқтисодчи Ҳ.П.Абулқосимов «иқтисодий хавфсизликни миллий иқтисодиётнинг самарали, динамик ўсишига, унинг жамият, давлат, шахс эҳтиёжларини қондиришнинг, ташқи бозорда рақобатга бардошлилигини таъминловчи, турли таҳдид ва йўқотишлардан қафолатловчи ички ва ташқи шароитлар йиғиндиси деб...» [4, 31 б.] таърифлайди.

Кўриниб турибдики, «иқтисодий хавфсизлик» иборасидаги мазмунан кўп қиррали бўлиб, терминология нуқтаи назардан турли маъноларда талқин этилади. Бироқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам «иқтисодий хавфсизлик» деганда, инсоният ҳаётининг иқтисодий муносабатларида вужудга келадиган хавф-хатардан ҳимояланиш, қафолатланиш маъносини англатади. Шундай экан, энг аввало иқтисодётнинг ривожини йўлида юзага келадиган хавф-хатарни бартараф этиш чоралари доимий кўриб борилиши керак. «Хавф-хатар эса давлат ва жамият ривожланишига, нормал амал қилишига таҳдид солувчи потенциал ёки реал куч, омил ҳисобланади. Хавф-хатар намоён бўлишининг кескин шакллари табиий, ижтимоий катаклизмалар, портлашлар ва ларзалар, кризислар, тангликлар, революция, қўзғолон, исён, уруш, қуроли тўқнашувлар киради» [4, 28 б.]. Бугунги кунда инсоният ҳаётида биринчи бор юз берган коронавирус пандемияси ҳам иқтисодий инқирозга олиб боровчи хавф-хатарлардан биридир. Аммо инсоният тараққиёти тарихида жуда кўп қийинчиликлар енгиб келинган. Бу каби қийинчиликларни енгишда инсоннинг ақл-заковати, илмий соҳада эришган ютуқлари, умуман инсоният ривожининг ўзи (инсон омили) муҳим омил ҳисобланади.

Фикримизча, коронавирус пандемияси даврида ҳам иқтисодий хавфсизликни олдини олишда инсониятнинг ўзи иштирокида рақамли иқтисодиётнинг майдонга келиши ушбу кундаги муаммоларни бартараф этишда ўзининг катта ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Ҳўш пандемия даврида иқтисодий хавфсизликни таъминлашда рақамли иқтисодиёт қандай аҳамиятга эга? Аслида рақамли иқтисодиёт бу (веб ёки интернет-иқтисодиёт, электрон иқтисодиёт) электрон бизнес ва электрон тижорат алоқаларини ўз ичига қамраб олган рақамли технологияларга асосланган иқтисодиёт тури бўлиб, бозор муносабатларини электрон тарзда юритишга олиб келади. Бошқача айтганда, иқтисодиётда амалга ошириладиган хизматлар ва товарлар учун тўловлар, умуман бозор субъектларининг иқтисодий алоқалари рақамли (электрон) тарзда амалга оширилади. Нафақат, бозор субъектларининг иқтисодий алоқалари балки, ҳукумат миқёсидаги ўзаро алоқалар, ҳудудлар ўртасидаги бошқарув алоқаларида, шунингдек, давлатлараро муносабатларни юритишда ҳам рақамли иқтисодиётнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Ўзбекистонда 2020 йилнинг «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб номланишининг ўзи иқтисодий хавфсизликни таъминлашда рақамли иқтисодиётнинг ўрни муҳимлигидан далолат бермоқда.

Хусусан, «давлат ҳоқимяти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш масалалари улар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда амалга оширилиши бугунги кунга келиб энг мақбул йўл сифатида баҳоланмоқда» [6, 26–27 б.]. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ва иқтисодий соҳада Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, мустақил ва ижтимоий йўналтирилган иқтисодий муносабатларни юритиш ва бунда «электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг асосий мазмуни ҳисобланади.

Маълумки, 2020 йил бошидаги пандемия барча давлатлар иқтисодиётини издан чиқаришга олиб келди. Жаҳон мамлакатларининг деярли аксариятида коронавируснинг кенг тарқалиши ўзаро иқтисодий ташқи алоқаларни тўхтиб қўйди. Пандемия айниқса энг ривожланган мамлакатларда жиддий тарқалди. Масалан, 2020 йилнинг 29 апрель ҳолатига кўра, катта еттиликка (G7) кирган давлатларнинг 5 таси пандемия тарқалган жаҳон мамлакатлари орасида биринчи ўнталиқдан жой олган [8].

Дарҳақиқат, «COVID-19 дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатини қамраб олди ва жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди. Энг йирик компанияларнинг акциялари тушмоқда, транспорт, туризм, кичик ва ўрта бизнес, оммавий ишлаб чиқариш каби соҳалар зарар кўрмоқда. Лекин айти пайтда, биржаларни юритиш ва онлайн-бизнеснинг долзарблиги ҳар куни ортиб бормоқда» [9]. Хусусан, «...коронавирус туфайли рақамли иқтисодиёт тезлиги 10 мартага ошди» [9].

Хулоса қилиб айтганда, коронавирус пандемияси тарқалган даврда давлатлараро ташқи иқтисодий алоқалар тўхтаган бўлса-да, пандемия рақамли иқтисодиётнинг янада ривожланишига туртки берди. Айти даврда, рақамли иқтисодиётнинг ривож ва ўсиб бораётганлигини кўп далиллар билан изоҳлаш мумкин. Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт ривож сезиларли даражада иқтисодий хавфсизликни таъминланлашга хизмат қилувчи соҳага айланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абалкин Л.И. Экономическая безопасность России: угрозы и их отражение. // Вопросы экономики. 1994. №12. с. 5.
2. Василенко В.Л., Быков В.Н. О некоторых угрозах экономической безопасности России // <https://ru.wikipedia.org>
3. Жандаров А.М., Петров А.А. Экономическая безопасность России: определения гипотезы, расчеты. // Безопасность. 1994, №3, с. 8.
4. “Иқтисодий хавфсизлик” фанидан ўқув-услугий мажмуа (электрон манба). Тузувчилар: Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. –Т.: ЎЗМУ, 2018. 28 б.
5. Экономическая безопасность. Производство, финансы, банки. –М.: ЗАО «Финстатинформ», 1998. с. 12.
6. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат

дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола.// ТДИУ, -Т.: «Маънавият» нашриёти, 2017. – 244 бет.

7. [https://ru.wikipedia.org/wiki/ Экономическая безопасность.](https://ru.wikipedia.org/wiki/Экономическая_безопасность)
8. <https://index.minfin.com.ua/reference/coronavirus/geography>
9. [https://www.vedomosti.ru/technology/characters/2020/04/12/827841-Коронавирус ускорил цифровизацию экономики в 10 раз.](https://www.vedomosti.ru/technology/characters/2020/04/12/827841-Коронавирус_ускорил_цифровизацию_экономики_в_10_раз)

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНИШИДА ТЎРТИНЧИ САНОАТ ИНҚИЛОБИНИНГ ТАЪСИРИ.

Хамрокулов Улугбек Абдурахматович

“Prime Manage Trade” масъулияти чекланган жамияти, раҳбар.

E-mail: hamrokulov89@list.ru.

Хозирги кунда жаҳон иқтисодиёти жадаллик билан глобаллашув жараёни таъсирида давлатлар иқтисодиётларининг интеграциялашуви шиддат билан кечмокда. Интеграция жараёни давлатлар бир-бирлари билан ўзаро иқтисодий-ижтимоий алоқаларни йўлга қўйиши ва уни ривожлантиришлари орқали шаклланади. Минтақалараро ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилишида минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат юзасидан олинадиган статистик маълумотлар ҳамда халқаро тартибга солиб турувчи қонун-қоидаларга асосланилади. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар очиқ ҳамда шаффоф бўлишида, халқаро ташкилотлар реал анализ ва таҳлил ўтказишларида, худудларда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

“Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор”.[1]

Иқтисодиётни рақамлаштиришда барча соҳа бўйича маълумотларни электрон кўринишга олиб келиниб, база яратиш, такилотларнинг ахборот технологиялари тармоғидан кенг фойдаланишини, уларнинг очиқ фаолият юритишларини таъминлаш, фаолиятни амалга оширишда шахс омилини камайтириб унга инновацион усул орқали автоматик ахборотлаштиришлардан фойдаланишни ривожлантириш коррупция хажмини камайтириб, аҳолини ахборот технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга имконият яратади.

“Рақамли иқтисодиёт ўз моҳиятига кўра, иқтисодиётнинг асосан рақамли технологиялар билан ишлайдиган ҳамда бизнес модели рақамли маҳсулотлар ва хизматларга асосланган компаниялардан иборат қисми ҳисобланиб, жами истиқболли рақамли платформали хизматларга эга рақамли сектордан ташкил топган”. [2]

Иқтисодиётни рақамлаштириш даврида ҳар қандай давлатнинг кейинги иқтисодий ривожланиши ва рақобатбардошлилигининг ошиши кўп томонлама замонавий рақамли технологияларни жорий этиш ва ривожлантиришга боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон ҳам миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш йўлини танлаган. Инновация – бозор талабидан келиб чиққан ҳолда жараёнлар ва маҳсулотларнинг сифатли ўсиш самарадорлигини таъминлаш учун жорий этилган янгилик ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаганидек, “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”. [3]

Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ахборот технологиялардан самарали фойдаланишни таъминловчи тўтинчи саноат инқилобининг таъсири катта. Иқтисодчилар томонидан тўтинчи саноат инқилоби (Industry 4.0) номи билан танилган бу атама инсон ҳаёти давомида бажарадиган юмушларни ҳамда ҳатти ҳаракатларини ахборотлаштирилган техникалар томонидан бошқарилишини назарда тутувчи янги даврдир. Тўтинчи саноат инқилоби даврида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрастишда шахс омилини камайтириш ҳамда уни автоматлаштирилган техникалар ёрдамида ташкил қилишга устуворлик берилади.

Тўтинчи саноат инқилоби даврида мамлакат иқтисодиётини рақамлаштириш ишлаб чиқаришни оптималлаштиришга эришиш, меҳнат бозори ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, харажатлар ва ишлаб чиқариш таннархини камайтириш, давлат ҳокимияти бошқарувида шаффофликни оширишга имкон беради.

Президентимиз томонидан 2020 йилни “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” йили деб номланишидан ҳам глобаллашув ва интеграция жараёнлари кучайган даврда давлат иқтисодиётини рақамли иқтисодиётга ўтказиш бунда эса юртимизнинг изланувчи ҳамда олимлари томонидан ишлаб чиқиладиган илмий янгиликлар, ихтиролар ва шу каби фан ютуқларини амалиётга бевосита жорий қилиш долзарб масалалардан эканлиги кўриниб турибди.

Иқтисодиётга хорижий инвестициялар жалб қилиш жозибадорлиги таъминлашда ҳам рақамли иқтисодиётнинг асосланган статистик маълумотларига эгаллиги даражаси катта аҳамият касб этади. Хорижий инвесторларнинг инвестиция қилишларида мамлакатда яратилган қулай инвестицион муҳит тўғрисида халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан берилётган баҳолари беқиёс.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожлантирилиши республикадаги мавжуд тадбиркорлик субъектлари ҳамда ташкилот ходимларини ахборот технологияларидан фойдалана олиш имкониятларини тўлиқ шакллантиришни талаб этади. Бу эса тўртинчи саноат инқилоби даврида раҳбарлар ва ишчиларга қўйиладиган талабларни бажаришлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Жахонда иқтисодиётларни рақамлаштиришни ривожланиши бўйича глобал интернет тармоғи траффиғи маълумотларни юклаш тезлиги 1992 йилда 24 соат давомида 100 Гб юкланган бўлса, 2002 йилга келиб секундиган 100 Гбгача, 2017 йилга келиб эса бу кўрсаткич секундига 45,0 минг Гб ни ташкил қилган. 2022 йилга бориб интернетда маълумотларни юклаш тезлигини секундига 157,7 минг Гб гача кўтариш режалаштирилган.

Тўртинчи саноат инқилоби иқтисодиётда қуйдаги ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

- Ишчи кучини таркибан алмашилиши яъни аҳоли меҳнатидан кўра технологиялар масалан роботлар меҳнатидан фойдаланиш арзон, сифатли, ишлаш вақтининг чегараси кенглиги натижасида яратиладиган ҳамда кўрастиладиган хизматларнинг нархлари арзонлашади. Ишчи сифатида фаолият юритган одамлар эндиликда бошқа касб эгаллашга ва ўз малакасини ошириб нимадур ўзи учун яратишга ҳаракат қила бошлайдилар.

- Ривожланмаган давлатларнинг иқтисодиётига ривожланган давлатлар томонидан киритиладиган инвестиция хажми ва соҳалари қисқаради. Бу эса, ривожланган давлатлар янада бойишига, камбағал давлатлар янада қашшоқлашишига олиб келиши мумкин. Давлат иқтисодиётини ривожлантириш учун доимий равишда аҳолисини илм-фанга қизиқтириш, фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, ахборот технолгиялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни таъминлаш зарур.

- Тўртинчи саноат инқилоби даврида рақамли иқтисодиётга ўтиш орқали мамлакатнинг соҳаларида шаҳс омилини камайтириш мавжуд коррупцион ҳолатларни камайтиради.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича Республиканинг барча тармоқларини электрон ҳукумат каби онлайн иш олиб боришини, онлайн тармоғга уланмаганларни кўшиш масаласини жадаллаштириш керак. Ўзбекистонда 2015 йилда электрон ҳукуматни шакллантириш бошланган бўлиб, Республикамиз 2018 йилда БМТнинг Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси кўрсаткичи бўйича 193 та давлат ичида 81 ўринни эгаллади. БМТнинг телекоммуникация ва инфратузилмасини ривожлантириш рейтингида (ТИ) 180 давлат ичида 114 ўринни эгаллаган. БМТнинг Human development индекси рейтингида 180 давлат ичида 105 ўринни эгаллаган. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистон учун қониқарли эмас. Шу боисдан иқтисодиётни рақамлаштириш борадаги ишларни жадаллаштириш зарур.

Ҳозирги кунга келиб “Рақамли Ўзбекистон–2030” дастури ишлаб чиқилиши белгиланган бўлиб, уни амалиётга жорий қилиш натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ошириш режалаштирилган. Буни амалага оширишда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, илмий

тадқиқотлар ва инновацион технологиялар самарадорлигини ошириш, тажриба-конструкторлик ва технологик ишланмаларни амалиётга кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилинганда, тўртинчи саноат индустрияси инқилоби ҳамда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда мамлакатнинг аҳолисини ахборот технологиялардан фойдаланиш даражасини ошириш бунинг учун аҳолини таълим олиши жараёнларида ахборот технологиялардан кенг фойдаланиши, қўшимча семинарлар ташкил қилиб уларни сохага қизиқтириш, интернет тармоғини тез ва сифатли ишлашини таъминлаш, малакли ва мослашувчан ходимлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратиш, илм-фан янгилик ва ютуқларини амалиётга бевосита боғлаш, амалиётда синаш учун илмий-конструкторлик ва инновацион тажриба марказлари сонини вилоятларда ҳам ташкил қилиш иқтисодиётни рақамлаштиришда, унинг ривожланишида ижобий натижалар беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

[1]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 25 январь. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайти (<https://uza.uz>).

[2]. Нилуфар Исмаилова, Рақамли иқтисодиёт таърифи, концепцияси ва унинг кўламини ўлчаш, Бизнес-Эксперт, 2019 йил 10 сони. <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/423>.

[3]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепцияси, Буюк келажак халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги. 2019 йил йиллик ҳисоботи.

ТЎРТИНЧИ САНОАТ ИНҚИЛОБИГА ЎТИШДА АВТОМОБИЛ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВЛАР

Усманов Бахтиёржон Хусанович

“UzAuto Components” МЧЖ, Харид қилиш бошқармаси, Билвосита материаллар сотиб олиш бўйича бўлим бошлиғи,

E-mail: Bakhtiyor.usmanov@gmail.com

Ўзбекистонда ҳам рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадамлар қўйилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасидаги ваколатли орган белгиланди, крипто-активлар айланмаси ва уни тартибга солиш масалаларига аниқлик киритилди. Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимизда крипто-активлар айланмаси махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган бўлди.

Бугунги рақобатга асосланган бизнес муҳити шароитида компаниялар самарадорликни оширишга қаратилган бошқарув қарорларини тезкор қабул қилишда улкан маълумотлар (Big Data) билан ишлашда муайян қийинчиликларга дуч келмоқда. “Ақлли” таҳлил воситаларига эга бўлмаслик оқибатида қатор компаниялар улкан маълумотларни бошқаришга тайёр эмаслар.

Маълумки, ҳар бир саноат инқилоби ортидан ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши юз берган. Ҳозирги кунда дунёнинг етакчи мамлакатлари тўртинчи саноат инқилобига (Саноат 4.0, “Industry 4.0”) ўтиш бўйича ўз стратегияларини фаол ишлаб чиқмоқдалар ва илғор ташаббусларни илгари сурмоқдалар. “Саноат 4.0” концепцияси илк бор 2011 йилнинг ноябрида Германия Ҳукумати томонидан 2020 йил учун юқори технологиялар стратегияси сифатида илгари сурилди. 2013 йилнинг апрел ойида Германиянинг Ганновер шаҳрида бўлиб ўтган саноат ярмаркасида “Саноат 4.0” атамаси яна бир бор тилга олинди ва Германиянинг миллий стратегияси сифатида қараладиган бўлди. Бироқ кўп ўтмай ушбу концепция оммалашиб, янги саноат инқилобини ифодалаш учун қўлланила бошлади.

Тўртинчи саноат инқилоби меҳнат ресурслари, жараёнлар, тизимлар ва машиналарнинг моддий ва рақамли интеграциясини кўзда тутиб, киберфизик тизимлар (Cyber-Physical System, CPS), ҳамкорлик қилувчи роботлар, виртуал реаллик, мукамал маълумотлар таҳлили, сенсорлар, 3-D наشر каби таркибий қисмларни ўз ичига олади.

“Саноат 4.0”нинг мақсади реал вақт режимида ишлаб чиқариш жараёнидаги инсонлар, маҳсулотлар ва қурилмаларнинг ўзаро муносабатларига асосланувчи юқори мослашувчан, персоналлашган ва рақамли маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш моделини қуриш ҳисобланади.

Тўртинчи саноат инқилоби шароитида ишлаб чиқаришни янада рақамлаштириш, ахборот сифимини ошириш, ихтисослашув ва экологик барқарор бўлишини рағбатлантириш мақсадида рақамли ва ақлли фабрикаларни йўлга қўйишда киберфизик тизимга таянилади. Бунда киберфизик тизимлар деганда мукамал таҳлил тизимларини физик ускуналар билан биргаликда коммуникацион технологияларга интеграциялашувига айтилади.[2] Киберфизик тизим ҳисоблаш, коммуникациялар ва назоратнинг интеграциялашган тизимидир [1], [2].

Саноат 4.0 учун зарур бўлган муҳим технологиялар сифатида куйидагиларни ажратиб кўрсатиш ўринлидир:

1. Киберфизик тизимлардан киберфизик ишлаб чиқариш тизимларига (Cyber-Physical Production Systems) ўтиш. 2006 йилда илк бор виртуал ва

моддий дунёни бирлашишини ифодаловчи концепция сифатида Дж.Тручард (Dr. James Truchard) томонидан киритилган.

2. Мобил интернет ва буюмлар интернет технологиялари

3. “Булутли” ҳисоблаш технологияси.

4. Улкан маълумотлар ва такомиллашган таҳлил воситалари. Рақамлаштириш даври бизнес секторларига киришдаги чекловларнинг сезиларли даражада пастлиги, кўлам самарасининг юқорилиги, шунингдек, бизнес моделлари ва инновациялар ҳисобига жадал суръатларда ҳаракатланувчи янги рақобатчиларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Ташкилотлар истеъмолчилар учун қиймат яратиш ва рақобатдаги устунликларини мустаҳкамлашда ахборот ва коммуникацион технологиялардан тобора кенгроқ фойдаланмоқдалар. Рақамлаштириш шароитида менежерларнинг роли ва вазифалари ҳам табиийки ўзгариб боради. Рақамли технологиялар даври саноатнинг барча тамоқларида ўзгаришларни рағбатлантирган ҳолда, қарор қабул қилиш, уларнинг ижроси ва тескари алоқалар жараёнларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шунга мос равишда, раҳбар ходимлар асосий эътиборини қийинчиликларсиз трансформацияланадиган глобал малака ва компетенцияларни ривожлантириш ва ўзлаштиришга қаратмоқдалар.

2018-2020 йиллар учун қабул қилинадиган «Блокчейн» технологияларини ривожлантириш дастурида крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан мазкур фаолиятни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш орқали жорий этиш ва ривожлантириш, бунда крипто-активларни маҳаллий ва халқаро крипто-биржаларда реализация қилиш имкониятини назарда тутиш, 2021 йил 1 январдан бошлаб «блокчейн» технологияларини давлат органлари фаолиятига, жумладан бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишда, давлат харидларини амалга оширишда, давлат хизматларини кўрсатишда, шахс тўғрисидаги маълумотларни верификациялашда татбиқ этиш, устав фондида давлатнинг иштироки устувор бўлган йирик тижорат ташкилотларининг корпоратив бошқаруви тизимида, жумладан бизнес-жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, маъмурий ва операцион жараёнларни мақбуллаштириш, шунингдек, замонавий менежментни татбиқ этиш ва ресурсларни бошқариш учун татбиқ этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-3926-сонли ҳамда 2018 йил 2 сентябрдаги ““Рақамли ишонч” рақамли иқтисодиёт ривожланишини қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3927-сонли қарорлари ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг криптоактивлар ва криптобиржалар фаолиятига татбиқ этилмаслиги ҳам инвесторлар ва стартап лойиҳаларини амалга оширувчилар учун жозибадорликни шакллантиришга хизмат қилади.

Фикримизча, жадал ўзгаришлар шароитида акциядорлик жамиятлари бошқаруви самарадорлигини оширишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ саналади:

–инновациялар ва конвергенциялар шароитида рақобат стратегиясини назорат қилиш;

–рискларни бошқариш такомиллаштириш орқали бозорни эгаллаш имкониятларини ошириш;

–ўзгарувчан геосиёсий ва тартибга солиш муҳитига мослашиш;

–узоқ муддатли капитални тақсимлаш стратегияларини оптималлаштириш;

–иқтидорларни топиш ва келажак ишчи кучини жалб этиш;

–стратегик мувофиқлаштириш орқали директорлар кенгаши таркибини мустаҳкамлаш.

Ҳозирги кунда технологиялар боис бизнес муҳитида юз бераётган жадал ўзгаришлар, мижозлар ва рақобатчиларнинг глобаллашуви, тартибга солиш ва савдонинг янада мураккаблашуви, акцияга эагаликнинг концентрациялашуви ва акциядор фаоллигининг ортиши, малакали иқтидорларга глобал даражада кураш каби тенденциялари юз бермоқда. Бунга жавобан компаниялар корпоратив бошқарувида ҳам қатор ўзгаришлар содир бўлмоқда. Хусусан, директорлар кенгашининг бошқарув раиси ва умуман менежмент билан муносабатлари қайта кўриб чиқилмоқда. Зарурат боис, директорлар кенгаши “назорат қилиш”дан “ҳамкорлик қилиш”га томон фаолиятини ўзгартирмоқда.

Айни пайтда, “ҳамкорлик модели” қуйидаги таркибий қисмларни тақозо этади:

-бошқарув раисини танлаш жараёнини режалаштириш ва муваффақиятли амалга ошириш;

-стратегияни ишлаб чиқиш билан фаол шуғулланиш;

-рискларни аниқлаш ва уларни юмшатиш режаларини ишлаб чиқиш;

-акциядорларга эътиборни кучайтириш ва шу орқали уларнинг ишончини мустаҳкамлаш.

-натиядорликни самарали рағбатлантириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Lee E.A. “Cyber physical systems: Design challenges”, in Object Oriented Real-Time Distributed Computing (ISORC), 2008 11th IEEE International Symposium on. IEEE, 2008, pp. 363-369.;

2. Shi J., Wan J., Yan H. and Suo H. “A survey of cyberphysical systems”, in Wireless Communications and Signal Processing (WCSP), 2011 International Conference on. IEEE, 2011, pp. 1-6.

САНОАТДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР СИЁСАТИНИНГ ИЛГОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИНИ МАМЛАКАТИМИЗДА ҚЎЛЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Рустамов Нарзилло Истамович

иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари академияси

E-mail narzillo.rustamov.77@mail.ru

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида саноатни ривожлантириш иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда жаҳон ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 16,1 фоизни, саноати ривожланган мамлакатларда 20,4 фоизни, саноати ривожланаётган мамлакатларда 22,1 фоизни, саноати қуйи ривожланиш даражасига эга бўлган мамлакатларда 12,3 фоизни ташкил этмоқда. Ривожланган мамлакатлар иқтисодий тараққиётини саноат тармоқлари таъминлаб бериб, айнан саноат иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан инновация ва билимларнинг янги комбинациясидан фойдаланиш имкониятларининг юқорилиги билан фаркланади.

Саноат – моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик, етакчи тармоғидир. Унда меҳнат қуроллари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилик қисми яратилади; машина ва механизмларнинг барча турлари, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади; ер ости бойликлари қазиб олиш амалга оширилади; минерал, ўсимлик ва ҳайвон хом ашёсига ишлов берилади, кенг истеъмол моллари тайёрланади ва ҳоказолар. Ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари тараққиётида саноатнинг тарихий роли беқиёсдир. Шу сабабли унинг ривожи ва самарадорлиги қанчалик юқори бўлса, давлатнинг мавқеи шунчалик кучли бўлади. Мамлакатимизда сўнги йилларда ЯИМ таркибида саноатнинг улуши ошиб бормоқда, жумладан, ЯИМ таркибида саноатнинг улуши 2014 йилда 24,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 30,0 фоизга тенг бўлди.

Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши натижасида сўнги йилларда республика ялпи ички маҳсулотига энергия сарфини 7,4 фоизга ҳамда йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини ўртача 10,6 фоизга камайтиришга эришилди.

Республикаимизда саноат тармоғининг жадал ривожланиши соҳада кўплаб янги корхоналарни бунёд этиш, таркибий ўзгаришларни самарали амалга ошириш, корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш ва диверсификациялаш тадбирларини амалга ошириш натижасида таъминланди.

Саноат сиёсати иқтисодий сиёсатнинг бир қисми ҳисобланади. Иқтисодий

адабиётларда саноат сиёсатининг жуда кўплаб таърифлари мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятида саноат сиёсатига бизнес учун қулай шароитлар ҳамда фаолият турлари ёки алоҳида тармоқларда барқарор ривожланишни таъминлаш учун ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини яратиш сиёсати деб таъриф берилди.

Саноат сиёсатидаги асосий устуворлик таркибий ислохотларнинг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, саноат ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, ишлаб чиқиладиган дастурлар доирасида саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ўрта ва узоқ муддатда саноатни ривожлантириш бўйича зарурий чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, саноат сиёсатининг амалга оширилиши мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятларидан, ўтказиш вақти ва ривожланиш даражасидан кўпроқ боғлиқ бўлади. Агар ривожланаётган мамлакатларнинг саноат сиёсатини қарайдиган бўлсак, у ҳолда биз мазкур сиёсатни давлатнинг ялпи фаолиятидан иборат бўлган комплекс чора - тадбирлар тизими эканлигини кўришимиз мумкин. Жумладан бунга, унумдорликни ошириш, ишлаб чиқариш алоқалари ва янги иш ўринларини яратиш, янги таълим дастурлари ривожланишини рағбатлантириш, технологияларни мамлакатга олиб кириш орқали халқаро иқтисодий муносабатларни ўрнатиш ҳамда мустаҳкамлаш ва ҳоказо.

Ҳозирда миллий иқтисодиёт доирасида саноат сиёсатининг уч моделини ажратадилар: экспортга йўналтирилган модель, импорт ўрнинини босувчи модель ҳамда инновацион модель.

Экспортга йўналтирилган модель - ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, ўзининг маҳсулотини экспорт учун йўналтиришга қаратилган. Унинг асосий чора - тадбирлари экспорт тармоқларининг рақобатбардошлигини қўллаб - қувватлашга ва ривожлантиришга йўналтирилган. Бунда ишлаб чиқаришнинг устувор вазифаси рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш ва бу билан халқаро бозорларга чиқиш ҳисобланади. Шунингдек, ушбу моделда мамлакат саноатининг мақади тўлалигича жаҳон бозорларидаги катта улушни эгаллашга қаратилади. Ҳукумат мазкур сиёсатни солиқ ва божхона имтиёзлари, экспортчи корхоналарни кредитлаш, паст валюта курслари билан қўллаб - қувватлаш ҳамда экспортга йўналтирилган тармоқларни қулай шароитлар билан таъминлаш орқали амалга оширади.

Экспортга йўналтирилган саноат сиёсати моделини муваффақиятли амалга оширган давлатлар қаторига Япония, Жанубий Корея, Чили ҳамда “Осиё йўлбарслари” (Малайзия, Таиланд, Сингапур) каби мамлакатларни, шунингдек, кейинги вақтларда Хитойни ҳам киритиш мумкин.

Импорт ўрнинини босувчи модель - миллий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши асосида ички бозорни таъминлаш стратегиясини олға суради. Импорт ўрнини босувчи модель мамлакатда протекционизм сиёсати юритишни ва қаттиқ миллий валюта курсини сақлаб туришни кўзда тутди.

Инновацион модель - мамлакатнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш

жараёнларининг ривожланиши юқори технологияли ҳамда янги технологиялардан кенг фойдаланишга асосланади. Ушбу модель асосидаги саноат сиёсати доимо рақобатбардош ва сифатли товарларнинг кенгайишига кенг асос яратади, тадбиркорларнинг ижодий ташаббускорлигини оширади, ресурслардан самарали фойдаланиш юзага келиб, ишлаб чиқариш харажатлари камаяди.

Кейинги йилларда дунё давлатлари орасида рақобатнинг кескинлашуви, халқаро бозорларда инновация даражаси юқори бўлган маҳсулотларга талабнинг ортиши хусусан, жаҳон бозорларида фан-техника сиғими юқори маҳсулотларга эҳтиёжнинг кучайиши дунё давлатларининг миллий экспорт таркибида юқори технологияли маҳсулотнинг улушини кўпайтиришга бўлган интилишларини, бу эса миллий саноат тармоқларини инновацион ривожлантириш заруриятини янада кучайтирди.

Саноат маҳаллий истеъмол бозорларини сифатли товарлар билан тўлдириш, бозордаги зарурий мувозанатни таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, ҳозирда ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш каби муаммоларни самарали ечишнинг етакчи воситаси бўлиб қолди. Демак, юқорида назарда тутилган жараёнлар мамлакатларнинг саноатини инновацион тарзда ривожлантиришни талаб этмоқда.

Бугунги кунда саноат сиёсатининг инновацион моделини муваффақиятли амалга ошираётган давлатлар қаторига Япония ва Жанубий Корея мамлакатларининг тажрибаларини мисол сифатида келтириш мумкин. Ушбу моделни қўллаган давлатлар айниқса, экспортида юқори технологияли маҳсулотнинг улуши катталиги билан дунё давлатлари орасида алоҳида ажралиб туради. Жумладан, шундай давлатлар қаторига Сингапур (экспорт тузилишида юқори технологияли маҳсулотнинг улуши 58,7 фоиз), Малайзия (57 фоиз), Таиланд (30 фоиз), Хитой ва Венгрия (26 фоиз) каби мамлакатларни киритиш мумкин.

Республикамиз учун саноат сиёсатининг инновацион моделини ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, мамлакатимиз экспорт ва саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмида юқори технологияли маҳсулотнинг улуши ва умумий экспорт ҳажмида инновацион маҳсулотнинг улуши нисбатан паст кўрсаткичларни ташкил этади.

МАМЛАКАТДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ахунова Маърифат Хакимовна

Фарғона политехника институти катта ўқитувчиси

E-mail: ahunovamarifatxakimovna@gmail.com

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда деярли ҳар куни улкан янгилик ва ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу, ўз навбатида тараққиётимиз суръатлари нақадар тезлашиб, уларнинг натижадорлиги ортиб бораётганлигини кўрсатади. Энг муҳими, бундай кенг кўламли ислоҳот ва янгиланишлар аниқ мақсадга – мамлакатимиз ривожини янги босқичга олиб чиқиш, халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилгани бежиз эмас.

Замонавий технологиялар бир жойда тўхтаб турмайди. У мунтазам такомиллашгани сайин, табиийки, соҳанинг қонунчилик асослари ҳам мустақамланиб бораверади. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, шунингдек, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида 2018 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Шу билан бирга, 2030 йилга қадар “Рақамли Ўзбекистон” концепциясини ишлаб чиқиш юзасидан ҳам чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Рақамли иқтисодиёт, бу — алоҳида фаолият тури эмас. Бу, аслида, ишбилармонлик, саноат объектлари, хизматлар деганидир. “Рақамли” атамаси мазкур соҳаларнинг барчаси ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни англатади. Агар оддий иқтисодиётда моддий буюмлар асосий ресурс ҳисобланса, рақамли иқтисодиётда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади. Уларнинг таҳлилидан сўнг тўғри бошқариш бўйича ечим ишлаб чиқилади. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади. Аслида, ҳаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, ойликларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ва хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамыз, картадан картага пул узатамыз, уйга таом буюртма қиламыз ва ҳоказо.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропonte “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни

бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди.

Рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқи шундаки, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олишдир.

“Рақамли иқтисодиёт” атамаси миллий қонунчилигимизда қўлланилиб келинаётганлигига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ дунё тенденцияси шуни кўрсатаяптики, барча ривожланган давлатлар уни шакллантиришга аллақачон киришган. Ўзбекистон ҳам мазкур жараёндан четда қолмаслиги керак. Зеро, биз глобаллашув, дунё ҳамжамияти билан интеграцияга киришиш ҳақида гапирарканмиз, бу борада ўзгарган (трансформация қилинган, янгиланган) иқтисодиёт равнақи муҳим саналади. Яратилган махсус бошқарма иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига автоматлаштирилган тизимларни жорий этиш билан шуғулланади. Бу йирик саноат объектлари иш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда ўсиш, фаолият шаффофлигини таъминлаш, маҳсулот таннархини камайтириш имконини беради. Агар глобал нуқтаи назардан қаралса, бугун башарият жаҳон иқтисодиёти тармоқлари, инсонлар ҳаёти, турмуш асослари ўзгариши билан боғлиқ қизиқ даврни бошдан кечирмоқда. Бу барча технология, компьютерлар интернет орқали бир-бири билан боғланиб бораётгани ила изоҳланади. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда қарийб беш миллиард қурилма бутунжаҳон “ўргимчак тўри”га уланган. Яқин беш йил ичида уларнинг сони йигирма миллиардга етиши кутилаётир. Айни пайтда сунъий ақл ва когнитив интеллектуал тизимлар жадал тараққий топяпти. Бунинг натижасида яқин келажакда айрим касблар ўз долзарблигини йўқотади ҳамда вақти келиб, йўқ бўлиб ҳам кетади. Мисол учун, “IoT” автоматлаштирилган тизими аллақачон синовдан ўтказилаяпти. Пировардида роботлар автомобиль ҳайдовчилари, учувчилар ва ҳатто, ҳуқуқшуносларнинг ҳам ўрнини эгаллаши мумкин.

Келгусида механик ҳамда жисмоний меҳнат ўрнини робототехника эгаллаши кун сайин ойдинлашиб бораяпти. Шунинг учун стратегия ишлаб чиқиш, рақамли кўникмаларни оммавий шакллантиришни таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Ёшлар янги касблар, турли технологиялардан фойдаланиш, компьютерлар, интернет, катта миқдордаги рақамли маълумотларга ишлов беришга тайёр туриши керак. Яъни қандайдир жараёнлар автоматлаштирилар экан, одамларни бошқа, янада долзарб интеллектуал касбларга йўналтириш лозим.

Рақамли иқтисодиёт – бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш бўлиб, қуйидаги қулайликларга эга:

-тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлқира ва бошқа ресурслар тежаллади).

-товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.

-рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта.

-истеъмолчи фикрини тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.

-тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ.

Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир.

Рақамли иқтисодиёт коррупция ва “қора иқтисодиёт”нинг асосий кушандасидир. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада “ифлос пулларни” ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимооти очик бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди.

Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. “Рақамли технологиялар” томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди. Зеро, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида “2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” деб эълон қилинганлиги эътироф этилди.

Шунингдек, 2020 йил 24 январдаги Президентимизнинг Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз” деб таъкидлаб ўтган эди.

Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. “Рақамли технологиялар” томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистон шароитида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг қонуниятлари, тенденциялари ва имкониятларини, хусусан, ахборот технологияларининг иқтисодиётнинг турли соҳаларига кириб бориш даражаларини ўрганиш ва илмий жиҳатдан асослаб бериш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади. Шундай экан, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари сифатида қуйидаги вазифаларни эътироф этишимиз мумкин:

–инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари диверсификация қилиш учун криптоактивлар айланмаси соҳасида янги блоклар яратиш;

-блокчейн технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш;

-рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар битилган электрон шартномалар тузиш;

-рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш;

-криптовалюталар ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

-хориж тажрибасини ҳисобга олган ҳолда блокчейн технологияларини жорий этиш учун ҳуқуқий базани яратиш;

Хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва такомиллаштириш масалалари ҳар бир ривожланиб бораётган давлатнинг устувор ва муҳим вазифасига айланиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси; 2020 йил 24 январь, Lex.uz;

2. Бекмуродов Т.Ф. Исследования по компьютерной технике и информатике в Узбекистане: история и перспективы. |Сб. научных трудов НПО “Кибернетика” АН РУз – Ташкент; 2004.-с.78-84;

3. С.С. Гулямов, Р.Ҳ. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019 й.;

4. Э.А.Муминова. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда “блокчейн” технологияларининг ўрни ва аҳамияти. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 йил;

5. Э.А.Муминова. Корпоратив молиявий режалаштиришни ташкил этишда блокчейн технологияси. Монография;

6. <https://my.gov.uz/uz/service/301>

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Хидирова Марғуба Рустамовна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ассистенти

Жаҳоннинг йирик иқтисодиётининг бешинчи технологик уклад(тузум)га ўтиши ва олтинчисининг компонентлари шаклланиши билан ахборотнинг ишлаб чиқариш омили сифатидаги роли критик даражада ўсиб боради.[5] Шу боисдан ҳам бугунги кунда минтақавий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги асосан унинг ахборотлашув даражаси билан аниқланади.[4]

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва технологик тараққиёт шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши рақамли иқтисодиётни ривожлантирмасдан тасаввур этиш амри маҳолдир. Масалан, Accenture маслаҳат компанияси 2022 йилга бориб жаҳон ЯИМнинг тўртдан бир қисми рақамли сектор улушига тўғри келишини прогноз этмоқда.[8]

Глобаллашувнинг чуқурлашуви ва кескин рақобатчилик жараёнлари кучайиб бораётган замонавий шароитда ҳар бир мамлакатининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш ва ўз позициясини сақлаб қолиши ва уни мустаҳкамлаб бориши бевосита рақамли иқтисодиётнинг самарали шаклланиши ва ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқ бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” дея номлади. Давлат раҳбарининг Олий Мажлисга мурожаатини нафақат 2020 йил учун Дастур, балким, мамлакатимизни яқин келажакда тараққиёт йўлини белгилаб берувчи фундаментал аҳамиятга эга бўлган тарихий ҳужжат сифатида баҳолаш мумкин [6].

Рақамлаштиришни чуқурлаштириш ва кенгайтириш миллий иқтисодиётнинг дунё миқёсидаги рақобатбардошлигини ошириш, инновацион ва билимлар иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Экспертларнинг тасдиқлашларича, рақамли иқтисодиёт офис клеркларининг ва номоддий меҳнат соҳасидаги баъзи бир ходимларнинг амалдаги ҳукмронликларига яқин ясайди ва янги ижтимоий қатламнинг пайдо бўлишини тақозо этмоқда. Бозор субъектлари фаолиятида рақамли трансформациялашувнинг энг муҳим омили - бу рақамли маданиятнинг ривожланиши ҳисобланади.

“Рақамлашув” ибораси илк бор 1980 йилда келиб чиқиши грек бўлган америкалик информатик, Массачусетс технология институти- MIT медиа лабораторияси асосчиси Николас Негропonte тамонидан муамолага киритилган. Негропonte ўзининг Being Digital китобида рақамли медианинг

бизнинг кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиши таъкидлаб ўтган [7].

Бугунги кунда мазкур ибора ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олган тарзда у аста-секин иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг ҳам қамраб олмақда. Аксарият ривожланган мамлакатлар бугунги кунда рақамли иқтисодийнинг ривожланиши учун янги қонунчилик ҳужжатларини ва давлат дастурларини қабул қилишлари билан иқтисодийнинг барча соҳаларига рақамлаштиришни босқичма-босқич жорий этишган ва рақамли иқтисодийнинг ривожланиши учун инфратузилмани яратган тарзда катта таъсир ўтказишмоқда. Жаҳон банкининг умумий таърифига кўра рақамли иқтисодий ўзида рақамли ахборот-коммуникация технологияларини қўллашга асосланган иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатлар тизимини намоён этади.[1]

Ушбу нуқтаи назарга асосланган ҳолда таъкидлайдиган бўлсак, рақамли иқтисодий – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделларини яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодий янги тизимга кўчириш деганидир.

Умуман олганда, агарда “рақамли иқтисодий” атамасини ҳам 1995 йилда Америкалик дастурчи Николас Негропonte амалиётга киритган бўлса, ҳозирда бу иборани бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча кенг қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодийнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди (“Рақамли дивидендлар”) [3].

Бунда, яширин иқтисодийга барҳам бериш воситаси сифатида ҳам қараш мумкин. Чунки, биринчидан, ҳамма амалга оширилган операциялар электрон рўйхатдан ўтилишига, иккинчидан, ҳамма нарса шаффоф бўлишига эришилади. Қолаверса, ишлаб чиқаришда янги ахборот технологиялари қўлланиши оқибатида маҳсулот ва хизматларнинг таннархи пасаяди ва рақобатбардошлик ошади. Умуман олганда, ҳар қандай миллий иқтисодий рақобатбардош бўлмас экан, бозор қонунлари тўлиқ амал қилмас экан, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг натижаси ҳам сезиларли бўлмайди.

Сўнги йилларда янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида очиқлик, халқаро иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши юртимизда саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага келтирди. Масалан, бугунги кунда “Электрон ҳукумат”, “электрон бошқарув”, “телекоммуникация”, “Интернет”, “Веб-сайт” каби юзлаб иборалар ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланди.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида энг муҳим субъект - бу тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланишади. Шу нуқтаи назардан ҳозирги даврда тадбиркорлик тузилмалари фаолияти трансформациялашувидаги асосий омиллар бўлиб корпоратив муҳитнинг ривожланиши ҳисобланади.

Сабаби бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти ривожланган мамлакатлари корхоналарида яратилаётган юқори кўшилган қийматга эга бўлган инновацион, юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ҳамда хизматларнинг аксарият қисми айнан компанияларда, яъни корпоратив бошқарув усулларига асосланган ишлаб чиқариш корхоналарида яратилмоқда.

Ҳозирги замонавий босқичда ўзгараётган жамиятнинг институционал тузилмаси ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланади ва рақамлашган иқтисодиётнинг шаклланиши талаб этиб, бу ўз навбатида тадбиркорликнинг корпоратив муҳитини рақамлаштиришнинг зарурлигини белгилаб беради. [2]

Рақамли иқтисодиёт элементларидан корпорациялар фаолиятида кенг фойдаланиш ўз навбатида рақамли технологиялар томонидан тақдим этилаётган катта имкониятлар асосида бизнес-жараёнларни олиб боришга ва бизнес самарадорлигини ошириш имкон беради. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, корпоратив бошқарув муҳитида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш масалалари деярли ўрганилмаган. Бугунги кунда корпоратив ишлаб чиқаришни бошқариш бу корпоратив муносабатларнинг бир қисми ҳисобланади. Корпоратив бошқарув сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири жамият фаолиятини ахборот билан тўлиқ таъминлаш ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиётни шаклланиши ва ривожланиши шароитида корпоратив бошқарув усули асосидаги ишлаб чиқаришнинг ўрни беқиёсдир. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, замонавий йирик корхона ва ташкилотларнинг деярли барчаси корпоратив бошқарув усуллари ва тамойиллари асосида фаолият юритишади. Бу ўз навбатида мазкур тизимда замонавий бошқарув усуллари самарали жорий этиш ва хусусан рақамли иқтисодиёт талабаларидан келиб чиқиб фаолият юритишни талаба этади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, диверсификациялаш, кластерлаш, таркибий ўзгаришларнинг кенг кўламда амалга оширилиши инновацион ва юқори сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Аммо бу борадаги жиддий муаммо – айрим маҳаллий маҳсулотларимиз таннархининг хорижий мамлакатлардаги аналог(ўхшаш) маҳсулотларга нисбатан юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу борада айнан рақамли иқтисодиёт элементлари, айниқса замонавий ахборот технологиялари ёрдамида маҳсулот ва хизматлар таннархини пасайтиришга ва амалда самарадорликни оширишга эришилади.

Фикримизча, корпоратив ишлаб чиқариш соҳасига рақамли иқтисодиёт элементларини қўллаш ўз навбатида қуйидаги

- биринчидан, жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг шаффофлиги ва аниқ-равшанлигини таъминлайди;

- иккинчидан, ишлаб чиқариш ресурслари ва энергиялардан тежамкор фойдаланиш имконини беради;

- учинчидан, маҳсулот сифати ва унинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради;

- тўртинчидан, замонавий ахборот технологиялари асосида бошқариш тизими самарадорлигини оширишади ва ҳ.к.

Умумий хулоса ўрнида таъкидлайдиган бўлсак, шуни айтиш мумкинки, рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида корпоратив ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш учун комплекс ёндашув зарур. Ушбу нуқтаи назардан корпоратив ишлаб чиқаришни бошқаришнинг такомиллаштириш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги таклифларни келтириб ўтишимиз мумкин:

- бошқаришнинг ташкилий тузилиши ва функцияларини қайтадан кўриб чиқиш ва тўғри йўлга қўйиш;
- корхона тасарруфидаги ва инвестиция маблағларини самарали жалб этиш ҳисобига молиявий барқарорлигини таъминлаш;
- илғор техника ва технология билан қайта жиҳозлаштириш ва янгилаш ишлари самарадорлигини таъминлаш;
- жаҳон интеграцияси ва бу орқали жаҳон бозорига кириб боришни жадаллаштириш;
- ишлаб чиқариш кучларининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва чет эл инвестицияларини жалб этишни амалга ошириш;
- корхона хўжалик фаолиятини юритишда стратегик менежмент усулларидан самарали фойдаланиш;
- “очиклик”, шаффофлик” ва “адолатлилик” каби тамойилларга амалда риоя қилишга эришиш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдрашидов Ж.Ф., Толибов И.Ш. угли. К проблеме формирования цифровой экономики в Узбекистане// Молодой учёный №29(267) июль 2019 г.
2. Бабкин А.В., Чистякова О.В. Цифровая экономика и ее влияние на конкурентоспособность предпринимательских структур// Российское предпринимательство.-2017. – Том 18. - № 24. – С. 4087-4102.
3. Положихина М.А. ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА КАК СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ФЕНОМЕН. <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-ekonomika-kak-sotsialno-ekonomicheskiy-fenomen>
4. Панышин Б. Цифровая экономика: особенности и тенденции развития// Наука и инновации.-2016.-Т.3.-№.157 с.
5. Савина Т.Н. Цифровая экономика как новая парадигма развития: вызовы, возможности и перспективы// Финансы и кредит. 2018.№ 3(771).
6. <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/> Жумаев Н. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мамлакатга нима беради?
7. <https://audit.ru/tsifrovizatsiya-cto-eto-dlya-nas.html>
8. kommersant.uz/tsifrovaya-ekonomika-uzbekistana/ Цифровая экономика Узбекистана.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Баймирзаев Бахтиёр Жуманазарович

Тошкент давлат техника университети тадқиқотчиси, доцент

E-mail: tstu.uub@rambler.ru

Корхоналар инновацион фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши ёки даражаси ўзгариши маълум бир омиллар таъсири натижасида содир бўлади. Корхона инновацион фаолиятини бошқаришни объектив ва ҳар томонлама тадқиқ этиш давомида, унга таъсир ўтказувчи омилларни аниқлаш ва тизимлаштириш муаммоси долзарб ва етарлича ишлаб чиқилмаган бўлади.

Инновацион фаолият омили деганда, корхона инновацион ўсишининг жадаллиги ва тавсифига таъсир ўтказувчи шартлар, сабаб ва кўрсаткичларни тушунамиз. Бунда инновацион жараён, кўплаб омилларнинг ўзаро таъсири натижаси сифатида майдонга чиқади.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, инновацион фаолиятга таъсир ўтказувчи омилларнинг таснифи айни вақтда ишлаб чиқилмаган. Кўплаб муаллифлар корхонанинг инновацион фаолиятига таъсир ўтказувчи омилларга ўз эътиборини қаратишган. Т.Г. Философова ўз китобида, саноат корхоналарида инновацияларга тўсқинлик этувчи қуйидаги омилларни қайд этиб ўтган:

-иқтисодий - молиявий ресурслар билан кам таъминланганлик, давлат томонидан кам молиялаштирилиш, инновацияларни тарғиб қилишга юқори сарф-ҳаражатлар, иқтисодий хавфнинг юқори даражаси, инновациялар қайтимларининг узок муддати;

-ишлаб чиқариш - малакали кадрлар етишмаслиги, янги технологиялар, сотиш бозорлари тўғрисида зарур маълумотларнинг йўқлиги, ташкилотнинг инновацияларни тезда қабул қила олмаслиги, бошқа ташкилотлар, корхоналар ва илмий ташкилотлар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйилмаганлиги ёки йўқлиги;

-бошқа омиллар - инновацион маҳсулотга истеъмолчилар томонидан паст нархдаги талаб, инновацион фаолиятда етарлича қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг, тартибга солишнинг йўқлиги, давлат томонидан инновацион фаолиятни етарлича рағбатлантирилмаслиги, суст ривожланган инновацион инфратузилма, технология бозорида ривожланишнинг йўқлиги.

Бошқа бир олим, А.А. Бовин эса ташкилотнинг инновацион муҳитига қуйидаги таъсир ўтказувчи омилларни келтириб ўтади ва таҳлил қилади:

-ижтимоий инфратузилма (ишчиларнинг таълим, тиббий ва маданий иншоотлардаги хизматлардан фойдаланиш имконияти);

-алоқа соҳаси (алоқа, ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконияти мавжудлиги);

-табiiй - географик шароитлар (транспорт, моддий-техник, энергия, ёқилғи ва хомашё ресурсларининг мавжудлиги);

-технологик ва илмий-техник соҳа (ишланмалар бозорининг мавжудлиги, илмий-тадқиқот институтлари ва бошқаларнинг мавжудлиги);

-иқтисодий ва молиявий соҳа (инновацион фаолиятни давлат томонидан миллий ва минтақавий даражада қўллаб-қувватланиши, инновацион ишланмалардан манфаатдор инвесторларнинг мавжудлиги);

-сиёсий-ҳуқуқий соҳа (инновацион ва илмий-техник соҳани ҳуқуқий тартибга солишда миллий, минтақавий режа ва дастурларнинг мавжудлиги);

-хўжалик юритишнинг стратегик қамрови (бозорнинг муайян сегментида инновацияларнинг пайдо бўлиш тезлиги);

-меҳнат ресурслари бозори.

Бизнинг фикримизча, келтирилган таснифлар, корхона инновацион фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларнинг фақатгина кичик бир қисмини қамраб олган. Шунини таъкидлаш жоизки, илмий адабиётларда инновацион фаолиятга бевосита таъсир ўтказувчи омиллар аниқланган эмас.

Тадқиқотимизнинг мазкур режасининг асосий мақсади корхона инновацион фаолияти ва унинг таснифлаш белгиларининг тизимлаштирилишига таъсир ўтказувчи омилларнинг аниқлаш.

Фикримизча, корхона инновацион фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларни бир қатор белгиларига кўра таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида бошқарувчанлик даражасига кўра, корхона инновацион фаолиятига таъсир ўтказувчи омилларнинг қуйидаги таснифий белгилари таъриф қилинган.

Келиб чиқиш манбаларига кўра, омиллар табиий-иқлимий, ижтимоий, молиявий-иқтисодий, саноат-технологик, илмий-техник ва ташкилий-бошқарув гуруҳларига бўлинади.

Табиий-иқлимий омиллар саноат корхоналари инновацион фаолияти натижаларига катта таъсир ўтказиши. Корхона инновацион фаолияти ривожланиши ва инновацион фаолиятнинг ўсишига сув таъминоти билан таъминланганлиги, қулай иқлим, иш шароитлар ва йирик ёқилғи ва хом-ашё манбаларининг мавжудлиги катта ҳисса қўшади.

Табиий-иқлимий шароитнинг мураккаблиги, ишчи кучининг етишмаслиги, ишлаб чиқариш кучлари, транспорт ривожланиш даражасининг пастлиги, аксинча корхона инновацион фаолияти ривожланишига тўсқинлик қилиши, билан биргаликда, корхона инновацион фаолият даражасига салбий таъсир кўрсатувчи юқорида келтирилган муаммолар ечими учун жуда катта маблағ талаб қилади.

Ижтимоий омилларга демографик вазият, ижтимоий кескинлик даражаси, ишчиларнинг яшаш шароити, корхонада соғломлаштириш, спорт ва маданий хордик ишларини ташкиллаштириш, кадрларнинг маданий, таълимдаги умумий даражаси ва бошқаларни киритиш мумкин. Булар корхона ишлаб чиқариш ресурсларининг самарали ва тўлароқ қўлланишига, инсон капиталининг коопоратив ривожланиши ва шаклланишини таъминлашга хизмат қилади.

Молиявий-иқтисодий омиллар маблағ, хом-ашё, материаллар билан таъминланганликни, қўшимча маблағларни жалб қилиш имкониятлари

даражасини аниқлайди. Инновацион фаолиятнинг молиявий-иқтисодий омилларини тадқиқ қилиш, энг аввало, корхонанинг инновацион ривожда молиявий имкониятларини тадқиқ қилиш имкониятини, корхонанинг ҳозирги ва келажакдаги молиявий ҳолатида инновацион стратегия ривожланишининг йўналишини олдиндан ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Саноат-технологик омиллар корхона ишлаб чиқариш ресурслари ва технологияларининг самарали ва тўлиқ фойдаланишини аниқлаб беради.

Илмий-техник омилларга ИТТКИ ўтказилиши, интеллектуал мулкнинг мавжудлигини қамраб олади.

Ташкилий-бошқарув омиллар таҳлили инновацион инфратузилманинг ривожланиш даражасини, самарали инновацион менежментни, инновацияларни амалга оширишда маркетинг стратегиясини, инновацияларни молиялаштиришни ташкиллаштиришни, инновацион фаолият вазифаларига ташкилий тузилманинг мос келишини аниқлашга ёрдам беради.

Бизнинг фикримизга кўра, инновацион фаолиятга таъсир ўтказувчи омилларни яна бир хусусият, бошқарув даражасига кўра ҳам таснифлаш лозим.

Бошқарув даражасига кўра корхона инновацион фаолиятига таъсир этувчи омилларни таснифлашда корхонани бевосита ёки билвосита таъсир ўтказувчи омилларини, шу билан биргаликда ўзининг инновацион фаолияти даражасини ва корхона таъсир ўтказа олмайдиган омилларни ўзгартиришини таъкидлаш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бошқарув даражасига кўра инновацион фаолият омиллари таснифланиши корхона инновацион фаолияти даражасини кенгайтириш ва баҳолаш масалаларини кўриб чиқишда энг муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, инновацион фаолиятга таъсир ўтказувчи омиллар бошқарув даражасига кўра ҳам қуйидагича таснифланади:

- бошқарилмайдиган;
- билвосита бошқариладиган;
- бевосита бошқариладиган.

Бошқарилмайдиган омиллар (ёки берилган) - булар, корхона инновацион фаолиятига, бошқарув қарорларини қабул қилинишига таъсир ўтказмайдиган омиллар. Бошқарилмайдиган омиллар сирасига қуйидагилар киради:

- иқтисодиётнинг ривожланиш тенденциялари;
- минтақа, давлатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият;
- давлатнинг инновацион сиёсати;
- муайян бозорларда рақобатнинг тавсифи;
- истеъмол тизимида барқарор ўзгаришлар;
- халқаро рақобат ва меҳнат тақсимотининг таъсири;
- истеъмолчининг тўлов имкониятлари.

Билвосита бошқариладиган омиллар - булар, корхона инновацион фаолиятига таъсири натижалари бошқарув қарорларининг қандай қабул қилиниши, ташқи омиллар таъсири билан боғлиқ бўлган омиллар бўлиб, уларга қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- корхона инновацион фаолиятини молиялаштирувчи ташкилотлар;
- инновацион маҳсулотга талабнинг мавжудлиги.

Корхона инновацион фаолияти ривожланишига билвосита бошқариладиган омилларнинг таъсири инновацион лойиҳаларга таъсир ўтказувчи молия институтларининг қабул қиладиган бошқарув қарорларини, инновациялар соҳасида давлат сиёсатининг инновацияларни тарғиб этишда манфаатдорлар саноат тизимлари билан боғлиқ (банк соҳаси, давлат инвесторлар ва бошқ.).

Бевосита бошқариладиган омиллар сирасига, корхона инновацион фаолиятига таъсир кўрсатиш натижаларига бошқарув қарорларининг қабул қилиниши билан бутунлай боғлиқ бўлган омилларни келтирамиз.

Бевосита бошқариладиган омиллар гуруҳини кўриб чиқамиз:

- корхонанинг соҳага тегишлилиги;
- корхона кўлами;
- корхонанинг инсон капитали;
- корхонадаги ижтимоий-руҳий муҳит;
- мотивация тизими;
- эришилган ишлаб чиқариш ва технологик даража;
- эришилган илмий-техник даража;
- ташкилий бошқарув тузилмаларининг инновацион жараён вазифалари билан мувофиқ келиши;
- инновацион менежмент тизими;
- корхонанинг молия ресурслари.

Корхонанинг инновацион фаолиятига унинг соҳага тегишлилиги алоҳида таъсир ўтказди. У айтарли даражада хусусий, маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилишга шароит яратади. Бошқа шу каби шароитларда ҳам айнан қайси соҳага тегишлилик омили инвестицияларни ўзига жалб қилиш кўламини оширади.

Инновацион фаолиятнинг шаклланиши ва унинг даражасига корхона кўлами сезиларли таъсир ўтказди. Нисбатан йирикроқ корхоналарда илмий тадқиқот ишланмалар, инновацияларни амалга ошириш билан шуғулланувчи бўлимларни яратиш имконияти кўпроқ. Статистик ҳисоб китобларга қараганда, саноат ишлаб чиқариш ташкилотларининг асосий улушини ходимлари сони жуда кўп бўлган корхоналар гуруҳи ташкил этади. Кам ишчилар сонига эга бўлган корхоналар гуруҳларининг инновацияларнинг технологик амалга оширилишидаги улуши сезиларли даражада паст.

Корхона инновацион фаолиятининг ажралмас бир бўлаги сифатида ташкилий-бошқарув фаолиятини шакллантириш учун ташкилий тизим бошқаруви инновацион жараён вазифаларига мос келиши зарур. Ушбу омил қуйидагиларни ўз ичига олади:

- жорий ташкилий тузилмаларнинг расмийлаштирилиш даражаси;
- алоҳида ходимлар ва бўлинмаларнинг инновацион эркинлиги;
- мақсадли ишчи гуруҳларни шакллантириш имконияти;

- ташкилий тузилмада инновацияларни қайта ишлаш фаолиятини олиб борувчи бўлимларнинг мавжудлиги;
- ташкилий тузилмада корхона инновацион фаолиятини амалга оширишни амалга оширувчи бўлимларнинг мавжудлиги.

Корхона инновацион фаолиятини шакллантириш ва юзага келтириш жараёнлари бошқаруви инновацион менежмент тизими томонидан амалга оширилади.

Корхона молиявий ресурслари кўлами ИТТКИни ўтказиш учун, асосий фондларни модернизациялаш, кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш, фаоллаштириш, корхона инновацион фаолияти даражасини ошириш учун муайян тадбирларни ўтказишга имкон бериши керак.

Бизнинг фикримизча, тадқиқотнинг натижалари корхона инновацион фаолияти даражасини аниқлаш ва амалга оширишни амалга оширишга имкон берувчи ва оқибатда саноат корхоналари инновацион фаолиятини баҳолаш усуллари такомиллаштирувчи комплекс кўрсаткичларни ишлаб чиқишга шароит яратиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Конкуренция. Инновации. Конкурентоспособность: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по направлениям «Менеджмент», «Экономика» /Т.Г. Философова, В.А. Быков; под ред. Т.Г. Философовой. – 2е изд., перераб. И доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – 295 с.

2. Бовин А. А. Управление инновациями в организации: учеб.пособие / А.А.Бовин, Л.Е. Чередникова, В.Я. Якимович. – М.: Омега – Л, 2006. – 415 с. 211-212 с.

3. Абрамов В.И. Методология оценки инновационного потенциала предприятия / В. И. Абрамов // Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Общественные науки. – 2012. - №4. – С.130-137.

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Урмонов Жаҳонгир Жалолдинович¹

Бозоров Акмал Амонович²

¹Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти
кафедра бошлиғи, и.ф.д, доцент,

²Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти
кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт ва «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштиришга эътибор қаратиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили”, деб эълон қилинганлиги, ҳамда мамлакатимиз раҳбари “тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва

замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда” [1] дея таъкидлаганлари фикримизнинг далили ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиёт қандай тушунча деган саволга ойдинлик киритадиган бўлсак. Рақамли иқтисодиёт бу иқтисодий, ижтимоий ва бошқа алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади [2].

Бугунги кунда мамлакатимизда кўплаб соҳаларни ривожлантириш учун рақамли иқтисодиётдан фойдаланиш, жумладан солиқ тизимида ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида ижобий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни бекиёсдир.

Солиқ тизимида рақамли иқтисодиётдан фойдаланишнинг энг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мукин:

1. Ҳисоб-китоб жараёнларида электрон ҳисобварақ-фактура айланиш тизимидан фойдаланиш.

2. Савдо жараёнларида онлайн назорат касса машиналар (Онлайн-НКМ)дан фойдаланиш.

3. Солиқ органлари томонидан ахборот технологиялари асосида амалга ошириладиган солиқ текширувларининг янгича тартибини қўллаш.

Мазкур йўналишларнинг ҳар бири бўйича амалга оширилаётган ва бажарилиши режалаштирилаётган масалаларга тўхталадиган бўлсак.

Биринчидан, Ҳисоб-китобларга кўра қоғоз шаклидаги ҳисобварақ-фактурадан фойдаланилганда битта ҳужжат учун ўртача 1-5 кун вақт сарфланади ва ҳаражат ўртача 3000 сўмдан бошланади. Электрон ҳисобварақ-фактура айланиш тизимидан фойдаланилган тақдирда эса битта ҳужжат учун 3-5 минут вақт сарфланади ва ҳамма ҳаражат 300 сўм атрофида бўлиши мумкин. Демак ҳисоб-китоб жараёнларида электрон ҳисобварақ-фактура айланиш тизимидан фойдаланиш ҳар томонлама ижобий хусуиятларга эга ҳисобланади.

Ўзбекистонда 2020 йил 1 январдан бошлаб товарларни (хизматларни) сотишда хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда тақдим этиши ва қабул қилиши шарт.

Электрон ҳисобварақ-фактураларнинг алоҳида операторлари 2020 йил бошида ўз хизматларини бепул тақдим этадилар. Тадбиркорлик субъектлари 2020 йилнинг 1 июлига қадар белгиланган тартибни бузиш ҳолатлари кузатилган тақдирда солиқ органлари томонидан жавобгарлик чоралари қўлланилмайди.

Фикримизча электрон ҳисобварақ-фактура айланиш тизимидан фойдаланиш натижасида қуйидаги масалаларда ижобий натижаларга эришиш мумкин.

- бизнес жараёнлари шаффофлиги таъминланади;
- ЯИМ реал ҳажмини кўриш имконияти ошади;

- янада аниқ маркетинг таҳлилини амалга ошириш имкони шаклланади;
- қўшилган қиймат солиғи занжири узлуксизлиги таъминланади.

Иккинчидан, Тадбиркорлик субъектларининг онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланишга босқичма-босқич ўтказиш графиги тасдиқланган бўлиб, олис, етиб бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Бунда, 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳар йили олис, етиб бориш қийин бўлган аҳоли пунктлари рўйхати тасдиқланади ва ушбу ҳудудларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланиш ихтиёрий ҳисобланади.

- фойда солиғини аввалги чорак якунлари асосида ҳисоблаш бўйича ўрнатилган талабларни бекор қилган ҳолда, ушбу солиқни тўловчилар 2020 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб, кутилаётган ҳажмлардан келиб чиқиб фойда солиғи бўйича аванс тўловлар суммаси тўғрисида маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқига эга. Солиқ тўловчилар томонидан мазкур ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда давлат солиқ хизмати органларига фойда солиғи бўйича аванс тўловлар тўғрисида тақдим этилаётган маълумотномаларга ўзгартиришлар киритиш ваколати берилади.

“Fitch Ratings” прогноз қилишича, Ўзбекистон иқтисодиёти 2020 йилда 2% ўсади. Келгуси йилда бу суръат 6,8 фоизга етади. Бунда ҳозирдаги инқирозга қарши чоралар, ёш ишчи кучи, юқори инвестиция, ислохотларнинг давом

этирилиши ҳамда асосий ҳамкорлар (Россия, Хитой)нинг тезроқ оёққа туриб олиши муҳим роль ўйнайди.

Аммо, шунга қарамай, аниқ зарар кўрган ва бошқаларга қараганда кўпроқ зарар кўрадиган иқтисодиётнинг бир қатор тармоқлари ва тармоқларини аниқлаш мумкин. Пандемик омил уларга доимий таъсир қилади.

Биринчидан, туризм ва меҳмонхона бизнеси. Айниқса, хорижий меҳмонларга қаратилган компаниялар.

Иккинчидан, халқаро йўловчилар ташиш билан шуғулланадиган транспорт компаниялари. Бугунги кунда ушбу турдаги транспортнинг асосий улуши авиакомпаниялар томонидан амалга оширилади.

Учинчидан, кўп сонли одамлар чекланган ҳудудларга эътибор қаратадиган муассасалар. Бу кинотеатрлар ва театрлар, бошқа кўнгилочар ва кўнгилочар муассасалар, кафелар, ресторанлар ва бошқалар. Қисман шаҳар транспорти, савдо объекти ва бошқалар.

Иқтисодиётнинг ушбу тармоқлари учун умумий йўқотишлар бўйича баъзи ҳисоб-китоблар қилинган. Шубҳасиз, ҳисоб-китоблар шартли, улар доимий равишда кўриб чиқилмоқда - ўзгарувчан пандемия ва иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда. Аммо кўриб чиқиш, қоида тариқасида, ҳар доим зарар миқдорини ошириш томон йўналтирилган.

Шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, хулоса қилиб шунини айтишимиз мумкинки, бугунги инқироз даврида мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлар учун ҳар томонлама кенг имкониятлар яратиш ва бу соҳани ривожлантириш иқтисодиётимизни яна ўз изига тушишига катта ёрдам бериши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5978-сонли Фармони. 2020 йил 3 апрель. www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари

3. <https://www.fitchratings.com>

IMPROVING THE INSTITUTIONAL SYSTEM FOR SUSTAINABLE INDUSTRIAL DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN

Toshboev Bekzod Baxtiyarovich

Doctoral student of Gulistan state University

E-mail: akash7509@rambler.ru

Abstract: the research paper considers the main aspects of improving the institutional system of industry in Uzbekistan in modern conditions.

Keywords: industrial policy, investment, innovation, investment strategy, competitive economy, regional programs, infrastructure, industrial cooperation.

The socio-economic and political crisis caused by the coronavirus pandemic is radically different from the economic crises that occurred before. This economic crisis is not subject to any economic laws, it is like a crisis of neither cyclical nor borrowed funds. In the event of an outbreak of the crisis, both enterprises and companies successfully operating in the market will be forced to stop production, limit trade and economic relations with their employees in order to prevent the spread of the virus. The peculiarity of this crisis is that, although there is a demand for ultimately products and services, there are disruptions in supply chains due to the quarantine measures taken in the countries of the world. According to the latest data, now more than 4 billion people are taken to quarantine by countries around the world. It is still too early to talk about the consequences of the crisis, which is now becoming more and more acute during the downturn of such measures. Nevertheless, one of the most important directions for mitigating the consequences of a pandemic in our country is the rapid development of industrial production.

Currently, in Uzbekistan, the practical mechanism for implementing industrial policy is regional and sectoral industrial development programs, which are developed mainly on the basis of investment proposals of enterprises, summarized by local authorities, economic associations, ministries and departments.

These programs often do not take into account such important factors as the level of supply and demand in the market, the current and expected price situation, etc., that is, they do not systematically conduct in-depth analysis and forecasting of the development of commodity markets.

The main reasons for this situation are the lack of a clear scheme and procedure for forming, monitoring, forecasting changes in commodity markets, determining promising areas of industrial development, as well as a unified system for informing producers and consumers about the range and volume of products produced, imported and in-demand, the availability of production capacity, and the dynamics of prices for products on the domestic and foreign markets.

Taking into account the above, as well as to achieve the goals set by the Strategy of action for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021, in terms of further modernization and diversification of industry, creating an effective competitive environment for economic sectors and gradually reducing monopoly in the markets of goods and services, expanding intersectoral industrial

cooperation, integrating the national economy into the international economic system, the issue of cardinal improvement of the industrial policy implementation system becomes relevant in this regard, corresponding to the tasks of the transformation period in Uzbekistan. A key element of this system is the use of interlinked institutional and economic measures that ensure sustainable and balanced growth of industrial production [1].

Let's consider the main stages of the proposed system.

Formation of commodity markets for industrial products. According to world practice, only the development of commodity markets that ensure the price of products based on supply and demand leads to balance and stability in the economy. For this process to function, certain economic, organizational and social conditions must be created. According to the proposed system, the above-mentioned conditions will be aimed at solving the following tasks: functioning in the commodity markets of various forms of ownership; ensuring free competition; providing the opportunity to freely dispose of income; market commodity distribution; improving universal and open access to resources (material, labor, financial); ensuring full access of all economic entities to information about the state of the market; forming production, transport, trade and logistics infrastructures that serve the market, etc.

To address the challenges of developing markets for industrial goods the following set of operational and permanent measures is being developed and implemented:

- improvement of methods of antitrust control of prices for the most important types of energy resources and regulation of natural monopolies, increasing the level of transparency and competition in commodity markets;

- improving producers access to financial and raw materials, expanding cooperation links;

- introduction of modern pricing mechanisms for industrial goods taking into account market conditions, improvement of the system for charging import customs duties on intermediate goods, components and materials;

- simplification of mechanisms for organizing exchange trade, improvement of the wholesale trade system. Expanding the scope of e-Commerce through the introduction of the latest information and communication technologies, including "big data" technologies»;

- conducting regular analysis of the commodity structure of imports, forming a list of optimal production of analogous goods, taking into account the availability of material and raw materials, local human resources and comparative cost estimates;

- implementation of a strong intellectual property rights protection policy, increasing the publicity and availability of tenders;

- improving the effectiveness of ongoing work to prevent and combat corruption, conflicts of interest and market manipulation [2].

It is important to identify promising areas of industrial development in conjunction with forecasted changes in commodity markets. The determination of statistical trends in the development of industries or production of important products in industry will be carried out primarily based on the analysis and forecast assessment

of the balance of supply and demand in the relevant domestic and foreign commodity markets.

In order to ensure the interconnectedness of various sectoral factors affecting the development of commodity markets, it is planned to take into account the compliance of certain economic indicators, in particular, income of the population and trade turnover; production consumption and accumulation; accumulation of investment and capacity; capacity of material labor resources, etc.

In order to determine promising areas of industrial development, the authorized bodies will work on maintaining an information and methodological database, analyzing forecast results on the domestic and foreign markets, including market conditions, by product types in the Republic as a whole, as well as by industries and territories.

In this process, they will also study the demand for imported goods and develop reasonable recommendations for the production of certain types of products offered for development on the territory of the Republic.

Based on the results of the forecast and analytical work, a strategy for the development of industry for the medium and long-term periods will be developed, indicating a list of promising industry and product areas.

Attention should be paid to the allocation of productive forces associated with industrial and regional development. On the basis of the developed industrial development strategy, the authorized bodies will form investment project proposals for the production or expansion of production of the corresponding types of industrial products.

At this stage, we assess the volume and quality of available resources and factors of production, as well as the degree of development of the necessary infrastructure for the production of a specific type of goods [5].

In particular, the available mineral resources and other types of raw materials are analyzed, as well as the costs and feasibility of their development and processing for the production of certain goods are estimated.

In order to identify potentially necessary production assets for the establishment of production, an assessment of the state of existing buildings, structures and production facilities, including unused and state-owned ones, is carried out.

It is important to evaluate and generate investment resources from various sources necessary for the modernization of existing and creation of new production funds. To do this, it is necessary to operate a developed financial system consisting of the banking sector, stock market, insurance market, etc., which would facilitate effective investment in the development of all production and auxiliary links.

The ability to organize the production of a particular product of the necessary quality and corresponding to consumer requirements will be determined by the availability of labor at the appropriate skill level. In this regard, an assessment of the quantity and quality of labor resources, on the one hand, and targeted training of personnel with the necessary specialty and qualifications, on the other hand, will be carried out.

To create the necessary production, transport and communication infrastructure,

measures are being developed to modernize, expand and improve the efficiency of energy lines, water supply and Sewerage systems, transport routes and logistics, as well as information and communication networks.

When determining the location of investment projects, it is planned to take into account the interconnectedness of industry and regional aspects of development aimed at ensuring optimal efficiency of new and expanding production.

One of the requirements for ensuring the competitiveness of goods in both domestic and foreign markets is to improve the quality of products. To do this, at a radically new level that meets the international standards, systems of standardization and certification, technical regulation, evaluation and quality management of products will be involved.

Increasing the level of technology has a direct impact on the competitiveness of the product. In this regard, it is necessary to monitor and evaluate the scientific and technological base for the development of industries, to ensure close interaction between enterprises and research institutes, to stimulate the development and implementation of innovative developments, as well as to carry out measures for technological support of industries, to develop the leasing system.

In modern market conditions, the organization of wholesale trade should be one of the key links in the formation of commodity markets by performing an important function of the relationship between the manufacturer and the consumer and the sale of products. For the effective operation of wholesale firms, it is envisaged to use new technologies and methods that optimize trading and financial operations, increase economies of scale, reduce prices and improve customer service. A full-fledged and efficient wholesale network also involves the use of electronic accounting systems for goods, common rules for coding goods, placing orders and conducting calculations [4].

Regular holding of industrial fairs and cooperative exchanges will serve as an effective tool for promoting domestic products, which will help to expand intra-and inter-industry cooperation, improve the mechanism for finding partners, including foreign ones.

One of the main conditions for the development of commodity markets is to support the formation of a competitive environment to improve the efficiency of services provided to businesses, i.e. non-financial support.

An important component of non-financial business support is information support. Enterprises need to provide open access to timely and regularly updated information about the demand for industrial products in the Republic, as well as on the external market (Central Asia, CIS countries, far abroad, etc.), changes in prices for manufactured and consumed products, existing and abolished customs and tax benefits, etc.

It is planned to expand the network of consulting companies whose activities are aimed at improving the efficiency of doing business, including improving the level of professional education of industry specialists, the level of labor productivity, improving management, searching for foreign partners, etc.

It is necessary to create a strong system of legal support for small businesses and protect the domestic market from illegal trafficking.

In General, ensuring the sustainable development of industry will require further improvement of mechanisms and tools for the formation of commodity markets, based on the interconnection of macroeconomic, social, sectoral and regional policies.

References:

1. President Of The Republic Of Uzbekistan M.Mirziyoyev's Appeal To The Supreme Assembly Of The Republic Of Uzbekistan. <http://uza.uz/oz/politics/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

2. A report on the digital economy by 2019. Value creation and benefits: Implications for developing countries. UN. Geneva 2019

3. M. Achapovskaya Digitalization of the economy as a driver of innovative development./ Банковский вестник, САКАВИК 2019. Электронный ресурс: <http://www.nbrb.by/bv/articles/10611.pdf>

4. Report on the development of the digital economy in Russia. Competition in the digital age: strategic challenges for the Russian Federation / 2018 international Bank for reconstruction and development / World bank

5. Materials Of the forum of economists of Uzbekistan. Vol. 2020

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хонкелдиева Комилахон Равшанжон қизи
Фарғона давлат университети тадқиқотчиси

Хизмат кўрсатиш соҳаси моҳияти ва мазмунига кўра, замонавий ҳаёт сифатини таъминлаш билан боғлиқ бўлган инсон капитали ривожланишига шарт-шароит яратиш ҳамда меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражага ўтишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган инсон фаолиятининг турли кўринишларини ва йўналишларини ўз ичига олади.

Шунга кўра, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, "...2019 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 5,6 фоиз ўсганлиги қайд этиб ўтилди. Саноат маҳсулотлари ҳажмлари – 6,6 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари – 12,5 фоиз, чакана савдо айланмаси – 14,4 фоиз хизматлар – 12,5 фоиз ўсди”.

Ҳозирги мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификациялаш ва энг муҳим тармоқларни модернизациялаш жараёнида хизмат кўрсатиш корхоналарини доимий равишда ўзгариб боровчи бозор муносабатлари шароитида барқарор иқтисодий ривожланиши, уларни хўжалик фаолиятлари самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштиришни талаб этади. Чунки, хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятлари самарадорлигини ошириш механизми билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш интенсивлигини таъминлаш ресурслардан фойдаланишда тежамкорликка эришиш, ходим меҳнатидан

фойдаланиш самарадорлиги ва хизмат кўрсатиш сифати ҳамда унинг натижадорлигини ошириш, истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш масалалари соҳанинг ўзига хос муаммоларидан бири ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ва динамик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларида фойдаланилди.

Иқтисодий адабиётларда таъкидланган умумий қабул қилинган таснифдан ташқари яна бир неча таснифни ажратиб кўрсатиш мумкин. Масалан, сарфлар ва натижаларни тўлиқ ҳисоблаш даражаси учун унумдорлик кўрсаткичи таснифини ҳам уч турини ажратиб кўрсатиш мумкин.

а) хусусий (бир натижани бир сарфга нисбати);

б) умумлашган (бир ёки бир неча натижаларни бир неча сарфларга нисбати);

в) интеграл (унумдорликнинг тўлиқ ҳисоботи).

Олдинги таснифга фарқли равишда ушбу таснифда нафақат ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ресурслар миқдори, балки ишлаб чиқариш натижаларини табақаланиш имкониятлари ҳам инобатга олинган.

Иқтисодий самарадорлик хўжалик юритувчилар фаолиятлари натижа-сини акс эттиради, ижтимоий самарадорлик эса иқтисодий субъектларнинг ижтимоий самарадорлигини, уни жамият ҳаётининг турли томонларига таъсирини акс эттиради. Бунда ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик муайян даражада ўзаро боғлиқдир. Ижтимоий самарадорликка эришиш – инсонларнинг ижтимоий яшаш шароитларини яхшиланиб бориши бўлиб, у иқтисодий самарадорликни оширишга имкон яратади. Оқибатда у, инсоннинг меҳнат қилиш қобилиятига таъсир кўрсатиб, унинг меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келади. Шу билан биргаликда, ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун моддий асос зарур. Бу моддий асос корхоналар фаолиятини иқтисодий самарадорлигини ошириш орқали эришилади. Демак, сервис иқтисодиёти шароитида самарали фаолиятнинг янгича мазмунини куйидагича ифодалаш мумкин: фаолият самарадорлиги самарадорлик тушунчасининг моҳияти ёки мазмуни билан ўлчанмайди, балки ижтимоий самарадорликни ташкил қилувчи кўрсаткичлар орқали белгиланади. Бу кўрсаткичлар иқтисодий самарадорликни белгилувчи кўрсаткичларга нисбатан кенгроқ мазмунга эга.

Самарадорликни ташкил этувчи сифатий ҳолатларни ўзгариши хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини самарадорлигини баҳолаш заруратини келтириб чиқаради. Шу билан умумий қабул қилинган нўқтаи назарга кўра, ижтимоий самарадорликни аниқ миқдорий ўлчовга тушириб бўлмайди. Шундай қилиб, анъанавий тарзда самарадорликни фақат иқтисодий табиатини акс эттириш мумкин, унинг ижтимоий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини миқдорий мезонлар билан ўлчаш мураккабдир. Бундай нўқтаи назар ҳозирги даврда иқтисодий фанларда кенг тарқалган. Шу билан биргаликда, сервис иқтисодиёти шароитида самарадорликни баҳолаш муаммоси ечимига боғланган

илмий тадқиқотлар долзарблашиб бормоқда ва бу йўналишдаги илмий тадқиқотларга талаб анча юқоридир.

Ривожланган бозор иқтисодиётли мамлакатларида сервис иқтисодиётининг шаклланиши билан фаолият самарадорлигини баҳолаш масалалари тадқиқотига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биз ҳам ўз тадқиқотимизда ушбу масалага ўз эътиборимизни қаратмоқчимиз. Бунинг учун биринчи навбатда самарадорлик тушунчасига ва унинг таърифига эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Самарадорлик тушунчаси мураккаб тушунча эканлигини эътироф этиб, илмий адабиётларда (efficiency – инглизча) бир нечта таржимавий талқинга эга бир мунча кенг тарқалган «efficiency» иборасини самарадорлик, ҳаракатчанлик, маҳсулдорлик, ҳаракатчанлик қобилияти, оперативлик каби тушунчалар билан изоҳлаш мумкин. Ҳозирги вақтда самарадорликни кўплаб таърифлари нафақат иқтисодиёт фанларида, балки бошқа фанларда ҳам келтирилган.

Самарадорлаштириш – меҳнат фаолиятининг у ёки бу соҳасида юқори оқибат натижаларга эришиш ва ушбу натижаларнинг бирлигига сарфларни қискартириш мақсадларида энг яхши ечимларни излашдир.

Меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулдорлиги иқтисодий маконнинг бир-бирини тўлдириб турувчи параметрларидир. Чунки улар айна бир уша объектнинг – ишлаб чиқарилган маҳсулотини турли томондан, яъни жонли меҳнатни тежаш, ишлаб чиқариш чиқимларини қискартириш ва жамият эҳтиёжини мумкин қадар қондириш томонидан кўриб чиқади. Иқтисодий маконнинг аниқланган параметрлари табиийдир, чунки улар иқтисодий ҳодисалар моҳияти ва табиатини акс эттиради.

Илмий адабиётларда ресурс-сарф нўқтаи назаридан самарадорлик ва унумдорликни ташкил қилишда бир хил кўрсаткичлар сифатида тадқиқ этилади. Аммо иқтисодий тушунчалар сифатида улар турличадир. Шунинг учун ресурс ёндашуви бўйича самарадорликни баҳолашда унумдорлик кўрсаткичлари тизимига тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Мақсадга мувофиқ ёндашув доирасида самарадорликни қуйидаги кўринишларини ажратиш мумкин:

-ташқи самарадорлик, (ташкилот ташқи имкониятларидан фойдаланиш нуктаи назаридан самарадорлик) уни ҳисоблаш олдиндан режалаштирилган натижаларни бирор бир жараёни бажарилиши орқали олинган натижаларга нисбати сифатида аниқланади;

-ички самарадорлик, (ташкилотларни ички имкониятларидан фойдаланиш нўқтаи назаридан самарадорлик) уни ҳисоблаш минимал зарур ресурсларни фойдаланишга мўлжалланган режаларга нисбати сифатида амалга оширилади;

-умумий самарадорлик, (ташқи ва ички самарадорлик асосида аниқланади).

Умумий самарадорлик тушунчаси дастлаб П.Друкер томонидан тақлиф қилинган.

Шуни таъкидлаш лозимки, америкалик иқтисодчилар томонидан тақлиф қилинган самарадорлик талқини кенг мақсадларда фойдаланиш мумкин, яъни нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, маданий ва табиатни муҳофаза қилиш ва

бошқаларда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, сервис иқтисодиётида мазкур ёндашув асосий аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Панышин, Б. Цифровая экономика: особенности и тенденции развития //Наука и инновации.— 2016.— Т. 3. — №. 157.

2. Ходиев, Б. Ю. Узбекистан: построение «цифровой экономики» //Российский внешнеэкономический вестник. — 2017. — №. 12. — с. 5–12.

К ПРОБЛЕМЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ СОВРЕМЕННОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Тухтасинова Мухайё Мирзасултановна

Старший преподаватель Ферганский политехнический институт

E-mail: g7777@mail.ru

В современных условиях информатизация бизнес-процессов играет все более важную роль в обеспечении функционирования сложных производственно-экономических систем. Информация и ее эффективное применение становятся стратегическим ресурсом для тех организаций, которые переходят на интеллектуальное управление. Информатизация затронула все крупные и множество средних предприятий промышленности Узбекистана и применяется ими для моделирования бизнес-процессов. Современная парадигма организации производства и управления опирается на возможности оперативного обмена информацией в режиме реального времени между средствами и предметами труда, осуществления быстрой переналадки оборудования, сокращения численности и изменения компетенций производственного и обслуживающего персонала, перехода к производству новых изделий посредством замены управляющих программ в гибких производственных системах и робототехнических комплексах. Для реализации этого необходимо эффективно использовать и повышать человеческий, научный потенциал в целях развития инновационного, наукоёмкого, высокотехнологичного производства, выпускающей конкурентоспособную продукцию как для национального, так и для мировых рынков. В области цифрового производства развиваются такие направления современных технологий, как «промышленный интернет вещей», «аддитивные технологии производства», «облачные технологии хранения и переработки информации», «аналитика больших данных», «искусственный интеллект», «умное роботизированное производство», включающее станки с ЧПУ, обрабатывающие центры, гибкие производственные модули. Обоснование принятия организационных решений при этом возможно путём использования имитационного и экономико-математического моделирования.

Очевидно, что в последние годы разворачивается очередная волна трансформации моделей деятельности в бизнесе и социальной сфере,

вызванная появлением цифровых технологий нового поколения, которые в силу масштабов и глубины влияния получили наименование «сквозных», - искусственного интеллекта, робототехники, Интернета вещей, технологий беспроводной связи и ряда других. Их внедрение способно достаточно изменить производительность труда хозяйствующих субъектов ориентировочно на 40%. В ближайшем будущем именно эффективное использование новых цифровых технологий будет определять международную конкурентоспособность как отдельных компаний, так и целых государств, формирующих инфраструктуру и правовую среду для цифровизации [1].

По нашему мнению, цифровизация промышленного производства подразумевает интеграцию ряда прорывных технологий: виртуального моделирования, Интернета вещей, робототехники, искусственного интеллекта, больших данных, технологий облачных и граничных вычислений, предиктивной аналитики, новых стандартов связи и др. Цифровизация осуществляется как в рамках систем управления производственными процессами MES - Manufacturing Execution System и жизненным циклом продукции -PLM, так и дальнейшего обслуживания. Значимую роль в переходе к цифровому производству играет распространение технологий Интернета вещей и использование полученных с IoT5-устройств данных для принятия (улучшения) автоматизированных решений и оптимизации промышленного производства.

Дигитализация в промышленности – это довольно новый тренд развития, и терминология еще не устоялась. В некоторых случаях термины Digital Enterprise и Smart Factory используются как синонимы. В компании «Сименс» термином Digital Enterprise обозначается портфель инструментов для реализации Smart Factory, условного предприятия будущего, где преимущества массового производства сочетаются с возможностями индивидуального изготовления для конкретных клиентов [2]. Речь идет об автоматической оптимизации производства с минимальными затратами. С нашей точки зрения «Цифровое производство» – это новое качество предприятия, подразумевающее интеграцию цифровых технологий по всей цепочке создания продукта, включая разработку продукта, создание технологии производства, подготовку производства, само производство и его сервис. Для каждой фазы производства специфичны свои устройства, свои задачи, взаимодействие с внутренними и внешними поставщиками. Мы исходим из того, что все перспективные предприятия будут модели-ориентированными -Model-Based Enterprise.

Экономический эффект от внедрения технологий индустриального Интернета вещей к 2025 г. может в мире составить порядка 1,2–3,7 трлн долл. США. Предиктивное обслуживание и ремонт оборудования помогают избежать аварий и утечек, негативно сказывающихся на окружающей среде. К примеру, Shell запустила платформу, обеспечивающую предиктивное обслуживание и настройку тысяч единиц техники и способную предсказать утечки до их возникновения. Снижение стоимости технологических решений за последнее десятилетие стало значимым стимулом для широкого проникновения цифровых

технологий. Стоимость сенсоров, являющихся одним из наиболее значимых компонентов систем Интернета вещей, демонстрировала стабильное уменьшение с 0,95 долл. в 2008 г. до 0,52 долл. в 2019 г. Стоимость промышленных роботов также сократилась вдвое за указанный период, и ожидается ее дальнейшее снижение. Для ряда «сквозных» цифровых технологий значимым драйвером развития становится снижение стоимости хранения информации: в среднем с 0,12 долл. за 1 Гб в 2009 г. до 0,015 долл. в 2019 [3]. Несмотря на успехи многих предприятий в автоматизации производственных процессов, внедрении распределенных систем управления и контроля, большинство компаний пока недостаточно реализуют потенциал аналитики больших данных и алгоритмов принятия решений на базе искусственного интеллекта. В то же время технологии ИТ обладают наибольшим трансформационным потенциалом в промышленности, что особенно актуально для компаний со значительными материальными активами. Развитие соответствующей инфраструктуры требует создания на предприятиях инновационных центров, привлечения высококвалифицированных специалистов, значительного увеличения инвестиций в кибербезопасность.

В Узбекистане концепция «умного» производства уже сейчас внедряется на предприятиях автомобилестроительной и энергетической отраслей. К 2030 г. планируется запустить несколько «умных» «фабрик будущего» в легкой промышленности. На крупнейших предприятиях начинают активно применяться стандартизированные решения, связанные с предиктивным обслуживанием и ремонтом, автоматизированные системы контроля качества, системы удаленного мониторинга и управления компаний «Региональные электрические сети», АО «Uztransgaz» в режиме реального времени. Однако наибольший потенциал для создания добавленной стоимости имеют технологические решения, способствующие изменению бизнес-модели предприятий от продукт ориентированных к сервисным. К примеру, система управления производством, интегрированная с данными о пользовательском опыте, позволяет отслеживать информацию на протяжении всего жизненного цикла продукта. В результате производители предоставляют клиентам комплексные персонализированные услуги, и появляется возможность ценообразования на основании достигнутого результата.

Список использованной литературы:

1. Boudet, J., Gregg, B., Wong, J., & Schuler, G. (2017). What shoppers really want from personalized marketing. McKinsey & Company. November, 28.
2. Patel, P., Ali, M. I., & Sheth, A. (2018). From raw data to smart manufacturing: AI and semantic web of things for industry 4.0. IEEE Intelligent Systems, 33(4), 79-86.
3. Vrana, J. & Singh, R. (2020). NDE 4.0: ключевые проблемы, варианты использования и адаптация. Препринт arXiv arXiv: 2003.07773 .

ЕНГИЛ ВА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА ЭКСПОРТНИ ОШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ


Умаркулов Кодиржон Махамадаминович
Наманган давлат университети доценти, и.ф.н
E-mail: kodirjon_umarkulov@mail.ru

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва юқори суръатда ўсиш тенденциясини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашнинг энг муҳим омилларидан бири – иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини изчил ошириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини кучайтиришдир. Ушбу масалага 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам алоҳида эътибор қаратилган [1]. Шунингдек, саноатни модернизациялаш ва диверсификациялаш, асосан маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш йўли билан юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва сифат нуқтаи назаридан янги босқичга ўтказиш бош мақсад қилиб қўйилган. Хусусан, енгил ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш юзасидан ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимиз томонидан 2017 йил 24 декабрда имзоланган “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон [2] дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Унга мувофиқ, юртимизда кенг турдаги сифатли тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари тайёрлашни ташкиллаштириш, тармоққа тааллуқли ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, маҳаллий корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш ишлари изчил амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ишлаб чиқарадиган саноат таркибида 2018 йилда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 13,1 % ни ташкил этган бўлса, унинг физик ҳажм индекси 107,4 % га тенг бўлди ва 2019 йилда эса тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати 2018 йилга нисбатан, 5,7 %га ўсди ва 31 715,5 млрд. сўмни ташкил этди. Жами ишлаб чиқарадиган саноат таркибида эса 2019 йилда соҳа ишлаб чиқариши улуши 12,0 % (физик ҳажм индекси 105,7 %) ни ташкил этди.

Ҳозирда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибига замонавий таъминотга эга 450 та корхона киради. Улар томонидан хориж бозорларига ип-калавадан тортиб, кенг ассортиментдаги тайёр маҳсулотларгача етказиб берилмоқда. Ушбу корхоналарда товарлар дизайнига ва сифати юқори бўлишига алоҳида эътибор қаратилаётгани товарлар рақобатбардошлигини ошириш имкониятини бермоқда. Аммо, уюшмага қарашли корхоналар ўз маҳсулотларини Хитой, Туркия, Жанубий Корея, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Россияга ва МДҲга аъзо бошқа мамлакатларга экспорт қилаётган бўлсаларда, бу географик кўлам унчалик мақсадга мувофиқ эмас.

Яъни тўқимачилик маҳсулотлари экспорти кўп жihatдан Россия ва Хитой бозорларига боғлиқ бўлиб қолмоқда. (1-диаграмма).



1-диаграмма. Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти географияси

Манба: “Ўзбекенгилсаноат” уюшмаси материаллари

Кам сонли давлатлар бозорларига боғлиқлик кўп ҳолларда ўз самарасини бермаслиги барчага аён. Яъни ушбу мамлакатларда юз бериши мумкин бўлган сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар улар билан амалга ошириладиган савдо алоқаларига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Шунинг учун ҳам ташқи савдо барқарорлигини таъминлаш учун экспорт географиясини янада кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Қайд этиш зарурки, ишлаб чиқариш жараёнлари техник-технологик жihatдан такомиллашиб боргани сари жаҳон иқтисодиётида хомашё ва материаллар, айниқса, тайёр маҳсулотлар бўйича рақобат кучаймоқда. Кўплаб ривожланган ва етакчи мамлакатлар тажрибасидан аён бўлишича, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи галда, иқтисодиётни тубдан ислоҳ этиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашни чуқурлаштиришни, юқори технологияларга асосланган янги корхоналар ва ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланишини таъминлашни, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизациялаш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштиришни талаб этмоқда. Айниқса, технологик жihatдан юқори илм талаб этувчи тармоқлардан ҳисобланувчи енгил ва тўқимачилик саноатида бозор тамойиллари асосида ишни ташкил этиш, бозорларни ўзлаштиришнинг мутлақо янги услубларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Мамлакатимиз тўқимачилик саноати 1 миллион 400 минг тоннагача пахта толасини қайта ишлаш имкониятига эга. Бу республикадаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эҳтиёжини тўлиқ қоплай олади. Лекин пахта толасини қайта ишлаш саноатини бошқаришда кўпгина муаммолар мавжуд. Бу эса пахта хом ашёсини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда рентабелликнинг пасайишига олиб келмоқда” [3].

Енгил саноат тизимида тўқимачилик саноати катта ва асосий ўринга эга бўлиб, унинг ривожланиши трикотаж-тикувчилик тармоғи фаолиятига бевосита дахлдор. Айни пайтда “Ўзтўқимачиликсаноат” корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар умумий ҳажмида тайёр трикотаж-тикувчилик товарлари улуши 24 фоизни ташкил қилади. Юқори сифатли тикувчилик ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришда бошқа сабаблар сингари инсон омили ҳам асосий ўрин эгаллайди. Шунингдек, маҳсулот сифати ва бозорда унга талабнинг ортиши, аввало, ишлаб чиқариш жараёнларининг мақсадга мувофиқ ҳолда ташкил этилишига, маркетинг тадқиқотларига, қолаверса, дизайнерлар ва модельерларнинг ҳам самарали фаолият юритишларига боғлиқ.

Аммо, қайд этиш зарурки, тармоқ корхоналарида, хусусан, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерларида (уюшма таркибида 75 та пахта-тўқимачилик кластерлари мавжуд) куйидаги муаммолар кўзга ташланади:

- ✓ тўқимачилик соҳасида катта аҳамиятга эга бўлиб бораётган кластерлар фаолиятини тартибга солиш бўйича ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш (ҳозирда бундай ҳужжат мавжуд эмас);

- ✓ кластерларнинг айланма маблағлари етишмаслиги сабабли улар томонидан қўшимча минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни импорт қилишда қийинчиликлар юзага келмоқда;

- ✓ банклар томонидан кластерларга кредит маблағлари ажратилиши учун бўлғуси ҳосилни гаровга қўйиш амалиёти йўлга қўйилмаган;

- ✓ кластерлар томонидан ишлаб чиқарилаётган техник чигитни Ўзбекистон республика товар-хонашў биржа савдолари орқали сотишда чекловлар мавжуд.

Дарҳақиқат, бу каби муаммолар тармоқ корхоналарининг ички имкониятларини пасайтиради. Шу муносабат билан енгил ва тўқимачилик саноатининг барқарор ривожланишини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш учун корхоналарнинг хўжалик фаолиятини диверсификация қилиб, уларни глобал бозор муҳити динамикасига мослаштириш зарурдир. Бу эса уларга талаб ва таклиф кескин ўзгариб турадиган ихтисослаштирилган бозорларда ўрнашиш, фаолият кўламини кенгайтириш ва савдо миқдорини ошириш имконини беради. Ишлаб чиқаришнинг диверсификациялашга етакчи тармоқ ихтисослашуви нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, асосий тармоққа алоқадор бўлган тармоқлар фаолияти мувофиқлигини таъминлаган ҳолда яхлит тизимни диверсификациялаш зарур бўлади.

Бизнинг фикримизча, саноат корхоналари фаолиятини диверсификация қилиш янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатилишини ҳисобга олиши, яъни горизонтал, марказлашган ва конгломерат диверсификациялашни ўз ичига олиши лозим.

Горизонтал диверсификациялаш янги технология қўлланилган ҳолдаги диверсификациялашувни англатади. Бунда янги маҳсулот истеъмолчилар учун қаратилади ёки ишлаб чиқарилаётгани билан бирга тайёрланади;

Марказлашган диверсификация мавжуд технология асосида амалга оширилади. Бунда амалдаги технологиялар ёрдамида такомиллаштирилган янги маҳсулот ишлаб чиқарилади;

Конгломерат диверсификациялаш айти вақтда ишлаб чиқариладиган маҳсулот билан технологик жиҳатдан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқаришни кенгайтиришни назарда тутди.

Тармоқда диверсификациялашга эришиш экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш, хориж бозорларида Ўзбекистон маҳсулотлари кўлами ва нуфузини оширишнинг асосий йўналишларидан биридир. Бунинг учун қуйидаги йўналишларда ҳам муваффақиятга эришиш мақсадга мувофиқдир:

- энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ҳудудий тақсимланишидаги мутаносибликни таъминлаш;

- энгил саноат маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш бўйича ўтказилаётган халқаро ярмаркалар сифатини яхшилаш;

- хориж бозорларини ўрганиш натижаларига кўра, ушбу бозордаги рақобат даражасини баҳолашга таянган ҳолда, товар ассортименти бўйича халқаро маркетинг стратегияларини шакллантириш ва ривожланишини таъминлаш;

- экспортчиларга жаҳон стандартлари талабларига тўлиқ жавоб берадиган халқаро сертификат ва лицензиялар олишларига кўмаклашиш.

- энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кенг имкониятларга эга бўлган кластер тизимини янада такомиллаштириш.

Энгил ва тўқимачилик саноатининг стратегик вазифаси нафақат ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, балки экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, инвестицион дастурларни амалга ошириш, янги қувватларни ишга туширишда ҳудудларнинг талабини ҳисобга олишдир. Шунингдек, ушбу соҳани бошқариш ва тараққий эттириш бўйича изчил ислохотлар тармоқ корхоналарига нафақат ички бозорда, балки жаҳон бозорларида ҳам мустаҳкам ўрнашиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 07.02.2017 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285-сонли фармони. Тошкент ш., 2017 йил 14 декабрь

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасидан. <http://uza.uz>

ZAMONAVIY SHAROITLARDA INVESTISIYA JARAYONLARINI RIVOJLANTIRISH SALOHIYATI VA UNI BAHOLASH

To'ychieva Odinaxon Nabievna

Farg'ona politexnika instituti

Ishlab chiqarishni mexanizatsiyalashtirish va avtomatlashtirish kompleks xarakterga ega bo'lib, unga ishchi mashinalar, texnologik imkoniyatlarni avtomatlashtirish, raqamli boshqaruv dastgohlari, EHM liniyalari, dasturli robotlar va avtomatlashtirish qurilmalari - mikroprotssessorlarni keng qo'llash kabilar kiradi. Innovasiya jarayonlarini rivojlantirish jarayonida bozordagi raqobatni yengib chiqib, ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga yangi texnika va texnologiyalarni joriy etish orqali erishish mumkin. Ishlab chiqarishga yangi texnologiyani joriy etish marketing siyosatining muhim yo'nalishlaridan biri bo'lib, u o'z ichiga quyidagilarni oladi: ishlab chiqarishni mexanizatsiyalash va avtomatlashtirish, uskuna va resurslarni tejashning ilmiy tadqiqoti.

Hozirgi sharoitda epchil avtomatlashtirilgan tizimlardan yangi mahsulotlarni ishlab chiqarishda keng qo'llanilmoqda. Bu tizimdan faqatgina texnologik uskunani sozlashda emas, balki avtomatlashtirilgan ishlab chiqarishni tashkiliy-iqtisodiy va tashkiliy-texnologik vazifalarni ixchamlashtirilgan holda bajarishga imkoniyatlar yaratadi. Bu imkoniyatlar ishlab chiqarishni texnik tayyorlash va uzluksiz tashkil qilishdan iborat. Ushbu jarayonlar yangi elektron avtomatlashtirilgan vositalar, mahsulotlarni loyihalashtirishning avtomatlashtirilgan tizimlari, dasturiy boshqarishga ega texnologik uskuna va mikroprotssessorlar, sanoat robotlarini ko'plab jamlanganligi oqibatida AQSH va Yaponiya firmalarida eng samarali rivojlandi.

Sarmoyasiz taraqqiyot yo'q, ishlab chiqarishni va umuman, mamlakatimizni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik yangilashni investisiyalarsiz tasavvur etib bo'lmaydi. Investisiyaning iqtisodiy mohiyati – asosiy va aylanma kapitalni korxonani tashkil etish, rekonstruktsiya qilish yoki qayta texnik qurollantirishga sarflash; moliyaviy investisiya bo'yicha – investorning moliyaviy kapitalini oshirish maqsadida uning moliyaviy instrumentlaridan foydalanib, mablag'larni aktsiya, obligatsiya, bank depozitlari va boshqa qimmatli qog'ozlarga qo'yishdan iborat[1].

Konchilik korxonalarida ham ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirish, raqobatbardosh mahsulot hajmini oshirish uchun yo'naltirilgan innovasiya jarayonlarida investisiyalardan samarali foydalanishni yo'lga qo'yish maqsadga muvofiq. Ishlab chiqarish sohasining barcha tarmoq korxonalariga xomashyo yetkazib beruvchi konchilik korxonalarida ishlab chiqarish jarayoniga sarflanadigan xarajatlarning salmog'i ko'pdir. SHuning uchun bu sarflarni kamaytirishda resurstejamkorlikka asoslangan innovasiya faoliyatini rivojlantirish zarur. Bu zaruratni amalga oshirishda, albatta, moliyalashtirish masalalarining samarali yechimlarini topish muhimdir.

Investisiyalar kapitalning qiymatini saqlagan holda o'z qiymatining jamg'armalarini ko'paytirish natijasida salmoqli kapitalga aylanish payida bo'ladi. SHundan kelib chiqqan holda, investisiyalar tegishli vaqt oralig'ida muayyan

muddatda aniq ob'ektlardagi jarayonlarga safarbar etiladi. Bunda ular aniq va aniq bo'lmagan xatarlarga duch keladi. SHuning uchun investisiyalarni jalb qiluvchi shaxslar doimo ushbu xatarlarni bartaraf etuvchi choralar ishlab chiqishi va ulardan zarur vaqtlarda foydalanishi kerak.

Jumladan, investisiyalar ko'p hollarda safarbar etiluvchi pul mablag'lari bo'lib, ularning egalari ulardan kelajakda yanada yuqoriroq daromad olishi uchun foydalanadilar.

Investorlarning ushbu maqsadidan kelib chiqqan holda, konchilik korxonalarida investor investisiyalarini jalb etish hajmini oshirishga yo'naltirilgan samarali iqtisodiy choralarni amalga oshirish kerak. Ushbu muammo yuzasidan olib borilgan tadqiqot asosida investisiyalar istiqbollarni iqtisodiy baholash bo'yicha quyidagi takomillashgan usullardan foydalanish maqsadga muvofiq bo'lib, ushbu iqtisodiy baholashda muallif tomonidan quyidagi koeffisientlardan foydalanishni taklif etadi:

1. Korxonaning jalb etilishi kutilayotgan investisiya miqdorini qoplash potentsiali (potensial to'lov koeffisienti):

$$K_{p.t.} = I_h / I_{n_j} ,$$

bunda:

$K_{p.t.}$ – potensial to'lov koeffisienti; I_h – investisiya hajmi; I_{n_j} – korxonaning innovasiya bo'yicha umumiy jamg'armasi.

Bu koeffisientning chegaraviy qiymati 1 ga teng yoki undan kichik bo'lsa maqsadga muvofiqdir.

2. Innovasiya faoliyatidagi texnik jihozlashning ehtiyojini baholash koeffisienti (K_{tj}):

$$K_{tj} = Q_{ya} / Q_e ,$$

bunda:

Q_{ya} – yangi texnika vositalar qiymati; Q_e – eski texnika vositalar qiymati.

Bu koeffisientning chegaraviy qiymati 1 dan katta bo'lsa, demak korxonada texnika vositalarni yangilash zarurligini ko'rsatadi.

3. Konchilik korxonasidagi xom-ashyoning talab potensialini aniqlovchi koeffisient (K_{tp}):

$$K_{tp} = (H_b + H_t) / I_i ,$$

bunda:

H_b – buyurtma hajmi; H_t – bozordagi talab hajmi; I_i – investisiya orqali ishlab chiqariladigan mahsulot hajmi.

Bu koeffisientning chegaraviy qiymati 1 dan yuqori bo'lsa maqsadga muvofiqdir.

4. Innovasiya faoliyatining sarf miqdorini kamaytirish potensialini aniqlovchi koeffisient (K_k):

$$K_k = X_{inn} / X_{ish} ,$$

bunda:

X_{inn} – innovasiya faoliyatidagi ishlab chiqarish xarajatlari; X_{ish} – mavjud ishlab chiqarish xarajatlari

Bu koeffisientning chegaraviy qiymati 0,8dan kichik bo'lsa maqsadga muvofiqdir.

5. SHartnomaviy foyda me'yorini aniqlovchi koeffisient (K_{sh}):

$$K_{sh} = F_{sh} / F_h ,$$

bunda:

F_{sh} – shartnoma asosidagi foyda; F_h – tayyorlanadigan mahsulotdagi hisoblangan foyda.

Bu koeffisientning chegaraviy qiymati 1 dan yuqori bo'lsa maqsadga muvofiqdir.

Ushbu ko'rsatkichlar orqali innovasiya faoliyatini investisiyalashda investorlarni qiziqtiruvchi manbani shakllantirish va bu orqali korxonada ham istiqbolli rejalarini amalga oshirishga imkoniyat yaratiladi.

Kuchli raqobat sharoitida korxonaning moliyaviy barqarorligi uning hayoti va rivojlanishining asosi, shuningdek moliyaviy holatning muhim xususiyatlaridan biridir va korxonaning kreditorlar va investorlarga bog'liqlik darajasi bilan bog'liq. Moliyaviy barqaror korxonalar investitsiyalarni jalb qilish, kredit olish, etkazib beruvchini tanlash, soliqlarni, ish haqini o'z vaqtida to'lashda afzalliklarga ega. Moliyaviy barqarorlik uzoq muddatli istiqbolda aktivlar va passivlar, daromadlar va xarajatlar balansiga asoslangan barqaror to'lov qobiliyatini ta'minlaydi. pul oqimi. Barqaror moliyaviy holat ishlab chiqarish rejalarini amalga oshirishga va ishlab chiqarish ehtiyojlarini zarur resurslar bilan ta'minlashga ta'sir qiladi. Moliyaviy barqarorlikning etarli emasligi xo'jalik yurituvchi subyektning to'lovga qodir emasligiga, korxonani rivojlantirish uchun mablag'larning etishmasligiga, shuningdek katta moliyaviy yo'qotishlarga olib kelishi mumkin. Bu bozor barqarorligi sharoitida korxonaning bankrotligi xavfini va uning barqarorligini belgilaydigan moliyaviy barqarorlikdir.

Ushbu mualliflarning ilmiy izlanishlari tahlili "moliyaviy barqarorlik" tushunchasining ta'rifi va uni baholashga nisbatan cheklangan doiradagi (bankrotlik belgilari, investitsion jozibadorlikni, kreditga layoqatlilikni aniqlashga qaratilgan va korxonaning mulkiy holatining o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda) baholashga uslubiy yondashish tanlashda noaniqliklarni yuzaga keltirdi. likvidlik, moliyaviy mustaqillik, biznes faoliyati, rentabellik).

Moliyaviy barqarorlik kontseptsiyasi murakkab va ko'p qirrali bo'lib, u korxonalar faoliyat yuritadigan iqtisodiy muhit, shuningdek uning faoliyati natijalari, ichki va tashqi omillarning o'zgarishlariga munosib javob berish qobiliyati bilan belgilanadi. Moliyaviy barqarorlikni baholash korxonaning moliyaviy resurslari qay darajada samarali boshqarilishini aniqlashga imkon beradi.

Ko'pincha moliyaviy barqarorlikni aniqlashda moliyaviy ko'rsatkichlar tahlili qo'llaniladi. Shu bilan birga, moliyaviy barqarorlikning mutlaq va nisbiy ko'rsatkichlari ajralib turadi.

Moliyaviy barqarorlikning mutlaq ko'rsatkichlari, bir qator olimlar resurslarni etkazib berish ko'rsatkichlari va ularni shakllantirish manbalari xarajatlarini o'z ichiga oladi. Va zaxiralar va xarajatlarni shakllantirish uchun mablag 'manbalarining muvozanatiga yoki etishmasligiga qarab korxonaning moliyaviy holatini uning barqarorlik darajasiga qarab tasniflaydi. Moliyaviy barqarorlikning quyidagi to'rt turi aniqlanadi:

1) mutlaq barqarorlik - o'z aylanma mablag'lari korxonaga zaxirasini to'liq ta'minlaganida;

2) normal barqarorlik - agar zaxiralar o'z aylanma mablag'lari va uzoq muddatli majburiyatlar bilan ta'minlangan bo'lsa;

3) beqaror (inqirozgacha) moliyaviy holat - zaxiralar ularni shakllantirishning barcha asosiy manbalari hisobidan ta'minlanadi;

4) inqiroz moliyaviy ahvoli - zaxiralar ularni shakllantirishning barcha asosiy manbalari bilan ta'minlanmagan va korxonaga bankrot bo'lish arafasida bo'lganida [1].

Korxonaning moliyaviy barqarorligini tahlil qilishda, boshqa mualliflar inflyatsiya sharoitida mutloq ko'rsatkichlarni taqqoslash juda qiyin ekanligini hisobga olib, nisbiy ko'rsatkichlarga katta e'tibor berishadi.

Shunday qilib, boshqa bir guruh olimlar korxonaning moliyaviy barqarorligini tahlil qilganda uning mulkiy potentsiali, likvidligi, to'lov qobiliyati, moliyaviy mustaqilligi, ishbilarmonlik faoliyati, foyda va rentabellik hamda qimmatli qog'ozlar bozoridagi holatini tavsiflovchi ko'rsatkichlar tizimidan foydalanishni tavsiya qiladi[2].

Nisbiy ko'rsatkichlardan foydalangan holda korxonaning moliyaviy barqarorligini tahlil qilish zarur ko'rsatkichlarni hisoblash, ularni umumiy qabul qilingan me'yorlar bilan taqqoslashdan iborat bo'lib, korxonaning moliyaviy holatini yaxshilash yoki yomonlashtirish tendentsiyalarini o'rganish (ya'ni dinamikada) va boshqa korxonalarning o'xshash ma'lumotlari bilan bu korxonaning kuchli va zaif tomonlarini va uning imkoniyatlarini aniqlashga imkon beradi [3].

Nisbiy ko'rsatkichlardan foydalangan holda moliyaviy barqarorlikni tahlil qilishning turli usullarini o'rganib chiqqandan so'ng, deyarli barchasining kamchiliklari borligi, birinchi navbatda, ko'plab koeffitsientlarning chegara qiymatlarining noaniqligi haqida bahslashish mumkin. Qarz va o'z mablag'lari nisbati deyarli bir xil emas. Ular turli sanoat va korxonalar uchun bir xil bo'lmasligi mumkin. Korxonaga aktivlarini shakllantirishda o'z mablag'lari va qarz mablag'larining ulushi va moliyaviy ta'sir darajasi korxonaning tarmoq xususiyatlariga bog'liq. Kapital asta-sekin aylanib turadigan va uzoq muddatli aktivlarning ulushi yuqori bo'lgan sohalarda moliyaviy ta'sir koeffitsienti yuqori bo'lishi mumkin emas. Kapital aylanmasi yuqori bo'lgan va asosiy kapitalning ulushi past bo'lgan boshqa sohalarda bu sezilarli darajada oshishi mumkin. Ikkinchidan, korxonaga barqarorligini baholashda ishlatiladigan usullar xo'jalik yurituvchi sub'ektning barcha jihatlarini qamrab

olmaydi. Ko'rsatkichlarning keng doirasi mavjudligi ba'zi bir-birlaridan deyarli farq qilmaydi va bir-birini takrorlamaydi.

Nisbatan ko'rsatkichlardan foydalanishning yuqoridagi xususiyatlari moliyaviy barqarorlikni baholashga kompleks yondashuvni, xususan integral ko'rsatkichlarni aniqlashga uslubiy yondoshishni izlashni taqozo etadi.

Integratsiyalashgan moliyaviy barqarorlik ko'rsatkichlarini aniqlash uchun ham ballar, ham to'lov qobiliyatlarini baholash usullari va bankrotlik tahdidining prognoz ko'rsatkichlari qo'llaniladi.

Tashqi va ichki iqtisodiy amaliyotda bankrotlik ehtimolini tashxislash uchun turli usullar va matematik modellar qo'llaniladi. Ushbu modellardan foydalanish diskriminatsion tahlilga asoslangan. Bankrotlik ehtimolini bashorat qilishning kamsituvchi modellari orasida eng taniqli va keng tarqalgan, xususan [4]:

E. Altman modeli (1968);

E. Altmanning o'zgartirilgan modeli (1983);

R. Foksning modeli (1972);

J. Tuffler va G. Tishou modeli (1977);

G. G. Springate modeli (1978).

Korxonaning moliyaviy barqarorligini baholashning yuqoridagi barcha usullari ularning afzalliklari va kamchiliklariga ega. Shu sababli, bugungi kunda korxonaning mavjud moliyaviy holati to'g'risida aniq tasavvurga ega bo'ladigan, eng kam ommabop ma'lumotlarni talab qiladigan, korxonada faoliyatini har tomonlama yoritadigan va uning moliyaviy barqarorligini yanada oshirish bo'yicha tavsiyalarni ishlab chiqishga asos bo'ladigan bunday baholash uslubini ishlab chiqishda muhim savol tug'iladi.

Shuning uchun korxonaning moliyaviy barqarorligini aniqroq tahlil qilish uchun siz integratsiyalashgan yondashuvdan foydalanishingiz kerak. Bundan tashqari, moliyaviy barqarorlikni baholash bir vaqtning o'zida nafaqat yuqorida keltirilgan barcha usullar bilan, balki rentabellik ko'rsatkichlari va korxonaning pul oqimlari bo'yicha ham tahlil qilinishi kerak.

Korxonaning rentabelligini tahlil qilish moliyaviy barqarorlikni aniqlashda katta ahamiyatga ega. Shuni ta'kidlash kerakki, korxonaning beqarorligi har doim ham o'z faoliyati samaradorligining etishmasligi natijasi emas. Samarali ishlaydigan korxonada ham xavfli holatda bo'lishi mumkin. Inqiroz boshqaruvning etarlicha yuqori darajada emasligi, har qanday noqulay omillar ta'sirining namoyon bo'lishi natijasida bo'lishi mumkin.

Shuningdek, kirish va chiqishdagi pul oqimlari bo'yicha moliyaviy barqarorlikni baholash kerak. Korxonaning pul oqimlarini doimiy ravishda kuzatib borish va mahsulot oqimining kirish oqimlaridan oshib ketishi moliyaviy barqarorlikka va aksincha qanday ta'sir qilishini aniqlash kerak.

Shunday qilib, korxonaning moliyaviy barqarorligini ob'ektiv baholash uchun, quyidagi bosqichlarda tahlil jarayonini shakllantirish kerak:

1. Analitik koeffitsientlar va ularning oldingi davrlardagi dinamikasi tahlili.

2. Korxonona faoliyatini har tomonlama baholaydigan va moliyaviy barqarorlikni yanada oshirish bo'yicha tavsiyalarni aniqlaydigan muxtoriyat koeffitsientining omillarni tahlil qilish.

3. Pul oqimi dinamikasi va tuzilishini tahlil qilish.

4. Korxonaning moliyaviy natijalarini shakllantirish tahlili.

Har qanday korxonaning moliyaviy barqarorligi ko'p jihatdan malakali joriy, operatsion va strategik boshqaruvga bog'liq. Operatsion boshqaruvdagi boshqaruv qarorlari har kuni ichki hisobot shakllaridan foydalangan holda amalga oshirilishi kerak va korxonona rahbariyatiga moddiy, moliyaviy oqimlar, o'z mablag'lari va qarz mablag'lari harakati, xaridor va etkazib beruvchilar bilan hisob-kitoblar, aylanma mablag'larning aylanishi to'g'risida eng so'nggi ma'lumotlarni taqdim etishga yo'naltirilgan bo'lishi kerak. Operatsion boshqaruv ko'rsatkichlarning haqiqiy qiymatlarining normativdan og'ishlarini boshqarishni o'z ichiga oladi, joriy boshqaruv qabul qilingan tendentsiyalarga rioya qilishdir, moliyaviy barqarorlikni strategik boshqarish doimiy o'zgaruvchan sharoitlarda uzoq muddatli maqsadlarga erishish uchun harakatlarni tanlashni o'z ichiga olgan faoliyatdir, ya'ni bu yuqori rahbariyat faoliyat sohasidir. uzoq muddatli istiqbolda korxonaning moliyaviy holatini barqarorligini ta'minlash uchun xizmat ko'rsatadigan xodimlar "Korxonasi moliyalashtirish manbalari umumiy miqdorida kapital yuqori ulushi tufayli".

Shunday qilib, bugungi kunda korxonalarning moliyaviy barqarorligi va uni tavsiflovchi ko'rsatkichlarni hisoblash algoritmi to'g'risida aniq ma'lumot yo'q. Korxonalarning moliyaviy barqarorligini baholashda foydalaniladigan ko'rsatkichlarning ko'pi korxonaning moliyaviy holatini diagnostika qilish, uning yomonlashuvining asl sabablarini aniqlash va tegishli boshqaruv qarorlarini qabul qilishning tizimli va tartibli jarayonidan mahrum qiladi.

Zamonaviy korxonaning moliyaviy holatini barqarorligini tezkor, xolisona va to'liqroq aniqlash, moliyaviy-iqtisodiy faoliyatning xavfliligini pasaytirish, uning samaradorligini oshirish va moliyaviy rivojlanishni ta'minlash bo'yicha sifat jihatidan yangi qarorlar qabul qilish, moliyaviy barqarorlikni har tomonlama baholash metodologiyasini ishlab chiqishga imkon beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Лахтионова Л.Н. Финансовый анализ субъектов хозяйствования: Монография / Лахтионова Л.Н. – К.: КНЕУ, 2011. – 387 с.

2. Тарасенко Н.В. Экономический анализ деятельности промышленного предприятия / Тарасенко Н.В. – К.: Алерта, 2015. – С. 485.

3. Котляр Н.Л. Оценка финансовой устойчивости предприятия на базе аналитических коэффициентов / Котляр Н.Л. // Финансы Украины. – 2016. – № 1. – С. 113-117.

4. Шеремет А. А. Финансовый анализ: Учеб. пособие. / Шеремет А.А. – К.: 2005. – 196 с.

**7-СЕКЦИЯ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИЖТИМОЙ СЕКТОРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА МАРКЕТИНГ ИНСТРУМЕНТЛАРИДАН
ФЙДАЛАНИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
7-СЕКЦИЯ. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МАРКЕТИНГОВЫХ ИНСТРУМЕНТОВ ДЛЯ
РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНОГО СЕКТОРА ЭКОНОМИКИ
7-SECTION. IMPROVING THE METHODOLOGY OF USING
MARKETING TOOLS FOR THE DEVELOPMENT OF THE SOCIAL
SECTOR OF THE ECONOMY.**

**ТИКУВ-ТРИКОТАЖ КОРХОНАЛАРИ МАРКЕТИНГ
ТАДҚИҚОТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**


Махмудов Тохиржон Олимжанович-

Наманган мухандислик технолгия иниституту докторанти

Мамлакатимиз енгил саноати жаҳон бозорларидаги рақибларга нисбатан арзон ресурслар билан таъминланганимизга қарамай, юқори кўшилган қийматли тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналаримиз экспорт салоҳиятини пастлиги ҳисобланади. Бунга сабаб мамлакатимизда яратилаётган маҳсулотларнинг аксарият қисми мода индустриясида юз бераётган ўзгаришларга мос ҳолда ишлаб чиқарилмаётганлиги ҳисобланади.

Тикув-трикотаж корхоналари томонидан яратилаётган маҳсулотларни истеъмолчи талабига мослаштириш, маҳсулотлар бозоридаги кескин рақобатни ҳисобга олган ҳолда уларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда эса, аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти ривожланиб бораётгани, истеъмолчиларнинг даромад ва хоҳиш-истакларининг йилдан-йилга ўзгариб бораётгани, ушбу бозорда янада истиқболли маркетинг тадқиқотлари концепциясини яратишни талаб этади. Бу эса бевосита ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши, халқаро сифат стандартларига жавоб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш имкониятларини кенгайтиришга, аҳолини сифатли ва замонавий дизайн маҳсулотга бўлган талабини янада чуқурроқ ўрганиш, товар ассортиментини кўпайтиришни кун тартибига қўймоқда. Маҳсулотлар бозоридаги энг асосий муаммолардан бири – корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг етарли даражада бозор брендига ёки ўз обрусига эга бўлмасдан маҳсулотга бўлган талабнинг пасайишига сабаб бўлмоқда. Бу каби муаммоларнинг олдини олишнинг оқилона йўли эса бозорни ўрганишда энг замонавий ва такомиллашган маркетинг тадқиқотларининг янги усулларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Бозорни тадқиқ этиш маркетинг тадқиқотларининг маълум бир қисмидир, холос. Фақатгина шартли равишдагина уларни маркетинг тадқиқотларининг асоси деб қабул қилиш мумкин. Бозорни тадқиқ қилиш жараёнида маҳсулотларнинг сотиш мумкин бўлган миқдори, товарлар

характеристикаси, истеъмолчилар гуруҳи, корхона рақобатбардошлиги ва бозордаги ўрни, рекламани ташкил қилиш ва харидорлар истаги аниқланади (1–расм).



1-расм. Тикув-трикотаж бозорини тадқиқ қилиш жараёнида аниқланадиган маълумотлар

Бозорни маркетинг нуқтаи назаридан ўрганиш ўз олдига тикув трикотаж товарларини самарали сотиш имкони, унинг кенгайтириш учун янги сегментлар, сифатини яхшилаш, захиралар ва янги товарлар яратишни, истеъмолчилар талабини қондириш ва юқори фойда олишни мақсад қилиб қўяди. Бу мақсадни амалга ошириш учун чуқур маркетинг тадқиқотлари амалга оширилади. Бозорни маркетинг нуқтаи назаридан тадқиқ қилишнинг вазифаси, ишлаб чиқариш ва унда чиқадиغان товарларнинг бозор ва истеъмолчининг юқори талабларига мослаштиришдан иборат. Буни фирманинг юқори рентабелли, рақобатга бардошли фаолияти асосида амалга ошириш керак. [2]

Маркетинг тадқиқоти ўз олдига ечилиши лозим бўлган вазифалар тўпламини қўяди. Доимий ўзгариб турадиган вазиятни, турли омиллар тўпламининг таъсири, турли фирмалар салоҳиятини ҳисобга олиб, фирманинг маркетинг хизмати олдида қўйиладиган муайян тадқиқот вазифалари рангбаранглигига олиб келади.

Маркетинг тадқиқотлари вазифаси – бозорнинг хулқ-атворини олдида айтиб бериш мумкинлигига эришишдир.



2-расм. Маркетинг тадқиқоти вазифалари [1]

Маркетинг тадқиқоти ўз олдида ечилиши лозим бўлган вазифалар тўпламини қўяди. Маркетинг тадқиқоти вазифалари рўйхати, доимий ўзгариб

турадиган вазиятни, турли омиллар тўпламининг таъсири, турли фирмалар салоҳиятини ҳисобга олиб, фирманинг маркетинг хизмати олдида қўйиладиган муайян тадқиқот вазифалари ранг-баранглигига олиб келади.

Маркетинг тадқиқотларининг энг муҳим босқичларидан бири бўлиб тадқиқот режасини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бунда тадқиқот учун зарур бўлган маълумотлар ва ахборотларни тўплаш манбалари, услублари, қуроллари, танлов ўтказиш тартиботи ва режалари тузилади. Тадқиқот асосланадиган маълумотлар ва манбалардан бир неча мартаба тегишли соҳаларда фойдаланиш, уларни қайта ишлаш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инновацион ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ва мода индустриясини ривожлантиришда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва шу асосида ўз стратегияларини ишлаб чиқиш орқали иқтисодиётда юқори қўшилган қийматли товар ва хизматларни ички ва ташқи бозорларда миллий товарларни кенг ассортиментини яратиш, рақобатбардошлигини ошириш орқали экспорт салоҳиятини ошириш каби имкониятларга эга бўлаемиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Qosimova M.S., Abduhalilova L.T. Marketing tadqiqotlari. O'quv qo'llanma. - T.: TDIU, 2012. - 189 b.
2. Котлер Ф., Келлер К. Маркетинг-менеджмент, 12-е изд., Питер, 2012 – 816 с.
3. А.Солиев Маркетинг асослари-Т, Тошкент молия 2010 369 б.

THE ROLE OF BRANDING IN POSTINDUSTRIAL ECONOMICS

Ruziyeva Dilobar Isomjonovna¹, Kulmatov Jasurbek Chori ug'li²

¹candidate of economic science, docent

²graduate student

A new era of the “information economy” has begun in business, the distinguishing characteristic of which is the change in the fundamental sources of wealth. If earlier these were tangible assets - land, labor, capital, then at present such concepts as “intangible assets”, “intellectual property”, “trademarks”, “branding” and “brand marketing” are penetrating into the sphere of entrepreneurial activity. Brands are turning into a powerful instrument of competition, an instrument for creating business reputation and building consumer confidence. They express the mission of the company and symbolize the corporate potential created by the entire company, including the smallest units.

What the American Marketing Associations [3] provides is “a name, term, sign, symbol, design, or a combination of all this, designed to identify products or services of a single seller or group of sellers, as well as to distinguish goods or services from goods or competitor services” - today is actively criticized by specialists as too narrow and outdated. Therefore, here we give a definition that belongs to one of the


creators of branding theory, David Ogilvy: “A brand is an intangible sum of product properties: its name, packaging and price, its history, reputation and way of advertising. The brand is also a combination of the impression it makes on consumers and the result of their experience in using it” and describes brand broader.

Under the influence of modern conditions, companies are developing stable brand management mechanisms that reflect the characteristics of the integration process, production, scientific, technical and innovative activities, marketing and an increasing orientation to market needs. Branding is being introduced into the management of enterprises of all types and types of activity - it is equally important for a local construction company and for a multinational high-tech company.

Nowadays, many companies in the world ceased classic “price wars” against each other. But the new brand war already begun. We can consider most well-known brands such as Adidas vs Nike, Samsung vs Apple, McDonalds vs Burger King, Coca Cola against PepsiCo and thousands of other examples. As we look closer in these rivalries price is not the most decisive factor. It is not a secret that these rival companies’ products are quite equal in terms of price, quality and characteristics. To find answer why consumers choose one particular brand we need to identify brand benefits.

Identifying brand benefits

Brand DNA is the core of the brand, which carries the internal and external advantages of the brand and brings them to the targeted audience. [1]



1st figure. Structure of Brand DNA

Today we can recognize that in the post-industrial world, brands are no longer limited to purely economic processes. As symbolic particulars that form in the mass consciousness images of goods, firms, individuals and entire states, brands are increasingly used outside the purely economic activities - in politics, social sphere, education, culture - wherever there is a competitive environment and choices when making decisions. So, buying Apple over Samsung or wearing Nike over Adidas means consumers much more only using these products. It is also self-expression, social status for its clients. That’s why these popular brands gain a lot of loyal customers [2].

Second point that we desired to discuss is the challenge for developing countries as Uzbekistan to establish its own national brand in global market. These days, many developing countries are exporting to developed countries products and importing “brands”. Simple example is the cotton. Uzbekistan exports its cotton fiber to

developed countries and import as branded clothes from prestigious couturiers. It happens with different countries in different industries. Nowadays, many local brands are well represented in the food, textile, banking services, pharmacies and retail chains as Evos, Korzinka.uz and others in Uzbekistan. Of course, creating your own brand requires a huge amount of capital, skills and experience. However, in the end, the owners get a lot out of it. Many Uzbek producers have sufficient production and export potential to enter international markets. The most effective tool in capturing new markets is branding, which they can use most effectively.

Do Uzbek products have potential to become successful global brands? Answer is definitely yes. Since international consumers are not well acquainted with Uzbek manufacturers, which gives opportunity to Uzbek manufacturers to create strong brand. Promoting of national brands can also increase recognition of Uzbekistan, too.

We suggest some recommendations to Uzbek companies to build and develop competitive brand:

1. It is necessary to carefully monitor the positive influence that the country of origin of the product has on its perception by consumers, as well as how the stereotypical image of the country can affect brand acceptability. For example, Uzbek fruits and vegetable which are well-known with its organic and delicious taste.

2. If the product is primarily characterized by its high utilitarianism and reasonable price, then it will be perceived positively in the domestic and regional markets. This factor should be considered in the strategy of its positioning.

3. Strategic alliances should be created if the company does not have enough to do it on its own, or try to change the brand's offer depending on the market.

4. If a company is faced with a situation where foreign brands dominate large markets, it should utilize market fragmentation. It should concentrate on particular niche of market. People are often willing to overpay for branded products that meet any special needs that match their particular aspirations and lifestyles. Specialized goods and services are easier to protect after a company manages to enter the market and take a prominent place in it.

5. Another important aspect is human resources. Gathering qualified experts in every department of company is the most essential point creating its reputation of brand in new market.

6. Finding trustable and reputable partner companies to entry new markets and organize timely delivery and manage with complaining claims.

7. Wide introduction of international quality standards (ISO 9001), HALAL, acquaintance of manufacturers with information on standardization and certification of products in foreign markets, etc.

8. Broad use of Social media in promoting its own brand. Effective utilizing SMM in Facebook, Instagram and YouTube will prompt increasing client base from different countries and noticeably decrease advertisement expenditure.

References.

1. Simon Anholt-Competitive Identity: the new brand management for nations, cities and regions.

2. David Ogilvy- Confessions of an Advertising Man.

БАЛИҚЧИЛИК СОҲАСИДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Сарсенбаев Бахитжан Абдулгазиевич

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Маркетинг хизматларини такомиллаштириш ва уларни амалиётга тадбиқ қилиш ҳар қандай тадбиркорлик субъекти муваффақиятининг гарови бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда замонавий маркетинг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни бевосита бозор имкониятларини ҳисобга олган ҳамда уларга мослашган ҳолда амалга оширишни талаб қилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли – мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда “даладан дўконгача” бўлган узлуксиз занжирни яратишдир” [1].

Умуман олганда маркетинг инсон эҳтиёжини қондириш мақсадида маҳсулотни ишлаб чиқариш, реализация қилиш, истеъмолчига сотишни ташкил қилишга йўналтирилган хизмат кўрсатиш мажмуасидан иборат бўлиб, айнан сақлаш муддати қисқа бўлган озиқ-овқат товарлари, уларнинг турлари бўйича маркетинг фаолиятини шакллантириш ва такомиллаштириш масаласи ушбу йўналишдаги тадбиркорлик субъектлари учун алоҳида аҳамият касб этади [2]. Хусусан, балиқ маҳсулотлари бозорида маҳсулот етиштириш, овлаш, сақлаш, тақсимлаш ва истемолчигача етказиб беришни тўғри ташкиллаштирилиши хўжаликлар фаолияти самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Соҳа ривожини таъминлашда балиқ хўжаликларида самарали маркетинг фаолияти ташкил қилиш масаласи долзарблик касб этади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда илмий тадқиқот ишларимиз натижаларига асосланиб, балиқчилик хўжаликларида маркетинг фаолияти ташкил қилишнинг намунавий схемасини келтириб ўтамиз (1-чизма).

Таклиф қилинаётган схемани амалиётга тадбиқ қилиниши балиқчилик хўжаликлари самарадорлигини ошириш, мавжуд бозор сегментларини тўлароқ қамраб олиш ҳамда истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш жараёнларини оптималлаштириш, уларни талабини янада тўлароқ қондириш имкониятини яратади.

Маркетинг фаолияти бозор субъектлари орасидаги фаолият натижасини имкон даражасида юқори манфаатдорликка эга бўлишини таъминлаш мақсадида ўзаро алоқа ва боғлиқликни йўлга қўйиш механизми ҳисобланади [3]. Балиқ маҳсулотлари бозорида унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар йиғиндисини йўлга қўйиш билан белгиланади.



1-чизма. Балиқчилик хўжаликларидан маркетинг фаолиятини ташкил этишнинг намунавий схемаси

Шунинг учун ҳам, балиқ маҳсулотлари бозоридаги маркетинг фаолияти бозорда иштирок этувчи балиқ маҳсулотлари етиштирувчилар ва истеъмолчилар билан ишлашни йўлга қўйиш демакдир (2-расм).



2-расм. Балиқ ва балиқ маҳсулотларини етиштиришдан истеъмолчигача бўлган ҳаракат

Хўжалик бирликлари амалга ошираётган тажрибаларни ўрганган ҳолда, балиқ маҳсулотлари бозорида маркетинг фаолиятининг шаклланиши, уни амалда қўллаш имкониятлари ва ривожланиш истиқболларини ўрганиш талабларидан келиб чиқади.

Бугунги кунда балиқчиликни ривожлантириш мақсадида давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш, балиқ хўжаликлари соҳаларида

ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, улар манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда мавжуд иқтисодий имкониятлардан самарали фойдаланиш масалаларига катта эътибор бериш лозим бўлади. Балиқ маҳсулотлари маркетинги фаолиятдан фойдаланиб балиқ етиштириш ва уни аҳолига етказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ёхуд тартиблаштириш лозим бўлади. Бу ерда балиқ маҳсулотлари етиштиришда банд бўлган тадбиркорлик субъектларининг мулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Шу сабабли, стратегик нуқтаи назардан, давлат ҳар доим иқтисодиётда ва умуман жамиятда барқарорликни сақлаш жараёнларига катта эътибор билан қарайди ва шу орқали тадбиркорлар капиталларини кўпайтириши билан боғлиқ бўлган хавф-хатарни олдини олиш учун зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

Ҳозирда давлат қўшимча маблағ топиш имкониятини берадиган ва қишлоқдаги ишсизликни камайтиришга хизмат қиладиган балиқ хўжаликларини, соҳа вакиллари ва фермерлар, шунингдек, балиқ савдосига алоқадор воситачиларни фаол ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Бу билан мамлакатдаги балиқ етиштиришни устувор йўналиш сифатида қайд қилган ҳолда озиқ-овқат хавфсизлигини кучайтирмоқда ҳамда аҳолини балиқ таркибидаги юқори сифатли оқсиллар билан таъминлашда бевосита иштирок этмоқда.

Балиқ маҳсулотлари юқори колорияга эга бўлган, инсонлар истеъмоли учун жуда ҳам зарур неъматлардан бўлиб, нарх-навонинг ўсиши ҳолатида ҳам бу маҳсулотга бўлган талаб камаймайди. Мамлакатнинг ўзида етиштирилаётган балиқ маҳсулотлар инсонлар фаолияти билан чамбарчас боғланган бўлиб, бу маҳсулотнинг етиштирилиши ва таклифи фақат юқори даражадаги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти билан ўлчанмасдан, балки самарадорлик нуқтаи назаридан ҳам ҳисобга олиниб, миллий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган йўналишлар орасида юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Балиқ маҳсулотлари савдосида бозорида сотувчилар қиёфасида аксарият ҳолларда бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, воситачилар ва қишлоқ хўжалигида банд бўлмаганларнинг ҳам сотувчи сифатидаги иштироки фаоллашиб бораверади. Юқорида келтирилган йўналишларда маркетинг фаолиятларини ташкил қилиш ҳамда такомиллаштириш соҳа ривожини таъминлаш ҳамда самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
2. Эргашходжаева Ш. Дж, Самадов А.Н, И.Б.Шарипов. Маркетинг. Дарслик. – Т.:Иқтисодиёт, 2013. –339 б.
3. Эргашходжаева Ш.Дж. Маркетингни бошқариш. Дарслик. –Т.: ТДИУ, Иқтисодиёт, 2017. –219 б.

ФАКТОРЫ И УСЛОВИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ В ИННОВАЦИОННОЙ СФЕРЕ

Баймирзаев Бахтиёр Жуманазарович

Соискатель Ташкентского государственного технического университета
имени Ислама Каримова, доцент

E-mail: b.baymirzaev@tdtu.uz

Современное состояние мировой экономики характеризуется непрерывно прогрессирующим ростом конкурентоспособности национальных экономик на основе научно-технологических инноваций.

На современном этапе динамичное развитие рыночной экономики невозможно без создания государственного механизма по поддержке и стимулированию инновационной деятельности в научно-технической сфере. В настоящее время именно научно-технические инновации определяют уровень конкурентоспособности национальных товаров и всей экономики в целом в глобализирующейся мировой системе. В индустриально развитых странах государство является главным стимулирующим, поддерживающим началом и даже в некоторых случаях вектором, определяющим направление инновационного развития национальной экономики. Необходимо отметить, что государственное регулирование инновационной сферы взаимосвязано с инвестиционной политикой государства, финансирующей фундаментальные научные исследования и высокорисковые инновационные проекты.

Государство осуществляет все виды регулирования инновационной деятельности – организационное, экономическое, финансовое, нормативно-правовое. Государство создает организационные, экономические и правовые условия для инновационной деятельности.

Экономические факторы государственного регулирования, способствующие созданию, освоению и распространению инноваций:

- развитие рыночных отношений;
- проведение налоговой политики и политики ценообразования, способствующих росту предложения на рынке инноваций;
- создание выгодных налоговых условий для ведения инновационной деятельности всеми субъектами;
- обеспечение эффективной занятости в инновационной сфере;
- расширение спроса на инновации;
- предоставление финансовой поддержки и налоговых льгот предприятиям республики, осваивающим и распространяющим инновации;
- содействие модернизации техники;
- развитие лизинга наукоемкой продукции;
- активизация предпринимательства;
- пресечение недобросовестной конкуренции;
- поддержка отечественной инновационной продукции на международном рынке;

- развитие экспортного потенциала страны;
- развитие внешнеэкономических связей в инновационной сфере;
- внешнеэкономическая поддержка, включая предоставление таможенных льгот для инновационных проектов, включенных в государственные инновационные программы.

Организационные факторы государственного регулирования инновационной деятельности:

- государственная поддержка инновационных проектов, включенных в государственные и региональные инновационные программы;
- содействие развитию инновационной инфраструктуры;
- кадровая поддержка инновационной деятельности;
- содействие подготовке, переподготовке и повышению квалификации кадров, осуществляющих инновационную деятельность;
- информационная поддержка инновационной деятельности (обеспечение свободы доступа к информации о приоритетах государственной политики в инновационной сфере, к сведениям о завершенных научно-технических исследованиях, которые могут стать основой для инновационной деятельности;
- содействие интеграционным процессам, расширению взаимодействия субъектов в инновационной сфере, развитию международного сотрудничества в этой области;
- защита интересов отечественных субъектов инновационной деятельности в международных организациях.

Финансовые факторы государственного регулирования инновационной деятельности:

- проведение бюджетной политики, обеспечивающей финансирование инновационной деятельности;
- направление в инновационную сферу государственных ресурсов и повышение эффективности их использования;
- выделение прямых государственных инвестиций для реализации инновационных программ и проектов, важных для общественного развития;
- создание благоприятного инвестиционного климата в инновационной сфере;
- предоставление дотаций, льготных кредитов, гарантий местным и иностранным инвесторам, принимающим участие в инновационной деятельности;
- снижение отчислений республиканским субъектам налогов в республиканский бюджет в случае использования ими своих бюджетных средств для финансирования республиканских инновационных программ и проектов.

Нормативно-правовые факторы государственного регулирования инновационной деятельности:

- установление правовых основ взаимоотношений субъектов инновационной деятельности;
- гарантирование охраны прав и интересов субъектов инновационной деятельности, в частности, охраны таких наиболее существенных для развития инновационной деятельности прав, как интеллектуальная собственность.

Нормативно-правовое регулирование взаимоотношений между субъектами инновационной деятельности, а также между ними и другими участниками инновационного процесса осуществляется на основе договоров (контрактов):

- на выполнение научно-исследовательских, опытно-конструкторских и технологических работ;
- на выполнение проектных и изыскательских работ;
- по оказанию услуг для осуществления инновационной деятельности;
- на страхование инновационных рисков;
- на выполнение инвестиционных проектов;
- на выполнение иных работ, предусмотренных законодательством.

Регулирование инновационной деятельности происходит на базе инновационных прогнозов, инновационных стратегий, инновационных программ, инновационных проектов, программ и проектов поддержки инновационной деятельности.

Список использованной литературы

1. Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-3698 от 7 мая 2018 года «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в сферы и отрасли экономики».

2. Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент: Учебник. - СПб.: Питер, 2007.

3. Инновационный менеджмент: Учебник / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. Б.Н. Чернышева. – М.: Вузовский учебник, 2009. – 464 с.

4. Махкамова М.А., Аллаева Г.Ж. Теория инновационного менеджмента. Монография. – Т.: «Фан ва технология», 2019. – 120с.

5. Медынский В.Г. Инновационный менеджмент: Учебник. - М.: ИНФРА, 2005. – 295 с.

6. Морозов Ю.Л. Инновационный менеджмент: Учеб. пособие. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.

ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Акбаров Музаффаржон Мирмухсинович

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти мустақил изланувчиси

E-mail: akbarov-m@mail.ru

Тўқимачилик корхоналари маркетинг фаолияти натижадорлигини баҳолаш натижасида ушбу фаолиятни яхшилаш натижасида корхона пировард мақсадларига эришишидаги фойдаланилмаётган имкониятларни излаб топиш мумкин бўлади. Шунини таъкидлаш лозимки, маркетинг фаолияти натижадорлигининг ошишида тўқимачилик корхонасидаги мавжуд бошқарув тизимида маркетинг бошқарувининг самарали ташкил этилганлиги, ушбу фаолиятнинг танланган стратегик мақсадларни амалга оширишга мослиги,

ташкилий тузилманинг такомиллашганлиги, ушбу ташкилий тузилмада маркетинг хизматининг мавқеи масаласи кабилар муҳим ролни эгаллайди.

Корхоналарда маркетинг бошқаруви самарадорлигини баҳолашда олимлар томонидан бир қанча йўналишда тадқиқотлар олиб борилган [1,2,]. Хусусан, тўқимачилик корхоналарида маркетинг бошқаруви масала Турсунов Н. томонидан амалга оширилган. Муаллиф томонидан Б.А.Соловьев томонидан ишлаб чиқилган ва В.Похомов ҳамда И.Пономаренко томонидан такомиллаштирилган услубга кўра тўқимачилик корхоналари маркетинг фаолиятини бошқариш самарадорлиги баҳоланган. Шунингдек, А.Тиллаходжаев томонидан ҳам тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини ошириш масаласини ўрганиш жараёнида тўқимачилик корхоналарида маркетинг бошқаруви ҳолати ўрганилган.

Маркетинг бошқарувини ташкил қилиш бўйича доимий ва режа асосидаги ишлар унинг даражасини тавсифлайдиган ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизими асосида амалга оширилиши лозим. Бунда уни яхшилаш ва бошқарув тизимига жорий қилиш мақсадида ишлаб чиқиладиган чора-тадбирларни баҳолаш ва мавжуд маркетингни ташкил қилиш таҳлилин юритиш бўйича илмий асосланган тавсиялар зарур. Бунинг учун дастлаб корхона маркетинг тизимининг ҳолатини баҳолаш лозим. Маркетинг бошқаруви самарадорлик даражасини тўқимачилик корхоналарининг маркетинг салоҳиятини таҳлил қилиш; маркетинг аудити ва тафтиши; тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш муаммоларини ўрганиш асосида маркетинг самарадорлигини аниқлаш ёрдамида баҳолаш мумкин. Бундан ташқари, рақобатбардошлик ва маркетинг бошқаруви самарадорлигининг айрим жиҳатларини билвосита баҳолаш имконини берадиган ташкилий тартибдаги омилларни ўрганиш усуллари тўплами мавжуд.

Тадқиқот жараёнида корхоналарда маркетинг бошқаруви самарадорлигини баҳолашнинг Б.А.Соловьев томонидан ишлаб чиқилган ва В.Похомов ҳамда И.Пономаренко томонидан такомиллаштирилган услубни ўрганишни лозим топдик.

Маркетинг самарадорлиги омилларини тавсифлашга энг комплексли ёндашув Б.А.Соловьев томонидан таклиф этилган корхоналар маркетингини бошқариш тизими концепциясида мавжуд [3].

Юқорида таъкидланганидек, ушбу концепцияга мувофиқ маркетинг бошқаруви (МБ) – 3 даражада фаолият кўрсатадиган корхоналар бошқаруви куйидаги куйи тизимидир: фаолиятни бошқариш (ФБ); вазифани бошқариш (ВБ); талабни бошқариш (ТБ).

Фаолиятни бошқариш – маркетинг бошқаруви тизимида стратегик аҳамиятга молик йўналиш бўлиб, унга иккита бошқа йўналиш принципал равишда боғлиқ саналади. Маркетинг фаолиятини бошқариш концепцияси энг юқори даражада шакллантирилади ва корхона бошқарув тизимига интеграцияланади. Ташкилот муайян фаолияти кесимида реал бошқарув жараёнлари маркетинг вазифасини бошқариш тизими ёрдамида амалга оширилади. Бевосита маркетинг хизмати томонидан амалга ошириладиган ва

товарлар/хизматларга талабни яратишга йўналтирилган маркетинг тадбирлари тўқимачилик корхоналари маркетинг бошқаруви тизимида талабни бошқариш предмети ҳисобланади.

Шундай қилиб, маркетинг бошқаруви самарадорлигини маркетинг бошқаруви учта даражаси (кўрсаткичи) самарадорлиги сифатида кўриб чиқиш зарур:

$$\text{Э (БС)} = f (\text{Э(ФБ)}, \text{Э(ВБ)}, \text{Э(ТБ)}) \quad (1)$$

Бизнингча, Б.А.Соловьев маркетинг бошқаруви тизимининг таркибий тузилмасини етарли даражада тўлиқ тавсифлаб, шу билан бир пайтда уни узил-кесил таркиблантирмаган ва унинг самарадорлигини баҳолаш услубиятини таклиф этмаган. Саноат корхонаси маркетинг бошқаруви тизими самарадорлигини баҳолаш услубияти В.Похабов ва И.Пономаренко томонидан юқорида баён қилинган таркиб асосида ишлаб чиқилган. Шу билан биргаликда ушбу таклиф этилган услуб бозор иқтисодиётига ўтиш шароитини ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлиб, корхоналарнинг келгусида ривожланиш ҳолатини ҳисобга олмаган ҳолда унинг маркетинг бошқаруви ҳолатини баҳолашга имкон бермайди. Бозор шароитида бир қатор омиллар рақобатбардошлик ва маркетинг бошқаруви самарадорлигига ўз таъсирини йўқотади, бошқалар эса, аксинча, рақобатбардошлик ва маркетинг бошқаруви жараёнига фаол таъсир кўрсата ва уларни кўшимча равишда ўрганиш талаб этилади. Шу боисдан, биз томондан тўқимачилик корхоналарида маркетингни бошқариш самарадорлигини баҳолаш учун ишлаб чиқилган маркетинг натижадорлиги интеграл кўрсаткичини ушбу услуб таркибига киритишни лозим топдик. У ҳолда тўқимачилик корхоналарида маркетингни бошқариш самарадорлиги қуйидаги тўрт даражаси (кўрсаткичи)ли самарадор сифатида баҳоланади:

$$\text{Э (БС)} = f (\text{Э(ФБ)}, \text{Э(ВБ)}, \text{Э(ТБ)}, \text{Э(МН)}) \quad (2)$$

Бизнинг фикримизча, мазкур услубият бир қатор масалаларни ҳал этишга имкон беради: биринчидан, тўқимачилик корхонасини бошқариш жараёнининг маркетинг таркибий қисмини ўрганиш; иккинчидан, тармоқ, минтақа ва ҳ.к.да тенденцияларни комплексли ўрганишда маркетинг бошқаруви ҳолатини аниқлаш; учинчидан, рақобатбардошлик ва маркетинг бошқарувида ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни аниқ ажратиш ва ифодалаш; тўртинчидан, бутун тўқимачилик корхоналари персонали тушуниши учун очиқ бўлган натижалар бериш. Тадқиқот ишида маркетинг бошқаруви самарадорлигини ўрганишнинг омилли усули Ўзбекистон тўқимачилик саноати қатор корхоналарида маркетинг бошқаруви даражасини баҳолашга асос қилиб олинган. Бунда таҳлил маркетинг бошқаруви тизимининг ҳар бир таркибий қисми бўйича амалга оширилган.

Тўқимачилик корхонасида маркетингни ташкил қилишда самарали ишлашга хизмат қиладиган ёки тўскинлик қиладиган жамоадаги психологик муҳит ва маркетинг хизмати ходимларининг сифат таркибини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Drucker P, Management: Tasks, Responsibilities, Practices. New York: Harper & Row. 1973. PP. 64-65.
2. Ойнер О.К. Управление результативностью маркетинга: учеб. для магистров. 3-е изд., перераб. и доп. М.: Юрайт, 2012.
3. Соловьев Б.А. Управление маркетингом: 17-модульная программа для менеджеров «Управление развитием организации». Модуль 13. - М.: ИНФРА-М, 1999, - с. 8.
4. Тилляходжаев А.А. Тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегиялари. Иқт. Фанлари бўйича ф.ф.д (PhD) илм. Дараж. олиш учун ёзилган адис. Автореферати. – Т.ТДИУ, 2018. – 24б.

IQTISODIYOTNI STRATEGIK RIVOJLANTIRISH SHAROITIDA TURISTIK MAHSULOTLAR TAKLIFINI MAVSUMIYLASHTIRISH XUSUSIYATLARI VA RIVOJLANISH TENDENTSIYALARI.

Xamzayeva Dilfuza Samarovna

Termez davlat universiteti o'qituvchisi.

E-mail: dilfuza.hamzayeva@mail.ru

Bugungi kunda turizm jahon iqtisodiyotining eng tez rivojlanayotgan tarmoqlaridan biridir. Ushbu sektor global milliy mahsulotning qariyb 6 foizini, global investitsiyalarning 7 foizini va global iste'mol xarajatlarining 11 foizini tashkil qiladi. Ba'zi mamlakatlar uchun turizm muhim va ba'zan yagona daromad manbai hisoblanadi. Bundan tashqari, turizm mamlakat va uning xalqlarining tarixi, madaniyati, urf-odatlarini, ma'naviy va diniy qadriyatlari bilan tanishish imkoniyatini beradi. Shuning uchun sayyohlik faoliyati bilan bog'liq barcha masalalar dolzarbdir.

Shu munosabat bilan, shuni yodda tutish kerakki, turizm bozori va unga aloqador turistik sanoat korxonalarining faoliyati turistik xizmatlarga bo'lgan talabning keskin mavsumiy o'zgarishiga duch keladi. Buning sababi, turizm sohasi, boshqa ko'plab iqtisodiy (ishlab chiqarish) sohalar kabi siklik yoki mavsumiylik bilan ajralib turadi. Sayyohlik kompaniyalari narx siyosatida mavsumiylik omili muhim rol o'ynaydi, undan keyin turistik xizmatlar bozorida narxlarning mavsumiy o'zgarishini tahlil qilish marketing tadqiqotlarining yo'nalishlaridan biri hisoblanadi. Mavsumiylik tendentsiyalari va asosiy tendentsiyalarini bilish yangi sayyohlik mahsulotlarini loyihalashda, reklama kompaniyasini rejalashtirishda va boshqa ko'p narsalar uchun ham zarurdir.

Turistik bozor iqtisodiyotning jadal rivojlanayotgan sohasi bo'lib, uning o'ziga xos xususiyati siklik xarakterga ega. Sikliklik asosiy tendentsiyalarni takrorlash va rivojlanish intensivligini anglatadi. Sikliklikning ikki turini ajratish mumkin[1]:

➤ iqtisodiy siklik, ya'ni juda uzoq vaqt va bir necha yillarni o'z ichiga olgan. Bunday sikliklik uzoq muddatli rejalashtirish va tahlil qilish uchun zarurdir, chunki u bozor mexanizmining asosiy qonunlarini aks ettiradi;

➤ kichik yoki mavsumiy sikllar. Uning vaqt oralig'i bir yilgacha. Bu mavsumiy va iqlim o'zgarishiga ko'p yoki kamroq mos keladi.

Shunday qilib, siklik - bu vaqt o'tishi bilan muntazam ravishda takrorlanib turadigan uning rivojlanish darajasi, vektori, tezligi va tabiatining o'zgarishi[2]. Mavsumiylik yoki mavsumiy tebranishlar bilan ular ijtimoiy-iqtisodiy hodisalarning yillik miqyosdagi dinamikasining barqaror yoki kamligini anglatadi. Ularning sabablari mahsulotni etkazib berish xususiyatlari, iste'molchilar talablari, ko'rib chiqilayotgan davrning turli vaqtlarida iqlim sharoitlarining o'zgarishiga qarab xarajatlarning o'zgarishi va boshqalar. Boshqacha qilib aytganda, mavsumiylik talab va taklifning yil davomida va doimiy takrorlanib turadigan o'zgaruvchan dinamikasini anglatadi. Mavsumiy tebranishlarni o'rganishning amaliy ahamiyati shundan iboratki, yillik ichki dinamikani tahlil qilish natijasida olingan miqdoriy ko'rsatkichlar yillik siklning oylari (choraklari) bo'yicha o'rganilgan hodisalarning rivojlanish xususiyatlarini aks ettiradi.

Turizm bugungi kunda sivilizatsiya shakllanishining belgisi, dunyoni anglash vositasi, madaniy darajani ko'tarish va sayyohlarning sog'lig'ini tiklash usuli hisoblanadi. Turizm iqtisodiyotning bir tarmog'i ekanligiga asoslanib, turistik talab va turistik taklif kabi asosiy tushunchalarni o'z ichiga olmasdan turib amalga oshirish mumkin emas, bu esa o'z navbatida turizmni iqtisodiy soha sifatida tushunishda muhimdir.

Sayyohlik xizmatlari bozoridagi eng muhim bo'g'in talab bo'ladi. Turistik talab - xaridorning (turistning) naqd pul bilan ta'minlangan turistik mahsulotni taqdim etish talabi. U uchta asosiy turni o'z ichiga oladi: haqiqiy - talab aniq ko'rinadi, iste'molchi turistik mahsulotga ehtiyoj sezadi va uning ehtiyojini qondirishi mumkin; yashirin - xaridor ta'minot etishmasligi tufayli o'z ehtiyojlarini qondira olmaydi; nol - xaridor turizm mahsulotiga qiziqish bildirmaydi [3].

